

САЪДУЛЛА СИЁЕВ



Хоразмнинг  
сўнги маликаси



84 / 821.512(15) - 3  
C-33

САЪДУЛЛА СИЁЕВ

# Хоразмнинг сўнгги маликаси

Қиссалар  
Ҳикоялар  
Бадиалар



YANGIARIQ TUMANI  
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI  
7900

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2014


XORAZM VILOYATI  
YANGIARIQ TUMANI  
XAIQ TA'LIMI BOLIM  
AXBOROT RESURS  
MARKAZI  
77666

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(5Ў)6  
С33

Устоз ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг исмини эшитганингиздаёк юзингизга табассум югуради. Чунки у кишининг ҳажвий ҳикоялари, ичакузди хангомалари газета, журнал саҳифаларида, телевидениедаги ҳажвий ва юмористик кўрсатувларда кўп йиллардан бери миллион-миллион кишиларга самимий кулги улашиб келган ва келмоқда. Муаллифнинг илк ҳикоялари билан 1963 йилда кўз очган ижод булоғи хануз қайнаб-тошиб турибди. Бу йиллар давомида Саъдулла ака 30 дан зиёд катта-кичик китобларни чоп эттирди. Роман, кисса, ҳикоя, ҳажвия, бадиаларининг бир қанчаси рус тилида босмадан чиққан. «Аҳмад Яссавий» романи Хитойда уйғур тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

«Оғир вазли жанжалкаш», «Эркаклар эртаги», «Ёлғончининг рост гапи» каби ўнлаб тўпламлар, «Аваз» романи ва бошқа кўплаб кулдиргувчи ва ўйлатгувчи асарлари аллақачонлар халқимизнинг кўнгил мулкига айланиб улгурган.

Мазкур тўпламга ҳам адибнинг эллик йиллик ижод маҳсули намуналарининг қаймоғи сузиб олинди... Қолган гапларни китоб мутолаасидан сўнг сўзлашармиз...



Succarap



## БИР ЧОРА ЗАМОН ИСТАБ



### ТИЛЛА ҚАФАСДАН ҚУТУЛИШ



Тозабоғ ортда қолди. Саройнинг фиску фужурга, разолатга тўла рутубатли ҳавоси, мрамар ховузлардаги фавворалар салқини, бир-бирини ғажиб ташлашга тайёр сипоҳиларнинг қонталаш кўзлари, шоҳона базмлар олдидан бўладиган мушоиралар, ўтмишга чекинди.

Аваз қибла томондаги дарвозадан чиқиб, юз қадамча юрди. Хавотирланиб ортига ўгирилди. Дарвозада тиззаларига мис қалқон қопланган, қурол-яроғли икки соқчи турар, найзаларини хиёл букчайтириб олган кўйи бир-бирига гап уқтирарди.

... Сайҳонлик тугаб, туташ боғлар кўринди. Аваз дарахтзор ичига кирди. Қалами тўнини ечиб, бир четга буклаб қўйди. Ариқчадан оқаётган муздек сувда бет-кўлини чайди. Мадали белбоғини олиб артинди. Сўнг бир туп гужум ортида ялтираб турган осмон парчасига боқиб, ўйга толди.

Бугун у саройдан мутлақо бош олиб кетди. Энди унга хоннинг зар попукли дастурхони ҳам, ислимий нақшли саккиз газлик баланд қопқаси ҳам ёпик. Бу қопқани Аваз ўзи ёпди. Қайтиб кирмайдиган бўлиб, маҳкам ёпди. Билади, унинг бу қилмишини хон кечирмайди. Аммо, на чора, юрак дегани хонга фуқаро эмас экан, кўнгилга амру фармон бекор экан.

Кичкина ариқча қумуш кўнғирок чалиб илгари чопқиллайди. Аваз сувга хаёлчан тикилди. Гўё ариқда унинг гоҳи бахтиёр, гоҳи азиятли хотиралари оқиб кетаётгандек эди. Аваз саройда кечган йигитлик йилларини эслади. Уни саройга ғазал деб аталмиш бир соҳираетақлабкелган эди. Хевахонлигидагиминг-минг қорачопонлик қашшоқларнинг бири – сартарош ва табиб Полвонниёз Гадойниёз ўғли Ўтар бобонинг тўнғич фарзанди, ёш муллавачча Аваз таъби назми туфайли саройдаги аҳли фузалого қўшилди. Мухаммад



Раҳимхони сонийнинг аржуманд дастурхонига етишди. унинг шоҳона суҳбатларидан баҳраманд бўлди. Сарой шоирларининг сардори Аҳмаджон Табибий азалдан Ўтар бобо хонадонига яқин, келиб-кетиб, машҳур табибдан муолажа илмини ўрганиб турарди. Табибий ёш Аваздаги иқтидорни дарҳол пайқади. Бу йигитнинг шеърларидаги фасоҳат, топқирлик, ўзга назмгўйларда кўринмайдиган ички бир рухий қудрат, унинг қувваи ҳофизаси донгдор шоирни мафтун этди. У Авазни шогирдликка тилади. Ўтар бобо ўғлининг чўрткесар, ҳақ деган еридан қайтмаслигини биларди, шунинг учун аввалига: «Ола оғизлик қилиб, хоннинг қаҳрига учрамаса кошқийди», деб хавотирланди. Кекса отанинг умри заволга қараб борар, Аваз эса оталик нашъасини энди сура бошлаган эди. Ўтар бобо набираларининг насибасини ўйлади, хоннинг ҳайру эҳсонига кўз тутиб, Авазни Табибийга топширди.

Аваз хон ҳузурида тикка туриб илк дафъа шеър ўқиган кунини яхши эслайди. Аввал устод Табибий ёш шоирнинг нуктадонлигини обдан мақтади, истиқболдан башорат қилди, «ҳазрати олийларининг шуаро ила музайян бўлмиш муборак саройларига Аваз отлиғ бир ёруғ юлдуз бош уриб» келганини сўзлади. Сўнгра хон имоси билан Аваз ғазал айтди. Таомилга кўра, хон ҳузурида ерга қараб сўзланар, хон кўзига тик боқмоқлик гумроҳлик саналарди. Аваз бундан беҳабармиди ёки одатий қайсарлиги кўзидими, Муҳаммад Раҳимхоннинг сийрак, қўнғирга мойил сокол-мурти, салласидаги ёқутранг жиғаси, сокин қўйкўзларига дадил боқиб, ғазал ўқишга тушди. Табибий бир қадамча ортда турарди. Ҳар байтдан сўнг, у: «Хоним, абёти сизга мақбулми, биз ҳам одам танлашни биламиз», дегандек ялтоқланиб кулимсирайди. Феруз Авазнинг тоза эғни-бошига, текис қузалган мўйлови, барра соқолига, дўланадай кичкина, ўтли, қоп-қора кўзларига синовчан тикилади.

Ғазал битди. Аваз енгил қуллук қилди. Табибий хушомадона нимадир деди. Хоннинг лаблари қимирлагандай бўлди.

– Дийдаси қаттиқ экан. Бундай кимсаларда садоқат рамзи бўлмағай. Илло, абёти тузук. Биз саройга қабул этдик.

Кейин хон Авазнинг бир байтини ёдаки айтди. Ғазалдаги сакталиқка ишора қилиб, уни ўзи тузатиб ўқиди. Аваз Муҳаммад

Рахимхоннинг хотирасига, шеърятни нозик тушунишига лол қолди. Ўзича мулоҳаза қилиб, хоннинг таҳририга қўшилди. «Феруз деганларича бор экан. Олло насиб этса, минбаъд мана шу Феруз даргоҳида мушоира қилажаксан, Аваз!»

У саройда беш йил қолиб кетди. Беш йилда неларни кўрмади бу боши! Аввалда у муштоқона бир кайфиятда саройга шошиларди! У ердаги илми адаб, илми ҳикмат хусусидаги гурунлар, қизғин мушоиралар, баҳсу мунозаралар мадраса таълимию устодлар баёзидан бўлак нарсани кўрмаган ёш шоир учун тамомила янгилик эди. Аваз бир нимага ҳайрон бўларди. Саройдагиларнинг барчаси – шариат пешволаридан тортиб то кичкина амалдоргача шоирлик даъво қиларди. Дастлаб Аваз бу «назмгўйлик» Ферузга хушомад тарзида бўлаётганини англамади. У бир умр маъшуқасига интилиб, ниҳоят, унинг васлига етган бахтиёр ошиқдай, шеърят бўстонига қулоч ёйиб кирди. Устоз Табибийнинг ташбеҳларига разм солди, Баёнийга эргашди, Муҳаммад Ҳасан Мутрибни оға тутинди, эски дўсти, олашовур – шўх Чокарнинг ёнидан жилмайдиган бўлди. Эл қатори хонга бағишлаб қасидалар тўқиди...

Авазнинг овозаси таралиб, ғазаллари қўлма-қўл бўла боргани сари сарой унга торлик қила бошлади. У анчадан бери саройни тарк этишни кўнглига тугиб қўйган, аммо нимадир бунга монелик қиларди. Журъатсизликми, ҳамфикр дўстларининг тасаллисими, оила ғамими, ёхуд қари отасининг сабр-бардошга ундовчи насихатларими – нимадир йўлига ғов эди. У икки ўт орасида қоврилар, ғарибона озодлик ила шоҳона тилла қафас ўртасидаги муаллақ бир маконда сарсону саргардон эди...

Аваз ўрнидан турди. Ёлғизоёқ йўлдан сув ёқалаб йўлга тушди. Ҳамалнинг охирлари. Сув бўйида ям-яшил барра кўкатлар. Осмонда озод қушлар ўйнаб-ўйнаб парвоз қилади. Машҳур Рафаник боғлари қўйнидан эркин шамоллар эсади. Улар шоирнинг маҳзун хаёлларини тарқатмоқчидек юз-кўзини сийпалайди.

У кетиб боряпти. Олдинда ўзини қандай қисмат кутиб турганини билмайди. Ибтидо бошланган, интиҳога ҳали узоқ, ўртада – умр деб аталмиш чигал, баҳор ҳавосидек гоҳ қуёшли, гоҳо булутли кунлардан иборат бир бўшлиқ.

У жим кетиб боряпти. Рухида енгил бир сокинлик ва қаноат билан шошмай қадам ташлайди. Кўкси чайқалади. Ўйлари, ҳислари сўзларга, сўзлари сатрларга айланади. Шоир беихтиёр пичирлайди...

Намози шом вақти у ўзи туғилиб ўсган кадрдон маҳалласи – Меҳтаробод томон бурилди. Ич-ичидан тўлқин уриб бир хайкирик келди: «Тилла қафасдан кутулган фарзандингга кўзойдин<sup>1</sup> айт, Меҳтарободим!»

## ИНТИҚОМ УРУҒИ

Кўхна Арқдан шундок чиқаверишда, ўнг кўлда – зиндон. Рўпарада Мадрайимхон мадрасаси. Зиндон ёнидан бир арава сиғадиган тор кўча ўтган. Эллик кадамча юрсангиз, Муҳаммад Аминхон Мадрасасига борасиз. Ундан ўтиб дарвоза орқали Дешан қалъага чиқиш мумкин. Мана шу кўчанинг ўртарағида, Қалта минор тумшуғида Ўтар бобонинг сартарошлик дўкони бор. Уни Ўтар бобо кўп йиллар илгари, Хевани ўрис аскарлар забт этмасдан бурун сотиб олган. Аваз гоҳо отасидан, бошқа ер куриб қолганмиди, нега бу ердан олдингиз, дея сўраб қўярди. «Мен эмас, хон олдириб дўконни, – дейди ота ковоқ солиб, – ихтиёр менда бўлса, хоннинг ўрдасига яқин келармидим? Подшоларнинг кўзидан нарироқ турган яхши, болам». Бу ҳақ гап. Ўтар бобонинг отаси Гадойниёз бобо ҳам хон табиби эди, сарой одамларидан ҳисобланарди. У оламдан ўтгач, тахтга шахзода Муҳаммад Раҳимхон ўтирди. У Полвонниёзни саройда табиб қилиб олиб қолди. Ёш табиб ёш хондан бир дўкон қурмокка изн сўраганида ҳазрат рози бўлдию, Арқнинг рўпарасидан жой кўрсатди. Эҳтимол хон табибни истаган пайтда топиш осон бўлсин, деб шундай қилгандир. Хуллас, кўшалок бўйрадек келади-ган ерда Полвонниёз табиб сартарошлик дўкони очди.

Табиб хонга садоқат билан хизмат қилди. Ўзи мадраса кўрмаган чаламулла бўлса-да, зийрак ва абжир эди. У Хевада «Кўли енгил сартарош» деб ном чиқарди. Хонзодалар, тўралар, саройдаги эътиборли сипоҳийларнинг фарзандларини суннат қилиб, аҳли мусул-

---

<sup>1</sup> Кўзойдин – муборакбод.

мон каторига киритиш Полвонниёзнинг бўйнида эди. Йиллар ўтиб, Полвонниёз деган ном аста-секин унутилиб, унинг лақаби азбаройи хурмат Ўтар<sup>1</sup> бобога айланди. Хон табобат, муолажа масалаларида Ўтар бобога тез-тез маслаҳат солар, унинг сўзини инobatсиз қолдирмас эди. Саройда хоннинг кўзига тик боқиб, кўнглига келган гапни тап тортмай айта оладиган жасур ва нуфузли кишилардан бири ҳам мана шу Ўтар бобо эди.

Беш-олти йилдирки, дўкон Авазга қолган. У гоҳо, сабаби тирикчилик дегандек, дўконни очиб ўтиради. Шоҳ хизматига кирганидан бери эса деярли ишга қўли тегмай қолди. Онда-сонда бўлмаса, Аваз дўконга қадам босмас, ёзда Пишканик кишлоғидаги боғ ховлига чиқиб кетар, кўлларга бориб балиқ овлар, аксар вақт ижод билан банд бўларди. Мана, энди саройдан бутунлай этак силкиди-ю, Мутриб билан Чокарни олиб, унут бўлаёзган эски дўконига келди. Икки ёрмали ўймакор эшик нола қилиб базўр очилди. Бўсағани тўрт энлик тупроқ қоплаган. Дўкон икки бўлмали эди: кичкина айвончадан ўтиб кириладиган дахлиз ва соч-соқол олинадиган ичкари хона. Дахлиз ифлос, супурилмаган, вассажуфтли пастак шифтда қора ипдай бўлиб ялгироқ куя-курум осилиб ётарди. Кўча тарафга қараган дарчага мойқогоз ёпиштирилган. У қирлаб, ташқари кўринмайдиган бўлиб қолибди. Бир чеккада эски манғал, сишиқ курси. Кираверишда, ўнг томон деворга катта кўзгу осилган. Уни бир энлик чанг босибди.

Аваз ичкари бўлмага ўтди. Бу ер ҳам қаровсиз эди. Аваз бир вақтлар асбоб-анжомини қандай ташлаб кетган бўлса, шундайлигича ётарди. Пичоқ солинадиган қўшбоғлар, пиёла-коса сақлаш учун мўлжалланган қовда. Рўпарада чархқайиш. Отаси Афғонистондан олиб келган дандон сопли устара ярим очиклигича чормихга илиниб турибди. Аваз бир дақиқа атрофга паришон боқиб туриб қолди: «Бечора ғарибу вафодор нонхонам!.. Ўзингга қайтиб келдим яна. Энди сени тарк этмагайман. Қадим замонларни тиклагаймиз. Тағин ўқишмалар қилажакмиз, жўралар жам бўлиб мусиқа янграгтаймиз. Амирнинг ошидан фақирнинг мушти авло, дейдилар, дўконим!» Аваз бурчакда осиглиқ танбурнинг якка симини чертиб қўйди. Нимқоронғи хонада жаранг товуши эшитилди. Бу товуш унга йи-

---

<sup>1</sup> Ўтар – сартарош.

гитлик чоғларини, мана шу дўконда ўтказган хуррам кунларини эслатди. Бир пайтлар бу дўкон гавжум эди, бу ерда қизгин мушоиралар бўлар, бир ёнда Мутриб кўзларини юмиб танбурни сайратар, ҳазил-мутоиба авжига чиқар, Авазнинг эски кадрдони, асли-тагини ҳам, ёшини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳасан қайғичи хон амалдорлари ҳақида ичакузди хангомалар айтарди. Одамлар кўпинча соч-соқол олдиргани эмас, «Ўтар бобонинг дўконидида бир муддат истироҳат қилгани» тўпланардилар. Аваз ўша шўхшанг дамларни қайта тиклашни кўмсаб, хаёлчан турарди. Бир пайт Чокарнинг товуши эшитилди:

– Ҳўв, бегим, намозни қазосини ўқиётирсанми, на бўлди?

Аваз биродарларининг олдига чиқди. Ён чўнтагидан кумуш танга олиб, Чокарга берди:

– Хоннинг ақчаси бу. Киссамни банд этиб ётиб эди. Тўртта гўмма ол, қолганини қаландарга бер. Биз Рўзимбой оғанинг чойхонасида бўламыз.

– Қаландарга бериб нетаман? – деди Чокар ҳазилнамо. – Неча кундирки, киссам касал. Кел, бугунча сенга ўзим қаландар бўлай. – Чокар кумуш тангани кафтида ирғитиб ўйнади. Кўзлари чакнаб шеър айтди:

Васлини истаб жаҳон бозорида  
Олам аҳли бошида савдосидур.  
Ҳам фақиру ҳам ғани девонаси,  
Ҳам қарию ҳам йигит шайдосидур,  
Топмаса гар илтифогин ҳар киши,  
Хордир, гарчи жаҳон доносидур!..

Бу Огаҳийнинг пул ҳақида айтилган чистони эди.

– Бор, жўна! – деди Аваз Чокарни аста елкасидан туртиб. – Огаҳий бўлишингга ҳали қирқ қовун пишиғи керак.

Чокар йўрғалаб чиқиб қетди. Аваз билан Мутриб эшик зулфинига михчўп тикиб, Муҳаммад Аминхон мадрасаси томон бурилдилар. Аваз Сайфий деган таниш муллаваччани топди, унга дўконни супуриб-сидириб қўйишни тайинлади.

Йўлга тушдилар. Мутриб чопонига ўраниб жимгина бормоқда. Унинг феъли қизиқ. Ранжлигини ҳам, шодлигини ҳам сездирмай-

ди. Суюнса, хохолаб кулмайди, дард чекса, ох-воҳ қилмайди. Жуда кўнгли тўлиб кетса, қўлига танбурми, дуторми олади-да, бошини эгиб, кўзларини юмиб мақомлардан чалаверади, чалаверади. Сўнг эса дарвешмисол этагини қоқиб туриб кетади. Мутриб Аваздан бир мучал катта. Аваз ибтидоий мактабга қатнаб юрганида Мутриб саройга таклиф этилган, салкам йигирма йилдан бери Ферузнинг хизматида. Унинг Хонахаробий тахаллусига сазовор бўлиши ҳам тасодиф меваси эди. Бир сафар хон иттифоқо Мутрибнинг ғариб кулбаси ёнидан ўтиб қолади. Шоир ярим ҳазил йўсинда: «Фақирнинг кулбаи аҳзанига марҳамат этгайсиз», дейди хонга. Феруз тўкилай деб турган пастқам уйга имо қилиб кулади: «Кунжагинг хароб-ку, Матасан! Бас, бугундан эътиборан сенинг лақабинг Хонахаробий бўлсин». Шундай қилиб, шохдан бир илтифот кутган Мутриб курук тахаллус эгаси бўлиб қолаверди. Бир томондан янги тахаллуси ўзига ҳам ёқди. Хевада исми чиққан ҳожи табибнинг ўғли, мадрасани офарин ила битказган зукко шоир, чертимда беназир созанда-ю... Хонахаробий! Хон ноўрин лутфи билан гўё ўз фуқароларнинг тақдири тоабат чор-ночор кечмоғини ваъда қилгандек эди.

Аваз Мутрибни пинҳоний, ифодасиз бир меҳр билан суяди, унга ҳамиша қалбан талпинади. Аваз ўз феълини билади, у инжиқ, юраги тор, кўрс. У гоҳо Чокарга, Нодимга, ҳатто устоди Табибийга дағаллик қилиши, қаттиқ гап айтиши мумкин, аммо негадир Мутрибни кўрганда ювош тортади, шаштидан тушади. Унга кўрслик қилолмайди. Мутрибнинг туриш-турмушидаги хокисорликми, ҳалимлик ё сокинликми, нимадир Авазга тез ва кучли таъсир қилади. Шунинг учунми, кўкси зардобга тўлиб, дардини кимга айтишни билмай қолган кезларида Аваз Мутрибни соғинади, унга кўнгил ёради. Энди қиркни қоралаган бўлса-да, қариядай сипо, ўйчан, камсухан ва доништабиат оғасининг сўзларига жон қулоғини тикади.

Рўзимбойнинг чойхонасига йўл солишаркан, Аваз гап очди:

– Оға, мен саройдан кетдим, – деди Мутрибнинг бетига боқиб, – азондан буён айтай дейман, сира ўрни бўлмайди.

– Ажаб! – деди Мутриб, жунжиккандай елкасини қисиб. – Кетажагингни сезиб юардим.

– Мохирўйжаҳон ҳам тезроқ битмади, – дея уҳ тортди Аваз.

– Ҳов, битганда-чи? Бисмилло деб даҳмасида узун тушиб ётиб олармиди хонинг? Оксокол даҳмага кирса, корасокол тахтга минади. Мадрайимхоннинг изинда юрган кучуклари кўп. Саид Абдулла бангиси бор, Исфандиёр деган даллиси бор. Акам қачон ўлар экан, деб кўз олайтириб ўтиришибди. Э, Аваз-эй! Шоҳлар мисли тегирмонтош, халқ буғдой. Токи буғдой бор экан, тегирмон айланаверади.

– Оға, – деди Аваз, – ўша тегирмонтошни бир уриб парчалаб ташлайдиган куч дунёга келармикан? На дейсиз? Ахир, тошнинг ҳам умри боқий эмасдир? Бир кунмас бир кун заволга етар? Уни айлантирадиган шовва абадул-абад окмас, бир кун тўхтар?

Мутриб: «Хаёлпарастсан, иним», дегандек, Авазга таънаомуз разм солди.

– Инсон фарзандининг кўнглида муз бор экан, шовва тўхтамайди. Тегирмонтош айланиб, буғдойни янчаверади. Инсон мукаррам, инсон улуғ. Унинг олдида етти иқлим саждага келади. Илло, биз нафсимизнинг кулимиз. Шоҳу гадо – барча баравар қул. Бошимизга тушган неки фалокат, бадбахтлик, зулм, хорлик бўлса, бари шундан, нафсимиздан. Қаноат йўқ ерда мурувват йўқ, мурувват йўқ ерда имон йўқ. Имон бўлмагач, олқиш ҳам ўлади. Олқиш бўлмагач...

– Тегирмонтош айланаверади, – дея Мутрибнинг гапини илиб кетди Аваз.

– ...буғдойни эзаверади. Замонлар шундай кечган. Бундан кейин ҳам дигиржақдай<sup>1</sup> кечаверади. Ҳар замоннинг ўз сангтароши бор, соҳиби давронига тош йўниб бераверади, Авазбек!

Аваз дилида Мутриб билан келишмади. Дунёда нимадир ўзгариши керак-ку? Лекин – нима? Буни билмайди. Наҳотки, бировнинг бармоғидан паловнинг мойи томчилаб тураверса-ю, биров бир бурда конга зор бўлиб, шишиб ўлаверса? Йўқ, Аваз бунга ишонмайди. Дунёда адолат, яхшилик, бахт деган нарсалар ҳам бор-ку? Улар ҳам кимгадир насиб этмоғи керак-ку?

Аваз индамади. Мутриб ҳам жим. Улар илгарилайвердилар. Боғча дарвозасига яқинлашдилар. Дарвоза ёнида бўйнига қора

---

<sup>1</sup> Дигиржақ – ғилдирак, чиғирик.

кашкул осиб, бошига учлик қалпоқ кийган давангидай қаландар турарди. Кўзларининг чакнаб ёниши, тиниқ, жарангдор товушига караганда ҳали ўттизга ҳам кирмаган ёш йигитга ўхшайди. У овозини баланд кўйиб, охират кундан ваъз айтарди:

Юборса номани раҳмат йўлидин,  
Келур нома у қулнинг ўнг қўлидин.  
Агар нома келур бўлса ғазабдин,  
Келур орқасидин ё дасти чапдин.

Аваз дарвеш йигитнинг ёнида тўхтади:

– Э, худонинг суйган бандаси! Ғазалнинг янгисидан йўқми?  
Билсанг ўқи, ҳаз атайлик!

Йигит форсча бир байт ўқиди.

– Бобо Урёний бу, биламан! – деди Аваз. – Бошқа ўқи!

Дарвеш энса қашиб, ўзга ғазал бошлади:

Илоё, барчани куллуққа хос эт,  
Мени мендин олиб, бир йўл халос эт...

– Э, бу ҳам кўҳна! Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларини ким билмайди!

Қаландарнинг ғаши келиб, «Бобо Равшан»дан сайрай кетди.

– Кўҳна! – деб бақирди Аваз. – Сен тозасини топиб айтки, мен сенинг сулуқингга таҳсин айтмай!

Ваъзхон йигит овозини баланд кўйиб, Боқирғонийдан, Иброҳим Адҳамдан, Румийдан кетма-кет байтлар ўқиб ташлади. Аваз: «Йўқ-а, шу тозами? Мадрайимхондан ҳам кўҳна-ку?» – деб қовоқ осди. Охири йигитнинг жазаваси тутди.

– Ўт, ўт-а, тарсобачча! – деб бақирди. – Мен сенга авлиёманми? Шоири замондай лоф уради-я!

– Тўғри топдинг, худонинг суюкли бандаси, – деди кулиб Аваз, – мен шоир Авазман. Энди мендан тингла, йигит!

Аваз дарвешнинг ҳайратдан катта-катта очилган кўзларига қараб қироат қилди:

Чарх уриб бошинг уза, билким заранг тош айланур,  
Тоша боқсанг кўзларинг тингай, йигит, бош айланур!

– Мана бу тоза шеър! – деди Аваз жўшиб ва каландар йигитнинг кашкулига жиринглатиб танга ташлади-ю, Мутрибни енгидан тортиб йўлга тушди. Дарвеш лол-караҳт бир аҳволда қолди. Сўнг: «Аваз оға!» деганча унинг изидан бир неча кадам эргашди. Бирок Аваз оломон ичида ғойиб бўлган эди.

## ШУМОЁҚ ЖАРЧИ

Бир неча кундирки сартарошхона очик. Аваз азонлаб туриб дўконига шошилади. Пақирни олиб Жинкаминор ёнига боради, кудукдан сув келтириб айвонга, дўкон ичига қалин қилиб сепеди. Сўнг қумғон-самоварга ўт ташлайди. Кейин ичкари хонага ўтади. Устараларини қайраб, жомойна олдига тахт қилиб кўяди. Белига пешматини боғлайди. Бир муддат кутади. Одам кирса-кирди, бўлмаса, ҳазрати Навоий ё устод Фузулийнинг девонини олиб айвонга чиқади. Тоза ҳавода ўтириб ғазалхонлик қилади. Бугун қизиқ бўлди. Аваз қўлтиғида бир ўрам саксовул билан (самовар учун) Боғча дарвозадан ўтаётган эди, тунов кунги каландар йигитни кўриб қолди. Унинг қадди расо бўлиб қолгандек эди. Товушини баралла қўйганча, негадир осмонга боқиб Авазнинг шеърини ўқирди:

Чарх уриб бошинг уза билким, заранг тош айланур,  
Тоша боқсанг кўзларинг тингай, йигит, бош айланур.

Авазнинг юраги қалқиб тушди. Дарвешнинг ҳофизасига қойил қолди. Кашкулга майда пул ташламоқчи бўлиб киссасига қўл солди-ю, таниб қолиб ёпишмасин деб, одамлар панасида ўтиб кетди.

Дўконга келиб бир муддат ўйланиб ўтирди. Қаландар йигитнинг айтган бадихаси унинг хотиридан чиқаёзган эди. Ички бир қаноат, ҳаяжон, ғурур ила пичирлади: «Тоша боқсанг, кўзларинг тингай, йигит, бош айланур...» Ёмон айтмабди чоғи. Матҳасан оғанинг ша-рофати бу. Дарвоқе, оға кўринмай қолди. Тинчликмикан? Ўксириб<sup>1</sup> юриб эди, ётиб қолмаган бўлсин-да».

---

<sup>1</sup> Ўксириб – йўталиб.

Самовар жигиллади. Аваз ўтхонага ёғоч қошиқдай иккита саксовул ташлаб, ичкари кирди. Бурчакдаги хонтахта ёнига бориб ўтирди. Жуздонда ўрам-ўрам қоғозлар ётарди. Улар Авазнинг кўхна, янги ғазаллари. Анчадан бери ғазалларини тартибга солиб бир девон тузмоқчи бўлади. Девоннинг номи ҳам тайин: «Саодат-ул иқбол». Аммо сира қўли тегмайди. Неча йилдирки, шоҳ хизматидан бўшамади. Нимагадир кейинги кезларда Феруз мушоираларни, базмлару турли хил йиғинларни, шикорни кўпайтириб юборган эди. Табибий бошлиқ шоири замонлар баъзи кунлари тўрт маротабагача Тозабоғга катнарди. Мана, энди шоҳона хизматлардан дархон бўлди. Энди ғазаллари, мана бу ота дўкони билан дардлашгани фурсат етарли. У кўхна ғазалларидан айримларини олиб ўқиб кўрди. Кўнгли тўлмади. «Каломи мавзун, – деди ичида, – чиройли сўзлар мажмуасидан иборат бўлибди. «Жоду кўзлар», «ўймоксифат дудоклар», «зулфи паришонлар». Хуллас, сурат бору, сийрат йўқ. Сийратсиз тана ўлик эмасми? Куруқ маддохликдан на ҳожат? Асл шоирга манокиб<sup>1</sup> муносибми? Шеърки, ўз соҳибининг юрак қонидан пайдо бўлар экан, ул ўшал қон каби ҳаётбахш бўлмоғи лозим эмасми? Шеър битмоқдан муддао ёлғиз кўнгилдаги ғам-андухни тўкиб олмоқ холосми? Шоир юрағида элнинг дарди, раиятнинг эртакка солиб кўмсаган тилаклари, мунглари, кўз ёшлари, армонлари аксадо бермагайми, Аваз? Йўқ, мен минбаъд бўлакча шеърлар ёзажакмен! Мен энди не битишни билурмен».

Аваз яна аллавақтгача қоғоз титкилаб ўтирди. Кўлига йирик, жали ёзувда битилган қоғоз илинди. Ўқиди:

Бечора чора истар,  
Бир чора замон борму?

Мамнун бўлди. Қоралама байти экан. Қачон ёзилган – ёдига келмади. «Ҳали чала бу. Оёғи бору, боши йўқ. Калла топиш керак бунга».

Яна бир ўрам қоғозни олди. Бу майда, қора сиёҳда кўчирилган ғазаллар. Чокарнинг хушхатини Аваз дарров таниди. «Икки кун бўлди далли кўринмайди», – дея дўстидан ўпкалаган бўлди. Сўнг

---

<sup>1</sup> *Маноқиб* – мактов, мадҳу сано.

унинг узрини эслади. «Мадрайимхоннинг икки кадоқ жўгарисига кун кўриб бўлмаётир, жўра, – деган эди Чокар. Ферузнинг «Қалам учи»га имо килиб. – Гандимиёнга чикиб, бир йўниб келай». Чокар яхшигина дурадгор – йўнувчи уста эди. У тиркичилик деб Хева бикинидаги Гандимиён қишлоғига кетганди. Эшикда оёқ товуши эшитилди.

– Ўтар бобонинг дўғмаси<sup>1</sup>, бормисан?

– Ховва.

Аваз Юсуф хожи – шоир Зорийни овозидан таниди. Шахдам туриб унга пешвоз чиқди. Зорий ичкари кириб, пастак курсига ўтирди. Фотиҳа қилди:

– Дераверсин<sup>2</sup>. Нечиксан?

... Зорий чой ичиб бўлиб пиёласини тўнкарди. Қўйнидан ўроглиқ қоғоз чиқарди. Аваз унга кўз кирини ташлаб, газал эканини пайқади.

– Шуни бир кўр, ўғлим, – деб Зорий қоғозни узатди, – қариганда на деб ўтлабман. Бикинимга келганинг дим яхши бўлди. Энди на чизмаласам, кўтариб ёнингга чиқавераман.

– Ажаб, хожи ота, ажаб! – дея Аваз шеърга кўз югуртирди. Бу «Рафик» радибли газал эди. Одатдаги ошиқ ва маъшуқа тимсоли, ошиқ йигитнинг шиква-шиқояти, маъшуқа жафоси, ёр ҳажри. Сўнг байтда – ағёрдан нола, ёр марҳаматига умид... Аваз газални ўз қолипига солиб кўрди. Таъбига мос тушмади. «Саксон ёшли қариядан не талаб килиб бўлур? – деб ўйлади, – Олтмишингда буломон чалишни ўргансанг, ўлганинда чаласанми, дебди бир бечора. Аммо... Не ажабким, шул ёшинда ҳам кўкси чайқалиб, шеър айтмоққа эҳтиёж сезиб турибди экан. Шунинг ўзи инсон учун ажиб бир рухий неъмат эмасми?»

Аваз Зорийнинг кўнгли учун бир-икки байтни мақтаган бўлди:

– Хожи ота, абётингизда хотирга ўрнашиб қоладиганлари бор. «Фахр этиб фалакка бош уришга тайёрман», дебсиз. Маъқул. Аммо кўҳна кўшиқлардан воз кечмоқ даркор. Филжумла: «Қошлари тиғин чекиб, мужгон ўкин ҳар дам отиб...» Бу, ахир, Одам Ато замониндан

<sup>1</sup> Дўғмаси – боласи, фарзанди.

<sup>2</sup> Дераверсин – дуо. «Оллоҳнинг марҳамати тегаверсин», маъносида.

буён судралиб кслаётирган ташбех. Бировнинг оғзиндаги сақични олиб қайта чайнамоқ шоир кимсага нолойиқ бир юмушдир.

Аваз қизишиб кетаётганини сезиб кулимсиради.

– Инжимайсиз, хожи ота, – деди мулойим товушда, – мен тўғриси айтдим.

Басавлат, чўрткесар Зорий Авазнинг ёнида хиёл бош эгиб тахлилга кулок солиб ўтирарди.

– Гапинг тиканли, илло ҳаққи рост, – деди у уҳ тортиб, – менга нима қил дейсан? Мурувват этсанг, тузат. Мен саксонга борган курра шоирман. Куррага арғумокнинг юкини орт-чи, на бўлади? Бели синиб ўлади. Сен арғумоксан, худо умр берса, бир куни туянинг юкини-да кўтаражаксан.

Юсуф хожининг гапи Авазга нашъа қилди. «Майли, булар менда турсин, қалам уриб кўрарман», деб ғазалларни олиб қолди.

Улар энди назмгўйликни тамомлаб, «дунёнинг ишлари»дан гаплашаётганда бир муллавачча келиб, мударрисни чақириб кетди. Юсуф хожини мухтасиб<sup>1</sup> сўроқлаётган эмиш. Зорий: «Мухтасибнинг на иши бор экан», деб тўнғиллади-ю, этагини қокди.

Аваз яна ичкари хонага ўтди. Кичкина сандиқча ёнига ўтириб шеърларини саралай бошлади. Хатчўп солинган бир куллийёт орасидан эски ғазали чикди. Бир-икки йил бурун ёзилган шекилли, қоғоз сарғайиб кетибди. Аваз ғазалнинг мақтаъсини ўқиб ўйга толди:

Эй Аваз, қил жаҳд, девонингни қилмоқ истасанг  
Гар Навоию Табибий дафтарига ҳамрадиф.

Табибийни эслади. Қирк йил кадрдон дўст бўлиб ажралиб кетган одамдай, ҳам соғинч, ҳам араз аралаш мавҳум бир туйғу ичра чулғаниб эслади. Хаёлан унга мурожаат қилди: «Аҳмаджон оға... Устоз... Мавлоно Табибий... Ҳов, сизга на бўлди, пухта тиллодай кўринмайсиз? Тозабоннинг қописи билан ёшиқ, аммо бизнинг эшик ҳамиша сизга очик турибди-ку, уга! Еҳуд долонимидан илон чикдими? Миннатингиз бўйнимга, шеър илмида устози аввалдирсиз. Кўлимдан тутдингиз, дастингизни маротресингиз.

<sup>1</sup> Мухтасиб – бозорда тош-тарозини, диний расм-русумларнинг адо этилишини текширувчи амалдор.



Бу фақирингизнинг қалами равон-равон йўрғалаб, назм гавҳарин сочғон экан, азбаройи жанобларининг хизматлари туфайлидир. Недан инжидингиз, лолдирмен, устоз? Ахир, сиздан илғари ўтиб бўсаға ҳатламадим, сиз туриб дастурхонга кўл урмадим, оғзингиздаги каломга чанг солмадим. Не абётки, битдим, баҳоли қудрат абётимга исми шарифингизни пайванд этдим. Ҳай, ихтиёри башумо, мавлоно. Хева мўъжаз қалъадур, соғ бўлсак бир кун юзма-юз келурмиз. Шунда иккаламининг уялганимиз қолажак, оға...»

Ташқарида калта йўтал эшитилди. Авазнинг юраги шиг этди. Бунақа калта йўтал Табибийга хос эди. У кўп йилдан бери зотил-жам билан оғриб юрар, отаси, ўзи табиб бўлатуриб, дарддан бутунлай фориг бўлиб кетмаган эди. Аваз қоғозларини очик-сочик ташлаб йўлакка отилди. Табибий! Остонада Табибий кулимсираб турарди! Аваз шошганидан «Мошоллоҳ!» деб юборди.

Устозу шогирд бир-бирига тикилиб қолдилар. Табибийнинг юмалоқ рангпар юзи биров сўлгин кўринар, кийик кўзларида малоллик, хижолатга ўхшаш ифода зуҳур этарди. У қадди расо, тетик, бўйчан Авазнинг бежирим кузалган соқолига, янги ойнанинг ўроғидай хиёл чимирилган қора қошлари, чехрасига қандайдир жангариликми, қайсарликми бағишлаб турган ингичка бурама мўйловига кўз узмай тикилди. Табибий учун Аваз ўқилавериб ёд бўлиб кетган рисоладек эди. Устоз унинг ўткир қўйқўзларига боқиб, уларда гина, соғинч, эҳтимол жиндек аразни пайқади.

– Дийдорима тўйган бўлсанг, кел, энди кўришайлик, – деди устоз шўхчан товушда. Аваз шошиб иккала қўлини чўзди. Табибий кучоқ очди.

Аваз кумғон-самоварга сув қуйди, ўт ташлади. Хонтахта ёнига келиб чўккалади.

– Худо шохид, ҳали-замон кўнглимдан ўтиб туриб эдингиз, оға. Мехримми, сеҳримми сизни йўлдан буриб... дўконга судрабди-да. Қуллук.

Авазнинг гапида енгил киноя билан самимий эҳтиром нозик бир усулда чагишиб кетган эди. Бу Табибийнинг завқини келтирди. У Авазга умид боғлагани бежиз эмас. «Бир куни камолга етса, беқиёс шоир бўлажак. Гарчандки, камолотнинг сарҳади йўқдир,

аммо бу йигит хозирнинг ўзида шеъриятни тизгинлаб, ўз ихтиёрина бўйсундириб олган эмасми?», деб қўйди ичида.

– Кўнглингдан ўтганимда кўнглингдан не кечганини билман, – деди устоз томоқ кириб. – Аҳмаджон оғам куёшламадаги дўстга ўхшайди, офтоб чарақлаб турса соясини солур, осмонни булут чулғаса, ўзи ҳам, кўланкаси ҳам гум бўлур, деб ўйлагансан. Тўғрими?

Аваз рост, дегандек бош силкиди.

– Сўнг... хон тобоғи -- мойли. Табибий бу тобоққа қасида боғлаб ўтирган бўлса ажабмас, деган хаёл ҳам кечган каллангдан. Лаббай?

– Буниси ёлғон, – деди Аваз, устозининг кинояомуз кулиб турган кўзларига бокиб, -- башорат қилолмадилар. Ўпкалаганим рост, бироқ ўпкам ичимда қолди, устоз. Сизга лоё сачратмадим.

Табибий ўрнидан турди. Аваз: «У кетмоқчими?» – деб хайрон бўлди.

– Ичкарида сўзлашайлик, – деди Табибий кавушини кийиб, – ўзингга айтадиган махфий гапим бор. Сен эшикка сардўз тортиб қўй.

Табибий ичкари хонага ўтиб, дарпардани туширди. Курсига бориб ўтирди. Аваз унинг рўпарасида, пўстакда чордана курди. Табибий икки марта ўқчиб йўталди. Кейин деди:

– Аваз, менинг ёшим улуғ. Сендан олдин беш-олти кавушни тўздирганман. Рост бўлса, устозман деб фахр этиб юраман. Ёнмай гапимга қулоқ сол. Мен саройдан элчи бўлиб келдим. Хон хазратлари гуноҳингдан ўтибди. Сени анжуманга чорлаб турибди.

Авазнинг кўнглига ғашлик кирди. У неча йил ёмон туш кўргандай яшади. Ниҳоят, энди уйғонди – ёруғ бир боргоҳга етгандек бўлди. Уни яна ўша зимистон маъвога таклиф этиб келибдилар. Чорловчи – энг мухтарам зотлардан бири, оға, устоз Табибий эканлиги Авазга айниқса оғир ботди. Ерга тушган тупурикни қайтиб олмоқ... Қандай бўлур?.. Аваз расмийроқ оҳангда сўз қотди:

– Жанобларининг муборак фикрларини билмоқчиман...

– Сенинг ўрнингда бўлсам мен бош тортмас эдим, – деди Табибий. – Вазиятни тарозуга солиб кўрмоқ лозим. Борсанг не зиён кўрасан-у, бормасанг не наф топажаксан.

– Ўлманг! Ана энди мантикни ўртага кўйиб бир мушоҳада қилайлик, устоз. Бузруклар шапати захрипи то киёматгача унутмайдилар. Бинобарин, емоқнинг қусмоғи бор. Хўп, шоҳнинг лутфу қарамига учиб, Аваз тагин саройга бош эгиб боради. Хон уни кўриб кўрмаганга олади. Сўнг, манави сакбаччани ким чақирди, оғзига суяк тишлатиб, таёклар қувинглар, токи дастурхонимни булғама-син, дейди. Хон таклифида бундан ўзга мақсад кўрмаётирман. Узр, ҳазратингизга аддоимизни етказгайсиз, саройга мени кишанда олиб боришлари мумкин-дир, илло ихтиёрим ила бормасмен. Курсоғим гўлдираса, «зилли ус-субҳон» олдида тўрт оёқлар эмаклаш, бетига термилиб мунофиқлик қилиш, олий ҳазратнинг тупуругини дуру гавҳарга қиёслаб оғиз кўпиртириш жонимга тегди.

– Илгари оринг келмас эди, булбулигўё эдинг, – деди аста Табибий. Авазнинг кўзлари чакнаб, жаҳлдан мурти лип-лип учди.

– Тўғри, илгари ориятим йўқ экан! – деди у лаблари титраб. – Йўқотиб, тополмай юриб эдим! Таассуфки, йигирма беш йилдан бери виждонини майда пулга алмашиб юрганлар ҳам бор саройда. Уларнинг олдида менинг гуноҳларим беҳрок!

Бу гап Табибийга наштардек ботди. Унинг шоҳ хизматига кирганига салкам йигирма беш йил бўлган эди. Табибий Аваздан ҳар не хунук гап кутган, аммо бундоқ оғир маломат қилади деб ўйламаган эди. Устознинг синиқ ранги баттар ўчди, юпка лаблари пирпиради. Кўзларига ёш қалқди. У юзини силаш баҳонасида дастурмоли билан кўзини артиб олди. Ёнидан ҳапдори олиб тилининг тагига ташлади. Ювош, кўнгилчан Табибийнинг қалби унсиз нола қиларди.

– Биров терингни шилиб, кейин сўяди, биров сўйиб бўлиб, сўнг терингни шилади. Табибийнинг териси юпка, сўйишга қийналмадинг, Аваз! Кўлинг покига дим яхши ўрганган. Энди гапга қулоқ сол. Хўп, сен ориятингни топибсан. Муборақ бўлсин! Ориятинг – кўксингдаги чироғинг. Илоё, у тоабат порлаб турсин! Унга қараб «пуф» деган қасни кўрсам, бетига тупураман. Хўш, виждон масаласига келсак... виждон ҳам ҳар хислат сингари нисбийдур. Виждон, Аваз, сувдай гап. Сув юмшоқ ерни, текис ерни ахтариб, ўзига йўл очади. Қирларни, тошларни айланиб ўтиб манзилга шошади. Тирик жонга ҳаёт ато этмоқчи бўлади. Мен сувнинг бу йўригида

инсон фарзанди ўрганса бўладиган бир ҳикмат кўраман. Мен виждонимни сариқ чақага майдаламадим. Илло, тоғ-тошларга бошимни уриб мажнунлик ҳам қилмадим... Сени илк дафъа саройга етаклаб бориб Ферузга рўпара қилганимда виждонимдан чекиндимми? Ҳа, бир баҳя чекиндим. Сендаги йўқ фазилатларни бор деб мактадим, шох карамига ноил ўлса, бир куни шеърят кўкида тўлин ойдаи тўлишиб камолга етар, деб орзу қилдим. Шукрким, ниятим холис экан, ҳозир тилим дароз. «Мажмуат уш-шуаро» тарихи ҳам ёдингда. Мавлоно Огаҳий, Комил девон, уламолар, тўралар тазмини бор эди, холос. Не азиятлар, илтижолар оқибатида сен, Мутриб, Чокар китобат этилди. Яна виждоним дарз кетди. Илло афсус емадим. Негаки, бул дарз кетган ёриқдан савоб гулшани кўринди кўзимга... Хушомад, тилёғламалик, мунофиқлик... Таассуфки, бу унсурлар Одам Ато замонидан буён аҳли дониш бўйнидаги тавқи лаънатдир. Токи бир кимсанинг қисмати ўзга шахсга боғлиқ экан, имоним комилки, замонлар ўтиб мазкур унсурлар йўқолиб битмас.

Аваз боядан бери қобил муллаваччадай калла осилтириб ўтирган эди, илкис бош кўтарди.

– Узр, Аҳмаджон оға, – деди сиполик билан, – бу фикрингизга шерик бўлолмадим. Сиз мени мутеликка ундаётирсиз. Мен норозиман. Наҳот пешонамга тоабат тобелик, куллуқ мақоми битилган бўлса? Наҳот даврлар, давронлар шундоқ кечаверса? Фасл ўзгарса, иклим, ҳаво, сув... ўзгарса-ю, инсон боласининг кўксида дарёдай тўлқин уриб, қайнаб-тошиб, кўкрагини ёриб юбораман дейдиган туғёнлар чириб, оёғости бўлиб қолаверса?! Рухимиздаги жиловсиз исёнларни нетасиз?

Табибий ўйчан жавоб берди:

– Йўқ, исёнлар жасад билан бирга кетажак. Исёнкорларни эса дор кутади. Мансур Ҳаллож, Саид Насимий, Собир Термизий, Шох Машраб. Аваз, бўтам, лақма Аҳмаджон оғангнинг гапини қулоғингга қуйиб ол. Неча йиллигим бор, худо билади. Бу ёқда зотилжам бўғзимга панжа уриб турибди. Бир куни омонатини топширарман. Сенинг йўлинг олис. Тоғ билан олишиб кучингни кетказма. Сендайлар оз. Мадрайимхоннинг одамлари кўп. Сувдай бўл, тоғ-тошни айланиб ўтавер. Ана шунда ташнаком бир кимсанинг дардига малҳам бўлурсан. Илоё манзилингга саломат етқайсан, Аваз!

Табибий фотиҳа қилиб, оғир кўзғалди. Нимқоронғида йўл топмай қийналди. Аваз дарпардани кўтарди.

Ташқарига чиқдилар. Шу пайт узоқдан жарчининг «Ҳе-ей, одамлар-ар!» деган хиркирок товуши эшитилди. Усгозу шогирд ссргакланиб, беихтиёр айвонда тўхтаб қолдилар. Товуш Жоме масжиди томондан келарди. Ҳадемай қирчанғи от минган жарчининг ўзи ҳам кўринди. У отининг бошини бўш қўйиб, иккала қўлини оғзига қарнай қилиб бақирарди:

– Ҳо-ҳо-ой, одамла-ар! Саид Муҳаммад Раҳимхон Баҳодирхон ҳазратлари фармони олий бердилар! Кимда-ким худонинг осий бандаси... бетавфик Аваз Ўтар ўғлининг дўконига оёк босса... соқол олди-рса, имони куйга-ай! Бундай гумроҳлар юз камчи пла жазоланга-ай! Ҳо-ҳой, мусулмони комиллар, эшитмадим деманглар, Аваз Ўтар ўғлининг дўкони боши бузуклар жойи деб эълон қилинур!..

Жарчи Қалта минор ёнида ўннга бурилди. Арк ёнидан бақириб-чақириб Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси томон ўтиб кетди.

– Падарингга лаънат! – деди Табибий пажмурда бир ҳолатда. У жарчини сўқдим, фармони олий берган зотними – билиб бўлмасди.

Аваз дўконига кириб, асбоб-анжомини йнғиштирди. Қўлёмаларини бўйинсочикқа тугди. Самоварни ўчириб, қулини мўрқонга тўқди. Сўнг дўконини қайтиб кўрмайдигандек, тўрг деворга аланглаб боқди-ю, ташқари чиқди. Эшикка бош бармоқдай қулфча солди. Йўлга тушдилар. Иккаласидан сас чиқмайди.

Аваз ўйларди: «Бу дунёни кўзга тангу тор қилиб юборди лаънати хон! Бир қошиқ шўлонгни ичиб тинч яшай десанг қўймайди! Амударёнинг у бетина<sup>1</sup> ўтиб кетмасанг қутулмайсан шекилли». У Табибийдан ҳам ранжиди: «Отам, кўсадан ёруғлик чикмас, дерди. Кўсада дўстлик шеvasи бўлса, бетига соқол битарди. Тозабоғда аталани қайнатиб қўйиб, гап олмоққа келган эканлар-да, мавлоно? Бориб аталангизни булайверини! Бундан сўнг жаноблари ила йўлимиз айри тушгай. Мен қўли қадок, ялангоёқ биродарларимдан панох тилагани кетурман. Сизни билмадим. Сизни, шубҳасиз, Мадрайимхоннинг шохона дастурхонлари кутажак...»

<sup>1</sup> Амударёнинг ўнг соҳили руслар тасарруфида эди.



Улар совуққина бош силкиб ажралдилар. Табибий Тозабогга, Рафинак йўлига бурилди. Аваз уйига кетди. Бироқ, уйда ҳам тинчимади. У хоннинг одатини билади. Бунақа жардан сўнг бир бечоранинг шўри курийди. Бир сафар жар чақирилиб, Дешан қалъада халойикни тўпладилар. Машхур машшоқ Исмоил созчини ўриссози<sup>1</sup> чалдинг, деб тошбўронга хукм этди. Хунармандлар ўртага тушди, созчининг дўстлари, қариндош-уруғлари эллик тилло жамлаб, унинг «гуноҳи»ни тилаб олдилар.

...Аваз отаси билан маслаҳатлашиб, Пишканикка кетадиган бўлди. «Кўлингда хунаринг бор, соч-соқол олиб, одамларни қарз қилиб кел, деди Ўтар бобо, – кузакда ақча бўлмаса, ошлиқ берар. Ҳозир хон илондек тўлғаниб, захрини кимга сочишни билмай турибди. Бир-икки ҳафта кўзидан узокрок тур. Кейин – ё раззок.»

Сахар туриб, йўл тадоригини кўрди. Қоралама шеърларини олди, бўғчасига бир даста қоғоз, икки девон тугди. Ухлаб ётган ўғли билан қизининг манглайдан ўпиб, хайрлашди.

Долонга чикди. Хотини Розия ортидан эргашди. У кичкина хулла рўмолининг бир четини тишлаб, юзини чала бекитиб турарди.

– Қачон қайтасиз, отаси? – деб сўради Розия хавотир аралаш энтикиб.

– Номим оқланган куни бир нафас турмай етиб келажакман.

Розия кўзда ёш билан мунғайиб қолди.

Тонгда, қалъа дарвозалари очилган ҳамон Аваз йўлга тушди. У Шўркишлоқда ишлаётган дўсти Чокарни олиб тўғри Пишканикка ўтишни мўлжаллаб кўйди.

## НАВРЎЗ ҲАДЯСИ

Қаландар йигит Авазни йўқотиб қўйиб, оромидан айрилди. Боғча дарвоза ёнида тиккама-тикка тўрт оғиз гаплашди-ю, шерозий телпакли, адлқомат, кўзлари юлдуздай чакнаган бу йигитга меҳри тушиб қолди. Авазнинг ғазалларини у илгари ҳам эшитган. Ҳофизлар ижросида, тўй-ҳашамларда «Э, Аваз!» дея оёқлайдиган кўшиқлар қулоғига кирган. Аваз деса, у соқоли кўкрагини бос-

<sup>1</sup> Ўриссози – гармон.

ган, кош-киприги ундай оппок, бошига улкан дастор ўраган бир мўйсафидни тасаввур этар эди. Кўрсаки, кишнаб турган дўнандай йигит экан. Иккаласи тенгкур бўлса ажабмас. Дарвеш йигитнинг хаёлидан Авазнинг бир лаҳза чимирилиб туриб ўкиган байти кетмай қолди. Рост, байтнинг маъносига у хали тузукрок тушунганича йўқ. Аммо шеърнинг нимасидир дарвешга ёкиб қолди. Сувдай равон оқишими ё: «Эй, йигит!» – дея ўзига қарата айтилганими, ё бўлмаса, унинг луғз-топишмоқ эканлигими... Қаландарнинг хотираси балодек эди, бир эшитишда шеърни ёдлаб олди. Байтдаги ёпик мазмунни очмоқчидай, уни қайта-қайта такрорлади, Хожа Аҳмад Яссавий, Бокирғоний каби сўфий шоирлар назми қаторида тилдан кўймай айта бошлади.

У Авазни тагин бир кўриб, имкони бўлса тўрт оғиз гаплашмоқчи, янги ғазалларидан тингламоқчи. Лекин, мана икки ҳафтадирки, Авазнинг дараги йўқ. Дарвозадан ўтмайди. Қаландар йигит дийдор умидида Ичанқалъа дарвозаларида навбат билан туриб, Авазнинг йўлини пойлади, бозорларни, расталарни кезиб чиқди. Бирок, тоза шеър айтиб, унинг кўнглига мужмал савол ташлаб кетган қалта соқолли, кичкина бурама мўйловли йигит ҳеч қаерда кўринмасди. Ниҳоят, дарвеш йигит, Аваздан умидини узганида жарчининг овозини эшитиб қолди-ю, гўё совий бошлаган танасига қайта жон киргандай бўлди. «Бу оламда бор экансан-ку, шоирим!» – деб эртасига азонлаб Авазнинг дўконини суриштириб келди. Эшикда бош бармоқдай кулфни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Кашкулини осилтириб, айвонда анча ўтирди. Кейин ух тортиб кўзғалди. Оёғини судраб яна Боғча дарвоза томон борар экан: «Шоир замон қаерда бўлди экан-а?» – деб хаёлланди.

...Қаландар йигит, кўнглини аёвсиз тимдаловчи зардобли ўйларданми, куннинг иссиғиданми, қарахт бўлиб, дарвоза панасида кўланкалаб ўтирибди. Офтоб Қалта минор ортига ўтди, йўловчилар сийраклашди. Қоқ туш вақти бўлган, одамлар жазирамадан уй-ўйларига бекиниб олишган эди. Қаландар кашкулини салмоқлаб кўрди. У андақ оғирлашган, бугунги хўракка етарли танга тушган эди. Йигит негадир оғир хўрсиниб, ўрнидан кўзғалди. Бозори шабга қараб кетди. Димоғига ковурилган балиқ ҳиди урилди. Ўзи кунда-кунора келиб ўрганган тим остига бориб чордана курди. Балиқпаз

икки бўлак чала пишган балиқ думини келтириб чипта устига қўйиб кетди. Қаландар бир чимдимгина эти бор балиққа қараб ўксинди. Қопчиғидан яримта зоғора нон олди. Бемордек бемажол синдириб, истамай чайнади. Ёнидаги сопол кўзадан илиқ сув хўплади.

Хўракдан кейин андак мизғимоқчи бўлди. Жун чакмони-ни счиб яланг ерга ёйди. Кулоҳини бошига қўйиб, ёнбошлади. Кўзларини юмди. Аммо уйку келавермади. Бамисоли таносухга йўлиқиб, жон кўчаётгандай безовта бўлаверди. Кирпидек ғужанак бўлиб алламаҳалгача қилт этмай ётди. Юраги пўкиллади. Оғзи куриб, сим-сим терлади. Тезроқ туриб кетмаса, гўё оёқ чўзиб қоладигандек эди. Илкис бошпани кўтарди. Кулоҳи билан юз-кўзини артди. Кашкулидан икки мири олиб, чиптага ташлади. Оёқларига кишан урилган банди сингари бир-бир одим ташлаб йироқлашди. Унинг борар ери нотайин, оёқлари чалкашиб, қаён бошласа кетаверади. Хевада бир малак бор. Матпано ҳар окшом ўша малак ила ғойибона саломлашади, сўнг яна ғойибона хўшлашади, кейин ўзидек бенаво, дарбадар қаландарлар тўдасига қўшилиб, бирор хилватдами, масжид ё мадраса ҳовлисидами, уйкуга шўнғийди. Ҳозирча окшомгача олис эди, ҳали намозгар ҳам бўлгани йўқ. Йигит Жоме масжиди ёнидан ўтаётиб ҳолдан тойди. «Бисмилло» деб ичкари кирди. Ичкари салқин, ҳайҳотдек танобий хонада ўзидек кулоҳлик кишилар мук тушиб, ёнбошлаб ётишарди. Йигит пойгак-да ўтириб оёқ узатди. Муздек хаво, ғир-ғир шабада, нимқоронғи хонадаги оҳиста хуррак товушлари уни ҳам элитди, ҳадемай кўзи илинди. Узала тушиб ухлаб қолди.

Қанча ётганини билмайди. Бошини кўтарганида ташқарида мешкобчининг шалоплатиб сув сепаётгани: «Ҳов қоч-а, манглайи қора!» – деб бақиргани эшитилди. Шериклари йўқ эди. У апил-тапил ўрнидан турди, ёнини пайпаслади. Тумори жойида эди. Юзига енгилгина фотиха тортиб, ташқари чикди. Муздек сувда ювинди. Кулоҳини ҳам сувга ботириб олди. Сўнг офтобга бир қараб қўйиб, Тошдарвоза томон юрди. Кун ботиб борар, кўчаларга салқин тушган, оймалак билан мулоқот онлари яқинлашиб келарди.

У жинкўча муюлишидаги кўҳна қудук тепасига келди.

... Ўша машъум воқеадан кейин бу қудуқдан ҳеч ким сув ичмас, оғзига қоққоқ урилиб, тахтакачлаб ташланган эди. Йигит чирик

оғочлар тиркишидан пастга қаради. Куйида сув симобдай милдирайди. Бу унга тирик малакнинг қуралай кўзларини эслатди.

Юраги ҳаприқиб, қопқок четига ўтирди. Бир йилдирки, кунига аҳвол шу. Ҳар куни у кўноғига кетишдан олдин шу ерга келади. Қудуқ ёнида бош эгиб узоқ ўтиради, ўзича нималарнидир пичирлайди. Эҳтимол, телбадек хаёлан Марҳамат билан сўзлашади, унга айтолмаган дардларини айтади, ундан сўрай олмай қолган сўзларини сўрайди...

Дарвеш йигитнинг кўксидан ўгли бир нафас отилиб чикди. Бу нафас қанотида бир калима сўз аранг қулоққа чалинарди: «Раҳмат сенга, наврўзи олам! Лаънат сенга, наврўзи бадбахт! Сен бўлмаганинда менга бу кўргиликлар йўқмиди...»

Матпанонинг хаёлида кизил-яшил рангларга бурканиб, олағовурга, шўх рақсларга, одамларнинг хандон қулгисига тўлиб-тошиб ўша наврўз байрами жонланди.

Хевада Наврўз, Хевада байрам... Кимки уни кўрмабди, бу дунёнинг жаннатидан бебаҳра қолибди. Қадим-қадимдан, эҳтимол, Хоразмшоҳлар даври ё ундан ҳам илгари замонлардан қолган бир удум бор. Ҳар йили ҳамалнинг ўнинчи куни шаҳардаги нуфузли баққоллардан бири етти кўкат, етти хил тармева солинган баркаш кўтариб саройга боради. Хондан наврўзи оламни байрам қилишга ижозат сўрайди. Рухсати олий бўлгач, қалъа ҳокимининг амри билан жар чакиртирилади. Ичанқалъаю Дешан қалъага отлик жарчилар учади, халойиққа хоннинг адлу мурувватини етказади. Айниқса, болаларга худо беради. Улар жарчиларга эргашиб кўчама-кўча чопадилар, чувиллаб, растама-раста, бозору масжидларни, мадраса-ю қадамжоларни айланадилар, улар ҳам бакириб-чакириб, наврўзи олам бошланганини хабар қиладилар, аҳли мусулмондан суюнчи оладилар.

Сахар мардондан Хева кўчалари ясан-тусан, шўх-шанг одамларга тўлиб кетади. Ҳамма қалъа кунчиқаридаги Кўйдарвоза томон оқиб кела бошлайди. Шаҳарнинг энг улкан бозори ана шу Кўйдарвоза ёнида. Тонг қоронғусидан бу ерда ҳаёт қайнайди. Ўнлаб фаррошлар ҳафсала билан ер супурган, мешқобчилар этакларини белбоққа кистириб сув сепган, олағовур, ошпазларнинг оёғи олти. Қўли етти, баққоллар, базозлар молини ёйган, атторлар мушки анбар,

сурмаи сулаймон, хитойн совун, исли сув, яна аллақандай хушбўй матохларни кўз-кўзлаб, қутиларини очадилар. Бир томонда дор-бозлар дор тикади, кўғирчоқбозлар чодирхаёл пардасини тортадилар, созандалар гулхан гуриллатиб чилдирмаларини, ноғораларини қиздирадилар. Бу ишларнинг барчасига жаноби мухтасибнинг ўзи бош-қош, у мулозимларини эргаштириб, гоҳ баковулларга кўрсатма беради, гоҳ дорпечни текшириб кўради, ғоздай лапанглаб, у расгадан бу растага такаббуруна қадам ташлайди.

Бозор ўртасидаги очиқ майдонда карнай-сурнайнинг ўйноқи садоси янгради. Така-тумлаб ноғора жўр бўлди. Одамларнинг кўнглига гулғула тушди. Гўё наврўз томошаларига кеч қоладигандек илдамлаб бозор сари шошдилар. Симобий салла ўраб, ғарч кавуш кийган оппоқ соқолли отахонлар сипо қадам ташлайди, кемшик тишларини кўрсатиб илжаеди. Бошларига касава кўндириб, шолрўмол ўраган кадхудо онахонларнинг елкасида кумуш чўлпи жиринглайди, атроф-теваракни тахи энди бузилган амиркони маҳси-кавушларнинг ўтқир хиди тутиб кетган. Хон фармойишига кўра, аёллар йилига бир марта, наврўз кунигина юзларини очиб, номахрамдан қочмай юришлари мумкин. Бугун Хева кўчалари гўзаллар сайлига, дилраболар кўрғазмасига айлангандек. Ҳаммаёқда тўп-тўп гулчехралар, барнолар, малохату ойхуморлар, гулпошшою гулойимлар! Куралай кўз, бодомқовок, сарвкомат, шахлокўз, кулчаюз, киркқокил қизлар, қизлар, қизлар... Пушти, яшил, сафсар, нуқра, нопармон, аксари қизил-қирмизи либослар қуёшда ял-ял ёнади, сабодек енгил халилий рўмоллар, чор гулли фаранги дурралар баҳор эпкинида хилпираб, расида бўлган йигитлар сийнасига ўт ташлайди, текис йўлда қоқилтириб кўяди. Ўша куни ён қишлоқлардан Хевага минглаб одам йиғилади. Айникса, деҳқонлар мириқиб сайр этадилар. Улар гўё бир йил чеккан заҳматларини унутмоқчидек, энди бошланажак машаққатлари олдидан ўйнаб, хумордан чикмоқчидек, тонготардан рўзи шабгача бозор майдонидан жилмайдилар.

Матпано шаҳар яқинидаги, Гандимиён қишлоғидан эди. У сахар уйғонди. Отаси бомдод номозини ўқиб бўлгунча кутиб ўтирди. Сўнг отасининг қўлини олиб тавоф қилди. Кейин девор қўшниси, биролари Розикни чақирди. Иккаласи, эскироқ бўлса-да, ювилиб, тахтакада текисланган оппоқ яктақларини кийдилар, бошларига чор-

бурчак, нияшил тақяни кўндириб, белига чорси боғлаб, Хсва томон йўлга тушдилар. Улар шаҳарга яқинлашганларида кун чиккан, Кўйдарвоза ортида дор ўйнаётган шогирд боланинг дўппинсидаги тақинчоклар, белидаги кумуш камар офтобда яраклаб кўзни оларди.

Икки дўст ҳаллослаб томошахонага кириб келишди. Дош-қозонлардаги жажжи гумбаздай сап-сарик паловнинг, кўкиш тутун чикиб турган кўралардаги сихкабобнинг ҳиди ҳаммаёқни тугиб кетган, кий-чув, кулгу, чапак, осмонга ўқталган кўша-кўша карнайлар, чийилдоқ буломонлар овози кулокни коматга келтирарди. Майдонда оёқ босгани жой йўқ. Бола етаклаган аёллар, кайвони хотинларнинг ёнида ерга караб ибo билан кадам ташлаётган янги келинлар, жамалаксоч кизалоклар, мис баркашдай яғриндор йигитлар орасидан ўтиб дорбоз ёнига етиб олиш учун Матпано билан Розик анча юришди. Дорбоз бола дорчўпини тиззасига кўндаланг кўйиб тепада, кизил матодан соябон қилинган ерда дам олиб ўтирарди. Пастда машхур қизикчи Буважон тўқ-тўқ хунар кўрсатяпти.

Бир вақт шогирд бола ўрнидан туриб лангарчўпини ушлади. Шу пайт сал нарида кий-чув эшитилди. Сўнг баковулнинг ҳазилнамо хитоби кулокқа чалинди: «Ҳо-о, одамлар-о-о-о!!! Чодирхаёлга кеп қолинглар! Чодирхаёл! Ақчаси бор ақчасини, ақчаси йўқ муштини кўтариб келаберсе-ен! Ҳо-о, одамлар-о-о-о!» Оломон беихтиёр чайқалди, гувраниб йўлини ўзгартирди. Матпано чодирхаёлни яхши кўрарди, дўстини судраб дарвозахона сари шошилди.

Чодирхаёл аллақачон бошланган, сайлгоҳда одам тирбанд. Матпано билан Розик давранинг бир четидан йўл топиб, томошахонага яқинроқ сурғалишди. Кўлбола сахнада икки кўғирчок – ошик йигиту маъшуқа кизнинг айтишуви давом этарди. Қиз узун бўйли, бошида чолғай ипак рўмол, эғнида кизил кўйлак, яшил духоба нимча. Йигит тўла, паст бўйли, чўғирма телпак кийган, овози йўғон. У селкиллаб кизга хушомад қиларди:

Ашшадарози меварам,  
Вақти номози беварам  
Бошингни кўрсат менга,  
Рўмоллар олай сенга,  
Мен гетарам шаҳри Кўкон,  
Мендан нишон қолсин сенга!

Йигит шундай деб тиз чўкди. Қиз юзини чала буриб истиғно килди:

Бошимни кўрсатмийманам,  
Рўмоллар олмийманам,  
Маломатга қолмийманам,  
Гетсанг – бошим садоғаси!

Йигит ирғиб турди, қизга гиргиттон бўлиб, яна ялиннишга ўтди:

Ашшадарози меварам,  
Вақти номози беварам,  
Бурнингни кўрсат менга,  
Олтин аравак олай сенга,  
Мен гетаман шаҳри Тошкан,  
Мендин нишон бўлсин сенга!

Қиз гўё аччиқланиб, сал нари юрди, дарҳол «шилқим» йигитга жавоб берди:

Бурнимни кўрсатмийманам,  
Олтин аравак олмийминнам,  
Маломатга қолмийманам,  
Гетсанг – бошим садоғаси!

Йигит эса, саҳнани гир айланади, гоҳ қизнинг юзига энгашиб, гоҳ либосларига қўл тегизиб, ҳамон уни аврамоқчи бўлади:

Ашшадарози меварам,  
Вақти номози беварам,  
Бармоғингни кўрсат менга,  
Олтин юзик олай сенга,  
Мен гетаман Ғаззолига  
Мендин нишон бўлсин сенга!

Қиз калласини чайқаб, қўлларини ёлғон снґ-сочвоғ ичига тикиб олди. Йигит чўзилиб интилди, бўйи етмади. Бир-икки ирғишлади. Сўнґ томошабинларга қараб ўдағайлади:

– Нетиб ҳиринглайсан, олакўз? Ё мени узайтир, ё мана бу дароз қизни калта қилиб бер!

Одамлар гуриллаб кулди. Матпано чодирхаёлдаги йигитнинг қилиқларига маҳлиё бўлиб тикилиб турибди. Шу пайт юмшоқрок бир қўл тирсагидан маҳкам қисгандай бўлди. Бир кизнинг «Вой йиқиلاجакман!» деб қикирлаб кулгани эшитилди. Матпано ёнига ўгирилди. Бошига ҳаворанг ипак рўмол ўраган оқ юзли, навнихол бир нозанин унинг тирсагидан тутиб турарди. Матпано тегишди:

– Мен борман, сулув, йиқилмайсан.

Қиз унга ялт этиб қаради, ковоғини солиб, дарров кўлини тортиб олди.

– Вой, қочинг ори, ўлмагийсиз! – деди шошиб. Дедию ўзи бир қадамча нари сурилди. Кимнидир излаб атрофга аланглади. Матпано қизга тикилиб қолди. Пайваста қошлар, ўймоқдек кичкина юпка лаблар, тутаб тургандай қоп-қора кийик кўзлар... Қизнинг ранги негадир синик эди. У ҳар нафас олганда кўкрагидаги шода маржонлар енгилгина силкиниб кўярди. Матпано беихтиёр киз томонга сурилди.

– Нерда турасан, сулув?

Қиз ҳамон тевааракка олазарақ боқаркан, калласини чўрт буриб: «Уйимда!» – дедию тағин юзини ўгирди.

– Уйинг нерда, сулувим?

– Моховлар маҳалласида, билдингизми? Жон оға, энди йўлимни бўшатинг, ўлмагийсиз. Отам гўрса, иккаламизни ўлдиражак!

Матпано унга икки қадамча эргашди.

– Энди отингни айтасан. Бўлмаса, изингдан қолмайман, сулув.

Қиз бу «хира» йигитдан қутулиш учунми, ёлғондакамми, ишқилиб андек кулимсираган бўлди.

– Марҳамат! Қутулдимми? – деди қарашма билан. Сўнг: «Ҳай, Назира! Мен бу ёндаман, тўхта!» – деганича чопқиллаб кетди. Матпано аввалига уч-тўрт қадам юрди-ю, охири қизни адаштириб қўйди.

У жойига қайтиб келди. Розик парвойи фалак, оғзининг таноби қочиб чодирхаёлни томоша қиларди. Матпано унинг ёнида бирпас ҳардамхаёл бўлиб турди-да: «Мен дарвозахонада ўтираман, чарчадим», деб изига қайтди. Бироқ оёқлари ўзидан-ўзи ҳалиги қиз кетган томонга етаклайверди. Энди йигитнинг қулоғига улкан майдонни ларзага келтираётган қаҳқаҳа-ю шодон хитоблар ҳам, қарнай-

сурнайларнинг байрамона нағмалари ҳам кирмас, у маст одамдек гарангсиб номаълум ёққа кетиб борарди. Кўз ўнгида ранги захил хуркак кизнинг қимтинган лаблари: «Марҳамат! Кутулдимми?» деган ширин тақаллуми ўтаверди. Унинг юраги ачишди. Чап кўкрагида бир нима жизиллади. Матпано шу пайтгача бунақа ҳолатга тушмаган эди. У одамлардан дакки эпитиб, оёқлари чалишиб, бозор майдонини хўб оралади. Лекин ҳаворанг рўмол ўраган ўша нозикниҳол кизни тополмади. Ниҳоят, бирор соатда ҳолдан тойиб, бозор ташига чиқди. Яхобчидан икки коса муздек сув олиб, кетма-кет симирди. Барибир, юрагининг ҳовури босилмади. Баланд девор панасига бориб сояга ўтирди. Кўнгли сайрар, етмиш икки бўғинини ҳаловатли бир оғриқ чулғаб олгандек эди. Бу илк муҳаббат лаззати, муҳаббат изтиробини эканини соддадил йигит хаёлига ҳам келтирмасди.

\* \* \*

... Матпано Гандимиёнга қандай келганини билмайди. Биродари Розик бўлмаганида то қоронғи шомгача Марҳамат деб аталмиш ўша толма қизни кутиб, бозор майдонида қолиб кетармиди...

У бемордек бир-бир босиб ҳовлисига кирди. Ундаги тор хужрага бурилди. Уйчага бўйра тўшалган, нимқоронғи эди. Матпано ўзини бўйрага таппа ташлади. Узоқ ётди. Ухлаб-ухламайди, бироқ ўрнидан тургиси ҳам келмайди. Кўз олдида чодирхаёл, тирсагидан авайлаб тутиб турган моҳичеҳра кизнинг синик кулимсираши, «Жон оға, ўлмагисиз, йўлимни бўшатиң!» деб илтижо аралаш жавдираб турган хуркак нигоҳи...

У тонг отгунча бир боғ янтоқ устида ётгандай тўлғаниб чиқди. Сахар туриб, оёғига чорик, эгнига астардеш одми чопонини кийди, бошини бўз рўмол билан танғиди. Қўш бошланган, қиш бўйи боқилган хўкизлар пишкириб, ер тепиниб турарди. Матпано молхонадан хўкизларни етаклаб чиқди, омоч-бўйинтуруқни шайлади. Ер тобига келиб турибди, нотаниш бир қизни ўйлагунча, экин-текин ғамини ейиш керак. Отаси қариди, боз устига касалманд. Айниқса, онаси ўлганидан бери уйларида табиб аримай қолди. Икки йил бурун Матпано онасидан айрилди. Туппа-тузук, ўз оёғи билан юриб турган Ойсанам биби «Вой, қорним»лаб уч кун ётдию, дунёдан кўз юмди. Дўппидек ҳовлида уч эркак юм-юм йиғлаб қолаверди.

Матпано хаёл гирдобида укасини пайкамади. Магназар оғасига мўлтираб тикилганича, бетоқат хўкизнинг бўйнидаги арконни тортиб турарди.

Ўғилларини кўриб ичкаридан ота чиқди. Баҳор келиб, унинг касали хуруж қилган, дам-бадам балғам тупуриб, юк оркалаган ҳаммолдай антикарди.

– Болам, бугунча кўшингни кўйиб... укангни ўйнатиб келсанг бўлармиди... Эл-юрт наврўз томошасида юрибли.

Матпано ичида жон деб турибди-ю, аммо Хевага югурсам, отамнинг кўнглига бир гап келармикан, деб хаёлланди.

– Томоша қочмас, – деди Матпано ковоғини солиб, – бир-икки кун ишлайлик, ота.

Ака-ука далага боришди-ю, аммо ёлчителиб ер ҳайдашолмади. Хўкизлар ҳали хом эмасми, отиз<sup>1</sup> бошига беш-олти бориб келгандаёқ ҳансираб, кора терга ботиб қолишди. Биринчи кундаёқ уларни зўрласанг, кейин кўшга ярамай, кўтарам бўлиб қолади. Матпано шуни ўйлаб, арконни омоч дастасига чирмади, шудгорга чўнқайди. Магназар йўл четида қий-чув қилиб келаётган ясан-тусан болаларга қараб тамшанди:

– Оға, каранг! Қалъага бораётирлар...

Матпано индамади, чўп билан ер чизиб ўтираверди. Укаси чўчиброқ яна лукма ташлади:

– Оға, шу ерни... азонлаб ҳайдасак бўлмайдимиз?

Матпано укасининг ёш тўлиб турган кўзларига қаради-ю раҳми келди: «Ўзи худо урган етим бўлса, тағин кўнглини чўктирганим инсофданми?» Ака илжайиб ўрнидан турди:

– Майли, хўкизларни бўшат. Улар ҳам байрам қилсин. Сенга қалъани кўрсатиб келақолай.

Магназар севинганидан ўмбалок ошиб кетди.

... Оға-ини ҳайитдагидек қайта кийиниб йўлга тушдилар. Улар шаҳарга яқинлашганларида пешин оғиб қолган, наврўз томошалари авжига чиқаётган эди.

Дарвоза олдида укаси дорбоз томонга югурди.

<sup>1</sup> *Отиз* – дала, пайкал.

– Хов, шайтон, окшом мана бу минор ёнига чиқиб тур! – деб бақирди Матпано. Матназар: «Хўп, хўп, оға!» – дедию орқа-олдига қарамай, қалин оломон орасида кўздан ғойиб бўлди. Матпанонинг телба кўнгли уни чодирхаёл тикилган майдонга етаклади. Йигит кеча турган ерига бориб атрофига аланглади. Одамларнинг кўзи кўғирчокларда, Матпанонинг кўзи олма-кесак теради. Даврани гир айланиб, одамлардан туртки еб, дашном эшитиб, Марҳаматни, «моховлар маҳалласида» турадиган чувак юзли, тол чивикдай қизгинани ахтарди...

Бир замон, яхобчидан музқаймоқ олмоқчи бўлиб навбатда турган эди, кимдир: «Марҳамат!» деди. Матпанонинг эти увишиб чўрт бурилди. Қараса, юзлари шафтолиқоқидек буришиқ бир кампир кандолатфурушга кумуш танга чўзиб турарди. Матпано ичида: «Ҳаҳ, қари момо-ей, юраккинамни ёрдинг-а!» – деб бош чайқаб кўйди.

У нари кетди. Ўтган-кетганга бир-бир боқиб бозорни хўб айланди: талқинчилар, халфалар даврасини кезди, гулкўкат расталарини, қайроқ ўйин, карвиш ўйин бўлаётган жойлар, вофурушлар, саррофлар, баззозлар, кулоллар, ҳалинчаксозлар дўконлари ҳам, қасидачи-ю қиссахонлар ҳалқаси ҳам қолмади. Афсус, у қиз ҳеч қаерда йўқ эди. Охири, йигит бир тўхтамага келди: кеча кўргани бир туш экан. Ўнги бўлса, шунча одамнинг орасидан рўмолининг учини кўрсатиб бир қиё боқарди. Ахир барча, етти ёшдан етмиш ёшгача тўй-тўйлаб юради-ю, шундай соҳибжамол уйига қамалиб ўтирадимми? Бас, уни излашдан фойда йўқ, тинчгина қишлоғига қайтиб, қўшини ҳайдагани маъқул.

Шу хаёлда қишлоғига қайтди. Сахар турди. Укасини ҳам уйғотмади. Белига иккита нон тугиб олиб молхонага кирди. Хўкизларини ҳайдаб чиқиб далага кетди. Чошгоҳгача тўхтамай ер ҳайдади. У энди Марҳаматни унутишни, бемор отасини, ёлғиз укасини, муштдайлигидан қандай яшаб келган бўлса, яна шундай аҳволда тирикчилик қилишни ўйларди. Лекин бир куни...

Арпа ўроққа кирган палла эди. Матпано ўроғини йўқотиб кўйиб диққат бўлди. Матназарни уйга югуртирди. У занг босган эски ўроқ топиб келди. Матпано уни эговлаб, қайроқтошга чархлаб кўрди,

бўлмади. Кейин шаҳарга тушмокчи бўлди. Хева яқин, жадаллаб юрган киши икки соатда бориб келарди.

Пешин вақтида йўлга чикди. Ичанқалъада, Тошҳовли ёнида таниш бир уста бўларди. Ўшанинг олдига борди. Темири қалин, каттароқ ўроқлардан иккитасини танлади. Ўзича уларни салмоқлаб кўра бошлади. Шу пайт дўконга яхши кийинган, басавлат, биткўз бир киши келди. Уста унга чоғроқ ўроқ узатди:

– Мана, асбобингиз, бек. Ўзиям қиличдай бўлди.

Ўроқ ярқираб турарди, лекин биткўз унинг ўнг-терисига қаради-ю бошига кўтарди.

– Мана шу билан каллангга бир туширайми, бетавфик! Ўроққа қўл урмабсан-ку! Бундай қилиб кун кўргунча моховлар маҳалласина бориб тур, – нонинг ҳалол бўлади!

Уста шанғиллаб узр сўради. Биткўз ўроқни пештахтага отиб юборди-ю таре бурилиб кетди.

«Моховлар маҳалласи»ни эшитгандаёқ Матпанонинг юраги тўхтаб қолай деган эди. «Демак, Марҳамат алдамабди-да, ростдан моховлар маҳалласида турар экан-да?»

Йигит қовоқ-тумшуғи осилиб ўтирган устадан тортиниbroк сўради:

– Оға, ҳалиги маҳалла қаерда, билмайсизми?

– Биладан! Хў ёқда! – Қўл силтаб зарда қилди уста, – Тошдарвоза ортинда!

Уста нималардир деб ўзини оқлади, биткўз олифтадан шикоят қила кетди. Бироқ, Матпанонинг қулоғига гап кирмас, унинг кўкси ифодасиз бир туйғудан чайқалиб, хаёлида «Марҳамат... Тошдарвоза... Моховлар маҳалласи...» деган уч калима чарх урарди.

Матпано икки ўроқни қўлтиқлаганча кишлок сари елиб кетмоқда. Шодлигидан терисига сиғмайди, кўнгли ғурур ила мас-тона чайқалади. Гоҳо ўзига-ўзи илжаяди. «Худога шукр, топдим-а, охир топдим», дея пичирлайди.

Марҳамат унга насиб қиладими, йўқми, бу билан иши йўқ. Ма-лаксиймо қизнинг топилгани учун ёзмишига шукрона айтиб, ичида бояги турқи совуқ биткўз кимсани алқаб, Матпано дала томон ил-дам елмоқда.

Ўша куни у бир кунлик ишни ярим кунга қолдирмади. То қора шомгача терга ботиб чорак таноб ердаги арпани ўриб ташлади. «Яна икки-уч кунда арпанинг қолганини ҳам ўриб, бойлаб олай, сўнг қалъага бораман, уни албатта излаб топаман!» – юрса, турса кўнглида шу фикр умид чироғидай порлаб туради.

Бир куни оқшом маҳали лойсупада отаси билан гаплашиб ўтирарди. Гап орасида:

– Ота, Хевада моховлар ўрами<sup>1</sup> ҳам борми? – деб сўради.

– Моховлар ўрами йўқ, – деди Қойиб полвон ўғлига синовчан тикилиб. – Ҳалқаликларни кўпчилик моховлар дейди. Не эди?

Матпано қизариб ёлғонлади:

– Ўзим. Наврўзда... бир йигит билан танишдим.

– Билагада ҳалқаси бормиди?

Матпано Марҳаматни эслаб, баттар қизарди.

– Қарамабман. Йўқ эди шекилли.

– Бўлуви керак. Улар ҳалқасиз кўчага чикмайди. Муҳтасибнинг қахридан кўрқади.

Матпано ажабланди:

– Нега ҳалқа тақиб юради, ота? Улар мусулмон эмасми?

Ота ух тортиб, ёстикни алмаштирди, бу ёнбошига ағдарилди.

– Мусулмон. Улар ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг бизга ўхшаган умматлари. Уларга қарғиш теккан бўлуви керак-да, болам. Минг-минг йил бурун Мадрайимхоннинг бобосими, бобосининг бобосими, бир фармони олий берибди. Шу-шу, ҳалқаликларни эл-юртдан ажратиб, Дешан қалъанинг бир кунжагига қувиб солибдилар. Аҳли мўминга қўшилишга уларнинг ҳақлари йўқ. Бозори, қудуғи, дўконини айтма, ҳатто мозоригача бўлак. Мендай, сендай кимсаларга қўл бериб кўришмайди, биз ҳам уларга қўл бермаймиз. Ҳалқалик билан гаплашиш мумкин эмас. Мабодо бирга ўтириб, бир коса чой ичганингни хон одами кўриб қолса, терингга сомон тикдиражак.

Матпано ҳайратдан лол бўлиб, сўради:

– Ота, ҳалқаликлар... шунчалик ёмон одамларми? Улар на иш қилади?

---

<sup>1</sup> Ўрам – маҳалла.

– Ёмон одамлар эмас. Хўрланган, жабрдийда бечоралар. Улар мурдашўйлар, ўлик ювғувчилар, билдингми?

Матпанонинг нафаси чикмай, бир хол бўлиб қолди. Кўзига ёш куйилиб келди. Ҳалитдан бери отасининг сўзини тинглаб, ҳалқалик деганлари нияти бузук, мардумозор элат экан-да, деб ўтирган эди. Энди уларга жони ачишди. Матпано ҳали ёш, ҳали кўп нарсага акли етмайди. Аммо бир нарсани биледи: хоннинг бу қилгани тўғри эмас. Ахир, ўша ювғувчилар ҳам одам-ку. Отаси айтмоқчи, бир куни тўрт оёқли ёғоч отга миниб у дунёга сафар қилганда ким керак? Ана шу мурдашўй керак!

Матпанонинг кўз олдига Марҳаматнинг рангпар чехраси келди. Қиз гўё: «Ана, кўрдингизми, оға, биз ўлик ювадиган моховлармиз, шунинг учун хоҳолаб кулолмаймиз», дегандек синикқина илжайиб турарди.

Матпано: «Ака, ўша айтган элатингиздаги бир кизни четдан бир йигит яхши кўриб қолса, на бўлади?» – деб сўрагани оғиз жуфтлади. Сўнг тилини тишлади: «Гумонсирамасин. Ёлғоним очилишига сал қолди ўзи».

... Бир ҳафта деганда у Марҳаматни ахтариб Хевага жўнади. Ёз излади, куз излади, қаҳратон киш кунлари совукда дилдираб, йиғлаб-йиғлаб излади.

Ниҳоят, уни топди-ю, мана шу қудук ёнида қайта йўқотди, абадий кўрмас бўлиб йўқотди.

...Матпано атрофини қуршаб келаётган қоронғиликка боқиб, та-ассуф ила бош чайқади: «Топгандан топмаганим авло эди. Кўриб куйган ёмон экан. Кўрмай куйсам, бунчалик хўрлик йўқмиди...»

У бемажол оёқларини ердан аранг узиб, тунги қўналга истаб, Жоме масжиди томон кетди.



## «БАҒРИ ЮЗ МИНГ ПОРА ХАЛҚ»



Аваз Чокарни Гандимиёндан тополмади. У Шўрқишлоққа ўтиб кетибди. Излаб борди. Чокар бир миробникида эшик-ром ясаб юрган эди. У рандасини таппа ташладию, этагидаги қипиқни йўл-йўлақай қоқиб, дўстига пешвоз югурди. Елка олишиб, қайта-қайта



кучоклашди. Ўтирдилар. Гап орасида Аваз сўнги кунларда бошидан ўтган воқеаларни қисқа айтиб берди.

– Мадрайимхонга раҳмат, – деб кулди Чокар, – бўлмаса, Матюсуф на бўлди, дея йўкламасдинг ҳам. Яхшиям кувфинга йўликқанинг. Лекин устозни бекор инжитибсан. Базўр юрибди у саройда. Ютгани ўзиники, оғзидаги омонат.

– Агар жарчи бўлмаганда сўзига ишонардим. Сўнг ўзим ҳам пушаймон едим. Юзикоралик бўлди.

Чокар ҳазилга, зарофатга ўч йигит эди. Ҳаётдаги кўп ноҳақликларни кўрса-да, куйиб-пишавермас: «Э, бу дунёнинг мазаси йўқ экан», дея қўл силтаб қўяверарди. Аваз гоҳо дўстини енгилтак, беғам дея қойийди. Аммо ўзининг ичи торлигини эслаб, хижолат чекади, Чокарга ҳавас қилади.

– Бўпти, Аваз Пушаймоний, – деди дўстининг телпагини босиб, Чокар, – инжима. Бугун менга қарашасан, эртан Пишканик, қайдасан, деб йўлга чиқамиз. Қани, пешматингни бойла!

Азонлаб икки дўст Пишканик йўлига тушдилар. Пишканик Хсванинг кунботаридаги хушрўй, баҳаво маъво. Бу ерда Ўтар бобонинг хондан инъом тарзида олган икки танобча ери бор. Йилига бир-икки маротаба бўлмаса, далага чиққани Ўтар бобонинг қўли тегмайди. У мулкани қишлоқдаги Амаатжон деган бир камбағал дехқон ихтиёрига буткул топшириб қўйган. Амаатжон ердан ўз билганича фойдаланади. Бир йили пахта экади, бошқа йили буғдой ё жўхори. Чорак таноб ерни боғ қилган. Эринмай Ҳазораспнинг машхур олмаларидан олиб келиб ўтқазган. Кичкинагина ерда анвойи мевалар гуркираб яшнаб туради. Айниқса, тарвақайлаб ўсган гужум таги ёзда жуда ўтиришли бўлади. Ёзнинг жазирама кунлари Амаатжон гужум остига қўллаиб сув сепади, супага йиртиқ-ямоқ бўлса-да, топ-тоза олачани тўшайди. Оқшомлари олмачойни шопириб, қўшни дехқонлар билан супада ёнбошлаб ётишади. Гоҳо боғ сайрига Аваз чиқади. Ёнида дутор-сетор кўтарган шериклари ҳам бўлади. Оқ дасторли ёшуллилар, кўк саллали йигитлар ҳуфтонгача ғазал ўқийдилар, бўйи Амаатжоннинг кенжатой ўғлидай келадиган Ҳасан қайғичи саройдаги хангомаларни айтиб, ҳаммани кулдиради. Амаатжон бундай кунларни орзиқиб кутади, даладан ўлиб-чарчаб келган бўлса-да, боши билан шўнғиб хизмат қилади.

Аваз ҳозир ана шундай ғанимат дамларни соғиниб бораётган эди. У шаҳардан йироқлашиб, кишлокқа яқинлашгани сари кўнгли хавойи туйғулардан сармаст чайқалар, кўзга ажиб равшанлик бахш этувчи яшил кўкатлар таровати, нордон хиди кечадан бери ғамнок дилини эркалаб, кўксидаги ранжу аламини кувгандек бўларди.

Пишканик ерлари бошланди. Савр ўтиб, жавзо кирган. Отизларда бир қарич кўк майсадай кузги буғдойлар силкинади. Солмаарикларда нуқра сувлар шилдирайди. Хўв нарида хўкиз кўшилган чиғирик чийиллайди. Далада одам сийрак.

Пешинга яқин Аваз билан Чокар Амаатжоннинг садаси тагидаги супага етиб, халталарини кўйдилар. Пасткам, баркашдай дарчали узунчоқ уйчадан аввал ялангоёк, кора-кура икки бола чикди. Улар кутилмаган меҳмонларга ётсираб караб туришди. Болаларнинг изидан қизил кўйлак кийган тўлагина жувон кўринди. У Амаатжоннинг хотини Бекажон. Аёл меҳмонларни кўриб дарров рўмоли билан юзини яширди. Бир-икки қадам босиб, ёнбошига қайрилганча эгилиб салом қилди.

Амаатжон далада, сув бошида экан. Унинг олти яшар ўғли пистапояни «от» қилиб минди-да, отасини чақиргани чопди.

Қумғон қайнагунча ҳаллослаб Амаатжон етиб келди. Почалари шимарилган, ялангоёк. Эғнида елак тўн, бошига катта чит рўмол танғиб олган. У энди қирқнинг устига чиққан бўлса-да, қаримсик кўринади. Оқ сомондай оқарган соч-соқоли, улкан панжалари, бўйнидаги қоп-қора тиришлар Амаатжонни олтмиш яшар қарияга ўхшатиб кўйган. У лўкиллаб келди-да, Авазнинг кўлига ёпишди. Меҳмонлар билан кўришиб бўлиб, дуо қилди:

– Дераверсин, меҳмонга зор қилмагайсан, илоё! – У супа четига омонат ўтирди. Авазнинг очик чехрасига боқиб илжайди. – Ажаб, оға, ажаб! Хуш кўрдик-э! Қадамларингизга гул битсин-э! Биз ғарибларни йўқлайдиган марди худо ҳам бор экан бу дунёда. Ўзи окшомдан буён ўнг қобоғим учади. Севган одамим келар-ов, деб ичимдан ёнаман. Дим яхши бўлди-да, оғалар!

Амаатжон супадан сидирилиб туришиб, уйга югурди. Дастурхон олиб чикди. Кейин уй томонга қараб: «Эшжон, улоғингни келтир бу ёна!» – деб қичқирди. Азиз меҳмонлар оёғига улоқ сўйгани уялди-ми: «Кўй, улоқни, тўқлини тут, тўқлини!» деди. Ўн олти ёшларда-

ги бир бола кўра томондан тикмачокдек кўзини судраб келди. Кўзи қисмати не бўлишини биладигандай, бетиним маърайди. Ўсмир уни олма тагида ерга ағдариб, оёқларини боғлади. Аллақачон билакларини шимариб олган Ааматжон пичоғини тишлаб кўлларини очдида, меҳмонлардан фотиҳа сўради. Аваз бош силкиб, юзини терс бурди. Қон кўрса, унинг кўнгли беҳузур бўларди. Чокар Ааматжоннинг абжирлик билан кўзини бўғизлаётганига қараб, Авазнинг биқинига туртди:

– Кўзлари мунчокдек эди. Биз келмаганда тагин қанча кун, қанча ой дикир-дикир ўйнаб юрармиди.

Аваз индамади, айбдор кишидек дастурхонга тикилди.

Ааматжон тўқлини саранжомлашни ўғлига топшириб, яна дала-сига, сувини оёклатгани кетди.

Тушдан кейин Чокар Ааматжоннинг кулбасини айланиб, эшикларнинг шикаст-рехтини тузатди. Аваз: «Буён келинлар, мен ҳам сенларни бир таъмирлаб кўяй», деб Ааматжоннинг, кўшниларнинг болаларини чақирди. Супага қатор ўтқизиб, бир чеккадан сочларини қира бошлади. Болалар: «Сен ўт, сен ўт!» – деб бир-бирини туртар, Аваз сув сепиб бошларини ишқаласа, кўзларини юмиб, афтларини бужмайтирар, яйдоқ-яланғоч каллаларини «устара ҳақи»дан бекитиб, чувиллаб супа атрофида гир айланишарди.

Ўша кеча у ёмон туш кўрди. Тушида катта бир анҳор эмиш. Анҳор тўла қон, Аваз лопиллаб оқиб кетяпти. Кулоч уриб сохилга интилади. Етолмайди. Шу пайт бир кучоқ салла кўтариб... Зорий пайдо бўлди. Саллаларни сувга отди. Кейин ўзи осмонга кўл чўзиб, учиб кета бошлади...

Аваз ғалати аҳволда, ланж бўлиб кўзини очди. Осмон буржида Олтин қозик ярқираб турар, яқин ерда товукларнинг патиллагани эшитиларди. Ўнг ёнида Чокар ғужанак бўлиб ётибди. Ааматжоннинг ўрни бўш эди. Олисдан қишлоқ сўфисининг азон айтгани эшитилди. Аваз туриб кийинди. Ҳовли этағидаги ариқчада ювинди. Тўнини кийиб, белини маҳкам танғиб уйдан чиқди. Ёлғизоёқ йўлдан шудринг ялтираб турган майсаларни оралаб ота мулкига кирди. Экинзорларда бўладиган тонгги бир тароват, одамни хушёр торттирадиган муздек шабада, кенг, кимсасиз отизлар, сукунат завқи – барчаси Авазнинг кўнглидан мужмағил, оғир туш асорати-

ни хайдагандек бўлди. У кўксини тўлдириб нафас олди. Гоҳ тўхтаб, нимтатир, кўкиш уфқларга разм солади, кечаги осойишта кунини, бу ерда ўтажак осуда дамларини, абётини, Амагжонни ўйлайди. Эшик туткичини беҳолгина ушлаб, изидан ғалати термилиб қолган Розияни эслаб, юраги ғаш бўлди. Гарчанд Аваз ирим-сиримларга астойдил эътикод қилмаса-да, тушидаги ишоралар уни хаёлга толдирган эди.

Аваз айланиб дала бошига бориб қолди. Амагжон ғўза чопик қилиб турган экан. У кичкина қорик кетмонини ерга кадаб, дастасига ўтирди.

– Экин қалай бу йил, ёмон эмасми? – деди Аваз атрофга кўз югуртириб.

– Худога шукр. Ўтар бобонинг мулки курсоғимизни тўйдириб турибди. Ҳасрат қилсак, нонкўрлик бўлади. Етти боламнинг савобига қолди Ўтар бобом. Ма, экиб-тикиб олавер, деб ерини бермаганида, билмадим, холимиз не кечарди. Зоғора нонга зор бўлиб ўтирармидик? Ер яхши, қизил чакка тупрок. Мехнатингни аяма-санг, сув бўлса, ўзинг ҳам, молинг ҳам тўк. Бултур ёмон бўлди. Буғдойим тиззага чиққанда хонлик ерларга сувни ағдариб олишди. Бизга сув тегадиган бўлганда ғовача<sup>1</sup> гулини тўкди. Буғдой ҳам ўнгмай қолди. Кузга бориб ошлиқ ҳам, пахта ҳам ёлчитмади. Бир ёқдан ўлпончилар зуғум қилади, бир ёқдан Ўтар бободан уяламан. Бетим сидирилай деди. Ошлиқни судхўрга тортиб бериб кутулдим.

Аваз рўзғорга кўп аралашмас, шунинг учун отаси билан Амагжоннинг олди-бердисини яхши билмас эди. Ўтар бобо анча замондан бери мулкини Амагжонга топшириб қўйган бўлса-да, унинг зиммасига бирон мажбурият юклаган эмас. Амагжон хирмоннинг чўғига қараб ҳар йили кузда унинг улушини олиб бориб беради. Ёз бўйи мева-чева, қовун-тарвуз ташийди. Пахта эккан йиллари уй ичидагиларга бир сидра сарпо ҳадя қилади. Кейинги йилларда хон одамлари қишлоқма-қишлоқ юриб, кўпроқ пахта экишни талаб қиляпти. Ўрис савдогарларга ҳозир пахта ўта зарил эмиш. Аммо, пахта экишга дехқонларнинг унча ҳуши йўк.

---

<sup>1</sup> Ғовача – пахта, ғўза.

Аввало кам ҳақ тўланади. Қолаверса, киш бўйи одамларга ғалла керак, чорвага ем-хашак керак. Устига-устак, сурункасига пахта экилган ерлар ориклаб, ҳосил камаяди, ҳар хил курт-кумурска кўпаяди.

– Начора, – деди Ааматжон уҳ тортиб. – Мадрайимхон окпошшога қарам. Биз хонга қараммиз. Ўрис пошшо хонга буйруқ қилади, хон бизга. Томингга пахта экиб бер деса ҳам, экамиз!

– Ҳа-а... – деди Ааваз хаёлчан, – ихтиёр ўзингда бўлмагач, чоранг йўк. Қулнинг ихтиёри ўзига тегса, на қилишини билади. Кеча бошида камчи ўйнатган хўжасини хизматкор этиб ишлатишга ҳам кучи етади. Эркили одам зўр одам, Ааматжон. Эркили – дунё билан беллашади, эркисиз – нари борса, хотини билан уришади.

Ааматжон Аавазнинг гапига тушунмади.

– Биз, оға, мана шу ерда туғилганмиз, кунимиз битса, шу ерда кўмилажакмиз, – деди ўрнидан туриб. – Ишқилиб, изимизда қолган болалар йиғламай юрса бўлди, деймиз-да. Манглайимизга битилгани шу қора меҳнат экан, нетамиз.

– Омон бўлсангиз, манглайингиздаги ёзув ўзгарар. Дунё шундоқ кетавермас. Олти ой ёз, олти ой киш, дейдилар. Бир куни ҳокимларга инсоф кириб қолар. Агарда инсоф кирмаса, халқ қўлига калтак олажак.

... Тонг ёришиб, гужумларда кушлар бозори бошланди. Ааваз кичкина солма-ариқчалардан хатлаб-хатлаб, отизма-отиз айланиб уй томон кетди.

Нонуштадан сўнг Чокар кишлоқ оқсоқолига йўлиқиб, ўзига иш топгани жўнади. Ааваз асбобларини шайлаб, даладаги дехқонларнинг соч-соқолини олгани тагин ер бошига отланди. Унга бир дехқоннинг гувала капасини устахона қилиб бердилар. Ааваз бир ғўлани қапа ўртасига «курси» қилиб кўйди, деворга кафтдек кўзгу илди. Ҳадемай шаҳарлик «шоир устанинг кўлини кўргани» бирин-сирин дехқонлар кела бошлади.

Бир неча кундирки, Ааваз оқшомлари енгилгина об-хўрак қиладию, Ааматжоннинг чоққина хужрасига қамалиб олади. Олди-га қорачироқни кўйиб ғазал ёзади. Соатлаб тўхтамай шеър битади. Баъзан шеър завқига берилиб кетиб, тонг отганини сезмайди. Ҳар замонда унга пилик янгилаб бериб турадиган Эшжонни ҳам

тамом унутади. Эшжон узала тушганча энгагига суяниб «ўзи билан ўзи сўллашадиган» шоир тоғасининг кўшиқ тўкишига караб ётади-ю, охири пишиллаб ухлаб қолади. Аваз эса, тинмай ёзада. Шу беш-олти кун ичида кишлоқда кўрганлари кўз ўнгида жонланади, жисми-жонини оловдек ўртаб, изтиробга солади. Қайда бўлса деҳқоннинг бахти кемтик. Елкаси камчидан яғир, қўли кетмондан кадоқ. Болалар-чи, отизда туғилиб, онасининг орка этагига ёпишиб. мана шу дала бошида, лой-тупрокка коришиб катта бўлади, шу ерда сочи оқаради, мункиллаб, оталаридек, бир парча ерни тирнаб, бир парча ер илинжида дунёдан ўтади. Бири-биридан машъум, юракни тилка-пора қилувчи манзаралар Авазнинг хаёлидан кетмай қолди. Бир қапада кеча иштончан, ориқ бир бола «Нанна!» дея йиғлаб дастурхонга қўл чўзди. Отаси меҳмониинг олдидаги яримтагина нонни ҳадеб ушатиб олгани уялдими, боласига ўриккоки берди. Бола ўрикни отиб юбориб, тагин «Нанна»лаб йиғлашга тушди, Ота ўғлининг қўлига бир урди: «Нон бўлмаса, тошни бераманми, баччағар?» Авазнинг кўнгли вайрон бўлди. Томоғига бир нарса тикилди. Чидамай ташқарига чиқиб кетди. У икки кун илгариги воқеани эслаб, баттар эзилди. Бир деҳқон сигирини ёп-зовур четига арқонлаб қўйган экан, илон чакиб ўлибди. Деҳқон сигирнинг тепасида йиғлаб ўтирибди. У дув-дув ёш тўқар, қўлларини осмонга кўтариб нола қиларди: «Э худоё худовондо! Бу на кўргилик? Энди нетаман? Тўққиз оғизни қандай боқаман? Мени зор қақшатиб кетгунча, бир боламнинг жонини олсанг бўлмасмиди?»

... Юпун, ер билан яксон, овора халқ!

Ўша ярим яланғоч болакайнинг «Нанна» дея дастурхонга чўзилган қўллари, сигирнинг бадалига фарзандига ўлим тилаган деҳқоннинг илтижолари Авазнинг жигарини хун қилиб турарди хозир. У жаҳл билан патқаламни олди. Бир лаҳза ён-верига боқиб, энса қашиб ўтирди-ю шитоб билан ёза кетди. Оддий халқ дарди, мунги Авазнинг қалбидан ўтли қўшиқдай отилиб чиқиб қоғозга тўкиларди:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиғи бирла бўлғон бағри юз минг пора халқ.

Ўша окшом Аваз учун илҳом тунни бўлди. У хуфтонгача «Халқ» шеърини тугатди, бир неча рубоий ёзди. Тайёр байтларни қайта-қайта ўқиди, айрим сатрларга сайқал берган бўлди. Сўнг қоғозни Эшжоннинг олдига сурди:

– Ма, тойбола, ўкигин-чи, сенга ёқармикан?

Эшжон вараққа кизиқиб қаради, уялиб энгашди-ю: «Се... е... син...», дея тўхтаб қолди.

– Ҳм, Эшжонбой. савод масаласи чатоқрокми?

Бола бош қимирлатди:

– Абжадни<sup>1</sup> ўкиганман, дойи. Сўнг ўқимадим. Отам роса хафа бўлди. Домламиз ҳар кунни ётқизиб таёқлатарди. Ўқигим келмади. Мен мол боқишни яхши кўраман. Биласизми, ҳайвонларнинг тили йўқ. Эса, улар одамдай ақлли. На десангиз қилади. Бир кучугим бор эди, далага сув таширди. Бўйнига сатилни илиб қўйсам, отамга элтади, отам сувни ичиб бўшатиб беради. Кунига тўрт-беш марта бориб келарди. Ўлиб қолди бечора. Ноибнинг ўғли отиб ташлади.

– Сени калъага олиб кетиб ўқитсам, рағбат қиласанми? – деб сўради Аваз.

– У ёнда урмайдиларми? Домла нукул товонимга урдирарди.

– Урмайди. Ўзим қараб тураман.

Эшжон Хевага кетишга майл билдирди. Бироз ўтириб сўради:

– Анов қўшигингизни... менга беринг, дойи, жўраларимга ўқитиб эшитаман.

– Қўявер. Эртага далада ўзим ҳаммага ўқиб бераман.

Авазнинг бу ғазали оғизма-оғиз ўтиб, уч-тўрт кунда бутун Пишканикка ёйилди.

## ҚАҲ-ҚАҲА ВА ҚУВҒИН

Бири-бирдан зерикарли кунлар кетидан кунлар ўтяпти. Авазнинг диққати ошган. Хева томонга қарайвериб, кўзи тешилай деди. Отасидан мужда йўқ. Бу орада Аватжон бир-икки марта мевачева олиб шаҳарга бориб келди. Уй ичингиз омонлик, бир гап бўлса Ўтар бобом хабар берар экан, деди. Аваз, дўкони ёпилиб, буёққа

---

<sup>1</sup> Абжад – алифбо.

кувғинди бўлиб келганини Амаатжонга айтмаган эди, индамай кўя қолди.

Ана шундай дилгир кунларнинг бирида Пишканикка Мутриб оғаси сўроқлаб келди. Ёнида Мадраим гармон, Отажон кашқалдоқ, Ҳасан қайғичи. Пешин вақти. Аваз дала бошида, омонат бир чайла соясида соч олиб турарди. Олисида, сув ёкалаб келаётган қора чўғирмалик кишига қараб-қараб кўйди. «Наҳотки, Мутриб оға бўлса? Хув анави, орқада ирғишлаб юрган бола ким бўлди? Иби, Ҳасан қайғичими?» Аваз даҳанига совун суркалган деҳқонни жойида қолдириб, дўстлари томон отилди.

Бирпасда чор атрофдан деҳқонлар кела бошлади. Айниқса, болаларга худо берди. Улар «ўзи йўқдай, товуши ўқдай» Ҳасан қайғичига ажабланиб, кўзбойлоқчига қарагандай қарар, бир қарич бўла туриб, шундай ёшуллилар билан хазиллашиб турган «калта»нинг ёнидан жилмасди.

Оқшом Амаатжоннинг катта супасида базм бошланди. Чокар неча кундирки, ёғоч йўнавериб созни соғиниб қолган эди, танбурни олиб тўйгунча чалди. Сўнг: «Мана, оға, қулоғи қизиди, энди на десангиз сўллаиди», деб Мутрибга узатди. Мутриб танбурни ёнига кўйиб, йигитларга қаради. Мадраим Ёқуб ишорани тушуниб, «ўриссози»ни тиззасига олди, «қулоғини бир-икки чўзди». Қора қутидан ғалати овозлар чиқди. Супадаги деҳқонлар орасида гармонни кўрмаган, аммо, «ўриссози» деган чиқибди, икки қулоғидан ушлаб тортсанг, нағма чалармиш, деб эшитганлар бор эди. Улар этликкина бўтакўз йигитнинг тиззасидаги қора қутига ажабланиб қарашди. Чилдирмакаш пастга сакраб тушиб, доирасини қиздириб келди. Мадраим Ёқуб бошини бир томонга эгиб гармонининг «икки қулоғидан тортиб юборди». Юракни эркалайдиган нозик куй таралди. Чилдирма тақиллади. «Ўриссози» улкан қора зулукдай гох чўзилиб, ғоҳ тиришиб нағма қилади, доира унга эргашиб жўровоз бўлади, даврадагилар бош чайқаб, бу мўъжиза қутига, унинг икки биқинидаги оппоқ тугмачаларига илжайиб боқишади.

Созанда бир жуфт нағма чалиб, талқинга ўтди. Ҳофиз йигит ҳали ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда бўлса-да, овози ширали, юракларни сел қилиб, тингловчиларни ерга қаратиб кўярди. Ҳофиз, йигитлик мавсуми, ранжу озор тўла бу фоний дунё ташвишлари, умрнинг

ганимат дамларидан куйлар, кўшиги билан бировларнинг ушалмаган армонларини ёдга солиб, бировларга таскин-тасалли бераётгандек эди.

Дуо, олқишга кўмилиб, ҳофиз кўшигини тугатди. Аваз ортиқча мулозамат кутиб ўтирмади. Кўйнига кўл солди. Тўрт букланган қоғоз олиб Мутрибнинг олдига кўйди. Бу – кечагина тугатган шеър эди. Аваз уни жамоат олдида ўқиб, гўё улардан қарзини узмоқчи, зулму кулфатни факат қарғаб енгмоқчи бўладиган авом, кўнгил кўзи кўр кимсаларга шеърим зора ибрат сабоғи бўлса, дея умид қиларди. Мутриб шошилмай қоғоз қатини ёза бошлади. Унгача Аваз рўпарасида киприк қокмай ўтирган кулча юзли бужур кишининг бетига қараб шеър айта кетди:

Йўқ жаҳоп мулкида биздек ожизу бечора халқ.  
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.  
Бир неча авбошлар мундоқ ҳукмрон айласа,  
Қолмагай ори на янглиғ меҳнату озора халқ.

Барчанинг нафаси ўчиб, жим бўлиб қолди. Ҳатто бир сония жағи тинмас шақилдоқ Ҳасан қайғичи ҳам муштдек бўлиб қотиб ўтирибди. Аваз овозини хиёл кўтариб давом этди:

На аларда бордурур илму адолатдин асар,  
Не ажабким, топмаса дарди дилига чора халқ.  
Етган офатни бошига доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ.

Кимдир «Им-м!» деб ингранди, биров оҳ тортди. Чокар «Нега бу шеърдан менинг хабарим йўқ?» дегандек, дўстига ҳайратланиб боқди. Лекин Аваз шу топда ҳеч кимни кўрмас, унинг қалби тилка-пора, у кўксида гўё юз йилдан бери асраб келаётган ва ниҳоят, энди айтиш фурсати етган дардини тезроқ тўкиб олишга шошилаётган бенаво ошиқдек ҳаяжон ичида тўлғаниб шеър ўқирди:

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни асрамоқ,  
Бўлди қурбон бу сабабдин миллати агёра халқ.  
Халқи оламни бари айлар тараққий кун-бақун,  
Биз таназзул айлабон қолдук эдук на қора халқ...

Супадагилар ҳазин мусикадек кўнгил ўртовчи бу шеърнинг поёнига етмаслигини тилар эдилар. Чунки шоир мана шу қора кўзларнинг дарди дилини шархлаб бераётган, уларнинг юзига соч-соқол олаётган кезларидагидек ўзига хос кўзгу тутаётган эди. Аваз жаранг товушини андак пасайтириб, мақтаъга ўтди:

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон.  
Э, Аваз, бўлмас мунингдек борхо овора халк.

Бир лаҳза сукунат чўкди. Сўнг чор тарафдан сой шовқинидек раҳмат, олқиш ёғилди:

– Э, балли, отангизга раҳмат-е!

– Вой-ай, менинг кўнглимдагини топиб айтибди! Мен ҳам ўзимча сўллаб юраман, тирик бўлиб тўрда йўқмиз, ўлик бўлиб гўрда, деб. Мулла оғам кўшиққа туври солибди. Ўлманг!

Мутриб Авазни елкасидан тортиб бағрига босди.

– Кўҳна ғазалларингни сотиб едирадиган шеър битибсан, куллуқ бўлсин!

Ҳасан қайғичи сакраб турди, Авазнинг чаккасини жажжи кафт-чалари билан сиқиб, юзидан ўпди.

– Чокар оға бир нусха кўчириб берсалар, ўз қўлим билан хон ҳазратларига етказажакман, – деб ҳазиллашди, – шу кунларда хон қурбонликка одам тополмай гаранг.

Одамлар Ҳасан қайғичи Авазни ўпа бошлагандаёқ кулиш-га тушган эдилар, энди хохолашди. Ҳасан бундан илҳомланиб ўтирганларга ўдағайлади.

– Хўв, сен нега сувдан чиққан лаққадай бақраясан, а? – деди олакўз кишига қараб, – кўзларинг Али маҳрамнинг соққасина менг-зайди. Хув, соққангга тупроқ тўлгур!..

Хоннинг бош айғоқчиси Али маҳрамни биладиганлар олакўз дехқонга учирик ташлаб хузур қилиб кулдилар. Ҳасан қайғичи дав-ра айланиб, бақалоқ бир йигитнинг биқинини чимчилади. Йигит ёнбошига қийшайди.

– Хув, тек ўтир, – деди Ҳасан, – йўқ эса, Нуржон баҳодирга айтаман, ўзига ўғлон қилиб олиб кетажак. Ўлиб турган экансан-а, биқининг мунча юмшоқ, жоним!

Давра қах-қах урди. Қизикчи кокилли болакайнинг сочи-дан тортиб: «Бор, уйдан лунги обчик!» – дедию яна супани ай-лана бошлади. У ўтирганларга бирма-бир лақаб қўйиб чиқиб, ўртарокда тўхтади. Рангпар, ориқ йигитнинг кўзларига тики-либ қолди. Унинг икки бетига аста шапатилади. Одамлар, энди у нима қиларкин, дегандек нафасларини ютиб туришибди. Қизикчи олазарак, хавфсираган бўлиб йигитнинг уёқ-буёғига ўтди, кўзларини йириб каради, оғзини катта очиб «А-а-а!», де-дию чучкириб юборди.

– Ҳаққи рост! – деди бурнини чангаллаб. – Мусулмонлар! Мана бу кишини таниб қўйинглар, кимсан – Саид Абдулла тўранинг му-риди бўлади! Отинг на, йигитим?

Йигит уялиб, ўтирган ерида ортига сурилди.

– Ўзинг яхшиликча айтасанми, ё бир бало қилайми?

Рангпар йигит бу қизикчи ўхшамаган қилиқ қилиб шарманда эт-масин, деган андишада мингиллади:

– Ғай... Ғайбулла...

– Ана, ана, тап ўзи! Ғайбулло – муриди Саид Абдулло! Ғайбулло тарёкий, муридингни бориб кўрасанми ё уни ўзим шу ёна чорлай-ми? Хув, бачча, лунгини бер!

Ҳасан қайғичи кокилдор боланинг қўлидан қозик-лунгини олиб, бошига салла қилиб ўради, мойсочикни дарра қилиб эшди. Сўнг икки-уч тўнни думалоклаб устига ўтирди. Олдига сопол косани қўйди. Чўмични тиззасига кўндаланг ташлади. У одамларнинг қий-чувига кўмилиб, хоннинг эрка ўғли Саид Абдулла «бўла бошлади». Ана, банги тўра юмшоқ курсида афюннинг кайфини суриб, кўзлари сузилиб ўтирибди. У хар ёнга мастона чайқалади, гоҳо боши ерга теккудай бўлиб чўнқаяди, гоҳ чалқанча йиқилай деб ўзини ўнглаб олади. «Саид Абдулла» чўмични чилим қилиб уч-тўрт бор тортди. Яна муроқабага берилди. Ана, у мункиб бориб қўлларини ерга ти-раб қолди. Одамлар супани бошларига кўтариб хандон ташладилар. Ҳасан қайғичи кўзларини йириб атрофга ажабланиб боқди, сўнг чийиллаб бақирди:

– Ҳов, падарлаънатилар! Ким бор! Тўнғиздай думалаб ётавера-манми? Мурид бўлсанг турғаз-да! Ғайбулла!

Одамларнинг куткуси билан Ғайбулла секин турди. Ҳасанни аста кўтариб «курси»га ўтқизди. Банги тўра мойсочик билан унинг гарданига бир туширди.

– Ҳе, харом ўлгур! Кайфимни буздинг-а! У дунёдаги кўк-норзорда энди сайр этиб юриб эдим. Йўкол кўзимдан!..

Ғайбулла қизариб, ўрнига бориб ўтирмоқчи эди, Ҳасан унинг почасига ёпишди.

– Ҳув, итдан тувғон! Йўл бўлсин! Анави қора дорингдан мошдай бериб кет-да, бир ҳаз этай...

Супадагилар кулавериб думалаб қолишди...

Меҳмонлар икки кун туриб кетишди. Аваз яна ўз юмушлари билан андармон. Тағин дала, қапама-қапа юриб соч-соқол олиш, одамни зериктириб бир маромда айланаётган чиғириклар тепасида соатлаб туриб хаёл суриш, тунлар байту ғазал машки... У дўстларига тунов кунги янги шеърини маъқул қилолганига қувонарди. Рост, «Халқ» ўзининг кўнглига ҳам ёруғлик солди. Аваз илгари юзлаб ғазаллар, мухаммасу қасидалар ёзган – баъзи абётини Табибийдек забардаст шоир ҳам мактаган, «шоҳбайт» деб улуғлаган, Феруз ёрлақаб инъомлар берган эди. Аммо, Мутриб айтмоқчи, кўхна ғазаллари у кунги «Халқ»и ўнгида бир эрмак, шунчаки бир машқ бўлиб туюлди Авазга. Бурунлари у атрофи баланд қўрғон билан ўралган ораста, гулистон бир боғда юриб ғазал тўкиётгандек эди. У нукул гулларни, меваси ларзон дарахтларни, гулзор аро бир-бирига интиқ термилиб турган ошиқ-маъшукларнинг хумор кўзларини кўрар экан. Энди қўрғон бузилди. Аваз қўрғондан ташқарига чиққандай эди. Энди у меҳнат ичида туғилиб, шу меҳнат оқибатида адои тамом бўладиган, адолатга ташна халқни, дунёни, бир гуруҳ одамларни тўйдириб, ўзи оч қоладиган бечора, бенаво халқни кўрди, унинг осмондай узок армонларини туйди, орзуларининг тақир ердай оёғости бўлаётганини эшитди, бу халқнинг нурдай пок, сувдай тиник қалби билан ошно бўлди. Олис кечалар хаёл суриб, халқ дардига малҳам излаб кўрди, бир чорага акли етмади, ҳозирча золимларга адолат, инсоф тилашдан нарига ўтолмади. Лекин кўнглида гоҳо йилт этган бир учкун чақнайди. Бу – умид, рўшнолик, нажот учқуни, Аваз ҳаёт тоабат шундоқ кетавермаслигига, қачондир нимадир ўзгариши кераклигига ишонгиси келади.

Ана шундай хаёллар билан Аваз Амаатжоннинг капасида танҳо ўтирибди. Кун чошгоҳдан ўтган. Ичкари дим. Аҳён-аҳён эсган иссиқ шамол капани бир чайқаб ўтади, қовжираган қамишлар ёқимсиз шитирлайди. Аваз қапа тирқишидан уч юз қадамча нарида ғўза чопиқ қилаётган Амаатжонга қараб кўяди. Амаатжон майда қадамлаб энгашиганча аста илгарилайди. У гоҳо манглай терини артади, чойми, егуликми кутиб, уй томонга қарайди, яна ғўзага «салом бериб» оҳиста одимлайди.

Амаатжон отиз бошига етди. Силласи қуридим, қорни очдим, кичкина қориқ кетмонини елкасига ташлаб қапа томон юрди. Шу пайт ён тарафда қизил от минган, оқ саллалари барваста киши кўринди. У ғўзаларни пайҳон қилганча тикка Амаатжоннинг устига бостириб келарди. Амаатжон хаёллари билан банд шекилли, отликнинг шарпасини сезмади.

– Тўхта, даюс!

Амаатжон чўчиб ўгирилди. Отлик бор кучи билан дехқоннинг юз-кўзи аралаш камчи тортиб юборди. Амаатжоннинг елкасидаги кетмон ерга учиб кетди, ўзи икки қўллаб бетини чангаллаб қолди. Отлик эса, Амаатжоннинг боши, яғринига устма-уст камчи ёғдирарди.

– Мана сенга уйингга боши бузуқларни йиғганинг учун! Бу ҳали оз! Таёқнинг улласини хон ҳазратларининг олдида ейсан! Саид Абдулла тўрам эшитсин, нетиб масхара этганингни! Кейин кўражаксан! Тасқаранг чиқар, падарлаънат! Шу бир бақай Ҳасанингга кўшиб терингга сомон тикдиражакман!

Аваз қападан отилиб чиқди. Отликнинг қўлидан қамчисини юлиб олиб, улоқтириб юборди.

– Сиз кимсиз? – деди у отликқа ғазаб билан тикилиб. – Бир бечорани нега урасиз?

Отлик киши ўзининг қўлидан қамчисини тортиб олишга журъат қилган муллонамо йигитга ажабланиб боқди. Бир лаҳза шаштидан қайтгандек бўлди. Сўнг, барибир, бу ерларнинг ягона хўжаси ўзи эканини эслаб, ғурури кўзгадим, масхараомуз деди:

– Мен шу элатнинг ноибман! Султонали ҳожини эшитгандирсан? Ўша мен бўламан. Ўзинг кимсан, бизнинг элатда не еб юрибсан?

– Мен шоир Авазман. Мана шу мулкнинг эгаси Ўтар бобони биларсиз? Шу зотнинг фарзандиман.

Шу пайт беш қадамча нарида турган кора чопонли йигит ноибнинг қамчисини олиб келиб, таъзим ила узатди. Ноиб қамчи ҳалқасини билагига ўтказаркан, Аваз ҳалиги йигитга қараб кўйди. Кўзига иссиқ кўринди. Ноиб ер тепиниб турган отининг бошини силтаб тортди, Авазга юз бурди.

– Иби, ношукур Аваз сенмисан? Саройга борганда эшитиб эдим. Аваз деган бир назмгўй бор экан, нонкўрлик этган экан, олий хазрат ҳузуридан итдай ҳайдаб солибди, деб. Ўзинг экансан-да?

– Таксир, ёшулли одамсиз, оғзингизга ит олмай сўлланг, – деди Аваз ўзини босиб, – бир оғиздан калимаи шаҳодат ила ит кўшилиб чиқса, на бўлғай, биларсиз?

Ноиб Аваз ҳақида турли-туман гаплар эшитган эди-ю, аммо бунчалик бетгачопар, оғзи ботир деб ўйламаган эди. Ўсал бўлди. Ён-верида уларнинг мунозарасини чўчиброк кузатиб турган дехқонларнинг юзида Авазга хайрихоҳлик кўриб, ичи куйди, баттар гижинди.

– Ў, тилинг бурро экан! Бу тил омон бўлса, бир куни сени дорга элтажак. Қалъага сиғмай бу ерга келибсан, хай, мен рози. Илло, менинг элатимда фитна кўзғамай юрсанг ўласанми? Саид Абдулла тўрамни... Ё олло, ўзинг кечиргил – бангига чиқартирганинг неси? Йигит жонингдан тўйдингми, гумрох?!

– Тўрангизнинг бангилиги махфий эмасдир, уни барча беш қўлда билур. Сўнг, Ҳасан қайғичининг ўз ихтиёри ўзинда. У хонга сиздан ҳам яқин.

Ноиб «Оллак!» деб қичқирди. Боядан бери четроқда турган кора чопонли йигит югуриб келди.

– Бу на деб турибди? – ноиб қамчисини билан Авазга ишора қилди. Йигит ерга қараб минғиллади:

– Ҳасан калта... тўрамни мазах этганда бу киши ҳам кулди. Ёлғон айтсам, каломулло урсин!

Аваз йигитга разм солди. Уни эслагандай бўлди. «Э, бу Чокарга эргашиб келиб... бир четда қимтиниб ўтириб эди. Ҳасаннинг гапига қотиб-қотиб кулган ҳам шу мараз эмасмиди? Ноибнинг одами экан аблах!»

– Ана, эшитдингми? – Ноиб айғоқчисига қараб им қоқди. – Энди қилмишларингни мўйинларсан, шоирбачча? Ношаръий юмушлар ила шуғулланмокка ким сенга ҳуқуқ берди? Нега деҳқонларнинг калласини оғритасан? Замон бундай кетавермас, бир куни ўзгарар, дебсан. Сен нердан биласан, пайғамбармисан?

– Деҳқон шўрликнинг калласи эмас, жони оғриб кетибди, кўрдим. Замон ўзгарши мукаррар, буни ўзингизга ҳам айтиб қўяй, тақсир. Яратган эгам бировларни ҳамиша сиздек отлик, бировларни мендек пиёда этиб қуймас. Мен неки деган бўлсам, кўнглимдагини десдим, нски ёзган бўлсам, кўрган-билганимни ёздим. Тақсир, имонингизни ўртата кўйиб айтинг-чи, сизнинг боғчангизда қувраган оғоч борми? Йўқ! Сизнинг бир туп оғочингиз қувраганча қанча деҳқоннинг буғдойи, пахтаси йўқ бўлажак. Иянгиз<sup>1</sup> тунов куни бир бечоранинг хўкизини отиб ўлдирибди. Бир боғ хашагини еган экан. Шуми сиз айтган диёнат? Изингизга бир қаранг! Гуллаб турган ғўзани пайхонлаб келдингиз. Йўл қуриганмиди? Сиз отингиз билан Амаджоннинг егулик нонини тепкилаб ўтдингиз. Энди у болаларига не дейди? Сизни ўша норасидаларнинг кўзёши тутмайдими? Одамларнинг кўзёшидан, қахридан кўрқмай эл отаси бўлиб юргангизга ёқа ушлайман, тақсир!

Ноиб мударрис олдида сўроқ бераётган муллаваччадай шошиб қолди. Энди ким деган одам бўлди? Эртан халойиқ дўмбира қилиб чалмайдими? Аваз деган шоир бор экан, бир сўллади, бир сўлладики, ноибинг оғзини очолмай қолди, демайдими?

Ноиб ўзини тутиб олди.

– Мен сен билан хон ҳазратларининг олдида сўллашаман! – деди қамчиси билан Хева томонни кўрсатиб. – Мени Султонали хожи дейдилар. Қанча гужумларни синдирганман. Сен ҳали жимитдай новдасан, билиб қўй. – У бир четда дилдираб турган Амаджонга ўшқирди. – Хув, манглайи қора! Азонлаб мана бу кўрнамак қишлоғимдан чиқиб кетсин! Эса, ўзингдан кўр. Ғовачангни сувга бостираман, ўзингни элатимдан бадарға этажакман!

Ноиб келган йўли билан, ғўзаларни пайхонлаганича от солиб кетди. Аваз билан Амаджон бир-бирига қараб мунғайиб қолишди.

<sup>1</sup> Ия – ука.

Аваз анчагача ўй суриб ўтиргач, бир қарорга келди.

Қишлоқни тарк этмаса бўлмайди. Бу жоҳил ноиб ҳар бало қилиши мумкин. Амаджоннинг бу кунлари ҳам ҳалво бўлиб қолмасин.

– Амаджон оға, ўпкаламанг, – деди у ҳамон калласини осилтириб ўтирган деҳқонга, – сизга кўп озор етказдим. Мен кетаман.

Амаджон чўчиб бош кўтарди. У Авазнинг мард йигитлигини билса-да, уй эгасини қувган меҳмондай хижолат эди.

– Илоё, ман ўлай, мулла оға! Бу нечик замонки, одам ўз ерига сигмай қувғинга йўликса? Кўрпа-тўшакни орқалаб жўнай десам, бу осмон остида борадиган бир парча ерим йўк. Уф-ф... Нестай, оға, манглайим қора экан, манглайгинам! – Амаджон пешонасига шапати урди.

Қишлоққа оқшом тушиб, одам-одамни танимас бўлганда Аваз сафар халтасини орқалаб Пишканикдан чиқиб кетди. У қалъадан ҳайдалган, қишлоқдан қувилган, паинки бепоён Хева хонлиги, на-зариди бутун олам унга тангу тордек эди...



## МУТРИБНИНГ «ТУМОРИ»



Аваз уйга сигмай қолди. Пишканикдан қайтганига ўн кунча бўлди. Ичкари киради, кўчага чиқади. Нима қиларини билмайди. Тўрт мучаси соғ одамга бекорчиликдан ёмон дард йўк экан. Мана, энди уйга ҳам, кўчага ҳам сигмай, саргардон бўлиб юрибди. У гоҳо: «Шеърят доманин бекор тутибман-да», дея пушаймон ейди. Қайданам шу дардга йўликди? Акаларига ўхшаб, сартарошлик қилиб бола-чақасини боқиб юраверса бўлмасмиди? Бирон бошқа ҳунарнинг бошини тутса ҳам эплаб кетарди. Худога шукр, билагида кучи бор. Қўлидан котиблик келмайдими? Келди. Чокардай йўнувчилик қилолмайдами? Қилолади. Ана, Файзулла кўшниси. Қўли гул темирчи. Тунукани хамир ийлагандай эшиб ташлайди. Шунинг ҳам куни ўтиб турибди. Аваз назмгўйлик қилиб, шеър айтиб нима топди? Ёлғиз ранжу озор. Бас, энди у шеър ёзишни йиғиштиради. Барчаси абас экан. Бу замонда шеър тинглайдиган аҳли дил қолмабди асли. Одамларнинг қулоғига байту ғазалдан кўра кумуш танганинг жаранги хуш ёқадиган бўлибди.



Шунчалик қадринг тушдими, ғазал? Шу қадар хор бўлдингми, кўз қароғим? Унда сенга алвидо айтажакман. Бари бир мендан узоқ умр кўрмассан, кўзим юмилгани ҳамон унут бўларсан...

Шундай тушкун хаёллар билан Аваз бир неча кун қўлига қалам-қоғоз олмади. Кўчаларни, расталарни кезади. Файзулла қўшнисиникига чиқади, боскон тортиб, унинг ишини жимгина кузатиб ўтиради. Файзулла билакдай темирни олиб саксовул ёнаётган ўтхонага ташлайди. Темир қип-қизил бўлгач, омбурда қисиб олади-да, кундага қўяди. Муштдай болға билан аямай ура бошлайди. Темирнинг бир учи ялпайиб кулчадай бўлади. Файзулла темирнинг иккинчи учини илмоқ қилиб қайиради, сўнг сувга тикади, яна оловга солади. Қора пешмати билан манглайини артиб, ёғоч курсига ўтиради. Чарчоқ кўзларини Авазга тикиб, ух тортиб илжаяди.

– Ишимиз мана шундай, Авазхон. Темирни ўтга солмоқ, ўтдан олиб сувга солмоқ. Шунда пишади жонивор. Кетмон тошни чопсанг кесадиган бўлади. Азондан бери уринаман, ясаганим икки хабон кетмон бўлди. Сенга яхши-да, Авазхон. Бундай қилиб хомани оласан, – дея Файзулла олдидаги чўпни олиб сувга тикди-да, тунукага «ёза бошлади», – бундай қилиб байту ғазал деганингни тўқиб ташлайверасан. Сўнг хофизлар қўшиққа солиб тўйларда айтиб юрадилар.

Аваз темирчининг соддалигига кулди.

– Менинг байту ғазалимдан не фойда? – деди босқонни аста-секин тортиб. – Мен ўзим учун ёзаман. Ғазалдан оч одамнинг қорни тўймайди. Сизнинг кетмонларингиз ўзингизни ҳам боқади, деҳқонни ҳам. Сизники дуруст, Файзи оға.

– Йў-ў... – Файзулла рози бўлмади. – Ким айтади сени мадраса кўрган мулла йигит деб? Мен саводсизман, бироқ бу сўзингни олмайман. Биласанми, Авазхон, одамнинг қорни тўқ бўлгани билан кўнгли оч бўлса ёмон. Қорни очга бир бурда нон кифоя. Худо кўнгли очдан асрасин. Ундайлар имонини еб қўяжак. Мана, ўзинг ўйла. Бувакни тўйдириб бешикка беласанг ухлайдими, а? Фингшиб йиғлайди. Бир замон алла айтсанг, ухлаб қолади. Бувак қорни тўқ бўлса-да, аллани соғинади. Менга қолса, яхши ғазал ҳам шундай. Одамнинг жонини овутади сара ғазал, Авазхон!

Аваз нимадир деб эътироз билдирмоқчи эди, Файзулла оғиз очгани кўймади:

– Қани, дамингни чаққон-чаққон торт, – деди ўрнидан туриб. – Тагин бир-икки урсак, хабон эмас, жонон кетмон бўлади. Бисмилло!

Файзулла яна катта қисқични кўлига олди. Аваз ярим соатча дам тортиб ўтирди-ю, бу тор нимкоронғи устахонадан зерикиб, чиқиб кетди. Ичанқалъа томон юрди. Мадраим гармон Боғча дарвоза ёнида яшарди. Уни хабарлаб ўтди, уйида йўқ экан. Мутриб, Суханворий, яна кимлардир бир ҳафта бурун Питнакка тўйга кетишган экан, ҳали қайтишмабди. Аваз Патрак тарафга ўтди. Калта минор маҳалласидаги Мамат маҳрам мадрасасига кириб, собик ҳамжўралари Нодим билан Аминни кўриб кетгиси келди. Худойберган девоннинг уйи ҳам Патракда эди. Анча бўлди кўрмаганига, саломатмикан оға?

Мамат маҳрам мадрасасидаги собик хужралари бўш, Худойберган оға уйида йўқ экан. Аваз сўппайиб қайтди. Қибла дарвозадан қалъага кирди. Чарчиликда тўхтаб, болаларига лавзина-ҳалво олди. Дўконини дараклаб борди. Эшикка хоч шаклида икки тахта қоқилган эди. Бу хон фармони билан қилинганини Аваз фаҳмлади. «Ҳай, бир кун очиларсан, – деди ичида, – оғоч ҳам чириб битар».

У Ичанқалъани қоқ ўртасидан кесиб ўтган тош йўлдан кунчиқишга қараб кетди. Жоме масжидини айланиб, жинкўчалар ора-лаб Пахлавон Маҳмуд мақбарасига яқинлашди. Полвонлар нири, шеърда воҳиди замон Пурёйвалини зиёрат қилиб, қабр бошида андак ўтирди. Сўнг Тошҳовли тарафга юрди. Хон девонидаги доно сипоҳилардан бири валиаҳд Исфандиёрнинг қайнотаси Исломуҳжа номига барпо этилаётган мадрасаю минорага махлиё бўлиб, бир замон нафас ростлади.

Аста йўлга тушди. Яна юрагини танҳолик қурти кемира бошлади. «Тавба! – деди фиғон чекиб. – Шундай шахри азимда дардингни айтиб, дардини сўроқлайдиган бир мусулмон топилмаса-я? Э, Рўзимбой оға-чи? Самоварига кўшиқ айттириб ўтиргандир».

Рўзимбой Хевадаги созандаю хонанда, назмгўй, котиб, қилқалам, халфаю талкинчиларнинг қаерда туришини, шу топда қайда юргани, энди қаерга боражагини ипга тизиб ўтирадиган зийрак чойхо-

начи эди. Мутрибнинг касалланиб Питнакдан қайтиб келганини Аваз Рўзимбойдан эшитди. Юраги потирлаб, шахдам қадам билан калъадан чикиб кетди.

Йўл-йўлакай Аваз Мутриб оғасини ўйлаб боряпти. Мутрибни Хонахаробий деганларича бор. Мутрибнинг туриш-турмуши ўта хароб эди. Аваз ҳар сафар уникага борганида негадир номуси келади. Икки бўлмали кичкина, пастқам уй, томи босай деб турибди. Мутриб дорифуруш отасидан қолган юпқагина мерос билан аранг тирикчилик ўтказарди. Саройдан тушадиган хадяларни бир ой тўплаганида тўрт кадок этга етмайди. Яхшиям кузда, қиш ойларида тўй-тумалок бўлиб туради. Мутриб Хевадагина эмас, бу ёғи Чоржўй, Тўрткўл, Хўжайли томонларда ҳам донг чиқарган созанда эди. Гоҳо талкинчиларга қўшилиб тўйга бориб турарди. Беш-ўн танга, баъзан сарпо-сурпо тушади.

Аваз кирганида Мутриб пахтаси чикиб кетган эски тўшакларни устма-уст ташлаб ўраниб ётарди. Аваз унинг олдига тиз чўкди. Пешонасига қўл қўйди. Муздек.

– Терлабсиз, оға. Ўзи шифо беражак энди.

Мутриб қайта-қайта йўталди.

– Бу Ўтар бобомнинг шифоси. Икки кун бўлди, катнайди.

Аваз ажабланди:

– Отам менга индамади. Тавба...

Мутриб ота-боланинг уч-тўрт кундан бери кўришмай юрганини эшитган эди.

– Отангни кўрмагансан-да, – деди хиёл кулиб.

Аваз ростига кўчди.

– Бўлмаса, бугун ёнимда ўтирасан. Иккалангни кўриштириб савобга ботай.

Авазнинг меҳри товланди. Бечора Матҳасан оға! Ўзи не аҳволда-ю, кўнгил олиш ғамида. Мутрибдек кишини биродар, оға тутиниб Авазнинг ёруғ кунлари зиёда бўлди. У дилхун, ўзини қайга уришни билмай қолган кезларида, кўнглини садпора этадиган аччиқ саволларга жавоб тополмайдиган дамларида тасалли, руҳий мадад истаб Мутриб ёнига ошиқади. Бу хокисор, доно, камсукум ва қаноатли шоирдан ҳамиша илиқ бир сўз эшитади, оқилона бир дастур олади.

Мутриб ёнбошига ағдарилди.

– Қани, шоирим, сўлла, шунча кун нерда эдинг? Биз сайёд эдик, сен-чи?

– Мен сайд бўлдим, – деди Аваз ва Пишканикдаги воқеаларни бирма-бир гапириб берди. Мутриб жилмайди.

– Кўрқоқ бола зўр йигитга дўк урганда хаёлга не келади, биласанми? Ҳалиги ожизнинг ортида мушти катта оғалари бўлади. Султонали ҳожи Ғозийнинг қудаси-да, билмасмидинг? Ғозий борки, ноиб томоғига зўр беради. Йўкса, Ўтар бобонинг ўғлига қўл кўтариб жинни бўлибдими?

Авазнинг ёдига ноиб тўкиган тухматлар тушди. Демак, у Ғозий жанобларининг олдига югуриб келиб, саройдаги гаплардан хабардор бўлиб юрган экан-да?

Аваз анча ўтириб кўнглини ёрди:

– Оға, ўн кунча бўлди, қўлимга қалам олмадим. Назмдан тамом совидим. Байту ғазалнинг остина хат тортсамми, деб юрибман.

Мутриб оғир йўталиб туфдонга тупурди. У Аваздан ҳар не кутган, аммо бунчалик қаттиқ қарорга келар деб ўйламаган эди. «Аваздек шоир шеър ёзишни ташласа не бўлади? Хева шоирлари деб аталмиш шода маржоннинг йирик бир кўзи узилиб тушмайди-ми?»

– Сен бу гапни айтмадинг, мен эшитмадим, – деди Мутриб кескинроқ товушда. – Сени биламан, мен майли, ташла, десам-да шеърни ташламайсан. Негаки, энди кеч бўлди. Аҳли дилларга нозу фироқ ярашмас. Сен Мухаммад позачи эмассан. Бир жуфт нағма чалдим, бас, деб ноз қилолмайсан. Табибий ёдингдами:

Эй кўнгил, шеър фикрини қилғил,  
Токи жон пайкарингда бор бўлғай.  
Негаки шеър токи явмул ҳашр  
Олам аҳлига ёдгор бўлғай.

– Табибийни эсга солманг, оға.

– Биламан, ёмон кўриб юрибсан. Табибийда гуноҳ йўқ. У сенга, менга яхшилик тилайди.

Мутриб шифтга қараб бироз ётди. Салдан кейин:

– Тур, ана минодан<sup>1</sup> устоз Огаҳийни ол, – деди. Аваз ирғиб туриб, токчадаги бир даста қоғозлар орасидан варақлари зарафшон қилинган катта куллиёт кўтариб келди. Мутриб хатчўп солинган бир саҳифани очди-ю: «Ўқи!» – деди. Аваз Огаҳий таржимасида Шайх Саъдий «Гулистон»идан ҳикоят ўқий бошлади.

– Алқиссани ўқи!

Аваз ҳикоят хотимасида берилган бир байтга кўз югуртириб, юзи кизарди. Уни синчиклаб кузатиб турган Мутриб лукма ташлади:

– Ана шу байтни тумор қилиб осиб ол бўйнингга! Худо умр берса, йўлинг ҳали олис. Бу байт Мутриб ўлганда ҳам асқотади сенга!

Мутриб узоқ йўталди. Бўғилиб қолай деди.

– Лаънати йўтал-а! Бойваччалар дарё ўртасида шаробхўрлик қилиб ўтираверишди, биз соз чалавердик. Солда ўтириб ёмон аёзлабман.

Авазнинг қулоғига унинг гапи кирмас, у тарсаки егандек, Шайх Саъдийнинг шоҳ байтига тикилиб ўтирарди. У ўрnidан туриб куллиётни ўрнига қўяр экан, номуси келиб пичирлади:

Чун қотиғлик ичра қолсанг, берма ожизликқа тан,  
Душманнинг пўстини юлғил, дўстингни пўстинин.

– Ажаб шоҳ байт экан! – деди Мутрибнинг ёнига тиз чўқаркан. – Болаликда ўқиганман шекилли, хотиримдан чиқибди. Бу менга, филҳақиқат, тумор янглиғ таъсир этди. Кўнгил тўрига ёзиб қўйжакман.

Уй соҳиби муртида кулиб ҳазиллашди:

– Хўп, энди сарой шоирларидан мавлоно Мутриб Хонахаробийнинг сара ғазалларидан бирига қулоқ осинг, мулла Авазбек!

Мутриб ёстик тагидан найча қилиб ўраган қоғоз олди, чиройли қироат билан дона-дона қилиб ўқишга тушди:

Ул сиймбар ўзгаларга ёр экандур, билмадим,  
Шавқида қон ютганим бекор экандур, билмадим.  
Термулиб йўлига ҳар дам васл умидин айласам,  
Мендин ўзга интизори бор экандур, билмадим...

---

<sup>1</sup> *Мино* – токча.

Ғазал интиҳосига етган сари Авазнинг чехраси ёришиб борар, Мутрибга хос нозик, оқар сувдай кўнгилга ажиб бир дилнавозлик элтувчи ўйноқи сатрлар Авазга тетик кайфиятгина эмас, илҳом бағишлар, унинг кул босган кўҳна, ўтли туйғуларини титкилаб, қайта яллиғлантираётгандек эди.

Ғазал битганда Мутриб билан Аваз бир-бирига боқиб кулиб ўтирардилар. Гўёки беморнинг дарди енгиллашгандек, Авазнинг кўнглида неча кунлар саросар кезиб юрган қора булутлар офтоб нурларига дош беролмай тарқаб кетгандек эди.

Даҳлизда Ўтар бобонинг хасса дўқиллатиб келаётгани эшитилганда Аваз ирғиб турди.

Ота эшикдан Авазга ҳазил ташлаб кирди:

– Али маҳрамнинг одами тополмайдиган ерга келиб олибсан-а, болам? Уйда ҳам кўришиб турайлик, ўлмагыйсан. Ол энди, мулла Матҳасан, ўксирик пишдимми? Ё бизнинг Авазхондай хомрокми ҳали?

Уста бобонинг кайфи чоғ эди. У, умуман кувнок, баъзан шатранж устида хонга ҳам ҳазил ташлашдан тоймайдиган тиниб-тинчимас чоллардан. Мутриб ўрнидан туриб ўтирди. Ўтар бобо унинг билагини ушлаб, томир уришини текширди, кўкрагига кулоқ тутиб, ўпкасини эшитди, сўнг ётқизиб яғринига қорик<sup>1</sup> қўйди. Бедана халтадай кичкина қопчиғидан ҳапдори олиб, сопол пиёлага солди.

– Бу хонада узун кун чўзилиб ётма. Тушликда ҳовлига чиқиб, қуёшламага орқа бериб ўтир. Сенинг елкангга ҳам офтоб тегсин! – Ўтар бобо муолажа баҳона сўз ўйини қилаётган эди. Нуктадон Мутриб дарҳол ҳовлисининг кичиклигидан кун тушмаслигига ишора қилиб, пайров билан жавоб берди:

– Офтобингиз бизнинг ҳовлига яқинлашганда юзига турма рўмол<sup>2</sup> тутиб олади, уста бобо! Ўзим ҳам офтобрўйни кўролмай доғман.

Кулишдилар.

Алла-паллада ота-ўғил ўринларидан турдилар. Зимистон кўчаларда чалишиб-туртиниб уй томон кетишмоқда. Тошмачитга етай

<sup>1</sup> Қорик – банка.

<sup>2</sup> Турма рўмол – қалин рўмол.

деганларида рўпарадан ёнига қилич осиб, қўлига гаврон ушлаган тунқотар чикди.

– Тўхталсин! Ким у бемахалда сандирақлаб юрган? – деб ўдағайлади миршаб.

– Мен, Ўтар бобонгман, манглайи қора, танимадингми?

Тунқотар эгилиб куллуқ қилди.

– Ассалому алайкум, уста бобо! Саломат юрибсизми?

Ўтар бобо унга енг учида қўл бериб ўтиб кетди.

Уйда Авазнинг олти-етти яшар ўғли: «Ака, лавзина!» – деб югуриб чикди. Аваз киссасига қўл солди: лавзина йўқ эди. Рўзимбойнинг чойхонасидами, Мутрибникидами қолибди. Ўтар бобо чўнтагидан бош бармоқдек чайнама қанд олиб берди. Жуманиёз чопқиллаб ичкари уйга кириб кетди.

Ота-ўғил ёлғиз қолдилар. Аваз Пишканикдаги жанжалларни отасига айтмаган, лекин Ўтар бобо саройдаги сипохийлардан эшитиб билган эди. У бир томондан, шўрлик Амаатжоннинг бошига бало ёғилмасин, деб ташвиш тортса, Авазнинг эртанги кунини ўйлаб, яна хавотирланади. Бу бола хоннинг қамчисидан ҳайиқмади, худди жонида қасди бордек, муттасил шамолга қарши тупуради. Не қилса бўлар экан-а?

Ўтар бобо жун ёстиққа ёнбошлади. Тасбеҳ олиб ўгирди. Аваз катта, чорхари хона ўртасидаги устунга орқа суяб чордана курган.

– Олинг, энди, шоирим, сўлланг, – деди ота кесатиб, – буёғига не иш қилмоқчилар?

– Сафар халтамни ҳозирлаб қўйдим. Саётга кетаман. Мехржон<sup>1</sup> яқин, ишлаб келай.

Саёт Авазнинг қайин юрти эди.

– Пишканикни пишириб келдим, энди Саётни-да тушириб келаман, де? Тасанно, ўғлим!

– Ога, менда на гуноҳ бўлса, бир тарафи ўзингизга ҳам тегишли. Мен сизнинг ўғлингизман. Лойимни ўзингиз қоргансиз. Тўғри бўл, ҳаромдан ҳазар эт, дегансиз. Йиғлаб турган ғарибнинг ёнига кир, кўнглини ол, дегансиз. Тирик мурда бўлиб юрма, инсонсан,

---

<sup>1</sup> Мехржон – куз ўртаси, пишиқчилик байрами.

инсондай қилиқ қил, деб ўргатгансиз, ота. Мен ота фарзандиман, мунофиқликни ўлим деб билурман.

Ўтар бобо ўғлининг гапидаги мантиқни ўйлаб, бир нафас жим қолди. Ота ўғли билан фахр этар, унинг ахли илм, ахли шеър орасидаги нуфузи кўксини севинч туйғулари ила тўлдирарди. Аммо унинг бу кетиши бўлса, ногаҳон жувонмарг бўлишини ҳам сезиб кўрқарди.

Ота ўғлини гап билан енгиб бўлмаслигини фаҳмлаб, ирғиб турди. Нариги хонага ўтиб, Авазнинг ўғли билан уч-тўрт яшар кизини етаклаб келди.

– Ўзингни ўйламасанг, мана бу қоракўзларни ўйла! Етим бўлиб қолаверсинми? Қул ўлмас, ризки узилмас. Буларнинг корнини тўйғизарман, кўнглини нетаман, а? Ҳеч ўйлайсанми, хомкалла!

Кўзлари уйқуга тўла болалар отаси билан бобосига бироз жавдираб қараб туришди-ю, йўрғалаб ичкарига чопишди.

– Таваккали олло, – деди Аваз, – биз кўрмаган ёруғ кунларни мана шу оқтиқларингиз кўрса ажабмас. Мен бедаво савдога йўлиққанман шекилли. Бу дардимга ё халқ, ё худо шифо берар.

– Худо шифо берсин, – деб Ўтар бобо ўрнидан турди. Хона бурчагига бориб намоз ўқиди. Аваз ўй суриб қимирламай ўтирди. Отаси намозни тугатгач, бориб қўлини олди.

– Бир-икки кун сабр айла, – деди Ўтар бобо, – мен Худойберган пўтадан сўрандим. У хон билан сўллашиб, дўконингни очдириб бермоқчи.

Шу билан гап-сўз тамом бўлди. Ота-бола ўз хоналарига кириб кетдилар.

Икки-уч кун ўтди. Худойберган пўтадан дарак бўлмади, Аваз яна бекорчиликдан эзила бошлади. Бир куни у пешин чоғи саратон иссиғидан қочиб, Полвонёп бўйидаги оромхонага борди. Сувга яқинроқ катда оёқ осилтириб ўтирди. Чойнакка чой қайтараётиб, сал наридаги жулдур кийимли, қоғоғи солиқ кимсага кўзи тушди. Аваз унинг телпаги билан қўлидаги оқ ҳалқасига қараб дарров таниди. Бу Хева хонлигида таҳқирланган, ҳақ-ҳуқуқсиз бир гуруҳнинг вакили эди. Ҳалиги киши бир нима демокчидай Аваздан кўз узмай турарди. Аваз қўлидаги пиёлани чўзди:

– Ҳой, мусулмон фарзанди, ма, чойдан ич!

Бегона қўрққанидан турган ерида бир қалқиб тушди. Сўнг, калтак еган кучукдай чўрт изига бурилди-ю, тез-тез юриб кетди. Ён тарафдан келаётган фойтун аравани кўриб югургилашга тушди. Ёғоч сўрида ўтирганлар Авазни маломатга кўмдилар:

– Ҳалқаликка чой узатиб нетасан, бетавфик! Ўзинг ичавер!

– Шунни айт-а! Раис эшитса, терингга сомон тикажак. Ўтар бонинг шу ўғли тарсо чикди ўзи.

Ёлғиз отлик фойтун гужум олдида тўхтади. Чойхўрлар дув ўринларидан туриб кулук қилишди. Фойтунда Муҳаммад Раҳимхоннинг жияни Ҳусайн Муродбек ялпайиб ўтирарди. У ҳам шоирлик даъво қилади. Саройдаги мушоираларда Оқил тахаллуси билан шеър айтади. Авазга унинг айрим ғазаллари мақбул. Ҳусайн Муродбек юсак рутбани эгаллаб турса-да, бир қадар инсофли, раиятга кўпда зуғум килавермасди.

Аваз илкис туриб Ҳусайн Муродбекнинг кўлини олди.

– Ҳм, Аваз шаккокий, – дея мулойим ҳазил қилди Муродбек, – сувга термулиб лаққа кутиб ўтирибмисан?

– Бу замонда лаққанинг ҳам лақмаси қолмоғон-ов, тақсир. Лаққанинг ихтиёри ўзида бўлса, баковулнинг қозонига тушадими?

Ҳусайн Муродбек билан Авазнинг савол-жавобдаги пинҳоний маънони иккаласидан бўлак ҳеч ким тушунмади.

Оқил Авазнинг шухратини билади, унга етказиб ғазал айтолмаслигини ҳам ўзича тан олади. Бу йигитдаги руҳий ва ақлий кувватнинг бирлиги гоҳо Муродбекни ҳайратга солади. Кўнглида ғайирлик қурти кимирлаб кечалари оромини олади. Оқил узоқ тунлар зўр бериб ўнлаб ғазаллар машк қилади, аммо мушоирада хон тоғаси негадир Табибий билан Авазнинг назмларини баланд кўйиб, ҳадялар беради. Бу Оқилга алам қилади.

Шуларни ўйлаб, Оқил Авазга юзланди:

– Бекор бўлсанг, қишлоққа олиб кетай. Ўқишма бўлади. Ҳаз этиб келасан.

Муродбекни Шўркўлдаги аҳли иродат<sup>1</sup> меҳмонга чақирган, ҳозир шу ёққа йўл олган эди. У бир томони муридлари орасида

<sup>1</sup> Аҳли иродат – мухлислар, муридлар.

шеър ўқиб, Аваздек доврукли шоирга маъкуллатиб ўтирмоқчи эди. Лекин, Авазнинг дарров рози бўлавермаганини кўриб, бу тентак йўк деб жамоат олдида изза килмаса гўргайди, дея хаёлланди.

Аваз кулди.

– Сиздек мухтарам зот таклиф этади-ю, биздек фақир бош торгадими? Кетдик! – деб фойтунга чика бошлади. Боядан бери Аваз шаънига тош отиб ўтирган чойхўрлар энди уни бир оғиздан мақташга тушдилар.

– Ўтар бобонинг шу боласи кўп элик, дейишарди. Рост экан. Ҳусайнбек тўрам анов-манов одамни меҳмонга чорламайди.

– Юраги ҳам бор экан, ўлмасин! Ҳалқаликка чой тутиб турибди-я! Бир куни ҳаммамизга шу ҳалқалик керак.

Катта йўлга чиққанларида Аваз бир шумлик ўйлади: «Худойберган оға жимиб кетди. Хон барибир дўконни очтирмаса керак. Уни хоннинг манави эрка жиянига очтирсам-чи?»

– Таксир, каллам курсин, ёнимда тоза ғазаллардан йўк эди-я! – деди Аваз ёлғондан ташвишланиб. – Муридларингиз, қани Аваздан ҳам эшитайлик, десалар, оғзимни очолмай сизни хижолат этаманми?

– Ғазаллар қаерда, уйдаими?

– Йўк, дўконда.

Муродбек фойтунчига бақирди:

– Кўхна Аркка ҳайда, Қурёз!

Фойтун тарақлаб дўкон олдига келиб тўхтади.

– Иби! – деди Аваз Ҳусайнбек тўрага қараб. – Дўконга бир шайтоннинг малайи оғоч қоқиб қўйибди-ку, энди нетиб очдим?

– Қурёз! Югур, чўкки топиб кел! – деб буюрди Муродбек. – Дарров оч!

Фойтунчи ирғиб тушиб, Калта минор томон зинғиллаб кетди. Бирпасда узун сўйил топиб келди, тахталарни кўчириб ташлаб, дўконни очди. Аваз дўконга кириб, бир чангал қоғоз олдию, қўйнига тиқиб қайтиб чиқди. Эшикни сардўз билан боғлаб қўйиб, чаққонгина фойтунга ўтирди. Икки ғилдиракли ўрисарава Қўйдарвоза томон тарақлаб кетди...

Аваз Шўркўлдаги ўтиришмадан етти хуфтонда қайтиб келди. Хусайн Муродбек муридлари олдида Аваздан анча-мунча мақтов эшитгани учун уни уйига ташлаб ўтди.

Эргасига Аваз бамайлихотир Кўхна Арк ёнидан ўтиб дўконига кириб борди.



## КУТИЛМАГАН МЕҲМОН



Ёзнинг ўрталари. Кун иссиқ. Ичанқалъа мис товадек жизғанак бўлиб ёнади. Расталарнинг аксарияти ёпиқ – савдогарлар чошгоҳ палласигача савдо қилишади, сўнг уй-уйларига кетиб, намозгар салқини тушганда қайтишади. Кўчаларда одам сийрак. Гоҳо чачвон ё бўз рўмол ёпинган кексароқ бир аёлми, кашкулини шақиллатиб юрган қаландарми, ўтиб қолади. Кўхна Арк дарвозасини кўриқлаб ўтирган соқчилар ҳам милтиқларини тиззаларига қўйиб мудрайдилар. Зиндон ёнида бир кўппак кўзларини юмганча девор тагида узола тушиб ётибди. Шаҳар гўё маст уйқуда – карахт, дунё билан иши йўқ, одамлар гўшанишин. На қорихоналардан қиссахонларнинг ҳазин товуши эшитилади, на хон суворийларининг шовқин-сурони. Фақат муаззинларнинг беш маҳалги азонигина Хевада ҳаёт шаъми ўчмаганидан дарак бериб турибди.

Сартарошхонага камдан-кам одам оёқ босади. Аваз кун қизигунча дўконини очиб ўтиради. Даҳлизга калин қилиб сув сепади, бўйра тўшаб устига олача ташлайди. Каттароқ баркашдек келадиган хонтахтани олдига қўяди. Ўрис қалам билан бир ўрам қоғоз олиб, шеър бўстонида сайр этади. Сурма янглиғ қоп-қора, бармоқдек йўғон қаламнинг тўмтоқ учини тишлаб хаёлга ботади. Беихтиёр пичирлайди: «Эй кўнгил, шеър фикрини қилғил, токи жон пайкарингда бор бўлғай...» Бирдан бу матлаънинг Табибийга тегишли эканини эслаб, тилини тишлайди. Табибий билан ҳамон араз. Патрак муюлишида хўшлашганларидан кейин қайтиб кўришмадилар. Орадан икки ойча фурсат ўтди. Лекин, Авазнинг наздида гўё бир умрлик давр кечгандай. У Аҳмаджон оғанинг бироз кўпчиган сўлғин, оқиш юзини, киртайган кўзларини, аҳли донишга хос қатъиятли, ўтли ўғитларини эслади. Гўё Табибий: «Жоним Аваз, сенинг борар йўлинг олис, сувдан таълим ол, ўлмагайсан»,

дея мунглик-мунглик термилиб тургандек эди. «Устозни бекор инжитдим, – деб пушаймон бўлди Аваз, – ўзим ҳам ёмон ўжакдай<sup>1</sup> қайсарман-да». Кейин ўзига-ўзи қарши чикди: «Йўк, мўйнингга атаб чилвир олиб келганнинг жазоси шул эди. Мен бировнинг этагини ўпиш одатини тарк этганман». Аваз хаёлан шундай деди-ю, барибир Аҳмаджон оғасини кўргиси келиб кетди. У билан ёнбошлаб шатранж сурганлари, зарофатли хангомалари, шеър баҳси, Табибий, Чокар, Мутриб, Ходим, Аваз – бешаласи хондан яширикча «Панж ганж» деб аталмиш маҳфий девон туза бошлаганлари ёдига тушди. Хусусан, яқинда эшитган хунук бир хабарни хотирлаб, Авазнинг кўнгли вайрон бўлди. Табибий майга ружу қўйган эмиш! У илгари ҳам ўқтин-ўқтин шароб ичиб турар, хонадонида бўладиган мушоираларни, албатта бир-икки кўза мусаллассиз ўтказмасликка тиришар эди. Энди, узункулок гапларга караганда, Табибий ҳатто сабуҳий ичишга тушганмиш. Кеча Рўзимбой оға ҳам айтди. Устоз «Вомиқу Азро» билан сўллашиб ётибди, деди. Табибий неча замондирки Шарқда машҳур қисса – «Вомик ва Азро»нинг назмий нусхасини тайёрлаётган эди. «Наҳотки, устоз икки ошиқнинг кўз ёшларини шароб дарёсига айлантириб, унда сузаётган бўлса? Бир куни ғарқ бўлмасми?» Авазнинг хаёлига тагин Табибийнинг ўша шеъри келди:

«Эй кўнгил, шеър фикрини қилғил:  
Токи жон пайкарингда бор бўлгай,  
Негаки, шеър токи явмул хашр  
Олам аҳлига ёдгор бўлгай...»

Аваз ўйланиб қолди. Устознинг ёниқ бир қасам ила айтилган бу сатрлари унинг шу кунлардаги хатти-ҳаракатларини инкор этар, майхўр Табибий шоир Табибийнинг иқтидорини, юксак маснадини мазах қилаётгандек эди. «Мулланнинг айтганини қил экан-да, устоз?» – дея кинояли илжайди Аваз. Аммо, шогирднинг бурчи кинояли илжайиш эмас, билъакс, мушкул аҳволда қолган устозга имдод бермоқ учун дарҳол йўлга чиқиш эканлигини Аваз хаёлига

---

<sup>1</sup> Ўжак – бузоқ.

келтирмас, эҳтимол бунга ўша жиндек кибру ҳаво ҳалал бериб турар эди.

Авазнинг кўнглига шеър сиғмай, хома-ю қоғозни йиғиштирди. Ичкаридан танбур олиб чиқиб тингиллатиб ўтирди. Шу пайт йўрғалаб Сайфиддин кирди. Сайфиддин – мадраса талабаси. Йигирма ёшлардаги орик, новча, сокол-мурти сийрак бу муллаваччани негадир Авазнинг жини суймайди. Унинг юриш-туриши йигитникига ўхшамайди, қандайдир ясама, Ҳадеб жилпанглайверади. Овозигача заифона, Сайфиддин эрмак учун ғазал битади. У тез-тез дўконга келиб, Авазнинг майда-чуйда юмушларига қарашади, унинг янги ғазалларини сўраб олади, енг учида, қисиниб-қимтиниб ўзининг кораламаларини кўрсатади.

Сайфиддин узоқдан кўл қовуштириб, бел букиб Авазга яқинлашди.

– Ҳм, мулла Сайфий, аҳвол нечук? – деди Аваз ўтирган ерида кўл чўзиб. – Таътил қилмадингми?

Сайфиддин шолчага тиз чўкиб юзини сийпалаб кўйди.

– Мутавалли жавоб бермади. Сенинг оёқ-қўлинг чакқон, усталарнинг чой-чилимина қарашиб тур, деди. Мадраса жузъий таъмир этилаётир.

Сайфиддин бўй чўзиб хонтахтадаги қоғозларга қаради.

– Тоза ғазаллар бўлса, ўқийлик, устоз, – деди тамшаниб. Аваз қоғозни йиғиштирди.

– Битсин, сўнг ўзим ўқиб бераман.

– Мен жўраларимнинг олдида фахр этиб юраман. Аваз оғам ғазалларимни ўқиб, рағбат берди, дейман. Жўраларим сизнинг оғзингиздан абёт эшитмакка мушток...

Бундай «даромад»дан кейин Сайфиддин, албатта бир нима илтимос қиларди. Аваз: «Дардингни айтақол» – дегандек, муллаваччанинг кўзига тикилди. Сайфиддин чап кўкрагини қаппайтириб турган ўрама қоғозни олиб ёйди.

– Оға, сизнинг бир оғиз сужу<sup>1</sup> сўзингизни эшитмакка интизор бўлиб... мана шуларни битиб эдим...

---

<sup>1</sup> *Сужу* – ширин.

– Шеър ёзишдан муддао ширин сўз эшитмакми? Қайси аҳмок айтди сенга буни? Шеър битиб нон ейиш ҳам, калтак ейиш ҳам мумкин. Қани, кўрайлик-чи.

Сайфиддин бир варақнинг қатини ёйиб, Аваз томон сурди.

– Хатимиз сал баднамороқ, оға, айб этмайсиз...

– Шеър баднамо бўлмаса, бас. Ҳай, ўзинг ўки.

Сайфиддин бир ютинди, чийилдоқ овозда, маддохлар оҳангида ғазалини ўқишга тушди. Ҳар бир байт ўтган сари Авазнинг қовоғи солиниб борар, пешонаси тиришиб, бу назм деб ағалмиш қофияли алжирашнинг тезроқ тугагини кутарди.

Муллавачча оғиз кўпиртириб ғазалини ўкиб тугатди-ю, ҳайитлик кутган боладай Авазга жавдираб боқди.

– Хўш, на бўлди, мулла Сайфий? – дея елка қисиб сўради Аваз. – Мен на ранжидим, на суюндим. Ғазалинг менга юкмади. Ростини айтсам, ғазал кандоқ ёзилмоғи керак, буни хануз билмасман. Аммо назм бу тарзда битилмаслиги лозимдир. Буни билурман.

Сайфий бидиллади:

– Мен сизни устоз деб этагингиздан тутганман, оға. То қиёматгача хизматингизда бўлай. Жон оға, ғазал кандай... ёзилмаслиги керак, шуни ўргатиб кўйинг!

Аваз энсаси қотиб сўради.

– Неча ёшга кирдинг?

– Йилим ҳамдуна. Маҳиржонда туғилибман. Бу йил пахта очилса, йигирма иккига тўламан.

Аваз сесканди. «Йигирма икки. Ё алҳазар! Мир Алишерни нари кўй, Бобур Мирзо билан Огаҳийни бери кўй. Ҳатто саройдаги собиқ каллакесар Нуржон боланинг назмидан ҳам хароб-ку абёти! Зорий қари бир одам, шоирлик даъво этиб ёқангдан олмайди. Бу гўдакбаччага не дей? Назмгўйлик сенга нолойиқ десам, бахилликда айблаши тайин. Бундайлар шуҳрат йўлида байтулҳарамни ўтга бермакдин ҳам тоймас».

– Мулла Сайфий, мен сенга шеър ёзмоқни ўргата билмасман. Назмгўйлик темирчилик эмас, уни ўрганиб, ўргатиб бўлмас. Каллангни ишлатиб ўйла: одам боласи йиғламоқни, кулмоқни бировдан ўрганурми? Шеърят ҳам шундоқ. Инсон шоир бўлиб туғилмоғи

керак, сўнг илму урфон, ранжу меҳнат орқасида камолга етажак. Сен андек кеч қолибсан, Сайфий. Йигирма икки ёш – назм алифбосини ўрганур чоғи эмас, девон тартиботини ўйлайдирган фурсатдир, иним!

Сайфиддин Авазнинг гапларини устознинг одатдаги ўғитлари деб тушунди.

– Майли, сиз кўмак этсангиз, девон ҳам тузажакман, – деди меровлик билан. – Дунёда ягона, биргина орзуим бор. Сиздек... катта шоир бўлсам дейман. Куни-туни ётиб ўйлайбераман, ўйлайбераман... Сизга хавасим келади, устоз. Кўчадан ўтсангиз, халойиқ: «Ана, Аваз!» – деб кўрсатадилар. Бир куни: «Ана, шоир Сайфий келаётир!» – деб менга-да ишора этармиканлар, деб юрагим ўйнаб кетади.

Авазнинг кўнгил ғашлиги ловиллаб ғазабга айланди. Бирок, ўзини босди. Боядан бери бу манглайи қоранинг қулоғига танбур чергаётгани алам қилди.

– Менга қара, шоир Сайфий! – деди кесатиб. – Бирламчи, мен улли шоир эмасман. Ана, Табибий, улли шоир. Баёний, Мутриб... Иккиламчи, шоирликдан муддао – эл аро керилиб юриш эмас, гумроҳ! Шоирлик – қисмат. Шеърят – дард, алам, азият, бир умрлик қашшоқлик! Улуғ шоирнинг шуҳрати ўзи ўлгандан кейин келади. Сен шон-шавкатга шу қадар ўч экансан, ғазал битиб, Шайх Саъдийнинг арвоҳини безовта қилиб нетасан? Манглайингга «Шоир Сайфий», деб ёрлик ёпиштириб ол! Ҳамма танийди шунда. Ана сенга овозаи олам, мулла Сайфий!

Бошқа ғазалларини ҳам ўқишга шайланиб, умидвор бўлиб ўтирган Сайфиддиннинг дами қирқилди. Арзон шуҳрат ё мартабага ўч кимсаларга хос муштарак бир хислат бўлади. Улар ўрни келса, ҳатто пирининг ҳам бетига қорақуя чаплаб, мақсад сари талпинади. Худо Сайфиддинга таъби назмдан бермаган бўлса-да, уни ичиқоралиқдан бенасиб қўймаган эди. Муллавачча Авазнинг гапларини тинглаб, бир нарсани фахмлади: донғи чиққан шоир унга, шеър ёзишни тарк эт, демоқчи. «Бекорларни ўйлабсан, бахил! Ўзим бўлдим, бас, ортимдагилар менинг абётимдан сув ичиб юрверсин, экан-да! Сени шоир этган отанг – Ўтар бобо, анави кўса Табибий. Сенга инъом бера-бера Феруз овозангни ёйди. Биздек

тоза ниҳоллар қаддини ростласа, сенинг бўйинг кўринмай қоладида, худнамо!»

Сайфиддин қоғозларини йиғиштириб олди-ю, тагин «лому алиф» мақомида таъзим бажо айлаб кулимсиради:

– Мен сиздан устозлик этармикансиз, деб умидвор бўлиб эдим, оға. Машойхларнинг гапи бор. Шогирдсиз устоз – бамисли мевасиз дарахт эмиш.

Авазнинг кўксида липиллаб ўча бошлаган ғазаб ўти лов этиб ёнди.

– Мен ёш вақтимда ҳар очик эшикка бош суқиб устоз изламаганман, билиб қўй! – деди ингичка мурти пир-пир учиб. -- Бахил ҳам эмасман. Бахиллик иқтидорсиз одамларга ярашади. – У шахт билан ўрнидан турди. – Хева тўла шоир, биронта устоз топиб оларсан, муллабола!

Аваз танбурни кўтариб ичкари кирди. Сайфиддин «Бизга хизмат бўлса айтиб тулинг», дея минғиллаб чиқиб кетди.

Аваз дўконда яна бирпас китоб муголаа қилиб ўтирди. Кун қизий бошлагач, эшикка сардўз боғлаб, Полвонёп бўйидаги ўша салқин оромхонага равона бўлди.

Чойхоначи уни айрича илтифот билан кутиб олди. Хусайн Муродбек Авазни фойтунга миндириб олиб кетганидан бери чойхоначи унга чўчиброқ муомала қиладиган бўлиб қолган эди. У чоғроқ бадяни тўлдириб қанд-курс, новвот, ёғлиқ патир, иккита иссиққина сомса келтирди. Ўзи чой қуйиб узатди. Аваз чойхоначига бир эркалик қилгиси келди.

– Ёшулли, югурдак болангиз йўқмиди?

– Ҳовва, бор. На эди, оға?

– Инжимасангиз, шу болангизни... бир ера юборсангиз. – Аваз Мутрибнинг маҳалласини айтди. – Мағҳасан оғанинг уйи деса, ҳамма билади. Шоир, созанда Мутриб. Бу ёна бошлаб келсин шу оғани.

Чойхоначи: «Хўп, ажаб!» – деди-ю, хужрасига шўнғиди. Ҳадемай ўн ёшлардаги болакай чиқиб, Мутриб турадиган маҳаллага югуриб кетди. Аваз сомсанинг устига товоқ тўнкариб қўйиб, чой шопиришга тушди.

Бир чойнак чой бўшаганда олислан Мутрибнинг йўл-йўл яктаги кўринди. Аваз сўридан тушиб, унинг истикболига юрди. Мутриб одагича ерга қараб, елкасини қисиб, бир-бир одим ташлаб келарди. Аваз анча кундан бери уни кўрмаган эди, кучок очди. Мутриб тўрға чикиб ўтирди-ю, дуо қилди:

– Окиллар омон бўлсин! – деди у, Хусайн Муродбекнинг тахаллусига, Авазнинг бугунги оқибатига ишора қилиб. Уларни четроқда илжайиб кузатиб турган чойхоначи ҳеч балога тушунмай юзига фотиҳа тортди.

Икки дўст то пешингача қаймоқлашиб ўтирдилар. Намоз маҳали яқинлашгач, ўринларидан туришди. Аваз: «Бозорга кириб, икки зомча<sup>1</sup> олакетайлик», дея Мутрибни ковун бозорига бошлади.

Улар энди бозор оралаб, хандалак савдо қилаётган пайтда маҳалла миноридан азон эшитилди. Одамлар пешин намозини ўқиш учун ҳар тарафга тарқалдилар. Авазнинг рўпарасидаги бир деҳқон: «Муллага, бир танга ташланг, стади», дея белидаги фўтасини еча-солиб ўзини намозхонлар орасига урди. Мутриб билан Аваз тўртта хандалак кўтариб бозордан чиқишди. Улар бу жазирамада пешин намозини Авазнинг дўқонида ўқиб қўяқолмоқчи бўлдилар.

Дарвозада уларга қўлида камчи тутган, икки ёнида икки мулозим эргаштирган мухтасиб йўлиқди. У Авазнинг йўлини тўсди.

– Намоз вақти бу нечук саланглаб юриш? Ёинки аҳли мўмин эмасмилар? Масиҳийлардан<sup>2</sup> бўлсанглар, айтинглар! Хўш?

Аваз мухтасибнинг қаҳрини келтирмаслик учун дарҳол жавоб қилди:

– Узр, бугунги намозни масжиди жомеда ўқимоққа жазм этдик. Аваз Мутрибни енгидан тортди.

Бозордан узоклашгач, Мутриб деди:

– Бу мухтасибнинг камчисидан нетиб қутулар экансан, деб кўрқиб туриб эдим. Панжасидаи лакқадай сирғалиб чикиб олдинг-а?

Аваз ғурурини яширолмай илжайди:

<sup>1</sup> Зомча – хандалак.

<sup>2</sup> Масиҳий – насроний, ғайридин.

– Минг жилд китоб ўқиб, бир жохилга гап топиб беролмасам, мана бу каллани нимага кўтариб юрибман? Илло, зомча ислик экан, каранг, оға...

Иккаласи ёз ҳарорати гуркираб турган муштдай сап-сарик хандалакларни тўйиб-тўйиб ҳидлаганча дўкон сари юришди.

Атрофда муаззинлар овози тинган. Ичанкалга сукунатли ҳарорат оғушида ҳансирар эди.

Дўкон айвонида чўнқайиб ўтирган кебанак чопонли кишини Аваз олисдан кўрди. Бир ҳожатманд дилгир бўлибди-да, деб қадамини тезлатди. Яқинрок келиб қараса, ўша қаландар йигит экан. Қаландар шошиб ўрнидан турди, қоп-қора кўзларида ҳадик ва умид аралаш бир ифода жилваланди.

– Ҳа, худонинг суюкли бандаси, кел, – деди Аваз ва эшикка тортилган каноп ипни ечди. Мутрибни ичкари ўтказди, хандалакларни даҳлизга кўйиб чиқди. – Ғазал эшитмакка келдингми, йигит?

Қаландар бош чайқади. Аваз киссасини кавлади.

– Керак эмас, – деди йигит ва кашкулини шиқирлатди, – бугунги томоғимга етади. Ортиқчаси ҳаром.

Аваз ҳайрон бўлди.

– Соч-соқол билан видолашмоқ ниятинг йўқдир, ахир? Ғазал тингламасанг, садақадан бош тортдинг.. Сенга не керак ўзи, ўғлон?

Қаландар хўрсинди. Авазга мўлтираб боқди.

– Дардим бор, Сизни кўп ахтардим. Топилмадингиз. Ўзингизга айтадиган икки оғиз гапим бор.

– Ундай бўлса, бу ёна кел. Зора дардинг давосини биргалашиб топсак.

Қаландар истиҳола билан бўсаға ҳатлади. Пойгакка чордана курди. Кулоҳи билан кашкулини бир четга кўйди. Ичида нимадир пичирлади, фотиҳа қилди. Мутрибга қараб кўйиб ғудранди:

– Бу муллакани танидим. Ўшанда ҳам ёнингизда эдилар.

Аваз хонтахтага чакқонгина бўз дастурхон ёзиб, ичкари ўтаркан, муртидан кулди:

– Матҳасан оғам ёнимда бўлса, кўчада кўрқмай юраман. Бу менинг қалқоним-да!

Аваз мис баркаш олиб чиқди. Битта хандалакни тилимлади.

– Ол, иним, ризкинг кўшилибди. Муҳтасибнинг жини кўзиганда бу неъмат йўқ эди.

Қаландар йигит бир тилим ҳандалакни ийманиб ушлади. Оғзи куядигандек авайлаб еди. Пўстлокни секин баркаш четига кўйиб, тўнига қўл артди. Авазнинг қисташига қарамай, қайтиб хандалакка қўл урмади. Аваз дастурхонни йиғиштирди. Сўнг жойига келиб чўкди. Қаландар йигит гуноҳкор кишидек анчагина бошини эгиб ўтирди-ю, ух тортиб, Авазга ўгирилди.

– Оға, мен сиздан мадад истаб келдим.

Одати бўйича кўзини юмиб қаландар йигитга қулоқ солаётган Мутриб кўзини очди. Йигит хижолат чеккандек бўлди:

– Оға, дардим узун, айбситмайсиз...

– Бемалол, – деди Аваз, – хозир ҳамманинг дарди узун, кувончи қисқа. Сўллайвер.

Қаландар йигит армону ҳасрат тўла муҳаббат қиссасини бошлади.

## ОҚ ҲАЛҚА ФОЖИАСИ

...Алқисса, арпани ўриб, бойлаб олдим. Сўнг ё худо деб йўлга чиқдим. Марҳаматнинг маҳалласи Тошдарвоза ўнгинда экан. Қийналмай топиб келдим. Сўгин каллам оғриди. Маҳалласини, ана, топдим, хўш, у қизни на ердан излайман? Отасини билмасам, энасини билмасам. Кун ёйилганда борган бўлсам, то пешингача ғассоллар элатини кезиб чиқдим. Дўконларга, мачитларга мўраладим. Отам рост айтган экан, салом берсам, одамлар алик олмайди. Билагимга бир қараб кўйиб, бет бурадилар. Бари бир-бирига ўхшаган бадқовок, тажанг, асабий. Сўлласа жеркиб, силтаб сўллайди.

Белимдаги зоғора нонни сувга ботириб еб кунни кеч қилдим. Оқшомгача бир аёл қорасини учратмадим.

Азонлаб яна келдим. Бу элатда улкан бир гужум бор. Остида чойхўрлик қилишади, ёнида катта ҳовуз. Тўғри бориб гужум тагига ўтирдим. Бир замон чойхоначи келди. Эллиқдан ўтган, қорасоқол, оёқларини кериб лапанглаб юрадиган беўхшов кимса экан. У ҳовуздан сув ташиб хумларга куяберди. Икки ўтди, уч ўтди, сўнг

тўхтаб уст-бошимга қаради. Ўтирган еримда салом бердим. Алик олмади.

– Сен кимсан? – деди ҳансираб. – Бизнинг элатда несиб юрибсан?

Миқ этмадим. Не дейман, бир кизни ахтариб юрибман, дейманми?

Чойхоначи сатилдаги сувни хумга куйиб, кайтиб келди. Ёнимга ўтирди.

– Ювғувчи керак бўлса, кадхудонинг уйина бор. Кимнинг ўлган?

– Энди кераги йўқ, – дедим эзилиб. – энамни ўлганига бир йил бўлди.

Чойхоначи юзига фотиҳа тортиб, насиҳат қилди:

– Эса бундаин ўтирма. Оқсоқол кўрса, мени тахтага торттиради, сени раисга топширади. Таёкни остида коласан. Бизлар билан сўллашиб бўлмайди, биласанми?

– Биламан, – дедим, – отам айтган.

– Билсанг, йўлингдан қолма, ўғлон. Нерда турасан?

– Гандимиёнда.

– Мусофир экансан, уйингга бор, бу ерда гуноҳга ботма.

– Иложим йўқ, ёшулли. Ўлдирсалар ҳам кетмайман. Мен... бир кизни кўрувим керак. Унга берадиган омонатим бор. Энам раҳматлик мени ювган қизга бер деб, бир буюм қолдириб эди. Уни Марҳаматнинг ўзина беришим керак.

Шу пайт олисдан йўтал эшитилди, бир-бир босиб келаётган икки қари киши кўринди. Чойхоначи чўчиб ирғиб турди, билагидаги оқ ҳалқани ечиб узатди:

– Ма, дарров тақиб ол. Имиллама, манглайи қора!

Ҳалқани тезгина билагимга ўтқаздим. Ҳамма кўрсин деб энгимни шимариб қўйдим. Қариялар чойхонага бурилмади, мачит томонга ўтиб кетдилар.

Чойхоначи мени ичкари бошлади, олдимга дастурхон ёзди, бир бош узум билан нон қўйди. Қорним оч эди, энди нонга қўл чўзиб синдирмоқчи эдим: «Тўхта! Нонни кўлингга ол!» – деди чойхоначи. Ҳайрон бўлиб нонни кўтардим.

– Ана шу нонни ушлаб қасам ич, бола! – деди у. – Ёлғон сўлладингни ё ростми? Рост айтсанг, жонимни бераман.

Нондан кўрқдим. Кўзимга ёш келди.

– Ёлғон сўлладим, ёшулли, кечиринг... – дедим ерга қараб, – шу кизни наврўзда кўриб эдим. Тинчим йўқолди. Томоғимдан овқат ўтмайди. Топмасам, сарсон бўлажакман.

Чойхоначи оғанинг жаҳли чикқандек эди.

– Ҳов, топганда нишатасан? Бизни расми биларсан, у кизни сенга бермайдилар, сен ололмайсан. Ўт билан сувни бир-бирини кўшиб бўларми? Ўт билан сув кўшилса, бир-бирини ебадо қилажак...

– Адо бўлсам-да, гадо бўлсам-да, розиман...

Чойхоначи тиззаларига уриб нола килди:

– Э, яратган худойим-ей! Нега бировнинг йўлига бировни тер-милтириб, зор қилиб қўйдинг-а!

Шу пайт ташқарида биров: «Қадамбой!» – деб чақирди. Чойхоначи талтанглаб чиқиб кетди. Анчадан кейин қайтиб келди.

– Ана шу одамнинг кизи ҳам Марҳамат. Беш-олти йил бўлди, ким қиз тувса, отини Марҳамат кўяди. Зора, хон раҳм этиб марҳамат қилса, фармон ўзгариб, биз ҳам жамики мусурмонлардай одам каторига кирсак, деб марҳамат зотини кўпайтириб юбордик... Уф, қайси падарлаънати хон берган экан бу фармони-я, ёзуғимиз на эди...

Қадамбой оға тунча-самўрга саксовул солгани нари кетди. «Марҳаматнинг отаси ўз оёғи билан келди, энди ўзини ҳам топарман», деб суюниб ўтирибман. Оға инқиллаб ёнимга қайтди.

– Менга қара, болам, – деди елкамга қоқиб, – сенга ёмон бир маслаҳатим бор. Отанг касалманд экан, энанг ўлибди, ёлғиз ининг бор экан. Бу йўлнингдан қайт. Уйингга бориб мол-жонингга қара. Ювғувчининг кизига ошиқ бўлиб ҳеч ким муродига етганамас.

– Кет десангиз, кетаман. Нон-тузингизга рози бўлинг, – деб ўрнимдан турдим, – бироқ ўлсам-да, бу элатдан чиқмайман. Шу кизни топмагунимча ҳар куни келабераман.

Билагимдаги оқ халқани чиқариб лаганга қўйдим. Кетдим. Ҳовуздан ўтганимда Қадамбой оға сас берди:

– Ҳай, Матпано, мунда ке!

Хўмрайиб қайтиб бордим. Чойхоначи оға халқани қайта билагимга солиб қўйди.

– Ўлгундай қайсар экансан. Бу феълинг бўлса, ё муродингга етасан, ё бошингни ейсан.

Гужум остига бориб ўтирдик. Қадамбой оға чой дамлади.

– Бор, таваккали олло, – деди хўрсиниб, – ёнимда юратур-чи. Худо менга ўғил бермади. Ўғрилиқча ўғиллик бўлсам бўлибман-да, хай! Йўқотганинг игна эмас, одам экан, бир куни топилиб қолар.

Шундай қилиб, чойхонада қолиб кетдим. Бир куни эртарок, бир куни кечроқ келаман. Елиб-югуриб оғанинг хизматини қиламан. Ҳеч ким йўғида икковимиз ўтириб сирлашамиз. У бармоқларини букиб ўзича гўлдирайди:

– Анави Эшчи калтаники билан тўрт... Дўнанныки билан беш... Тағин Раим қассобда бириси бор – олти. Матпано, сўраб-сўраб топганим олти бўлди. Марҳамат деган олти киз бор экан. Учисининг бўйи етган, учиси ҳали жўжик... Ҳай, у кизни кўрсанг ўзинг танийсанми?

– Танийман, – дейман қувониб.

Шу тахлитда кунлар кечди, оғалар. Бир оёғим кишлоқда, бир оёғим қалъада. Пешингача тарикка сув ёяман, кечлатиб Хевага чопаман. Баъзи кунлари чойхонада ётиб қоламан. Тушдан кейин уйга келиб буғдой ўраман, хуфтонгача молларга қарайман, арпадан бўшаган ерни хайдаб, мола босаман. Сахарлаб тағин шаҳарга югураман.

Бир куни отам ёнига ўтқазиб насиҳат қилди:

– Қалъага нега қатнаб юрганингни биламан. Маззангга фол очирдим. Ойнасига боқиб айтиб берди. Бир кизга ошиқ бўлиб қолибсан. Овора бўласан, бола. Мен сенга ювғувчининг қизини олиб бермайман. Отам юрт олдида шарманда бўлиб, ажалидан бурун ўлсин десанг, боравер. Бўлмаса, оёғингни уз. Бошқа сўзим йўқ.

Шундан сўнг бир ҳафта уйдан чиқмадим. Саккизинчи куни чидамадим. Тилимни осилтириб чойхонага кириб бордим. Қадамбой оға пишиллаб ёғоч ёраётган экан.

– Ҳов, на бўлди, ошиқ? – деди аразлаган бўлиб. – Дарёга чўқдингни? Мен қизингни топиб қўйдим.

Унинг қўлини олишни ҳам унутиб тахта бўлиб қолдим. Оғам бир четга имлаб, воқеани айтиб берди. У, чойхўрлардан ҳалиги уч

Марҳаматнинг боши очик-ёпиклигини суриштирибди. Иккитасига нон синдирилган экан. Учинчи Марҳамат жуда қайсар қиз эмиш, кимдан совчи келса, ўламан олло, тегмайман, деб қайтариб турган эмиш.

– Қиз кўнмайдими, демак, унинг кўнгли бошқа бировда, – деди Қадамбой оға. – Энди сен бундай қиласан...

Ярим коп саксовулни орқалаб Раим қассобнинг уйини кўзлаб жўнадим. Қассоб Етим авлиёнинг биқинида турар экан, топиб бордим. Бир кўрқувдан, бир севинчдан титраб эшикни аста тақиллатдим. Товуш бўлмади. Эшикни қаттиқ-қаттиқ урдим. «Ке-ем у?» – деган аёл товуши келди. – Ўтинчиман, эна-а! Сазак<sup>1</sup> келтирдим, – дедим. Сўнг: «Чодирхаёлда-ан!» – деб кўшиб кўйдим. Аёл: «Марҳамат-ув, қара-чи!» – деди, кейин: «Кўй, ўзим чиқай!» – деб кавушини тапиллатиб кела бошлади. Эшк қия очилди. Семиз, бети очик қорача хотин менга хушламай боқди. Сал нарида хуркак кўзларини жавдира-тиб синик юзли қиз турарди.

– Ўт... Ўтин, эна... сазак... Чодир... хаёлдан... – дедиму қиздан кўз узолмай қолдим. Бу менинг Марҳаматим эди.

Сўнг на бўлгани ёдимда йўқ. Бир қарасам, елкамда коп, кўчанинг ўртасида турибман. Эшик тақа-тақ ёпик. Ичкаридан аёлнинг қарғиши эшитилди:

– Хув сазағинг билан куйиб ўт бўлгур!.. Ҳов, шарманда қиз, сен нега сувдан чиққан бақадай анграйиб турибсан? Ё бу болани тушингда кўрибмидинг? Бор, уйга кир, бети йўқ!

Марҳамат худди мени эшитсин дегандек: «Тушимда эмас, ўнгимда кўриб эдим, билдингизми?» – деди қаттиқ товушда. Ҳайрият, танибди, деб қувондим, қопимни орқалаб жўнадим.

Эртасига миямга бир фикр келди. Қадамбой огадан катта-катта икки пақир сўраб олдим. Марҳамат турадиган кўчанинг бошида эски қудуқ бор эди. Шу қудуқдан сув ташиб мазористондаги гужумларнинг тагига қуя бошладим. Ҳар бориб келганимда умидвор бўлиб Раим қассобнинг эшигига қараб қўяман. Зора, пақирини кўтариб Марҳамат сувга чиқиб қолса, икки оғиз гаплашсам дейман.

---

<sup>1</sup> Сазак – саксовул.

Окшомгача мозористонга сув ташийивериб ўлардай чарчадим. Бир замон кудук бошида пакирни тўнкариб, устига чўкдим. Наврўзни чикарганларни ҳам, бадбахт фармон берганларни ҳам бўралаб сўкдим. Хўрлигим келди. Ортимда ингичка йўтал эшитилди. Қайрилиб қарадим у ирғиб турдим. Рўмолиннинг учини тишлаб... Марҳамат илжайиб турарди! Қўлида пакир. Наврўзлаги қизил нимчаси, харир дурраси... Тўрт кадам нарида, ҳадиксираб менга мўлт-мўлт боқади... Шошиб пакирга қўл чўздим.

– Келинг, сулувим, сув тортиб берай...

– Ёлғончи экансиз, ўтинчи бола, – деб киз пакирни ерга қўйди. Атрофига олазарак боқди. Ҳовлиқиб арқонни пастга туширавердим.

– Энангиз урмадим, сулувим? Қаҳри ёмон экан.

Қўлим арқонда-ю, кўзим Марҳаматда.

– Ёлғончи экансиз, – деди у яна эрка товушда, – ахир, сиз ҳалқалик эмассиз. Мен ҳалқаликка бораман<sup>1</sup>.

Биров келиб колмасин деб, бидилладим:

– Сиз учун ҳалқа эмас, бўйнимга дор илишга-да рўзиман. Ўзим кишлокиман, қалъадан нарида тураман, отим Матпано. Сизни уч ой изладим. Худога шукрим, топдим, сулувим. Сизни кунига шу ерда кутаман.

Сувга келаётган хотинлар кўринди. Марҳамат чўчиб пакирни кўтарди.

– Отам мени ҳалқаликка беради, – деди-ю, бир кулиб қўйди. Кулгиси жонимни ўртади. Унинг изидан қараб турдим, сўнг, бўш пакирларимни ликиллатиб чойхонага югурдим.

Эртасига Қадамбой оға ёнига бир жўрасини олди-ю, окшомлатиб совчиликка жўнади. Мен жонимни ховучлаб чойхонада кутиб ўтирдим. Оға бирпасда қайтиб келди. Қовоғи солиқ.

– Баттол қассоб сўзга кулок ҳам солмади, – деди у, – бир пиёла чой бермай калишимизни тўғрилаб қўйди. Бир бокма болам бор, деб энди оғиз очсам, бокма бўлса нега уйингда турмайди, қизимни чойхонага узатаманми, деб бобиллади. Жойим торроқ, яқинда бир кунжак солмоқчиман дедим. Баччағар қассоб олдин кунжагингни битир, сўнг оқсоқолни чакириб, масжидга халойикни йиғна,

<sup>1</sup> *Бораман* – «тегаман» маъносида.

бокма болангни хаммага таништир, сўнг менга элчи бўлиб кел, деб бақирди.

Индамай ўтиравердим. Қадамбой оға насихат қилган бўлди:

– Сен уйингга бориб отанг билан кенгаш, болам, Ота рози – худо рози.

– Отам рози эмас.

– Унда инжимайсан. Мачитда куръон ушлаб, сени ота-энаси йўқ ғирт етим, деб қасам ичувим керак. Отанг тирик ахир. Матпано, қарғишдан кўрқаман. Ортимда бир этак болам бор.

Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Миқ этмай ўрнимдан турдим, кишлокқа равона бўлдим. Уйга келиб мук тушиб ётиб олдим. Гўйиб-тўйиб йиғладим.

Икки кун ўтказиб яна Хевага келдим. Энди чойхонадан кўнглим совиган эди, яқинлашмадим. Қудук бошига бориб ҳақ деб ўтириб олдим. Сув олгани ўн етти ёшлардаги бир қиз келди. Марҳаматдан бўйи чўзикроқ, этлик. Пақирини ерга кўйди.

– Мен Назираман, – деди тесқари қараб. – Матпано оғамисиз?

– Ҳа. ҳа, ўзимман! – дедим юрагим пўкиллаб. Назира ғамгин тўвушда деди:

– Марҳаматни тўйи бўлаётир...

Калламга калтак тушгандек бўлди. Пақирни қудукка ташлаб юбордим.

– Қачон?.. Нега бўлади, Назира? Ахир, мен...

– Сув тортинг, ўлмагийсиз. Биров келиб қолади...

Қандай сув тортганимни билмайман. Ўзимга келганимда Назира сал нарида турарди. Қия ўгирилди-ю: «Эрта оқшом... мозористон дарвозасина келинг», деганча шипиллаб жўнади.

Минг азобда тонг оттирдим. Пешиндан кейин шаҳарга келиб мозористонга кириб олдим. Узун чўлтоқ супурги тошиб, йўлкаларни супуриб юравердим. Кунга қараб-қараб кўяман. Ўпкам оғзимга тикилиб, кеч бўлишини кутаман, бу худонинг куни мунча узун бўлмаса, дейман хунобим чиқиб.

Кун ботди, қоронғи тушди. Дарвоза ортида бекиниб турибман. Бир маҳал пастак пахсадан икки қора ошиб тушди. Икковиям паранжи ёпинган. Уларга қараб юрдим. Узунроғи тўхтади, шериги югургилаб келди, бўйнимга кўл солиб йиғлаб юборди. У Марҳамат

эди. Мархамат обдан йиғлади. Юз-кўзларини, сочини, муздек орик кўлларини силаб овутаман, қани кўнса!

– Оға, мен сиз билан хўшлашгани келдим, – деди йиғи аралаш, – худойим бизни бир-биримизга насиб этмади. На гуноҳимиз бор, билмадим... Бундай... жумла оламдан беруна мохов қилиб яратгандан яратмагани авло эди...

– Йиғлама, сулувим, биз қочиб кетамиз... Узоқ-узоқларга, отангни кўли етмайдиған ерларга кетажакмиз...

– Йўк, йўк, оғажон! Унда акам энамни ўлдиражак... Бизни ҳам ўлдирадилар. Биз бирга бўлолмаймиз. Кимда-ким ҳалқаликка уйланса, бахтсиз бўлади. Сизга касрим тегади... Илоё сиз дунёда тирик юрғайсиз... – Мархамат ғалтак тумор олиб узатди: – Мана, оға, Мархаматингиздан ёдгорлик... Илоё сизни бало-қазодан асрагай... Энди мен борай. Назира ёлғиз турибди, кўркади.

У яна тўлиб йиғлади. Мен унинг кўз ёшларини артиб, бошини кўксимга қўйдим. Бир нима деб овутай десам, ўпкам тўлиб товушим чиқмайди... Шу пайт темирдай беш панжа билагимдан сикиб тортди. Рўпарамда девдай икки йигит турарди. Бириси Мархаматни юлқиб, нарига отиб юборди. Иккинчи йигит кўлидаги таёғи билан юз-кўзим аралаш ураверди, ураверди... У ёғи не бўлганини билмайман. Кўзимни очганимда қора қонимга беланиб гужум тагида ётардим. Атрофда хўроз қичқириб, сўфи азон айта бошлаган эди.

Шу-шу, Мархаматдан умидимни уздим. То қора кузгача Хевага бормадим. Бу орада отамнинг дарди кучайиб, оламдан ўтди. Инимни кичик холам ўзига ўғил қилиб олди. Мени-да, чорлади, кўнмадим. Уйлантириб кўяйлик, деди, кўнмадим. Хевага бир борганимда билдим, Мархамат ўзини кудукка ташлаб ўлибди.

Шундан сўнг салби вужуд айлашга онт ичдим. Бошимга кулох кийиб, бўйнимга кашкул осдим. Дарвешлар ҳалқасина бориб кўшилдим. Бир йилдан бери ёху тортиб юрибман, оғалар...

Аваз бу нотавон етимнинг ҳолига ачинди. Бундай бенаволар Хевада оз эмас, ҳар замонда пешонангга келиб уриларди. У, Матпанога қандай илиқ сўзлар топиб айтишни, уни не деб овутишни ўйлаб тараддудланди.

– Мақсадингни англа, Матпано! Кўринган одамга ҳасратингни айтиб, дунёдан йиглаб ўтмоқчимисан?

– Йиғлаб юришдан фойда йўқ экан, билдим. Энди мен қасд олмоқчиман. Мадрайимхонни ўлдириб хумордан чиқаман.

– Агар сен шу гапни айтгани келган бўлсанг, адашибсан, Матпано. Унда бошқа қопини тақиллатишинг керак. Хоннинг боши тилладан, деган гап бор. Хон учун сендай юз кишининг калласини кесадилар.

Матпано тутақди:

– Унда нишатай, оға? – деди иккала муштини шифтга ўкталиб. – Ўлиб ўлолмасам! Хоннинг калласига тегма, десангиз! Наҳот ўтган-кетганнинг кўлига термилиб, қариб-чириб адо бўлажакман?

Аваз сиполик билан деди:

– Бадбахтнинг бурчи ўзидек бадбахтларни урчитиш эмас. Кўлингдан келса, уларнинг саноғини камайтир. Бир донага бўлса ҳам. Сенинг бу қилиғинг на фарзга, на суннатга, на инсонийлик тариқатига тўғри келгай.

– Хўв бирдаги байтингиз... жонимни ўртади. Тилимда, дилимда минг карра такрор айтдим. Маънисига ета билмадим. Менинг турмушимга менгзаган чигил экан. Бошимда айланиб турган тош на ўзи? У тоша боқсам нега каллам айланур?

– У тош – закон юки, виждон юки, – деди Аваз ва Матпанога кулиб каради, – сен буларни тушунмайсан. Кўзларинг йиғидан парда тортган. Дунёга мана бу кашкул тешигидан боқиб юрибсан. Каллангни ишлат, Матпано! Ахир сен ҳам одамсан, одамга ўхшаб яшашинг керак. Йиғлаб турган гўдакни йиғлаб овутмайдилар. Атрофингга бок. Йиғлаган кўп, кулган оз. Манави чиркин хирқага ўралиб, кашкулни шиқирлатиб... ноумидлик кўшиқларини вайсагунча, мард бўлсанг, бир нотавоннинг бошини сила! Дардини тингла, кўлидан тутиб жинкўчадан чиқариб кўй! Ўзингни балчиққа қориб, йиғлаб, ёлвориб, дехқоннинг оғзидагини, косибнинг бўғзидагини умид этишга ор қилмайсанми, Матпано?

Матпано бошида калтак кўтарилган кимсадек қунишди.

– Оға... не қил дейсиз... Мен сиздан... кўмак истаб келдим...

Аваз илгаригидан баттарроқ шиддат билан давом этди:

– Тиланчилик йигит кишининг ўлиmidир. Сен уч йил бурун оламдан ўтибсан. Энди қайта тирилмоқ мавсумидир. Манави каш-

кул билан кебанак чопонни эгасига бер. Дарвешона соч-соколдан воз кеч. Менинг олдимга эмаклаб келма, ер тепиб, билакни шимариб кел. Сўнг сўллашаман сен билан.

Йигит шошиб ўрнидан турди. Назарида Аваз уни ҳозир ёқасидан олиб кўчага итқитиб юборадигандек эди. Матпано куймаланди, кўзлари чакнаб бўсағага борди.

– Оға... Қачон келай? – деди чўчиброк.

– Тирилган кунинг кел. эшик очик! – зарла килди Аваз. Матпано кашкулини қўлтиғига кисганча пиллапоядан ҳақкалаб тушиб кетди.

... Кун ботар олдида Мутриб билан Аваз Мехтарободга кириб боришди. Ўтар бобонинг катта долонида уларга Амажон дуч келди. У бўш сават, хуржун кўтариб олган эди.

– Отамни зиёрат этгали келиб эдим, – деди Амажон, сўнг Авазни четрокка тортиб уқтирди: – Анави гўсхўр Султонали усгингиздан хат йиғнаб юрибди. Авазни бир оёқ остина олдирмасам, соколимни кириб ташлайман, дейди. Оғажон, эҳтиёт бўлинг... Хўш, мен югурдим.

Аваз кулимсиради:

– Ҳожига айт, соколини ўзим бепул кириб кўяжакман.

Лўкиллаб кетаётган Амажонга қараб, Аваз бош чайкади...



## СЎНГГИ УЧРАШУВ



Ўтар бобонинг тўйи тарқаб, дошқозонлар йиғиштирилди. Уста бобо дорихалтасини қўлтиклаб саройга, Аваз ҳам дўконига қараб кетди.

Хевада куз, тўкинчилик. Ичанқалъа минг бир кўчага бўлинган улкан бозорни эслатади. Қай кўчага кирсангиз, ковун қўлтиклаган. сават-сават шафтоли ё узум кўгарган харидорни, молини сотиб, эшак аравасини тарақлатиб кетаётган деҳқонни, тирикчилик кўйида қоп орқалаб бораётган ҳаммолни кўрасиз.

Куз қарияпти. Севалаб ёмғир ёғиб ўтган. Кўчалар салқин. Олабула, чиройли белбоғли Қалта минор, кун сайин осмон гумбазига санчилиб бораётган Хўжа минор арғиб қўйилган чинни кўзадек ялтираб кўзни олади.

Авазнинг дўкони гавжум. Дўконга деҳқонлар, косиблар, ҳар хил бозорчилар, домангирлар бош сукиб ўтишади. Авазнинг иши тиғиз, бир соат-ярим соат ўтириб китоб мутолаа қилишга ҳам фурсати йўқ. «Фалони» туркумидаги чистонларини давом эттирмакчи эди. У беш йил саройга қатнаб озмунча «фалони»ларни кўрдими? Бу ёқда: «Бизга не атагансан?..» – деб Саид Ғози тўра турибди. Аваз унга «Маҳфий» таҳаллус қўймоқчи. Илк сатрлари хозирок тайин:

Фалони гарчи кўп олий насабдур:  
Вале нодону жоҳил, беадабдур...

Аваз бугун қаттиқ чарчади. Дўконини барвақтроқ ёпиб, уйга кетди. Чарчагани учунми, хаёли паришон. У Жоме масжидини айланиб ўтиб, Боғча дарвозага бурилди. Анча юриб, негадир ортига ўгирилди. Қора чопонга ўралиб, чўгирмасини манглайига тушириб олган бир кимса изидан келарди. Аваз аввалига эътибор қилмади. Эллиқ қадамча юриди-ю, ердан бир нарса олган киши бўлиб энгашди. Секин бошини бурди. Ҳалиги киши ҳам тўхтаб турарди. Аваз қадамини тезлатди. Бир муюлишга бориб мўралаб қаради. Қора чопон лўкиллаб келаётган эди. Авазнинг шубҳаси қолмади: бу изкувар хуфияга ўхшарди. Дили изтироб ила чайқалди: «Изидан одам кўйиб нетади ифлослар? Мен бекиниб юрибманми? Кунига дўконимдаман. Керак бўлсам отга судратиб обкетмайдиларми?»

У жаҳл билан тез-тез юриб кетди. Кўчасида улоқдан каттарок бир ит ириллаб оёғига ташланди. Аваз қўшниси Файзулла темирчининг итини таниб ажабланди: «Бугун бир бало бўлганми ўзи? Гоҳ икки оёқлиси таъкиб этса, гоҳ тўрт оёқлиси ҳамла қилади». У кўппакни аямай тепди. Ит вангиллаб қочди-ю, сал нарига бориб, вовиллаб туриб олди.

Аваз уйга асабийлашиб кирди. Ҳовлига оқшом тушди. Наздида, оқшом унинг кўнглига ҳам киргандек, бетоқат, ўтирса – тор хужрасига сиғмас, турса – кенг ҳовли торлик қилаётгандай эди. У, кайфи бузилиб, изидан юрган хуфияни ўйлади. Тўй куни айтилган «Фалони»ларни эслаб, орада бир алоқа кидирди. Сўнг, дарров саройга ким етказарди, шу ерда, уйда ётибди-ку шеърлар, дея ўзича иштибога борди.

Эшик такиллагандай бўлди. Ташкарига чикди. Кўчада ҳеч ким йўқ. У атрофига аланглаб, қайтиб кирди.

Анча вақт ўтди. Аваз ўй сура-сура, счинмокчи бўлди. Ўтириб энди этигини тортаётган эди, эшикни биров каттиқ тепгандай бўлди. «Қайси бефаросат экан?» – дея долонга бориб тамбани туширди. Кўчада икки отлик турарди. Ғира-ширада Аваз улар хон навкарлари эканини дарров сизди. Бири тулкитумоқ кийган, бўйдор, иккинчиси дўнгалак телпақда. Икковининг ёнбошига эгри қилич осилган.

– Ўтар бобонинг уйими бу? – деб сўради тумоқли навкар.

– Ҳовва. Лекин отам йўқ.

– Бизга уста бобо керакмас. Аваз деган ғаламис керак.

– Менман Аваз. На ишларинг бор? – жеркиброқ сўради Аваз.

– Ўзинг бўлсанг, тезда олдимизга туш. Сени хон хазратлари сўраб турибдилар.

– Менинг хонда ишим йўқ, бориб айт! – Шундай деб Аваз ўгирилмокчи эди, телпақли навкар уни енгидан ушлаб тортди.

– Хоннинг сенда иши бор. Бу ёна юр!

Аваз силтанди. Енги чокидан шир этиб сўкилди.

– Шошма, каззоб! – деди Аваз. – Мен кийиниб, болалар билан хўшлашиб чиқай. Шабистонда келган элчидан кўрқ, дейдилар.

У ичкари юрди. Катта навкар: «Хув, қочиб юрма! Ернинг остидан бўлса-да, топиб олажакман», деб бақириб колди.

Аваз хотинига хон йўқлатаётганини айтмади, отам чорлабди, деб қайтиб чикди. Розия барибир ишонмади, бемаҳалда уйдан ғойиб бўлган эрининг ортидан пиқиллаб йиғлаб колди.

Муҳаммад Раҳимхон Тозабоғдаги қароргоҳида эди. Аваз икки отлиқ навкарнинг олдига тушиб, зим-зиё кечада Патрак томон кетмоқда. У ўйлаб ўйининг охирига етолмайди. Бемаҳалда нега чақиртирди экан.

Аваз саройда шунча йил хизмат қилиб юриб, бир нарсанинг тубига етган. Хон кечаси йўқлатса яхшиликка бўлмайди. Навкарларнинг муомаласи ҳам дағал. Бисмиллосидан сўкиб гаплашди. Гуноҳи не бўлди?

Тез қайнаган тез совир, дейдилар. Аваз ҳар нарсадан дарров таъсирланадиган, адолатсизликни кўрса лов этиб кетадиган чарс

табиатли бўлгани билан жахлдан тез тушар, кек сақламас, дилхиралигини ҳайдаб, ўзини идора эта олар эди. Мана ҳозир ҳам у кўли орқасида. отлар туёғига ҳамоханг аста қадам ташлар экан, ўзини овутишга уриниб, ортидаги қовоқбош навкарлар устидан, оддий бир сартарош ила олиниб ўтирган мамлакат султони Муҳаммад Раҳимхон устидан кулди.

Навкарлар уни дарвозадаги икки барзанги тунсоқчига топшириб, отларининг бошини буришди. Аваз неча йилдан бери таниш ховлилардан ўтиб, саломхона остонасида тик бўлди. Ўша, ҳамойил олаётиб кулган бақалоқ ҳудайчи лўмбиллаб ичкари кириб чикди.

– Ўт, ҳароми! -- деди кўзларини чакчайтириб. Аваз ҳамиша эҳтиром ила эшик очиб тиржайиб турадиган ҳудайчига ўқрайиб қаради-ю, эшикни тепиб очиб, саломхонага кирди. Ҳудайчи енги билан афтини артиб изма-из бўсаға ҳатлади.

Саломхона чароғон эди. Ўтган олти ой ичида хона тамоман ўзгарибди. Қизил бўёкли шарафалар, қизғиш нақшлар ўрнида ям-яшил кошинлар, ерда ҳам қизил эмас, оппоқ, сарғиш гиламлар, шишасининг қорни кумғондай келадиган қўшпиликли ўрис чироқлар. Тахтга ҳам яшил бахмал сирилган. Аваз тикка кириб Ферузга қаради. У ўз ўрнида, эғнида яшил мовут тўн, елкаларида генераллик рутбасини билдирувчи елканишонлар, кўкрагида оқпошшога вассаллик тимсоли – кўк шойи тасма қийшиқ ташланган. Бўйнида тилла занжирга осилган шапалоқдай салиб. Одатдагича унинг қўйқўзлари бефарқ, бежило, нурсиз.

Хон жим. Аваз унсиз. Барча сукутда. Саломхонада йигирма чоғли одам бор эди. Хоннинг ўнг ёнида бош вазир Матмурод девонбеги, қозикалон, қози аскар, шахзода Абдулла тўра. Ортда Юсуф ясовулбоши. Деворга қапишиб Пишканик ноиби Султонали хожи, Қодирхўжа мирзабоши ўтирибди. Чап тарафда, бўйрадек дераза олдида бошини ҳам қилиб Ўтар бобо тиз чўккан. Зорийнинг ола кўзлари жавдираб, олма-кесак теради. Табибий қўлларини икки енгига яширган. У гуноҳкор одамдай ердан кўз узмайди.

Ниҳоят, тахт томондан босиқ, таниш овоз келди:

– Одам санаб бўлдингми? Сўлла, Аваз!

Таомилга кўра, хон олдида тиз чўкиб, ерга қараб гапириш лозим эди.

Аваз тизза букиш нари турсин, таъзим хам қилмади. Фақат қўлларини кўксига қўйиб жавоб берди:

– Фақир қулингизни йўқлатган экансиз, ҳазрат. Келдим.

Ферузга Авазнинг «ҳазратим» демагани оғир ботди. У енгил киноя аралаш сўради.

– Машойихларнинг гапини билурмисан? Қайтиб келар эшигингни қаттиқ ёпма, демишлар.

Аваз: «Мен ихтиёран кетиб эдим, зўрлик туфайли келдим», деёлмаслигини сизди, хон фикрини ойдинрок билмоқчи бўлиб дарҳол жавоб қайтарди:

– Ҳузурингизга келишдан аввал хонадонимнинг эшигини аста ёпдим, олампадох.

Аваз шундай дея отасига қараб қўйди. Ўтар бобо икки кўли билан тиззаларига аста уриб: «Чўккала, аҳмоқ!» – дегандек имо қиларди. Аваз умрида ҳеч кимнинг олдида, ҳатто ибтидоияда ўқиган кезларида домланинг рўпарасида хам тиз букмаган қайсар эди. У отасидан кўз узиб хонга юзланди:

– Ҳазрат, бу фақир қулингиз гуноҳимни билолмай лолдирман.

Хоннинг кўзлари совук йилтиради:

– Гуноҳинг йўқми? Халифат ул-исломмусан?

– Беайб парвардигор. Осий бандаман. Яратганнинг олдида ёзуғлиқдирман. Илло ҳазратларининг номи муборақларига хилоф иш тутганимни билмасман.

Хон бошини буриб ўнг томонга қаради. Қулоғини динг қилиб ўтирган Шариатилло охунд ярим қадам олға юрди, шанғиллаб ваъз айтди:

– Аҳли мўмин! Бу шаккокнинг сўзина ишонманглар! Имонини ютиб ўтрик сўллаётир. Хоним, бу нобакор лайлно наҳор сизни мазах этмак ила машғулдир! Оллохнинг ердаги сояси бўлмиш подшоҳига гумроҳлик қилмоқ шариятимизни оёқости этиш эмасму? Дўқонида сатта имони йўқларни йиғнаб, ношаръий байтлар битур. Бундай байтларни одамларга зўрлаб ёд олдирур...

Хон Авазга тиш орасидан сўз котди:

– Биз дўқонни ёпиш хусусида амри фармон берган эдик. Ё бизнинг амримиз сенга вожиб эмасму?

– Вожиб, – деди Аваз. – Дўконга мен қўл урмадим, хон ҳазрат. Хусайн Муродбек тўранинг ихтиёри ила очилди.

Феруз Юсуф ясовулбошига қараб бакирди:

– Хевада ким хон, Хусайнбекми, менми? Қани ўзи? Ер остидан бўлса-да топтиринг!

Ясовулбоши югуриб чиқиб кетди. Саид Ғози тўра кесатиб лукма ташлади:

– Эшитдик, Хусайн Муродбек Авазни эргаштириб ўтириш-маларга олиб борармиш. Қарға-қарға билан топишибди, ажаб...

Аваз тўранинг гапига парво қилмади. У ўз хаёли билан банд, яна қандай айб қўйишар экан-у, қандай жавоб берсам экан, деб ўйларди. Шариатилло охунд лабини ялаб, яна тилга кирди:

– Бу гумроҳ калъани булғаб бўлиб, овулга ўтибди, ҳазратим. Ижозат берсалар, мана Пишканик ноиб Султонали ҳожи гапирсинлар...

Хон бош силкиди. Аллақачон ўрнидан туриб, тахт олдига келиб қолган ноиб кўрқа-писа, тутилиб ғўлдиради:

– Шу... раиятнинг кўнглига қараб, ҳазрати олийларининг хизматларини адо этиб... шоду хуррам юриб эдик. Манави бетавфик бориб шу... хароб этса-да! Ёт, десам ётиб, тур, десам турадиғон чорикорларимни бузди. Миясина на гап келса айтиб, шу... хонликка қарши қилиб қўйди. Ҳов, иним, бу не қилғонинг десам, шу... бир куни менга қўл кўтариб, ураман деса бўладими?

Аваз чидамай, ноибнинг гапини бўлди:

– Хоним, ноибнинг гаплари ғирт ёлғон! – деди баралла товушда. – Каломулло билан қасам ичаманки, ноиб кўрмаган нарсасини кўрдим деб ўтлаб турибди. Куръони шариф келтирсинлар. Агар ноиб кўркмаса, қўлига куръон олиб сўлласин!

Ноиб ялтоқланиб хонга боқди. Авазга қараб ўшқирди:

– Ўзим кўрмаган бўлсам, кўрганлар бор, айтажак! Ҳазрат олийларини ёмонлаб ғазал битганинг ҳам ёлғонми? «Халқнинг қони дарё бўлиб оқди, дод, бу хоннинг дастидан!» – деганинг-чи, имонсиз?!

Аваз ноибга ғазаб билан тикилди.

– Ёшулли, имонингиз саломат бўлса, бир бечора чорикорни қон қақшатганингизни айтинг! Отингиз билан нетиб ғўзасини пайҳон

қилганингизни, оғзидаги нонини йириб олганингизни ҳам айтинг!  
Айтолмайсиз! Не учунким, сизда забон бор-у, виждон йўқ!

Султонали ҳожи ўсал бўлганга ўхшади. қўлларини чулғаб ни-  
мадир деб ўзини оклаган бўлди. Хон унга кулок солмади. Аваздан  
сўради:

– Пишкиникда не ғазал битгансан, ўки! «Халқ»миди?

Авазнинг эти увишди. Ғазалдаги калтис нуқталар, ахли ху-  
камога наштардай санчиладиган сатрлар, хусусан, сўнгги байт уни  
чўчитарди. Ёлғонлаб кутулмоқчи бўлди.

– Ёдимда йўқ, хон ҳазрат. Баҳорда битиб эдим.

Ферузнинг хиноли қўнғир соқоли силкинди.

– Аммо бизнинг ёдимизда бор, – у хув ўша мушоира пайтла-  
ридаги каби чиройли қироат билан ғазалнинг матлафини ўқиди:

Йўқ жахон мулкида биздек ожизу бечора халқ,

Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ...

Бир чеккада калласини бутига тикиб ўтирган овсар, банги  
Саид Абдулла тўра «Ҳов-ва!» – деб кўйди. Унинг дунё беҳабарли-  
гига баъзилар енг ичида кулиб кўйишди. Аваз тонг қолди. Феруз-  
нинг хофизаси бутун, ўша-ўша, назм кечаларининг сарвари бўлган  
фасоҳатли Феруз шоир ўтирарди олтин тахтда!

– Хўш, энди ёдингиза тушдимиз? – кесатди хон. – Давомат  
килсинлар...

Аваз узр айтди:

– Йигит жоним гаровингизда, ёдимда йўқ...

Ферузнинг соқоли яна силкинди, яна ўқиди:

Етган офатни бошиға доимо тақдир деб,

Ҳасрату армон билан келгуси бора-бора халқ.

Бу не алжираш, Аваз? Бурун хотиранг тузук эди, саройдан ке-  
тиб кўп нарсаларни унутадиргон бўлибсан? Иншоолло, биз сени  
хушингга келтиргаймиз.

Ҳар тарафдан «Иншоолло» – деган бўғиқ товушлар эшитилди.  
Аваз таранг вазиятни юмшатишга умид боғлаб аста деди:

– Камина бу байтларни зулмкор ноиб жанобларига атаб битиб эдим, зора адлу инсофга келгаймикан, деб.

Қозикалон қахрабо тасбеҳини ўгирганча мум тишлаб ўтирган эди. Навбат ўзига келганини сезгандек, саватдай оппоқ салласини чайқалтириб Авазга эмас, дераза тагида мук тушган Ўтар бобога юзланиб сўради:

– Бу нобакор айтсун, нечун мурдашўйлар бирлан кўл олиб кўришур? Эл-улус кўзинда шариятни писанд этмай, олампаноҳ жорий этган – илоҳо, анинг умрини узун, дасти баракотини фузун айлагайсан – амру маъруфни муқаддас билмас?

Авазнинг ёдига ҳув бирдаги, ёзда ёлғиз қолиб Полвонёп бўйига боргани, анҳор ёқасида якка чой ичгани, бармоғига ҳалқа таққан, олакўз кимсанинг суқ назар ила тикилиб тургани келди. Эсида, у мурдашўй эди.

Қозикалон ҳозир тасбеҳ ўгириб жавоб кутарди. Аваз ичида кулди: «Баччағар Али Маҳрамнинг одамлари нонини ҳалоллаб ейди-да, асли. Ғассолга чой узатганимни ҳам кўришибди». Аваз кўпдан бери бу ваҳший удумни ўйлаб изтироб чекар, бу забун, меҳнаткаш тўда хусусида бир шеър ёзишни мўлжаллаб кўйган эди. Аммо у шеър ҳали рўё, рўпарасида унга тикилиб турган дўсту ағёр кўзлари аччиқ ҳақиқат эди. Аваз хонга умидвор бир назар билан боқиб деди:

– Шоҳим, муқаддас мусхабда дарж этилибдурким, инсон фарзандини азизу муқаррам қилиб яратдик, деб. Мазкур ғассоллар ҳам инсон боласи. Аларни ҳам олло яратган, парвардигорнинг қаломини фарз, пайғамбаримизнинг ҳадисини суннат деб билурлар. Аларнинг кўрган хўрликларин насроний ё масихий ҳам кўрмас. Ул ғарибларнинг не ёзуғлари бор ахир? Сўнгги сафаримизда худованди қаримнинг даргоҳина покиза тийнат ила тошширғувчи ким?! Ана шу ғассоллар эмасми? Қозикалон жанобларининг ғазабларига тушунмадим. Эшакнинг меҳнати ҳалол, илло ўзи макруҳ. Тўғри. Аммо мен қозикалон одам бирла эшак фарқига борувчи ёшда, деб ўйлаб хато қилибман чоғи. Шоҳим! Сиздан ўтинчим бор, бир фармони олий берингким, токи алар ҳам жумлаи мўмин каби доруссалтанатингизда эмин-эркин юрсинлар. Бу сифат фармон этсангиз, саккиз беҳиштнинг савобиға боғғайсиз. Аларни ер остидан ёруғликка

чиқаринг. Токи муборак номингиз насли башар турғонча эҳтиром ила ёдланғай, шохим.

Ҳар тарафдан: «Аъло ҳазрат, бу шайтонбаччанинг сўзина учманг!», «Алар оллонинг қаҳрига йўликқан, манглайларини битилган тақдири азал шул», деган ингичка-йўғон товушлар эшитилди. Муҳаммад Раҳимхон ўнг ёнбошидаги уламоларига қараб қўл силтади. Норози овозлар дарҳол сўнди. Феруз кинояомуз кулимсираб Аваздан сўради:

– Сен не деб ўйлайсан, Аваз? Менинг улус лаънатиға лойик ишим бисёрми, ёйинки раҳматиға лойик ишимму? Фавтимдан сўнг халойик не деб мазаммат қилур?

Авазнинг жавоби тайёр эди. У анча вақтдан бери, айникса, саройдан кетгандан буён бу ҳақда бот-бот ўйларди.

– Мен бир ожиз фуқаронгизман, – деди у дарҳол, – аҳли шуаро ила фузало қавмига кўрсатган иноятларингиз таҳсинга сазовордир.

Шу пайт эшик зарб билан очилди. Ҳовлиқиб, рус ҳарбий зобитининг кийимида шахзода Исфандиёр кирди.

– Авф этгайсиз, шохим! – деди у остонада куллуқ бажо келтириб. – Амрингизга биноан...

«Бу лақма сир очиб кўяди», деб ўйладими, Феруз ўғлининг гапини кесди:

– Тушундик, бу ёна ўт.

Валиаҳд шахзода баланд пошнали этигини такилллатиб дадил тўрға қараб юрди. Унинг вазоҳати ёмон эди. «Амрингизга биноан...», «Тушундик...» Бу сўзлар Авазнинг дилига ҳадик солди.

Исфандиёр отасининг қулоғига нимадир деб шивирлади. Хон бош силкиди. Шахзода гурс-гурс юриб ўртарокка келди.

– Уста бобо, тўй этишдан мақсадингиз не эди? – деди кўкариб. – Ҳар куни туз ичиб юрган тузлиғингизга тупуришми?

Ўтар бобо пўстинининг оғир этақларини аранг йиғиштириб секин ўрнидан турди. Бир қадам олға силжиди.

– Сўзингизга тушунмадим, шахзодам, – деди қарахт бир ҳолатда, – тўйга шохим ўзлари ҳиммат этиб ризолик бердилар. Дуои жонларини қилиб, элу юртнинг қарзидан қутулдик. На дейсиз, шахзодам?

– Бомдодгача манави нонкўрлар, – Исфандиёр Табибий, Мурриб томонга кўл сермади, – манави манфур ўғлингиза шеър айттириб, кулиб ўтирибсиз-ку?!

– Шеър айтмоқ гуноҳми, шаҳзодам? Олампаҳоҳнинг ўзлари ҳам шоирлик бобида нодири даврондирлар...

– Шеър айтмоқ – кўнгил иши. Аммо сипоҳларга бўҳтон ёғдирмоқ, шох хонадонидаги зоти муборақларни ҳажв қилмоқ-чи? Бунга на дейсиз?

– Мен бундай шеър эшитмадим, – деди Ўтар бобо ҳафсаласи пир бўлиб. Исфандиёр Табибийга юзланди:

– Эҳтимол мавлоно Табибий айтурлар тўй оқшоми нечук байту ғазал ўқилганини?

Табибий дадил ўрнидан турди.

– Иштибоҳингиз ўринсиз, шаҳзодам. Али Маҳрамнинг одамлари бўҳтон гап келтирган чоғи. Одатий мушоира бўлганлиги рост, вало шоҳимнинг зоти покларига тегадиган байтлар ўқилмади. Аваз айрим мунофиқ, нодон кимсалар хусусида ҳажв айтди. Бу тахлит чистоний байтлар қадимда ҳам олий ҳазратнинг истаклари ила битилур эди.

Исфандиёр тез-тез юриб Авазнинг олдига келди.

– Не ҳажв эди ул, итдан тувғон?!

Авазнинг баданига титроқ кирди, беихтиёр мушти тугилди.

– Қайси бирини айтадилар? – деди ғазабини аранг босиб.

Исфандиёр кўшқўллаб Авазнинг ёқасидан олди, жазаваси тутиб ўшқирди:

– Ўқи, эшшак! Менга бағишланган ҳажвингни ўқи!

«Фалони»га ишорани тушуниб, Авазнинг бадани музлаб кетди. «Эшитибди иблис. Ким сотди экан? Орамизда хоин йўқ эди чоғи?»

Исфандиёр Авазни ёқасидан тортқилаб ҳамон бакирарди:

– Сўллайсанми – йўкми, мараз?

Аваз индамаса, шаҳзода уни ерга думалатиб тепкилашдан ҳам тоймасди.

– Ёқамни қўйиб юборинг... – деди Аваз хўрлиги келиб, – кейин...

Исфандиёр унинг ёқасини бўшатди.

– Мен сизни ёмонлаб ҳажв тўкиганим йўк. Шаҳзода Исфандиёр деган имо бўлса, айтинг.

Исфандиёр кўкрак чўнтагидан гўрт букланган коғоз чиқариб, Авазнинг бурнига тақади.

– Мана, бу иблисона шеър кимга бағишланган, ўзингми?

Шаҳзода ортига ўгирилиб отасига ҳасрат килди:

– Шоҳим, бу мардуднинг тилини кесмасангиз, эртан сизга атаб ҳажв битмоқдан тоймас. Буни каранг!

Фалон авбошдек лаънат маош олам аро йўқдир,  
Ки мажмуи ҳаромизодалар бўлмиш анга чокар.

Аваз гаранг бўлди: «Падарлаънати шаҳзода чистонни қасрдан олди экан? Ўзида бир нусхагина бор эди, дўконга яшириб қўйиб эди. Оқшом буздириб тингув қилдимми?»

Шаҳзода тагин бир байт ўқиб, тўхтаб қолди. Гўё давом этишга номуси келгандай, бир четла қунишиб ўтирган мирзо йигитни имлаб чақирди.

– Ма, ўқи! – деди коғозни узатиб. Мирзо шеърни бошидан бошлади.

– Унисини хон ҳазрат эшигдилар, меъров! Сўнгги байтни ўқи!

Мирзо учинчи байтга келиб, «Аноси...» – дедию кўркиб Исфандиёрга қаради.

– Оч бузукдай нега тамшанасан, аблаҳ! Ўқи!

Мирзо чийиллаб, шеърни шариллатиб ўқий кетди:

Аноси бирдурур, аммо, отоси сонини билмон,  
Эмас дин аҳлидан асло ва ё тарсо билан кофар...

Исфандиёр шеърнинг охирини эшитишга чидамади. Авазнинг бетига шапалоқ тортиб юборди. Аваз гандираклади-ю, йиқилмади. Ерга тупурди. Кўзлари тинди. Шу ёшга етиб ҳалигача бировдан калтак емаган эди. Хаёлидан: «Сен ҳам ур!» – деган телба фикр лип этиб ўтди. Қўл кўтарса, шу ерда отаси, устози, дўсту душманлари олдида бу кутурган шаҳзода уни нимта-нимта қилиб чошиб ташлашини ўйлаб, тишини-тишига қўйди.

Аваз кинояли илжайиб сўради:

– Шаҳзода... кимгадир нисбатан берилган мазкур чистондаги авбош ўзимман деб гумон этасизми?

Исфандиёр жоҳиллик ичида, ўйламай жавоб берди:

– Эса ким, валатизино? Ўзингми? Анави муллавачча... Сайфиддин ўлгани йўқ. «Таърифоти шаҳзодаи валиаҳд» деганингни ўз кулоғи билан эшитибди.

Аваз Сайфиддиннинг мушоира кунги қилиғини эслади. Муллавачча чой баҳонасида бот-бот ташқари чиқиб, узоқ йўқ бўлиб кетарди. Қайтиб кириб ҳам Авазнинг оғзидан кўз узмас, ўзича нималарнидир пичирлаб ўтириб, тагин ташқарига отиларди. Муллавачча чистонларни ўғринча ёзиб олганига Авазнинг гумони қолмади. Шуларни ўйлаб оёқларидан мадор кетди. Тақдири бугун, шу ерда ҳал бўлишига кўзи етди. «Эҳ, тўнғиз Сайфий! Мен сени жоҳил, шуҳратлаб бир сак деб юрсам, одам қонига ташна зулук экансан-ку, ҳароми!»

Исфандиёр чўрт бурилиб, отасининг олдига борди, енгил таъзим этиб, сўровини айтди:

– Олампадох, ижозат беринг, волидаи меҳрибоним ҳаққи, мана шу ҳароми Авазни ўз қўлим билан жаҳаннамга юбориб, фарзандлик бурчимни адо этай! – Шаҳзода, отам илтимосимни рад этмасин, дея мук тушди. – Мен бундай ҳақоратга чидамасман... Ал-қасосул минал-ҳақ, садағангиз кетай, олампадох, рухсати олий беринг...

Табибий кўркиб кетди. Агар Муҳаммад Раҳимхон: «Анинг жонини сенга бағишладим», деса – тамом. Бу ваҳший Исфандиёр Авазни шу турган ерида тилка-пора қилади. Табибий пилдираб тахт томон яқинлашди. Ферузнинг олдига тиз чўкди.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, хоним, содиқ кулингизман. Фақир бир гумроҳнинг тарафини олмоқ фикридан йироқман. Вало икки оғиз арзим бор. Биз ҳазратимни фазлу камол бобида алломай даврон деб билурмиз. Жаноби олийларидек закий зотлар ҳар калима айтур – ақлу идрок тарозусина солиб айтур, ҳар иш қилур – тангри таоло ато этган мурувватпешалик ила қилур. Зеро, пушаймонликқа ўрин қолмағай. Шоҳим, фикри ожизимча, Аваз битган шеърдан дарғазаб бўлмоққа боис йўқдир. Шаҳзодам нечук бу қадар ранжу

озор чекдилар – камина англаб етолмай таассуфдаман. Биз, содик фукарларингиз жаноби Исфандиёр тўрани тахтингизнинг муносиб вориси деб танурмиз. Нахот бул тўра салтанат хожатларинна камарбаста бўлмок ўрнига, бир неча авбошларни атрофига йиғнаб, ношаръий юмушлар ила машғул бўлса? Бунга акли расо кимсанинг инонмоғи маҳолдир. Шахзоданинг волидаи меҳрибонлари, марҳаматли маликамиз тасарруфингиздаги жамики ожиза ва заифалар, муслим ва муслималарга бамисли шафқатли онадир. Нахотки, Аваздек бир шоир йигит ўз онасига сен фалонсан, дея маломат тошини отса? Нахотки, бадтийнату бадахлок бир заифани шахзода янглиғ олийнасаб ўғил «онамсаи», деб тан олса? Гарчандки, ул аёл бадахлок эркан, шахзодага она эмасдир. Мантик талаби шу эрур, шоҳим. Филжумла, мазкур шеър Исфандиёр тўра хусусинда бўлмай, зоти паст, бадфеъл бир бетавфик борасиндадир.

Хоннинг сийрак қошлари чимирилди:

– Муллабачча ўтрик сўллаган дейсизми, мавлоно?

Табибий энтикди.

– Фақирингиз виждоним буюрган гапни айтдим. Табибийнинг гапи ножўя бўлиб, бир чаламулла боланинг сўзлари эътиборга лойиқ десангиз, миннатингиз бош устига, хоним.

Саломхонадаги таранг вазият бироз юмшагандек бўлди. Аваз хаёлан чуқур жар ёқасига бориб қолгандай эди. Тўсатдан Табибий деб аталмиш мана бу хизрсифат киши пайдо бўлди-ю, уни жарга отиб юбормокка шайланиб турган Исфандиёрнинг қўлларига ёпишди.

Барча хонга кўз тиккан. У оёқ остига қараб қўл силтади. Ишорага тушуниб, Табибий билан шахзода ўринларидан туришди. Ўтар бобога ҳам рухсат бўлган эди, у базўр жойига бориб чўкди.

Хон ўйга толган. У Авазнинг тили заҳарлиги, бировни ҳажв қилишга усталигини биледи. Илгари, Аваз саройда юрган кезларида ҳам хон унга: «Аваз, фалон касни бир бопла!» – деб амр этар, Аваз хондай ҳомийси борлигига ишониб, сипоҳию хизматкор аралаш кулги остига олиб шеър битарди. Мана энди ҳажв тиғин шоҳ хонадонига қаратибди. «Кимики ўқ отмок ўрганди мендан, анга мен оқибат бўлдим нишона» – изтироб ва надомат ичра тўлганди Феруз. Қалласидан Авазнинг хаёли, Авазнинг густоҳона қилмишлари кет-

май қолди. Тўғри, унинг ғазаллари фасоҳатли, фикрлари тиник, назми ўзгалар назмидан зеборок. Вале, феъли ўз алфози билан айтганда, «бадтийнату занғар». Нияти не унинг? Хон устидан кулиб раият дилига ғулу солмоқми? Феруз уни илк дафъа кўрибоқ Табибийга башорат қилган эди. Бундайларда садоқат рамзи бўлмас, деган эди. Башорати рост келди. Шунча йил сарой тобоғидан насиба еб, ашъорда камолға етиб, атроф-жавонибга овоза солиб... охири не бўлди? Сарой қопқасини хайр-хўшсиз ёпиб кетди. Бош силаган раҳнамога раҳматими бу? Гунохидан ўтди, саройга қайтсин, деб Табибийни элчи қилди. Келмади. Феруз бирла бир хонада ўтириб гурунг этмакка, бир қозонда пишган таомни емакка ор қилганими бу?

Феруз Табибийнинг илтимосини ўйлаб, унинг зукколигига ичидан офарин айтди. Борингки, Аваз ҳалиги чистонни Исфандиёрга бағишлаган бўла қолсин. Мабодо, хон ўғлининг гапига кириб Авазни унга топширса, Исфандиёрнинг барча кирдикорлари, энг ёмони -- маликанинг суюқоёқлиги рост бўлиб чиқарди. «Мияси йўқ эшак! -- деди хон ўғлини сўқиб. -- Мен фалонман, онам пистонча деб валдирагунча, бу ерда қорангни кўрсатмай гум бўлмайсанми, сарпоёк!»

Мухаммад Раҳимхон Авазга зимдан разм солди. Авазнинг қадди расо, бир мўйи қилт этмай, тахт томонга ўктам боқиб турарди. Боядан бери густоҳона сўзларни бисёр айтган бўлса-да, Авазнинг бу туриши хонга ёқди. Неча йилдирки, Феруз Авазга пинҳона меҳр қўйган эди. Буни худодан яширмайди, аммо бандасига билдирмайди. Бу йигитни ўз ўғилларига қиёслайди. Ўкинади. Гоҳо ичини ғайирлик қурти кемиради. «Э, тангрим, менга ҳам шундок бир фарзанд ато этсанг на бўлғай эрди?» -- деб яратганга илтижо қилади. Бугун Авазни Тозабоғга келтиришдан бурун у қўп иштибога борди. Бир томондан, уни жазолагиси бор («Томоғингни ейди кекириб, тўрингга чиқади секириб», деган ношукур шу. Тилини тиймоқ керак бунинг»), иккинчидан, Авазга мушфиқ падардек жони ачийди. («Анави ақли ноқис пешволар салла ўрнига калла олишга фатво берсалар, қирчин ёши қийилиб кетажак бу боланинг»).

Феруз икки ўт орасида қоврилиб, ўнг тарафига ўтирилди:  
– Муфти жанобларининг фатвосини эшитгаймиз.

Шариатилло махсум қалқиб илгари юрди. Қўлида аллақачон тайёрлаб ўтирган ўрама қоғозини очиб, шошмай, дона-дона қилиб ўқиди:

– Холикул олам каломи бўлмиш Куръони шарифни ўгириб, шариат пешволари шундай фатво берадир: тариқатдан тойиб, шариатимизни оёқости қилғон, аъзами салоти олам саналмиш хазрати олийларининг амру фармонида бош тортиб, аҳли мўмин дилига шайтоний васваса солғон, тарсо қиладирғон юмушлар ила машғул бўлғон беномоз Аваз Ўтар ўғли... аркони дин ҳукми ила тошборон этилсун! Омин! Илоё, тангри таоло шохимизнинг мулкини ва салтанатини бокий қилғай!..

– Биз розимиз, – деди хон бош силкиб. Боятдан бери, Авазга нари борса юз таёқ урилар, деб умидвор ўтирганларнинг нафаслари ичига тушиб кетди. Зорий иргиб туриб ер тепинди, говурда унинг ғўлдирагани эшитилмади. Неча соатдан бери ўрнидан жилмай тик турган Аваз беихтиёр бир қадам олға босди.

– Шохим, сиздан сўнги ўтинчим бор. Мен қатлимга розиман. Аммо шармандали ўлимдан халос айланг. Мен сиздан дор талаб қиламан. Маҳкумнинг сўнги илтимосини мустажоб этмоқ сиз учун фарздур.

Зорий ўзлигини унутиб, хонга қараб сўйланди:

– Мен сизга жонимни бағишладим. Бошга – бош, ризоман. Мева беражак кўчатнинг умрини хазон этманг, майли, бир қари сувутнинг<sup>1</sup> жонини олинг! Авазга эллик таёқ кифоя қилур.

– Аваз дорга осилсин! Ҳожига... Эллик таёқ урилсин, – деди хон ва юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

Машваратхона худди ёв чопгандай тўс-тўполон бўлиб кетди. «Аваз дорга осилсин! Зорийга эллик таёқ урилсин...» Бу қисқа, мудҳиш амрни хон эмас, хон либосидаги беҳис, бежон бир сураат айтгандек, анжуман аҳли гарангсиб, бир-бирига сукутда боқади. Шариатилло маҳсум «тошборон»нинг «дор»га айланганидан кўркқандек, девор паналаб эшикка юрди. Қодирхўжа Мирзабоши сардафтарини жузвдонга солломай, каловланди. Табибий мурдадек оқариб кетган. Кўзлари тўла ёш. Ўрнидан турмоқчи бўлади, тўнининг этагига чалишиб туролмайди. Ўтар бобо қўлларини чўзиб, хон тарафга интилди. Феруз ён эшикда ғойиб бўлгач, изига қайтиб, саломхонани гир-гир айланди, телбасифат, гоҳ вазири

<sup>1</sup> Сувут – тол.

акбарнинг, гоҳ козикалоннинг елкасига қўл суркади. Минг шамлик машваратхонада ўлим кўнғироғидек акс-садо бериб, икки калима фармон янграйди: «Аваз дорга осилсин!»

Авазни ўрта ҳовлига олиб чиқиб, қари гужумга боғлаб қўйдилар. Ўтар бобо, юраги сел бўлиб, ясовулбошини излаб кетди. Унинг охирги умиди ясовулбошидан эди. Хон билан тили бир, кўнглини топсам, зора нажот йўлини кўрсатса, дея оёқлари чалишиб, ташқарига отилди. ...

...Зорийни кичик ҳовлидаги терс айвонда бўйрага ётқизишган, ясовулбоши жаллодга йўл-йўриқ бериб турарди. Ўтар бобо унинг энгидан тортди:

– Юсуфбой, хон билан бир сўллаш ўзинг. Йигит жони увол боламнинг. Сенга йўқ демайди.

Пайти келганда «уста бобо» деб тилёғламалик қилиб юрадиган ясовулбоши бу сафар менсимай боқди:

– Иби, бўлар гапни сўлланг, уста. Хон амри вожиб.

Ўтар бобо ясовулбошининг киссасига бир тилло ташлади.

– Қўлимдан на яхшилик келса қилай... Жоним иним, қариганда мени тириклай сўймасин хон. Бир сўллашиб бер. На жазо бўлса, майли, ишқилиб ўғлимнинг жони омон қолса бўлди.

Юсуфбой чўнтагини пайпаслаб, сал юмшади:

– Ўта қийин юмуш-да бу, уста бобо. Ҳазрат олийларини ўзингиз биласиз-ку, рози бўлармиканлар...

Ўтар бобо ясовулбошининг ён бераётганига суюниб, унинг киссасига жаранглашиб яна бир тилло ташлади.

– Рози бўлади, Юсуфбой, – деди энтиқиб, – сен астойдил сўрасанг, рози бўлади, иншоолло.

Юсуфбой ўзини тарозига солиб, тагин бироз иккиланди-ю, бисмилло деб ичкари юрди. Ўтар бобо унинг изидан эргашиб борар экан, ясовулбошининг елкасига қоқиб хушомад қилди:

– Ўзингдан ўтқариб сўллайдиган киши йўқ, иним. Бир сўраниб кўр. Авазим омон қолса, сенга берадиганим бор, кўлимда тайёр турибди. Жон биродар, худо хайрингни берсин, бу яхшилигингни икки дунёда унутмасман...

Ясовулбоши саломхонада ғойиб бўлди. Ўтар бобо юрак ҳовучлаб баланд эшик кесақисига қапишиб қолди. Анча вақт ўтди. Бир

замон ясовулбоши қайтиб чиқди. Ўтар бобо кўркканидан тиззалари қалтираб ўтириб қолай деди.

– Уста бобо, киринг, сизни хон сўраб турибди.

Ўтар бобонинг совий бошлаган баданига қайта жон ингандай бўлди.

– Хўп ажаб, Юсуфбой!.. Куллуқ... Ҳозир, ҳозир... – Ўтар бобо шошганидан қокила-сурила ичкарига йўналди.

Хосхонада Муҳаммад Раҳимхон, вазири акбар Матмурод девонбеги, қозикалон, муфти – тўртовлон чой ичиб ўтиришарди. Ўтар бобо бўсағада мук тушиб илтижо қилди:

– Хон ҳазратим, қирк йилдирки, эшигингизда баҳоли қудрат хизмат қилаётирман. Илоё, дунё тургунча туринг, бир мўйингиз тўқилмасин... Шаккок боламнинг гуноҳини кечинг, тоабад дуон жонингизни қилиб ўтай.

Ферузнинг кайфи чоғ кўринарди. Ясовулбоши хон иккаласигина тушунадиган тилда ишни пишитиб қўйган эканми, муртини силаб кулди:

– Юсуфбой айтди, Аваз жинни бўлган, дейди. Ростми?

– Рост, ҳаққи рост! – деб ўрнидан туриб кетди Ўтар бобо. – Жинни бўлмаса, сиздай зоти муборакнинг кўзина тикка боқиб гўдайиб сўллайдими? Ўзим сезиб юриб эдим. Сўнгги кунларда девонага менгзаб ғалати қилиқлар қилар эди, занғар. Мулланинг олди-га ўтказиб бир ўқитмоқчиман, хон ҳазратим...

– Жинни бўлган бир касни дорга тортсак нечук бўлур? – деди ясовулбоши. Келишувга кўра, қозикалон гўё аҳли уламанинг фикрини билдирган бўлди:

– Бу юмуш олампаҳоқнинг муборак шаънига ярашмас. Жинни одамни хон дорга тортибди, деб халқи олам мазаммат этурлар.

Хон ҳам эснаб туриб, марҳамат қилганнамо деди:

– Эса бу жиннини мзористонга олиб бориб, шайх ихтиёрина топширмақ даркор. Токи диёнатпешалардан ақл-идрок ўрганиб, имони бутун бўлиб қайтгай.

Ўтар бобо йиғлаб юборди. Худо унга ўғлини қайтиб берди.





## САРАТОНДА ЁҚҚАН ҚОР

### АЯМ ЎГАЙЛИК ҚИЛМАДИ

Аслимни сўрасангиз – қишлоқликман. Биз томонларда булоқ кўп. Соё бўйида, қир-адир этакларида катта қозондай бўлиб биқирлаб қайнаб ётади. Булоқни биз «тума» деймиз. Қишлоғимизнинг оти ҳам Мингтума. Ана шу Мингтуманинг бир чеккасида турамиз. Уйимиз Қоратовга борадиган йўлнинг ёқасида. Бизниқидан кун бошига юрсангиз – соёга тушасиз, кун чиқишга қараб юрсангиз – Қоратовга чиқиб кетасиз.

Мингтума жаннатга ўхшаган жой. Соё бўйида кўк ўтовдай катта-катта мажнунтоллар сувга сочларини ювиб ётади. Боғларга қирсангиз ғуж-ғуж ўрик, шафтоли, жийда, дўлана, тоғолча. Хатто олмурутгача бор. Айниқса, бизнинг дастор олмамиз зўр-да. Дастор олма емабсиз - дунёга келмабсиз. Ўзи муштдай бўлади-ю, бироқ мазаси асалга ўхшайди. Оппок, тип-тиниқ. Кўлингизга олиб қарасангиз, бетингизнинг акси кўринади. Дадамнинг айтишича, Мингтуманинг дастор олмасини бир еган одам шу олма учун Ҳиротдан ҳам қайтиб келармиш.

Мингтумада яна нима кўп – ер кўп. Шунинг учун қирларга ҳам, суғорма ерларга ҳам ғалла экаверамиз. Ундан кейин от кўп. Ҳар уйда учта десам, лоф бўлар-у, аммо ҳарҳолда битта-иккитадан от бор. Биз томондагилар кўпкарини яхши кўришади. Буғдой ўрилиб, ерлар очилди дегунча тўйлар бошланади. Ана шунда кўпқари чопишни кўрсангиз! Чавандоз йигитлар кўкламда от совутайлик деб Қоратовнинг у бетига ҳам ўтиб кетишади. Терскайда козок қўйчивонлар бор. Шулар билан улоқ талашиб, ёришиб келишади.

Ўзинг кимсан десангиз, Абдурахмонман. Абдусалом этикчининг ўғлиман. Бу йил иккинчи синфни тамомладим. Энди қалинқалин китобларни ҳам шариллатиб ўқийман.

Мингтуманинг чучук сувиши ичиб, маза килиб юрган эдик, жуда ёмон кунга қолдик-да. Учинчи синфга ўтдим, шукур-э, деганимда онам ўлиб қолдилар. Мен отадан ёлғиз фарзанд эдим. Хувиллаган уйда бир ота, бир ўғил ер сийпаб қолавердик. Онам шўрлик уйимизнинг файзи, баракаси экан. У кетганидан кейин кўнглимиз ҳам, ошхонамиз ҳам хувиллаб қолди. Дадам айтмоқчи, уйда чўпга санчар бир нарса йўқ. Қазноқда сичқонлар хасса таяниб юради. Дадам кўчага чиқади – уф тортади, уйга киради – ух тортади. Мен унинг тиканак бўлиб кетган соқолига, кизарган кўзларига қараб йиғлайман. Лекин кўзёшимни кўрсатмайман.

Онамнинг йигирмаси ўтгандан кейин дадам ишга чиқиб кетди. У кундузи Тошбулок деган ерда пичан ўради, тунда ямоқчилик қилади, этик-маҳси тикади. Отам кишлоқдаги манаман деган усталардан. Одамлар бир замонлар тўй-ҳашамга этик ё маҳси-кавуш тиктирмоқчи бўлса, «Абдусалом устага буюраман, оёқ тўзади, унинг тиккани тўзимайди», – деб эшигимизнинг чангини чиқариб келишаверарди.

Шундай қилиб икки жон бир-биримизнинг нафасимизга исиниб кун кўра бошладик. Мен кечалари дадам ухлаб қолмасин, кейин бир ўзи чарчамасин, деб унга ип сақичлаб бериб ўтираман. Дадам ярим кечагача этик тикади, кейин бирров кўз илинтириб олиб, далага кетади. Мен ҳам мактабга бораман. Бирок кўзларим юмилиб, дарсда ухлаб қолавераман. Муаллим уришади. Индамайман. Китобимни очиб, ўқимоқчи бўламан-у, яна мук тушиб уйкуга кетаман.

Дадам кундан-кунга тажанглашиб борарди. Охири бўлмади. Бир куни кечкурун у уйилиб ётган ювиксиз идиш-товоққа қараб ўйланиб турди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Анчадан кейин Абдуқодир деган кичик амаким билан қўшнимиз Бобомурод акани бошлаб келди. Улар талайгача гурунглашиб ўтиришди. Мен чой ташиб, гапларини чала-чулпа эшитиб қолдим. Амаким бир аёлни мақтарди:

– Сочлари қамчиндек, ишлари лочиндек. Орзигул яхши хотин.

Отам нимадир деди. Бобомурод ака гап қўшди:

– Қорни ҳали тўла бола. Ўттизга ҳам чикмаган.

Билсам, улар дадамни Орзигул деган куёви ўлган жувонга уйлантирмоқчи бўлишаётган экан. Мен кўзим мўлтираб, уч эркак-

нинг оғзига тикилиб ўтирдим. Бобомурод ака бошимни силади, кулиб сўради:

– Абдурахмон, сенга яхши ая олиб бермоқчимиз, майлими?

Мен чурқ этмадим. Бурнимни тортиб ерга қараганча ҳикилладим.

– Йиғлама, тентак, – деди амаким, – сени уришмайди. Қайтанга, яхши кўйлақлар тикиб беради. Даданга қара, эзилиб кетибди.

Онам эсимга тушиб, қийналиб ўтирган эдим, уввос тортиб ҳовлига чиқиб кетдим. Ариқ лабига бориб, юз-қўлимни ювмоқчи бўлдим. Қоп-қора сув товуш чиқармай, ваҳима билан оқяпти. Терак ортидан зогора нондай ой кўтарилди. У сувга тушиб қалқиб ўйнайди. Тупук ютмай тикилиб қолдим. Назаримда, қалқиб турган чиройли, қип-қизил ой – ой эмас, менинг онам, қайтиб келмас онажоним эди...

Апир-шапир ювиниб, қайтиб кирдим. Меҳмонлар кетибди. Дадам пастак, қўлбола курсига ўтириб, янги маҳсининг қўнжини тикяпти. Ўзи хурсанд, ҳадеб димоғида шўх бир қуйни минғиллайди.

Шундай қилиб, уйимизда ўгай она пайдо бўлди. У кишлогимизнинг нариги бошидаги Охунгузар деган ердан экан.

Дунёда ўгай онани мақтаган кам, ёмонлаган кўп. Бироқ мен ёмонламоқчи эмасман. Жабр не керак, бечора яхши хотин экан. Азонлаб енг шимариб ишга тушиб кетади, хуфтонгача тинмайди. Чегаланган чойнак-пиёламиз ярқираб тоқчага чикди, кўйлақ-иштонларимизнинг йиртиғи қолмади. Эрталабдан эски мис самоваримиз шиғиллаб қайнаб туради. Илгари кеч бўлди дегунча ён қўшнилардан биронтаси бир коса-ярим коса овқат киритарди. Энди ўзимизникида ҳам қозон қайнайдиган бўлди.

Сал кунда уйимиз чамандай очилиб кетди. Дадам ҳам хурсанд.

– Хотинсиз уй енгсиз чопондай хунук кўринади, болам, – дейди гоҳо, – аянгни хурмат қил.

Шунча уринсам ҳам «ая» дейишга тилим бормади. Бироз вақтгача «Орзигул опа» деб юрдим. Бунга ўгай онамнинг ғаши келса керак-у, лекин сездирмайди. Мени жеркимади, мендан ширин сўзини аямайди, дадамни мендан қизганмайди.

Ана шундай қилиб икки йил ўтди. Икки йилда икки инилик бўлдим. Бири – Ғайбулла, яна бири – Файзулла. Уйимиз бозор бўлиб

колди. Рўзгоримиз ҳам бутлана бошладди. Икки эчки, бир кўй сотиб олди. Эшикдан биров кирса, уялмай олдига дастурхон ёза оламиз.

Мен ҳам бир йил ўқишдан қолиб кетган эдим, яна учинчи синфга қатнай бошладим. Агар турмушимиз шу тарзда кетаверганда-ку, гул кесардик-а. Бироқ сая ўтмай йилкига кашкир оралади.

## МАШОҚДАГИ ШУМ ХАБАР

Саратон. Мен дадам билан буғдой ўроғида юрибман. Қишлоғимизнинг бир чети тоғларга бориб туташади. Ана шу тоғ тарафда Латифота деган жой бор. Колхоз ҳар йили шу ерларга буғдой экади. Бу йил ҳам ғалла яхши битган эди. Дадамлар кўл ўроқда буғдой ўради, мен машоқ тераман. Кечқурун дадам иккаламиз кўк эшагимизга мингашиб уйга қайтамиз. Бир хуржун-ярим хуржун машоқ териб келаман. Орзигул опа уни калтаклаб донини олади. Қазноқда катта қора жун копимиз бор, ғалвирда шопириб, шунга солаверади.

Йилкига кашкир оралаган куни ҳам Латифотада эдим. Машоқнинг қизиғига тушиб, олислаб кетиб қолибман. Бир вақт бошимни кўтариб хирмон тарафга қарасам, олатасир бўлиб ётибди. Ҳар ким довдираб, ҳар ёққа югуради. Биров эшагини эгарляпти, ошпаз хогин ховликиб чўмич-товоғини йиғиштиради, бир йигит яйдоқ отда қишлоқ томонга чопиб кетди...

Ажабланиб қараб туравердим. Шу пайт тўдадан отам ажраб чиқди-ю, менга қараб келаверди. Ярим йўлда кўлини чулғаб чақирди:

– Абдурахмо-он! Бери кел!

Тўрвам яримлаган эди. Елкамга олиб югурдим. Отам кўлимдан тортиб, хирмонга қараб судради. Унга жавдираб боқиб сўрадим:

– Нима бўпти, дада?

– Гитлер деган лаънати уруш очибди, – деди дадам ғижиниб. – Қорнимиз энди нонга тўйган эди-я!..

– Энди... нима бўлади? – дедим кўрка-писа.

– Нима бўларди, бошга тушганини кўз кўради-да, болам.

Ҳаш-паш дегунча далада бирор жон қолмади. Ким эшакда, ким пиёда, ҳаммамиз қишлоққа жўнаб кетдик. Уйимизнинг олди очик

яланглик эди. Борсак, ўша яланглик тўла одам. Уяси бузилган аридай тинмай гувиллайди.

Отам тўғри колхоз идорасига бурилди. Мен ҳам эшагимни боғладиму унинг изидан югурдим. Қарасам, роса одам йиғилибди. Идора рўпарасидаги омбор айвонига қора баркашдай радио осилган эди. Ҳамма ўша баркашга тикилиб турибди. Радио дам-бадам тилга кириб, уруш ҳақида маълумот берапти. Қарияларнинг қовоғи солиқ, хотин-халаж Гитлерни тобутдан олиб, тобутга солади – ҳар мақомда қарғайди.

Баркаш радио жим бўлди. Бироқ одамлар тарқалмади. Аза тутгандай ерга қараб жим туришибди. Бир вақт раисимиз Шокир ака пайдо бўлди. У тўдани ёриб олдинга ўтди-да, қора баркашнинг остида туриб ваъз айғди:

– Биродарлар, туғишганлар! Энди уй-уйларингга тарқалинглар! Бу ерда турган билан фойдаси йўқ. Тақдирда нима бўлса кўрамыз. Бироқ кўнгилларинг чўкмасин. Барибир биз енгамиз! Халқда эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар, деган гап бор. Гитлер падарлаънати хиёнат қилибдими – энди ўзидан ўпкаласин! Ўртоқлар! Далада иш қизиб ётибди. Ғаллани тезроқ йиғиб олиш керак. Ғўза гуллай деб қолди. Бир ёқда ем-хашак тайёрлашимиз керак. Илтимос, энди илгаригидан ҳам яхши ишлайлик. Шу билан сўзим тамом. Мен ҳозир районга бораман.

Кимдир унга тўриқ отни кўндаланг қилди. Шокир ака отга ирғиб минди. Унга яна икки йигит қўшилди. Уч отлик мазористон томондан районга қараб кетишди.

Ўн кунча ўтгач, қишлоғимизни аскар босиб кетди. Улар торкўчани чангитиб гурс-гурс қадам ташлаб ўтишди-ю, тоққа бораверишда, паст-баланд тепаликлар этагида тўхташди. Ёнбошига тўшпонча осиб, кўкрагига кўндаланг камар ташлаб олган командир аскарларни бир сафга тизди. Уларга нималарнидир тушунтирди. Кейин аскарлар милтиқларини ҳавога ўқталиб, душман билан роса «жанг» қилди. Улар қийқириб олдинга ташланар, кейин шартта ётиб олиб ўрмалар, белларидан ёғоч гранаталар олиб улоқтирар ва дархол юзтубан ётиб олишар эди.

Мен, Сайфи, Икром, Насрулло, Султон – ҳаммамиз чувиллаб Икромларнинг томига чиқамиз. Аскарларнинг машқини томоша

қилиб ўтирамыз. Улар дам олиб-дам олиб, пода қайтгунча «уруш» қилишади, кейин яна икки кагор бўлиб паст кўчага тушиб кетишади.

Шундан кейин кунига қишлоғимизга аскарлар келадиган бўлди. Қишлоқдан ҳам ҳар куни беш-олти киши фронтга кетиб турибди. Ён-веримиз сийраклашиб қолди. Насруллонинг дадаси, Сайфининг тоғаси (унинг отаси ўлган эди), Султоннинг акаси урушга кетди. Икромнинг отаси Тўймат акани, кўзингиз яхши кўрмас экан, деб олишмади. Дадам гоҳи ўзича ҳазиллашган бўлиб дейди:

– Уйимиз чуқурда бўлганига мени кўрмаяптими, военкомат индамаяпти-ку, болам?

Менинг энг кўрққан нарсам шу эди. Бир куни дадамниям чакириб кетишса нима қиламан? Ўгай онам, қўлимга тушдинг-ку, етимча, деб сувимни сиқиб ичармикан, деган хавотирда эдим. Бирок отамга ҳамон сарик қоғоз келмасди. Кампир-чоллар чакирув қоғозини шундай деб аташарди. Кейин билсам, колхоз дадамга ўхшаган беш-олти чаптаст устани атайин урушдан қолдириб турган экан. Улар аскарликка от тайёрлаши керак эмиш. Ўн кунлардан кейин колхознинг тоғдаги йилқисини ҳайдаб тушиб, ёнимиздаги кўрага камашди. Уста Бобохон деган зўр темирчи бўларди. Шу кишининг бошчилигида дадамлар отларга тақа қоқиб, сонларига белги кўя бошлашди. Биз, бир тўп болалар, кўранинг паҳсасига миниб, сомони чириган юмшоқ томга чиқиб, томоша қиламиз. Тоғ-тошда ўйноқлаб, ўз холича яйраб юрган асов отлар бўй бермайди, осмонга учиб кетмоқчидай икки оёқда тик туриб кишнайди. Икромнинг дадаси илгари йилқичилик қилган эди, шу киши ёрдам берди. Отларга кўрик ташлаб ушлашди. Кейин уларни йўғон ёғочдан ишланган панжарага битта-битта камадилар. Отлар сал тинчигандай бўлишди. Шундан кейин уларнинг оёқларини тушовлаб, бўйинларига бўйинча кийдиришди. Бир четда саксовул гуриллаб ёнади, ўтда чўмичга ўхшаган темир кипкизил бўлиб турибди. Бобохон ака тақа қоқиб бўлгач, дадам билан бир йигит ҳалиги чўмич-темирни олиб, отнинг чап сонига жаз эткизиб босишади. От безовта бўлиб тепинади, атрофда куйган жун ҳиди анқийди. Салдан кейин отнинг сонига қоп-қора бўлиб «АО» деган ҳарфлар кўринади. Бу нима экан деб аввалига тушунмадим. Ёнимдаги болалар ҳам билишмади. Кейин дадам айтиб берди. Уни

аскарларимиз миниб жангга кирар экан. Роса қувондик. Бизнинг қорабайир отларимиз душманнинг жазосини берадиган бўлибди. Айниқса, уларни дадамга ўхшаган чавандозлар минса борми, душман роса адабини ейди-да.

Тоғнинг ортидаги колхозлардан ҳам уюр-уюр йилқи хайдаб келиб, кўрага камадилар. Улар ҳам пешма-пеш тақалаб турилди. Отлар қирқ-элликта бўлганда шаҳардан отлиқ аскарлар келиб, станцияга хайдаб кетишиди.

Шундай қилиб, кунлар ўтаверди. Куз ҳам яқинлашиб қолди.

Бир куни супада ухлаб ётсам, пешонамга муздай нарса теккандек бўлди. Кўзимни очсам, тепамда – дадам.

– Тур, ўғлим, мен кетадиган бўлдим, – деди товуши қалтираб.

Ирғиб турдим. Ҳовлимизга қариндош-уруғларимиз йиғилибди. Абдукодир амаким эски канопоқ қопга қулча-пулча, туршак, олмақоқи соляпти. Орзигул опам икки укамни икки кўлига олиб йиғлаб турибди.

Амаким қопни кўтарди. Икромнинг дадаси фотиҳага кўл очди:

– Қани, омин! Ой бориб, омон қайт. Қасд қилганлар паст бўлсин. Эгам тўрт мучангни соғ қилсин. Урушга кетган жами қоракўзлар қаторида ёруғ юз билан дийдор кўришайлик!

Орзигул опамнинг онаси: «Насибангиз бутун бўлсин, болам», деб дадамга нон тишлатди.

Отамни қариндошларимиз билан қишлоқ чеккасидаги Бўртепагача кузатиб бордик. У ёқда ўн беш чоғли одам турган экан, иккита аравага бўлиниб ўтиришди. Амаким дадам билан вокзалга жўнади. Мен ҳам борай десам, кўйишмади.

– Уйга қайт, ўғлим, – деди дадам елкамга қоқиб, – аянгга қарашиб тур.

– Қачон келасиз? – деб дадамга суйкаландим.

– Гитлер ўлганда. Бор энди, ўғлим, шўхлик қилмай, яхши бола бўлиб юр.

Дадам пешонамдан ўпди. Отарава юриб кетди. Мен қакқайиб қолавердим.

Тушга яқин ялангоёқ, ялангбош, шумшайиб уйга қайтиб келдим. Келдим «аяжон!» деб ўғай онамнинг бағрига отилдим. Орзи-

гул опамни биринчи марта «ая» дейишим эди. У бошимни тиззасига олиб силай бошлади:

– Йиғлама, болам, илоё сени йиғлатганлар кўр бўлсин!

Онамнинг кўзёшлари менинг ёшларимга кўшилиб кетди.

## ❧ «ДАДАМНИНГ КЎЙЛАГИНИ ОЛМАБМАН-ДА» ❧

Онам шўрлик ўлганида бир марта уйимизнинг баракаси қочган эди. Дадам урушга кетганида ҳам шундок бўлди. Икки-уч ой ўтмасдан, қокқани қозик, осгани чўмич қолмади. Менинг ёз бўйи терган машоқларимни тегирмондан чиқариб олгандик, у тамом бўлди. Қўйимизни сотиб, уйнинг кам-кўстига яратдик. Бир эчкимиз харом ўлди.

Одамнинг кўзи оч бўлса, овқатга тўймас экан. Илгари ярим коса ёвғонни аранг ичардим, энди қатга сопол косани бўшатиб, ялаб қўяману, яна жавдираб қозонга қарайман. Орзигул аям овутади:

– Болам, бир ётиб ухласанг, тонг отади. Қандок қилай, бор бўлса сенлардан аярмидим...

Ноилож кўрпага қираман. Бироқ ухлай олмайман. Оч қоринга уйқу келармиди! Тонг отгунча ағдарилавериб қовурғаларим қайишиб кетади. Укаларим ҳам «нанна»лаб ғини шиб чиқишади.

Бир ойча мактабга қатнадим. Болалар секин-аста ўқишни ташлаб кета бошлашди. Мен ҳам кетардим-у... мактаб кунига бир маҳал бўтқа беради, шунинг илинжида юрибман.

Ниҳоят, ошпаз опамиз ҳам бўтқа пиширишни тўхтатди. Қолхознинг дон-дуни тамом бўлган эмиш. Мен этагимни қокиб, мактабни йиғиштириб қўйдим.

Орзигул опам тилла сирғасини сотди. Чиройли сирға эди. Янги тукқан ойдек ялт-юлт қилиб, аямнинг қулоқларига ярашиб турарди. Сирғанинг пулига ун олдик. Дадам чала-чулпа тикиб кетган этик-маҳсилар бор эди, шуларни ҳам арзон-гаров пулладик.

Навбат уйдаги буюмларга келди. «Бўш сандиқни нима қиламиз, ғалла бўлса сандиқ топилади», деб аям унияма беш кило ун, тўрт дона қуйма совунга алмаштирди.

Бир куни қичкина укам «нон» деб йиғлай бошлади. Аям алдади, уришди, урди – фойдаси бўлмади. Файзулла «но-он!» деганча ерга

думалаб бакираверди. Охири аям тешик-теликка беркитган еридан бир бурда коп-кора каттик нон топиб учовимизга бўлиб берди. Файзулла ўз улушини шоша-пиша еб бўлди-ю, тагин ағанаб йиғлай бошлади.

– Нон бўлмаса, тошни бераманми?! – деди аям хуноб бўлиб. Кейин супрани ўтмас пичок билан қириб, атала пиширди. Гўшт ўрнига қоқўрик солди. Нордонгина бўлган экан, маза килиб туширдик.

Эрталаб аям мени вақтли уйғотди.

– Болам, раис бобонгга бориб, икки-уч кило ошлик сўраб келгин. Ўзим чиқай десам, бетим қолмади. Уч марта сўрадим. Иниларинг шишиб ўлса, даланг келганда нима дейман?

Колхоз идораси кўчанинг нариги бетида эди. Елкамни қисиб қириб бордим. Раис бир ўзи ўтирган экан, дардимни айтдим. Шокир ака кап-катта киши бўлсаям, баъзан бурнини тортиб, бармоғини қаншарига суйкаб кўядиган одати бор эди.

– Галла йўк. ўғлим, – деди у бурнини шилк этиб тортиб, – бўлса сенлардан аярмидим.

Мик этмай туравердим.

– Кимнинг ўғлисан? – деди раис бармоғи билан бурун «арралаб».

– Абдусалом этикчининг.

– Аянг уч марта олди-ку? Шундаям аскарнинг болалари деб бердим.

Эшикнинг кесакисига суяниб туравердим. Шу пайт омборчи қириб қолди. Унинг оти Темир эди, сал оқсаб юрарди.

– Ҳа, Миттивой, нима бўлди? – деди у. Раис нима гаплигини айтди. Омборчи оёғини судраб бориб дераза ёнига ўтирди.

– Шокир ака, шу боланинг қўлини қайтарманг, – деди. – Ҳалигача ошлик сўраб бола келмаган эди.

Раиснинг қоши чимирилди-ю, лекин рози бўлди:

– Майли. Ўн кадок берақол.

Омбор илгари кўчирма қилинган бир бойнинг ўртаси устунли катта меҳмонхонасида жойлашган эди. Темир ака эшикни очди. Ичкари кирдиму анграйиб қолдим. Шифтгача буғдой уюлиб ётарди! «Шунча буғдой бўлатуриб, раис бобо нега халқдан қизганар

экан-а?» деб кўйдим ичимда. Кейин кўрка-писа омборчидан сўрадим:

– Тоға, роса кўп экан-у, одамларга бўлишиб берсангиз бўлмайдимми?

Темир кулди:

– Тентак! Бу уруғлик ғалла. Халкка бўлиб бериб, отилиб кетайми? Идишинг борми?

Шошилинчда тўрва олмабман. Ғўлдираб колдим. Миям тез ишлади. Шартта кўйлагимни ечдим. Этагию енгларини ип билан маҳкам тангидим. Кейин ёқасидан буғдой солиб тўлдирдим. Тарозига кўймоқчи эдим, омборчи «чиқавер», дегандек бош силкиди. Бир кўйлак ғаллани авайлаб кўтариб йўлга тушдим.

Кун совук. Изғирин бўлиб турибди. Бирок совукни сезмайман. Камида саккиз-тўккиз кило келадиган оппок сара буғдой кувончи баданимни қиздиради. Юрагим дукиллаб ўйлайман: «Хеч бўлмаса укаларим ўн кунча шишмайдиган бўлди». Гоҳо ношукурлик киламан: «Бунақалигини билганимда дадамнинг кўйлагини кийиб келарканман-а. Кўпроқ сиғарди...»

Уйга етай деганимда кўлим толди. Дам олмоқчи бўлдим. Буғдойни секин ерга кўяман десам, кўйлагим эски эмасми, ширр этди-ю, сўкилиб кетди. Ярим кўйлак ғалла тупроқ билан бир бўлди. Ён-веримга қарасам, хеч ким кўринмайди. Уйга қараб учдим. Ҳовлида ётган тосни олиб, кўчага югурдим. Буғдойни тупроқ-супроғи билан сидириб тосга солиб олдим.

Аям уришмади. Шунча буғдой олиб келаману, тагин уришсинми? Икковлашиб буғдойни эладик, шопириб, ўн тўрт бўлакка бўлдик.

– Икки ҳафтага етадиган бўлди, у ёғи – худо раззоқ! – деди аям.

Салдан кейин у бир ҳовуч буғдойни қозонга солди. Юмшоқ супургининг сопи билан ағдариб ўтириб кўғирмоч қовурди. Ғайбулла, Файзулла учовимиз қозондан ирғишлаб чиқиб тандир бошига тўкилаётган донларни териб еб турдик. Улар тупроқдан тоза бўлмаган, тишимизда ғичирлайди. Бироқ биз парво қилмаймиз. Худди шакар чайнаётгандек, маза қилиб касир-кусир кўғирмоч кавшаймиз...



Темир ака берган буғдойни аям қисиб-қимтиб ўн икки кунга етказди. Битта эчкимиз қолган эди. Кўкламга чиқиб туғиб берса, сутини ичамиз деб юрган эдик. Қарасак, қисир қолибди. Шартта сўйдик. Эти бориб суягига ёпишган экан. Ўн килога яқин гўшт қилди. Аям беш килоча гўштни қовундай тилимлаб дорга ёйиб кўйди. Қолганини унга алишдик.

Шундай қилиб, омон-эсон декабрга етиб олдик. Қора совуқ бошланди. Устим юпка. Кўчага чиқолмайман. Колхоз ҳар уйга бир аравадан кўсак улаштирган. Куни бўйи сандалда ўтириб, кўсак чувиймиз. Ютиниб, кун ботишни пойлаймиз. Кун ботганда аям қозонга данакдай уч бўлак гўшт солиб, атала пиширади. Оғзимиз куйганига қарамай, апил-тапил ичамизу яна кўсакка ёпишамиз. Колхоз ҳар қоп чувилган кўсакка ярим кило жўхори ёрма беради.

Бир куни синчиклаб қарасам, аямнинг юзи юмалоқроқ бўлиб, ўзи тўлишиб қолибди. У қандай қилиб семиряпти экан, деб ҳайрон бўлдим. Билсам, аям бечора ўзи емай, биз уч болага едириб, шишиб бораётган экан.

Охири бўлмади. Бир куни у қатта укамни кўтариб онасиникига жўнади:

– Ғайбуллани бувисига ташлаб келай. Увол-ку бечора. У ёқда сут-қатик ичса ҳам ўлмайди. Сен Файзуллага қараб ўтир.

Аямнинг ота-онаси ҳам жўжабирдай жон бўлса-да, соғин сигирлари бор, шунинг учун бизга қараганда яхшироқ кун кўришарди.

Орзигул аям кетгандан кейин укамни ухлатиб қўйиб, идорага қараб югурдим. Тўғри бориб раиснинг этагига ёпишдим.

– Аям бир инимни боқолмай ота-онасиникига олиб кетди. Менгаям иш топиб беринг, жон раис тоға! Нима қил десангиз, қилавераман...

Раис бурнини тортиб ўйланиб турди-да:

– Молхонага бор, – деди, – мени айтди десанг, олади. Жоди билан хашак қирқсанг ҳам кунингни кўриб кетарсан.

Кечкурун аям бир хурмача қатик, нон, иккита тухум кўтариб келди. Мен молхонага ишга кирганимни айтдим. Аям кўзёш қилди,

уруш бошлаганларни қарғади. Кейин мени молхонанинг ярим йўлигача кузатиб қўйди.

Молхонада Баёнкул пўрим деган қорача, жиккаккина киши хисобчи эди. У негадир ёздаям, кишдаям галифе шим кийиб юрарди, кулоғидан райхон узилмасди. Баёнкул ака мени қовок солиб кутиб олди.

– Раис ўйлайдими ўзи? – деди гапимни эшитиб, – бу ер етимхонами текин боқиб бераверадиган?

Индамим. Кўрпача-ёстиғимни молбоқарлар ётадиган хужрага олиб кириб қўйдим-да, қўлимга курак олиб, бир сигирнинг тагини тозалай бердим.

Бир вақт Сайфи ўртоғим келиб қолди. У билан қучоқлашиб кўришдик. Сайфи ўн беш кундан бери шу ерда ишлаётган экан. Менга яхши шерик топилди. Иккаламиз саҳар турамиз. Сигирларни ечиб, ҳовлига ҳайдаймиз. Молхонани кураб, шипириб, ахлатини замбилда ташқарига ташиймиз. Кунжара майдалаймиз. Беда қирқамиз. Ариқ музлаб қолган бўлса, музини ўйиб, сув ташиймиз. Катта дошқозонда сув иситиб, сигир-бузоқларни суғорамиз.

Аста-секин молбоқарларнинг ҳам жанггоҳга яроклисини урушга олиб кетишди. Энди Самин бобо деган бир чол, беш-олти хотин қолди. Тўқсонга яқин сигир бор. Сайфи икковимизнинг ишимиз тагин қўпайди.

Қорнимиз тўйиб-тўймайди. Бирок оч ҳам қолаётганимиз йўқ. Кечкурун ҳамма қатори бизгаям бир қошиқ-ярим қошиқ оби ёвғон тегади. Лекин бир ёғи қиш ҳавоси, бир ёғи кўзимиз оч эмасми, қаноат қилмаймиз. Кўпинча етти хуфтонгача ухлаёлмай чиқамиз.

Бир куни тунда ичим таталаб, уйқум қочиб ётган эдим, Сайфи тургди:

– Абдурахмон, қорин қалай? – деди шивирлаб.

– Бўкиб, кекириб ётибман, – деб жеркиб бердим. – Аҳмоқ, эсинг бўлса, қорин қалай, деб сўрайсанми? Зўр бўлсанг, тўйдиришни ўйла!

– Ҳозир тўйдираман, юр! – деб қўлимдан тортди. «Қаёққа?» ҳам демай эргашдим. Сайфи тўғри сигирхонага етаклади. Зимистон қоронғида турганиб кетяпман. Охири чидамай сўрадим:

– Сайфи, ўғирлик қиламизми?

– Йўк. Сигир эмамиз.

Шошганимдан тўхтаб қолдим. Сайфининг калласи ишлайди-да! Мактабдаям нукул «беш»га ўқирди. Айтдим-а, ранг-рўйи балодай деб. Гап буёқда экан-да...

– Сигирлар тепмайдими?

– Тепмайди, юр, – деб Сайфи торткилади. – Эмиб ўргатиб кўйганман.

– Нимага олдинроқ айтмадинг?

– Ўзимга сигир тайёрладим. Устундан буёғидаги уч сигир сенга. Мен девор томондан эмиб келаман.

Этим жимираб кетди. Ҳеч қачон сигир эмиб кўрмаган эдим. Қанақа бўларкин?

Сайфи китобдай-китобдай икки бўлак кунжара олиб, эмиш йўлларини ўргатди:

– Мана бундай ушатиб, бир-икки марта оғзига соласан, шунда соғиб олишар экан деб сигир ияди. Кейин чўккалаб олиб эмаверасан. Ма, ушла! Мен кетдим.

Кунжарани олиб, туртиниб-суртиниб устун ёнидаги бир сигирнинг олдига бордим. Кунжарани майдалаб оғзига тутдим. Сигир пишқириб, кўлимни ҳам ямлаб юборай деди. Тўрт-беш бўлак кунжара едириб, сигирнинг қорнини силадим, қашлаган бўлдим. Жонивор индамади. Сийпалаш кимга ёкмайди дейсиз! Сўнг аста сигирнинг остига чўнқайдим. Умримда қилмаган хунарни қилаётганим учунми, бир лаҳза туриб қолдим. Кейин чидамадим. Бирдан нафсим очилиб, оғзимга сўлак келди. Секин сигирнинг елинини ушладим. Соғувчи хотинлар соғишдан олдин сигирнинг эмизакларини ёғлаб чиқарди. Мен тупукладим. Кейин битта эмизакни чўчиброқ оғзимга солдим. Лунжимга тўртта бармоқ тиқилгандай бўлди. Раҳматли онам томоғим оғриси, маҳалламиздаги Зухра бувига обориб танглаймни бостириб келарди. Сигирнинг ғадир-будир, узун эмизаклари ўша Зухра бувининг кўлига ўхшаб кетди.

Елинни тўрт-беш марта сўрдим. Томоғимдан қултиллаб илиқ-кина, жиндай тахир, лекин мазали сут ўтяпти. Тезроқ эма бошладим. Сигир тек турибди.

Салдан кейин сут куриди. Иккинчи эмизакка ўтдим. Унияи сўриб бўлганимда сигир типирчилади. Лик этиб туриб кунжара бе-риб келдиму тагин тарғилнинг тагига чўнкайдим.

Гоҳо: «Қалай, яхшими?» деб Сайфи сўраб кўяди. «Яхши!» дей-ману шилқиллатиб эмавераман.

Иккинчи сигирниям кунжара билан алдаб, тагига кирдим. Бирок ичакларим торайиб кетган эканми, охиригача эмолмадим. Аранг яр-мига етдим. Кейин пишиллаб, нафас ололмай колдим. Лекин нафс курғур чидамади. Ўзимни зўрлаб тагин эмизакка ёпишган эдим, сут томоғимдан ўтмади, кулқиллаб лунжимда тўпланиб колди. Ҳа, тўйибман, деб секин сигирнинг тагидан чиқдим.

– Сайфи, бўлдингми? – деб шивирладим.

– Ҳозир-ир... – деди ўртоғим, – учинчисига ўтдим.

«Оббо тўймас-эй, – дедим ичимда, – мен зўрға бир ярим сигир-ни эпладим-у, у бўлса учтасини пакқос туширяпти!»

Бир вақт Сайфи лабларини чипиллатиб ёнимга келди:

– Нимага тез тамом қилдинг?

– Тўйиб кетдим, – дедим энтикиб, – нафасим тикилиб колди.

– Э, калла! – деб уришди Сайфиддин. – Худо берди деб си-гирни қоклаб ташлабсан-да! Бузоққаям колдириш керак. Эртага соғувчилар келганда бир томчи сут ололмаса жанжал бўлади.

– Нима қилишим керак эди? – дедим чўчиброк.

– Ҳали айтмабман. Учала сигирни оз-оздан эмиш керак. Шунда бузоқнинг насибасиям, бизникиям бутун бўлади.

Икковимиз оёқ учида келиб, тўшакка кирдик. Қорним пўкил-лайди, оғзимга кулқиллаб сут келади. Ҳадеб кекираман.

Пичирлашиб ётибмиз.

– Сайфи, қорним шишиб дўмбира бўлиб кетяпти.

– Ҳеч нима қилмайди. Бир-икки кун ичинг кетади-ю тўхтайди.

– Баёнкул ака билиб қолмасмикан?

– Менинг айтганимни қилсанг билмайди.

Шу пайт ёнимизда ётган Самин бобо «ўх-хў!» деб йўталди. Ик-ковимиз ҳам шипиллаб кўрпанинг остига кириб кетдик.

Азонлаб туриб, ҳеч нарса кўрмагандек, ишимизни қилиб юра-вердик. Сайфи рост айтган экан. Ҳом сут мени бир-икки марта кўранинг орқасига югуртирди. Ҳар сафар қорнимни чангаллаб

қўрани айланиб келаётганимда Самин бобо менга қарайдию муртидан кулиб қўяди.

Шундай қилиб, уч-тўрт кун ўтди. Ҳайитни пойлаган боладай орзиқиб кун ботишни кутаман. Бир амаллаб қоронғи туширамиз. Хуфтон бўлиши қийин. Хуфтондан кейин Самин бобо ўрнига киради. Тўғри, у киши чурқ этмайди-ю, лекин бировнинг кўзига бақрайиб туриб ўғирлик қилиш қийин бўлар экан.

Самин бобо ухлади-ёв деганда, Сайфи билан икки-уч бўлак кунжарани қўлтиклаб сигирхонамизга йўрғалаймиз. Мен аета-секин эмишнинг машқини ола бошладим. Беш-олти кунда бемалол учта сигирни «соғиб» оладиган бўлдим. Санаб туриб ҳар сигирнинг эмизагини ўн мартадан тортаману кейингисига ўтаман. Демак, учта сигирни бир юз йигирма марта сўраман. Қарабсизки, бузоқнинг на-сibasи бутун, ҳам бизнинг қорнимиз тўяди.

Жонимиз кириб қолди. Кечалари совуқдан дийдирамаймиз. Ишлаб чарчамаймиз. Кундуз кунлари эса бир-биримизга қараб хиринглаймиз.

– Башарангни қара, худди Ама<sup>1</sup>т қизилга ўхшаб кетяпсан, – дейди Сайфи.

– Ўзинг-чи, ўзинг! – дейман унинг бетига шапатилаб. – Худди ...узатиладиган қизга ўхшайсан!

Яна қиқирлашиб куламиз.

Ана шунақа дориломон кун кечириб юравердик. Бирок, бахтимиз узоққа бормади...



## «ХОТИНЛАРНИНГ ХОЛАСИ»



Бир куни эрта билан молхонага раисимиз Шокир ака келди. Ёнида посонроқ кийинган кишиям бор. Райондан келган вакил экан у. Дарров қалам-дафтарини олиб Баёнкул ака пайдо бўлди. Вакил у ёқ-бу ёқни айланди. Қўранинг олдида беш-олти бидон сут турган эди. Шокир ака уларнинг қопқоқларини очиб кўрди-ю, «кам-ку?» деб қўйди.

– Бори шу. Бир грамм қолдирмай топшириб турибмиз, – деди бидирлаб Баёнкул ака.

– Кейинги вақтда сутни камайтириб юбординглар. Сигирнинг емиши ёмонми?

---

<sup>1</sup> *Ама т қизил* – нақш олманинг бир тури.

– Яхши... Билмасам... – деди довдираб ҳисобчи. – Шу, олти сигир соғдирмай кўйди. Бузогиниям эмизмайди. Хотинларни тепади. Хайронман. Бир бало бўлди буларга.

Сайфи икковимиз юрак ҳовучлаб турибмиз. Мен ер остидан Самин бобога қарадим. Бобо соқолини силаб, тескари ўгирилди.

Раис билан вакил кетгач, ҳисобчи: «Ҳаммаси сен касофатлардан бўляпти, сигирларга вақтида томоқ бермагансанлар», деб бизни уришди. «Бу ер етим боқадиган жойми, хурмача кўпайиб кетди», деб хотинларга бақирди.

Кўзимизни лўқ қилиб, индамай туравердик. Баёнқул аканинг одати шунақа. Бақириб-чақириб, охири кетади. Зўр келса, кечкурун қоронғи тушгунча молхонани айланиб юради, сигир соғилаётганда тепасида туради. Баъзан ётиб қолади, бўлмаса, етти хуфтон қилиб, кейин уйига жўнайди. Бизнинг танглаймиз тақиллайди, лекин тишимизни-тишимизга кўйиб чидаймиз. Баёнқул акани кузатиб кўйиб, яна халоскор сигирларимизнинг ёнига зинғиллаймиз.

Вакил келган куниям ҳисобчи кеч кетди. Сайфи билан ташқарига чиққан бўлиб, секин атрофга қарадик. Баёнқул аканинг уйи сой томонда эди. Ана, у тегирмон ёнидан ўтиб, кўчасига бурилиб кетди. Биз сигирхонага югурдик. Менинг ола сигирим емиш кечикканига безовта бўлиб, типирчилаб турган экан. Шапалоқдай кунжарани бурдалаб, тарғилнинг оғзига тикдим у хузур қилиб эмишга тушдим. Ёнимда Сайфининг тамшангани эшитилади. Онасини соғинган мечкай бузоқдай ўзимни унутиб эмавердим. Бир вақт нафас ростлай деб бошимни кўтарсам, яқин ерда чиз этиб гугурт чақилди. Атроф лов ёришди. Кўркиб кетдим. «Баёнқул ака пойлаб келган бўлса-я», деб Сайфининг ёнига эмаклаб бордим. Уям тайёр бўлиб турган экан, «орқамдан юр!» деб шивирлади. Девор ёқалаб молхонанинг этагига қараб кетавердик. Ҳалиги одам индамайди. Ҳар замонда бир гугурт чақиб, тапиллатиб келяпти. Биз ҳам қўл ушлашиб кетяпмиз. Охири сигирхонанинг ўртароғидаги тешикка етдик. Молларнинг ахлати чиқариб ташланадиган бу тешикдан нимтатир ёруғ тушиб турарди.

– Чик! – деб Сайфи елкасини кўйди. Қорним тўймаган, шунинг учун енгилгина эдим. Ирғиб елкасига миндим. Кейин тешикдан

бошимни чиқариб кўл чўздим. Сайфи мушукдай тармашиб чикиб олди. Ахлат уюмига сакрадим. Бахтимизга кун совуқ эди, тезак котиб қолибди. Оёғимиз булганмади.

Югур! – деб Сайфи олдимга тушди. Кўрани айланиб бориб ўрнимизга шўнғидик. Кўрпачанинг тагида ўзимизни ухлаганга солиб ётавердик.

Ярим соатларда оёқ қоқиб биров кирди. Кирдию, тўғри устимизга бостириб кела бошлади. Бир кўзимни йириб қарадим: Баёнкул ака! Ўлдик, дедим. Қунишиб, тўшакда йўқ бўлиб кетдим.

Ҳисобчи тўғри келиб биқинимга бир тепди. Дамим чикмай қолди. Иккинчи тепкини Сайфи еди. У «имм!...» деб тўшакда ғужанак бўлиб қолди.

Самин бобо бошини кўтарди.

– Болаларнинг нима ёзиғи бор, ҳароми! Ўлиб қолса увол эмасми?

– Йўқ. Қайтанга икки нонхўр камаяди, – деди Баёнкул ака ва этигининг учи билан оёғимни туртди. – Ҳозир қаердан келдинглар, итваччалар?!

– Сайфи билан... халага бордик, – дедим қалтираб, – ўлай агар, рост...

– Сигирнинг тагида хала... ейдими?! – ҳисобчи уят сўз айтиб оёғини кўтарди-ю, тепмади. – Сутни кўпайтиролмамай менинг жоним ҳалак, бу ярамас шумшуклар бўлса, кунига шилқиллатиб сигирларни эмиб юришибди. Айтдим-а, нега сут тортилиб кетди деб!

– Эмса эмар, – деди Самин бобо юмшаб, – икки коса сут камайгани билан колхоз камбағал бўлиб қолармиди?

– Э, сиз ғалати экансиз-ку, бобой! Кунига икки косадан кетаверса, биласизми, бир ойда қанча бўлади?

Самин бобо терс ўгирилиб носини тупурди:

– Ҳа, энди одамлар пақирлаб оляпти, камаймаяпти-ку...

Бу гап ҳисобчига тегиб кетди. Кўпинча, қоронғилатиб у бир пақир-ярим пақир сутни ўғлидан уйига тушириб юборарди. Баёнкул ака тоқчанинг четида омонат ўтирган эди, сакраб турди:

– Оғзим бор деб гапираверасизми?! Қари деб ишчи баталёндан опқолдик. Иссиққина ерда юрганингизга шуқр қилмайсизми? Одам деганда жиндай уят ҳам бўлиши керак!

– Тўғри айтасан, болам, – деди Самин бобо, – одам боласида уят бўлгани яхши. Ёшим етмишдан ўтди. Ўзим бормасам ҳам қарчигадай икки ўғлимни юбордим урушга. Мана, сенинг уятинг бор, хотинларга хола бўлиб, чаккангга райхон такиб юрибсан. Раҳмат.

Баёнқул ака мот бўлди. Бир балоларни тўнғиллаб чикиб кетди.

Анчадан кейин Самин бобо сўради:

– Тўймаяпсанларми?

Сайфи икковимиз баравар «хм» дедик.

– Кўз тўймаса қийин, – деди бобо. – Ҳай, майли, бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Бир кун келиб, қайта Мамрайхонни<sup>1</sup> замони бўлар.

Бобо ёстиғининг тагидан бир бурда зоғора нон олиб, икковимизга бўлиб берди.

Эрталаб ҳовлида бўш замбил кўтариб турсак, раис келиб қолди. Атрофида Баёнқул ака парвона бўлиб турибди. Ҳисобчи бизни кўрди-ю, раисга ялтоқланиб бидирлади:

– Шоқир ака, сут нега камайди, деб мени уришасиз. Мана бу болаларингиз сигирларни эмиб юрган экан. Бир жазосини бериб кўйиш керак.

Раис иккаламизни сўкиб-сўкиб ҳайдаб юборса керак деб турдим. Йўк, сўкмади – шарақлаб кулди. Секин ёнимизга келди-ю калпоғимизни босиб-босиб кўйди.

– Оббо, икки оёқли бузоқлар-эй! Йўлини топибсанлар-да? А? Қалай, хом сут ширин бўлар эканми?

Сайфи «хм» деб ерга қаради. Раис бурнини тортди, кўрсаткич бармоғи билан қаншарини ишқаб сўради:

– Кунига нечта сигирни эмасанлар?

– Иккитагина, – дедим ёлғондан, – шундаям бироз эмиб, туриб кетамиз. Ёлғон айтсам, авлиё бобомнинг занжирига осилай...

– Ҳай, ҳай, осилма, – деб кулди раис. – Бунақа қасам ичишни кимдан ўргандинг?

– Сайфидан, – дедим бурнимни тортиб.

– Ёлғон айтади, – деди Сайфи, – ўзи нукул қарғанади.

Раис насиҳат қилган бўлди:

---

<sup>1</sup> Мамрайхоннинг замони – халқ эртақларидаги тўқчилик бўлган кунлар.

– Озрок эминглар, хўпми? Биз сутни шаҳардаги касалхонага юборамиз. У ерда урушдан келган ярадорлар бор, кичкина болалар бор.

Сайфи иккаламиз бараварига бош силкидик.

Қорним тўйиб, нафсим сал-пал тийилгач, бир бурда-ярим бурда нонни тежай бошладим. Бир халтача бўлганда уйга кўтариб жўнадим. Борсам, Орзингул аям билан Файзулла укам бир косада сарғимтил нарса ичиб ўтирган экан. Бу нима, деб сўрамадим. Нон тўла халгани олдиларига қўйдим. Аям мени бағрига босиб ўпди:

– Энди бизни боқадиган бўлдингми, болам? Нима қилай, пешонамда шу кўргиликлар бор экан.

Ўша кунни аямнинг ёнгинасида ухлаб қолдим. Мен пахтаси тошдай бўлиб кетган эски тўшакда эмас, гўё тиниқ осмонга илинган оппоқ, юмшок беланчакда роҳат қилиб ётгандай эдим...



## ОЛА ГОВМИШДАН АЙРИЛИБ ҚОЛДИК



Қишнинг ўртаси. Кун совук. Қаёққа қарасангиз, оппоқ қор, кўм-кўк муз. Азондан кечгача молхонада ивирсиб юравериб зерикаман. Аксига олиб Сайфи ҳам йўқ. Уни, киш чиққунча бизникида турсин деб Туркистондаги бир холаси олиб кетибди. Тўксон сигирга пақирлаб сув ташийвериб бўларим бўлди. Сут соғадиган хотинлар ҳам қарашиншади-ю, лекин бари бир, кечқурунга бориб итдай чарчайман. Бор-э, аямнинг ёнида қишни ўтказиб, кўкламда келарман деб, бир-икки кетишгаям чоғландим. Аммо Самин бобони кўзим қиймади. Ёлғиз ўзларини ташлаб кетгани уялдим.

Кун ботиб, қоронғи тушганда Самин бобоникига зингиллайман. Бобомнинг кампири Башорат хола хурмачага оби ёвғон қуйиб беради. Маҳкам кучоқлаб хужрамизга олиб чиқаман. Хурмачани сопол товоққа бўшатамиз, икковимиз икки ёқдан зоғора нон тўғраб туширамиз.

– Бир киши – араванинг тиркиши, – деб қўяди Самин бобо. – Ишқилиб, кўпчиликдан айирмасин. Кўпчилик тупурса қўл бўлармиш. Ол, товоқнинг тагини ялаб қўй, савоб бўлади.

Самин бобо мени алдаб, ўзининг насибасини ҳам ичирмоқчи бўлади. Шундоғам ҳозир яхшиман. Энди кўзим тўйган. Сигир эмай қўйганимга ҳам анча вақт бўлди.

Шундай қилиб, кунларим ўтаверди. Самин бобомнинг ҳисобида «тўқсон» кирди. Тўқсон кирса, қиш қаҳрига минади, дегувчи эди қариялар. Ростдан ҳам кунлар қаттиқ совий бошлади. Хужрамизга сандал қўйиб олганмиз. Кечқурун хурмачани бўшатамиз-у Самин бобо билан сандал четига ёнбошлаймиз. Бобом жийда данагидан ясалган тасбеҳини ўгириб, индамай ётаверди. Мен чарчаганимгами, иссиқ элителими, ҳадемай донг котиб қоламан.

Бир куни алла-паллада уйғониб кетдим. Чопонимни елкага ташлаб ташқарига чиқдим. Чиқдим-у турган еримда тахта бўлиб қолдим. Молхона айвонининг ўртарағида бир устунга от боғлаб қўйилибди. Ҳовлида икки-уч сигир юрибди. Сигирлар бўшалиб кетганмикан, деб ўйладим. Унда отга бало борми? Эгаси қаёқда экан? Етти ҳуфтонда молхонада нима қилиб юрибди? Миям ғовлаб кетди. Қўрқа-писа бир-икки кадам илгари босдим. Унгача ичкаридан мўўлаб яна икки сигир чиқди. Кейин тулқитумок кийган девдай киши кўринди.

– Ҳе-ей! Кимсиз? Нега сигирларни бўшатыпси? – деб бақирдим. Тумоқли киши у ёқ-бу ёғига аланглади, лўқиллаб бориб отини еча бошлади. Хужрага қараб кичқирдим:

– Бобо! Югуринг! Шўримиз қуриди! Ўғри босди, ўғри-и! Сигирларни олиб кетишяпти-и!..

Жоним борича пастга югурдим. Қўлимга бир таёқ олиб сигирларни қайта молхонага ҳайдай бошладим. Унгача ҳалиги тумоқли одам отига миниб олган экан, тўғри устимга бостириб келди. Қулоқ-чаккамга аямай бир қамчи туширди. Кўзларимдан ўт чиқиб кетгандай бўлди.

– Қоч нари, итвачча, – деб бўқирди. Овози ҳам кўрқинчли, худди манқа одамдай димоғидан гапирар экан. – Қаллангни ҳозир сапчадай узиб ташлайман!

– Бобо-о-о!!! – деб чинқирдим. Таёғим қўлимдан учиб кетган эди, қайта олиб, отнинг тумшуғига қараб бир солдим. От хурқиб кетди. Ўғри яна устимга бостириб келди.

– Вой лаънати-ей! Ҳали сенми отни урадиган? Мана, мана!

Бошимдан қамчи зувиллади. Бироқ тегмади. Ҳар сафар тумоқли киши урамдан деб қўл кўтарганида мен таёғим билан отининг қалласига тушираман. От сапчиб, икки-уч кадам нари қочади. Мен сигир-

ларни молхонага қараб ҳайдамоқчи бўламан. Лекин ўғри олдимдан чиқиб йўл бермайди.

Учинчи марта аччиқ қамчи еганимда Самин бобонинг товушини эшитиб қолдим.

– Ҳой, ким у? Абдурахмон, нима қилиб юрибсан?

Зора яқин-атрофда турадиганлар ҳам эшитса, деб овозимнинг борича бақиравердим:

– Югуринг, бобо-о! Сигирлардан айрилди-ик! Шоқир ака-а! Чопинглар! Ўғри-и! Ўғри-и!

Самин бобо мункайганча йўрғалаб кела бошлади.

– Ҳўв, имонинг борми ўзи?! Бу не қилиқ?

Барзанги киши чўрт бурилиб бобога қаради.

– Тўхта, қоқвош чол! Яна бир қадам боссанг, нчагингни чиқариб бошингга салла қилиб қўяман! Мана буни кўрдингми?

Тумоқли кишининг кўлида ханжарми, пичоқми, бир нима йилт этди. Самин бобо бир нафас тўхтаб қолди. Мен сигирларни молхона томонга ҳайдадим. Ўғрининг жаҳли кўзидими, отига қамчи урди, кейин энгашиб менга қўл чўзди. Билиб турибман, у мени кўпқаридаги улоқдай олдига ўнгариб олмоқчи. Таёқ билан кўлига бир туширдим: У: «Тф-уэ, лаънати бола-я, шошмай тур сен!» деди-ю, кўлини тортиб олиб, сигирларнинг бошини қайиргани бурилди. Югуриб бориб отининг юганига ёпишдим. Тумоқли киши гавдасини кўтариб бир мени уради, бир сигирларни. «Уриб ўлдирсанг ҳам қўйиб юбормайман, – дедим ичимда. – Сигирларни ўғирлатиб қараб ўтирадиган аҳмоқинг йўқ».

Юганини икки кўллаб ушлаганча тошдай қотиб қолдим. Ўғри энди мени отига судратма қилмоқчи бўлди. Беш қадамча ерга судралиб бордим. Бир вақт барзанги «иҳ!» деб ортига ўгирилди. Самин бобо кўлида белкурак, у ўғрининг калласини мўлжаллаб турарди.

– Падарлаънати каззоб! – деди хириллаб Самин бобо. – Эркак бўлсанг мени ур, жимжилоқдай болада ниманг бор?! Ҳали оғзингдан қора қонинг келиб ўласан, ҳароми!

Ўғри отининг бошини чўрт бурди. Оёғини узангидан чиқариб Самин бобонинг кўкрагига аямай тепди. Бобо уч думалаб, ахлат уюмининг ёнига ётиб қолди.

– Қоч энди, бола! – деди тумокли киши пастроқ товушда. – Бўлмаса, сениям чолга кўшиб у дунёга жўнатаман. Яхшилиқча кет, йўлимни тўсма!..

Отнинг жилови кўлимда, йиғламсираб ялинишга тушдим:

– Жон ака, сигирларимизга тегманг! Шаҳарда етим болалар кўп. Соғиб, сутини ўшаларга юборамиз. Сизнинг ҳам болаларингиз бордир... Амакижон, шунча молни нима қиласиз? Майли, бит-тасини олаколинг. Лекин говмишни ташлаб кетинг!.. Хўп денг, жон амаки...

Тумокли киши осмонга бир қараб кўйди-ю жиловни қаттиқ тортди.

– Бўлди, кўп вайсама, – деди манқаланиб. – Жонингдан умидинг бўлса четга чиқиб тур, бўлмаса, бостирма қилиб ўлдираман, билдингми?

Жиловга қаттиқроқ ёпишдим.

– Ўлдирсангиз ҳам қўйвормайман!..

Шу пайт ортимда отнинг дупури эшитилди.

– Хўв, қирғий, намуноча имилладинг, тонг отиб қолди, бўлмайсанми?

Бошимни буриб қарадим. Тўриқ отда бошига бўрк кийган йўгон киши ўтирибди. Тулки тумокли мени кўрсатди:

– Манави кучукни ўлдиргани кўзим қиймай турибди. Қарамайсанми чиябўридай ёпишиб олганини!

– Бўлмаса мен кетдим, сен ортимдан борарсан, – деб бўркли ўғри сигирларни ҳайдашга тушди. Жиловни кўйиб юбориб, унинг изидан югурдим.

– Ҳой, сигирларни қаёққа оборасиз?! Ташлаб кетинг, бу колхозники! Ҳозир раисни чақириб келаман!

У ёғи нима бўлганини билмайман. Белим қирс этиб, юзтубан йиқилдим. Тумокли киши отнинг ўмгани билан мени қаттиқ туртиб ялпайтириб кетган шекилли, хийлагача қимирлай олмай ер тишлаб ётавердим. Сал ўзимга келиб, аранг турдим. Оқсоқланиб молхона ортига ўтдим. Олисда сигирларимизни олдига солиб лўкиллаб кетаётган икки отлик кўринарди. Кўзим тўла ёш, уларнинг қорасига мўлтираб қараб қолавердим.

Ховлига қайтиб кирдим. Самин бобом йиқилган ерида ётган экан. Чўлтоқланиб секин ёнига бордим. Энкайиб юз-қўлини сийпадим. Нафас олиб турибди.

– Бобо, кўзингизни очинг! Бобо, туринг, ичкарига кирамиз. Келинг, кўлингизни беринг.

Самин бобо базўр кўзгалди. Ёнбошидан олиб, бир кўлини елкамга солдим. Судрагандай қилиб аранг хужрага етказиб олдим. Жойинга ётқизиб, ўраб-чирмаб қўйдиму Самин бобонинг эшагини миниб, Шоқир аканикига қараб чоптирдим. Раиснинг уйи яқин ерда, эски ярмарканинг ёнида эди. Тонг бўзарай деганда қўшқўллаб эшигини қоқавердим. Шоқир аканинг ўзи ховлиқиб чиқди.

– Ҳм, бузоқча. тинчликми, нима бўлди? – деди бурнини тортиб. Бор гапни айтдим у яна эшагимна чоптириб молхонага чиқдим. Самин бобонинг тепасида қараб ўғирдим.

Ярим соатга қолмай Шоқир ака, бухгалтер, ҳисобчимиз Баёнқул ака етиб келишди. Молхонага кириб сизирларни санадик. Манаман деган тўрт сизир ўғирланибди. Айниқса, ола говмишга жоним ачиди. Ўзиям пастак томдай келарди, ҳар куни кечкурун бир пақир-ярим пақир сут берарди жонивор.

Тушга яқин шаҳардан қизил шапка кийган иккита отлиқ мелиса келди. Улар молхонанинг ичига кириб, сиртига чиқиб, роса текширишди. Ёнларига уч-тўрт йиғитни олиб, Қоратов томонга бориб келишди. Ўғриларнинг дараги топилмабди. Шундан кейин Шоқир ака билан бир нимани маслаҳат қилгани идорага жўнашди.

Самин бобо-чи, дейсизми? У кишини замбилга солдик-да, уч-тўрт киши бўлиб уйларига олиб тушиб, ётқизиб чиқдик.

Шу кундан бошлаб икки уста молхонанинг эшикларини янгилаб чиқди. Ҳар эшикка бузоқнинг калласидай катта-катта кулф солди. Биз ҳам хужрани бўшатдик. Ўрнимизга урушдан бир кўзини йўқотиб ногирон бўлиб қайтган Тўлабой ака кўчиб келди. Қўлида бешотар милтиқ, ёнида эшакдай келадиган бўрибосар ити бор. Бир томондан қувондим. Ўғри энди ўйлаб қадам босади. Тўлабой полвон ёмон, ўғри зотини кўрса тупканинг тагигача қулаб боради, дерди дадам.

Шундай қилиб, молхонадан насибам узилди. Бироқ кетишга оёғим тортмайди. Шунча ой ўрганиб қолганман-да. Пешингача хотин-халажга қарашиб, нвирсиб юрдим. Пешинда Шоқир ака кўринди.

– Бўпти, энди сен ҳам уйингга боракол, – деди елкамга қоқиб. – Бахтинг бор экан, омон қолдинг. Самин бободай тепки еганинда аллақачон жаҳаннамга кетардинг. Ҳозир тушиб чикдим. Оқсокол ёмон бўлиб ётибди.

Мен елкамни қисиб йўлга тушмокчи эдим, раис кўкрак чўнтагидан бир қоғоз чиқариб узатди:

– Ҳозир тўғри қўйқўрага бор. Мана бунни Расулмат пучукқа берсанг, сени хурсанд қилади.

Қоғозни олиб жўнадим. Қарасам, арабча ёзувда ажи-бужи қилиб нимадир ёзилибди. Қўйқўра молхонанинг кунчиқарида, бир югурсанг етадиган ерда эди. Раис берган қоғозни Расулмат ака деган қўйчивонга кўрсатдим. У қўрага кириб кетди-да, жунлари ўсик, ориқ бир эчкини етаклаб чикди.

– Мана, раис сенга серка атаган экан, майли, аскарнинг боласи-сан, мен эчкига аламаштирдим. Ёзда туғса, соғиб ичасанлар.

Хурсанд бўлиб, эчкини бўйнидан судраганча кун ботганда уйга кириб бордим.

Уч кундан кейин эрталаб эшигимизга қора отлик келди. Пахсадан бўйнини чўзиб кичкирди:

– Ҳов, ким бо-ор? Самин бобоникига жанозага-а!..

Эс-хушимдан айрилгандай бирпас анграйиб қолдим. Югургилаб уйга кирдим. Шум хабарни аямга айтдим. Аям иккала қўли билан юзини силади-ю уй ичиде шошиб айланаверди. Дарров эски мурсагини ёпинди. Бошига кўк рўмол ўради. Укаларимни етаклаб ён қўшнимиз Ниёз бобоникига олиб чиқиб қўйдик. Кейин икковимиз қўштегирмон томон кетдик.

Шу куни йиғлаб-йиғлаб, Самин бобони ерга топшириб қайтдик.



## МЕҲМОНЛАР КЕЛИШДИ...



Мингтумага яна баҳор келди. Ҳаво чарақлаб турибди. Осмонда кушчалар бир-бирини қувалашиб шодон учади. Ғир-ғир шабада эсади. Ерда кигиздай-кигиздай булутларнинг сояси ўрмалайди. Қирлардан оқимтир буғ кўтарилади. Намхуш, қора тупроқ ичидан жилмайиб игнадай ингичка, ям-яшил майсалар чиқиб келяпти! Маза! Баҳор – баҳор-да!..

Март ўтди, апрель кирди. Аям далага ишга чиқиб кетди. Мен Файзулла билан Ғайбуллани олиб уйда қолдим. Кунни бўйи уларни етаклаб ўйнатиб юраман. Мушукқуйруқларни юлиб, шайтонкавуш тўкиб бераман. Томдаги итқизгалдоқлардан чамбарак қалпоқ ясай-миз. Ундан ҳам зериксак, уруш-уруш ўйнаймиз. Бир кулочдек келадиган икки ёғочни қўшув аломатига ўхшатиб михлайман. Устига эски чопон кийгизаман. Бу – Гитлернинг аскарлари бўлади. Файзулла тол «от»ини миниб калласига бир туширади. «Душман» йиқилса – йиқилди, бўлмаса, мен бир тепиб ағдараман, Ғайбулла укам чапак чалиб кулади.

Икки болани судрайвериб қийнаиб кетдим. Айниқса, кичиги ёмон инжиқ. Сал нарсага думалаб йиғлайверади. Бир кунни аямга айтувдим, Ғайбуллани етаклаб Охунгузардаги ота-онасиникига ташлаб келди. Энди Файзулла билан қолдим. У ўзимга ўхшаган мўмингина, гапга тушунади. Алдаганингга кўнади. Қажоққа бўлса опичлайману чопавераман. Кунни бўйи етти маҳаллани етти айланиб келамиз. Бир кунни Файзулла билан сути қотган думбул ўрикларни териб олиб, жуфтми-тоқ ўйнаб ўтирсак, кўчада биров чақиргандай бўлди. Югуриб чиқдим. Қарасам, қайрағочдай бўлиб икки киши турибди. Иккаласи ҳам елкасига олахуржун ташлаб олган, қўлларида узун калтак. Биттаси новча, соқол-мурти қоп-қора, иккинчиси ёшроқ, пакана. Ўғли бўлса керак. Унинг мурти бор-у, соқоли йўқ. Лекин кўзлари ёмон экан, ҳар биттаси ёнғоқдай келади. Одамни тешиб юбораман дейди.

Кўрқиб бир қадам ортимга тисарилдим. Новча киши:

– Инжо биё, – деди бармоғини илмоқ қилиб. «Инжо биё»си нима экан, деб тирақайлаб қочмоқчи эдим, ёнғоққўз йигит чақириб қолди:

– Ҳўв, мунда ке, бача. Кўрқма.

Унгача новча киши товушини баланд қўйиб қўшиқ айта бошлади:

Нафсим мани йўлдан уриб хор айладе,

Телмуртириб халойиққа зор айладе.

Тўхтадим. «Ҳе, калла! Булар девоналар-ку! – дедим ичимда. – Кичкина вақтимда ҳақлаб<sup>1</sup> тез-тез келиб туришарди. Анча йил

<sup>1</sup> Ҳақлаб – садақа сўраб, тиланчилик қилиб.

бўлувди, кишлокка оёк босмай кўйишган эди. Яна келишибди. Уларнинг кишлокларида ҳам ҳозир қаҳатчилик бўлса керак-да».

Секин изимга кайтдим. Новча амаки хуржунини олиб ерга кўйди. Шуни кутиб турган эканми, ўғли айтишга тушди:

Дод айласам, у додимга етармикан,  
Кўксимдаги зангорларим кетармикан,  
Хамма нодон бу оламдин ўтармикан.  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдим мано.

Майнинг ўрталари бўлса-да, кун иссиқ эди. Ғазалчи ўғилнинг томоғи куврадами, товуши хириллаб қолди. Дадаси иккови ўз тилларида бир бало деб чулдирашди. Новча амаки менга қаради:

– Падаринг борми?

– Йўк, урушда.

– Модаринг-чи?

– А?

– Энанг борми уйга?

– Йўк. Чопикда. Ҳув анёқда! – деб кўлим билан сой томонни кўрсатдим.

– Падару модар бўлмаса сув бордир? – деб кулди амаки. – Бир коса сув келтир, чироғим.

– Ҳозир, амаки! – деб уйга зинғилладим. Файзулла укамни эшик олдига кўйиб, бир пақир сув кўтариб чиқдим. Девоналар девор таги-га, кўланкага ўгиришди. Амаки хуржунининг бир кўзини очиб синиқ нон олди. Укам «нон-н!» деб хуржунга қўл чўзди. Новча амаки Файзуллага бир бурла, менга бир бурда нон берди. Кейин пақирни бошига кўтарди, ичиб бўлиб, ўғлига узатди. Бечоралар роса сувсаган эканми, икки кўтаришда челакни яримлатиб кўяй дейишди.

Алла-паллагача қаттиқ нонни сувга бўктириб маза қилиб туширдик. Бир вақт новча амаки:

– Ҳамсояларинг борми? – деб сўради.

– Бор! – дедим унинг нон берганига суюниб. – Ниёз бобо деган кўшнимиз бор. Лекин-чи, амаки, Ниёз бобо байту ғазални жонидан ҳам яхши кўради. Шу ёққа обчиқайми сизларни?

Девоналар хуржунларини елкаларига олишди. Мен Файзуллани опичлаб лўкилладим.

Ниёз бобо ертандир ёнидаги катта тут тагида салқинлаб ётган экан, ҳарсиллаб олдига бордим.

– Бобо, байту ғазал айтадиган девоналар келди, кираверишсинми?

– Тўкчилик замонларда келса бўлмайдими, – деб Ниёз бобо ўрнидан турди. – Девонага берадиган кўмач ҳам қолмади-ку, баччағар. Ҳай, эшикка келган меҳмонни қайтариб бўлмас, чақир.

Файзуллани пўп этказиб ерга қўйдим. Чопиб бориб девоналарни чақирдим.

– Кирасизлар экан, Ниёз бобом сизларни кутиб ўтирибди.

Мен олдинга тушиб йўл бошладим. Бироқ девоналар киришмади. Уларнинг расми шунақами. ишқилиб, аввал ён эшикда туриб олиб обдан ғазал айтишди, кейин ичкари киришди. Ниёз бобом: «Баракалло, хуш кўрдик, яхшилар», деб уларнинг қўлини олди. Ҳаммамиз тут тагидаги лойсупага ўтирдик. Ҳадемай қора кумғон қайнади. Ниёз бобомнинг кампири Хумор хола дастурхон ёзди, бир ховучдан жийда, ўрикқоқи, талқон қўйди.

Ниёз бобом меҳмонлар билан эски танишлардек бемалол гаплашиб ўтирди. Улар Сирдарёнинг бошидан келишибди. Бир сафар дамдан эшитган эдим. Сир жуда узун дарё, деган эди дадам. «Агар дарёнинг бошидан келишган бўлса, уйлари жуда узоқда экан-да», деб қўйдим ичимда.

– Қалай, у томонларда ҳам... йўқчиликми? – деди кўнгил учун Ниёз бобо.

– Ҳа, – деди новча амаки сопол пиёладаги чойини пуфлаб. – Хўроз ҳамма ерда бир хел кичкираду...

Ғазалчи амаки дастурхонга бир қараб қўйиб фотиҳа қилди. Ниёз бобом: «Бугунча бизникида ётинглар, кеч бўлди, қайга ҳам борасизлар?» деди. Бироқ новча амаки кўнмади:

– Раҳмат, тоға. Борайлуқ. Насиб қилса, Султонимга бориб тунаймиз.

Меҳмонлар хуржунларини қўтаришди. Ниёз бобом: «Қўлларнинг курук кетмасин», деб уларга эскирок бўлса-да, топ-тоза қўйлак-иштон олиб чикиб берди.

Эшикка чиқдик: девоналар паст қўчадан ҳақлаб келишган экан, энди кир ёқалаб кетадиган бўлишди. Укамни опичладиму бекор

юргунча эрмак деб уларга эргашдим. Бир вақт ликиллаб Сайфи билан Айниддин келиб қолди. Учовлашиб кимнинг уйида одам бор, кимникада йўқ, кўрсатиб боравердик. Девоналар биздан кейин ҳар эшикка бориб бир тўхтайди-ю товушларини баралла қўйиб ғазал айтишади. Нони бор – нон беради, нони йўқ – бир ховуч жўхоримн. тариқми беради. Бутунрок нон тушса, ғазалчи амакилар бизга ҳам улашади.

Бир ерда кизиқ бўлди. Ғойибота деган ерда Сувора хола деган кампир турарди. Унинг ёлғиз ўғли урушга кетган, бир ўзи бир уйчада яшар, тўй-тумалоқ ё иссиқ-совуқ маърака бўлса, дастурхончилик килиб кун кўрар эди.

Новча амаки томоқ қириб ана шу Сувора холанинг пахсасига яқинлашди-ю, «Эгамдан кимки кўркмас, ул сазовори жаҳаннамдир», деб энди ғазал бошлаган эди, ичкаридан «ҳув!» деган товуш эшитилди. Кейин асога таяниб, ялмоғиз кампирдай вазоҳат билан Сувора хола чикди. У асосини ерга дук-дук уриб қўшиқ айтиб кела бошлади:

Ичай десам чойим йўқ,  
Ҳақ дўст, ё олло!  
Ўйнай десам бойим<sup>1</sup> йўқ.  
Ҳақ дўст, ё олло!

Девоналар шошиб қолишди. Пакана девона бир қадам ортига тисарилди. Сувора хола хахолаб кулиб юборди. Кейин бирдан тўхтади-ю қўлтиғидан муштдай тугунча олиб новча амакига чўзди:

– Ма, – деди ковоғини солиб. – Абутолибга берасан. Ол!

Кампир йўл бўйидаги катта кўк тошга ўтириб, айтиб-айтиб йиғлади:

Ўйнаб юриб ўтга учраган болам-эй,  
Яшнаб юриб ёлингга<sup>2</sup> учраган болам-эй!..

Биз кўрқиб ура қочдик. Девоналар ҳам индамай изларига қайтишди. Сувора хола уларга қараб яна қотиб-қотиб кула бошлади.

<sup>1</sup> *Бойим* – эрим.

<sup>2</sup> *Ёлин* – яшин.

Унинг оппоқ сочлари тўзиб кетган, омоннинг тишидай учлик ияги силкиниб-силкиниб қўяр, хола энкайиб олиб хандон ташлаб кулар эди.

Биз сал нарига борганда у «Абутоле-еб!» деб чинқирди. Кейин билсак, Сувора холанинг ёлғиз ўғлидан қорахат келган экан. Абдутолиб акани деб бечора хола жинни бўлиб қолибди.

Анча ергача кулоқларим «Абутолиб! Абутолиб!» деб гувиллаб турди.



## МЕНГА ШАМОЛ ТОҒА ХАРИДОР



Намозгарда уйга қайтдик. Қарасам, почтачи Машраб ака бизни-кидан чиқиб келяпти.

– Абдурахмон, дадангдан! – деб учбурчак хат узатди. Қувонганимдан ирғишлаб бориб олдим. Дадам асли хатни онда-сонда ёзарди. Ёзгандаям қискагина қилиб: «Мен омон-эсонман. Ўзларинг қалайсанлар? Уруш ёмон бўлиб турибди. Лаънати фашистнинг бети-ни бир қайтариб олсак, марра бизники, кейин инигача қувиб борамиз», деб қўярди.

Бу сафар хат семизгина экан. Ҳовлиқиб очдим. Хат ичидан бир газета чиқди. Нима экан, деб қизиқдим. Биринчи бетига катта қилиб «Ватан учун!» деб ёзиб қўйилибди. Ундан пастроқда уч-тўрт аскарнинг сурати. Мундоқ синчиклаб қарасам, ўртада бўйнига автомат осиб дадам турибди. Сурат тагида «Жасур разведкачиларимиз» деган майда ёзув. Қувонганимдан йиғлаб юбордим. Газетани укамга кўрсатиб қичқирдим:

– Файзи, мана, дада, дада!..

У ҳеч нарсага тушунмаса-да, кемшик тишларини кўрсатиб илжайди.

Дарров газетани буклаб, липпамга қистирдим. Эшикни ёпиб, орқасига ўқлоғидай ёғоч тирадим. Укамни опичлаб аямнинг олди-га қараб лўкилладим. Аямлар уйимиздан бир чақиримча нарида, сой бўйида ғўза чопиғида эди. Дам олмай етиб бордим. Укам елкамда, шунинг учун газетани бир қўлимда силкитиб бакиравердим:

– Ая! Дадамнинг расми келде-е! Расме-е!..

Орзигул аям кўркканидан кетмонини ташлай солиб, менга қараб югурди. Бирон ёмон хабар деб ўйлаган шекилли. Газетани кўрди-ю довриаб илжайди, энтикканидан гапиролмай қолди.

Бирпасда хотинлар йиғилди. Аямга қуллуқ бўлсин қилишди.

– Озиб кетибди бечора, – деди битгаси дадамни кўрсатиб.

– Кунига немис билан ёқалашаверганидан кейин озади-да, – деди иккинчиси.

– Бўйнидаги аптаматиям бирор ўн кило келса керак, – деди учинчиси.

Шахноза деган бир қақажон қиз газетани юлиб олиб ўқиди. Газета дадамни роса мақтабди: «Тил тутишга уста разведкачи», дебди. Дадам ҳозиргача тўққизта «тил» тутган эмиш.

Ўша куни аёллардан янги гап эшитдим. Газетага чиқиб мақталган аскарларга бир ой-бир ой жавоб берилармиш. Қишлоғимизнинг у чеккасида – кўчанинг оғзида турадиган Солижон ака ҳам урушда хизмат кўрсатган экан, бошликлари бир ойга уйинга юборибди. «Бор, Солижон, болаларингни кўриб, ўйнаб кел», депти. Бу гапни эшитиб, юрагимга ғулғула тушди. Бундан чиқди, менинг дадам ҳам келиб қолиши мумкин экан-да? Тезроқ келсайди. Жуда соғиндим. Бир йилдан бери тушларимга кириб чиқади.

Кечқурун суюнчи сўрагани газетани кўтариб Абдуқодир амакимни-кига жўнадим. Борсам – амаким, Шарифа янгам, унинг Мойлисойда турадиган акаси ўгиришган экан. Уни негадир ҳамма Шамол тоға дерди.

Амаким газетани кўриб қувонди. Янгам суюнчисига бир дўппи олма қоқи берди. Сурат қўлма-қўл бўлди.

Анчадан кейин янгам мени акасига кўрсатиб деди:

– Сизга айтган болам мана шу.

Шамол тоға менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Чайиргинага ўхшайди.

– Абдурахмон меҳнаткаш бола, – деб янгам елкамга қокди. Кейин сўради: – Мана бу тоғанг сени ўғил қилиб олмоқчи, борасанми?

– Дадам келмайдими? – дедим жавдираб. Амаким ўртага тушди:

– Даданг уруш босилганда келади. Унгача ўғил бўлиб тур. Қийналмайсан. Яхши-яхши кийимлар олиб беради тоғанг. Укаларингга ҳам қарашиб туради. Хўпми?

– Билмадим, аямдан сўрай, – деб ўрнимдан турдим. Шамол тоға ҳам кўзгалди.

Келиб аямга айтдим. У иккиланди, бироқ рози бўлгандай эди. Бунинг устига икки кун деганда Файзулла укам оғриб қолди. Ҳадеб кўк ўрик едириб, оркасидан сув ичирганимғами, ё офтоб урганми, ишкилиб тўхтамай ичи кетар, кусар эди. Кўрқиб, аямнинг ёнидан жилмай қолдим.

Укам кундан-кун оғирлашиб борарди. Кўзини очмайди. Ўқчийди, инкиллайди, бутун бадани ўт бўлиб ёнади. Кампирлар, кун урганга фойда, деб курбақа шўрва қилиб беришди. Аям бир муллани чақириб, уч кун ўқиттирди. Фойдаси бўлмади. Файзулла саккиз кун деганда жон берди. Аям сочини юлиб йиғлади. Укамни хотинлар ўраб-чирмаб берншди. Амаким билан икки чол тезгина обориб кўмиб келишди.

Фарзанд доғи аямни тўшакка ётқизиб қўйди. У ўн кунгача бошини кўтармади. Ахири, аямнинг ота-онаси келиб бизни кўчириб опкетмоқчи бўлишди. Ўрганмаган ерга боришга оёғим тортмади. Бироқ, аям хафа бўлмасин деб айтолмадим. Ночор кўчага чиқувдим, бахтимга Шарифа янгам келиб қолди. У аям билан гаплашиб, мени олиб қолди.

– Рози бўл, болам, – деди аям қўлимни аранг қўйиб юбориб. – Мабодо қийналсанг, тўғри олдимга келавер.

У ортига қараб-қараб кетди. Елкаси силкиниб боряпти. Хўрлигим келди. Хаёлимда мен аямни қайтиб кўролмайдигандек эдим.

Эртасига Мойлисойга, Шамол тоғанинг уйига жўнадим.



## СУТЛИ ГҶЖА КАСОФАТИ



Шамол тоғанинг ҳовли-жойи яхши экан. Олди – катта сой. От чопса бўладиган боги бор. Боғ этагидаги ариқ оқиб ётибди. Бир сигир-бузоғи, ўн-ўн беш товуғи, яна бизникида йўқ кўп нарсалари бор экан.

Тоғанинг хотинига қараб кулиб юборай дедим. У қамишдай узун, ориқ бўлса-да, оғирқарвон. Тоға тарвуздай дум-думалок, шув-шув этиб, пишиллаб юради. Шунинг учун ҳам унга Шамол деб лақаб қўйишибди. Хотини иккаласи ёнма-ён турганда худди «1» би-

лан «0» ни қатор қилиб қўйганга ўхшайди. Тоға билан холанинг болалари йўқ экан. Битта асранди кизлари бор экан, Самарқандгами, бир ёққа узатиб юборишибди.

Шамол тоға ҳам, хотини Кумуш хола ҳам мени очик юз билан кутиб олишди.

– Отинг нима? – деди Кумуш хола.

– Абдурахмон, – дедим оғзимни тўлдириб.

– Кўзларинг мунча қоп-қора экан, – деди у илжайиб, – мен сени Қоракўз дея қолай. Ўлган инингга ўхшар экансан.

«Балокўз десангиз ҳам майли, ишқилиб корнимни тўйдирсангиз бўлди», дедим ичимда. Хола кўнглимдагини сезгандай, бир коса жўхори гўжа олиб чиқиб олдимга қўйди. Яримта зоғора нон билан тушириб олдим.

Кумуш хола тиззамнинг йиртигига бир қараб қўйди-ю ичкаридан эски чит лозим кўтариб чиқди. Лозим кизларники экан. Шундок бўлса-да, ўзимникдан яхши-ку, деб уялибгина кийиб олдим.

– Энди ишингга қара, болам, эртага қўйлак тикиб бераман, – деди хола.

Ховлига чиқдим. Мени бир дунё юмуш кутиб турган эди. Итнинг жунидай бўлиб кетган пиёзни ўтоқ қилиш керак, йигирма қадамча ерни чопиб, кузги сабзи экиш, чалов босган арикни тозалаш, ўт ўриш, бузқни гоҳо-гоҳо жилдириш, суғориб туриш, дарахтларнинг қувраган шохларини синдириб олиб ўчокбошига ташиш... Юрагим орқасига тортиб кетди. Шамол тоғанинг нега «болам»лаб қаршилаганини энди тушундим.

Ишни нимадан бошласам экан, деб ўйланиб қолдим. Кейин тут айрисидаги қўл ўроқни олиб боққа тушиб кетдим. Кўпдан бери ўт ўрмай, пичан ҳидини соғинган эдим. Тушаверишдаги ёш олмазор тагидаги майса тиззадан келади. Мушукқуйруқлар буралиб, почаларимга ёпишади. Оёқларимга муздай сув сачрайди. Олма-лар гулини тўкяпти. Димоғимни ўтқир ёқимли ислар ёриб юбораман дейди. Чалқанча тушиб бирпас ётдим. Тепамда кўм-кўк осмон. Кўзларимни юмиб очаман. Энди осмон ўрнида чакалоқнинг кўзларидай митти гулчалар пайдо бўлади. Бутун олам нуқул гулдан, ёқимли ҳидлардан, ғир-ғир шабададан иборатдек бўлиб кўринади. Тагин кўзимни юмдим. Чеккан бутун азобларим, ёмон кунларим

мана шу олмазор тагида, бижилдок кушларнинг бозорида, асалари-лар парвозида эриб, йўк бўлиб кетаётгандек эди.

Шамол тоғанинг йўтали эшитилмаганда яна анча ётардим. Ирғиб турдим. Кўрққанимдан ётган еримдаги ўтларни сикимлаб юла бошладим. Кейин ўроққа ёпишдим. Шамол тоға бирпас тепам-да турди. Ўроқ уришим маъкул келди шекилли, нари кетди. Ярим йўлдан тайинлади:

– Олдин ўтни ўриб ташла. Кейин, хув боғнинг этагида бир ўрик кулаб ётибди, шуни саржинлаб, уйга ташиб қўясан. Унгача ўтинг хам қурийди. Боғлаб, челга<sup>1</sup> чиқариб ол. Сувда колмасин.

Шамол тоға кетгач, зинғиллаб боғ этагига ўтиб, ҳалиги ўрикни кўриб келдим. Чинордай бўлиб ялпайиб ётибди. Уни арралаш-га кучим етмайди, аммо шох-бутоғини майдалаб олишга камида уч кун керак эди. Шунча ердаги пичанни бир кунда хам ўриб адо қилолмайман. Шамол тоға мени ким деб ўйляпти, эртақлардаги Рустами дoston деб ўйляптими?

Индамай ўроқ чалавердим. Бир вақт Кумуш хола чақириб қолди:

– Хув Қоракўз! Бери кел, болам! Югур!

Ўроқни ташлаб, тепага чопдим. Кумуш хола тешик тос кўтариб турибди.

– Ярим жомгина тсзак териб кел, болам. Нон ёпай десам, тандир ўлгур қуруқ шувоққа кизимайдиган.

Тосни олиб кўчага чикдим. Шамол тоғанинг уйи бир томон-дан қирга туташ эди. Азонлаб далага кетадиган сигир подадан он-да-сонда япалоқ тезаклар коларди. Тосни судраб юриб, уларнинг каттиқ-каттиқларини териб олдим. Тезак тўла тоғорапи ўчоқ олдига кўйиб, бокка тушдим. Қарасам, ўроқ кўтариб Шамол тоға турибди. Важоҳати бузуқ. Қўркиб, сал берида тўхтадим.

– Қаёқда санқиб юрибсан, – деб ўдағайлади у.

– Холам тезак териб кел, деб...

– Холанг мачал<sup>2</sup> эмас, ўзи терсин! – деб бакирди тоға, – тезроқ ўриб, сув қуйиш керак. Бугун-эрта сув менга тегадиган. Ма, мендан бошқа валламмати айтсаям борма!

<sup>1</sup> Чел – марза, уват.

<sup>2</sup> Мачал – шол, чўлоқ.

Яна ўтға энгашдим. Бир вақт сутли гўжа қорнимни гўлдиратди. Лекин Шамол тоға кўрса уришмасин, деб девор орқасига ўтмадим. Қорним бураб оғрий бошлади. Охири чидамадим. Ўрокни отиб, туриб югурдим. Кўшнимизнинг пастак деворидан ирғиб тушаман, деган эдим, кўлим қайрилиб кетди. Кўшалок оғрикка чидамай, гуп этиб ерға йиқилдим.

Анчадан кейин инқиллаб қайтиб келдим. Ўнг кўлимни кўтаролмайман. Зиркираб оғрийдим. Ўтни чап кўллаб ўра бошладим. Бирок, эплай олмадим, ерда диккайиб-диккайиб бир қарич майса чўпак қолиб борарди. Аксига олиб, шувиллаганча яна Шамол тоға келди.

– Менга қара, чопиб тегирмонга бориб кел! Озгина буғдойга ун алишиб келсан.

Мен «хўп» деб энди ўрнимдан турган эдим, тоға чала ўрилган ерни кўрди-ю бақриб берди:

– Бу нима қилиқ?! Ит талаган пўстакдай қилиб ташлабсан-ку! Сўқимдай бўлиб, ўт ўришни билмайсанми? Буёққа бер ўрокни!

У бир текис ўриб кўрсатди.

– Мана шундай қилиб ўриш керак!

– Биламан, – деб мингилладим, – кўлим... Қайрилиб кетди.

Шамол тоға кўм-кўк бўлиб кетган панжамни ушлаб кўрди-ю, ростдан ишонди шекилли, ўрнимдан турди.

– Бўпти, сен ишингни қилавер. Тегирмонга ўзим бораман, – деб жўнади.

Ўтни секин-секин, бир амаллаб ўряпман, ўроққа илипмаган майсаларни кўй чимдигандай битталаб юлиб оламан. Тушгача аранг уч пол ердаги пичанни ўриб олдим. Тушдан кейин иссиғим кўтарилди. Кўлим шишиб кетди. Бир пол ҳам ўролмадим.

Кечқурун Кумуш хола кўлимга шўр пахта қайнатиб боғлади. Эрига қараб:

– Қоракўзни синиқчига обориб келмайсизми? Бечоранинг кўли чиқиб кетган шекилли, – деган эди, Шамол тоға уришиб берди:

– Синиқчига оборишни ўзим ҳам биламан. У фалон пул сўрайди. Халфана пулинг бўлса, бер, олиб борай.

Хола лабини тишлаб, туриб кетди.

Хув ўша қора тут тагида эски бир эшик ётган экан, кечқурун хола ўшанинг устига жой солиб берди. Чўзилдим. Бироқ туни би-

лан оғриқдан қийналиб, ухлолмай чикдим. Қўлим лўқиллайди, дамбадам чанқайман. Гоҳо алахсираб қичқираман...

Эрталаб турсам, Шамол тоға йўқ. Кумуш хола менга дастурхонлик йўл-йўл қизил матодан кўйлак тикиб кўйган экан. Уйга олиб кйриб кийинтирди. Кўйлакнинг енглари икки хил бўлсаям, бутунгина, ўзимниқидан яхши эди. Кўчага чикдик. Хола: «Энди сен ишга ярамайсан, уйингга кетақол», деб жўнатиб юборса керак, деб турдим. Йўқ, у мени бошқа ёққа бошлади. Сойдан ўтдик. Паскам уйларни оралаб боравердик. Бир вақт ёлғиз қора ўтов кўринди. Хола мени тўғри шу ўтовга олиб кирди. Ичкарида бир қозоқ чол юган тикиб ўтирган экан. Хола салом бериб, чолга арз айтди:

– Жаке, манави боланинг кўлини бир кўриб кўясизми, деб опкелувдим. Ўзи бир етим бола. Лекин берадиган ақчамиз йўқ.

Чол бигиз билан тасмани тешаркан, муртида кулиб кўйди, сўнг холага каради:

– Ким айтди мени ақчага кўл салади, деб? Ўнғмаған куёвинг айтгима? Мен татти<sup>1</sup> сўзга-да саламан. Қани, қароғим, бери кел-ши – у мени имлаб чақирди. Бордим. Чол кўлимдаги пахтани олиб ташлади, бошнини чайқади – ўй-боёв, кеча чиғибди-ғўй! – у аста-аста билакларимни силай бошлади. «Кўркма, шундай кўриб кўяман», деб мени овутди. Мен табиб бобонинг ёкимли кўлларини ўйлаб хаёлга кетдим. Шу пайт чол кўлимни силтаб бир тортди. Дод деб юбордим. У ёғи нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, чол яна кўлимни сийпалаб ўтирибди. Кумуш хола эски бир латта билан танғиб боғлаяпти.

Холага эргашиб уйга қайтдим. Қозоқ бобо кўлимни тахтакачлаб кўйган эди. Беш кунгача кўлим бўйнимга осилиб юрди, кейин отдай бўлиб кетдим.



## ҚУЛОҒИ ТИКИЛГАН БУЗОҚ



Кумуш холани яхши кўриб қолдим. Унинг ҳар бир сўзига юз ўмбалоқ ошиб кетишга тайёрман. Кўлига супурги ушласа, тортиб олиб, ҳовлини чиннидай қилиб супуриб кўяман. Кун исиган-

<sup>1</sup> *Татти* – ширин.

да ариқдан кумғонда сув келтириб, дахлизга калин килиб сепаман. Хола дарчани очиб кўяди. Ғир-ғир шабадада ўтириб, қўл машинада кийим тикади. У тузуккина чевар экан. Эски кўйлагидан менга яна бир чалвор тикиб берди. Дадам урушга кетганидан бери чалворим икки бўлмаган эди. Энди бирини ечиб, бирини кияман. Қорнимиз очса, хола қазнокнинг калитини беради. Бир дўппи коқўрик олиб чиқаман. Икковимиз сувга ивиғиб, олмачай билан ичамиз.

Шамол тоға кўпинча уйда бўлмайди. У сахар шошилиб чиқиб кетади-ю, гоҳо пешинда, гоҳо қоронғи тушганда бўғча кўтариб кириб келади. У нима иш қилади, куни бўйи қаерларда юради – билмайман. Бўғча олиб келган кунлари тоға эшик-тешикни бекитиб, алламаҳалгача нимадир санайди. Мен эса ётоғимга кириб кетаман. Ётоқ жойинг қаер, десангиз – тандирбоши. Кечкурун ертандирга ўт ёқилгандан кейин чўғи қолади, тандир оғзига икки тахта кўйиб, устига ўртик<sup>1</sup> ёпаман. Мойлисой тоққа яқин бўлгани учун анча салқин. Қўлларимни ўртикка тикиб, оёқларимни тандирга осилтириб хаёл суриб ўтираман. Тепамда узумдай ғуж-ғуж юлдуз. Совук шамол эсади. Ёнгинамдаги ариқда қурбака қуриллайди. Олисда ит хуради. Шабада кечки гулларнинг ажойиб атрини келтиради. Уҳ тортаман. Ўй сураман. Ўлган онамни, фронтдаги дадамни, бечора Орзигул аямни, Ғайбулла укамни ўйлайман.

Ой чиққан тунлари китоб ўқийман. Аслида бу китоб эмас, Қумуш хола тутантириқ қилай деб ўчокбошига ташлаб кетган эски китобларнинг йиртиқ-сиртиқ варақлари. Шуларни териб олиб, хижжалайман. Бир сафар қўлимга ғалати эртақ тушиб қолди. Етти хуфтонгача ойга солиб пичирлаб ўқидим. Менга ўхшаган бир бола аломат қуш тутиб олибди. Қуш, мени кўйиб юбор, айтганингни бераман, деб болага ялинибди. Бола кўйиб юборибди. Кейин қуш унга очилдастурхон берибди. Бола: «Очил, дастурхон!» деса, тамом, дунёдаги ҳамма ширин-шарбат овқатлар тайёр бўлар эмиш. Бола дастурхонни кўтариб йўлга тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кейин...

Шу ерга келганда варақ йиртилган эди. Жуда хафа бўлдим. Бола бечора нима қилди экан? Очилдастурхондаги ҳар хил овқатлардан

---

<sup>1</sup> Ўртик – кўрпачадек пахталик ёпқич.

едимикан? Қани энди мендаям шунақа дастурхон бўлса, дейман. «Очил, дастурхон!» деб қўйиб, қишлоғимиздаги ҳамма болаларнинг корнини роса тўйғазардим!..

Ўйлаб-ўйлаб, охири шилк этиб ёпоқи ёстикқа кулайман.

Ана шундай қилиб, кунларим ўтаверди. Бироқ камбағални туянинг устида ит қопибди, деганларидай, яна фалокат юз берди.

Бир кунни боғда йўнғичқа ўриб юрган эдим, пуштада ўтлаб юрган бузоқ бўшалиб кетди. Дарров бориб темир қозикқа боғлаб қўйдим. Бир маҳал қарасам, ҳаром ўлгур бузоқ «мў-ў» деб тагин ёнимга келиб турибди-да. Ипидан ушлаб тортдим. Ях, юрмайман, деб туриб олди. Ҳадеб барра бедага бўйнини чўзади. Есанг-еявер, деб кўярдим-у, хом беда, корни шишиб кетса, тагин Шамол тоғадан балога қолмай, деган хаёлда арқонни силтаб тортдим. Бузоқни судрашга кучим етмади. Ўзиям эшакдай келарди-да, жаҳлим чикди. Ўрокнинг орқаси билан бузоқнинг бўйнига бир урмоқчи бўлувдим, лаънати, бошини буриб қолди, ўткир ўроқ ғарч эткизиб бузоқнинг бир қулоғини кесиб тушди. Жон-поним қолмади. Бузоқ «мў-ў»лаб шаталоқ отиб қочди. Арқонга ёпишдим. Думалаб бориб битта олмага маҳкам боғладим. Бузоқ ҳадеб калласини силкитар, гўё қулоғини ярни эмас, юраги узиб олингандай тинимсиз типирчилар эди. У бирпасда ҳаммаёғини қонга булғаб ташлади. Кўрқдим. Бир хаёлим ура солиб қишлоққа қочмоқчи бўлдим. Кейин ҳийла ишлатдим. Шартта чолворимнинг бир почасини йиртиб, уйга чиқдим. Шамол тоға лунжини шишириб чой ичиб ўтирган экан. Кумуш холадан игна-ип сўраб олдим. Ўчоқбошидан гугурт ўғирлаб липпамга қистирдим. Йўлдан бир бўлак кигиз топиб, боққа тушдим. Бузоқни олмага қапиштириб, чандиб боғладим. Кейин машина ипни тўрт қаватлаб эшдиму ерда ётган ярим қулоқни олиб, ўрнига ямай бошладим. Этикчининг боласи эмасманми, ямоғим балодай чикди. Кигиз бўлагини куйдириб, қулоқни боғладим. Қон тўхтади. Бир пақир сув опкелиб, бузоқни суғордим, уст-бошимни ювдим, иккаламиз ҳам топ-тоза бўлиб олдик. Бузоқ анча тинчиб, ўтлашга киришди.

Бу ёғини-ку, бир амаллаб тўғриладим. Лекин кечкурун сирим очилмасмикан, деб чўчиб турибман. Бузоқдай расвоси бўлмайди. Онасини эмаётганда калласини ликиллашиб ямоқни кўчириб юборса, Шамол тоға мени уриб ўлдиради, деб юрагимни ховучлайман.

Аммо кечкурун, энди сигир соғадиган пайтда кимдир келиб тоға билан холани таъзияга айтиб кетди. Уларнинг бир туғишгани ўлган эмиш. Ўз вақтида ўлиб, мени қора калтақдан қутқарган бу кишига бир қувондим, бир қувондим.

Тоға эшикка етганда тайинлади:

– Бугунча бузокни эмизақол. Кейин қимирламай ўтир. Биз кечкурун қайтамыз. Уқдингми?

Қувонганимдан: «Хўп бўлади, тоғажон!» деб юбордим.

Эртасига чиноқ бузокни яхшилаб парвариш қилдим. Икки марта кигиз куйдириб қулоғига босдим. Тез-тез суғориб, барра майсалардан бериб турдим. Зора, тикилган қулок тезроқ битса. Зора, Шамол тоға ҳийламини сезмаса. Қаёқда! Тиришиб ўлгур бузокнинг бир қулоғи сўлиган ўтдай шалпайиб турарди.

Ичимни ит таталаб кун ботишини кута бошладим. Бир пайт хола тепадан туриб қичқирди:

– Қоракўз, хув! Сигир келди-и! Бузоғингни олиб че-ек!..

Бузокни ечиб, қўйиб юбордим. У шаталок отиб ҳовлига чопди. Мен арқонга ёпишиб, изидан югурдим. Бузоқ борасолиб онасининг елинига ёпишди. Мен етти-саккиз кадамча берида турибман. Чунки биламан, бузокни сигирдан айириб ололмайман. Арқонга бўй бермайди, қулоғидан чўзишга қўрқаман.

– Ҳай, шунча сўрганинг етар, шумшук, – деб Қумуш хола бузокни чап қулоғидан ушлаб бир тортган эди, ямалган қулок тир-р этдию узилиб кетди. Хола «вой!» деди, ялт этиб менга қаради. Бехтиёр бир кадам орқага чекиндим. Бузоқ калласини сарак-сарак қилди, атрофга қон сачради. Бунинг устига қайси гўрдан ҳам Шамол тоға келиб қолди. У хотинининг қўлидаги ёрти қулокни кўрдию гапга тушунди. «Ҳа, бўйнинг узилгур!» деб ердан узун сўта олиб қувди. Бокқа қараб қочдим. Тоға лапанглаб қувяпти, мен дингиллаб қочяпман. Тўғри бориб ўзимни боғ этагидаги анҳорга ташладим. Узоқдан тоғанинг: «Сен қайтиб кўзимга кўрингин, у қўлингням синдираман!» деб бақиргани эшитилди.

Анча ергача сузиб бордим. Кейин, сувга тушган мушукдай шумшайиб кирғоққа чиқдим. Бир тошга ўтириб дам олдим. Кийим-бошимни ечиб, сувини сиқдим. Салқин тушди. Этим жунжикди. Қорним очди. Тўйгунча йиғладим.

Қоронғи тунда юлдузларга қарай-қарай эшак йўлдан юриб, кишлоққа етдим. Тўғри мазористонга бориб, ўзимни онамнинг кабрига ташладим. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибман.

Бир вақт кимдир туртади. Кўзимни очсам, гўристон ёнида турадиган Машарип тоға экан. У мени уйига олиб борди, бир бурда арпа нон билан иссиқ чой берди. Жонимни чакириб олдим. Кун кўтарилганда амакимларникига бордим. Дарвозадан шундоқ кирсам, ташки ховлида Шамол тоғанинг эшаги турибди. Шартта оркамга қайтмоқчи эдим, Шарифа янгам чиқиб қолди. У мени суйиб-эркалаб ичкарига олиб кирди. Тўрда гумбаздай бўлиб Шамол тоға ёнбошлаб ётибди. У мени ёмонлай бошлаган эди, янгам жеркиб ташлади:

– Бир етимни шунча хўрлайсизми? Эгам билиб сизни тирноққа зор қилиб қўйган. Агар энди чертганингизни эшитсам, мендан яхшилиқ кўрмайсиз!

Тоға синглисидан кўрқади шекилли:

– Ҳа бўпти, энди арзандангни бошимизда кўтариб юрамиз! – деб ўрнидан кўзгалди.

У мени опкетгани келган экан. Мойлисойга сира оёғим тортмайди. Бироқ Орзигул аямникига ҳам боришни хоҳламайман. Амакимникида қолай десам, янгам бошимни силаб, алдаб турибди:

– Борақол, кўзим. Тоғанг энди хафа қилмайди. Ҳадемай уруш тўхтайти. Даданг келади. Кейин уйга қайтасан...

Ноилож Шамол тоғага эргашдим. У ҳанғи эшагини миниб йўртиб кетди. Мен яёв изидан тушдим. Югуриб етолмайман. Тоға гоҳо: «Келяпсанми?» дегандай қайрилиб қараб кўяди.

Мойлисой ўригача чопқир эшакка кучукдай эргашиб бордим. Қишлоққа кираверишда тоға одамлардан уялдими, мени орқасига мингаштириб олди.

Шундай қилиб, тағин тандир бошидаги жойимни эгалладим.



## ЎРИКФУРУШЛИКНИ БОШЛАДИМ



Ёз келди. Ўша йили Шамол тоғанинг ўриги яхши ҳосил қилган эди. Тоғанинг Самарқанддаги асранди қизи ҳам кўчиб келди. Унинг куёви бултур урушга кетган экан, бомбанинг тагида қолиб ўлибди.

Йигирма ёшлардаги Ҳакима деган бу бева келинчак лўлидай коп-кора бўлса-да, чиройли эди. Ўзи жиккаккина, бидирлаб гапирди, ерни тешиб юбораман деб тарс-турс юради. Хуллас, икковимиз ўрикфурушлик қила бошладик.

Азонлаб тоға, хола, Ҳакима опам – тўртовимиз бокка тушамиз. Мен ўрикка чиқаман, қолганлар ерда сўзана тутиб туришади. Мен аста-аста дарахтни силкитаман. Қаттиқрок силкитсам: «Бўлди, туш энди, хомини тўкасан» деб тоға уришиб беради. Пастга сакрайман. Кейин тўртовлашиб эзилган ўрикларни бир дастурхонга териб оламиз (қишда туршак фалон пул, дейди тоға). Бутунларини авайлаб пакирларга жойлаймиз. У икки пакирни хуржунга солиб, эшакка ортиб беради. Ҳакима опа билан эшакка мингашиб йўлга тушамиз. Ортимиздан тоға:

– Ҳой, секинрок юрларинг, ўрик эзилса, нархи тушиб кетади! – деб кичкиради. «Хўп-хўп»лаб Хонтоғига қараб кетамиз. Хонтоғи – тоғаникидан етти-саккиз чакирим келадиган кичкина шаҳарча. Илгари бу ерда қирк-эллик чоғли уй бўлар экан. Уч-тўрт йил бурун қандайдир қон очилибди. Шундан бери одам босиб кетган. Ҳатто тор изли темир йўл ҳам олиб келинган.

Мен Ҳакима опа билан ҳали тузукрок танишганим йўқ. Шунинг учун ийманибгина эгарнинг қаптолидан ушлаб кетяпман. Бир вақт Ҳакима опа қўлини орқасига чўзди, пайпаслаб менинг қўлимни топди-ю белини кучоклатиб қўйди.

– Мени ушлаб ўтир, Қоракўз, қулаб тушасан.

«Балониям қуламасман», дедим ичимда, лекин ноилож унинг қорнини кучоклаб ўтирдим.

Бозорга келиб, ўригимизни туширдик. Бозор кичкина бўлса-да, одам деганингиз чумолидай кўп экан. Вағир-вуғур, вижир-вужур! Улар худди минг бир тилда чулдираётган бижилдок қушларни эслатарди. Ҳакима опа пакирларни очиб қўйди, мен товушим борича кичкира бошладим:

– Падҳади народ! Свой агарод! Палавина сахир, палавина миёд!.. – Ҳакима опа кулиб юборди.

– Бало экансан-ку! Қаёқдан ўргангансан?

– Бир марта дадам билан Туркистонга, бозорга борганман. Шунда эшитган эдим. Қичқираверайми, опа?.. Падҳади народ! Ислаткий ўрук!

Тепамда турган сап-сарик киши жеркиб берди:

– Мунча чийилладинг? Кўриб турибман, тарвуз эмас, ўрик сотяпсан... – Кейин у битта ўригимизни еб кўрди-ю: – Ярим кило торг, – деди. Ҳақима опанинг кўли дарров тарозига югурди.

Хуллас, бакириб-чакириб ўтириб икки соатларда ўрикни пуллаб олди. Кейин Ҳақима опа билан шарбатли сув ичдик, ичига нўхат солинган япалок сомсадан иккитадан едик. Қолган пулни Ҳақима опа кўйнига бекитиб қўйди.

Яна эшакка мингашиб, бўш пақирларни даранглатиб уйга кириб келдик. Шамол тоға пулни санаб олди. Кўнгли тўлганини афти айтиб турибди-ю, лекин бари бир: «Ўрик шунча арзон эканми, менга килоси йигирма икки сўм дейишган эди-ку?» деб тўнгилади. Ҳақима опа бир четга қараб бурнини жийирди.

Учинчи марта бозорга борганимизда Ҳақима опа мени гапга солди:

– Қорақўз, у куни кўрдинг. Шамол ўлгур оборган пулимизга ишонмаяпти. Мана сенга ишонмасанг, деб бугунги тушумдан озгина яшириб қолмаймизми?

– Билиб қолса... уради-да? – дедим кўрқа-писа.

– Балони биладими?! – деб шипшиди Ҳақима опа. – Нега пуллари оғир, оз деса, ўрик арзонлабди, деймиз. Майлими? Мен-чи, сенга ғалати қаламтарош олиб бераман. Ўзи очилиб, ўзи ёпилади.

«Ўзи очилиб, ўзи ёпиладиган» қаламтарошни эшитиб, рози бўлдим. Кунлик тушумдан озгина уриб қолиб, уйга кириб бордик. Тоға ўғирлаганимизни пайқаганми, ўшқириб берди:

– Бу не қилик! Тунов куни пачаки ўрикни фалон сўмдан сотдиларинг, энг сарасини сув текинга бердингларми?

– Бозор яхшигина арзонлабди, – деди Ҳақима опа пинагини бузмай, – ишонмасангиз, эртага ўзингиз боринг-да, сотиб кўринг.

Эртасига Шамол тоға бизни текширгани бозорга йўртди. Биз уни атайлаб ўрик кўп ерга бошладик. Бахтимизга, шу куни узоқ қишлоқлардан ҳам пақир-пақир мева-чева келиб, ўрикнинг нархи жуда пастлаб кетибди. Тоғанинг дами шартта қирқилди. Бизнинг эса отимиз чопиб қолди. Ҳақима опам икковимиз кунига ўлдим деганда ўн-ўн беш сўмдан уриб қола бошладик. Сал кунда жамғармамиз минг сўмдан ошиб кетди. Мен бу пулларни

Ҳакима опам нима қилар экан, деб ҳайрон эдим. Бир куни ўзидан сўрадим.

– Кийим олиб ясанаман! – деди у сакични чапиллатиб. – Дунёдан шунака тоқ ўтиб кетармидим? Эрга тегаман! Шамолингни бошига болиш бўлмоқчимасман!

У энгил-бошини тузатиб кўзларини сузди:

– Мени манаман деган йигит олади. Чиройлиман-а? Ё чиройли эмасманми?

– Чиройлисиз, – дедим мен унинг тутаб турган шахло кўзларига бокиб, – фақат... оёғингиз сал ингичка-да...

Ҳакима опа шарақлаб кулди:

– Вой кўрим-эй!<sup>1</sup> Сен ўлгур семиз оёк билан орик оёкнинг фарқини қаердан била қолдинг? Хўкиз бола туғибди деса, қорами, олами, деб юрибсан-да!

– Бекор айтибсиз! – дедим ўжарлигим тутиб. – Хўкиз туғмайди, сигир туғади!

Ҳакима яна қикирлаб кулди.

Бора-бора бу ўтдай жувон билан иноқлашиб кетдик. У мени тан-дир бошидан тушириб, ёнига олди. Энди икковимиз бокқа тушаверишда, токзор тагидаги ёғоч сўрида ётадиган бўлдик. Ҳакима опа мени эски қуроқ кўрпача билан яхшилаб ўраб қўяди, ўзи тўшагини тешиб ташлаб, осмонга қараб ётади. Кечаси билан менга эртак айтиб беради. Бир маҳалланинг одамани кўтариб учадиган гиламлар, сувга тушса қиз бўлиб, сувдан чикса каптар бўлиб қоладиган парилар, қорнини ишқаласанг, қилич-қалқон кўтариб сон минг аскар чиқиб келадиган аломат кумғон ҳақидаги эртакни эшитиб, танг қоламан.

Бир сафар Ҳакима опа менга дадасини йўқотиб қўйиб, юртма-юрт излаб юрган бола тўғрисида эртак айтиб берди. Илгари билмас эканман, Ҳақиманинг оёғи хунук бўлгани билан, овози чиройли экан.

Баланд-баланд тоғлар келади.

Ундан қандай ўта-арсан, Собиржо-он?

Қалин-қалин боғлар келади,

Ундан қандай ўта-арсан, Собиржо-он? –

дея чўзиб, секин қўшиқ айтганида кўзларимга ёш келиб кетди.

<sup>1</sup> Кўрим – лапашанг, анқов.

Ундан кейин Ҳакима опа ошиқ-маъшуклар ҳақида чўпчак бошлади.

– Энди ухла, – деди сўнгра, – мен бирпас хаёл сураман.

Ҳакима кўзини юмиб олиб хаёлини суриб ўтирганини кўриб, мени уйку элита бошлади. Бир пайт нимадандир чўчинкираб, мундоқ ёнбошимга ўгирилиб қарасам, опамнинг кўзидан милт-милт ёш оқа бошлади. Кейин овозини чиқариб пиқиллашга ўтди. Сўнг шўрлик жувон росмана хўнграшга тушди...

Ҳакима урушни, Гитлерни, шум тақдирини қарғаб-қарғаб, анчагача йиглаб ўтирди. Кейин ариққа бориб юзини ювиб келди-да, кўрпага кириб бошини буркаб олди. Мен тонг отгунча мижжа қоқмадим. «Асли, дунёдаги энг ёмон одам Гитлер экан-да, – дейман ичимда. – Мени дадамдан айириб, уйма-уй сарсон қилиб кўйди. Ҳакима опанинг куёвини ўлдирди. Қани энди, ҳалиги сеҳргар кумғон кўлимда бўлса! Қорнини бир нишқаласаму қилич яланғочлаб зўр-зўр аскарлар чиқса! Ҳалиги учар гиламга миниб, тўғри Гитлер ўтирган чодирга борса! «Мана сенга, Ҳакиманинг куёвини ўлдирганинг учун! Мана сенга, Абдурахмонни тентиратиб кўйганинг учун!» деб Гитлерни қийма-қийма қилиб ташласа!..»

Ҳакима опанинг Собиржон бола тўғрисидаги эртагидан кейин юрагим ўртаниб, дадамни қаттиқ соғина бошладим. Нима қилишни билмайман. Бу орада Шамол тоғанинг қўшниларидан иккитаси урушдан ярадор бўлиб қайтиб келди. Улар кеча поезддан тушишибди. Ҳозир шаҳардан эшелон-эшелон одам ўтаётганмиш. Миямга ярқ этиб бир фикр келди: ўша аскарларнинг ичида дадам ҳам бўлсачи! Яхши урушгапи учун эҳтимол командарлари уйга бориб келишга рухсат бергандир? Бор, Абдусалом, болаларингни кўриб ке, улар сени жуда соғиниб кетди, дегандир?

Нима қилиб бўлса-да, станцияга боришни кўнглимга тугиб кўйдим. Агар дадам уйга келса, бошлаб келаман, бир ёққа ўтиб кетаётган бўлса, кўриб, дийдорига тўйиб қоламан.

Шамол тоғага: «Туркистонда ўрик бозори чаққон экан, сотиб келай», деб баҳона қилдим. У кўнди. Аммо, «Пақирга эҳтиёт бўл! Ақчани йўқотиб қўйма!» деб юз марта тайинлади. Икки пақир оқуруғни кўтариб йўлга тушдим. Машина деганнинг қораси кўринмайди. Яхшиям, Хонтоғининг кичкина поезде бор экан, шун-

га ёпишдим. Шаҳаргача икки соатдан мўлроқ юрдик. Бироқ, «Етим поезд» мени бир четда тушириб кетди. Бозоргача камида тўрт чақирим эди. Пақирлар кўлимни кийиб юборай дейди. Дам олиб-дам олиб, кафтимга пуфлай-пуфлай аранг етиб бордим. Бахтимга, менинг ўригим харидорбоп чикди. Ҳаш-паш дегунча бир пақирни бўшатдим. Иккинчисини энди очиб турсам, тепамга кўзлари бодрокдай, семиз бир киши келди.

– Пақир билан оламан, қанчага берасан? – деди битта ўрикни еб кўриб.

– Билмасам...

– Икки юз сўмга розимисан?

Ўйлаб қарасам, бир пақир ўрикни бир юз тўксон сўмга сотибман, бу киши икки юз бермоқчи! Унинг устига, поезд йўл яқин шекилли, паровоз ду-дутлаб кўнглимни алағда қияпти. Худди «Тезроқ бўл, Абдурахмон, даданг кетиб қолди!» деб гудок чалаётгандек.

– Яна озгина кўшинг, – дедим мўлтираб.

– Муштдай бўлсанг ҳам тош туйлак<sup>1</sup> экансан, бор, икки юз йи-гирма сўм! – деди бакалок. Шартта пулни санаб олиб, бўш пақирни билакка илдим. Бир буханка нон сотиб олиб, ғажиганча станцияга караб чопдим.

Станцияда одам кўп экан. Буханка нонни бир четидан кемириб у ёқ-бу ёққа юриб турдим. Бир вақт пиш-пишлаб поезд келди. Ҳамма вагонга ёпирилди. Мен ҳам югурдим. Кичкина, кир деразалардан соч-соқоли ўсиб кетган, кўзлари ғалати кишилар тикилиб турибди. Бировлари пилотка кийган, бировлари ярим яланғоч. Кун иссиқ-да. Поезд зинасида қоп оркалаб, ерга тушмоқчи бўлиб турган аскарлар ҳам бор.

Мен, поезд тезроқ тўхтасайди деб интизор бўлиб турдим. Бироқ у тўхтамади. Секинлаб келди-ю, гудок чалиб, тагин тезлаб кетди. Поезд секинлаганда қоп оркалаган беш-олти киши ўзини таппа-таппа ерга ташлади. Мен бир-бир босиб уларга яқинлашдим. «Амаки, менинг дадамни кўрмадингизми?» демоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эдим, поезднинг очик деразасидан кимдир «Абдурахмо-он!» деб кичқирди. Мен жонҳолатда

---

<sup>1</sup> Тош туйлак – туллак, айёр.

ўша томонга югурдим. Қокилиб йикилдим. Пакир билан нон бир ёкка учиб кетди. Турасолиб «Дадажо-он!» деганча олға интилдим. Поезд жадаллаб боряпти. Мен ҳам бор кучимни тўплаб югуряпман. Ҳалиги овоз олисдан яна «... раҳмо-он!...» деб чақирди. Мен йиғлаб, товушим бўғилиб, «Да-да...жо-он...» дея чопавердим. Бироқ учкур поездга етолмадим. Шақиллаб кетиб қолди. Охири умидимни уздим. Поезднинг кораси ўчгунча мўлтираб қараб турдим, кейин йиғлаб-йиғлаб изимга қайтдим. Станция бўм-бўш. Пакир ҳам, нон ҳам йўқ эди. Бу – дард устига чипқон бўлди. Яхшиям пулни белбоққа тугиб, белимга боғлаб олганим. Бўлмаса, Шамол тоға нақ ўлдирарди.

Хонтоғиннинг «Етим поезди» билан намозгарда шумшайиб уйга қайтдим. Шамол тоға пакирни сўради. Йўкотиб қўйганимни эшитгач, калтак олиб қувлади. Мен кишлоғимга қараб қочдим. Шу кетганча Шамол тоғаникига қайтиб бормадим.

## ҚОРАТОВ

Ғира-шира қоронғида кишлоққа кириб бордим. Кўча оғзида катта бир тошга ўтириб ўйланиб қолдим: «Тўрт тарафим қибла. Қайга борсам экан?» Бир кўнглим, тўтри Орзигул аянгнинг олдига боравер, деди. Бироқ оёғим тортмади. Унинг ота-онаси қанақа одамлар экан? «Ҳа, етимча, сен ҳам келдингми, кўзимиз учиб турувди», дермикан... Абдуқодир амакимникига йўл солайми? Йўқ, амаким урушга кетган. Шарифа янгам беш боланинг оғзини аранг алдаб ўтиргандир. Борсам, кел, деб бошимни силайди-ю, лекин бари бир, янгамга қолса, менинг Шамол тоғаникида юратурганим дуруст.

Секин ўрнимдан турдим. Ке, бугунча Ниёз бобоникида ётақолай, тонг отса бир гап бўлар, дедиму бир-бир босиб ташландиқ ховлимизга қараб кетдим.

Қирдан тушиб, энди кўчамизга бурилганимда ортимда эшагини «хих-хих»лаб келаётган бир қора кўринди.

– Ҳўв, Занги бува! – деди. Қарасам, синфдошим Соли лайлак. У кейинги пайтда молхонага ўралашиб қолганим учун менга «Занги бува» деб лақаб қўйиб олган эди.

Тўхтадим. Соли лайлакнинг оёқлари ерга тегай-тегай деб турибди. Худди ўрнидан тургандай, секин бир оёғини кўтариб эшакдан тушди.

– Кўринмайсан? – деди у қўлимни олиб. – Бир сўрасам, Мойли-сойда экансан. Қачон келдинг?

– Ҳозир.

– Юр, пасттегирмонга тушиб чиқамиз. Қўштегирмонга борсам, тош синиб ётибди. Уч-тўрт кило буғдой бор эди, унга алмашиб чиқамиз.

Солига мингашдим. Лўкиллаб пасттегирмонга кетдик. Бироз юргандан кейин Соли лайлак сўраб қолди:

– Абдураш, дадангдан хат келиб турибдими?

– Ҳар замонда. Ёзда газетага тушган бир сурати келувди, шу-шу жим. Ўзингни даданг-чи, юрибдими?

Соли негадир уф тортиб кўйди.

– Юрибди... Ё тузалмайди, ё...

– Нега унақа дейсан? – деб унинг бикинига туртдим. – Бир куни яхши бўлиб кетар.

Соли эшактаёқ ушлаган қўлини силтади:

– Э, унгача уруш ҳам босилади!

Жуда қизиқ-да шу лайлак ўртоғим. Биласизми, нега унинг жини кўзияпти? Солининг дадаси қирқдан энди ўтган, ориқроқ бўлса-да, миқти киши. Урушгача у эл қатори чопкиллаб юрган эди. Уруш бошланди-ю Алимкул тоға бир дардга йўлиқди. Ўнг оёғига сизловукми-ей, бир бало яра чиқиб, оқсок бўлиб қолди. Ҳозир қўлтиктаёқ билан юради. Бунга Солининг ғаши келади. Дадамнинг касали ёлғон, деб ўйлайди. Жинни-да. Алимкул тоға унақа соғ оёғини чўлоқ қилиб, урушдан қочадиган кўрқоқ эмас. Агар у кишининг оёғи чиндан касал бўлмаса, дўхтирлар ҳам унга оқлов қоғози қилиб бермасди.

Шу куни ўртоғимникида ётиб қолдим.

Эрталаб Солининг аяси: «Болам, ўртоғинг билан бориб, холангни катта урчуғини олиб кел», деди. Соли икковимиз Чоштепага кетдик. Чоштепа икки маҳалла нарида. Урчуқни олдиғу, иссиқ кунда катта кўчани чангитиб юрамизми, деб боғ оралаб қайтдик. Кичкина ариқ бўйидаги олчазордан ўтиб, Солиларнинг ховлисига тушдик.

Қарасам, бир гала товук қақаглаб боғ томонга қочяпти. Алимқул тоға қулочини керганча товукларни қувлаб юрибди. Қўлтиғида ғирчиллаб турадиган таёғи ҳам, қўлида ҳассаси ҳам йўқ. «Кишт! Кишт-э, қирон келгур!» деб товукларнинг олдини тўсиб югуради. Биласиз, товук учолмагани билан жуда тез югуради. Унга оқсок одам тугул, Солидай оёғи узун болалар ҳам етиши қийин. Алимқул тоға худди соппа-соғ одамдай у ёқдан-бу ёққа зув-зув чопқилларди. Мен хайрон бўлиб тўхтаб қолдим. Соли бир қизарди, бир оқарди. Чндамай бакириб юборди:

– Дада!

Алимқул тоға ялт этиб бизга қаради. Бирдан қовоғини солиб, жеркиб берди:

– Эшик очик эканми? Қайдан кирдинглар?

– Тешикдан! – деди Соли негадир аччикланиб. Кейин тез-тез юриб бориб, қари тутнинг айрисидан дадасининг қўлтиқтаёғини олиб келиб берди. Алимқул тоға оқсоқланиб уй тарафга кетди. Ярим йўлда ўгирилди.

– Анави лаънатиларни камаб қўйинглар! Тарик экилган ерни таталаб ташляпти.

Соли иккаламиз товукларни хайдаб, бирпасда катагига қамаб қўйдик.

Ўртоғимнинг қовоғи очилмади. У худди мендан аразлагандай тесқари қараб туриб олди. Мен ерда ётган узун теракка ўтирдим. Тепамдаги оқ ўрик хазон бўлаёзган эди, ости билан бир бўлиб туршаклари сочилиб ётибди. Уч-тўрт туршакни териб олиб шимдим.

Ичкаридан Алимқул тоғанинг юмшоқроқ товуши эшитилди:

– Мамасоле-е! Мунда ке, болам!

Соли индамай ёнимдан ўтди. Беш-олти қадам юриб, калласи билан мени имлади. Ўрнимдан турдим.

Ўртоғим бўсағага бориб тўхтади. Алимқул тоға оёқларини уза-тиб уйнинг қоқ ўртасида ўтириб олибди. Касал оёғининг почаси шимарилган. Бизни кўрди-ю, тоға кўлларига суяниб чалқайди.

– Ҳаҳ, лаънати оёғ-а! – деди афтини бужмайтириб. – Икки кадамгина таёқсиз юрганнимга тутиб қолди қайта. Анави... томдағи мойингдан олиб туш, болам, бир силаб кўрай-чи...

Соли томга чиқиб кетди. Мен ичкари кириб, тоғанинг ёнига чўккаладим. Унинг ўрик ёғочидай қорамтир, бақувват оёғига қарадим.

– Ёмон оғрияптими?

– Ў, ёмон... ёмон, – деди тоға оёғини ерга тап-тап уриб, – нима-сини айтасан. Им-м...

– Бошида нима қилган ўзи?

– Шу, сув суғориб юриб топдим. Бултур бир хафта сувдан чиқмай далада буғдой суғордим. Қайнарбулокнинг муздай суви-да, чалди-кетди. Бўлмаса, ёғоч таёққа осилиб юриш шунчалик зарил-миди? Йигитларнинг хўрози урушда, Гитлер билан олишиб ётибди.

Соли томдан кир латтага ўралган бир нима олиб тушди. Алимкул тоға латтани авайлаб очди. Ёнғоқдек келадиган сарғимтил ёғ экан. Тоға ундан данакдай узиб олди. Бармоқлари билан эзиб-эзиб болдирига сурта бошлади. Димоғимга олтингургуртга ўхшаган сассик хид урилди. Ўкчиб юборай дедим.

– Нима бу ўзи, тоға? – дедим кўлим билан оғзимни тўсиб.

– Бўрсик мойи эмиш. Кўкламда бир қозоқ мергандан олувдим. Бир-икки ой силасанг, отдай бўлиб кетасан, деган эди. Алдаганми баччағар, фойдасини билмадим. Қани энди, кашкирнинг ичмои бўлса. Йўк-да. Қашкир мойи етти йиллик чўлоқни ҳам бўридай югурик қилиб юборайди.

Ховлида ит вовиллади. Соли ташқарига чиқиб кетди. Менинг бошим қотди. «Бир иложини қилмасак бўлмайди, – деб кўйдим ичимда, – тоға шўрликка ёрдам бериш керак. Бир томондан оёғи тиндирмай оғривса, бир ёғи, худди урушдан қочиб юрган одамга ўхшаб хижолат тортса! Нима қилиб бўлса-да, кашкирнинг ичмо-йини топиш керак».

Кечкурун сойбўйига тушдик. Сой лим-лим тўлиб, жимирлаб оқяпти. Қирғоққа ўтириб олдик. Кафтдай-кафтдай кичкина ялпок тошларни сувга отиб «қаймоқ» қилиб ўйнадик.

– Лайлак, – дедим Солининг бикинига туртиб, – сен бекор-га отангдан ўпкалаб юрибсан. Қовоқ-тумшуғингни осилтиргун-ча каллангни ишлат. Тоғамнинг оёғи бутун бўлса, таёққа суяниб ҳақкалаб юрармиди? Аллақачон урушга кетарди. Унгаям осон тутиб бўлмайди. Хуллас, кашкир мойидан топиш керак.

– Жиннимсан? Қайдан топаман? Бозорда сотмаса...

– Тўғри айтасан, бозорда сотмайди. Қишлоқда овчи колмади ҳисоб. Қўйга кирон келтиради, от, деса отавериб бўри зотини кириб юборишди. Нима қилдиг-а, лайлак? Менга қара, Қоратовга бориб келсак-чи?

Соли ишшайиб мени масхара қилди:

– Зинғиллаб бориб кел! Анув қирга чиксанг, Ғиркўк от кишнаб турибди. Шартта миначасану учасан. Қашқирнинг арслони қачон Абдурахмон полвон келиб ичмойимни олар экан, деб қорнини ёриб турган бўлса керак. Ўзинг ҳам қип-қизил афандисан-да!

Шу пайт тоғ тарафдан гуриллаган товуш эшитилгандай бўлди. Сакраб турдим. Сойкўчанинг бошида чапг-тўзон кўтариб келаётган қора машина кўринди.

– Ана, лайлак! – деб ўртоғимни енгидан тортдим. – Гапингни фаришталар эшитганми, Ғиркўк отни юборибди.

Лайлак эриниб кўзғалди. Қўлини пешонасига қўйиб, кўча бошига тикилиб қолди.

Ҳаш-паш дегунча машина етиб келди. У йўлдан чикди-ю сувга тумшуғини тираб гумбураб тўхтади.

Кузови шотилик аравадан салгина катта бу машина ҳозирча қишлоғимизда ягона. У ҳам колхозники эмас, шаҳарники. Адашмасам, у биринчи марта кеч кузда келди қишлоғимизга. Унгача колхоз соғилган сутни шаҳарга аравада ташиб берарди. Кейин район катталари колхоздан сут ташигани мана шу машинани кўйишди. Шу-шу, қорақўнғиздай тўмпок, қоп-қора машина кўча чапгитиб ҳар куни келадиган бўлди. Биздан, ён-веримиздаги колхозлардан хум-хум сут ортиб, намозгарга яқин қайтиб кетади.

Машина ҳозир тўғри Қоратовдан келиши экан. Кабинадан милтиқ ушлаган бир аскар билан ёшгина шофёр йигит тушди. Аскар йигит милтиғини бизга кўз-кўз қилиб, машинанинг олдига суяб қўйди. Кейин шериги иккови тез-тез ечина бошлади. Қўйлақларини милтиқ найзасига илиб, ўзларини сувга отдилар.

Улар бир муддат чўмилиб, сувдан чиқишганда шофёр йигитнинг олдига бордим.

– Ака, эртага бизниям тоққа ола кетмайсизларми?

– Тоғда нима қиласанлар?

– Акамни кўриб келмоқчийдим.  
– Аканг ким?  
– Тўлабой. Яқинда фронтдан келган-чи, танийсиз. Бир кўзига қора латта боғлаб юради.

– Э, уми? – деди шофёр. – Танийман. – У аскарга қаради: – Ола кетамизми? Бир тоғни кўриб келсин болакайлар.

Аскар ҳам қув экан, кўзини қисди:

– Майли. Бир пақирчада ўрик териб кўйишса, мен розиман.

– Пақирчада эмас, каттакон пақирда ўрик берамиз! – деб юбордим қувонганимдан. Нега десангиз, бутун хаёлим бир амаллаб тоққа етиб олишда. Тўлабой акага йўликиб, шундоқ-шундоқ, Алимкул тоғанинг дардига дармон дори ахтариб чиқдик, десак, у йўқ демайди. Ернинг тагидан бўлса-да, кашқирнинг ичмойини топтириб беради. Тўлабой ака бировга яхшилик қилса, ўзи хурсанд бўладиган йигитлардан.

Шундай қилиб, келишдик. Биз азонлаб Соли билан сой бўйига тушиб турадиган, акалар ола кетадиган бўлишди.

Шофёрнинг оти Тожимат, аскарники Темир экан. Эрталаб улар айтган вақтларида келишди. Лип этиб машинанинг тепасига чиқдиг-у тушга яқин омон-эсон Қоратовга етиб бордик.



## МАЛҲАМ ИТГА ЕМ БЎЛДИ



Томоша қилсанг – товга чиқ, дерди кексалар. Рост экан. Қоратовни умримда кўрмаган эдим. Соли икковимиз икки кун мирикиб томоша қилдик. Бизнинг колхозга қарашли сигирлар Мингўрик деган катта яйловда боқилляпти. Аммо ўзиям жуда чиройли ерлар экан. Пастда гувиллаб тип-тиниқ сой оқади. Сой бўйида қатор-қатор олмурут, жийда, тоғолча. Қишлоқда олма-ўрикнинг хазони тўкилай деб қолди-ю, бу ёқда кўксултонларга энди ранг кирибди.

Қаёққа қарасанг – осмонга таралиб турган тоғ, тоғ, тоғ... Соли кўлини оғзига қилиб «Абдура-аш!» деган эди, «а-аш-ш» деб товуш қайтди. Кейин мен қичқирдим: «Хув, лай-ла-ак!!!» Сой тарафдан кимдир «ла-а-ак – ла-а-ак – ла-а-ак – ла-а-ак», деб анчагача овоз бериб турди.

Тўлабой ака сойга тушаверишга, текис бир майдонга ўтов тикиб олибди. Ўтовдай маза жой бўлмаса керак дунёда. Ичига кириб, кера-

ганинг бир четини озгина очиб кўйсангиз, ғир-ғир шабада эсади. Лекин тунда, совукдан этингиз жунжикиб ётолмайсиз. Шуниси чатоқ. Чанғарак-туйнукдан то сахаргача юлдузлар сизга кўз қисиб туради. Тоғда юлдузлар шунақаям тиник, шунақаям ёруғ кўринадики, ҳар бири тилла узукдай ярқирайди.

Менга тоғнинг ёккан бир жойи шуки, бу ерда кунига бўлмасада, кунора дувиллаб ёмғир ёғиб ўтар экан. Осмонга шапалоқдай булут чиқса, тамом, ҳаш-паш дегунча шатирлаб ёмғир қуяди. Соли икковимиз ўтовга югурамиз. Бироқ ўтовга етмасимиздан ёмғир тўхтайди. Ёки бир ёқда чараклаб офтоб чикиб тураверади-ю бир ёқдан оппоқ ипдай чўзилиб ёмғир ёғаверади. Бунақа пайтда Тўлабой ака ҳавони ҳидлаб-ҳидлаб:

– Бўри болалаяпти, – деб қўяди. Юрагим жиғ этади. Токқа не илинжда чикқанимни эслайман-у, лскин ҳеч йўлини қилиб айтолмайман.

Тўлабой акага сигир ҳайдашиб, икки кунни ўтказдик. Учинчи кун Соли «кетаман»га тушиб қолди. «Майли, дадангга айт, кўнглини тўқ қилаверсин, – дедим Солини бир четга имлаб, – кашқирнинг ичмойини топган куним албатта ўзим олиб тушаман».

Шундай қилиб, дармондори баҳона, тагин подачи бўлиб қолдим. Тоғда сигир боқиш анча осон экан. Ҳаво салқин, молларга сўна тегмайди, ўт-ўлан қалин, сигирлар тентираб узоққа кетиб қолмайди. Ўзи ўтлаб, ўзи сувлаб, бир толнингми, ўрикнингми остида кавш қайтариб ётаверади. Азмиддин ака деган шеригимиз бор. У киши йилқичи. Колхознинг юзга яқин отини боқади. Шу Азмиддин ака икковимиз қозоқ қўйчивонлардан бирон меш қимиз олиб тушиб, булоққа ташлаб қўямиз. Йўл-йўлакай Азмиддин ака йилқисининг бошини санаб тугаллаб ҳам келади. Кейин сув бўйида кўм-кўк ажриққа ёнбошлаб қимизхўрлик қиламиз. Маза.

Беш-олти кун ўтди. Тўлабой акага қандай қилиб дардимни айтишни билмайман. Энг ёмон ери – у Алимқул тоғани ёқтирмайдиганга ўхшаб қолди. Токқа чиққан кунимиз Солидан: «Сан кимни боласисан?» деб сўради. Соли секингина, Алимқул аканинг, деди. Тўлабой ғалати кулди. «Отанг ҳалиям таёғини қучоқлаб юрибдими?» деди. Бир кун булоқ бошида қимиз ичиб ўтирувдик, қишлоқдаги одамлардан гап кетди. Алимқул тоға ҳам тилга олин-

ди. Шунда Азмиддин ака: «Унинг оёғи эмас, номуси чўлоқ», деди. Тушунмадим. Номуси чўлоқ одам қанақа бўлади – хайронман. Хуллас, негадир кўпчилик Алимкул тоғани унча ёқтирмас экан. Ана шу ёқимсиз киши учун қандай қилиб дармондори сўрайман, деб тоза бошим қотди.

Буни қарангки, бировга ёкмаса ҳам Алимкул тоғанинг омади бор экан. Уч кун деганда қашқирнинг ичмойи кушдай бўлиб кўлимга кўнса бўладими?

Бир куни Азмиддин ака саҳарлаб уюрларини бир текшириб санокдан ўтказгани кетди-ю, ҳадеганда келавермади. Туш бўлиб қолди. Мен икки-уч марта бир тепаликка чиқиб қараб келдим. Тўлабой ака ҳам «Азмиддинга нима бўлди, тинчликмикан?» деб сўраб қўйди.

Азмиддин ака кун оғиб қолганда қайтди. Кўк қашқа оти сув бўлиб терга ботибди. Эгарга бир нима ўнгарилган. Югуриб ёнига бордим. Азмиддин ака қаттароқ бузоқдай келадиган ўлик қулунни тап эткизиб ерга ташлади. Қулун бечоранинг ярим белидан пасти йўқ, олдинги икки оёғи-ю калла қолибди, холос.

– Бир-икки ойдан бери тинчиб қолувдик, – деди Азмиддин ака отдан тушиб, – манавини қара. Тунда бўри чопибди. Қашқирнинг тарлони экан. Унча-мунча бўрини айғирлар ёнига йўлатмасди.

Азмиддин ака ювингани сойга тушиб кетди. Тўлабой ака қулуннинг терисини шилиб олди. Раис келса кўрсатамиз, деб чорпояга илиб қўйди. Мен кўк қашқани совитиб, сувлиғини олдим. Тушовлаб, майсага қўйиб юбордим.

Азмиддин ака ўтовга кириб ёнбошлади. Бир коса қўйқатикқа нон тўғраб ичди, лабини енги билан артиб, чорпоядаги терига қаради.

– Ҳай, жонивор, увол кетди-я...

– Энди нима қиласан? – деди Тўлабой ака. – Йилқини бизга яқинроқ суриб ке. Олдимизда бўлади.

Азмиддин ака бош чайқади:

– Фойдаси йўқ. Бўри энди тинч қўймайди. Бир мазахўрак бўлдим, қунига чопаверади. Бир-иккитасини отиб, кўрқитиб қўйиш керак.

Азмиддин аканинг бир эмас, иккита милтиғи бор эди, кечгача ўтириб ўқдонга ўқ жойлади. Айланма белбоғи тўлай деганда, қўзғалди.

– Отни эгарла, иним, – деди менга. Кейин Тўлабой акага юзланди: – Мукаатай мерганга тайинлаб келдим.

– Ҳалиги козоқ томирингми?

– Ҳа. Тунда бу ёғи Бешсозгача бир қараб келамиз.

Умримда бўрини кўрган эмасман. Бир боргим келади овга, бир боргим келади...

Ахири чидамадим:

– Азмиддин ака... мен ҳам...

Йилқичи кулиб бошимни силади.

– Сан тунда отда юролмайсан, тоғ йўллари ёмон. Бўри айёр бўлади, одамни чалғитиб узоққа эргаштириб кетади. Сени кундуз обчиқаман, бўптими? Бор, отни опке, кун кетиб қоляпти, тагин бир-икки тойдан айрилиб қолмайлик.

Югуриб бориб отни етаклаб келдим. Дарров юганлаб, эгарлаб, олдига кўндаланг қилдим. Азмиддин ака эгар қошига иккала милтиғини осди. Белига ўқдон боғлади. Унинг эриб турганидан фойдаланиб дардимни айтдим:

– Азмиддин ака, мабодо бўри ушласангиз... озгина ичмойи керак эди...

У ирғиб отга минди.

– Ичмойни нима қиласан?

– Керак, – дедим узангига ёпишиб, кейин тўғрисини айтсам кўнмасмикан, деб ёлғонладим: – Аямга излаб юрувдим. Кўклам билан кузда аямнинг оёқлари ёмон оғрийди.

– Аянгга бўлса майли. Абдусалом аканинг кўп яхшилигини кўрганман. Мана бу этикни ҳам отанг тикиб берган эди. Ҳали тўзий демайди. Хўп, Тўлабой, хавотир олманглар, мен тонг оттириб қайтаман.

У отини елдириб кетди.

Азмиддин ака эртасига ҳам, индинига ҳам, ундан кейин ҳам бўри отиб келолмади. Бироқ биз хафа бўлмадик. Аввало, уч-тўрт кундан бери йилқига қашқир ораламай қўйибди. Энг қувонадиган жойи – бир куни Азмиддин ака азонлаб ўтов ёнида отдан тушди-ю: «Абдурахмон, мана, мойингни топиб келдим», деб латтага ўралган нарса узатди. Бўрининг ичмойи қўлимда турар эди! Азмиддин акани бирам яхши кўриб кетдимки... Хайрият, топилди! Энди Алимқул

тоганинг оёғи тузаладиган бўлди. Тоға оёққа туриб чопқиллаб кетса, қўлтиқтаёкни ташлаб қўлига милтиқ олади. Фронтда бизнинг битта аскаримиз кўпаяди. Соли ўртоғим ҳам сиқилавермай, бошини тик кўтариб юрадиган бўлди.

Азмиддин ака тайинлади:

– Эҳтиёт қилгин-а, буни. Бўрининг неча йиллаб сақланган ичмойи. Муқатой томирим зўрға топиб берди.

Тожимат акалардан қолган носковокдай шиша бор эди. Мойни тўғраб шишага жойладим-у, ўтовнинг бир бурчагига, Тўлабой аканинг ўқдори солинадиган қутчасига бекитиб қўйдим.

Тушдан кейин сут ташийдиган машина келди. Хумларни ордик. Латтага ўралган шишани бағримга босиб, машинанинг тепасига чиқдим. Лекин Темир ака: «Устинг юпка экан, буёққа туш», деб мени ҳам ичкари олди. Жўнадик. Юрагим хаприқади. Тезрок кишлокқа етиб, дармондорини Алимкул тоғага топширгани шошиб боряпман...

Сой бўйида машинадан тушдим-у, шишани кучоқлаб югуравердим. Одатдагидек, Солиларнинг дарвозаси занжирланган экан. Бирикки урсам, ҳеч ким чиқавермади. Бошқа пайтда бўлса-ку, пахсадан ошиб тушардим-а. Ҳозир шишани синдириб қўяман, деб қўрқдим.

Анчадан кейин Солининг аяси Анзират хола очди эшикни. Ичкари кирдим.

– Тоғам кўринмайдиларми? – дедим у ёқ-бу ёққа аланглаб.

– Тоғангни камисса қиламиз, деб шаҳарга чақириб кетишди. Шу билан учинчи чақиришлари. Оёғим касал, зўрға юрибман, деса-ям камисса ишонмайди.

– Соли-чи?

– Эргашиб кетди. Отаси яримжон, бир кўмак ҳам керак-да, болам. Кўлингдаги нима?

– Қашкирнинг ичмойи. Тоғам, шу майдан топилса бир силаб кўрардим, деган эдилар. Буни мен Қоратовдан олиб тушдим. Азмиддин ака бор-у, йилқичи, шу бир қозок дўстига айтиб юриб, зўрға топиб берди.

– Майли, ташлаб кетақол, мен бериб қўярман.

Мойни холага бериб, бирор соат кутиб ўтирдим. Кун ботиб боряптики, ота-боладан дарак йўқ. Ноилож ўрнимдан турдим.

– Хола, мен кўчанинг оғзига кетдим. Аямни кўриб, ётиб чикаман.

– Майли, болам, илоё умрингдан барака топ, – деб Анзират хола олқишлаб колди.

Аямни кўриб, унга қаерда юрганимни айтиб, хайр-хўшладим. Бир-иккита иссиқ кийим олдим. Азонлаб ўртоғимникига чикдим. Дарвоза ҳар кунгидай тақа-тақ ёпиқ. Лип этиб пахсадан сақрадим. Уйни айланиб айвон томонга ўтдим. Қарасам, айвонда орқасига қўлтиқтаёғини ташлаб Алимқул тоға ўтирибди. Олдида думи кесилган ити. Тоға бир нимани кесиб итга ташлайди. Ит осмонга сапчийди, оғзи билан емишни илиб олиб ямлайди-ю думини ликиллатиб яна эгасига қарайди.

Тоға мени пайкамади.

– Ассалому алайкум!

– Ке, болам, – деди тоға хушламай, – кашқирнинг ичмойи деб сассиқ серканинг чарвисини олиб тушган экан, мана, хузурини ит кўряпти.

Қарасам, устун тагида шишам синиб ётибди. Йиғлаб юбордим.

– Бу кашқирнинг ичмойи эди, ёлғон гапирсам, худо урсин! – деб бакирдим. – Йиллаган мойи, тоға! Ахир сиз биласизми кашқир мойини ё бир умр тоғда яшайдиган қозоқ йилқичи биладими?

– Мен биламан, – деди тоға ва мойдан бир бўлак кесиб итига ташлади, – қари серка ўзимда ҳам бор, хоҳласам, сўйиб мойлайвераман. Менга кашқирнинг мойи керак эди. Тушундингми? Одамни унақа алдама...

Чўрт бурилиб дарвозага қараб юрдим. Эшикни жаҳл билан очиб кўчага чикдим. Йиғлаб сойга қараб кетавердим. Демак. Солининг хафа бўлганича бор экан-да? Тоғанинг чўлоклиги ёлғон экан-да? Райондаги комиссия ҳам бекорга чақирмабди-да? Ростдан касал бўлса, дўхтирлар билмасмиди? Бир бечорани овора-ю сарсон қилаверармиди? Азмиддин аканинг гапига энди тушундим. «Номуси чўлок» дегани асли кўркоқ, айёр, эл-юртни алдайдиган ёлғончи дегани экан. Уруш тугагач тоға нима қилар экан? Урушга бориб келган аскарларнинг бетига қандай қарар экан?

То кадрдон машинам келгунича сой бўйида йиғлаб, ўйланиб ўтирдим.

Машинанинг қораси кўринганда ирғиб туриб, юз-кўлимни ювдим-да, ёлғондакамига қулиб Тожимат ака билан Темир аканинг кўлини олдим.

...Қоратовда то қора кузгача қолиб кетдим. Мойни нима қилдинг, аянгга бердингми, деб Азмиддин ака ҳам сўрамади, мен ҳам бўлган воқеани айтмадим. Лекин кузда, подани кўчириб қишлоққа тушганимизда Сайфидан хунук бир гап эшитдим. Дадасининг қашқир мойини итга берганини билиб қолиб Соли тўполон кўтарибди. «Сиз чўлоқ эмассиз, кўрқоксиз, урушга бормаи кочиби юрибсиз!» деб бақирибди. Тоға уни тутиб олиб роса дўппослаган экан, Соли уйдан кетиб қолибди. Районга бориб, мени урушга олинглар, ёшим етмаган бўлсаям бораман, бўйим милтиқдан узун, деб ялинибди. Комиссия кўнмабди. Кейин Соли йўқолиб қолибди. Ҳалигача ўртоғимни излаб, ҳеч қаердан топишолмаётган эмиш.



## ДАДАМГА СОВҒА ОЛДИМ



Сентябрнинг охирларида сигирларни хайдаб тоғдан кўчиб тушдик. Тўлабой ака мени ўзига ёрдамчи қилиб олди. Яна юрар ерим молхона, ётоқ жойим ўша Самин бободан қолган хужра.

Бир куни молхона орқасига ўтиб хаёл суриб ўтирсам, Тоштемир келиб қолди. У янги ҳисобчимиз Окпўлат аканинг якка-ю ягона арзанда ўғли. Ўзи биздан бир синф паст, 4 «Б»да ўқийди. Учинчи синфга ўтганидаям Тоштемирнинг икки қарич келадиган қоқили бор эди. Биз танаффус пайтида, «Тоштемир, Тоштемир, ажина келса қоч, Темир!» деб унинг сочидан тортиб ўйнардик. Бир йил бурун у қоқилини олиб қутулди. Барибир ҳеч ким унинг отини айтмайди: «Ҳов, қоқил», деб чақиради. Тоштемирнинг аччиғи чикади-ю, бироқ муштлашишга тоби йўқроқ, шунинг учун ўдағайлаб кетаверади.

– Отамни кўрмадингми? – деди Тоштемир у ёқ-бу ёққа аланглаб. Менинг ҳазиллашгим келди. Эски камзулимнинг чўнтагини очиб имладим.

– Манави ерга қара-чи, бормикан?

– Сен шошмай тур ҳали, – деди аччиғланиб Тоштемир, – отамга айтиб бераман, кунингни кўрсатади!

У ликиллаб кетаётган эди, орқасидан эргашдим.

– Хов, кокил, тўхта, отангни кўрсатиб кўяман!

Тоштемир тўхтади. Қарасам, унинг кичкина бўғчаси бор экан, ҳали кўрмабман, орқасига бекитиб турган экан.

– Бўғчангда нима бор? – дедим. Мабодо курутми, туршакми бўлса, олмоқчи эдим.

– Ҳеч нарса.

– Кўрсатмасанг кўйвормайман! – деб унинг енгидан ушладим.

Тоштемир ноилож бўғчасини очди. Ичидан яп-янги тулки тумок чиқди. Устига кўк мовут қопланган, қизил тулки терисидан тикилган кичкинагина телпак экан.

– Вуй, чиройлилигини!.. Бу кимники, кокил, ўзингникими?

Тоштемир мақтаниб керилди:

– Ўзимга беришганди-ю... урушдаги тоғамга юбормоқчиман. География ўқитувчимиз айтди, Русия томонларда қиш совуқ бўлар экан.

– Вой, афанди-ей, почтага солиб, мана шу тумок тоғамга тегсин, десанг борарканми?

Тоштемир баттар мақтанди:

– Ўзинг бешинчида ўқисанг ҳам ҳеч балони билмас экансан. Ҳозир қишлоғимизда ҳамма кийим-кечак йиғяпти. Роса йиғиб бўлгандан кейин колхоз ранси билан уч-тўрт киши битта арава қилиб шаҳарга обориб топширар экан. Урушда кимда-кимнинг қариндош-уруғи бўлса, ўшаларга юборишади, деди отам. Билдингми? Шаҳноза опам ўн иккита рўмолча тикиб кўйди.

Миямга шув этиб бир фикр келди. Ҳамманинг ака-уқаларига, дадаларига совға-салом борса-ю, менинг дадамга бормаса, бу қанақаси? Ҳамма кийим-кечак бўлишаётганда дадам бир четда мўлтираб қараб турадимми? Аскарларнинг олдида уялмайдимми? Нима қилсам экан? Э, бўлди, нўғой холага ялиниб кўраман.

Шартта бурилиб, молхона четидаги хужрамизга қараб югурдим. Тўлабой акада озгина омонат пулим бор эди. Қоратовда икки-учта қизил тулкининг терисини ўтказиб, бир юз саксон сўмча ғамлаб кўювдим. Шу пулни сўраб олдим. Кейин Оқпўлат аканинг эшагини сўрадим.

Эшакни чоптириб, ҳаш-паш дегунча нўғой холаникига кириб бордим. Нўғой хола олтмиш ёшларга борган чаққонгина хотин. У

кўп йиллар бурун қишлоғимизга келиб қолган. Холанинг ҳеч кими йўқ, қишлоқнинг кун чиқиш томонидаги «Қизил мачит» деган ерда бир ўзи туради. Уни ҳамма танийди, айниқса, хотин-халаж: «Нўғой хола, нўғой хола», деб оғзидан туширмайди. Нега десангиз, бу хола эчкининг жунидан чиройли рўмоллар, пайпоқлар тўқийди.

Нўғой хола мени кўриб, дарров таниди.

– Абдуқодир этикчининг молайимисин?<sup>1</sup> – деди юзимга тикилиб. Хола илгари, тинчлик замонларда бизникига чиқиб, дадамга маҳси-кавуш тиктириб турарди. – Атийинг хат ёзиб турибдими?

– Ҳа... раҳмат, хола... – дедим энтиқиб ва ёнимдаги пулимни олиб олдига кўйдим. – Нўғой хола, мана шу пулга... иккитагина пайпоқ берсангиз... Дадамга юбормоқчнйдим... Бошқа ақчам йўқ, топсам, яна олиб келаман.

Хола чумчукдай кичкина тугунчадаги пулга кўз кирини солиб кўйиб ўрнидан турди. Ичкари кириб, қалингина тўқилган бир жуфт жун пайпоқ олиб чиқди.

– Мана. Абдуқодир бик ёхши жигит эди. Менга куп ёхшилиқлар қилган. Акчангдан иллик сўм олай. Қолганини анийингга бир.

Қувониб кетдим. Ахир эллик сўмга иккита янги пайпоқ эмас, йиртиқ кавуш ҳам бермайдиган замонда Нўғой хола менга шунча яхшилиқ қилиб ўтирибди-я!

Холага қайта-қайта раҳмат айтдим. Икки пайпоқни бағримга босганча кўчага чиқдим-у, яна эшагимни чоптириб, Охунгузар маҳалласига қараб кетдим.

Орзигул аям мени маҳкам бағрига босди, юз-кўзимдан ўпди, кўзёши қилди.

– Бўйинг чўзилиб, катта йигит бўлиб қолибсан, – деди юзларимни силаб. – нега кам келадиган бўлиб кетдинг? Уқангни соғинмадингми?

Мен пайпоқдан қолган пулимни бердим. Аям қизариб пулни олди-ю: «Вой, болам, мени ўлдирдинг-ку!» деб қўйди. Кейин пайпоқларимни кўрсатиб: «Дадамнинг оёғига тўғри келармикан?» деб сўрадим. Аям ялт этиб юзимга қаради, тўхтаб, мени маҳкам кучоқлаб ўпди.

<sup>1</sup> *Молай* – бу ерда «ўғли» маъносида.

– Эслик ўғилгинамдан ўргилай! Ишқилиб, бахтимизга дадагинанг омон-эсон келсин! – Аям пайпоқларни қайта-қайта томоша қилди. – Нўғой холадан олдингми буни? Кўли гул-да, барака топсин бечора. Даданг келганда ҳамма гапни айтиб бераман, бизни Абдурахмон ўғлим боқди, дейман.

Аям дадамга атаб кўй терисидан бир жуфт кўлқоп, уч сидра ичкийим тикиб кўйган экан, менинг пайпоғимни уларнинг ёнига кўшдик. Одамни совукдан сақлайди, деб аям кимлардандир икки кило ёнғоқ топиб келди. Ҳаммасини жамлаб, алламаҳалда Кўшбой бригадирникига жўнадик.

Борсак, Кўшбой аканинг уйида худди тўй бўлаётганга ўхшайди. Узун айвонда иккита ўнинчи лампа пориллаб ёниб турибди. Ҳовли ўртасига машъала ёкиб кўйишибди. Ғала-ғовур, кий-чув, кизларнинг шарақлаб кулгани эшитилади. Аям айтди, бир ҳафтадан бери шу яқин атрофдаги маҳаллаларнинг фронтга атаган совғалари Кўшбой аканикига тўпланаётган экан. Колхоз бўйича ҳамма совғалар йиғилгач, Тош-темир кокил айтгандай, район марказига обориб топширилар экан.

Мундоқ айвонга бориб қарасам, кийим-кечаг-у совға-салом дегани ғарам-ғарам бўлиб ётибди. Кўлтиктаёғини тиззасига кўйиб олган битта чўтир амаки совғаларни рўйхатга олиб ўтирибди. Айвонда пахталик чопон, патнис-патнис қовунқоқию бодом, юзига жимжима безак берилган ширмон нон, қазии-қартаю кўйининг қорнига солиб қотирилган пишлок, қаламтарош, кўн этик, кигиз этик, почапўстин, даста-даста рўмолча – кўйинг-чи, бозордаги ёймачида нима бўлса, ҳаммасидан бор эди. Ҳатто бир кампир тасбеҳдай-тасбеҳдай икки шода қалампирмунчок ҳам келтирибди.

– Хатинга битиб кўй, болагинам кўлтиғига осиб юрсин, немиснинг ўқидан асрайди, – деди у чўтир амакининг олдига кўзмунчокларини кўйиб.

– Хўп, хўп, холажон, – деб кулди амаки.

Билагини шимариб олган семиз бир хола чўнкайиб ўтирди-да, худди чалпак тахлаётгандай «бир, икки» деб рўмолчаларни санай бошлади. Қарасам, баъзи бир рўмолчаларга кашта билан гулнинг расми чизилиб, четларига шеър ҳам ёзилибди. Семиз хола рўмолчаларни шапиллатиб тахлайверди, мен тепасидан қараб ўқиб туравердим. Бигта хаворанг рўмолчанинг хошиясига:

«Қизил гул шона-шона,  
Ўнг қўлимда нишона.  
Тезроқ келинг, огажон,  
Кутаман ёна-ёна», деб ёзибди.

Яна бир ок шойи рўмолча ўртасига бир-бирига тумшугида дон  
бераётган икки кушнинг сурати солинган.

Сурат остида куйидаги сўзлар бор эди:

«Ўсмани узиб кўйдим,  
Сўлиса кўяман деб.  
Расмингизни сўрадим,  
Соғинсам кўраман деб».

Семиз хола эпчил экан, мен кейинги шеърни аранг ўкиб колдим:

«Тол ёғочдан от қилай,  
Баргин олиб хат қилай.  
Дада, сизни соғинсам...»

Хола «тўққиз!» деб навбатдаги рўмолчани ташлади. Дадасини  
соғинган қизнинг нима демоқчи бўлганини билолмай қолавердим.

Аям икковимиз ҳам совғаларимизни бериб, уйга қайтиб келяп-  
миз.

– Яхши бўлди, – деб қувонади аям, – юборган пайпоқларингни  
дадагинанг иссиқ-иссиқ кияди.

– Ишқилиб, дадамнинг ўзига тегсин, деб тайинлаб кўйдин-  
гизми, ая?

– Айтдим, болам, айтдим, – деб аям елкамдан кучоқлади.

Қариялар айтмоқчи, «тўқсон» кириб, қахратон совуқ бошлангач,  
аям мени кўярда-кўймай ота-онасиникига кўчириб олиб кетди.



## ОШИҲАЛОЛ



Аямнинг ёлғиз укаси урушга кетиб, келини уч боласи билан  
қолибди. Чолу кампир – олти киши. Унга биз ҳам кўшилиб, тўққизта  
бўлдик. Аям ўзини эмин-эркин тутар, бизнинг ортиқчалигимизни  
сездирмасликка уринар эди. Лекин барибир мен уяламан. Ҳар қа-  
лай, олти оғиз – олти оғиз, тўққиз оғиз – тўққиз оғиз-да!

Оргизул аямнинг онаси чевар экан. У кўшни хотинларга кўйлак-лозим тикиб, беш-ўн сўм пул топарди. Унинг устига уларнинг каттагина боғи бор экан, ёзи билан олма-ўригини қуришиб олишибди. Яна иккита сутлик оқ эчкилари ҳам бор. Ҳар бири икки косадан сут беради. Сутли гўжа ичиб, қоқ ўрик билан жийда-пийда еб қишдан чиқиб олдик.

Бир кунни кечкурун ётар маҳалда аямни четга тортиб шивирладим:

- Ая, уйга кетайлик энди. Кунлар ҳам исиб қолди-ку?
- Нима бўлди, болам? – деди аям шошиб. – Биров хафа қилдими?
- Хафа қилмади-ю... лекин хадеб бировга юк бўлаверамизми?
- Вой, юк бўлсак, бегонамиди? Ўзингни бувиларинг, болам.

Мен кўнмадим. «Ҳадемай бойчечак очилади, уйимизни супуриб-сидириб ўтираман. Бу ёғига энди бир амаллаб кун кўрармиз, ая, мен ишлайман», деб туриб олдим. Орзигул аям индамади. Аслида унинг ҳам кетгиси бор. Лекин битта боласи ўлиб, юраги безиллаб қолган. Шунга иккиланяпти шекилли-да. Аям тезроқ кўнақолсин деб, мен ёлғондан хўмрайдим.

– Агар бормасангиз... мен ўзим кетавераман. Бу ерда энди бир кун ҳам турмайман...

Аям кўрқиб кетди.

– Вой, бир ўзингни ёлғиз ташлаб қўйиб мен ўлибманми? Бўпти, болам, тургинг келмаса, кетаверамиз.

Азонлаб Орзигул аям Ғайбуллани етаклади, мен кичкина бўз халтани орқаладим. Унда бир коса жўхори, бир чимдимдан сабзи билан пиёз уруғи, ўн думалоқ қурут ва икки ҳовуч буғдой талқон бор эди. Кетдик.

Уйга борсак, ҳовлимиз ташландиқ бир аҳволда шумшайиб ётибди. Ҳовлида супрадай-супрадай қор. Ён ёғидан эрияпти, бўғотлардан чакиллаб сув томади, дераза рахларида ку-кулаб мусичалар сайрайди. Бизнинг пасқамгина, лекин файзли ҳовлимизга ҳам баҳор меҳмон бўла бошлабди.

Чакки ўтиб, уйимизнинг ўртаси тешилган экан, томга чиқиб яхшилаб сувадим. Аям ҳовлини ҳазонлардан тозалади, мен Икромларникидан бир пақир бўр олиб кириб, уйни оқладим. Кечкурун бизнинг уйда ҳам чироқ ёнди, ўчоғимиздан тутун чиқа бошлади.

– Энди ҳеч қаёққа кетмайлик, хўпми, ая? – дедим. – Дадам кел-гунча уйимизда турайлик.

Аям «хўп» деб кулди, елкамга қоқди.

Ҳавонинг раъйи ҳам очилиб кетди. Ердан буғ кўтарилди. Биринчи қалдирғочлар пайдо бўлди. Ариқнинг нариги бетида ўн со-тихча томорқамиз бор эди, оби-тобига келганида чопишга тушдим. Ғайбулла чумчук қувлаб ёнимда юрибди, мен ерни чопиб, хас-кашлаб, ариқ олдим. Кейин ўгай бувим берган ҳалиги сабзи-пиёз уруғини икки полга сепиб чиқдим. Биз томонларда қора майна де-ган куш бўлади. У қилдай оёқлари билан ерни титкилаб, янги экил-ган уруғларни териб еб қўяди. Шунинг учун эски чопондан полизи-мизга кўриқчи қилдим.

Аям яна ишга чиқиб кетди. У хотинлар билан бирга қоп орқалаб ёнимиздаги молқўрадан сой бўйига гўнг таширди. Куни бўйи укамни етаклаб юраман. Зерикаман. Тезроқ чигит эка қолишсайди, мен ҳам да-лага кетардим. Аямга ёрдамлашардим. Икковимизга биттадан эмгак<sup>1</sup> ёзсам, ҳарна. Укангни ким боқади, дейсизми? Укамни Шарифа янгам ҳам боқиб туриши мумкин. Ўзи айтган, Ғайбулла мўминтойгина, беш боламнинг ёнида ўйнаб юраверади, кийналсанглар, ўзим боқишиб бе-раман, деган. Бироқ аям кўнмади. «Илик узилди пайт, болам, укангни боқиб тура тур», деб ўзи далага чиқиб кетди.

Бир куни кечқурун ўнг томондаги қўшнимиз Ниёз бобо кирди. Аям ошхонада, сопол косада бир ҳовучгина ун қораётган эди. Ниёз бобо «Абдурахмон!» деганда иккаламиз югуриб чиқдик. Аям нега-дир кўркиб кетди. Мен бобонинг оғзини пойлаб туравердим.

Ниёз бобо уйга кириб, қуроқ кўрпачага чордана қурди, юзини сийпаб қўйди. Аям чўккалаганча унга таклид қилди.

– Омон-эсон ўтирибсанларми, келин? Абдурахмон бола, қалайсан, дадангни соғиндингми? – деб кулди бобо. Аям чидамади:

– Ота... тинчликми? – деди нафаси қайтиб.

– Қўрқма, болам, тинчлик, тинчлик, – деб кулимсиради бобо. – Сенга икки оғиз маслаҳатли иш чиқиб қолди.

Ниёз бобо менга беш-олти маҳалланинг қўй-эчкисини йиғиб берсак, боқармикан, деб билгани кирибди. Бу йил баҳорда одамлар

<sup>1</sup> Эмгак – меҳнат куни.

Акаш ғилай деган кишини ёллашган экан, уч ойда уч кўйнинг бошига етибди. Олдинига йўколиб қолди, дебди, кейин текширишса, уйдан кўйларнинг териси чиқибди. Одамлар уни кўйчивонликдан хайдаб юборишибди. Энди кўли ҳалолроқ бировни излаб юришган экан.

– Кўпчиликнинг ики сенинг ўғлингга тушибди, – деди бобо, – ёш бўлса-да, катталардай юмуш килади, дейишади. Нима дединг, келин, розимсан?

Аям «билмасам» дегандай менга қаради. Мен шошилганимдан:

– Боқаман, бобо! – деб юбордим. – Мен яхшилаб қарайман. Биттасиниям йўқотмайман.

Ниёз бобо менга тўланадиган ҳақдан гап очди:

– Энди, келин, ўзинг тушунасан, юртда оғирчилик, ошиҳалолга бокади-да, ўғлинг. Кунига беш-ўн коса суюк-куюқ топиб келсаям, харна. Одамлар кузга бориб ошлиқ ҳам берамиз, дейишди.

Шундай қилиб кўйчивон бўлиб олдим. Оёғимда Тўлабой ака берган кўнжли ботинка, эгнимда калта чопон, бошимда бир қулоғи йўқ қулоқчин, кўлимда узун тол ёғоч. Бинойидек кўйбоқарга ўхшаб қолдим. Эртаси азонда кўча бошига чиқиб турдим. Ўзимизнинг Қир маҳалла, Муқимота, Чингиз кўча, Қўштегирмон маҳаллаларидан олтмиштача кўй-кўзи, эчки-улоқ йиғилди. Ҳайдаб жўнадим. Биринчи кунлари кишлоқдан унча узоклашмадим. Нега десангиз, бир марта Самин бобосиз пода бокиб оғзим куйган. Тагин қашқир ора-лаб, битта-яримта кўйни елкалаб кетса, эгасидан балога қолмай, дедим. Қишлоғимизнинг кунчиқар томонида Бахмалтума деган ер бор. Илгари бу ерда чорвачи қозоқлар яшаган, кейин тоққа кўчиб кетишган. Кўй-эчкиларни шу ёққа хайдадим. Кунбўйи маза қилиб ёйилади, чўлласа, милтираб ётган ингичка ариқдан сув ичиб, тагин ўтлайди-да, икки туп қайрағоч кўланкасига чўзилиб дам олади.

Аста-секин Бахмалтуманинг ўти адо бўлди. Молни юқорига, хув бир йили дадам билан буғдой ўроғида юрган еримизга сурдим. Кўйлар бир қарич-бир қарич арпапоялар тагида бекиниб ётган ям-яшил майсаларни чимдиб-чимдиб илгарилайди. Кўзи-улоқлар тўймай қолса, ирғишлаб келиб оналарининг елинига ёпишади. Бироқ минг урингани билан эмолмайди. Эгалари елинига латта халта боғлаб кўйишган. Бу халтачаларга эгаси-ю мен хўжайинмиз.

Қорним очса секин халтани очиб, темир товоғимга озгина-озгина сут соғиб оламан. Кейин сутни офтобга қўйиб қиздираман. Буни қўйчивонлар «окта» дейишади. Чала пишган хушбўй, ярми каттик, ярми сутга ўхшаган октага каттик нон бўктириб тушираман.

Кечқурун молларни вақтлирок қайтариб келаман. Эгаларни кирда кутиб туришган бўлади. Улар қўй-эчкиларини ажратиб обкеттишади. Мен уйга кириб катта пақирни оламану каноп копни елкага ташлайман. Кейин уйма-уй юриб ошиҳалол йиғиб чиқаман.

Эҳтимол, сиз ошиҳалол нималигини билмассиз. Ошиҳалолни одамлар пул йўғида ўйлаб топишган. Дадамнинг айғинишича, бу жуда қадим замонлардан қолган одат эмиш. Полачи ё қўйчивон даладан қайтгач, эшикма-эшик юриб ошиҳалол айтади. Бу, «Мана, молларингни омон-эсон обкелдик, энди бугунги ҳақимизни чўзиб қўйинглар» дегани бўлади. Одамлар бир коса-ярим коса обисвғон беради, химмат қилгани овқат ёнига нон ҳам қўшиб кўяди.

Мен ҳеч қачон эшикма-эшик юриб, пақир тутмаган эдим. Биринчи кун жуда уялдим. Зайниддин қори деган қўштегирмонлик кишининг эшигида турибман. Худди тиланчилик қилаётгандек тилим буралмайди. «Ошиҳалол!» демокчи бўламан-у, айтолмайман.

Шу пайт бахтимга қори аканинг ўзи чиқиб қолди.

– Ҳа, болам, нимага индамай турибсан? – деб суйиб қойиган бўлди. – Меҳнатнинг айби йўқ. Кўпчиликка хизмат қилиб ҳам уяласанми?

У «Ғаффор!» деб исварасини чақирди. Ғаффор бир коса тўла суюқ ош, қора кўмач бўлса-да, қалингина битта нон олиб чиқиб берди.

– Бемалол, «Ошиҳалол!» деб чақиравер, хўпми? – деб тайинлади қори ака. – Уялма. Ахир, ошиҳалол деб қўйибдилар.

Ўзимни анча тутиб олдим. Олти эшикни ўтказиб, еттинчи эшикка борганда пастроқ товушда бўлса-да, «Оши...ҳалол» дедим. Ичкаридагилар эшитмади шекилли, ҳеч ким чиқмади. Қаттиқрок бақирдим. Шу пайт янги туғилган хўтикдай келадиган бир ит ириллаб югурди. Шартта эшикни бекитиб олдим. Ҳовлида бир хотин шанғиллади:

– Зухра, қара-чи, яна гадой келганга ўхшайди.

Кулоғим чув этди. Пакиримни кўтариб бошқа эшикка қараб кетдим.

Аксига олиб, бу уй Гулнораларники экан. Биз Гулнора билан бир синфда ўқирдик. У мактабни ташламаган, ҳозир бешинчида эди. «Ошиҳалол»ни эшитиб Гулноранинг ўзи бир ликопчада шилпилдоқ кўтариб чиқди. Мени кўрди-ю, бир нарсадан кўркқандек, ранги кув ўчди.

– Вой, Абдураш! – деди синфдаги лакабимни айтиб, кейин уст-бошимга қараб, катта қизлардай меҳрибон товушда сўради: – Яхши юрибсанми? Ўгай онанг хафа қилмайдими? Яхши эмиш-а?

– Яхши, – дедим қизариб, – ўзингни... Ўқишларинг тузукми?

Гулнора бидирлаб мактабидан гапирди:

– Сираям ўкигим келмайди. Дадам кўймаяпти. Синфимизда бештагина бола қолдик. Бешинчи-еттинчи синфларни кўшиб ўқитяпти дадам.

– Майли, мен борай, – деб пакиримни кўтарган эдим, Гулнора «Шошма!» деди-ю чопқиллаб уйларига кириб кетди. Яна бир ликоп шилпилдоқ олиб чиқиб пакиримга солди.

Анча ерга бориб, ўгирилдим. Гулнора кўлини силкиб кулиб турарди.

Аста-секин «ошиҳалол» айтишга кўникиб кетдим.

Кунлик топишим яхши бўлиб қолди. Ўла егунча, бўла е, дерди дадам. Бир куни кечкурун зинғиллаб Сайфиларникига чиқдим. Подани икковимиз боқайлик, ошиҳалолга сен ҳам шерик бўл, бари бир ортиб қоляпти, демоқчи эдим. Аксига олиб, у ҳали ҳам Туркистондан қайтиб келмабди. Ҳозир темир йўл вокзалидаги нонвойхонада катталарга кўшилиб хамир қораётган эмиш.

Ошиҳалолга тушадиган овқат ортиб қола бошлади. Кунига йигирма-ўттиз коса овқатни нима қиламиз, увол-ку, деб кўни-кўшнига берадиган бўлдик. Шарифа янгамникига, Ниёз бобомларга, Икромларга... Биз, бор-йўғи уч жонмиз, уч коса етади.

Хуллас, пода ўзимга қолди. Кўй-эчкиларни хафсала билан боқа бошладим. Мундоқ қарасам, уларни ёя-ёя, Хонтоғининг ярим йўлигача бориб қолибман. Бу – кишлоғимиздан анча олис. Бирок энди қашқир-пашқирдан кўркмайман. Аввало, ўн учга тўлдим, бўйим анча чўзилиб қолган. Ундан кейин қурол-яроғим ҳам ёмон

эмас. Гулноранинг дадаси (физика ўқитувчимиз) кишгача миниб юрақол, деб йўрға эшагини берган. Уммат сурнайчининг ити бола-лаган эди, битта кучугини олдим. Шу кучугим (оти Чакмок) hozир тулки кўрса, инигача кувиб борадиган бўлган. Ҳакима опам совға қилган қаламтарошнинг ёнига ошпичоғимизни чархлаб кўшиб кўйдим. Хуллас, учтасига бўлмаса-да, икки қашкирга етарли кучим боров, дея кўяман баъзида. Ёз бўйи яхши ўтлаб, яхши сувлаган кўчкорларим ҳам унча-мунча бўрини подага йўлатмайди.

Шу кетишда то қора кузгача тўхтамай пода бокиб кетаверардим-у, далада бир ялтироқ кўктошга тойиб, тўпиғимни чиқариб олдим. Яхшиям тўпиғим чиққани, бўлмаса Ҳакима опамнинг тўйини кўролмай армонда қолар эканман.

### ҲАКИМА ОПАМНИ УЗАТДИК

Уч-тўрт кун оёғимга шўр пахта боғлаб уйда ётдим. Ғайбулла укам Шарифа янгамникида эди. Эрмак бўлади деб олиб келиб олдим. Бир оёғимни ерга теккизиб-теккизмай ҳаққалаб юраман. Кун-бўйи укам икковимиз кичкина чорбоғимизни айланамиз. Бир туп оқ ўригимиз бор. Бу йил яхши мева қилмади-ю, ҳар қалай, егулик топилади. Қорнимиз очса, қилдир учига кесак отаман. Тапиллаб беш-олти ўрик тўкилади. Данагигача чакиб еймиз. Жуда ичимиз таталаб кетса, ошхонага кириб, эски халта-хулталарни титкилаймиз. Ошиҳалолдан қолган қаттиқ нонлар бор. Ариққа ташлаб оқизок килиб туширамыз.

Кунига эшигимиздан одам узилмайди. Подачисиз қолган молларнинг эгалари мендан хабар олгани келишаверади. «Қалайсан, Абдурахмонбек, тузук бўлиб колдингми?» деб оёғимга қарашади. Мен оёғимни чўзиб ўтириб оламан. Бирови йиллаб сақланган йилки мойи топиб келиб, тўпиғимни силайди, бирови қизиқ-қизиқ гаплар айтиб кўнглимни кўтаради. Кун ботганда биронтаси уч-тўрт коса обиёвғон олиб чиқиб ташлаб кетади. Саидхўжа тоғадек қартангрок кишилар тикка туриб бундай дейди: «Дардингга даво берсин, болам! Тўрт тиррақи кўй билан кўзиси маърайвериб қулоқ-миямни еди. Тезроқ эшагингни миниб кўпчиликнинг олқишини ол. Ишқилиб, отанг урушдан омон-эсон келиб, сен ҳам эл-юрт қатори кулиб юргин!»

Инсоф билан айтганда-ку, бундай сўздан кейин ирғиб туриб кетиш керак-а! Лекин майиб оёқ билан қаергача бораман? Эшак-ка минсам – тушолмасам, тушсам – югургилаб поданинг бошини қайтаролмасам! Жуда расво иш бўлди-да.

Бешинчи куни «Ё, пирим!» деб ўрнимдан турдим. Укамни етакладим. Халачўпга суяниб, Шарифа янгамникига қараб юрдим. Ке, Ғайбуллани ташлай-да, бир амаллаб подага чиқай, дедим. Узоққа боролмасам, шу яқин-атрофдаги қирларда бир айлангириб келарман. Ҳарна, одамларнинг раҳматини оламан. Ошиҳалолни ҳам оқлайман.

Шарифа янгамникига борсам, бир-икки хотин уйга кириб-чикиб, тандир бошида ўралашиб юрибди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Тинчликмикан, деб ариқ бўйида тўхтаб қолдим. Ишқилиб, амакимдан... ҳалигидай хат келмаган бўлсин-да. Йўғ-э, ўлибдими, келмагандир. Бирор ёмон хабар бўлса, бизга ҳам айтишарди. Бегона эмасмиз, жигармиз... Ҳеч ким йиғламаяпти-ю, демак, яхшилик бўлса керак, деб секин ариқдан ўтдим.

Шу пайт айвонга Шарифа янгам чикди. У мени кўрди-ю, кўлини чулғаб чақирди:

– Ҳай, Абдураш, қаёқда юрибсан? Икки марта уйларингга одам юбордим. Эшиги кулф, деб келди. Подага кетганмикан, дебман. Ғайбулланг қани?

– Мана, – деб укамни олдимга ўтказдим. Шарифа янгам айвондан ирғиб тушди, нимчасининг чўнтагидан иккита «ёстик» конфет олиб берди. Мен у ёқ-бу ёққа аланглаб, секин янгамдан сўрадим:

– Янга... худойи қиляпсизми?

Янгам шарақлаб кулди:

– Қанақа худойи, тентак? Тўй қиляпмиз. Ҳақимани узатамиз.

Анграйиб қолибман. Шошганимдан:

– Ҳақима опамнинг ўзи қани? – дедим. Янгам уйга мўраллади, ён-верига аланглаб, «Ҳақима! Ҳақима-юв!» деб чақирди. Ерўчоқда қозон юваётган бир келинчак: «Ҳақима боғда, кигиз қоқяпти», деди. Ғайбулла укамга қарамай боққа қараб югурдим.

Тилим оғзимга тикилиб боққа тушдим. Ҳақима опа қора кигизнинг қоқ ўртасида узоқ-узоқларга тикилиб ўтирибди. Олдида юмшоқ супурги. Мен индамай яқинлаб боравердим. Ҳақима опам мени пайқамади. Ёнига бориб тўхтадим. У худди кўзларини очиб

ухлаб ўтирганга ўхшарди. Устида қарғашойи кўйлак, қизил нимча. Кичкина дакан рўмолини дол кўйибди. Кошига қалин қилиб ўсма чаплаган. Ҳақима опамни кўрмаганимга ўзиям бир йилдан ошувди. Туркистонда олма сотиб келиб, Шамол тоғанинг калтагидан қочганимдан бери кўришмагандик. Шу йил ичида у чиройли бўлиб очилиб кетибди.

Ҳақима опага қараб индамай туравердим. Бир вақт у мен томонга ўтирилди. Кейин уйқудан уйғонгандек ўзига келиб, «Вой!» деб ирғиб турди. Чопиб олдимга келди.

– Қаёқда юрибсан, қоракўз? – деди кулимсираб. Чўлпиллатиб икки бетимдан ўпди. Кўлимдан судраб кигизга обориб ўтказди. Муштдек кесак олиб ўриққа отди. Дувиллаб бир ховуч ўрик тўкилди. Ҳақима ўрикларни олдимга суриб кўйди. Битта оқ ўрикни нимчасига артиб узатди:

– Ма, қоракўз, қайларда юрибсан? Бир сағир ойтўтим<sup>1</sup> бор эди, деб йўқламадинг ҳам, тентагим. Мени соғинмадингми?

– Соғиндим, – дедим ўрик тишлаб. – Борай десам, Шамол тоғадан кўрқаман. Кейин вақтим ҳам йўқ ўзи. Кўй боқиб юрибман.

– Оёғингга нима қилди?

– Тошга қоқилиб тушдим.

– Вой, бечора!.. – деб Ҳақима опам болдиримни силаб кўйди. У бўйнига икки тизим маржон осиб олибди. Ҳар нафас олганида маржони сал-пал кимирлаб кўяди. Тупугимни ютиб секин сўрадим:

– Ойтўти, энди сиз... куёвга тегасизми?

Ҳақима опа хурсанд бўлиб қулди. Киприк қоқиб бош силкиди. Елкамга қўл ташлади.

– Сенга ўхшаган бир чўлок... одам юборавериб жонимга тегди. Раҳмим келиб кетди. Кел, тегсам-тегай, дедим. Ажаб қилибманми, қоракўз?

– Олдин язнамни айтинг-чи?

– Язнанг Райимжон. Тахтакўприкда туради. Танийсанми?

– Танийман, – дедим ёқтирмай, – лекин бекор шошилибсиз. Бир йил-ярим йил сабр қилганингизда қўл-оёғи бутун йигитлар ҳам қайтарди урушдан. Ана унда биронтасини танлардингиз.

---

<sup>1</sup> Ойтўти – «опам» маъносида.

Ҳакима опа осмонга қараб хохолаб кулди.

– Вой, ўлиб қоламан! Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши эмасми? Ўзинг ҳеч балода йўқ экансан. – Ҳакима кўз ёшини артди. Мени худди ёш болага ўхшатиб авради: – Эсингдан чиқарма, қоракўз. Одамга бош кашигани оёқ эмас, қўл керак. Соч силагани ҳам, бошқа нарсаларда ҳам қўл асқотади. Билдингми? Юр, энди, кетдик.

Мен, барибир бўлар иш бўлибди, энди Ҳакима опанинг кўнглига тегмасин, деб язнамни мақтаб қўйдим.

– Райимжон ака яхши йигит, – дедим ўрнимдан туриб. – Ана, қишлоқда қанча одамнинг оёғи йўқ. Ишқилиб, сизни хафа қилмаса бўлди-да, тўғрими?

– Вой, мунча ширин бўлмасанг! – деб Ҳакима опам тагин ўнг бетимдан ўпди. – Жуда ақли боласан-да, қоракўз!

Шундай қилиб, Ҳакима опанинг тўйини ҳам бошладик. Аслида-ку, буни оғиз тўлдириб «тўй» демаса ҳам бўларди. Шунчаки бир хурсандчилик-да. Нега десангиз, биринчидан, сурнай чалинмайдиган бўлди. Сурнайсиз тўй-тўйми? Тагин, Мингтумада сурнай чаладиган одам йўқ экан-да, деб кўнглингизга келмасин. Сурнайчининг зўрлари бизда бўлади. Ой чиққанда бир машқ бошласа, тонготарга бориб тўхтайтиди. Ҳозир уларнинг бари милтиқ кўтариб урушда юрибди. Қўштегирмон ёнида Умнат тоз туради. Ўзи мендан беш-олти ёш катта. Балодай сурнайчи. Шу болани чақириб чалдирса ҳам бўларди-ю, Шарифа янгам кўнмади. «Ўнг томонимда Руқия хола-нинг чинордек ўғлидан қорахат келди. Қайси бетим билан «ёр-ёр» айтиб, сурнай чалдираман, уят-ку!» деб туриб олди.

Тўйхонада меҳмон сийрақроқ. Урушдан олдин бир ерда тўй бўлса, кўча эшикдан то ичкари, ташқари ҳовлию ошхонагача, боғдан ариқ бўйигача одамга тўлиб кетарди. Ҳозир қишлоқда эр-как зоти камайиб кетган. Санокли чоллару, беш-олти тракторчи, урушдан майиб-мажруҳ бўлиб қайтган йигитлар бор, холос. Шунинг учун намозгарда Ҳакима опам ёзган ҳалиги кигизга Ниёз бобо сингари уч-тўрт қария бориб ўтиришди. Қаёқдандир ликиллаб Икром билан Сайфи келиб қолишди. Сайфи нонвойхона билан хайр-хўшлашганмиш. Хуллас, ўзимизнинг қир маҳалладан ўн-ўн беш бола бўлдик. Икром билан Абдуқодир амакимнинг мен тенги

Нусратиллосини оёғи бутун деб, боғдаги кишиларга чой ташигани кўйишди. Мен меҳмонларга чой куйиб бериб ўтирдим. Сайфи патнис ташиб турибди.

Эшагига яраша тушови дегандай, дастурхоннинг ҳам баракаси йўқроқ. Яхшиям, Райим язнамиз даладаги тракторчиларга табелчи экан, раис тўйингга ишлат, деб буғдой берибди. Аनावи курумсок Шамол тоға ҳам озгина қарашган кўринади. Патнисда иссиқ-иссиқ нон келиб турибди. Янгамнинг кўни-кўшнилари ҳам чалпак, бўғирсок, қатлама каби унча-мунча пишириқлар киритишибди. Ишкилиб, Ғайбулла инимни биқинимга олиб, икки кун тўй-тўйладик-да.

Кунботарга яқин одам кўпайиб, қора кигиз торлик килиб қолди. Икром билан Сайфи уйдан шолча олиб тушиб, ховлига ёзишди. Олмага тошфонус илиб кўйдик.

«Куллуқ бўлсин»га биров келиб, биров кетиб турибди. Бир вақт ўтирганлар дув ўринларидан кўзғалишди. Орқамга ўгирилиб қарасам, раисимиз Шокир ака кириб келяпти. Амаллаб ўрнимдан тургунимча, у кўрпачага келиб ўтирди.

– Ҳм, бузоқча, қалайсан? – деди Шокир ака бурнини тортиб. Сайфи дастурхонга патнис кўйиб, четда турувди, гап ташлади:

– Қатик берсанг ялайман, деб юрибди бу, раис бува!

Халачўпимни олиб ўдағайладим. Сайфи ёлғондан елкасини кишиб, икки қадам нарига қочган бўлди.

Тошфонусни ёқдик. Пишиллаб Шамол тоға, унинг ортидан қилпиллаб Баёнқул ака, гурсиллаб Саидхўжа амаки келишди. Шамол тоғага бизнинг кигиздан жой тегмади. Ажаб бўлди, кўлимдан чой куйиб бермайдиган бўлдим, деб кўйдим ичимда.

Бир вақт Ғайбулла иним «корним»лаб ғингшиб қолди. Кўк олмани еб, сув ичаверган-да. Меҳмонларнинг олдида уялтирмасин деб, уйга олиб чикдим. Орзигул аям кун ботмасданок даладан келибди. Ҳозир Шарифа янгамга қарашиб юрган экан. Ғайбуллани кўлига топширдим. Аям унга иссиқ-иссиқ чой ичириб, ошхонанинг тўрига ётқизиб кўйди.

Боққа қайтиб тушдим. Одамлар янгиладилар. Сой кўчалик Шермат ака яқинда урушдан келган эди, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирибди.

– Окопдан бошимни чиқариб қарасам, қора ўтовдек бўлиб бир танка келяпти. Муштдек тошни олиб отдим. Танканинг ойнаси чилчил синди. Қарасам, бир немиснинг кўзини чиқарибман. У қўлини кўтариб олдимга келди. «Хўв, Шерматхўжа, одамни ўлдириб қўяй дединг-ку! – дейди. – Ўлгунча қулинг бўлай, бас энди, урма», деб ялинади. Кетига бир тепиб, командирнинг олдига ҳайдаб кетдим...

Ўтирганлар маза қилиб кулди.

– Ёлғониям сув қилиб ичасан-да, Шерматхўжа! – деди биров. – Лофчилигинг қолмабди-қолмабди.

Саидхўжа ака ёқасини ушлади:

– Ё, тавба! Танканинг ойнаси бўлишини энди эшитиб турибман.

Меҳмонлар орасида Шерматхўжа акадан бўлак урушга борган киши йўқ эди. Шунинг учунми, у ҳаммамизни жеркиб берди:

– Сенларга осон. Бўксаларингни сандалга тикиб, иссиқдан курут шимиб ётибсанлар! Урушга бориб, ўлик кучоқлаб окопда бир кеча ухланглар-чи, кейин биласизлар, ҳа!

Ғала-ғовур сал пасайди. Шолчадаги бир йигит кўрқа-писа гап ташлади:

– Шермат ака, майли, танканинг ойнаси борлигига ишондик. Аммо бояги немис сизнинг отингизни қайдан билар экан-а?

Тағин дув кулги кўтарилди. Шермат ака бўш келмади.

– Билади-да! – деди бақариб. – Немисларнинг қўлида мана бу патнисдек каттакон дафтари бўлади. Ана шу дафтарга биздаги энг зўр аскарларни ёзиб олади. Мен ҳам кўп немиснинг отини билардим.

«Олтин қозиқ» тепамизга келганда тош фонус ҳам липиллай бошлади. Оқсоқоллар дастурхонга фотиҳа ўқишди. Меҳмонлар тарқалди. Биз – Сайфи, Икром, Нусрат тўрттовлон кўрпачага ўралиб, шу ернинг ўзида ётиб қолдик. Эртасига келин тушди.



## ҒИРРОМ КУЁВ



Сизларда қандай – билмадим-у, аммо биз тарафларда келин тушди жуда ғалати бўлади. Кундуз куни қиз томон куёв навқарларни яхшилаб меҳмон қилади. Язнамиз дўстлари билан боғда зиёфат еб ўтирганда қизнинг яқин дугоналари бирор қўшниникига бекиниб олиб, келинни ясантира бошлайди. Зиёфат тамом бўлгандан



кейин куёвни кийинтиришади. Бу маросим ҳам роса қизик. Куёв жўраларини олиб, янги кийим киядиган уйга киради. Шунда кизнинг янгаси тахлам-тахлам либосларни кўтариб келади-да: «Қани, куёвжон, эски жандаларингизни ечинг, ўз қўлим билан бир ясантирай», дейди. Куёв шартта костюмини, кўйлагини ечади, лекин чолворга келганда, «Камар ечилмаяпти, янгажон, – деб шўхлик қилади. – Ўзингиз ёрдам бериб юбормасангиз...» Янга зўр бўлса куёвни мот қилади. Шартта камарни ечиб қўлига беради. Аммо камдан-кам янга камар ечишни эплайди. Куёв тараф шўх бўлса, қаттиқ тайёрланиб келади. Камар ўрнига чилвирни сувлаб боғлайдилар, кейин тугилган ерига аччиқ гармдори суртиб кўйишади. Тугунни ечаман деган янга билмай юз-кўзини ушлаб олса, кўзлари ачишиб, кулгига қолади. Баъзан йигитлар белларига йўгон симни уч-тўрт қават қилиб ўраб келади. Жуда ноинсофлари белларига мотоцикл ё велосипеднинг занжирини боғлаб олади. Бунақа занжирни янга тугул, кишлоғимиздаги манаман деган темирчи ҳам узиши кийин.

Хуллас, янга зўр келиб камарни еча билса, куёв тараф енгилган бўлади. Янгага бош-оёқ сарпо кийгизади. Агар ечолмаса, куёв навкарларга тўйдан кейин зиёфат қилиб беради.

Райим язнамиз сал ғирром куёв чиқиб қолди. Аммо Ҳақима опамнинг янгаси ҳам бало экан, бошлаб таъзирини берди.

Эртаси тушга яқин «Куёв келди! Куёв келди!» бўлиб қолди. Югургилаб кўчага чиқдик. Қарасак, беш-олти ёш-ялангни пана қилиб Райим ака кириб келаётир. Язнамизнинг тенг-тўшлари урушда эмасми, куёв навкарларнинг бирови қирқ ёшларда бўлса, бирови мандан икки-уч ёшгина катта болалар. Райим акани урушдан келганидан бери кўрмаган эдим. Бироз озибди. Ўнг бетида икки энлик чандиғи ялтираб турибди. Чап оёғи тиззасидан йўқ. Шимининг бир почаси шалвираб, ер супуради. Бир кўлида хасса. Куёв билан унинг ёр-дўстларини кеча ўтирган еримизда меҳмон қилдик. Колхоз Райим акага, кузда эмгагингдан узарсан, деб бир эчки қарз берган экан. Зиёфатга шуни сўйишди. Тепадан Икром билан Сайфи ковордок, шўрға-шўран ташиб турибди. Тўйдан хабар топиб, ёнбош кўчадаги болалар ҳам чиққан. Кун оғиб қолгунча

Райим акаларни яхшилаб сийладик. Бир вақт Сайфи шайтон тепадан бир човгум чой олиб тушди-ю биқинимга келиб шивирлади:

– Абдураш, дўппи ўғирлаймиз экан, қизлар тақинчокларини тайёрлаб қараб ўтиришибди. Ўзинг эплайсанми?

– Жинни бўлганмисан, – дедим, – мен қандай обқочаман? Оёғим бутун бўлса ҳам бошқа гап эди. Хап дегунча ушлаб олади-ку мени. Бу галча энди ўзинг эплаштир.

Сайфи иккиланди:

– Кимникини оламиз?

– Бирон анқовроғини танлайсан.

– Майли, – деди Сайфи, – Шермат ака дуруст шекилли. Сен унга чой узатиб, гапга солиб турасан. Мен оламан-у қочаман.

Дўппи ўғирлаш нима экан, деб хайрон бўлманг. Бизнинг Минг-тумада шунақа одат ҳам бор. Келин тушадиган куни болалар куёв жўралардан биронтасининг дўпписини олиб қочиб, келиннинг дугоналарига келтириб беради. Қизлар дўппининг сиртига кўзmunчок, маржон, укпар ё жиға, тумор, қалампирмунчок такиб роса безайди. Келин узатиладиган пайтда дўппини эгасига қайтаришади. Куёв навқар дўпписини кийиб олади-да, сурнайчи билан чилдирма-кашнинг олдига тушиб ўйнаб боради. Кампирларнинг айтишига қараганда, бунақа йигитнинг бошига албатта бахт куши кўнармиш. Лекин нимагадир йигитлар «Ма, менинг дўппимни ўғирлай қол», деб анқайиб турмайди. Ўйин билмаслигидан уялибми, бошқа сабабданми, ишқилиб, бошини ушлаб, хушёр бўлиб ўтиради.

Сайфи қийшанглаб Шермат аканинг ёнида ўралашиб қолди. Баъзи шумроқ йигитлар билдирмай бошларини ушлаб кўйишди. Мен Шермат акани гапга солдим:

– Шермат ака, кеча хангомангизни чала эшитиб қолдик. Язнамларга ҳам айтиб беринг. Бояги танкани...

Шермат ака мақтанишга баҳона топилди деб суюндими: «Ҳа, уними?» деб керилди. Ўрнашиброқ ўтирди-ю саргузаштини айта бошлади.

– Ўқ ёмғирдек ёғиб турибди. Бир замон мундоқ окопдан бошимни чиқариб қарасам, қора ўтовдек бўлиб бир танка келяпти. Шартта лапаткани олиб қулочкашлаб отдим. Танканинг тумшуғи чўрт ўйилиб кетди. Қарасам, бир немиснинг кўзини чиқарибман...

Ёнимда Икромми, биров шивирлади:

– Қара, Шермат ака кечаси танканинг ойнасини тумшуғига ал-маштириб, лапаткали бўлиб олибди...

Шу пайт Сайфига им коқдим. У мушукдек ирғиб Шермат ака-нинг дўпписини олди-ю, тирақайлаб кочди. Шермат ака унинг ор-тидан кичкирди:

– Ҳов бола, бекор овора бўлдинг, барибир ўйин билмайман.

Кигиздагилар ҳазиллашди:

– Немиснинг кўзини чиқарган одам ўйин билмаса уят-ов...

– Ҳеч бўлмаса, кўл кўтариб кампирўйин қилиб берасиз-да, Шерматхўжа!

– Майли, – деди кулиб Райим ака, – сизнинг тўйингизда ўзим сув йўрғага тушаман, Шер ака.

Зиёфат тамом бўлди. Маросимнинг энг кизиғи энди бошла-ниши керак. Ҳадемай, куёв кийим кийсин деб, янга чақиртиради. Қулоғимизни динг қилиб, уй томонга қараб-қараб қўямиз.

Бир пайт уйдан гурсиллаб Ниёз бобо тушиб келди. У дастурхон-га фотиҳа қилди, келин-куёвга «муросаи мадора, кўша-кўша фар-занд, кетмас давлат» тилаб, куёвларга рухсат берди. Дув кўзғалдик. Бола-бақра шувиллаб куёвжўралардан олдин юқорига чопдик. Мен «Райим ака белига нима боғлаб келди экан-а, Ҳакима опамнинг ян-гаси еча билармикан?» деб язнамнинг камарига қарайман. Райим ака кўйлагини тушириб олган, камари кўринмайди.

Куёвга либосни Айниддинларникида кийгизадиган бўлишибди. Айниддин мендан икки ёш кичик, Шарифа янгамнинг кўздек кўшниси. Файбуллани етаклаб, элдан бурун Айниддинларнинг кат-та, ўртаси устунли уйларига кириб бордим. Ёнимга диконглаб Сай-фи, кейин Зокир манқа билан Нусратилло келди. Айниддин-ку, уй ўзимники деб тоқчага чиқиб олибди. Бир вақт Райим акани ўртага олиб йигитлар киришди. Язнамиз тўрга ўтиб, хассасига суяниб тур-ди. Кейин Адолат хола билан сарпо кўтариб янга кирди. У Хуринисо деган этликкина, қора тўридан келган чиройли жувон эди. Хурини-со опа Шарифа янгамга ота томонданми, она томонданми, ишқилиб туғишган.

Хуринисо опа – шаддоод жувон. Кўнгли келса, ҳар хил гапларни айтиб, бир уй хотинни кулдиради. Жаҳли чиқса, унча-мунча эркак-

ни мот килиб оғзини очирмай кўяди, уялтириб, ерга киргизворади. У сарпосини кўтариб тўғри Райим аканинг олдига борди. Кўзларини сузиб кулди.

– Хўш, куёв тўра, нима қиламиз энди? Камарни ўзлари ечиб берадиларми ё ечиб олайми?

Райим ака қизарганча индамай тураверди. Унинг ўрнига тракторчи Болтабой ака жавоб берди:

– Қўлингиздан келса ечиб олинг, бўлмаса, хозирданок тан бераверинг. Барибир эплай олмайсиз.

Хуринисо опа Болтабойга қараб айёрона кулиб кўйди. Кейин «Қани-и», деб шартта куёвнинг кўйлагини кўтарди. Турганлар кийқириб юборди.

– И-и, занжир-ку!

– Э, бўлмабди! Бу ғирромлик!

– Эркак киши боғлаган тугунни аёл еча биладими? Тан беравер, Хуринисо!

Хуринисо опа «тан беравер» деган хотинга олайиб кўйди. Кейин сарполарини Адолат опага узатди.

– Манавини ушлаб тур, Адол. Мен бу фронтовик билан бир олишиб кўрай.

Янга нимчасининг чўнтагидан кичкина омбир чиқарди, кимгадир «Хой Манзура, чўт<sup>1</sup> обке!» деб бақирди. Болтабой ака янгани масхара қилди.

– Чўт ҳам, омбир ҳам ўтмайди, янгажон! Ўзим кавшарлаб ташлаганман. Овора бўлманг, зиёфатнинг ғамини еяверинг!

– Кўрамиз-да, – деб кулди Хури опа. – Чўт ўтмаса болта ўтар.

Болтабой аканинг оти аскияга тушганига одамлар мириқиб кулишди. Хури опа омбирини тишлаб туриб Райим аканинг белидаги занжирни айлантдириб кўрди. Узишга осонроқ ерини қидираётган бўлса керак-да. Ахири, омонат жойини топди шекилли, омбир билан занжирни силталаб бир-икки тортди. Темир камар узилавермади. Хуринисо опа ёнбошига ўгирилди. Манзура дарров теша узатди. Опа ёмон экан. У лавлагидек қизариб турган Райим акага қараб кўз қисиб кўйди.

– Куёвжон, озгина қийнаймиз энди, хафа бўлмайсиз, – омбирни занжирнинг тагига кўйиб, теша билан дўпиллатиб ура кетди. Ҳар

<sup>1</sup> Чўт – теша.

урганда Райим аканинг қорни селкиллаб, соғ оёғи калтираб кстади.  
Хонани кий-чув кулги босди.

– Қўймайсиз, Хури опа! Уларнинг бир таъзирини бсринг.

– Мол аччиғи-жон аччиғи, Хури! Сарподан умидинг бўлса, аяма!

– Хув, Хури, секинрок ур! Ҳакиманинг шўрини куритасан. Куёвтўранинг бели ҳали керак бўлади!

Хури опа бундай гапларга парво қилмади. Терлаб, кизариб кетган бўлса-да, омбир пона қилиб занжирни дўқиллатиб ураверди.

Бир вақт «Ие, занжир очиляпти... Бир тиши синди!» деган шовшув тарқалди. Болтавой ака ишонмадими, бўйнини чўзиб каради.

– Нимага синади? Ўзим ҳалкаларни яхшилаб михлаган эдимку!

Шу пайт токчада турган Айниддин: «Узилди, узилди! Занжир узилде-е!..» деб қичқириб юборди. Мен Адолат опанинг панасида қолиб кўрмабман. Орага суқилдим. Хуринисо опа Райим аканинг белидан занжирни чиқариб олдию Болтабойга караб отди.

– Мана, укажон, омонатинг! Ўзинг уйланганингда яхшилаб кавшарлаб келасан!

Бўлди кулги, бўлди қийқирик... Куёвни кийинтиргани бурчакдаги чимилдиқ орқасига олиб ўтиб кетишди. То язнамиз ясаниб чиккунча биз чувиллаб куёв навкарларни калака қилиб, ўзимизнинг маҳалладаги хотинларни мақтаб турдик.

Райим язнам янги дўппи, оппоқ кўйлак-шим кийиб чиқди. Оёғига топилмаган шекилли, ўзининг бир пой ажабтовур ботинкасини кийиб олибди. Бир кампир язнамнинг бошидан сочки сочди. Биз дувиллаб жийда, қоғозли попук, парварда, манпазига ёпишдик. Мақтаниб токчага чиққан Айниддин сочқидан курук қолди. У «Ҳов очкўзлар!» деб пастга тушгунича, биз ердаги сочкини бир дона ҳам қўймай териб олдик.

Биз сочкини талашаётганимизда куёвлар кетиб бўлишибди. Ҳай, майли дедиму укамни етаклаб Адолат холамникига чиқдим. Ҳақима опам уч-тўрт қизни ёнига олиб, чала қолган сепини тикаётган экан. Хуринисо опага теша олиб келиб берган Манзура пучук ҳам шу ерда. У бошига эски дўппи кийиб олибди, кўлига ўқлоғи ушлаб Райим акамга ўхшаб бир ёнига қийшайиброк турибди. Манзура Ху-

ринисо опанинг камар ечганини килиб кўрсатиб ҳаммани кулдиряпти. Айникса, Ҳақима опа хурсанд. У ўтирган ерида қорнини ушлаб қотиб-қотиб кулади.

Ҳақима опа мени кўриб кўзёшларини артди.

– Ке, қоракўз, – деди кўлини чўлғаб, – қалай, язнамларни бопадингларми?

Кўлимда бир сиким сочқи бор эди, Ҳақима опамга чўздим. У шарақлаб кулди.

– Вой, мен ўлай, ўз тўйимни ўзим ейманми?

Лекин барибир иккита попукни олиб оғзига солди. Кейин ён-верига аланглаб менга битта, укамга битта кашталиқ дастрўмол олиб берди.

– Ма, қоракўз, сенам тўйларга ет!..

Дастрўмолни олиб хидладим. Ундан менга нотаниш ис келарди. Йўқ, бу хид менга танишроқ. Ҳув бултур боғда Ҳақима опанинг бағрига бош қўйиб ётганимда мана шу дастрўмолдагидек ғалати хидга роса тўйган эдим.

Бир дастрўмолга, бир Ҳақима опамга қараб турдим у секин минғирладим.

– Ойтўти, кечқурун... мени орқангизга мингаштиринг, хўпми?

– Вой, майли, қоракўз! – деди негадир севиниб. – Сендан бошқа яқиним йўғ-у! Кечқурун отнинг ёнига келиб, кўз-қулоқ бўлиб тургин, бўптимми?

– Бўпти! – дедим-у, укамни судраб ташқарига отилдим.

Кун ботиб, келин узатиладиган вақт бўлди. Колхозда отлар камайиб кетган эди, шунинг учун раис ўзи минадиган йўрғасини берибди. Отни айвонга кўндаланг қилишди. Қизлар ичкаридан Ҳақима опамнинг бошига оқ шол рўмол ташлаб етаклаб чиқдилар. Бизлардаги расмга кўра, келинни тоғасими, амакисими, бирон жигари кўтариб эгарга миндириши керак. Куёвникигача ҳам ана шу кариндоши жиловни ушлаб боради. Опам бечора кув етим. На тоғаси, на амакиси бор. Шунинг учун Ниёз бобо бисмилло, деди-ю келинни даст кўтариб отга миндирди. Кейин атрофга аланлаган эди, «Мен, бобо...» деб унга суйкалдим. Ниёз бобо мени эгарнинг ортига ўтқазди. Ҳақима опани маҳкам кучоқладим. Қариялар оқ фотиҳа беришди. Қизлар ёлғондакамига йиглаган бўлишди. Қий-

чув ичида йўлга тушдик. Ниёз бобо кўчага отни етаклаб чикди-да, кейин хансираб қолди, жиловни Болтабой акага тутқазди.

Райим акамиз, сурнай чалинмасин, деган бўлса ҳам Уммат тоз билан бир чилдирмакашни айтиб қўйган экан. Қиркўчадан тушгунча сурнай овози чикмади. Азали уйдан олислаганимиздан кейин чилдирмакаш бош бармоғига чилдирма ипини ўтказиб олдию, гижбадабанг қилиб чала кетди. Уммат тоз дарров сурнайни оғзига олди, лунжини шишириб «Ёр-ёр»ни бошлади. Кимдир югуриб бориб Шермат аканинг бошидаги эски дўпписини олиб, тўй дўппи кийдирди. Шермат ака ростдан ҳам ўйинни билмас экан. Худди лой пишитаётган пахсакашдай ер депсиниб «ўйин»га тушди. Адолат хола «Ёр-ёр» айтди. Қарасам, Ҳакима опамнинг қорни силкиниб-силкиниб бораяпти.

– Ойтўти, нега йиғлайсиз! Йиғламанг, Райим азнамдек йигит ер юзида йўк, – деб уни овутган бўлдим.

– Йиғлаб жинни бўпманми, қоракўз! – деди Ҳакима қаддини ростлаб. – Маҳкамроқ ушла, – йиқилиб тушма тагин. От ўлгур ёмон юрар экан.

Мен қувониб келиннинг қорнидан қаттиқроқ кучокладим.

Шу куни Ҳакима опамни омон-эсон кутлуғ уйга қўндириб чикдик.

## СҮЮНЧИ

Яна баҳор келди. Олапар кучугимни эргаштириб яна подага қатнай бошладим. Бу йил ёғин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди. Одамлар ҳам хурсанд. Нега десангиз, колхоз идорасидаги ҳалиги қора баркаш тинмай хушхабар айтиб турибди. Кўпинча эрталаб одамлар кирга тўплангунча ғизиллаб бориб эшитиб келаман, аскарларимиз шундоқкина Берлиннинг бўсағасида туришганмиш. Узоғи билан бир ой-ярим ойда Гитлернинг куни битармиш. Ана унда кўчаларни тўлдириб кишлоғимиздан кетганлар қайтади. Дадам ҳам келади. Тезроқ келақолсайди. Кейинги пайтда тили бийрон бўлиб кетган Ғайбулла укам ҳам «Ад-да қачон теллади?» деб сўрагани-сўраган. Орзигул аям бўлса, узоқ ердаги гапни атай-

либ буриб келиб дадамга такайди. Кечаси билан «Бешинчи» лампа ёруғида ўтириб, дадамга атаб дўппи тикади.

Дадамни кутяпман.

Эрталаб орқамга қарай-қарай далага кетаман. Кечқурун олисдан кўлимни пешонамга қўйиб боқаман: кўча эшигимизда одам кўринмайдими?

Шундай килиб апрель ўтди, май ўтди. Саратон кирди. Шу икки-уч ой ичида кишлоқдан урушга кетганлар қайта бошлади. Самин бобомнинг ўлди деган ўғлиям ассалом деб эшикдан кириб келди. У Чехословакиянинг бир шаҳрини олишда бомбанинг тагида қолган экан, бир кўлини снаряд юлиб кетибди, иккала қулоғи чиппа битиб қолибди. «Майли, – дейман ичимда, – бир кўлидан айрилсаям, қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолсаям, ишқилиб, дадам тезроқ келаколсайди».

Лекин, аксига олиб дадамнинг ўзи тугул хатиям келмай қўйди. «Берлиннинг бўсағасида турибмиз», деб март ойида бир хат ёзган эди. Ундан бери, мана уч ой бўлди, дом-дарағи йўқ. Орзигул аям мендан бекитиқча йиғлайди.

Сабрим тугади. Нима қилишни, кимга ёлворишни, кимдан мадад сўрашни билмайман.

Подадан кўнглим совиди. Кўпинча молларни кишлоқдан чиқаверишда, қирлар атрофида бир-икки айлантираман-у намозгардаёқ кишлоққа қараб ҳайдайман. Ошиҳалолга борсам, эгалари: «Мол бугун ҳам оч-ку, бола?» деб тўнғиллайди. Бир коса ёвғонингга зор эмасман, деб пақиримни кўтариб кетаман.

Нихоят, мен ҳам қуладиган бўлдим.

Ерга қиров тушган эди. Бир куни оқшомда Чувилдоқ маҳалланинг оғида «Ошиҳалол» айтиб турсам, ёнимдан аскар кийимидаги бир киши ўтди. Кўнглим қоронғи эди, бепарвогина қараб кўя қолдим. Ҳалиги киши ҳам ўн қадамча нарига бориб менга ўтирилди. Кейин бир пас бакрайиб турди-ю «Абдурахмон!» деб қичқираб юборди.

Юрагим тўхтаб қолгандай бўлди.

– Дада! Дадажон! – дедим-у, елкамдаги қопни ташлай солиб югурдим. Бориб бўйнига осилдим. Кўзларимдан тиркираб ёш оқди. Дадам индамай елкаларим, бошим, бўйним, юз-кўзим аралаш сийпалайверди-сийпалайверди. Менинг ҳам овозим ғиппа бўғилган, гапиролмайман, бир нималар деб ҳиқиллайман.

Пакир билан копим қолган ерида қолди (уларни кейин кимдир биров олиб, уйимизга ташлаб кетибди). Ота-бола етаклашиб уйга чиқдик. Мен дадамдан бурун чопкиллаб кирдим-у Орзигул аямни кучоқлаб ўпавердим-ўпавердим.

– Ая, дадамни обкелдим! Суюнчисига нима берасиз? – дедим бир кулиб, бир йиғлаб.


Аям дув-дув ёш тўкилаётган кўзларини артиб, илжайди:

– Жонимни бераман, болам, жонимни!..

Бир лаҳзада қариндош-уруғ, қўни-қўшни йиғилди. Тонг отгунча мижду қокмай гаплашиб чиқдик. Дадам Берлин кулаганидан кейин Узоқ Шарққа бориб японлар билан ҳам урушибди. Шинелини ечган эди, уйимиз чарақлаб кетгандай бўлди. Дадамнинг чап кўкраги белигача орден-медаль, икки халтаси тўла совға-салом эди: соат, жимжимадор сопли ханжар, ичи ғиж-ғиж ёғли гўшт консерва, менга ялтироқ темир қалам, аямга рўмол, укамга кичкина этикча...

Эртасига бизнинг пастқамгина ҳовлимизда ҳам кичкина тўй бошланди.

*Дўрмон, 1984*





---

## ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ

*Бу асарнинг ёзилганига ўттиз икки йил бўлди.*

*Худди кечагидек эсимда. Бир куни хизмат сафари билан Қашқадарёга бордим. У пайтлар «Ёшлик» журналида ишлардим. Ишларим битди. Кейин ҳамкасб дўстларим билан Китоб туманидаги Башир деган тоғлик қишлоққа жўнадик. Башир ойнакўз булоқлар, асрий чинорлар ватани экан. Ёзнинг чилласи эди, арчазорлар тагида ҳузур қилиб дам олдик.*

*– Бир келиб қолибсиз, Эшон бова билан икки оғиз гаплашиб кетмайсизми? – деди кимдир, – суҳбати доно, жуда билимдон отахон.*

*«Эшон бова»ни эшитиб, сергак тортдим. Замона зайли, биз барчамиз иўролар мафкураси хизматидамиз. Ўйламай босилган бир қадам учун битта бошга кўп балолар орттириб олиш мумкин.*

*Иккилана-иккилана, нари борса бир-икки соат суҳбатлашиб қайтарман, деган ўйда Эшон бобонинг хонадонига йўл олдим ва... отахоннинг қошида икки кун қолиб кетдим.*

*... Бирор ой ичида Эшон бободан эшитганларим ҳақида мўъжазгина қисса битдим. Уни минг фикр, минг бир истиҳола билан бош муҳарриримиз Эркин Воҳидовга топширдим. Очиги, асарнинг босилишидан умидвор эмас эдим. Эркин ака, «Яхши нарса ёзибсиз, Саъдулло», деб алқаган бўлди. Аммо журналда берамиз, демади. Чамаси, у киши ҳам ҳар хил мулоҳазага бориб, сарҳисоб қилиб юрган шекилли-да. Мен энди қиссанинг чоп этилишидан умидимни узиб қўйганимда, Эркин ака ҳузурига чақиртирди.*

*– Майли, таваккал, ука. Нима бўлса бўлди энди, қиссани босамиз.*

*«Дин – халқ учун афюн!» дея эсар солиниб турган бир пайтда «Даҳрий»нинг (асар ўша пайтда шу номда чоп этилган) республиканинг нуфузли журналида чоп этилиши Эркин аканинг наинки муруввати, том маънодаги жасорати эди.*

*Ўша пайтда журнал талабига кўра қиссага жузъий ўзгаришлар киритдим. Бу сафар Сиз азизларга «Ўзликка қайтиш» («Даҳрий»)нинг асл нусхасини тақдим этдим.*

**Муаллиф**





Область «Билим» жамиятининг ходими Жамшид Худоёров олти йил маърузачилик қилиб, охири зерикди. Мундоқ танасига ўйлаб қараса, кунлари бир-биридан мутлақо фарқ қилмайдиган бўлиб қолибди. Тонг отади, кун боғади. Яна тонг отади. Эр-хотин сахар туришади, апрел-тапил нонушта қилишади. Кейин Жамшид болаларни уйғотади. Улар ғингшиб, кўзларини аранг очишади. Хотини (Замира боғчада тарбиячи) икки болани судраганича боғчасига шошади. Жамшид қўлтиқланиб юриверганидан яғири чиқиб кетган қора чарм папқасини кўтариб, идорасига зинғиллайди. Бу ерда камида тўрт-беш йўлланма унинг эски папқасини соғиниб турган бўлади. Жамшид уларни олади-ю йўловчи машинага илашиб чўлга кетади. Шу кетганича етти хуфтондами, тонг отардами қайтади. Баъзи кунлари чўлнинг ичкарасига кириб кетиб, улов топилмаса, тунаб ҳам қолаверади.

Олти йилдирки, аҳвол шу. Олти йилдан буён Жамшид «афкор омма онгига илм-маърифат зиёсини» сочади. Унинг маърузалари, асосан даҳриёна мавзуда. Мабодо кизикиб папқасини титкиласангиз, ичида антика ашёларни кўришингиз мумкин. Аввало, ҳар бири тахминан 40–45 дақиқага мўлжалланган ва машинкада чиройли қилиб кўчирилган маърузалар. Уларнинг сарлавҳалари бири биридан «маънодор»: «Худо ердами, осмондами?», «Она заминни ким кўтариб туради?», «Қуръонсиз яшаш мумкин, тегирмон омон бўлсин» ва ҳоказо. Ундан ташқари, папқада уч-тўртта янги дастрўмол (чўл иссик, одам кўп терлайди), бир шиша пашшадори, газета-журналлардан қирқиб олинган бир даста ахборот ва мақолачалар, шапалоқдай учта ёндафтар бўлади. Бу ёндафтарларга Жамшид дунёдаги улуг-улуг одамларнинг дин, ахлоқ, ҳаёт фалса-

фаси, инсон ва табиат ҳақидаги ҳикматли гапларини кўчириб олган. Гоҳо маъруза пайтларида фикрини исботлашга кучи етмайроқ қолса, дарров алломаларга мурожаат қилади. Улардан кетма-кет иқтибослар келтиради. Маърузага эснаброк кулоқ солиб ўтирган битта-яримта соменинг кўзига каттик тикилиб: «Ана, кўрдингизми, ўртоқ Беруний ҳам бундан минг йил муқаддам бизнинг фикримизга тўлиқ кўшилган», – деб қўяди.

Аммо бир нарсага Жамшиднинг ҳеч ақли етмаяпти. Кейинги пайтларда маъруза деса, негадир одамлар безиллайдиган бўлиб қолди. Айниқса, баҳор, куз ойларида халқни бир ерга тўплаб, уларга диннинг афюн эканини тушунтириш ўлимдан қийин. Бунинг устига, кошки совхоз раҳбарлари унинг жонига оро кирса, Жамшид гоҳ бензин ташийдиган машинага, гоҳ юк ташийдиган машинага миниб, аранг чўлга етиб борганида, совхоз директори уни кўрадио, кифтидан кучиб: «Жон ука, шу маърузангизни бир-икки ойга чўзиб туринг, илтимос, – дейди ялиниб, – пахта терими тугасин. Ерни тозалаб олайлик. Ана ундан кейин мен сизга клубни бўшатиб бераман. Юз эмас, беш юз одам десангиз ҳам бор қиламан. Бемалол минбарга ётиб олиб ўқийверинг, ўзим биринчи қаторда ўтириб эшитаман. Ҳозирча узр, бизни кийнаманг. Ҳозир бировнинг қулоғига гап кирмайди». «Гапингиз тўғри-ю, директор бова, лекин биздаям режа бор, юкоридан тасдиқланган жадвал бор», дейди Жамшид қимтиниб. Директор уни ўғлидай астойдил бағрига босиб, баттар ялинади: «Хўп дея қолинг, жоним укам, сизнинг режангиз тўлмаса, битта сўкиш эшитарсиз-кутуларсиз, менга қийин. Пахта режаси тўлмаса ёмон. Халқнинг қарғишига, катта бошлиқларнинг қаҳрига қоламан. Деҳқон тўққиз ой меҳнат қилиб, ердан чиқадиган насибасига термилиб ўтирибди. Икки ой! Икки ойгина чидасангиз, олам гулистон! Режангизни юз эллик фоиз бажарганингиз ҳақида қоғоз қилиб бермаган номард! Бир оғиз хўп денг энди, ўртоқ Худоёров! Келинг, ундан кўра мен сафар хужжатингизга қўл қўйиб берай, кейин шийпонда яхшилаб дам олинг. Фақат одамларимга тегмасангиз бас. Уларнинг вақти тиллага тенг ҳозир...» Жамшид иккиланди: «Кўзбўямачилик яхши эмас-да, директор бова. Номига бўлсаям, одамларни бир кўриб қўйишим керак».

...Хуллас, иккови келишишади. Тушлик маҳали директор қайрағоч остига битта бригада аъзоларини йиғдиради. Эрақлар юпка шолчага ёнбошлашади, хотинлар чордана куриб, болаларини этакларига олиб ўтирадилар. Жамшид кизил дастурхон ёпилган кўлбола стол ортига ўтадию, томоқ кириб маърузасини бошлайди.

Беш дақиқа ўтади, ўн дақиқа... Жамшид «Қуръонни ер билан яксон қилиб, энди исломнинг илдизига болта ураётган» пайтда шолчада хуррак товуши эшитилади. Аёлларнинг ҳам бошлари эгилиб, тиззаларига тегай деб қолган. Директор «Бас қила қолсанг-чи», дегандек кафтларини қайта-қайта юзига суркайди. Жамшид: «Шундай қилиб, дин афюндир, ўртоқлар!» дейди-ю дов-дастагини йиғиштиради.

Ана шу алфозда ой кетидан ойлар, йил кетидан йиллар ўтиб бораверди. Жамшид жуда зерикди. Ўйлай-ўйлай, ниҳоят ишдан кетишга аҳд қилди. «Ўз аризамга биноан...» деб икки энлик хат битди-ю, папкасига солиб қўйди. Лекин уни бошлиғига топширишнинг иложини тополмади. Жамшид жуда кўнгилчан йиғит. Ҳар сафар аризасини олмоқчи бўлиб энди папкага кўл узатганида, бошлиғи Бегимкулов уни мактаб қолади:

– Яхши ишляяпсиз Жамшидбек, офарин! Мана, ўтган ойда роппа-роса эллик етти жойда маъруза ўқибсиз. Яшанг! Сиз ҳақингизда катта хўжайиннинг фикри ҳам тузук. Ким билади, бир куни бахтингиз чопиб қолса, «лип» этиб, а? – Бегимкулов муғомбирона илжайиб бош бармоғини шипга қаратди. – Ўшанда бизларни ҳам унутмайсиз-да, мулла Жамшид?

Жамшид бу сафар ҳам таслим бўлади. Битта йўлланмани чангаллайди-да, уҳ тортиб ўрнидан қўзғалади.

Шу тарика яна бир ойча вақт ўтди. Жамшид бетоқат бўла бошлади. Касбидан мутлақо кўнгли совуган эди. У гўёки суюкли ёридан аллақачон ажрашган, аммо қандайдир зарурият юзасидан бирга яшаб юрган ошиққа ўхшайди.

Ниҳоят, бир куни Жамшид бетини қаттиқ қилиб Бегимкуловнинг олдига кирди. «Бугун қандай бўлмасин аризамни топшираман», деб ичида қасам ичди. Лекин бошлиғининг кулиб турган япалоқ юзига боқиб шаштидан тушди. Бир вақт Бегимкулов нариги хонага чиқди. Шу пайт Жамшид чаққонлик билан яғир папкасини очди-ю, аризасини олиб столга қўйди. Сўнг шипиллаб жўнаб қолди.

Эртасига Бегимкулов уни анграйиб кутиб олди.

– Иби, тинчликми, мулла Жамшид?! – деди кўзларини ола-кула қилиб. – Ҳе йўқ, бе йўқ, тўп-тўсатдан-а?..

Жамшид бир-биридан тутуруксиз баҳонаю сабабларни рўқач қилиб, ерга қаради:

– Шунча йил бирга сузма-қатик ялашдик, раҳмат. Энди менинг жавобимни беринг, Чори ака. Соғлик яхши эмас. Бошим тинмай ғувиллайди. Келинингиз ҳам норози. Уйда меҳмонга ўхшаб қолган эмишман. Болаларнинг тарбияси ҳам бўшашиб кетибди...

Жамшиднинг овози титраб, жимиб қолди. Бегимкулов уни юпатган бўлди:

– Хафа бўлманг, укам. Ҳаммамиз ҳам уйда меҳмонмиз. Фақат бир думалаб келгани борамиз, холос. Хўш, бу замонда боши оғримаган одам борми? Ҳамманинг боши ғувиллайди. Ёлғиз бе-корчиники ғувилламайди, холос. Бўшаш масаласига келсак, менинг тепамда ҳам хўжайиним бор. Бир маслаҳатлашиб кўришим керак. Маъкулми?

Жамшид Бегимкуловга инсоф, унинг хўжайинига диёнат тилаб, хонадан чиқди.

Уч кундан кейин Бегимкулов Жамшидни хузурига чакиртирди.

– Сизни табрикласак бўлади, – деди у ўрнидан туриб Жамшиднинг кўлини сиқар экан. – Кичик хўжайин умуман олганда рози. Лекин у киши сиздан бир нарсани илтимос қилдилар. Шаҳрисабздан нарида, дарё бошида Оқ эшон деган бир чол бор экан. Ўша чоли тушгур бутун қишлоқдагиларни лақиллатиб, миясини дин билан заҳарлаб ётган эмиш. Бу ҳақда шикоятлар ҳам бор экан. Сизни беш кунга ўша ёққа хизмат сафарига жўнатамиз. Оқ эшон билан яхшилаб гаплашасиз. Иложи бўлса, ундан «Мен диндан қайтдим, дин оғу экан, энди кўзим очилди», деган мазмунда икки энлик хат ёздириб олинг. Унгача биз сизнинг хужжатларингизни тахлаб кўямиз. Маъкулми? Ўзингиз чарчадим деб юрибсиз, борсангиз пушаймон бўлмайсиз. Тоғли ер, баҳаво, чиройли. Ҳам тижорат, ҳам саёҳат дегандек, бир яйраб келасиз. Қалай?

– Аввал аризамга қўл кўйинг, кейин майли, – деди Жамшид юраги пўкиллаб. У, Бегимкулов яна аврапти, деб кўрқарди.

– Оббо-о! -- деб кулди Бегимкулов ва стол тортмасидан Жамшиднинг аризасини олди. – Менга ишонмайсизми? Мана!

Жамшид столга энкайди. Аризанинг бир четига кизил сиёҳда «розиман» деб ёзилган эди.

Эртасига Жамшид семиз портфелини саланглатиб, Шахрисабзга қараб йўлга чиқди.

Оқ эшон Қашқадарёга сув берадиган ойнакўз булоқлар маскани – Башир қишлоғида яшаркан. Тумандаги мутасаддилар Жамшидни шу томонга кетаётган битта юк машинасига ўтқазиб юборишди. Машина паст-баланд қирларда йўл чангитиб бир соатча юргач, ёйиқ дарага шўнғиди. Салкин ҳаво уфурди. Ўзаннинг икки тарафида япаски томли уйлар кўринди. Жамшид вилоятни шунча кезиб, бу ёқларга оёқ босмаган эди, чор атрофга суқланиб боқди. Энди машина сой ёқалаб борар, ҳалиги бежирим, узун айвонли уйлар тепада яркираб турар эди.

Пастак, гуж-гуж анорзорлар билан қуршалган Варзанга, қуюқ, оппоқ тераклар ортига бекинган Қойни қишлоқлари ортда қолди. Машина анчагина кечувлардан, омонат лопиллаб турган ёғоч кўприклардан ўтиб, тоғ бағрига ўрмалади. Ўнг тарафда пичоқ билан кесилгандек силлиқ ёнлама харсанглар «устингга қулаб тушайми?», дегандек таҳдид солиб турибди, чапда тубсиз жарликлар совуқ ўкраяди. Хув нарида, симобий сувлар ўртасида минг йиллик азамат чинорлар қарахт мудрайди. Жамшиднинг кўксида бетизгин, ўтли ҳислар туғён уради: гоҳ илжайиб, ён-верига аланг-жалаңг боқади, гоҳо завқи тошиб, ёш боладек қичқиргиси келади. Гоҳо она юртининг шу бир парча гўшасига пинҳоний бир фахр ила ўйчан термулади.

Дарё кенгайиб, икки томонида арчазор тоғлар бошланди. Тоғлар осмон қадар юксак, чўққидаги арчалар қорамтир учли қалпоқдек товланади.

Сойда чинорлар қуюқлашди. Рўпарадан муздек шамол эсди. Жамшид қунишиб, кабина ойнасини кўтариб қўйди.

Қишлоқда Оқ эшоннинг уйини тили чиққан бола ҳам биларкан. Жамшид қийналмай топиб борди. Гувала девор билан ўралган пастаккина кўрғон. Кўча тарафга девор билан ёқалатиб олча, гилос ўтқазилган. Дарахтларда сарик, қирмизи мевалар маржондай товла-

нади. Атроф жимжит. Факат ўнгда, терак бўйи пастликда сой шовиллайди. Рўпарадаги қалин боғлар кўйнида бижилдок кушларнинг чулдираб сайрагани эшитилади. Жамшид Оқ эшон билан мулокотни ўйлаб, бир лаҳза тек туриб қолди. Сўнг таваккал қилиб, унникиб кетган пастак эшикни аста итарди.

Ҳовли кичкина, лекин саришта экан. Қаршида қиблага қаратиб солинган узун айвонли пасткам уй. Ҳовли ўртасидаги бўйрадек жойда гулзор, атиргулдан тортиб гулхайригача яшнаб турибди. Девор бурчакларида чангал билан тўсилган уч-тўрт туп анор кўринади. Уй олди сийраккина ишқом. Жамшид томоқ кирди. Жавоб бўлмади. У ийманиброк товуш берди:

– Эшон бова!

Айвонда ушокқина кампир кўринди. У Жамшидга бир тиккиди-ю, пилдираганича ичкарига кириб кетди. Салдан кейин паст бўйли, микти гавдали чол чиқди. Оқ эшон дейишганда Жамшиднинг кўз олдига басавлат, катта салла ўраган, соқоли кўксини коплаб ётадиган ва кўлидан тасбеҳ тушмайдиган олакўз қария келган эди. Бу чолнинг истараси иссиқкина экан. Қора соқоли калта кузалган, мурти ўзига ярашган. Бошида сидирға кўкиш тақя, эгнида йўл-йўл ҳаворанг яқтак. У кулимсираб Жамшиднинг кўлини олди. «Қани, меҳмон, марҳамат қилсинлар», дея йигитнинг олдига тушди.

Катта чорхари уйга кирдилар. Чол Жамшидни кўярда-кўймай тўрға ўтказди. Ўзи чордона куриб, фотиҳага кўл очди:

– Қадам етди, бало етмасин, омин! – У йигитга ним таъзим қилиб, «Хуш кўрдик», деб қўйди.

Кампир кириб, дастурхон ёзди. Мис лаганчада исирик тутатиб қўйди-да, хонтахтани бирпасда мева-чевага, ҳар хил нознеъматларга тўлдириб ташлади. Жамшид бунчалик илтифотдан уялиб, «Мен...» деб энди гап бошлаган эди, қария унинг гапини чўрт кесди:

– Аввал таом, баъдаз калом! Қани дастурхонга қаранг, ўғлим. Жамшиднинг олдига кўк пиёз, райҳон ва яна аллақандай хушбўй гиёҳлар солинган бир коса айронни суриб қўйди. – Чалопдан олинг, ҳоврингизни босади.

Меҳмон йигит айронни симириб-симириб ичди, мева-чевадан тотинди. Чой орасида қария ҳол-аҳвол сўраган бўлди:

– Қийналмай келдингизми, ўғлим? Шаҳарлар тинчми? Майдон<sup>1</sup> ёниб ётгандир-а? Майли, буям деҳқоннинг ризки. Қани, пиёлангизни беринг.

Жамшид «рахмат», деб пиёлага кафтини босди. Кейин гапни қандай бошлашни билмай ўйланиб қолди. У тўп-тўп одамларга шариллатиб қоғоз ўқийвериш ўрганиб кетган, лекин ҳалигача дин аҳллари билан яккама-якка мунозара қилиб кўрмаган эди. Бегимкулов Оқ эшонни ўта муғомбир, унча-мунча одамга нонни тескари тишлатиб юборадиган тадбиркор чол, деб таърифлаган эди. Оксоқол бир қарашда унчаликка ўхшамайди. Тилидан бол томиб турибди. Бирок сизлаб туриб шарманда қилиши ҳам мумкин. Тагин ким билади...

Ниҳоят, Жамшид юрак ютиб деди:

– Мен вилоятдан келдим, отахон. Маърузачиман. «Билим» жамиятида ишлайман. Отим Жамшид.

– Хуш кўрдик, хуш кўрдик, – деди бош ирғаб қария, – келсангиз, бош устига. Биз манави тоғ-тошлар ичида ётган дунё беҳабармиз. Шаҳардан одам келса Хизрни кўргандек суюниб кетамиз... Яхши бўлди. Беш-олти кун ёнбошлашиб бир хангамалашадиган бўлдик. Мен ўзим сиздек ўқимишли йигитларнинг гадосиман.

Жамшид енгил тортди. Чолнинг ўзи унинг кўкрагидаги тугунни ечиб юборган эди. Йигит ётиғи билан гапни чувалата бошлади:

– Энди, кўнглингизга қаттиқ олмайсиз, эшон бова. Вилоятда сиз ҳақингизда... ҳар хил гаплар юрибди-да. Биров Оқ эшон унақа деса, биров бунақа дейди. Шунга сиз билан икки оғиз гаплашгани... – Жамшид негадир энтикиб тўхтаб қолди. Чол соқолини сизлаб, мамнун илжайди.

– Баракалло, ўғлим! – Унинг оппоқ, текис тишлари ярқираб кетди. – Овозамиз Қаршидай шаҳри азимга етибди-да! Бир хил одамлар бўлади, юз йил умр кўрса, номи ўз қишлоғидан нарига чиқмайди. Бизнинг таърифимиз вилоятга ёйилибди-да? Мен бундан асло хафа эмасман, билъакс – хурсандман. – Чол бирдан жиддийлашди, Жам-

---

<sup>1</sup> Тоғликлар дала-даштни гоҳо майдон ҳам дейдилар.

шиднинг кўзларига тик бокиб сўради: – Ўғлим, истихола қилмай айтаверинг. Биз ҳақимизда халойик не гаплар айтибди? Қаллоб, имонсиз, тамагир демабдими ишқилиб? Ёки пора олиб, фатво ёзиб беради, дебдиларми? Ё бўлмаса, хос хужрада бегона заифаларга чанг солар эканмизми? Қабристонда шайхлик қилиб, назр-ниёз йиғади, деган маломатлар йўқми?

Жамшид шошиб қолди. Кўринишидан бўш-баёвгина чол тоғ дарёси мисол жўшиб, гувиллаб бораётгандек эди.

– Йўғ-э, ота, – деди у хижолатомуз кулимсираб, – энди, бизга бир маълумот тушган-да... – Жамшид юмшоқроқ бир ибора ахтариб, тараддудланди. – Шу... хуллас, одамлар сизни хурофотчи, бидъатчи деб ёзишибди. Шунини аниқлаб қўйишимиз керак эканмиш. Вазифамиз бўлгандан кейин...

– Албатта, ўғлим, – деди қария бош силкиб, – сизларнинг қулоғингиз халқ кўксида бўлиши керак. Одамлар орасида юраги манави олмадай тозалари ҳам бор, юрагини қурт еганлари ҳам бор. Табиб – ўзларингиз. – У ортига ўгирилиб, узун занжирли осма сотатга қаради: – Узр, ўғлим, – деди тавозе билан, – пешин бўлибди. Ҳамсоямизнинг кичкина маъракаси бор экан, мен бир замон чиқиб кирай. Унгача сиз зерикиб қолманг. Боғда айланиб туринг.

Қария Жамшидни эргаштириб уй сиртига – кирга туташган кенг, қалин чорбоққа олиб ўтди. Боғ ичкари ҳовлидан ҳам файзли ва кўркам эди. Қушлар чулдирашиб қўшиқ айтади, ҳовли саҳнида ўйноқлаб кичкина кумуш ариқчалар чопади. Боғ тўрида улкан, дўнгалак ҳовуз. Унда бир қарич-бир қарич «авлиё» балиқлар тўптўп бўлиб қувлашмачоқ ўйнайди.

Жамшид кўндаланг ётган узун теракка бориб ўтирди. Оёқ остида нимадир шитирлади. У чўчиб, дарров оёқларини кўтарди. Йўрғалаб дўппидай типратикон ўтди. Дўмбиллаб бориб, япроқлар ичида ғойиб бўлди. Йигит боғ оралади. Олма-ўриқлар таги билан бир бўлиб ётибди. Бир ҳовуч қантак ўриқни териб, ҳовузга ташлади. «Авлиё» балиқлар бир-бирини туртишиб, емишга интилдилар. Жамшиднинг шавқи тошиб, анчагача уларнинг ўйинини томоша қилиб турди. Кейин ариқчадан ҳовучлаб сув ичди-ю фикрини жамлай бошлади. Оқ эшон билан музокаралари ёмон бошланмади. Аммо бир ишни чала қилиб келибди-да. Бегимкулов ҳам ўлгудай

ховлиқма. «Оқ эшон унақа эмиш, бунақа эмиш», деди-ю, тайин бир гап айтмади. Ана, оқибати! Қария дангал сўради. Айбим нима экан, деди. Ҳали, ёзган одамни айтасан, деб қисталанг қилиши ҳам мумкин. Асли, шу ғалвали сафарга бекор кўнган экан-да. Бўлди, Оқ эшонга бошим оғриб тургани йўқ, деб паттасини олиб кетаверса бўлар экан...

Бир пайт ён эшикда Оқ эшон кўринди. «Қалай, бизнинг байтул аҳзан ёқдимми?» дея йигитни тирсагидан тутиб, ҳовуз томон етаклади, сўнг киссасидан халтача олиб, балиқларга ем берди.

– Отахон, жуда кўпайиб кетибди-ку булар. Гоҳо... камайтириб турмайсизми? – деб сўради йигит.

Чол муғомбирона кулди:

– Бу балиқлар заҳарли эмиш-ку? Еган одам тил тортмай ўлармиш.

– Ҳе, бу хурофот. Бунақа балиқларнинг қорнида юпка парда бўлади. Шу парда олиб ташланса, ҳеч бало қилмайди.

Қария эмиш талашиб шодон ирғишлаётган қора балиқларга махлиё бўлиб, оҳиста деди:

– Ана шу пардани топгунча қанча одам нобуд бўлди-ку? Буёғига нима дейсиз? «Авлиё балиқ» деб минг-минг йиллаб биров уларга теголмади. Энди сир очилиб, бечора балиқлар авлиёликдан тушиб қолди. Улар ҳам энди сиз билан мендек табиатнинг оддий фуқароси.

Жамшид билағонлик қилиб гап қистирди:

– «Авлиё» деб асрашмаганида кирилиб йўқ бўлиб кетарди-да, ота. Халқ баъзи бир ноёб жониворларни сақлаб қолишнинг ажойиб йўлларини зўр ўйлаб топган.

Чол очиқ юз билан ялт этиб Жамшидга қаради:

– Фаросатингизга балли! Халқнинг улуғлиги ҳам ана шунда. Афсуски бугун биз баъзи ноёб нарсаларни асраш йўлини билмаяпмиз.

Жамшиднинг бу ёввойи, чиройли боғдан сира кетгиси келмасди. У анча йиллардан бери тоғли қишлоқда бўлмаган. Арчазор тоғлардан келаётган ғир-ғир шабада, нотаниш гулларнинг бироз нордон ва ёқимли иси, қушлар чуғури, сувлар шилдираши унинг кўксига чўкиб ётган болалик хисларини уйғотиб, шу гўзал масканга ипсиз боғлаб қўйгандек эди...

Уйга кирдилар. Анчагача иккаласи чурк этиб овоз чикаришмади. Жамшид вассажуфтли, деворларига козиклунги осилган, нимкоронги ва салқин мехмонхонани жимгина томоша қиларкан, шунча йўл босиб келиб, уйда қамалиб ўтирганидан норози эди. У гўё табиат музейига келиб, ичкари кирмай ховлида ўтирган томошабинга ўхшарди.

Нихоят Жамшид ёндафтарини олиб, хонтахтага кўйди. Авто-ручкасини ёндафтарга тақаб, сўради:

– Шу тасбеҳни нега ўгирасиз, ота?

Чол индамади. Тасбеҳнинг беш-ўнта донасини бармоғидан ўтказиб, секин ух тортди:

– Эрмак-да, болам. Сочилиб ётган хаёлларнинг бир ерга жамланади. Бармоқ ҳаракатда бўлади. «Ҳаракат – ҳаётдир», деган Спиноза.

Спинозанинг номини эшитиб, Жамшид шошиб қолди, сездирмай дафтарчасига қараб олди: Гегель бор, Арасту бор, ҳатто Фейербах ҳам бор, лекин... Спиноза кўринмас эди.

– Ота, – деди Жамшид чолни ўзига тенг тутиб, – сиз қадимги Юнонистондаги Испинозани айтяписиз-да, а? Юнонлардан ҳам кўп аклли одамлар чикқан-да.

– У голланд шекилли, – деди чол бийрон талаффузда, – Машрабнинг замондоши. Айтмоқчи, Спиноза ҳам сизга ўхшаган материалист. Уям ваҳдати мавжуд тарафдори.

Жамшид «ваҳдати мавжуд»ни энди эшитиши эди, эсанкираб қолди. Лекин сир бермасликка уриниб, хижолатомуз кулимсиради:

– Отахон, мен... арабча сўзларни унча тушунавермайман.

– Ваҳдати мавжуд – ваҳдати вужуднинг акси-да, ўғлим, – деди чол бамайлихотир, – яъни олам ягона, сиз билан биз яшаб турган мана шу дунё, табиат абадий дегани.

– Ҳа, бундоқ демайсизми! – Жамшид гўё унутган нарсасини эслагандек қувониб, енгил тортди. – Моддий олам бирламчи, онг – иккиламчи, дегани экан-да?

– Жуда унчалик эмас-у, лекин шунга яқинроқ, – дея мулойим эътироз билдирди қария бошини эгиб, бир нафас жим қолди, сўнг Жамшиднинг кўзларига синчков боқиб, сўради: – Демак, сиз ваҳдати мавжудни умуман тан оласиз, шундоқми? – Жамшид икки-

ланиброк бош силкиди. – Бинобарин, тасаввуфга қандай қарайдилар? Мен нақшбандийлик, яссавийлик ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим.

Жамшид нима деярини билмай бир зум каловланди. У «ҳазрат», «пир», деган сўзларни жинидан ёмон кўрар, кўп маърузаларида Баҳовиддин билан Яссавийни гўрдан олиб гўрга солган, «тасаввуф» сўзи қулоғига «кисавур» дегандек хунук эшитилар эди. Бироқ, ҳозир ўтқир нигоҳли Оқ эшон олдида Яссавий билан Баҳовиддинни бўралаб сўколмаслигига ақли етиб турарди.

– Нақшбандийлик ордени... тариқати ўз моҳиятига кўра реакцион, – деди Жамшид эҳтиёткорлик билан, – яссавийлик ҳам. Улар эзувчи синф манфаатини ёқлаган... – Оқ эшон «Бу гапларни кўп эшитганмиз, биламиз», дегандек, аста бош қимирлатиб кўйди. Йигит ўзини эркинроқ тутиб, давом этди: – Яссавий ҳам, Баҳовиддин ҳам атрофига бир тўда уламоларни тўплаб, халқни лақиллатиб юрган-ку?! Ҳайронман, эшон бова, сизга уларнинг нимаси ёқади?

Қария хиёл сукут сақлади. Жамшиднинг жавоб кутиб турганини сезиб, гап қўшди:

– Аввало, таълимот чопон ё от эмас – руҳий неъмат. Уни ёқади, ёқмайди, деб бўлмайди. У кўнгилга ўтирса – яшайди, ўтирмаса, жанозаси тайин. Хўш, халқ масаласига келсак, у мавҳум тушунча. «Халқни лақиллатди», дейиш тўғримикан? Бешта, ўнта боринги, юзта одамни аҳмоқ қилиш мумкиндир, лекин бутун бошли бир халқни алдаб бўлармикан? Ахир халқ – даҳо, у нодон кимсаларга мутгасил эргашиб юравермайди. У ёғини сўрасангиз, Улуғбек ҳам шу халқ фарзанди, Навоий, Машраб, Бобур... Улар ҳам халқ тутган тариқат тарафдори эдилар. Наҳотки шу буюк ақл соҳибларини лақма дейишга тил борса?!

Жамшид Оқ эшон билан гўё шахмат ўйнаётгандек эди. Мана, ҳозиргина чол қалтис бир юриш қилди-ю: «Хўш, аҳволлар қалай?», дегандек, йигитнинг кўзига кинояомуз тикилди. Йигит ҳам, «ташвиш тортманг, аҳволимиз сиз ўйлаганчалик ёмон эмас», деган каби энсасини қашиди. Қараса, рақибининг ҳужумини даф этадиган тузукроқ йўл тополмайдиган. У таваккал деб ўртамиёнарок, дурангга элтадиган юриш қилиб қўя қолмоқчи бўлди.

– Ҳа, энди улар қанча улуғ бўлганлари билан ўз замонларидан узилиб кетолмаганлар, – деди китобда ўқиган гапини эслаб. Рақиб яна «от ўйнатиб» хужумга ўтди.

– Узр, бу фикрингизга биз шерик бўлолмадик, – деди ўглининг гунохидан кечган оқил отадек мулойим оҳангда. – Улуғбек ўз давридан илгарилаб кетмаганида боши кесилмасди. Навоий ҳам сургунларда юрмасди. Биз кўп нарсани бир хил қолипга солиб ўрганиб қолганмиз. Ҳаттоки, тафаккурни ҳам. Бир нимани ёмонламоқчи бўлсак, ерга уриб, балчиққа белаб ташлаймиз. Мақтамоқчи бўлсак, осмонга олиб чиқиб, офтобнинг ёнига илиб қўямиз. Мен мутлақ нарсаларга ишонмайман. Шу жумладан, ҳукми мутлаққа ҳам.

– Ҳукми мутлақ – бу Оллоҳнинг ҳукми, тўғрими, ота? – дея итоаткорона сўради Жамшид. У «Оқ эшон диндан қайтпти», деб ичида мамнун эди.

– Йўқ, бу абсолют ҳақиқат! – деди чол кескин овозда. – Хўш, ана шу нуқтаи назардан бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Мана, сиз, дин – афюндир, дейсиз. Ахир афюнни дори ўрнида ҳам ишлатишади-ку?

– Тўғри, лекин ҳамма нарсанинг меъёри бўлиши керак-да!

– Ўлманг! Демак, гап меъёрда. Ҳаддидан ошса, шакар ҳам захарга айланади. Сиз ўқимишли йигитсиз, доноларнинг гапини албатта, биласиз. Демокчиманки, кир тоғорадаги чайинди сувни тўкаётганимизда...

– ... Чакалоқни олиб қолайлик.

– Отангизга раҳмат! – дея жонланиб кетди қария. – Демак, сиз рационал мағизни қувватлайсиз, шундоқми?

Жамшид сиполик билан бош силкиди.

– Хўш, унда мантиқ қайда қолди? Нимага биз Куръонни чапараста қилиб сўкаверишимиз керак? Уни тобутдан олиб, тобутга солишимиз керак? Куръонда тирнокча бўлса-да рационал мағиз йўқми? Ислом дини менинг ҳимоямга муҳтож эмас. У менинг изим билан туғилган эмас, менинг ихтиёрим билан ўлмайди. Илгари, «Ислом кетар – оти қолар, Куръон кетар – хати қолар» деган гаплар бўларди. Ҳайронман, бир минг тўрт юз йил бўлибдики, «оти ҳам, хати» ҳам турибди. Бунга нима дейсиз, ўғлим? Бу борада мўътабар фикрингизни билмоқчи эдим...

Жамшид ўйлаб ўтирмай:

– Ҳа, энди, ислом халқнинг қон-қонига сингиб кетган-да! – деб юборди. Чол «Қўлга тушдингми, мулла йигит?» – дегандек муғомбирона илжайди.

– Нега шунақа экан-а, ўғлим? – деди у ошқора заҳархандалик билан. – Исломнинг нима афзаллиги бор? Ахир, у афюн, у золимлар қўлида қурол, тараккиёт душмани, инсоний ишқ кушандаси, тақдири азал тарафдори, аммо «халқнинг қон-қонига сингиб кетган?» Мантиқ қайда, ўғлим? Ахир, халқимиз яхшилик учун, энг азиз, энг покиза армонлар учун ҳамиша жонини берган-ку?

Жамшид билмай тузоққа илинганини сезиб қолди.

– Буни ўйлаб кўриш керак экан, – деди хаёлчан.

– Тўғри. ҳали ўйлаб кўрадиган ишларимиз кўп дунёда, – дея маъқуллади чол. – Масалан, дедукцияни тан оламиз, телепатияни тан оламиз. Бирок тушга тиш-тирноғимиз билан қаршимиз. Вольф Мессинг кўзини боғлаб кўчада машина ҳайдаб ўтса, чапак чаламиз, лекин ҳинду йоги етти қават тупрок остида икки кун ётиб тирик чиқса, бунинг сири йўқ, деймиз. Летаргия уйқуси рост, бироқ кафтида чаённи ухлатиб қўядиган кимсанинг иши – хурофот...

Жамшиднинг калласи ғовлаб кетди.

У чолнинг бир гапига тушуниб, бир гапига тушунмасди. Летаргияни умуман эшитмаган. «Мессинг» деган ном танишдек, лекин нега у кўзини боғлаб машина ҳайдайди? Авария қилса ким жавоб беради? Йоглар ҳақида гоҳо журналларда чиқиб туради. Эҳтимол, йог деганлари ҳаётини гаровга қўйиб, кун кўрадиган оч-юпун бечоралардир? – Жамшид рўпарасидаги чолнинг диндор, руҳоний бир кимсалигига шубҳа қила бошлади. «Бу қария алдоқчи эшон эмас, профессорга ўхшайди, – дея тусмоллади Жамшид. – Пенсияга чиққану шаҳарни тарк этиб, мана шу гўзал ерларга кўчиб келган». Йигит ён дафтарига қаради. Ҳаммаси тўғри. «Башир. Дарё боши. Эшон. Хурофот уяси», деб ёзилган.

– Кечирасиз, ота, – деди у хижолатомуз, – сиз ростдан ҳам... Ўша эшон бовамисиз?

Чол кулимсиради:

– Ўшаманми, йўқми, билмадим. Аммо қишлоқ аҳли мени «Эшон бова» деб қақиради.

Жамшид зерикиб, кичкина кўзли деразадан ҳовлига каради. Қария ҳам унинг хоҳишини дарҳол пайкади:

– Энди ҳовлига чиқайлик, ўғлим. Сўрига соя тушгандир. Қоронғи уйга қамаб олиб роса бошингизни котирдимми?

Жамшид суюниб, чолдан олдин туриб кетди. Ота кумғон кўтариб, боғ тарафга ўтди.

Ҳовлига юпкагина қилиб сув сепилган: ердан тупрокнинг нам-хуш иси келар, бу таниш ис анвойи ранг гулларнинг хидига кўшилиб димокни китиклар эди. Ҳовли тўридаги ёғоч каравотга қалин адрас кўрпачалар солинган, бурчакларга кўша-кўша пар ёстиклар суяб кўйилган. Жамшид рўпарасидаги кўм-кўк арчазор тоққа махлиё тикилганча айвонда туриб колди.

Бир замон худди кимдир биллур қадахни чертгандек товуш эшитилди. Жамшид ортига ўгирилди. Даҳлизда қизил товар кўйлак кийган, толчивикдеккина ёш келинчак турар, кўк ҳарир рўмолининг учини қимтиб, юзини яшириб олган эди. Жамшид дарров пастга тушиб йўл берди. Келинчак юзини девор ёкка бурганча йўрғалаб, ҳовли этагидаги кўтарма тандир томон ўтиб кетди.

Шу пайт кўча эшик зарб билан очилди-да, диркиллаб беш-олти кўзи кирди. Уларнинг ортида етти-саккиз ёшлардаги яланг оёк, иштончанг бола кўринди. Болакайнинг шўх-оловлиги шундоқкина юриш-туришидан билиниб турарди. Унинг катта, тийрак кўзлари чакнар, кўпчилик кишлок болаларидай дуркун, миқтигина эди. У кўзиларини ташқи ҳовлига хайдади, йўл-йўлакай Жамшидга салом бериб ўтди. Анчадан кейин ариқда қўл чайиб келиб, катталардек кўшқўллаб кўришди.

– Хуш келибсиз, муллака, – деди катта кишиларга хос тавозе билан. Жамшид «Бу эшон бовасининг тарбияси бўлса керак», дея ичида кулди, хаёлан уни ўз болаларига солиштирди.

Яна биллур қадах жаранги эшитилди. Жамшид ялт этиб тандир томонга каради. Бояги келинчак бетини чимчилаб, хиёл илжайиб турарди. Бу – ўғлига ишора шекилли, – болакай зинғиллаб уйга кириб кетди. «Кўзларини ўғлига берибди, – деб ўйлади Жамшид – Чингиз Аҳмаров чизган қизларнинг кўзига ўхшар экан».

Салдан кейин бола озодагина бўлиб кийиниб чикди.

– Муллака, зериккан бўлсангиз сой бўйини айланиб келайликми? – деди жавдираб. Жамшид бир ўзи кўчага чиқиб кетолмай турган эди, дарров кўнақолди.

Эргалаб келишда пайқамаган экан, кўча манзараси жуда чиройли эди. Шундок эшикдан чиқишингиз билан бир машина аранг сиғадиган тош йўл кирга ўрмалаб кетади. Пастак гувала деворлар тагида шилдираб кумуш ариқча оқиб ётибди. Қалин боғлар соясида уйлар кўринмайди. Пастда ям-яшил ўтлоқ, айқаш-уйқаш бутазорлар. Ундан нарида кўпириб сой оқади. Қаршида афсонавий бургутдай узунчок, баланд тоғ қанот ёзиб турибди.

Бола пилдираб йўл бошлади.

– Отинг нима сенинг? – деб сўради Жамшид боланинг тахи бузилмаган дўпписини силаб.

– Улуғбек. Улуғ десангиз ҳам майли. Ўртоқларим шунака деб чақришади.

– Отанг кўринмайдими, Улуғбек? Қаерда ишлайди?

– Отам ўрмончи, – деди бола, – кеча Қаршига кетди. Катта хўжайинларига йўлиқармиш. Кейин бизга кийим, бобомга бир қоп китоб олиб чиқади. Бобом-чи, муллака, роса кўп китоб ўқийди. Ётиб олиб ўқийверади, ўқийверади. Сиз ҳам китобни кўп ўқигансиз-а?

Жамшид индамай бош силкиди. Улуғбек унинг бетига ялт этиб қаради, уялиброк сўради:

– Муллака, сиз шаҳардан келдингизми?

– Ҳа.

– Шаҳарни ҳечам кўрмаганман, – деди Улуғбек армонли бир товушда. – Одам кўп бўлса керак-а? Отамга олиб тушинг десам, катта бўлганда тушасан, дейди. Катта бўлсам, ўзим ҳам ўқишга бораман.

Жамшид Улуғбекнинг елкасига қоқди:

– Ўқиб ким бўлмоқчисан, Улуғ?

– Ўқибми? Чақмоқдан иликтр оладиган инжинер бўламан!

Жамшид «Бу бола қуёш энергиясидан фойдаланиш тўғрисида гапиряпти шекилли», деб ўйлади-да:

– Чақмоқдан қандай қилиб электр олинишини биласанми ўзинг? – деб сўради.

– Биладан. Бобом бир китобдан ўқиб берганлар. Ҳар чақмоқ чаққанда роса кўп иликтр бекорга ҳавога учиб кетаркан. Агарда

уларни йиғиб, бир симга улаб чикса, муллака, Қаршидай шаҳарни бир кеча бемалол ёритса бўлармиш. Биласизми, муллака, бизнинг тоғларда кунига десам лоф бўлар-у, ҳар уч кунда бир чакмок чақади. Бу чакмоклардан роса иликтр олса бўлади, а? Мен ўшанака чакмокларни йиғиб оладиган инжинер бўлмокчиман.

Жамшид боланинг орзусига, беғубор кўнглига ҳавас қилди. Кейин гапни бобосига бурди. «Зора болалик қилиб куф-суф илинжида келадиган одамларни айтиб берса», деб сўради:

– Улуғбек, уйларингга хотинлар ҳам келишадими? Узоқ ерлардан?

– Узоқдан келишмайди, – деди Улуғбек, суҳбат мавзуи ўзгарганидан норози оҳангда. – Кўшнилар киришади. Катта энам билан ўтириб гилам тўқишади. Катта энамчи, муллака, гилам тўқишга жуда уста.

Бола ердан майда тош олиб, рўпарадаги дарахтга отди.

– Хаҳ, тегмади-я! – деди бош чайқаб. – Қора майна экан. Жуда ёмон-да шу куш. Узумларимизни чўқилаб кун бермайди. Хом бўлсаям еяверади, еяверади...

Улар бирор соатда уйга қайтиб келдилар. Чол сўрида транзистор эшитиб ўтирарди. Меҳмонга жой кўрсатгач, бармоғини лабига босиб:

– Бедилхонлик бўляпти, – дея шивирлади. «Океан» русумли кўл радиосидан бир аёл жозибали, муסיкий товушда шеър ўқирди:

Эй меваи зиду зудрас, кўхна машав,  
Боғи тараби на хору хас, кўхна машав.

Ҳангомаи осори тажаддуд карам аст,  
Эй маънии тоза пеши кас, кўхна машав!<sup>1</sup>

Шеър тугаб, енгил муסיқа эшитила бошлади. Чол радиони ўчирди. Лекин ўзи ҳамон тебраниб ўтирарди. Гўё қандайдир сирли бир куч унинг бутун жисми жонини ларзага солиб кетган-у ҳали-вери кўйиб юбормайдигандек эди.

---

<sup>1</sup> Мазмуни: Эй, тезпишар мева боғи, эскирма, тикан ва хашаклар жойи эмассан, шодлик боғисан, эскирма. Янгиликнинг пайдо бўлиши карамлидир, эй, тоза мазмун, ҳеч ким олдида эскирма!

Нихоят қария бош кўтарди, кекса кишилар учун бегона бир энтиқиш билан сўнгги сатрни такрорлади:

– Эй маънии тоза пеши қас, қўхна машав! Доҳиёна фикр! Мен Бедил ҳазратларининг мухлисиман. Ўлиққа жон кирғизади-я!.. Қалай, ўғлим, яхши айланиб келдингларми?

Жамшид қуллуқ килди, қувониб деди:

– Соё бўйлари жуда чиройли экан. Ҳаммаёқ кўм-кўк, тоза ҳаво. Ажойиб ерлар... Одамнинг кетгиси келмайди.

– Яшил нарсалар кўзга дам беради. Сиз хат одамисиз, хатга қарайвериб чарчагансиз-да. Биз эса, қирқ йилдирки, мана шу тоғлар орасида гўшанишин бўлиб ётибмиз, – дея чол мийиғида қулди. – Тоққа қараб: «Жонон!», деб қичқирсак, «жон» бўлиб қайтади. Эрмагимиз радио. Яхшиям шу бор экан. Тонг саҳар қулоғини бурайман, то етти хуфтонгача тиндирмайман.

«Э, шунча илми қайдан олган десам, ёнидан радиони жилдирмас экан-да, – деб ўйлади Жамшид. – Бекорчи одам, қиладиган иши йўқ. Ётиб олиб эшитаверади-да». Кейин уйда, тахмонга қалаб ташланган китоблар кўз олдига келди. Ҳали пешинда кўзи тушган эди. Юпқа, сариқ парда ортидан қалинлиги тўрт энлик китобларнинг муқоваси кўриниб турар, аксарияти қадимги қўлёзмаларга ўхшар эди. Жамшид умидвор бўлиб тахмонга бир-икки қараб қўйди. Эшон бобо бир юмуш билан ташқарига чиқиб кетгач, аста турди. Тўрға бориб сариқ пардани тортди. Тортди-ю анграйиб қолди: шифтгача, девор бўйи китоб, китоб... Жамшид олазарақ бўлиб, уларнинг муқовасига кўз югуртиришга улгурди, холос. Пастроқда нодир нашрлар саф тортиб турарди: кўп томлик «Фалсафа тарихи», «Генетика», «Эйнштейн», «Қизикарли физиология», «Ислом тарихи», «Энциклопедия». Тепага ёстиқдай қалин, бахмал жилдли китоблар терилган. Жамшид баъзиларини олиб варақлаб кўрди. Ёзуви арабча экан, кўзи ўтмади. Китоб қобирғаларига ёпиштирилган энсиз қоғозларга янги алифбода номлари битилган: «Қомус ул-ислом», «Зафарнома», «Равзат ус-сафо», «Таврот», «Маснавийи Жалолиддин Румий»... Жамшиднинг кўксини ўқинчли бир туйғу тирнаб ўтди. Кейинги пайтда китоб ўқишга фурсати бўлмапти. Ишдан силласи қуриб келади-ю, диванга таппа ташлайди. Бирор соат телевизор кўрса кўради, бўлмаса, ётган жойида донг қолади. Газета-журнал, маърузасига асқотадиган

мақолаларни ҳам зўрға ўқиб улгуради. Иш, иш, иш... Ўйлаб қараса, театрга бормаганига ҳам бир йил бўлибди. Гоҳо хотини ғинғиллаб қолса, болаларини қўшниларига ташлаб кинога бориб келишади. Шанба, якшанба кунлари ҳам ўзидан ортмайди: ё меҳмон келади, ё тўй-ҳашам, иссиқ-совуқ бир маърака чиқиб туради. Бугун Ок эшон билан ярим кунгина гаплашди-ю, назарида бир даста китоб ўқиб чиққандек бўлди. Фикрлари айкаш-уйқаш бўлиб, миясида ҳалиги «авлиё» балиқлардай ғужғон ўйнайди. Жамшид гоҳ ичидан эзилар, гоҳ чолга ҳавас қилар эди. У талай вақт ён дафтарини варақлаб ўтирди. Шу ўттиз ёшигача жамлаган билимларини элакдан ўтказди, эртаги мунозараларга ҳозирлик кўриб, алла-паллада тўшакка кирди.

Жамшид тоғ ҳавосида тиникиб ухлади. Кўзини очиб, ёнига қаради. Чолнинг ўрни бўш эди. Қайдадир, жуда яқинда булбул сайрар, кўча тарафда сигирнинг чўзиб мўърагани эшитилар, олисда бир аёл ширали товушда «Яхшимурод!» деб чақирар эди. Йигит апил-тапил туриб кийинди. Юз ювмоқчи бўлиб ариқча томон юрган эди, «Ассалому алайкум!» деб рўпарасидан Улуғбек чиқди. Бола елкасига сочиқ ташлаб, кумуш кумғон тутиб турарди...

Ён эшикдан чол кирди. Жамшид билан кўришиб, уни сўрига таклиф қилди.

Гулдор сопол косаларда қаймоқ келди, тоғ асали, ўрик, равоч... Улуғбек чўккалаб, нимтаъзим билан чой куйиб турибди. Тонгги муздек шабада, гуллар иси, қушлар сайроғи, бу ажиб меҳмоннавозлик Жамшидга олам-олам қувонч бағишлар, шу топда у диққинафас касбини ҳам, Бегимкуловнинг ланж топшириғини ҳам, отахон билан бўлган кечаги баҳсу мунозараларни ҳам тамом унутган эди.

Ниҳоят, дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўринларидан туришди. «Келган еридан яна бошлаймизми, тортишувни?», деган хаёлдан Жамшиднинг юраги бир сесканди. Унинг мушқулини чолнинг ўзи осон қилди:

– Бугун дам оламиз, ўғлим, – деди сўридан пастга тушиб, – кеча тоза ваъзхонлик қилдик. Булбул ҳам ҳадеб сайрайвермайди, дам олиб-дам олиб сайрайди. – Эшон бобо яктагини кийди, қўлига қизил ирғай ҳассасини олиб: «Юринг ўғлим, мен сизга қишлоқни кўрсатай», – деб йўл бошлади. Жамшид боладай қувониб чолга эргашиди.

Ҳовлидан чиқиб чапга, дарё бошига қараб кетдилар. Ёлғизоёк йўл сандикдек-сандикдек кулранг харсанглар ёнидан буралиб ўтар,

чол билан Жамшидни гоҳ сийрак чакалакзорларга олиб кирса, гоҳ ям-яшил ўтлоққа олиб чиқар эди.

Улкан тепалик олдига етганда қария тўхтаб, юзига фотиҳа тортди.

– Бу эски қабристон, – деди у тепадаги ёввойи бодомзорга ишора қилиб. – Ҳозир одам кўйилмайди. Халқ оғзида қизик ривоят бор. Гўёки Али Қушчи Улуғбекнинг қолган-қутган китобларини яшириқча келтириб шу ерга кўмганмиш. Қайсиям бир йили Тошкентдан Массон деган олим келувди. Қишлоқни бошига йиғиб олиб, тоза кавлади-е!

Жамшид қизиқиб сўради:

– Бирорта китоб топилдими ишқилиб?

– Қаёқда! Топилганда-ку, дунёда шов-шув бўлиб кетарди-я. Кўп овора бўлди бечора. Яхши одам экан. Ўзбекчани сувдай биларкан. Гаплашиб ҳузур қилдим. Ақлий қуввати рухий қувватини енгаман, дейди.

Чолнинг гаплари Жамшидга тағин оғирлик қила бошлади. У аввалига индамай қўя қолмоқчи бўлди-ю, барибир кўнгли тинчимаслигини пайқаб, луқма ташлади:

– Ота, ақлий, рухий – иккаласи бир нарса эмасми?

Чол ёнғоқдай тошларни ҳассаси билан йўлдан четга сураркан, бош чайқади:

– Йўқ, бир эмас. Ақл – бу инсондаги умумий даража. Туғма ақл бор, риёзат чекиш орқали эришиладиган ақл бор. Хўш, рухий куч – бу одамнинг собит бир эътиқоди, имони, кўнгил майли.

– Демак, руҳан кучли одам ақлли бўлиши мумкин, шундайми, ота?

– Асло! Ўлган отнинг тақасига сиғиниб ўтирадиган нодон шайх ақллими? Ёки минг жилд китоб ўқиб, илмига амал қилмай юрган имонсизни руҳан кучли деб бўладими?

Жамшид чолнинг кўнгли учун «Ҳа, энди, ҳар томонлама етук одам йўқ-да, эшон бова», деб қўйди.

Сой ўзани торайиб, шовқин пасайди. Қушлар чуғури кучайди. Дарахтлар қуюқлашди. Чол билан йигит аймоқи бўлиб кетган қайрағочлар остидан ўтиб, қўш чинор олдига бориб тўхтадилар. Чи-

норлар тагидан бир арик сув қайнаб чиқиб ётибди. Атрофда консерва банкалари, гулхан колдиклари, суяк-саёк. Чинор танасига кимдир «Исабек» деб пичок билан ўйиб ёзибди. Ёзувга анча йил бўлган шекилли тўрт метрча юқорига кўтарилиб кетибди.

Чол «Исабек»ка қараб, истехзо билан деди:

– Табиат «ошиқлари»нинг иши. Тавба, хамма дунёда бир из колдирсам, дейди. Ибодатхонага ўт қўймаса Геростратни ҳеч ким эсламасди. Қани, буёққа келинг, ўғлим.

Чол пастрок тушиб, сув бўйига чўнкайди. Юз-қўлини ювди, ховучлаб сув ичди. Жамшид ҳам муздек сувдан тўйиб симирди. Томирларига ажиб бир малҳам югургандек юраги ҳапқирди, негадир боши айланди.

Чол яктагининг барини қайириб, ялпок тошга ўтирди. Жамшидга очик юз билан бокиб деди:

– Қашқадарёнинг бошидан сув ичиш камдан-кам одамга насиб қилади. Сиз муродингизга етар экансиз. Бу сув арчаларнинг тагидан сизиб чиқяпти. Кимки арча сувини ичса, тилаги ижобат бўлармиш. Бу бир ривоят-да, ўғлим.

– Ривоятда гап кўп, – деди Жамшид билкиллаб қайнаётган булоққа ўйчан тикилиб. Чол гўё уни эшитмагандек, босиқ, қатъий овозда деди:

– Ривоят – кўнгил кўзгуси. Халқ очик айтолмаган армонини афсона деб айтган, масал қилиб тўқиган. Афсона-ю ривоят бўлмаса, бугунги мўъжизалар ҳам бўлмасди.

Улар яна сайрни давом эттирдилар. Чол Жамшидни етаклаб Қизкетган қоясига олиб чиқди, икки ёшнинг ўтли муҳаббати ҳақидаги фожейи қиссани сўзлаб берди. Кейин «Амир Темур ғори» деб аталадиган ташландиқ манзилгоҳга боришди. Чолнинг айтишича, Темур қирқ йигити билан Қаршини олиш умидида юриб, шу ерларда жон сақлаган экан. Оқ эшон узун, сербар тоқчада турган шамлардан иккитасини ёқди. Ғор ичи сирли, ваҳимали тусга кирди. Оёқ остида чириб кетган эски эгарқош, занглаган сувлиқ, бир пой узанги, синиқ найзаю сопол косалар сочилиб ётарди. Жамшид лабини тишлаб қилт этмай туриб колди. Бирдан кулоклари шанғиллади. Буюк жаҳонгирнинг ерда ётган қўхна буюмларига жон киргандек, отлар кишнаб, жангари суворийларнинг «Урҳо-ур!».

деб наъра тортгани эшитилгандек бўлди. У беихтиёр бир кадам орқага чекинди.

Жамшид гордан чикқанда пешонасини муздек тер босган эди.

... Гап-гаштак, сайру-саёҳат билан бир неча кун ўтди. Аста-секин Жамшид кўп нарсанинг фаркига бориб қолди. Илгари у динни яқкаш сўқарди-ю, лекин оғзидан чиқаётган баъзи сўзларнинг маъзини чақолмасди. Масалан, у маърузаларида «арш», «меърож», «пулспрот», «суннат», «фарз», «ғайб», «ҳадис» каби сўзларни тез-тез ишлагар, биров сўраб қолса, нима дейман деб ўйламас эди. Яхшиям, шу пайтгача ҳеч ким сўроққа тутмади. Энди у кўркмайди. Эшон бовадан бу қалималарнинг маъносини билиб олди. Тарикат нима, маърифат нима, илми абдон нима, илми адён нима – энди янглишмай айтиб беради.

Хуллас, кун сайин Жамшиднинг ақли ёришиб боряпти. Аммо кўнглининг туб-тубида бир ғашлик чўкиб ётибди. Сафари қариди. Уйга қайтиш керак. Лекин Бегимқуловнинг олдига нима деб боради? Оқ эшондан панд едим, уни диндан қайтаролмадим, дейдим? Жамшид бир нарсани ўйлаб сесканди. Агарда у яна ўн-ўн беш кун турадиган бўлса, мана бу кичкина жуссали, эгни-боши озода, ҳамиша гуноҳқорона илжайиб қўядиган жўшқин ва бемуро са қариянинг домига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Чолда одамни беихтиёр ўзига махлиё этадиган галати бир сеҳр бор эди. Жамшид шунча кун тортишди, лекин Оқ эшоннинг бўйнига ақалли диндорлигини ҳам қўя олгани йўқ. Қария, уста боксчидек кутилмаган зарбага ҳамиша тайёр турарди.

Жамшид шуларни ўйлаб эзилди. Уйга камалиб олиб тортишавергани билан бир иш чиқаролмаслигига ақли етди. Ахир, ўғрининг айбини бўйнига қўйиш учун ҳам гувоҳ керак. далилий ашёлар керак. Энди одамлар билан гаплашмаса бўлмайди шекилли. Лекин қайга боради, ким билан гаплашади? Кўчада дуч келган одамни тўхтатиб, «Эшон бова қанақа одам, яхшими, ёмонми?» деёлмайди-ку! Бир томони ноқулай ҳам. Шунча кундан бери уйда меҳмон бўлиб турибди, туз ичиб, тузликка тупуриш эмасми бу? Аммо, нима қилсин, хизматчилик, топширикни бажариш ҳам фарз, ҳам қарз.

Жамшид манглайини ишкаб, бирдан ўйланиб қолди: «Шошма! Бегимқулов кўрсатган хат эгасиз эди, лекин у, бир гуруҳ ўқитувчилар ёзибди, дегандай бўлувди. Тамом, мактабга бораман. Муаллимлар билан гаплашаман, ҳар қалай, кишлоқ зиёлилари-ку, холис бир нарса дейишар».

Нонуштадан кейин Жамшид қариядан изн сўради:

– Ота, мен сой томонларни бир айланиб келай, – деди асл ниятини яширишга уриниб. Чол уни эшиккача кузатиб чиқди.

– Ана энди тўғри йўлга тушдингиз, – деди Жамшиднинг қаёққа кетаётганини сезгандай, – одамлар билан гаплашиб кўринг. Дунёда ҳеч ким ўз оёғига ўзи болта ургиси келмайди. Сиз учун халқнинг фикри мўътабар бўлмоғи лозим.

Жамшид чолнинг кўзи ўнгида тўғри мактабга йўл олишга аниқлаш қилди. Йўлни кесиб ўтиб, чакалакзорга шўнғиди. Соё ёқасидаги сайхонликни айланиб, мактабга қараб кетди. У мактабнинг қаердалигини биларди, тунов қуни эшон бобо билан дарё бошига борганларида кўрган эди. Ҳаш-паш дегунча арчазор этагидаги оқ томли пастак, узунчоқ иморат олдига бориб тўхтади. «Ҳозир таътил пайти бўлса, ҳеч ким йўқдир», деб ўйладию, иккиланиб, панжарали ён эшикдан ўтди. Ҳовли ўртасидаги ёлғиз қайрағоч остида бир киши оёқларини чалиштириб чалқанча ётарди.

– Ассалому алайкум... – деди Жамшид ийманиброқ. Қайрағоч тагидаги киши мактаб қоровули Зикрилла ака эди. У ирғиб ўрнидан турди.

– Э, келинг! – деди гўё Жамшидни анчадан бери кутиб ётгандай. Шоша-пиша дўпписини кийиб, оёғига калишини илди. Йўрғалаб келиб, Жамшидга қўл берди.

– Қани, қани, меҳмонжон, шоҳсупага ўтсинлар! – Зикрилла ака эллиқдан ошган, гўштликкина бўлса-да, чаққон, қувноқ киши эди. Калишини шипиллатиб йўл бошлади.

Қўлбола супага бориб ўтирдилар. Қоровул олақуроқ дастурхонни очиб қўйди, фотиҳа қилди:

– Омин, кийганингиз ипак, суйганингиз гўдак бўлаверсин-э! – У нимтаъзим қилиб, ҳол-аҳвол сўради, ўзини таништирди, кейин шўх қулди:

– Шу, эртаминан десангиз, кумғон сурнай чалади. Чақир, мехмонни чақир, жонивор, дейман. Ёлғизликдан Зикрилла акангининг юраги тарс ёрилиб кетди-ку, дейман. Болалар районда, хашак йиғишга кетган, муғаллимлар дам олишда. Битта-яримтаси айланиб келиб колмаса, биров кадам босмайди. Кичкина чорбоғ ичида айланур бошим менинг, деб ётибмиз-да, э, мехмонжон!

Зикрилла ака сўридан сирғалиб тушди. «Насибангизни карайчи», деб боғ оралаб кетди. Анчадан кейин бир товок олма, ўрик, тоғолча териб келиб дастурхонга тўкди. Кейин чой дамлагани ошиқди. Жамшид унинг ортидан қараб, бир, оёғини судраб босишига энди эътибор қилди.

Чой устида Жамшид ўзини таништирди.

– Эшон бованикига Қаршидан мехмон келибди, дейишувди. Сиз экансиз-да, муллака. Қалай, гаплашиб хузур қилдингизми? Эшон бова жа ғалати одам-да, билмаган нарсаси йўқ. Лекин тили аччиқ. Жойи келса отасини ҳам аямайди. Тўғрисўз.

Жамшид Зикрилла аканинг одамшаванда, кўнглида кири йўқ одамлигини кўриб, гапнинг очиғини айтиб қўя қолди:

– Жуда доно чол экан. Бирок... бир нарсага тушунолмаяпман. Бир қарасанг, шайху муллалигиниям кўрсатмайди. Бир қарасанг, фирт хурофотчига ўхшайди. Ҳайронман...

Қоровул хохолаб қулди:

– Э, қанақасига у хуропотчи бўлади, мехмонжон! У киши эл-юртнинг одами! Қаерда нима камчилик бўлса халқ тарафида туради.

Гапнинг очиғи, баъзида районнинг катталари ҳам унча-мунча нарсада эшон бовадан маслаҳат сўраб туришади. Эшон бова – элнинг юраги бўлиб қолган.

Жамшид баттар таажжубланиб сўради:

– Бўлмаса, нега устидан шикоят ёзишади?

– Дунёда нима кўп – кумурска кўп. Ким кўп – ғаламис кўп. Ёзади-да. Боя айтдим-ку сизга, эшон бованинг тили аччиқ, деб. Битта-яримтасининг думини қаттиқроқ босган бўлса ёзган-да, тўғрими?

Жамшид индамай пиёласини дастурхонга қўйди. Миясига гуп этиб қон урди. Ичида аввал Бегимқуловни, кейин ўзини сўқди.

«Ғирт лакмаман, лакма! Энди қарияга нима дейман? Кўзига қандай қарайман?»

Қоровул пиёлани чертиб узатди:

– Э, сиз тегирмончи деб кўсани уйғотиб кўйибсиз-да, муллака!  
Қани, чойдан ичинг!

Жамшид унинг гапини эшитмагандай, рўпарадаги қояли тоғларга тикилиб қолди.

Шу пайт от ўйнатиб қоракўл телпак кийган, япалоқ бетли басавлат киши келди-ю, панжара ортида тўхтади. Салом йўк, алиқ йўк, қоровулга бақирди:

– Хув, чўлок, директоринг қайда?

Қоровул сўридан тушиб, уч-тўрт кадам юрди.

– Уйларида бўлса керак, Каттаоғиз ака, – деди хазиломуз кулиб, – сигири тувғон экан, шунга...

Саман отлик қоровулнинг гапини чўрт кесди:

– Кўксултон теришга бола чиқармабди. Тайинлаб кўй, эртан йиғирма бола чиқмаса, энасини кўрсатаман!

Қоровул яна бир-икки кадам юрди.

– Айтаман, Каттаоғиз ака. Отдан тушинг, қора қумғон қайнаб турибди. Майдондан меҳмон бор. Эшон бовани махтаб ёзгани келибди. Бир гурунғ бермайсизми?

«Эшон бова»ни эшитиб, отликнинг жони қолмади.

– Махтаглар! – деб ўшқирди. Жамшидга кўз ташлаб. – Менга деса, зар чопонга ўраб, хув анави товди бошига ўтказиб кўйинглар мияси айниғон қолди!

Қоровул ёлғондан қуллук қилди:

– Бир оғиз гапингиз, Каттаоғиз ака...

Сур телпакли киши турган ерида чўрт бурилдию, отига жаҳл билан қамчи урди.

– Бидилламай айт директорингга, эртан товга бола чиқарсин!

У от чоптириб кетди. Қоровул бир лаҳза тек турди. Сўнг бош чайқаб изига қайтди.

– Тавба, – деди калишини ечиб сўрига чиқаркан, – пути айри, боши думалоқ бўлса, одам бўлаверар экан-да? Туркини қаранг!

– Ким у?

– Ўрмон хўжалигини бошлиғи.. – Турдикулов. Оғзи билан кетмон чопади, шунга биз «Каттаоғиз» деймиз. Азонлаб бир сиқим чумоли еб олибди, баччағарди бачаси.

Жамшид соддалик қилиб сўради:

– Касалми? Қайдан билдингиз?

– Бу бир гап-да, муллака. Гапинг мунча совуқ, чумоли еганми-сан, дейди-ку, машойихлар.

– Турдикулов... эшон бовани нега ёмон кўради?

– Нега десангиз, Турдикулов ўғри. Буни ҳамма билади. Бирок, ке, шу каззоб билан тенг бўламанми, деб ҳеч ким индамайди. Эшон бова аямайди. Кўпчиликни олдида бетига салади. Турдикулов эшон бовадан ўлгудай кўркади. У киши бор ерга оёқ босмайди.

– Шунчалик экан, Турдикуловни бўшатиб юбориш керак эди.

Зикрилла ака «Бу йигит ҳазиллашяптими?» дегандек, унга зимдан қараб қўйди.

– Ўзингиз тушунган одамсиз-ку, муллака, – деди ух тортиб. – Турдикулов мана шу тоғларнинг яккаю ягона хўжаси. Қанча йилдан бери каламушдай кемириб ётибди. Районда суйанган чинорлари бор. Анов дарёга битта нон ташласангиз, окиб тўғри районга боради. Еган оғиз уялмайдами, меҳмонжон?

Жамшид ўйланиб қолди. Қоровул ўрнидан турди.

– Каттаоғизнинг гапини завучга<sup>1</sup> айтиб қўяй. Эртан бало ортиб юрмасин, – деб боғ этагига юрди. Салдан кейин унинг «Ҳожимуро-од! Ҳов Ҳожимуро-од!» деб чақиргани эшитилди. Олисан «Хў-ўш!» деган овоз келди. Қоровул: «Омонбойни олиб мунда ке-ел! Меҳмон бо-ор!» деб товуш берди.

Ярим соатга қолмай боғ оралаб икки муаллим етиб келди. Бири оксоч, тўладан келган, истаралик – Омонбой. У мактаб ўқув бўлими мудирини экан. Иккинчиси, Ҳожимурод, ёшгина, тетик йигит. У бултур институтни битирибди, адабиётчи экан.

Зикрилла ака елиб-югуриб декча қозонни қайнатди. Офтоб тиккага келгунча, Омонбой ака айтмоқчи, «Башарий шўрпо»ни пуф-пуфлаб гурунгни роса қизитдилар.

---

<sup>1</sup> Завуч – мактаб ўқув бўлими мудирини.

Жамшид ўрнидан турганида руҳи энгил, кўнгли равшан эди. У Оқ эшон ҳақидаги жамики саволларига жавоб топди.

Энг муҳими, Жамшид «юмалок» хат эгасини аниклагандек бўлди. «Бунақа ишларга Турдикулов уста, гоҳо кўли кичиб турадиган одати бор», дейишди ўқитувчилар бир оғиздан.

Жамшиднинг кўз олдидан отанинг сураги кетмай қолди. Шунча кундан бери у сирли эди, бу чолнинг ҳаёти чигал муаммодай, унинг киёфасига хира бир парда тортилгандек эди. Энди бу парда кўтарилди. Эшон бобо энди хув анави тоғлар қадар юксак, суюмли ва дилга яқин бўлиб қолди.

Жамшид мактабдан чиқиб, сой тарафга юрди. У тўғри чолнинг уйига кириб боришга истиҳола қилар, бир муддат сув бўйида ўтириб, ўтган умрини, энди яшаяжак кунларини сарҳисоб қилмоқчи эди.

У кирғоқда кулаб ётган теракка бориб ўтирди. Сойга тикилди. Азим чинорларнинг танасини ювиб, шитоб билан пастга ирғишлаётган асов дарё шовқини кулоқларини батанг қилди. Бир лаҳзада сув камалак тусига кирди. Негадир боши айланди. Оғзидан чучмал бир нарсанинг таъми кетмай қолди. Бу ҳол кислород се-роблиги туфайли бўлаётганини Жамшид ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Ям-яшил, захкаш ўтлоққа ҳасса уриб Эшон бобо кела бошлади. Лекин Жамшид сувнинг шовқинидан унинг яқинлашганини сезмади. Чол индамай келиб йигитнинг ёнига ўтирди. Жамшид ирғиб турди. Ота билан беихтиёр қўшқўллаб кўришди.

– Қалай, мактаб ёқдими? – деб сўради чол. – Ҳадеганда қайтавермадингиз. Хавотирланиб Улуғбекни юборсам, сой бўйинга тушиб кетди, дейишибди.

Кейинги пайтларда Жамшид чолнинг башоратларига кўникиб қолган эди. Шунинг учун «Мактабга борганимни қайдан билди экан?» деб ўйлаб ўтирмади. «Тузук» деб кўя қолди.

Сой шовиллайди, гоҳ кўпириб тошларга урилади, гоҳ мажнунтоллар тагида гирдобга айланади. Тутқунликдан кутулиб, яна водий сари отилиб чиқади. Чол билан йигит сув сеҳрига жимгина термулиб ўтирибдилар. Бир вақт чол ҳассасини кўтариб баҳайбат дарахтга ишора қилди:

– Хув анави чинорни қаранг, ўғлим. Камида уч юз ёшга кирди. Отам раҳматли айтарди, «Отамнинг отаси эккан», деб. Бўйи юз метр келаров. Танасига йигирма одамнинг қулочи етмайди. Худди осмоннинг устунига ўхшайди. Ҳайронман, ўшандай дарахтни қандай куч юксакка кўтарар экан, а?

Чол жавоб кутгандек, бир лаҳза нафас ростлади. Жамшид индамади. Қария гапида давом этди:

– Ҳов анави жувонни қаранг, сигир етаклаб кетяпти, қизил кўйлакли. Ўзи тўтиқушнинг боласидай келади. Ўша жувоннинг кўлига икки пақир сув бериб, бир чақиримга обор, десангиз, ўпкаси шишиб кетади. Аммо беш яшар боласини ғинг демай Ҳиротгача кўтариб боради. Бу аёлдаги ички қувватга ҳайрон қоламан. Қайдан оларкин шунча кучни?

Жамшид «Она меҳри шунақа-да», дегиси келди-ю, гапи арзон бўлишини ўйлаб, тилини тишлади. Чол ўзига-ўзи гапираётгандек, аста деди:

– Кўп нарсаларга ҳайрон қоламан. Юз тонналик тошлардан тикланган Миср эҳромларига, Ойдан бир кафт тупроқ олиб тушган техникага, тўққиз ёшида симфония ёзган даҳо болакайга...

Жамшид, бу чолдан тагин қандай қизиқ гап чиқар экан, деб атай сўради:

– Кейин-чи, ота, яна нимага ҳайрон қоласиз?

– Янами? – Эшон бобо Жамшидга мулойим разм солиб, сирли кулимсиради. – Яна сизнинг соддалигингизга ҳайрон қоламан.

Жамшид гапнинг шайини қаёққа оғаётганини сезса-да, номига елка қисди:

– Нега?

– Негаки, сиз мени диндан қайтармоқчи бўлиб келибсиз. Анави дарёга қаранг. Уни изига қайтариб бўладими? Йўқ. Шовул-лаб оққани-оққан. Боринги, йўлини тўсиб, бошқа ўзанга солдингиз, ҳам дейлик. Барибир оқаверади. У – оби ҳаёт. Оллоҳнинг неъматини. Илоҳий неъматни тўсгани бандасининг кучи етмайди. Дини ислом ҳам шу. Ана шу оқар сувдек бир тўхтаб, бир гувиллаб, кўнгилларни обод қилиб бораверади.

Чол ўрнидан турди:

– Юринг ўғлим, уйга чиқамиз. Бу ерда аёзлаб қоласиз.

Йигит чолга эргашди. Йўл-йўлакай у ўзини оклаган бўлди:

– Шунча хизматларингиз бор экан-у... яна Турдикуловдай ўғрилар устингиздан ёзиб юрибди. Бир оғиз юкорига айтиб, танобини торттириб қўймайсизми, ота?

– Ёзса ёзар. Дарёдан от ҳам сув ичади, ит ҳам. Бу билан дарё харом бўлиб қолмайди.

... Эртасига Жамшид сахармардонда турди. Қаршига кетаётган «бензин машина»га чиқиб олди. Хаёлида бир фикр тинмай чарх уради: «Ҳозир тўғри ишхонага бораман. Бегимкуловга дейдиганимни дейман. Кейин аризамни олиб йиртиб ташлайман. Ўз вазифамда қоламан. Ғиринг-пиринг деса раисга кираман. Ишлайман. Лекин, илғариги қолипда эмас, бошқача ишлайман! Шунча йил донни сомондан ажратолмай юрган эканман. Энди кўзим очилди. Раҳмат сизга, Эшонхўжа ака!..»

Жамшид машина ойнасидан бошини чиқариб ортига қаради. Кўча бошида Эшон бобо турар, Жамшиднинг орзуларига оқ йўл тилаётгандек, ора-сира қўл силкиб қўярди.



# Хукоялар





## ЗУХРА ХОЛАНИНГ КЕЛИНИ

### I

Икки йилдирки, Алижон Сибирда ишлайди. Ҳамқишлоқлари Барнаулда қўшма корхона очишган. Сибирдан Ўзбекистонга ёғоч тайёрлаб жўнатишади. Алижон шу корхонада ҳайдовчилик қилади. Одамларни у ёқдан бу ёққа ташиб юриб, Лариса исмли қизни яхши кўриб қолди. Бирор йил қўл ушлашиб юрдилар. Ва ниҳоят, Алижон Ларисани ота-онасига таништирмоқчи бўлди. Бироқ кишлоққа даб-дурустдан бегона қизни етаклаб келишнинг ўзи бўлмайди. Алижон онасини ўйлаб, кўрқди. Зухра хола ҳақ деган еридан қайтмайдиган, чўрткесар хотин. Кези келганда, эркаларнинг ҳам «суроби»ни тўғрилаб қўяди. Алижон ўйлаб-ўйлаб, Ларисани туман марказидаги меҳмонхонага жойлаштирди.

Лариса жомадон устига ўтириб, лабини тишлади:

– Маманг кўнмаса-чи, унда нима қиламиз? Уйдагиларга нима дейман, Али?

Алижон йигирмага тўлиб, йигирма бирга чиқаётган эди. Бу ёшдаги йигитлар, дунё менинг измимда, қўлимни ҳар қаёққа чўзсам етади, деб ўйлайди.

– Нега кўнмас экан, – деди у комил ишонч билан. Лекин Лариса барибир мунғайиб қолди.

– Қўрқаман, Али. Бегона ерлар, танимаган одамлар. Худди кинода кўрганларимга ўхшайди. «Тошкент – нон шаҳри» эсингдами?

– Қўрқма, мен эртага келиб хабар оламан. Пулинг бор, ошхонага чиқиб овқатланасан-да, китобингни ўқиб ётаверасан. Бўпtimi? Хўп, эртагача.

Алижон жўнади. Лариса «Омадингни берсин, Али» деб қўл силкиб қолди. Зухра хола кун санаб ўғлини кутиб ўтирганди. Али-

жон эшикдан кирган захоти кизларига, кариндош-уруғларига одам юборди. Ўғлини қайта-қайта бағрига босиб, роса йиғлади.

– Нега йиғлайсан, тентак? – деди муртидан кулиб Гулмат ота, – ўғлинг омон-эсон келди, кувонмайсанми?

Шундай деб у ўғлининг қалди-коматига разм солди. Икки йил ичида Алижоннинг бўйи чўзилиб, эр йигитнинг нукси уриб қолган эди.

Кечкурун уйни меҳмон босди. Гулмат ота Алижонга атаб кўчқор бокиб ўтирган эди. Жамол қассобни чакиртириб, сўйдирди. Олма тагига дошқозон осилди. Хогинлар бўғирсокка уннаб кетишди. Алижоннинг бир поччаси икки қора сумкани кўтариб, дўконга зинғиллади. Гулмат ота ток тагига нарвон кўйиб, латта халталарга ўраб кўйилган узумларни уза бошлади.

Алижонларникида ўз-ўзидан тўй бошланиб кетди.

Ярим кечага бориб меҳмоннинг ҳам кўри ўчди. Уйда Зухра холанинг кизлари, куёвлари, Гулмат отанинг жияилари қолди.

– Ая, – деди ўртанча куёв Файзулла, – мана, Алижон девдай йигит бўлиб келибди. Энди тўйни бошласак ҳам бўлаверади. Бизнинг болалар дутор, сеторларни тайёрлаб хизматга шай бўлиб турибди.

Файзулла мактабда мусикадан дарс берар, шалдир-шулдир йигит эди. У елим ликопчани олди-ю, юзини тўсиб, «Тўйлар муборак!» деб кулди. Алижон онасининг оғзига тикилди.

– Ўлигимнинг эгаси, тобутимнинг чегаси, мана шу ёлғизим, – деди Зухра хола керилиб. – Худо хоҳласа, ёзга чикиб, уйлаб кўяман.

– Ундай бўлса, киз ҳам топиб кўйгандирсиз.

Хола катта рўмолининг учини елкасига қайириб ташлаб, сиполик билан бош силкиди.

– Менинг Алижонимга манаман деган киз тегади.

Алижон, «Ўзимнинг қизим бор, ая», дегиси келди. Бирок, биринчи куниёқ уйдагиларнинг дилини хуфтон қилгиси келмади.

Эртасига «Қуллук бўлсин»га яна одамлар келди. Алижон онасини холи топиб, дардини айтолмади. Чошгоҳгача ивирсиб, келганкетганга елка тутиб турди-ю, охири чидамади. Кенжа опаси Гулнорани бир четга тортиб, кулоғига шивирлади:

– Опа, мен Барнаулдан киз олиб келганман. Шаҳарда кутиб турибди. Бормасам бўлмайди.

Гулноранинг оғзи аста-секин очилиб, кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

– Вой, энди нима қиламиз, Али, нима қиламиз, – деди укасини тортқилаб, – аям нақд ўлдиради.

У негадир уйга эмас, боғ томонга югуриб кетди.

Алижон онасига «Шаҳарга бориб келаман», дедию, шипиллаб жўнади.

Лариса қачонги замонлардан қолган пастқам, хароб мехмонхона олдида олисларга термилиб, хаёл суриб ўтирган экан. Алижон Ларисанинг тирсагидан тутди:

– Сиз билан танишсак бўладими, яхши киз?

Лариса ирғиб турди, пиқиллаб Алижоннинг бўйнига осилди.

– Келдингми, Али? Хайрият... Туни билан ухлай олмадим, ўйлайвердим, ўйлайвердим... Нима дейишди, хўп дейишдими?

Алижон хўрсинди. Лариса унга ҳадиксираб боқди.

– Йўқ, ўрис бизга бўлмайди дейишгандир-да. Ўзим ҳам билувдим.

– Валдирама. Айтолмадим. Мехмон устига мехмон. Ҳеч иложи бўлмади. Бугун айтаман.

– Барибир фойдаси йўқ. Онанг кўнмайди. Туш кўрдим. Тушимда у сигирнинг думини супурги қилиб мени қувлаб юрганмиш... Жомадонимни олайми?

– Йўқ. Ҳозир бозорга кириб, у-бу нарса оламиз. Кейин кинога кирамиз... Кейин сен яна шу ерда бўлиб турасан. Мен уйга бориб, генерал хотин билан музокара олиб бораман. Қўлингни бер, чопдик.

Алижон уйларига кеч кирганда қайтди. Отаси айвонда нўхта тикаяпти. Онаси тасбеҳ ўгириб ўтирибди. Тўнғич опаси Нигора ўчоқ бошида идиш-товоқ йиғиштирарди. У укасини кўрди-ю, лўмбиллаб айвон тарафга қараб кела бошлади. Алижон ечинди, отасининг ёнига бориб, нўхтанинг бир томонини ушлашиб турди.

– Ҳм, келдингми, саёқ? – деди Зухра хола жеркиброк. Алижон индамади.

– Менга қара, Гулнора нима деб ўтляяпти? Сибирдан хотин олиб келганмишмисан?

Ўғлининг бир жуфт бўлиб келганини Гулмат ота ҳам эшитган эди. У ҳозир «кампир томоша кўрсатади» дегандек, муртидан кулиб қараб кўйди.

Алижон миқ этмай, нўхтанинг тақасини тортиб тураверди.

– Нима бало, ишлаганингга мукофот деб, ҳар йигитга биттадан киз қўлтиқлатиб юборадими, катталаринг? Айт! Барибир эшитдим.

Алижоннинг иложи қолмади. Кўзини чирт юмиб, ёлғонлади.

– Бир марта ёмон касал бўлиб, госпиталга тушдим. Сизларни кўрқмасин, деб хабар қилмадим. Шунда ҳар кунни тонг отгунча бошимда ўтириб чиқди, бечора. Ўзи ҳамшира. Отаси генерал! Онаси... Онаси...

– Онаси гинеролни хотини-да! – кесатди хола.

– Йў... ха, лекин зўр хотин. Тивитдан жун рўмол тўқийди. Ҳар хафтада битта рўмол тўқиб сотади.

Нигора укасининг лофига мириқиб кулди.

– Ёлғонниям сув қилиб ичадиган бўпсан. Гинеролнинг хотини рўмолфурушлик қилганини энди эшитиб турибман.

– Эҳтимол сотар! – деди Алижон бўш келмай. – Меҳнатнинг айби йўқ. Хуллас, Лариса менга кўп яхшилик қилди. Агар ўлмай ўрнимдан туриб кетсам, сенга уйланаман, деб ваъда берувдим.

Зухра хола чўрт кесди:

– Гинерол тугул ундан каттасининг қизи бўлсаям, олиб бермайман. Ғайридинни келин қилмайман. Кўчага чиқиб, бир йўталсам, лаббай деб ҳар эшикдан икки киз чиқиб келади. Худога шукур, эшигимни ел очиб, ел ёпади. Карнай-сурнай чалдириб, оёқ-кўли чаккон, бетли-хаёли бир кизни олиб бераман. Ўрисингни қайтиб оғзингга олма!

Нигора онасига хушомад қилиб, укасининг елкасига қоқди:

– Шундай қил, жоним. Эртага бориб, поездга солиб кел. Пул керак бўлса, мен берай.

Алижон опасига ўқрайиб қаради, бармоғи билан бошига нуқиб кўйди.

Гулмат ота нўхтани тикиб бўлди. Пишиқмикан, дегандек, тортиб-тортиб кўрди. Кейин кампирига ўгирилди:

– Сенинг оғзинг куймади, хотин. Ана Райимбердинг нима бўлди? Аканг, «инжобиёлатмайман», деб тожик хотинидан ажра-

тиб олди. Қайта уйлади. Барибир икки боласи билан ташлаб кетди. Кўнгил исимаса, ёмон. Кўявермайсанми, суйган ошини ичмайди-ми?

Зухра хола эрига ташланди:

– Ҳа-а, сиз қулоғини кўтариб туринг, бошвогини олиб, қўйиб юборсанг, ҳозирги ёшлар нима қилмайди? Дайди итдек ҳар тувакка тумшуғини тиқиб, искаланиб чиқади. «Суйган оши»ни ичганлардан бири анави Чори чурукми? Ҳар йили хотин олади. Тўрт ерга олимпик тўлайди. Суйган ошини ичармиш... – кампир кўкрагига муштлади, – мен тирик эканман, менинг пиширган ошимни ичасанлар. Кўзим юмилгандан кейин, менга деса бир-бирингни гўштарингни енглар!

Ота-бола энди айтишувнинг фойдаси йўқлигини билиб, секин туриб кетишди.

## II

Эрталаб Алижон онасининг олдига чикди.

– Ая, мен Ларисани хабарлаб келай. Юрагини ҳовучлаб кўрқиб ўтиргандир. Бир бечорага жабр бўлди.

– Бора қол, болам, – деди Зухра хола юмшаб. У ўғлим айниди деб, севинганди, – бир йўла жавобини бериб кел. Алдаб-сулдаб, йўлга сол. Мени ёмонлайвер. Онам дажжол хотин де, ялмоғиз, сенга кун бермайди, бир йилда адои тамом қилади, де. Худо хоҳласа, қишлоқдан чертиб-чертиб, мана бундай қиз олиб бераман.

Алижон эшикда қаққайиб қолди.

– Кўзим қиймаяпти-да, ая. Яхши ...

Зухра хола қўл силтаб, бақирди:

– Туққан онангни кўзинг кияди, ортингдан эргашиб келган бир ўрисни кўзинг қиймайдими? Бор, унда ўша кўккўзинг билан келган ерингга кетавер! Кўзимга кўринма!

Ўғил секин чиқиб кетди. Зухра хола «Алижон!» деб чақирди. Лекин, у изига қайтмади.

Алижон кечкурун келмади. Зухра холани ваҳима босди. «Ростдан ҳам кетиб қолган бўлса-я? У бола кетади, айтганидан қайтмайдиган ўжар. Асли ўзидан ўтди. Беш қиздан кейин тилаб-тилаб олган ёлғиз

Ўғил деб, бетига қараб ўстирди. Энди нима бўлади? Эл-юртга нима дейман?»

Хола хуфтонгача тасбеҳ ўгириб, эшик тик этса қараб ўтирди. Алижоннинг дараги бўлмади.

Сахар туриб нариги уйга чиқди. Ўғлининг ўрни бўш эди. Беихтиёр холанинг кўзларига ёш қалқди. Чолини чакириб, захрини сочди:

– Алижонингиз йўқ. Одам эчкиси йўқолса ҳам кидиради. Мундок қарамайсизми?

– Қаёқдан излайман? – деди Гулмат ота, – шаҳарга бориб, «Алижонни кўрган борми?» деб кичқираманми? Ёш бола эмас, келиб қолар.

Гулмат ота яна кулиб, кампирининг жиғига тегди:

– Юргандир-да, суйган ошини ичиб.

Зухра холаники тутиб кетди:

– Келсин, нақ битталаб сочини юламан!

– Кимнинг сочини, келинникиними?

Зухра хола «Қариб қуюлмаган коквош» деб қарғандию, ўрнидан туриб кетди.

Алижон кечқурун, коронғи тушганда Ларисани бошлаб келди. Алижоннинг кўлида катта жомадон, Лариса тўрхалта кўтариб олган. Алижон секин эшикни очиб, «Юр!» дегандек қўл силкиди. Лариса килт этмай тураверди.

– Юравер, намунча кўрқасан? Аям ёввойи эмас, еб кўймайди.

Лариса ён эшикдан базўр кирди. Улкан ва чароғон ҳовлига қараб, анграйиб қолди. Алижон жомадонни айвонга олиб бориб кўйди, қайтиб келиб, кизнинг кўлидан тортди. Лариса беҳол эргашди. Катта меҳмонхонада Гулмат ота билан Зухра хола чой ичиб ўтирган экан. Алижон эшикдан илжайиб кирди. Салом берди, ортига ўгирилиб, Ларисага имо қилди. Қиз кўрқа-писа остона хатлади.

– Мана, ая, келинингиз, – деди Алижон хурсанд бўлиб, сўнг кизни туртди, – бор, аям билан кўриш.

Лариса бир-бир босиб, тўрга ўта бошлади. Зухра холанинг олди-га бориб энгашди:

– Здравствуйте, мама!

Зухра хола Ларисани кўрагидан итариб юбориб, бетини бурди. Қиз ҳайрон бўлиб бир Алижонга, бир Гулмат отага тикилганча, туриб колди. Ота даст ўрнидан турди. Қизни бағрига олиб бошини силади.

– Саломга алик олмадинг-а, нодон хотин! – деб кампирини жеркиди. – Ўтир, кизим. Алижон, сен ҳам бу ёкка кел. Қани, омин. Агарда юлдузларинг тўғри келгани рост бўлса, кўша қаринглар. Оллоху акбар!

Зухра хола тўнғиллади:

– Нодон деб сизни айтади. Худо беҳабарга фотиҳа қилиб ўтирибсиз-а?

– Мен бир мусофирни мусулмон қилмоқчиман. Худо хоҳласа, жаннатнинг тўри бизники, – деди Гулмат ота. Кампир аламига чи-долмай, девор тарафга ўгирилиб олди.

Яна қизларникига, қариндош-уруғларникига чопар кетди. Ҳадемай «сибирлик келин»ни кўргани ҳовликиб, Алижоннинг опалари, тоғалари, амма-холалари етиб келишди.

Алижон, «Хўп десанглар, шу кизга уйланаман, бўлмаса бошимни олиб кетаман», деб туриб олди. Зухра холанинг иложи колмади. Тошгемир корини чақиртириб, никоҳ ўқиттирди. Икки кун ўтказиб кичикрок тўй қилиб берди.

Тўйнинг эртаси. Зухра хола бомдод намозини адо этиб ҳам ўрнидан турмади. У келиннинг чикишини кутарди. Келиндан эса дарак йўқ.

Бир вақт майкачан Алижон кўринди.

– Ўрисинг ўлиб қолганми, қораси кўринмайди? – деди хола қовоқ солиб, Алижон ичкари кириб, хотинини бошлаб чикди. Лариса «Здравствуйте, мам!» деб кўришмоқчи эди, хола юзини бурди.

– Ювиқсиз! Уялмай тепамга келади-я! – У ҳовлига қараб қўл силтади, – бор, аввал бет-кўлингни ювиб кел!

Лариса «Нима деяпти?» дегандек, ҳайрон бўлиб, эрига қаради.

– Олдин ювиниб кел, кейин кўришамиз, деяпти аям. Бизнинг одатимиз шунақа, ювинмай туриб кўришиб бўлмайди.

– Ғалати! – деди Лариса ва сочиқ олиб ҳовлига тушди.

Анчадан кейин у ичкаридан кийиниб, пардоз қилиб чикди. Қайнонаси билан қайта кўришгани келди. Алижон, «Аям энди

қандай хунар кўрсатар экан?» деб, бир чеккада илжайиб қараб турибди.

Лариса энгашиб Зухра холанинг бетидан ўпди.

– Здравствуйте, мама!

Кампир юзини ўптириб, марҳамат қилган кимсадек, керилиб бош ирғади:

– Здраска... Тавба! Ассалом деса, тили кесиладими?

Алижон Ларисанинг ёнини олган бўлди:

– Тили келишмайроқ турибди-да, ая. Ўрганиб кетади.

– Ўлганда ўрганадими? Мана, бугун обкелганингга беш кун бўлди!

Алижон хохолаб қулди:

– Сайёра опам рус тилини ўрганиш учун беш йил ўқиди, институтда. Беш кунда ўзбекчани ўрганиб бўларканми?

У Ларисага ўгирилди:

– Лариса, салом, ая, де. Са-лом, ая!.. Қани!

Лариса дув кизарди. Ҳамон тумтайиб ўтирган Зухра холанинг оппоқ этли юзига кулимсираб боқди. Ҳижжалаб секин деди:

– Сал-лям, а-я...

Зухра хола ковоғини очмадию лекин димоғи чоғ бўлганини билдириб қўйди:

– Ана, гапираман деса, балодай гапиради. Касрланиб турибди-да ўзи!

Шу пайт эшикдан Гулмат ота кирди.

Лариса ирғиб туриб отанинг рўпарасида бош эгди. Назокат билан:

– Сал-лям, а-я, – деди. Алижон кулиб юборди. Ҳатто тўрсайиб ўтирган Зухра хола ҳам кемшик тишини кўрсатиб жилмайиб қўйди. Лариса уятли иш қилиб қўйгандек эрига жавдираб боқди.

– Сен отамни ҳам ая дединг, шунга куляпмиз. Отамга, салом, дада, дейиш керак.

Лариса, қандоқ қилсам буларга ёқаркинман, деб ўлиб-тирилаётган эди. Лабини чўччайтириб, қийналиброк:

– Сал-лям, да-да, — деди.

– Ваалайкум ассалом, кўп яша қизим, – деди Гулмат ота ва Ларисанинг елкасига қоқиб қўйди.

Нонуштага ўтирдилар. Алижон шиғиллаб қайнаб турган самоварни кўтариб, уйга олиб кирди – қовоқнусха патнисга қўйди. Лариса оппоқ сочик билан пиёлани артаётган эди. Алижон, «Кампир унга чой куй деб қолмасин, шарманда бўлади», деб ўйладию, дарров самовар ёнига чўнқайди. Бир пиёла чой куйиб, таъзим билан отасига узатди. Зухра хола кесатди:

– Ҳм, анави ойимчангиз куйса, қўли синадими? Бисмиллоҳ деб хотинига хизматкор бўлиб олганини қара буни! Ўрисларнинг жодуси ўткир бўлади, деса ишонмасдим. Ў, парвардигор!..

Алижон онасини кулиб енгмоқчи бўлди:

– У ёқда юриб ният қилувдим. Омон-эсон уйга борсам, уч кунгача дадам иккалангизга ўзим чой куйиб бераман, деб. Ҳали келиннингизнинг қўлидан кўп чой ичасиз, ая.

Дастурхондаги кип-қизил бўрсилдоқ нонларга қараб Ларисанинг кўзи ўйнади. Оғзининг суви келди. Бир бурда нонга секин қўлини чўзди. Зухра хола шап эткизиб унинг қўлига урди.

– Уятсиз! Катталардан олдин дастурхонга қўл чўзади-я! Ота онаси тарбия бермаган экан-да.

Лариса кўрқиб қўлини тортди. Алижон унга онасининг гапини ўгирди:

– Биз томонларда катталардан аввал дастурхонга қўл узатилмайди. Одатимиз шунақа, хафа бўлмайсан.

Лариса йиғлагудек бўлди.

– Ахир, кечадан бери туз тотганим йўқ. Итдай очман, нима қилай? – деди қўлини силаб. Гулмат ота уруш йиллари ишчилар батальонида хизмат қилган, русчани оз-моз биларди. Ларисанинг итдай очман дегани унга оғир ботди. Бир-икки бурда нонни келини тарафга суриб қўйди.

– Ол, қизим, кушат қил, – деди ва ўзи бир тишлам нон олиб оғзига солди. Лариса кўрқа-писа патирга қўл чўзди. Бу сафар Зухра хола унинг қўлига урмади.

Нонушта тугади. Гулмат ота ташқарига чиқиб кетди. Алижон билан Лариса дастурхонни йиғиштира бошлашди. Зухра хола Ларисанинг калта юбкасига қараб қўйди-ю, ўрнидан туриб ичкари хонага кирди. Анчагача йўқ бўлиб кетди. Бир вақт яп-янги қўйлак-лозим олиб чиқиб, Ларисанинг олдига отди. Ўғлини жеркиб деди:

– Ойимчангга айт, думи юлинган товукка ўхшамай мана буларни кийиб олсин. Тавба!

Лариса кампирнинг гапини таржимонсиз ҳам тушунди. Кўйлак-лозимни кўтариб, ичкари кирди. Бироздан кейин кийиниб чиқди. Алижон унга махлиё бўлиб қолди. Ўзбекча либос Ларисанинг хуснини очиб юборган эди. Кўйлак узун, этаги ерга тегай деб турарди. Лариса кикирлаб қолди, қорнини силаб, ўзини томоша қилди. Зухра хола Ларисанинг қорнига разм солди. «Ҳеч балоси йўққа ўхшайди, худога шукур», деб кўйди ичида. Хола, «Барибир бир куни бу келгиндининг думини тугиб, Алижонимни қайта уйлаб қўяман» деган ниятидан қайтмаган эди.

### III

Кун кўтарилганда бир жўраси келиб Алижонни чакириб кетди. Гулмат ота ҳам эшагини миниб, кишлокнинг нариги чеккасидаги бир маъракага жўнади. Уйда Зухра хола билан Лариса иккаласи ёлғиз қолди. Лариса ичкари киради, ховлига чиқади. Қайнонасига бир нима дегани кўрқади. У зерикди. Уйда тили бурро, жағи бутун икки соқов бир-бирига қараб бўзрайиб ўтирса хунук бўларкан. Зухра хола-нинг хуноби ошди. Хаёлида чоли ҳам, ўғли ҳам, мана бу чулчит билан тиллашолмай куйиб ўл, деб қасддан чиқиб кетишгандек туюлди.

Хола тиззасига суяниб, секин кўзғолди. Ховлига чиқиб, у ён-бу ёнга мўралади. Лариса кўринмади. Кампир атайлаб «Алижон!» деб кичкирди. Лариса хос хонасида экан, югургилаб чиқди. «Нима дейсиз, аяжон?» дегандек жавдираб боқди. Зухра хола қўлнини силтаб, ховлини кўрсатди:

– Анави ернинг ётишини қара! Ит бокса уялади. Супургини олиб, чалиб қўйсанг, белинг синадими?

Лариса қайнонасининг совуқ авзоига қараб, довдираб тураверди.

– Ух, бу чулчитни нима қиламан-а, энди, нима қиламан? – деб жавради хола, – бўйнинг узилмагур Али, қариганда мени не кўйларга солдинг?

Зухра хола айвондан пастга тушди, ток ёнида ётган супургини олди-да, ерни бир-икки силаб кўрсатди.

– Мана бунақа қилиб супур деяпман сенга, меров!

Лариса қайнонасининг фикрига тушуниб, севиниб кетди. Тўрт хатлаб пастга тушди, кампирнинг қўлидан супургини олди ва ховлини чангитиб супура бошлади. Хола рўмолининг учи билан бурнини бекитди.

– Хўв, фаросатинг борми ўзи? Ҳеч замонда одамга қараб ҳам супурадими?

Лариса ажабланиб, тўхтаб қолди. Кампир унинг қўлидан супургини тортиб олди. Энгашиб, секин-секин, тўрдаи чорбоғ томонга қараб, супуриб кўрсатди.

– Мана бунақа супуради, уқдингми, ойимтилла, ма ушла!

Лариса, тушундим дегандек бош силкиди ва кампирга таклид қилиб секин-секин супурги ура кетди. Хола бир зум қараб турди. Ларисанинг узун этаги ҳам супургига қўшилиб ерни ялаб борарди. Кампир хансираб келинининг олдига борди-да, унинг этагини кўтариб, липпасига қистириб қўйди.

Лариса ховлини супура-супура уй ортига ўтиб кетди. Зухра хола айвонга қайтиб чикди, жойнамоз устида тасбеҳ ўтириб, калима келтириб ўтирди. Шу пайт «Эгачи!» деб Моҳирўй кирди. Моҳирўй уч уй нарида туради, Зухра холадан анча ёш, беш ўғилу ёлғиз эрка қизнинг онаси. Ўзининг қулоғи оғир бўлганигами, бошқаларни ҳам гаранг деб ўйлаб, бақириб гапиради.

– Эсон-омонмисиз, эгачи?! – деб шанғиллади у, – тўйларни ҳам бизсиз ўтказиб олибсиз? Буюрмаганини қаранг. Холам сал бетоброк экан, бир ҳафта бурун шаҳарга тушиб кетиб эдим. Ёнида ўтириб қолдим. Келсам, маҳаллада дув-дув гап. Нима дейсан, Алижон ўрис хотин олиб келган эмиш... «Қайси Алижон?» десам, «Ўзимизнинг Алижон, Гулмат отанинг ёлғизи» дейишди. Вой шўрим дедим, отинойимнинг шўрига шўрва тўкилибди-да, дедим. Нима қиласиз, кўргилик экан-да эгачи...

Моҳирўй, «Алижон уйланадиган бўлса, кизимни олармикан?» деган илинжда юрарди. Хаёлидаги куёвининг уёқдан қўшалок бўлиб келгани унга алам қилди. Шунинг учун гўё, Зухра холага раҳм қилган бўлиб, Ларисани ёмонлаб олмоқчи эди. Буни хола ҳам пайқаб, сир бермади.

– Ўрис бўлса ҳам, худонинг бандаси, – деди дардини ичига ютиб, – мусулмон-қобил бўлиб қолар. Бўлмаса, жавобини бераман.

– Бўлмайди, айнанай эгачи, ўлгандаям бўлмайди, – деб бакирди Моҳирўй, – қирқ йил қайнатсангиз, кони кўшилмайди.

Шу пайт остонада «Мама!» деб кўлида супургиси билан Лариса пайдо бўлди. Моҳирўй унга ажабланиб боқди. Атлас кўйлак қизга чунонам ярашган эди-ки...

– Ярашмабди... – деди Моҳирўй, – атлас увол бўлибди-да. Ҳай аттанг.

Зухра холаники тутиб кетди:

– Бўпти, нима кийдиришни ўзим биламан! – деди жеркиб. Кейин атай Ларисани мақтаган бўлди, – ҳаммаёкни супуриб бўлдингми, болам? Энди сенга бошқа иш бор.

Моҳирўй Зухра холадан аввал турди. Ларисага масхараомуз қараб кўйди, ёқасини ушлади. «Тавба, кўзлари кўм-кўк экан-а?» деб чиқиб кетди.

Зухра хола Моҳирўйнинг аччиғини Ларисадан олмоқчи бўлди. Уни эргаштириб ошхонага олиб борди. Ўзи ичкари кириб келисоп кўтариб чиқди. Келисопни кўриб, Лариса икки қадам ортига чекинди. Кампир келисопни ерга отиб урди. Бармоғини илмоқ қилиб келинини имлади. Лариса бир-бир босиб яқинлашди. Кампир уни ичкари бошлади. Тутдан ясалган катта қора келини кўрсатиб, кўтар дегандек им қоқди. Лариса зилдай келини даст кўтариб олиб чиқди. Хола тағин ошхонага кирди. Каноп қопдан бир товоқ жўхори олиб сувда чайди. Кейин келига солиб, келисопни олди, ўзи «харс, хурс!» қилиб, бир-икки уриб, кўрсатди.

– Мана шунақа қилиб туйиб ташла, уқдингми? – деди Ларисага, – гўжа қиламиз. Алижон гўжани яхши кўради.

Лариса «Алижон, яхши» деган сўзлардан бўлак ҳеч балони тушунмади. Шундоқ бўлса-да, секин келисопни олди, бошига кўтариб туриб бир урди. Иккинчи уришида мўлжалдан адашди, кели ағдарилди, ичидаги жўхори ер билан бир бўлиб сочилди. Лариса, энди бу кампир мени ўлдиради дегандек қайнонасига кўрқиб қаради. Кампир икки қадам нарида белини ушлаб, бош чайқаб турарди. Унинг хавф солмаётганини кўриб, Лариса севинди ва дарров чўнқайиб ўтирди-ю ҳовучлаб жўхорини йиғиштира бошлади. Кампир ўз-ўзига жавради:

– Тавба! Бунақа нодон-ношуд қизни энди кўриб туришим. Кўлидан ҳеч бало келмайди-я! Йўқ, Алижон келсин, айтаман, ё кели туйишни ўргансин ойимчанг, ё тўрт тарафи кибла, дейман.

Шу пайт эшикдан хуштак чалиб Алижон кирди. У тўғри кайнона-келиннинг тепасига келди.

– Ҳа ая, маймунга дарс ўргатяпсизми? – деб кулди.

– Қайси гўрдан топгансан, бу дардисарни? – уришди она, – ақалли кели туйишни билмайди-я! Ота-онаси ўргатмабди-да, хув, эртага бировнинг уйига борасан, ўзингга пишик бўл, демаган экан-да...

Алижон «Аяжон, ўрисда кели нима қилади?» демоқчи бўлдию, барибир онасининг ишонмаслигини ўйлаб, тилини тишлади.

– Хафа бўлманг, ўзим туйиб ташлайман, – деди ва кўшиб кўйди, – лекин, товукнинг патини юлишга уста. Ишонмасангиз, ҳозир иккита товук сўйиб бераман, кўрасиз.

Зухра хола лабини бурди:

– Ишқилиб, бир куни ўзингни патингни юлиб қўймаса, деб кўрқаман, оҳ, болам-ей...

Алижон хурсанд бўлиб, онасига эркаланди:

– Сиз борсиз-ку, қандай юлади, ая?

Зухра хола яна инқиллаб айвондаги ўрнига қараб кетди. Алижон бир зумда уйга кириб, кийиниб чиқди. Қопдан мўлроқ қилиб жўхори олди. Сувда чайди. Келига солиб билакларини шимарди. Келисопни баланд кўтариб гурсиллатиб ура бошлади. Лариса унинг ҳаракатини завқланиб кузатиб турарди. Алижоннинг бирон зарбаси хато кетмас, келисоп ҳар сафар келининг ичига тушарди.

– Сув олиб кел, – деди Алижон нафас ростлаб. Лариса йўргалаб бориб ёлоғида сув келтирди. – Энди оз-оздан сепиб тур.

Лариса кели ичига сув сепди. Алижон тагин келисопни бошига кўтариб куч билан ура кетди. Лариса эрининг моҳирлигига кўзи ўйнаб, боладек чапак чалиб юборди.

– Қойил, Али! Зўр туяр экансан. Қачон ўргангансан? Мен икки дунёда ҳам ўрганолмасам керак, Али.

– Ўрганасан. Ўзим ўргатиб қўяман. Лўлининг аравасига тушдингми, қўшиғини ҳам айт, деган гап бор. Барнаул олисда қолди, бу ерни Ўзбекистон дейдилар. Ана, атлас кўйлакни кийиб олдинг.

Энди атлас княдиганларнинг урф-одатини ҳам ўрганишга мажбурсан. Чоп, сувдан олиб чик.

Бирор соатда келин-куёв бир тогора гўжа туйиб ташлашди. Алижон ошхонага клёнка ёйди, йирик кўзли элак олиб келиб Ларисага гўжа элашни ўргата бошлади.

... Зухра хола кечаси дукиллаган товушдан уйғониб кетди. Кўча тарафда биров том тешаётганга ўхшарди. Хола кулоқ солди. Гурс-гурс этади-ю, товуш тўхтади. Яна гурсиллайди. Хола чолини уйғотди.

– Алижоннинг отаси! Ҳай...

Чол ёстикдан бош кўтарди.

– Нима дейсан, кампиршо?

– Чиқиб каранг-чи, биров дарвозахонани ураятими?

Гулмат ота ташқарига кулоқ солди. Бўғиқ товуш ҳамон тинмасди. Ота, «Бахриддиннинг сигири ечилиб кетган бўлса, том сузиб юргандир-да», деб чиқиб кетди. Анчадан кейин муртидан кулиб қайтиб кирди.

– Сигир эмас, бузук экан. Келининг гўжа туйиб ётибди.

Кампир ўрнидан туриб ўтирди. Ёқасига тупурди.

– Навзамбилло! Эсини еб қўйганми у? Боринг, айтинг, тўк-тўкини бас қилсин! Эшитган кулоқка уят эмасми? Зухра бир бечорага зулм қилар экан, кечаси билан кели туйдирибди, демайдими?

– Кўявер, шаштини қайтарма, – деди чол тўшакка кириб, – шундай ўғринча туйиб-туйиб ўрганайди-да. Ширин уйқусидан кечиб, хафсала қилганига раҳмат демайсанми, нодон?

Эрталаб Лариса бир товоқ тоза эланган гўжалик жўхори олиб кирди.

– Мана, мама, ўзим туйдим, – деди кўзлари чакнаб. Маккажўхори урилавериб, майдаланиб кетган эди.

– Қўлидан келмаса кучаниб нима қилади, тавба! – деб юзини терс бурди Зухра хола, сўнг ўғлига ияк қокди, – бор, кўйларга терт қориб бер.

Лариса эрига саволомуз бокди.

– Йўқ, – деди Алижон, – ёмон эмас, фақат кечаси эмас, кундузи ҳам туйиб турсин, барақалла, деяптилар.

Лариса эрининг гапига чиппа-чин ишониб, илжайди. Ирғиб туриб қайнонасининг юзидан чўлпиллатиб ўпди.

Келинликнинг биринчи хафтаси ўғиб борарди. Лариса қайнонасига ёкишга уринган сайин Зухра холанинг гаши келади. Хола ўғлининг ўзбошимчалигини кечиролмайди. «Менга бир оғиз маслаҳат солмай, ўриснинг юртидан бир кўккўзни эргаштириб келдинг-а. бетавфик? Душманларимнинг олдида номусимни булдинг. Маллавоийнинг шошмай турсин ҳали, бошига не кунларни солмас эканман!»

Зухра хола Ларисага ўзича Рисолат деб от қўйиб олган. Тонг отгандан то кун ботгунча айвонда ўтириб бакираверади:

– Рисолат, ўчокнинг кулини ол!

– Ҳой, чулчит! Товуққа дон бермайсанми? Тўрттагина жўжани эплай олмасанг, нима қилиб юрибсан?

– Самоварнинг суви кайнаб адо бўлди! Пешонамда ёлғиз самоварим бор эди, шуни ҳам бошига ет!

Лариса қайнонаси ҳар бақирганида, унга ялт этиб қарайди. Дарров жемперининг чўнтагидан шапалоқдай дафтарчасини олади. Бу – луғат. Лариса Алижоннинг маслаҳати билан дафтарчага энг керакли, ҳар куни аскотадиган сўзларни ёзиб қўйган. Зухра холанинг навбатдаги фармойишидан кейин нима демокчи бўлганини билиб олади ва оёғини қўлига олиб югуради. Эрталабдан ховли супуради, кир ювади, самоварга пайраха тайёрлайди, қўйларга терт қоради, сигирнинг тагини тозалайди, қудуқдан сув тортиб, дошқозонда иситади (муздай сув ичса, кўй-эчки касал бўлиб қолармиш), бало қилади, баттар қилади, хуллас, кўл-оёғи бутун аёл киши нималарга қодир бўлса, барчасини бажаради.

Сигир соғаман деб тепки ҳам еб олди.

Бир куни кечга яқин Зухра хола Ларисанинг олдига тўқ эткизиб челақни қўйди.

– Бор, сигирни соғиб ол!

Лариса «сигир» деган сўзни луғатсиз ҳам биларди. Бироқ «соғиб ол»га тушунмади. Луғатини очди. Бу сўз ҳам дафтарчада йўқ эди. Лариса сигирга сув беришим керак шекилли, деб қудуқдан сув торта бошлади. Зухра холанинг фиғони чиқди:

– Хўв, овсар! Сигирни соғиб ол, деяпман, сув бер деётганим йўқ! Зухра хола кўли билан соғиб кўрсатди, – важ-вуж, важ-вуж...  
Тушундингми, чулчит?

Лариса илжайди:

– Маники билди, – деди ва бўш челақни кўтариб молхона тарафга юрди. Зухра хола унинг ортидан қарганиб колди:

– Бало қилди... Ё тавбангдан кетай!

Лариса терт-перт қоришда Алижонга ёрдамлашар эди-ю, бироқ ҳалигача ола говмушнинг ёнига йўламаган эди. Сигирни кунига Зухра холанинг ўзи балодек соғиб оларди. Лариса челақни кўтариб, сигирнинг орқасига ўтди. Хавфсираб унинг бақувват оёқларига қараб қўйди. Кейин пақирни сигирнинг думига яқинроқ ўрнаштириб, аста чўнқайди. У кўлини секин елинга чўзди. Шу пайт сигир чап оёғини кўтариб, зарб билан тепди. Лариса чалқанча тушди. Яхшиям кўлида челақ бор экан, бўлмаса ола говмушнинг тошдай туёғи оғзи-бурнини кора кон киларди.

Лариса инкиллаб кўзғолди. Ўнг кўлининг жони йўқдек эди. Бир пас хўрлиги келиб ўтирди-да, пачоқ челақни олиб оқсоқланганича уй томон юрди.

Зухра хола қийшиқ пақирни кўриб, нима бўлганини дарров сезди.

– Ана, сигирим ҳам сени хушламади, – деди лабини буриб, – ё тавба, бировнинг юртида пишириб қўйибдими, сенга? Ундан кўра ота-энангни ёнида кунига балиғингни еб юравермайсанми?

Лариса индамай ётоқхонасига кириб кетди. Унинг кўли зиркираб оғрирди. Зухра хола шом кўнаётган ховлига қараб тасбеҳ ўгириб ўтираверди.

Алижон келди. У қизариб кетган, яна бирон ўртоғиникида машат қилиб келган эди. Алижон ичкарига кириб, бироздан кейин қайтиб чиқди.

– Ая, Ларисанинг кўли шишиб кетибди. Нима қилсак экан?

– Шишиб кетса, дайдимай ёнида ўтир! – деб ўшқирди хола, кейин беозор жеркиди: – Бор, Холтойни чақириб кир!

Холтой – кўздай девор кўшниси Эртоғнининг ўғли, тўрт ёшлардаги бола эди. Алижон шипиллаб чиқиб Холтойни кўтариб кирди. Зухра хола боланинг олдига эски товоқни қўйиб, им қоқди:

– Бир чоптириб юбор, той бола, ма, сенга иккита ёнғоқ олиб кўйибман.

Бола аввал ёнғоқни олди, сўнг айвоннинг бурчагига бориб, товоқнинг олдига тикка турди.

Алижон товоқни кўтариб, ичкари кирди. Ларисанинг кўлини бинтлаб боғлай бошлади.

– Бу нима, Али? – деди Лариса шиптир ҳидигами, оғриққами афтини буриштириб.

– Узумнинг сиркаси, – деб кулди Алижон, – эрталабгача отдай бўлиб кетасан.

Эрталаб Холтойнинг ўзи кириб келди.

– Отин ая, – деди эшикдан мўралаб, – тагин чоптияйми?

– Ёнғоғим адош бўлди, болам.

Захар қисталанг қилиб турган эканми, Холтой бир-икки депсинди-да, югургилаб уй ортига ўтиб кетди. Анчадан кейин Зухра хола болани чақириб бир қисм майиз берди.

Алижон Ларисага сигир соғишни ўргатиб қўймоқчи бўлди. Хотинини етаклаб молхонага олиб борди. Кўлига қашлагич берди.

– Ма, сан говмушнинг орқа-бошини яхшилаб қашла. Кўзига тикил. Шунда ияди. Аямга ўхшаб, у ҳам сени тан олгиси келмаяпти-да.

Лариса эрининг айтганларини қилди. Алижон сигирнинг чап ёнбошига чўнқайди, бутига пақирни кистириб, шовуллатиб сут соға бошлади. Анчадан кейин ўрнига Ларисани ўтқазди. Лариса уқувсизлик билан секин елинни тортқилади. Ола говмуш «мў-ў!» деб Ларисага қайрилиб қаради. Лекин тепинмади.

Ўн беш кундан кейин Алижон «зерикдим», деб ишга тушиб кетди. Сут ташийдиган эски машинани минди. Сахар мардонда кетади, тушда келиб уйда бир-икки соат дам олади. Яна машинасини тарақлатиб жўнайди. Шу кетганча кечкурунги сутни шаҳарга олиб бориб топшириб, алла-паллада кайтади.

Гулмат ота ҳам азонлаб молларнинг ем-хашагини беради-ю, хассасини дўқиллатиб гузардаги чойхонага чиқиб кетади. Уйда Зухра хола билан Лариса иккаласи қолади. Лариса энди кундалик вазифасини сувдай билади, кампирнинг амру фармонисиз ҳам сахар туриб ишини қилаверади. У салкам бир ой ичида гўжа туйишни, си-

гир соғишни, қатик ивитиб, куви пишишни ўрганиб олди. Кечалари ошхонада бекиниб ўтириб, хамир қориб, угра кесишни машқ қила бошлади.

Ларисани меҳнат билан енгиб бўлмаслигини билиб, Зухра хола-нинг боши қотди. Бир кун Сайёра кизига ҳасрат қилди:

– Ўриснинг жони қаттик бўладими, дейман-да. Бунинг қилган ишини сенга ўхшаган тўртта хотин қилса, товони тешиларди. Ай-вонда қараб ўтираман. Кечга бориб кучала еган итдек чўзилиб қолай дейди. Бироқ мик этмайди. Ё қудратингдан!

Сайёра онасининг зулмини эшитиб, норози бўлиб юрган эди.

– Демак, у ўғлингизни яхши кўрар экан, – деди, – бир бечора-ни шунча қийнайсизми? Ларисанинг ўрнида мен бўлсам, аллақачон кетиб қолардим.

Зухра хола Сайёранинг феълини билади. У ҳам ўзига ўхшаган, тўғри сўзни тўқ этиб айтиб тураверади. Хола кизини силтаб таш-лади:

– Хўв, сен менинг кизиммисан, онаммисан, наmunча ваъз айта-сан? Кетиб қолармиш! Кетса – кетмоннинг бетиде кетсин! Ана, кат-та кўча!

– Шундоқ эзғилайверсангиз, бир куни кетади ҳам. Алижонни ҳам ола кетади. Сиздан бошқа одам ўрисдан келин олмабдими? Қизиксиз-а, ая?

– Сендан ҳам ҳасипим совиди. Сен ўзинг беш йил ўрисчага ўқийман деб, бўлганингча бўлибсан. Сочингни қирққанингда кўрқувдим ўзи.

Сайёра индамади. Лариса билан икки оғиз русчалаб чулди-рашди-да, «сабр қил» деб чиқиб кетди.

Лариса чидади, тишини-тишига қўйиб, холанинг хизматини қилаверди. Бироқ дунёда ҳамма нарсанинг, шу жумладан, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлар экан. Бир куни Лариса сигирни соғиб келиб қайнонасига мақтанди:

– Мам, мама! Бу кун меники... кўп сут соғди, – деди пакирни кўрсатиб. Зухра хола индамади. Лариса бироздан кейин товук катак-дан беш-олтита тухум келтирди.

– Мана, мама! Бизни ... товуги бешта берди! – дея тухумларни кўз-кўз қилди, – сизники... тухум ейди, мама?

Зухра хола юзини буриб, уйга кириб кетди.

Шу бўйи у пешингача келинига гапирмади. Лариса «Кампирга нима қилдим, нега у аразлаб қолди?» деб хайрон бўлди. Тушликка чой олиб кирди, кампир ичмади. Таҳорат суви қилиб берди. Зухра хола кумғонни айвонга олиб чиқиб Ларисанинг кўзи ўнгида тўкиб ташлади. Бу Ларисага оғир ботди. У лабини буриб, ўз хонасига кириб кетди.

Тушдан кейин Лариса ҳовлига чикса, дарвозахонада конверт ётибди. У бир ойдан бери уйдан хат кутаётган эди. Югуриб бориб олди. Хат онасидан экан. Юраги потирлаб, очди. Ётоқхонасига кириб каравотга ўтирди-ю, ўқий бошлади. «Салом Лариса, бегона юртларда зерикмай, яхши юрибсанми, қизим? – деб ёзибди онаси. – Борган жойинг қанақа экан? Электр борми? Кино кўришадими? Сувни ариқдан ичасизларми ё бизга ўхшаб қудуқданми? Лариска, Эски Слободкадаги Тимофей гаранг бор-ку, шу айтди, ўрта осиеликлар келинларига туя боқтиришармиш. Тимофей гаранг билади, у 30-йилларда Қизилкумда газ қидирган. Ишқилиб, эҳтиёт бўл, тишлаб олмасин. Тимофей айтдики, Ларисага ёзиб юборинглар, у туянинг олдида ҳам, ортида ҳам юрмасин, деди. Кейин туянинг боласини ушламасин, туядек қизғанчик ҳайвон йўқ, деди. Ҳа, айтганча, Алик ростдан ҳам уйланмаган эканми ё уйида хотини бор эканми? Мабодо кундошинг кун бермаса ё Аликнинг ота-онаси зуғум қилса, жомадонингни олиб, уйга жўнайвер. Сендек оппоққина, сўлқиллаган қизни топиб олсин у сахройи куёв».

Ларисанинг кўзларидан шариллаб ёш куйилди. Елкалари учди. Шу пайт эшик зарб билан очилди. Зухра холанинг боши кўринди.

– Ҳўв, қорагинанг ўчкур! Юмшоқ тўшакда ялпайиб ўтиргунча, сигирга сув берсанг ўласанми? Маъраб кулоқ-миямни еди-ку?!

Хат ўқиб, Ларисанинг хўрлиги келиб ўтирган экан. Унинг устига «Ўласанми?» деган сўз ўмганидан ўтиб кетди. У жаҳл устида қайнонасига қараб қўл силтади:

– Э, бор-э!

Зухра хола йиғламоқдан бери бўлиб, ҳовлига тушди. Бўш пақирни олиб кириб, айвонга отди. Лариса эшикни очиб, челакни тарақлатиб тепди. Бу можаронинг устига Алижон кириб қолди. Лариса айвонда туриб, «Ёввойи кампир!» деб бақирди. Алижон индамай хотинига яқинлаш-ди-да, унинг бетига шапалоқ тортиб юборди.

– Оғзингга қараб гапир, ярамас, ким ёввойи?

– Ҳамманг ёввойи! Ҳамманг ваҳший! Бировни қийнаб, роҳат қиласанлар! Кетаман! Бу ерда энди тилла берсанг ҳам турмайман!

Лариса хўнграб йиғлаб юборди. Ичкари кирди-да, ўзбекча либосларини ечиб, отиб юборди. Ўз кийимини кийди. Катта жомадонга буюмларини солиб, қарғанганча эшикдан чиқиб кетди. Алижон, «Хўв, кеч бўлганда қаёққа борасан?» демади. Лабини тишлаб, айвонда тикка туриб қолди.

## V

Коронғи тушганда эшикдан йўталиб Гулмат ота кириб келди. Унинг қўлида жомадон, орқасида Лариса. Ота жомадонни айвонга чиқариб қўйиб, ичкари кирди. Зухра хола қилмишини ўйлаб, қалласини осилтириб ўтирарди. Ота ўз ўрнига ўтиб, чордона қурди. Ўғлини чақирди. Анчадан кейин энса қашлаб Алижон кирди.

– Ҳм, нима бўлди, болам?

Алижон индамади.

– Лариса қани?

– Ана, турибди, – ўғли боши билан ташқарига ишора қилди. Зухра хола ялт этиб, чолига қаради.

– Чақир.

Алижон хўмрайиб Ларисани бошлаб кирди.

– Ўтиринглар, – деди чол.

Келин-куёв ўтирдилар.

– Нима бўлганини эшитдим, – деди ота томоқ қириб. Унинг қаҳри келганда томоғини қириб қўярди. Буни кўриб Зухра хола сал чўчиди, – энди менга кулоқ сол, болам. Ўзинг шу қизга уйланаман, деб оёқ тираб, туриб олдинг, а? Хўп дедик. Энди нега хайдайсан? Шунчалик номардмисан? Йигит киши унақа бўлмайди. Бирга туришни истамасанг, бошида обкелма эди. Олиб келдингми – энди чидайсан. Ўзбек – ҳовлисига адашиб кириб қолган молни ҳам ем бериб боқади. Бу – шаърий хотининг. Иккинчи ғиш-ғишаларингни кўрмай. Йўқ, яшамайман десанг, уйига олиб бориб, ота-онасининг қўлига топшириб кел. Мен бировнинг фарзандини кўчага хайдатиб қўймайман. Тушундингми? Бор, сенларга жавоб.

Келин-куёв чиқиб кетишди. Гулмат ота кампирига ўгирилди.

– Хўш, энди сенга келсак, хотин, сен миянгни еб қўйибсан. Сотиб олинган қул ҳам бунчалик ишламас. Кавишингга пойи-патак бўлиб кетяпти-ку шўрлик, тагин нима дейсан унга? Аллоҳ таоло, золимларни кечирмайман, деб қўйибди. Охиратингни ўйлайсанми ҳеч?

Зухра хола миқ этмай ўтираверди. У ўзининг хатосини тушуна бошлаган эди.

Эрталаб Лариса ҳеч нарса бўлмагандек, самовар қўйиб, ховлида гирдикапалак бўлиб юрган эди, Зухра хола чақирди:

– Рисолат! Мунда ке, қизимка!

Лариса ҳалиям қайнонасининг қовоғи очилмаганини қўриб, ҳадиксиради ва супургини таппа ташлаб, уйга қараб чопди. Зухра хола уни етаклаб, тўрдаги кичкина хонага олиб кирди.


– Анави кўрпаларни ол! – деди тахмонни кўрсатиб. Лариса кўрпаларни битталаб ерга олиб қўя бошлади. Хола катта сандиқни очди. Ичидан турли хил кийимлик, жун рўмолу тилла симли рўмол, атлас, кимхоб, жемпер, қўша-қўша туфли, этик олиб Ларисанинг олдига қўйди.

– Алижонни уйлайман деб, йиғиб юрувдим, булар энди сеники. Ол! – деди Зухра хола сандиқни ёпиб. Лариса қайнонасининг нима дсмоқчи бўлаётганини тушунди. У умрида бунақа қимматбаҳо кийим-кечакларни кўрмаган эди. Кўзлари ёниб, Зухра холага қаради.

– Это всё мне? Ой, раҳмат, а-я!

Лариса чўнкайиб ўтирган Зухра холанинг юзидан чўлпиллатиб ўпди. Кампир уҳ тортди. Кўзларида ризолик ёшлари йилтиради. У «Пешонамга ёзилгани сен экансан, не қилай?» деб тақдирга тан бера бошлаган эди...





## ЁЛҒИЗ ОДАМ

*Неча пайт илм-хунар пайида бўлдик,  
Неча пайт сийму зар пайида бўлдик,  
Алам сирларидан бўлганда огоҳ,  
Бори шини ташлаб, қаландар бўлдик.*

*Паҳлавон МАҲМУД*

### 1

Кўкабулоқлик йигитлар билан Майданакдан қайтиб келаяпмиз. Майданак Қашқа воҳаси билан Сурхоннинг чегарасида, Шахшар тизма тоғларининг белида жойлашган сўлим бир манзил. Ёзнинг ўртаси, ҳадемай саратон киради. Лекин бу тарафларда ҳали баҳор гуркираб ётибди. Булоқлар суви муздек, хўпласангиз, тишингизни синдиради. Тўрт тарафдан ёввойи гулларнинг иси келади. Йўл четида одам бўйи келадиган оқ-сарик гулхайрилар чамани салом беради, кўм-кўк буғдой ниҳоллари енгил шабада бирла ўйнашиб, ҳар ён чайқалиб, рақсга тушади.

Илонизи, калтис довондан ҳайдовчимиз ўта хушёрлик билан аста-аста тушиб боряпти. Ҳар бурилмада бир гўзал манзара иккинчиси билан алмашади. Хув олисларда, арчазорлар этагидаги яккам-дуккам оқ томли уйлар мўрисида кўкиш тутун чиқади. Ёз жозибаси, қир-адирлар латофати, бу сир-синоатга тўла кўҳна олам завқи беихтиёр кўнглингизга кўчади. Энтикасиз. Шундоқ осуда, кимсасиз, баҳаво, беғалва ерларда яшаб, умр ўтказётган қорақўзларга ичингизда ҳавасингиз келади...

Номози аср ўтиб, кун ботай деб турибди. Ҳамон пастлаб боряпмиз. Бир замон олдимизда ола тўн кийган ўрта бўйли киши кўринди. У йўл четидаги ўт-ўланларни хивчини билан савалаб, секин кетиб борарди.

– Кўйчивонга ўхшайди, – дедим, – лекин кўйлари кўринмайди. Шерикларимдан бири жавоб қилди:

- Кўйчивон эмас, дарвеш бир одам. Ёлғиз ўзи ғорда яшайди.
- Нега ғорда яшайди? Уй-жойи йўқми?

Ҳамроҳим «Билмасам», дегандек елка қисди. Машинани тўхтатдик. Мен пастга тушиб, кутиб турдим. Ҳалиги бегона киши биздан ўн-ўн беш қадам ортда қолган эди, етиб келди. Олдига пешвоз чиқдим.

- Ассалому алайкум...
- Ваалайкум...

У менга ажабсиниб қаради. Мен ҳам унга разм солдим. Бошида тўнгалак кигиз қалпоқ, оёғида қўнжли ботинка, белини икки еридан кийикча билан боғлаб олган. Кўринишидан унча қарига ўхшамайди. Қув оқара бошлаган соч-соқолини демаса, эллик беш-олтмиш ёшларни бериш мумкин. Аммо туртиб чиққан яноқлари кип-қизил. Катта кетмон соқоли-ю одамга қаттиқ тикилиши Тошкентдаги битта машҳур рассомни эслатди менга.

Ниҳоят у тилга кирди:

- Кимсиз? Менда нима ишингиз бор? – деди дағалроқ товушда.
- Рози бўлсангиз, икки огиз гаплашмоқчи эдим.
- Нимани гаплашасиз? Менинг сизга айтадиган гапим йўқ.

У чўрт бурилиб йўлга тушмоқчи бўлди. Аста тирсагидан тутдим.

- Сизни бировга ўхшатдим, ака...

У индамади. «Мени ўз ҳолимга қўясанми, йўқми?!» дегандек бетимга ёқтирмай тикилиб тураверди. Мен таваккал қилдим:

- Адашмасам, сиз Машраб сингари ўша бир нуқтани излаб юрганга ўхшайсиз.

Бегона киши сергак тортди. Ҳатто соқоли ҳам силкиниб кетгандек бўлди.

- Ўқинг! – деди амирона. Ўқидим:

- Боиси бир нуқтадин Машраб жаҳонга сиғмадим. Анал-ҳақ ё антал-ҳақ...

Унинг тунд юзига мулойимлик югургандек бўлди. Истар-истамас қўл чўзди:

- Сиз билан гаплашсак бўлади. Кимсиз? Бу томонларда не юмуш билан юрибсиз?

– Тошкентликман. Майданакдаги расадхонани кўргани келиб эдим.

– Демак, мунажжимсиз?

– Шунақарок.

У гапни калта қилди:

– Бугун кеч бўлди. Шерикларингиз ҳам кутиб қолишди. Хув анави қари гужумни кўрдингизми? Эртага эрталаб шу ерга келинг. Чап томонида ғор бор. Сизни шу ерда кутаман.

У хайр-хўшни насиа қилиб, йўлига кетди.

Машинага қайтиб келдим. Шерикларим сўради:

– У кишини биров билан сўзлашмайди, дейишарди. Нечук сизга кўна қолди?

Ҳамроҳларим жайдари қишлоқ йигитлари эди. Уларга Мансур Халложнинг фожеасини ҳам, ул зотнинг «анал-ҳақ»ини ҳам тушунтириб бўлмаслигини билардим. Шунинг учун:

– Меҳмонлигимни ҳурмат қилди шекилли, – деб қулиб қўя қолдим.

Ўша куни Кўкабулоқда, Зиёдулла деган танишимникида тунадим. Бироқ ҳаёлим қочиб, тонг отгунча яхши ухлай олмадим. Кўз олдидан катта соқол қўйган, миқти, ёноқлари қип-қизил, дийдаси каттик девонаваш киши кетмай қолди. Ростдан ҳам бу гадоё топмас ерларда у нима қилиб юрибди? Ким ўзи у? Савол-жавобимиздан билиндикки, зиёли одам экан. Тасаввуфдан ҳам тузуккина хабардор. Бўлмаса, «анал-ҳақ» маънисини дарров илғамасди. Бирор жиноят қилиб, жазодан қочиб юрганмикан? Оила, рўзғоридан бешиб, уйдан этак силтаб чиқиб кетганмикан? Ёки...

Ана шундай қоронғи, мавҳум сўроқлардан бошим қотиб, тонгга яқин кўзим илинди.

Қий-чувдан уйғониб кетдим. Зиёдулла ким биландир гап талашарди:

– Меҳмонни бугун менга беринг, – дейди бир йигит, – биз ҳам суҳбатидан баҳраманд бўлайлик.

– Домла бугун Қовғага боради, – дейди Зиёдулла.

– Қовғада не бор? Ундан кўра Ўрадарёга тушиб, тандир қилайлик, жўра.

– Майли-ю, лекин домла хўв ўша девона киши билан сўзлашмоқчи-да.

– У девона бегона одамни ёнига йўлатмайди, дейишади-ку?

– Домлага, келинг депти-ку, билмасам...

– Ҳай, ман кечлатиб яна кирарман, – деб мезбон йигит чиқиб кетди. Мен аста ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим. Тоғлик ерлар эмасми, ёз бўлса-да ҳаво салқин, этингни жунжуктиради. Ҳовли сахнидан оқиб ётган муздек булоқда ювиниб, ичкарига кирганимда Зиёдулла дастурхон тузаб, мени кутиб ўтирарди.

Энгил нонуштадан сўнг Зиёдулланинг эски «Нива»сида йўлга тушдик. Кеча ўша мажнунсифат кишини учратган ерга борганимизда Зиёдулла машинасини тўхтатди.

– Ҳўв анави қир ортига ўтаверасиз. домла, – деди у, – мен сизни куиботарда шу ерда кутиб тураман.

Зиёдулла чўрт бурилиб, пастга қараб кетди. Мен йўл ўртасида бир лаҳза ўйланиб туриб қолдим. Кейин қари гужумни кўзлаб, қир ортига қараб юрдим.

Тиззадан келадиган кўм-кўк, бўлиқ ўт-ўлан-у гиёҳларнинг иси эрталабки тоза ҳавода ўзгача бор тароват ила гуркирайди, боргизублар япроғида кўниб ўтирган шабнам томчилари гавхардек ялтирайди, оппоқ баркашдек бўлиб чиқаётган офтоб дилингга гулгула солади. Қора гужум қайдасан, деб аста-аста ўтлоқ кечиб боряпман. Несагир юрак безовта, гўё узок вақт кўришмаган кадрдоним билан юзлашадигандек, ҳаяжондаман.

Қирни айланиб ўтиб, кенг сайхонликка чиқдим. Рўпарамда яшил гумбаздай бўлиб, катта гужум бўй кўрсатди. Гужумни кўзлаб тикка боравердим. Унга етмасимдан чап томонда харсанг тош, унинг ёнгинасида қора ўнгир кўринди. Ғор олдига бориб бир муддат турдим. Йўталдим. Ҳеч ким садо бермагач, ён-веримга алангладим, таваккал қилиб ичкарига қадам босдим. Дастлаб зимистонга кўниқолмай тўхтаб қолдим. Ичкаридан ғалати, йўк, қўланса эмас, рутубатли ҳид, шу билан бирга қандайдир гулларнинг хушбўй иси келди. Кўзларим қоронғуликка ўрганди. Атрофимга разм солдим. Қўл кўтарсангиз, кўлингиз шифтга тегмайдиган ажабтовур ғор. Беш-олти одам бемалол дастурхон ёзиб ўтирса бўлади. Тепада лагандек туйнук. Ундан бир қатим нур иниб турибди. Туйнукка узун ёғоч тираб қўйилган.

Чамаси ёгин-сочинда туйнук очиб-ёпиб турилса керак-да. Ўнг тарафда энлик ёғоч каравот. Каравотга уч-тўртта пўстак солинган, устига кўрпача тўшалган. Ерда лахтак-лахтак кигиз парчалари ётибди. Ғадир-будир деворга боғлам-боғлам нсирик осиб қўйилган. Ўртада тошўчок, декча қозон, сопол кўзада сув. Икки пиёла, сопол чойнак, коса-товоқлар чиннидек тоза. Тўрда, тўрт бўлмалик ёғоч жавонга қалин-юпқа китоблар териб қўйилган. Куръони карим, Инжил, Таврот (русча), жаҳон халқларининг мифологияси, турли хил луғатлар, Машрабнинг девони, Лев Толстойнинг кундаликлари (русча), Бедил, Пахлавон Махмуд рубойлари (форсча), тиббиётга оид рисоалар... Хуллас, кўндаланг ётган бир чўп йўк, бежо турган бир буюм йўк. Саранжом-саришта киши экан, деб қўйдим ичимда. Ким бўлди у? Бу кимсасиз пучмоқларда нега адашиб юрибди?

– Хуш кўрдик, меҳмон!

Чўчиб тушдим. Хаёлга берилиб кетиб, уй... ғор эгасининг кирганини сезмай қолибман.

– Узр, ҳеч ким товуш бермагач... берухсат киравердим.

– Бизни ҳам маъзур тутинг, биродар. Сизга антиқа чой дамлаб берай деб гиёҳ тергани кетувдим. «Мени ол, мени ол!» деб манави азаматлар қўймади. Далада қолиб кетдим.

У кўлидаги кўкатларни кўрсатди. Янги танишимнинг кайфияти бугун яхши эди.

– Қалай, бизнинг кулба маъқул бўлдими?

Бунақа пайтда нима дейишга ҳайронсан. Рост гапни айтсанг – ранжиши мумкин, мезбоннинг кўнгли учун «яхши» дегани тил бормайди. Мужмал жавоб қилдим:

– Иссиқ-совуқдан бир бошпана, хаёл сурмакка бир холи кунжак экан.

У кулди:

– Дипломат экансиз. Сизни синаш учун сўраган эдим. Аслида сизга ёқадими-йўқми, менга барибир. Ўзимга маъқул, тамом. Биз гоҳида ўзимизнинг ҳаёт тарзимизни зўрлаб бировларга юқтирмакчи бўламиз. «Мендек кийин, мендек ўйла, менга ўхшаб яша!» ва ҳоказо. Кўпгина фожеалар ана шу худбинлик туфайли келиб чиқаяпти. Кўявер, ҳар ким кўнгил майлига қараб яшасин, ўзбекча айтсак, суй-

ган ошнини ичсин, тўғрими? Узр, гапга чалғиб кетдим, ҳозир чой дамлайман.

«Овора бўлманг, ака!» дейишимга қарамай у шошмай ташқарига чиқди. Кўлидаги кўкатларни чайиб кирди, кейин тўғради ва тахмондан улкан термос олиб, сопол чойнакка чой дамлади. Бирпас тиндириб кўйди.

– Бунақа чойни ичмаган бўлсангиз керак, – деди сопол пиёлада чой узатиб, – буни Ибн Сино ябрихуссанам, дейди. Бизнингча меҳригиё десак бўлади.

Ичдим. Чойда мен билган, билмаган гиёҳларнинг таъми бор эди: зира, кийик ўти, ифор, тоғ райҳони...

– Мен дўкондан чой олмайман, – деди мезбоним, – икки йил бўлди, мана шу чой ўт билан тирикман. Бурунгилар айтмоқчи, ҳам гизо, ҳам шифо.

«Демак, ғорни макон айлаганига икки йил бўлибди», деб кўйдим ичимда ва пиёлани узатдим. Анчагача иккаламиздан ҳам садо чикмади. Гўё антиқа чой лаззати тилимизни боғлаб кўйгандек эди.

Ниҳоят, у оғиз очди:

– Икки йилдан бери шу ерда яшайман. Қанча одам гап олмоқчи бўлиб, йўлимни тўсди. Бировга кўнглимни ёрмадим. Бу дунёда менинг дардимни тушунадиган кимса йўқ, деган хаёлда юрардим. Кеча сиздан «Анал-ҳақ»ни эшитдим, мен излаб юрган одам шу, дедим. Яссавий айтмоқчи, «Анал-ҳақ»нинг маъносига етмаганлар билан бош қўшмаса ҳам бўлади...

– Кеча жиндай андишасизлик қилдим, домла, хафа бўлмайсиз...

– Нечага кирдингиз?

– Тўртинчи мучални майдаладим.

– Демак, қирқни қоралаяпсиз. Менинг тўнғич ўғлим билан тенг экансиз.

У юзига жиддий тус берди.

– Аввалдан келишиб олайлик, – деди писанда қилгандек, – «Кимсиз? Бу ерларда нега адашиб юрибсиз? Қаерда ишлардингиз?» каби инжик сўроқлар билан ғашимга тегмайсиз. Сиз билан сўзлашгани рози бўлдим. Шунинг ўзи кифоя. Шаҳарликман. Профессорман. Исминни айтмайман, шарт эмас. Эшмат бўлдим нимаю,

Тошмат бўлдим нима – фарқи йўқ. Бедил айтмоқчи, гап япроқда эмас, илдизда.

Чўчиброк гап кўшдим:

– Илдизни... рухият деб тушунсак ҳам бўлар, а, домла?

У чакка соқолини қашлаб, бир сония жим қолди. Кейин куралай кўзларини каттарок очиб, андак ҳаяжон ичра хитоб қилди:

– Балли! Яхши эсимга солдингиз. Мени бу ерларга стаклаб келган ҳам шу рухият-ку асли! Олтмиш ёшгача рухият исқанжасидан озод эдим. Бир ўғил, бир қизим бор. Невараларим тўртта. Хуллас, тўрт кўз тугал эдик. Бир дастурхон агрофида невараларнинг қийқириғига кўмилиб, яратганга шукрона келтириб яшардик. Мен турмушимиз бу тарзда давом этиб кетаверади деб ҳаёл қилибман. Адашган эканман. Мен қиламан ўтгиз, эгаси қилади тўққиз, деган гап бежиз айтилмаган экан. Ҳаёт менинг бошимга кетма-кет синовларини юборди. Бошлаб, янгангиз бизни ташлаб кетди. Қилмаган давоимиз қолмади. Фойдаси бўлмади. Бу дунёда насибангиз узилган бўлса, юзта ҳозик табиб ҳам жонингизга ора киролмас экан. Гўё кечагина яшнаб турган боғ хазон бўлгандек эди. Хонадонимиз вайрон, ўзимиз ҳайрон эдик. Кўнглимда милтираб турадиган бир чирок бор эди, у энди сўнди. Дунё ҳувиллаб қолгандек эди назаримда.

– Ўғлингиз, қизингиз бор экан, невараларингиз. Уларга қараб таскин топмадингизми?

– Ўғил, қизнинг йўриғи бошқа, онаси бошқа. Фарзандлар ота-онага таянч бўлиши мумкин, лекин дардқаш бўлолмайди. Қирқ йиллик тан маҳрам ўрнини ўнта ўғил ҳам, қиз ҳам босолмас экан.

Қизим билан куёвим олти ой бурун чет элга ишга кетишган эди, оналарининг маъракасига келишолмади. Ўғил ҳам чет элдаги обрўли бир ташкилот билан шартнома тузиб қўйган, ҳадемай кетиши керак. Янгангизнинг йигирмасини ўтказиб, ўғил билан келинга оқ фотиҳа бердим.

– Дада, сизни ёлғиз ташлаб кетмайман, ёнингизда қоламан, дегандир ўғлингиз?

– Деди. У фаросатли, эси бутун бола. Ўзим кўнмадим. Чопқир отни тушовлаб, бир ерга боғлаб қўйиш инсофдан эмас. Ҳозир замон бошқа. Билимини, меҳнатини сарфлаб, келажагини яратаман,

деган кишини кўллаш керак. У – менинг фарзандим, у парвозга чоғланяпти, биз ўтмиш одамимиз. Омадингни берсин болам, деб кузатиб кўйдим. Ёлғизлик ана ундан кейин билинди. Хотин ўлган, куёв билан қизим, ўғлим билан келиним, тўртала невара – бари олисда. Яшин урган дарахтдай бўлиб, катта ҳовлида бир ўзим қолдим.

Ишхонадан ҳам кўнглим совиди. Илгари саҳар туриб, ишга шошилардим. Илм-фан равнақи деб жон куйдирардим. Атрофимдаги касбдошлар ҳам, раҳбарлар ҳам менинг илмий тадқиқотларимни кувватларди. Бора-бора муҳит ўзгарди, ҳамма замоннинг зайлига боқадиган бўлди. Бизга янги раҳбар келди. У, «Домла, ҳозирча илмий изланишларингизни кўятуринг, аввало пул топиш керак», деди. Ёқамни ушладим. Хавотиримни янги раҳбарга уқдирмоқчи бўлдим. «Биз минг йиллик мозийдаги олтин хазинамизни ўрганаёпмиз. Уни бирдан ташлаб кўйсак, халқ маърифатдан айрилиб қолмайдими?» дедим. Раҳбарим қизариб кулди. «Гапингизга кўшиламан, – деди у, – Зебуннисо бегимнинг назмиётини чиқаролмадик. Фитрат билан Абдулла Қодирийнинг куллиёти ҳам босилмади, Муқимий, Фурқатларнинг девони чоп этилганига эллик йил бўлди, Ферузнинг жилдларини нашр этиш бурчимиз эди. Шайбонийдан Мужрим Обидгача, Хувайдодан Сўфи Оллоёргача, бари кўзимизга қараб интизор бўлиб туришибди. Уларнинг шарҳи дилини мухлисларга етказиш фурсати келди. Аммо... на чора, домла, ҳозирча кўнгилаймайлини эмас, қорин ғамини ўйлашимиз керак. Мени тушунгандирсиз, деб умид қиламан».

Уни тушундим. Дарду хаёлини «қорин ғами» банд этган бу даргоҳнинг эшигини аста ёпиб чиқиб кетдим. Қайтиб у ерга қадам босмадим.

Уйга қамалиб олдим. Эски китобларни кайта варақлайман. Қадимги қўлёзмаларни титкилайман. Бир-икки кунда улардан ҳам зерикдим. Мен ўзи азалдан одамовиман. Бекорга ўйин-кулги билан вақт ўтказишни, бўлар-бўлмас базмларга бориб, кўнгилахушлик қилишни ёқтирмайман. Ўзимни илмга бағишлаган эдим. Қирқ йил кўз нурумни тўкиб, кўхна битиклар билан тиллашувни афзал кўрдим. Мана, энди бу ҳам барҳам топди.

Чойхонага чиқиб, маҳалладагилар билан гурунг қилмоқчи бўлдим. Қарасам, бу амал ҳам менга тўғри келмади. Чойхоналарда

бурунги файз, кўрк қолмабди. Илгари тўртта киши йиғилса, Навоийдан, Бедилдан, шашмақомдан, хуллас, адабдан, создан, доншлар хикмагидан баҳс бўларди. Энди бу ер ҳам ғийбатхонага айланибди. Чойхонадан этагимни силтадим.

Худога шукр, қирк йил ичида беш-олтита шогирд орттирган эканмиз. Улар бир-икки ойгача хабар олиб туришди. Кейин аста-секин уларнинг ҳам қораси ўчди. Мен ёшларни тушунаман. Уларга ҳам осон эмас. Ҳозир йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт. Ҳар ким ўз бошини ўзи қашлаши керак, бош кашигани эса, тирноқ керак. Бировнинг тирноғи ундай, бировники бундайроқ. Қалам учи билан нон ейиш ҳамиша кийин бўлиб келган.

Хуллас, шаҳарга сиғмай қолдим. Насимий эсингиздами?

Индамай Имомиддин Насимийнинг машхур байтини ўқидим:

– Жаҳон менга сиғди, аммо мен жаҳонга сиғмадим...

– Балли! – деди домла, – ҳовли ютиб юбораман, деди. Кечалари уйкум қочади. Уйғониб, тонготаргача ўйланиб ўтираман. Нима қилиш керак? Асабларим бўшашганми, сал инжикроқ, тажангроқ бўлиб қолдим. Дўхтирга бордим. Дори берди. Кор қилмади. Демак, менинг дорим бошқа экан, дедим ичимда. Кейинги вақтда ҳаёлимдан бир фикр кетмай қолди. Шаҳарни тарк этиш керак, олисолисларга, технология, интернет, телевизор йўқ ерга кетиш керак. Биз табиат фарзандимиз, тағин ўша онамиз бағрига қайтиш лозим. Бўлмаса, аҳволим хароб, шу кетишда ич этимни еб, адои тамом бўламан.

Ўзим асли қишлоқда туғилганман. Эллик йилдирки, азим шаҳарнинг сувини ичиб, шу ерга етдим. Энди қариб, боқий дунё остонасида турганимда яна далаларни, ўрмонли тоғларни, булоқлардан чиқиб, жилдираб ётган ирмоқларни, ёввойи қушлар чуғурини, лолзор қирларни, арчалар остидан оқадиган шифобахш сувларни, минг дардга даво гиёҳлар атрини соғиниб қолдим. Кечалари йиғлаб соғиндим, кундузлари энтиқиб, шошилиб, эртагаёқ йўлга отланадиган одамдек ҳовлиқиб бесабрлик билан соғиндим. Аммо қайси юртга боришни, қаерни манзил тутишни билмасдим. Туғилган еримга боролмайман, борганда ҳам муқим туролмайман. Элдошлардан уят бўлади. «Қариганда уйига сиғмай қолган профессор» деган маломат оғирлик қилади. Унда чайга бораё?

Аслиддин деган шогирдим бор эди. Яхши йигит. Фаросатли, зукко. Аммо оила ташвишлари билан бўлиб, ҳанузгача докторликни ҳимоя қилолмаي юрибди. Шу йигит эсимга тушди. Аслиддин Қамашининг олис Кўкабулоғидан. Уни чақирдим. Аслиддинга ховли-жойни омонат топширдим. Икковимиз унинг кишлоғига кетдик. Кўкабулоқ, унинг атрофидаги овуллар ёқиб қолди. Худди мен излаб юрган макон эди. Чор атроф қорли тоғлар, бир тараф сой, ям-яшил қирлар бети тўла арча, арчазор! Кўзимни чирт юмиб, шу ерда қолдим.

– Пушаймон эмасмисиз?

– Пушаймонман. Бу тарафларга нега эртароқ келмадим, нега кечикдим, деб афсусдаман. Ҳозир Мирзо Бедилнинг рубоийларига шарҳ ёзаяпман. Мен ўтгандан кейин биронта оқилнинг қўлига тушса, чоп этар. Агар тўрт-беш йил бурун бу ерларни макон тутганимда шарҳ ҳам битиб қоларди, энг муҳими, шаҳарнинг димиққан муҳитидан қутулардим. Бу ерда ҳасад йўқ, маломат йўқ, ғала-ғовур йўқ. Телевизор бачкана нарсалар билан ғашингга тегмайди. Эшикдан жияним халта кўтариб кирса, ана, домлага пора келди, деб имлашмайди. Умуман, бу ерда сиз билан бировнинг иши йўқ. Табиат бор, сиз бор, тамом. Тавба! Инсон боласи қизиқ экан. Бегонадан ҳатто куёш нурини ҳам қизғонади-я! Ахир офтоб барчага баробар нур сочади. Оллоҳнинг неъматини нега ўзгаларга раво кўрмайсан, ноинсоф?! Ахир унинг зиёси жамики набототга, жамики хайвонотга, махлуқотга етиб ортади-ку?

Домла, ўғлининг олдида гуноҳ қилган отадек, бошини эгиб, бир нафас жим бўлиб қолди. Мен ғор ичини томоша қила бошладим. Икковимиздан ҳам садо чиқмайди. Танҳоликни қўмсаб, шаҳри азимдан безиб келган бу кишига не дейиш мумкин? У отам тенги бўлса, менинг тасалли беришимга мухтож эмас. Бироқ чурк этмай ўтиравериш ҳам ноқулай. Юрак ютиб, сукунатни буздим:

– Биринчи кунлари... анча қийин бўлгандир, а?

Домла синик жилмайди:

– Биринчи қадам ҳамиша мушкул бўлади. Гўдакнинг тетапоя қилиши осонми? Юз йиқилиб, пешонасини ғурра қилади. Барибир у энди эмаклашни истамайди. Юришга аҳд қилади. Ахир у инсонда, судралиши эмас, юриши керак. Мени-ку, айтманг. Мен сиздек

қирчиллама қирқ ёшда эмасман. Олтмишдан ўтиб, етмишни қоралаб турган бир кимсанинг ихтиёран Робинзон бўлиши ўнғайми? Бошимдан ўтгани бир ўзимга, бир Оллоҳга аён. Нимаики тақдиримга ёзилган бўлса, барини кўрдим. Чаён, қорақурт, аямажиз, қарсиллаган момогулдирак, иситма, уйқусизлик, чиябўрининг увлаши, етги ёт одамларнинг маломати, саховати... бари ўтди. Бир сафар дала-дашт айланиб келсам, ғор олдида бир тугунчак ётибди. Очдим. Тўртта патир нон, ўн чоғли гугурт, бир ўрам туз, беш-олти шам ва... жийда пўчоғидан ясалган тасбеҳ. «Дунёда ҳали иймонли одамларнинг уруғи кўп экан», деб қўйдим ичимда. Бу ерни бир вақтлар кимдир бошпана қилган, мана энди бизга буюрди.

– Ёлғиз яшагани кўркмайсизми? Атрофингизда қорайган бир уй йўқ экан. Қишлоқлар ҳам олисда.

– Кўркув, бу нисбий нарса. Мен жин, ажина, алвасти деган нарсаларни ўйламайман. Олис бир гўшада яшаб юрган мендек ғор одамида кимнинг иши бор.

– Ёввойи ҳайвонлар-чи, улар хавфли эмасми?

– Икки йил бўлди, айиққа ҳам дуч келдим, бўрига ҳам, бўрсикка ҳам. Айиқ боласини эргаштириб арчазорга кириб кетди, бўри узокдан менга қараб турди-ю, ҳафсаласи бўлмадими, йўртиб жўнади. Мен умримда кўлимга милтиқ олиб, уларга қарата ўқ узмаган бўлсам, нега менга даф қилиши керак? Ҳозир ирғай таёғимни судраб, тоғнинг ичкарасида ҳам айланиб юравераман. Биз ҳамма ёввойи ҳайвонларни ваҳший деб нотўғри ўйлар эканмиз. Аслида одамга одамчалик ёмонлик қиладиган жонзот йўқ экан дунёда.

– Адашмасам, бу гапингиз билан бирон нимага ишора қилгандек бўлаяпсиз, домла?

– Балли! Хўп десангиз, ана шу ишорада бугунги суҳбатимизни тўхтатсак. Асалнинг ози ширин. Қолган гапни эртага давом эттирамиз. Бугун сизни деб тоққа чиқмадим, мени кутиб ётган жониворларимни ҳам кўрмадим.

– Сизни тоғда жониворлар кутадики?

– Албатта! – деб ёйилиб кулди суҳбатдошим, – тоғда менинг куёнларим, тулкиларим, товушконларим бор. Бирор арча остида хаёл суриб ўтирганимни кўришса, инларидан чиқиб, ёнимга келишади, қалайсиз, ёлғиз одам, зерикмадингизми, дегандек менга

кизиксиниб караб туришади. Уйга қайтсам, анча ергача ортимдан кузатиб келишади. Хўп, бўлмаса турдик. Ҳар ким ўз йўлига кетади.

Ташқарига чиқдик. Кун заволга қараб кетибди. Нимқоронғи ғордан кейин чарақлаган офтоб бирдан кўзни олди. Беихтиёр юзимни тўсдим. Домла қўлига ирғай таёғини олди, ғор эшигига катта ғулани кўндаланг ташлаб қўйди-да, калла силкиб, хўшлашган бўлди ва қаддини тик тутиб, тоғ тарафга қараб йўл солди. Мен ҳам Кўкабулок йўлига бурилдим.

## 2

Оқшом Зиёдулланикида яна қўни-қўшнилари тўпланди. Улар «Ғор одами ким экан, бу ёқларда нима қилиб юрибди?» деб суриштиравиришди. Домла хўшлашаётиб шарт қўйган эди: «Мени бу ерларда кўрганингизни, орамизда бўлиб ўтган гапларни бировга айтмайман, деб сўз беринг. Видео-камера кўтариб, мени йўқлаб келишларини истамайман. Агар сўзингиздан қайтсангиз, бу жойдан кетаман. Унда виждонингиз қийналади».

– Ўзларингиз айтгандай, кимсасиз, ғариб бир киши экан, – деб жавобни қисқа қилиб қўяқолдим. Меҳмонлар ҳам кейин ортиқ суриштиришмади. Ҳар ким ўз дарди билан бўлиб кетди.

Ётдик. Бироқ ухлай олмадим. Домланинг мунгли қуралай кўзлари, эхтирос билан кесиб-кесиб сўзлашлари тушларимни банд қилди. Гоҳо у бир кўзининг этини чала қовуриб хумга босаётган, гоҳо шаршара ёнида кийимларини юваётган, гоҳида тоғ тарафдан бир боғ ўтин орқалаб келаётган ёки сопол кўзаларда сув ташиётгандай бўлаверади.


Тонг отарда кўзим илинибди. Ширин уйқумни Зиёдулла бузди. Қўлида гўшак. Ишхонадан, котиба қиз телефон қилибди.

– Тез етиб келар экансиз, директор сўраяпти, муҳим мажлис бўлар экан, – дейди.

Бугун ҳам ғор одам билан суҳбатимиз давом этиши керак эди. Афсусландим. Ноилож Тошкентга жўнадим.

... Орадан салкам бир йил ўтди. Гуркираган баҳор чоғи яна Кўкабулокқа бордим. Расадхонада ишимни битириб, домлани зиёрат қилмоқчи бўлдим. Зиёдуллани йўл бўйида колдириб, ўзим ғор

томон кетдим. Ўша кекса гужум, ана таниш ғор. Аста ичкарига мўраладим. Домла кўринмади. Йўталдим – бирон садо йўқ. «Мумкинми?» деб ичкари ўтдим. Бултур ўзим кўрган манзара. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Токчаларда китоблар, бир четда кўза тўла сув, кўрпа-тўшак йиғилган. Қумғондан сув ичмоқчи бўлдим. У илиққина эди. Демак, домла яқинда шу ерда бўлган. Айланиб кетгандир-да деб ташқари чикдим. Арчазор тоғлар сари бироз юрдим. Бир замон ям-яшил тепалик бағрида дўнгалак телпак кийиб, белни боғлаган киши кўринди. У – домла эди. Қўлида ирғай хассаси. Қаддини тик тутиб, аста-секин тоққа кўтарилиб борарди...



---



## ҚАЛАМҚОШИМҒА ҚАЛАМДОШМАН

Газетада ҳикоям чикди. Хотин пошшага кўрсатдим. Кувонар десам, лабига учук чикқандай афтини буриштирди.

– Сизда инсоф йўқ, – деди хотиним, – фақат ўзингизни ўйлайсиз. Худбинсиз. Мундоқ хотиним маҳаллада керилиб юрсин, деб хаёлингизга ҳам келмайди.

– Манавини бизнинг хўжайин ёзганлар, деб керилиб юраве-ринг, мен қарши эмасман.

– Ҳо-о! Мен бировларнинг соясида салқинлайдиганлардан эмасман. Мен ўзим ёзиб, ўзим эл оғзига тушгим келади.

– Майли унда ўзингиз ёзинг, – дедим. Хотин туғилган кунига мўйналик пўстин олгандек кулимсиради.

– Аввалига сиз бир-иккита ҳажмия ёзиб беринг, кейин мен шу-ларга қараб йўналиш оламан.

– Ҳажмия эмас, ҳажвия, хоним.

– Майли. Бало бўлмайдими? Ишқилиб, одамлар кулса бўлди-да. Ёзиб берасизми?

Энсамни кашлаб қолдим. Ке, шу ғарибнинг ҳам кўнгли ярим. Бигта кулгили «ҳажмия» ёзиб берсам – бераколай, – дедим.

Уч-тўрт кун ичида эски нарсаларимни ямок-ясимиқ қилиб, бит-та хангома битдим. Унга «Ўзи келган ёр-ёр», деб ном қўйдим. Кейин хотинпошшанинг муборак назарларидан ўтказиб олдим. Хотинга (биринчи) хангомаси ёқди.

– Мен розиман, – деди у лутфан, – эртагаёқ кўчириб, газетага обориб беринг. Яқинда газетада ёзганларим чикади, деб дугонала-римга айтиб қўйганман.

Хотиннинг гапи – вожиб. Хангомани кўчириб, газетага ташлаб келдим. У бир ҳафтада босилиб чикди. Хотинпошша газетадан беш

нусха олиб, маҳалладаги аёлларга тарқатиб улгурибди. Қўшнимиз Барнохон мени йўлакда кўриб қолиб, табриклаган бўлди:

– Равзахон сиздан қолишмайдиган ёзувчи экану, билмай юрган эканмиз. Балодай ёзибди.

Раҳмат, деб ўтиб кетдим.

Бу орада ёстикдошимнинг илтимосига йўқ деёлмай яна иккита хикоя ёзиб бердим.

Энди кутулдимов, деб қаддимни ростламоқчи эдим, хоним жавраб қолди.

– Яхши ёзаяпсиз. Бўшашманг. Ўртоқларим мактаяпти. Ичинг тўла кулги экану, Равзахон, сен ёзавер, биз маза қилиб ўқийверайлик, дейишди.

– Мен-чи, хоним, мен ёзмайманми?

– Шарт эмас. Шунча йил ёздингиз, шохингиз чикдими? Сизнинг бир ой ёзганингизга берадиган матоҳни мен уч кунда топаман. Бироқ менга пул эмас, обрў керак, тушунаяпсизми, об-рў! Ҳа айтмоқчи, мен сизни уй юмушларидан батамом озод қилдим. Овқатни ўзим пишираман, кирни ҳам ўзим юваман. Ҳа, энди онда-сонда кўчаларни бир айланиб, ахлат челақни тўкиб келсангиз, бўлди. Буёғига, қаламни тўхтатманг, азизим!

Шундай қилиб қаламқошимга қаламдош бўлиб қолдим. Илгари кечқурун овқат қилсам, оббо, уззукун уйда ўтириб, пиширганингиз шилдир шўрвами, деб елкаси тиришарди. Энди бир кун олдимда ёғлиқ палов, бир куни манти, яна бир куни чўзма лағмон. Пайпоғу сочиқларни ювишдан ҳам кутулдим. Эрта билан қаламқошим сиртимдан эшиқни кулфлаб кетадилар, окшом, хўш, мададқорим, бугун неча бет ёзибман, деб тепамга келиб қарайдилар.

Агар тўрт-беш бетгина бўлса, нордон анор чайнагандай башараси тиришади.

– Ия, кунбўйи ўтириб ёзганингиз шугинами? Бунақада газетчилар маҳтал бўлиб қолади-ку! Шундоғам ўн кун бўлди, ҳеч нарсам чикмади. Ҳм, Равзахон, илҳом келмаяптими, деб дугоналарим ҳам ҳайрон. Ғайрат қилинг, кунлик нормангиз саккиз-ўн бет бўлиши керак. Мана, сизга бир пачка қоғоз, иккита ручка обқелдим. Мен овқатга уннай, унгача сиз қаламни йўрғалатинг, хўп? Нима пиширай, кўнглингиз нимани тусайди?

Ичимда «Заҳар!» дедим-у тилимни тишладим. Негаки, оғиз очсам, дийдиё, йиғи-сиғи бошланади. Сочим оқарганда менга шу керакми? Унинг устига кўнгли ярим, йўк, чорақта.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб турибди. Даста-даста қоғозларнинг бошига етиб, маликаи дилозор... узр, дилоромни машҳури олам килиш билан овораман. Тўқиганларим турли газеталарда пешмапеш чиқиб турибди. Равзахон деган янги юмористнинг исми шарифлари тобора гуркираган сари Мўмин Яраш деган собиқ ёзувчининг номи унутулиб борапти. Энди маҳалладагилар мени кўрсатиб, анови челақ кўтарган ким бўлди, деб сўрашса, отимни аташмайди, ёзувчи Равзахоннинг Эри деб қўйишаяпти.

Ой ўтди, ойлар ўтди. Эговлайверсанг, темир ҳам ейилар экан. Бир куни тобим қочди. Бошим ғувиллайди, кўзим тинади, иштаҳам йўк. Қоғозга қарасам, кўнглим айнийдиган бўлди. Ётиб қолдим. Хотин кўрқиб кетди.

– Ҳой, турунг ўрнингиздан! – деди ярим амр, ярим илтимос оҳангида, – айна ижодим қайнаган пайтда чўзилиб ётишга бало борми?

– Нима касал бўлишга ҳам ҳаққим йўқми?

– Мутлақо! – деб силтади хоним, – ҳозир дўхтир чақиртираман. Уч кунда отдай қилади. Турунг ўрнингиздан!

– Эҳтимол ўлишга ҳам ҳаққим йўқдир? – Ноилож илжайдим.

– Буни хаёлингизга ҳам келтирманг! – деди хоним, – нашриётга ариза бериб қўйганман. Асарларимни тўплам қилиб чиқармоқчи. Шу китобимни тахлаб беринг, кейин ихтиёрингиз...

Дўхтир келди. Бир халта дори ёзиб берди. Асаб ишдан чиқибди, беш-ўн кун дам олинг, деди. Хотин бошимга бир ҳамширани ўтказиб қўйган. Доримни ичиради, ухласам елпиб ўтиради, овқатимни иситиб беради. Хотинпошша кунига уч маҳал касалингиз қалай, ўрнидан турай дедими, деб ҳамширадан телефонда сўраб туради.

Саккиз кун деганда ёстикдан бош кўтардим. Хотин ҳол-авол сўраган бўлди.

– Қалай тузукмисиз? Қалам ушлашга ярайсизми энди, ҳа, айтганча Боғи Эрамда мен билан учрашув бўлармиш. Мана, афишасини ҳам олиб келдим.

Куроқ варракдек афиша. Тепада хотин тўранинг назокат тўла сурати. Пастда рангдор ёзув: «Мухтарама кулги мухлислари! Сизларни ичакузди хангомалар устаси, дилбар аёл, ширинсухан адиба Равзахоним билан учрашувга таклиф этамиз. Равзахоним ўз ижодий сирлари ҳақида мухлисларига сўзлаб берадилар. Шунингдек ёзувчининг янги тандирдан чиққан хангомаларидан эшитасиз».

– Куллуқ бўлсин, – дедим зўраки илжайиб.

– «Куллуқ бўлсин»ни Боғи Эрамда айтасиз. Мен сизни мухлисим, деб таништираман. Йиғилганларга менинг ижодий ютуқларим ҳақида беш-олти оғиз сўзлаб берасиз. Ҳа, айтгандай, янги хангома керак-а? Каллангизда бирон нарса борми?

– Калла бўм-бўш, сувқовоқдай хувуллаб ётибди, – дедим эснаб.

– Уни тўлдилинг! – буюрди хотиним, – шошилинг, тўлдириш керак! Ахир индинга учрашув! Унгача биронта хангома тўқмайми? Ҳозир мен лағмон чўзаман. Унгача сиз ўйланг, мададкорим, ўйланг!

Бирваракай икки таблеткани ютдим-у, диванга чўзилдим. Қотиб қолибман. Уйғонсам, кун ботиб, тонг отибди. Бошимда хотиним йиғлаб ўтирибди.

– Ҳой, сизга нима бало бўлди? Ўлиб қолибсизми, деб кўркиб кетдим. Илтимос, тўплашим чиккунча ўлмай турунг, кейин ихтиёр ўзингизда.


Аранг гавдамни кўтардим. Бир варақ қоғоз олдим. Қўлим қалтираб, «Қаламқошимга қаламдош бўлганим. Хангома», деб ёздим-у, шилқ этиб диванга ағдарилдим. Хотин эса ҳамон тепамда сайраб турибди:

– Ҳой, ҳеч бўлмаса, ижодий учрашувим ўтгунча ўлмай турунг, илтимос...

Тамом: илтимос фамилиямни ёзмангизлар, Равзахоннинг эри десангиз кифоя, ҳамма танийди. Қалам ҳақи керак эмас.

Ана энди тамом.

Равзахоннинг эри.





## КАМИНА – КУЁВ

Ниҳоят, биз ҳам бир бошпанага эга бўлдик. Юнусобод бозорининг шундоққина рўпарасида, кўча бетида шинамгина шийпон куриб беришди. Энди тўп-тўп бўлиб, ўтган-кетганнинг жонига тегмаймиз, йўл четига енгил машина келиб турса, ур-сур қилиб югурмаймиз. Орамиздан бригадир сайлаб қўйганмиз. Харидор билан шу киши гаплашади. Ҳар кимнинг хунарига қараб ишга ажратади: сен томсувоққа борасан, сен уй кўчиргани, сен кўчат экиб, ер чопгани ва ҳоказо.

Гир атрофдан гул иси келиб турган баҳор кунларининг бири. Шийпонда гап сотиб ўтирибмиз. Шу пайт ёнимизга ҳашаматли қора машина келиб тўхтади. Ҳаммамиз умидвор бўлиб қарадик. Бригадиримиз, тек ўтиринглар, дегандек бармоғи билан ишора қилди-ю, ташқарига чиқди. Салдан кейин қирқ-қирқ беш ёшлардаги гавдали, келишган йигитни бошлаб кирди. Беихтиёр ўрнимиздан туриб кетдик.

Қайсимизга омад кулиб боқар экан, деб аскардек саф тортиб турибмиз. Харидор йигит билан бригадиримиз аста-аста юриб, бизни кўздан кечира бошлади. Менинг олдимга келганда йигит тўхтади.

– Уйланганмисан? – деди негадир сирли жилмайиб.

Калла чайқадим.

– Жуда соз! Менга сендай бўйдоқ йигит керак, – деди у. – Қани, бу ёққа юр-чи.

Етаклашиб кўчага чиқдик. Харидорим каттароқ ерда ишлайди шекилли, ҳайдовчиси ҳам бор экан. У бизни кўрди-ю, зингиллаб келиб эшик очди.

– Менинг исмим Шавкат, – деди янги танишим, – сеники-чи?

-- Манзур.

– Ў, чиройли исминг бор экан. Кунига қанча пул ишлайсан, Манзурбой?

– Ҳа, энди, хизматга қараб-да, ака. Ўн беш минг, йигирма минг.

– Дуруст, – деди у мени ёнига ўтқазиб, – мен сенга беш кунлик ҳақингни бераман. Шартимизга кўнсанг бўлди.

Юрагим шув этди. «Бекорга шунча пул бермаса керак. Нега уйланганмисан, деб сўради экан? Ишқилиб, бир балога йўлиқмасам бўлгани. Шарти қанақа экан?»

Шавкатнинг бетига гумонсираб қарадим.

– Нима иш киламан, ака? Айтиб кўйинг-да мундоқ.

Шавкат кулди.

– Ҳеч нима қилмайсан. Меҳмон бўласан. Еб-ичасан, дам оласан, томоша кўрасан. Кейин хизмат ҳақингни олиб кетаверасан. Кўркма, мен ёмон одам эмасман.

Таажжубим баттар ортди. Йўлга тушдик. Чирчиқ томонга қараб кетдик. Дўрмонга етганда ўнг тарафдаги маҳаллага бурилдик. Бу ерлар менга сал-пал таниш. Бултур кузда жўраларим билан бир бойваччанинг уйида ишлаган эдик.

Уч қаватли қирмизи иморат олдида тўхтадик. Машина товушини эшитиб, дарвоза ўз-ўзидан очилди. Ичкари кирдик. Бўйига юз, энига эллик кадамча келадиган улкан ҳовли. Дарахт йўқ. Ерда ям-яшил майса экилган. Ўртада катта-кичик иккита ҳовуз. Бир четда ўймакор айвон, чиройли ҳалинчак. Гир айлана тарвуздек келадиган оппоқ чироклар ўрнатилган. Менга ёққани – гул кўп экан. Оқ, сарик, пушти, кизил гуллар офтобда товланиб турибди.

Шавкат ҳовли этагидаги пастаккина хужрага қараб «Валижон!» деб чақирди. Ушоққина мен тенги йигит чикди, пилдираб ёнимизга келди. Кўлларини ковуштириб Шавкатнинг кўзига тикилди.

– Мана бу йигитга чой-пой бер, – деди Шавкат, – сартарошга олиб бор. Кейин ҳаммомга тушир. Уқдингни?

– Хўп бўлади, хўжайин.

– Кейин унинг вазифасини ҳам тушунтириб кўй.

Ичкари кирдик.

– Мана шу бизнинг идорамиз, – деди Валижон. Хужра кичкина бўлгани билан чақмоқдай экан. Ёғоч каравот, телевизор, совуткич, телефон, ҳатто кондиционергача бор.

– Рўзгорингиз яхши экан, – дедим.

– Худога шукур, ҳамма нарсам етарли. Бир қоровулга ҳиммат бўлса, шунча бўлар-да, нима дедингиз? Энди қоши-кўзи қоп-қора, сочи узун, иболиккина бир нозанин ҳам бўлганда, ҳужрам исиб қоларди. Шавкат акамлар омон бўлса, бир куни бошимни икки қилиб қўяр, деб юрибман. Қани, меҳмон гўштдан олинг, уялманг.

Валижон кўнгли очик, гапдонгина бола экан. Анча вақтгача гурунглашиб ўтирдик. Энди: «Валижон, мен нима иш қиламан экан, билмайсизми?» деб сўрамоқчи эдим, ўзи оғиз очди.

– Шавкат акамнинг давлати дунёга сиғмайди. Шаҳарда мана шундай яна икки уйлари бор. Ишхонаю дўқонларини айтмай қўя қолай. Ана, дарвозахонадаги «Жип»ни кўрдингиз. Шаҳарда ҳам ик-китасини боғлаб қўйибди. Хуллас, Худойим мол-дунёдан берган-у фарзанддан қисиб қўйган. Янгам ёмон дардга чалиниб, туғмайдиган бўлиб қолди. Шавкат акам ёнади, қуяди, бошларини қайси тошга уришни билмайди. Ўлганингда тепангда чириллаб йиғлаб турадиган бир зурриёт бўлмагандан кейин шунча бойлик кимга керак, тўғрими?

– Тўғри.

– Ана энди Шавкат акам уйланмоқчи бўлаяптилар. Ими-жимидан никоҳдан ўтиб қўяқолсалар ҳам бўларди-ю, бўлажак келиноиймиз кўнмайди. «Мен қиз боламан, тўй қилиб бермасангиз, тегмайман», деб шарт қўйибди. Ёши элликка яқинлашганда ёш келиннинг ёнида ўтиришни Шавкат акам ўзига эп кўрмади. Сизни топиб келди. Бугун тўй. Бир кунча куёв тўранинг ўрнига ўтириб берасиз-да, меҳмонжон!

Кулгим қистади. Бировнинг ўрнига кўпкари чопганни, кураш тушганни, имтиҳон топширганларни эшитганман. Биз томонда бир йигит акасининг ўрнига ўн кун мелисахонада ҳам ўтирган экан. Лекин... чин куёв бу ёқда қолиб, келинпошшанинг пинжида суйкалган ёлланма куёвни энди эшитиб туришим.

– Сиз бўйдоксиз, мен бўйдоқ. Куёвликни бир репетиция қилайлик, – деб кулдим.

Валижон билан сартарошга бориб келдик. Кейин ховлидаги ҳаммомга тушиб чўмилдик. Валижон мени бир хонага олиб кириб,

ясантирди. Янги костюм-шим кийдирди, бўйнимга галстук боғлаб, оёғимга кушнинг тумшугидек учлик қора туфли илди. Ойнага карадим.

– Чўпга либос демокчи, янги эгни-бош кийсангиз, чиройли бўлиб кетар экансизу, Манзурбек, – деди Валижон.

– Чўнтагимга тахи бузилмаган бир ўрам пул солиб кўйсангиз. бундан ҳам кўркам бўлиб кетаман, – деб ҳазиллашдим.

– Бу ёғи Шавкат акамларга боғлиқ. Худо деб туринг-чи, у кишининг қўли очик, кизганчик эмас.

Тушдан кейин эшикка узун, оппоқ лимузин келди. Валижон менга куёв жўра бўлди. Бир кучок гул кўтариб чиқдик. Қарасак, машинада келинпошша ўтирибди. Ёнида дугонаси. Қиз асли кўқонлик, исми Тозагул экан. Машинага чиқдик. Бироз юргач, Тозагул қўл чўзди:

– Омонат куёвим билан танишиб кўяйлик. Исми шарифларни?

– Манзур, – дедим. Қиз шарақлаб кулди. Кўқонча аския қилди:

– Ўхў! «Ман зўр»ман, деб юрибсиз экан-да, куёвжон?

– Ҳа, тоза гулларни ҳидлаб, – дедим пайровга жавобан.

– Бало экансиз! Шавкат акам бўлмаганда сизга ўзим тегардим.

Келинг, яхшиси дугонамни олақолинг. Мана, эт деса эти бор, бет деса бети бор. Хурсанд бўласиз. Розимисиз?

– Йўқ. Шаҳар кизлари кишлокка чидамайди.

– Оббо-о! Нега чидамас экан?

– Қишлокда юмуш кўп. Сигир соғиш керак, ўчоқ да овқат пишириб, таппи ёпиш керак. Чидамайди.

– Кўнглини олиб турсангиз, чидайти, – деди Тозагул ва ўртоғини туртли, – чидайтсан-а, Лобар?

Лобар индамади. Қикирлаб кулди.

Ана шундай ҳазил-хузил билан кечгача шаҳар айландик. Оқшом тушганда тўйхонага кириб келдик. Тўйхона олди одамга тўлиб кетибди. Олди карнай, кўш сурнай, кўш ноғора, «дака-тум», «вот-вот» овози осмонни ёраман дейди.

Ўнг томонимда Валижон, чап бикинимда омонат қаллиғим билан Лобар, ийманиб залга кирдик. Бўсагадан ўтишим билан хофизлар

«тўйлар муборак»ни бошлашди. Бир тўп йигитлар бошимиздан да-ста-даста пул сочишга тушди. Бола-бақра чувиллаб пул тера кетди. Қарасам, оёгим остида япроқдек бўлиб пул сочилиб ётибди. Худди нонни босаётгандек, хижолат бўлиб, бир лаҳза тўхтаб қолдим... Хе, номард, дейман ичимда, шунча пулни увол қилгунча муҳтожларга улашиб берсанг ўласанми?» Бизнинг олибсотор бойларимиз ҳам жуда такаббур бўлиб кетган-да.

Тозагул, юринг дегандек туртди. Саҳнадаги тахтиравонга чикиб ўтирдик. Базм бошланди. Тўйнинг қандай ўтганини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Тошкентдаги манаман деган артистлару, қизиқчиларнинг бари шу ерда. Залда камида беш юз киши бор. У томондаги одам бу томондаги одамни кўрмайди. Куёв бўлиб мен тўрда ўтирибман. Лекин олқишлар-у тилаклар Шавкатнинг шаънига ёғилаяпти. «Ошиқ булбул бугун ўз гулининг васлига етди, муборак бўлсин!», «Тозагул янгамиз бир тилла узук бўлса, Шавкат акамлар узукка кўздек ярашди», «Биз келин-куёвга тўрт ўғил, тўрт қиз тилаймиз! Кейинги йил бешик тўйида учрашай-лик».

Тўй етти хуфтонда тарқади. Шавкат янги хотинига атаб шаҳарнинг ўртасидан уч хоналик уй олиб қўйган экан. Валижон иккимиз келин билан дугонасини кузатиб қўйиб, қайтиб келдик. Қарасам, ҳовлида бизни Шавкат кутиб турибди.

- Қалай, куёв бола, тўй яхши ўтдимми? – деди кулиб.
- Зўр бўлди, – дедим ва костюмни еча бошладим.
- Тек тур, – деди Шавкат, – бу кийим-бош мендан эсдалик. Теп-килаб кийиб юр. Дуо қилсанг бўлди.
- Худойим сизга қўшалоқ ўғил ато қилсин. Раҳмаг, ака.
- Айтганинг келсин. Хўп, хайр. Вали сени уйингга обориб кўяди.

Эски кийимларимни олдим. Валижон тўйдан насиба деб икки халтани тўлдириб, қўлимга ушлатди.

Шерикларим ухламай мени кутиб ўтиришган экан. Эгни-бо-шимга қараб учириқ қилишди.

- Бировни тунаб келаяпсанми, Манзур, қуллук бўлсин!
- Худди тўйдан чиққан куёвга ўхшайсан-а?

– Ростдан ҳам куёв бўлдим, – дедим ва кундузги саргузаштимни айтиб бердим. Йигитлар дарров тугунларни очишди. Тўйхонада уялиб туз тотмаган эдим, қази-қарталарга хужум бошладик.

Эрталаб саҳар турдим у янги либосларимни бир халтага солиб, Юнусободдаги буюм бозорига қараб зинғилладим. Қанчага олса, сотаман. Сотиб, пулини уйга юбораман. Қишлоқда ёлғиз онам билан икки синглим йўлимга кўз тикиб ўтиришибди. Улар бир суюниб қолишсин.





## ҚОЗОН БОШИДАГИ ХОТИН

Эрталаб бошланган базм тушга бориб авжига чикди. Нақш-нигорли улкан меҳмонхона. Ноз-неъматдан столнинг бели қир-силлайди. Тўрда, диванни тўлдириб уй бекаси – Опа ўтирибди. Ўртада икки аёл капалакдай чарх уриб ўйнайди. Опа магнитофоннинг кулоғини бураб қўйди. Хонанданинг ширали овози янгради: «...ёқасиз, жоним, ёқасиз...»

Шайтоннинг сувига тўйинган хонимлар қўшиқ шиддатидан эс-хушини йўқотиб қўйгандек бўлди. Озода билан Дилдора бир-бирига муком қилиб, ер депсинар, ракс зарбидан шифтдаги ҳайбатли қандил тебраниб-силкинар, Опанинг биқинида ўтирган аёллар мас-тона қийқириб, чапак чаларди:

– Ҳах, майда қадамларингдан, Дилдорим!

– Ўзим ўргилай сендан! Бир куни куёв тўрани ҳам ёкиб кул қилмасанг бўлди!

Ниҳоят Опа девордаги баркашдек тилла соатга кўз қирини ташлаб олиб, қарс урди:

– Хўв, оймичахонлар! Бўлди қилинглар энди. Хўжайиннинг келадиган вақтлари бўлиб қолди.

Озода ҳансираб келиб, креслога чўқди.

– Энди одамнинг бадани қизиган эди-я, Опа. Кайфнинг белига тепдингиз. Ух...

Опа бармоғини илмоқ қилиб, ҳамтовоқларини имлади:

– Бу ёққа келинглар. Поччангиз келгунча мана бу рўйхатни битирайлик. Кейин қўлларига тутқазамиз.

Ҳамма Опанинг оғзига тикилиб, жим бўлиб қолди. Опа қошларини чимирди:

– Демак, қолган ўринлар... Ҳм-м, бозор, ўрмон хўжалиги, истироҳат боғи, автобаза...

Биринчи бўлиб Озода қақилдоқ Опани елкасидан кучоқлаб, ялинишга тушди:

– Қулингиз бўлай, Опажон! Бир йилга, атиги бир йилга бўлса-да, бизнинг хўжайинга солиқни бериб туринг. Иморат ўлгур битмай ётибди, икки қизим бўй етиб турибди. Сал қаддимизни ростлаб олайлик.

– Солиқдан оғиз очма, солиқ бўлими катга куёвга ваъда қилинган.

– Унда автозаправкани бера қолинг.

– У ер ҳам банд. Жавлон акамлар кўтарилмасларидан илгари ҳаддини жой олиб қўйганлар.

Аёллар чувиллашга ўтди:

– Ким экан у?

– Пешонасида шохи бор экан-да. элдан бурун заправкага эгалик қилиб олибди.

– Уми? – деб Опа Озодага қаради, – у ҳам сенинг эрингга ўхшаган боши думалок, бути айри бир махлуқ. Гапларинг бўлса, ана, хонимчалари...

Хонимлар ялт этиб, бир чеккада оёқларини чалиштирганча, керилиб ўтирган Муножотга қарашди.

– Вой, мана шу қилтириқнинг эрими? – деди Озода кўзларини ола-кула қилиб. – Писмиқ! Ошни дамлаб, дамтовокка бостириб қўйиб... тиржайиб ўтиришингга ўлайми?

Муножот индамай, ғолибона кулиб қўя қолди. Озода аста Муножотнинг олдига келди, унга синчиклаб разм солган бўлди. сўнг столдан бир шиша минерал сув олиб келди-да, тақ эткизиб олдига қўйди. Муножот садаф тишларини ярқиратиб илжайди:

– Буни юраги куйганларга беринг, Озодахон! Худога шукур, бизнинг юрак жойида.

– Бу сизга эмас, хоним. Эрингизга берасиз. Ахир бензинга сув қўшмаса, Опамнинг қарзларини узолмасдан беллари узили-иб кетмасин, дейман-да, оповси!

Озода чўрт бурилди-ю, пишиллаб Опанинг олдига борди:

– Заправкаям қулоғини ушлаб кетибди. Энди бозорни берасиз!

– Ие, қандоқ қилиб сенга бозорни бераман? – деди Опа эснаб, – бозор, бу – бозор...

Озоданинг жазаваси тутди:

– Бозорми, қора мозорми, билмайман! Берасиз дедим, берасиз!  
Бермасангиз, ҳозир ўзимга ўт қўяман! Ҳов, гугурт беринглар менга,  
гугурт!

Муножот ўтирган еридан зарҳал бир нима чўзди:

– Гугурт йўғу, мана, зажигалка бор, – деди масхараомуз, –  
бўлаверадими, ўртоқжон?

Озода жаҳл билан унинг қўлидан зажигалкани юлиб олди-ю,  
эшикка қараб юрди:

– Ҳозир ҳовлига чикаман-у... тирик машъалга айланаман!

Озода остонага етганда тўхтади. «Биронтаси, қайт изингга»,  
дермикин, дегандек ўгирилди. Дилдора Опанинг қулоғига шивир-  
пади:

– Биласиз-ку, у жиннини. Сал, нақароқ бўлиб қолган. Бозорни  
бериб кутулинг. Фалончининг уйида пистончи ўзига ўт қўйибди,  
деса, эшитган қулоққа яхши эмас.

Опа, бир лаҳза лабини тишлаб турди-да, Озодани чақирди:

– Хўв, жинни, буёққа ке.

Озода истар-истамас Опага яқинлашди.

– Бозорнинг солиғи қатта бўлади, биласан-а?

Озодага жон кирди:

– Биламан. Бозор етги хазинанинг бири, – деб бидиллади, –  
олти бўлаги сизники, еттинчиси бизники. Невараларингизнинг сун-  
нат тўйини ўтказиб... Қизингизни узатиб... Ота-онангизни кўмиб...  
Тфу, ҳажга обориб-обкелиш мана, бизнинг гарданимизда!

Хуллас, Озода дўқ-пўписа билан бозорнинг директорлигини  
илиб кетди.

Опа қўлидаги қоғозга нималарнидир белгилаб қўйди-да, пинжи-  
га сукилиб ўтирган Дилдорага ўгирилди:

– Хўш, Дилдорим, сенинг эрингга қаерни берсак экан?

Дилдора лабини буриб, ширинлик етмай қолган қизалоқдай араз  
килди:

– Берганингизни бераверинг. Барибир, мойли жойлар хомталаш  
бўлиб кетди.

– Сенинг эрингга, ўм-м... автобазани берамиз, – деди Опа. Дил-  
дора ўтирган еридан ирғиб тушди:

– Иби! Энди бизнинг хўжайин келиб-келиб ахлат ташувчиларга бошлик бўладими? Уруғларим эшитса, кулмайдими?

Опа эркалаб, Дилдоранинг елкасидан кучди:

– Ўзинг ҳам ўлгудай гўл экансан. Чиройи бўлмаса-да, чинори бўлсин, деган гап бор. Пулнинг бари мана шу чиқиндининг ичида-ку, жинни! Вилоят бўйича биласанми қанча ахлат ташийдиган мошин бор? Ўлганда қирқтадир? Ҳар бири ойига беш мингдан берса, қанча бўлади? Ўн мингдан берса-чи?

Дилдора қўлларини пастга қилиб, ўзича ҳисоблашга тушди: «қирқтаси ўн мингдан... тўрт юз... йигирма мингдан...»

– Майли Опа, сиз нима десангиз шу.

Опа оғзини қийшайтириб масхара қилди:

– «Майли, опа...» Пулдан кўйлак-лозим тикиб кийганинда бизни ҳам эслаб турсанг бўлди.

Шу пайт равонда эркак кишининг йўтали, гурсиллаган қадам товуши эшитилди. Озода:

– Вой, поччам келдилар! – деди-ю, шипиллаб бориб жойига ўтирди. Аёллар дарров сергак тортди, кийим-бошларини тузатиб, сипо бўлиб олишди. Уй бекаси ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди.

Савлат тўкиб Жавлон кирди. Гулрухсораларга кўз қирини ташлаб олиб, илжайди:

– Салом, салом... Жамоат жам-ку? «Дугоналар бормисиз, омонмисиз?» деб бир базми жамшид қилибдилар-да? Ҳа, дуруст, дуруст...

Аёллар, овчини кўрган хуркак қушлардай, бир зумда патир-путур таркаб кетишди. Жавлон тўрга ўтди. Креслога оғир чўкди. Шляпасини олиб, хонтахтага ташлади. Уҳ тортди. Бегойим эрининг ёнбошига келиб суйкаланди.

– Ҳм, хўжайин, кайфиятингиз йўғрок? Чарчадингизми? Вахлирок келар экансиз, бир оғиз телефон қилмайсизми, ўзим бошқача қилиб кутиб олмайманми...

Эр бош чайқади. Хотин хавотирланди. Кўнгли алланечук бўлди. Кейин, зора рўйхатни кўриб, димоғи чоғ бўлса, деган хаёлда бир варақ қоғоз олиб келиб, эрининг олдига қўйди.

– Мана, хўжайин, ўзимизнинг одамларга жойларни бўлиб чиқдик. Бари сиз айтганингиздек бўлди.

Жавлон қоғозга бефарқ назар солди. Ғамгин кулди.

– Боплабсиз, хоним, – деди. Бироз сукутдан сўнг давом этди, – яна битта жой керак бўлиб турибди.

Бегойим сергакланди:

– Кимга экан? Ҳамма ўринларни тақсимлаб... кўювдигу?

Жавлон хотинининг безовта кўзларига тикилди, уни елкасидан кучди:

– Менга ҳам битта жой керак, хоним...

Бегойим силтаниб эрининг кучоғидан чиқди:

– Э, боринг-е! Ҳазилингиз қолмади-қолмади.

– Бу сафар рост айтяпман. Патгамизни беришди. Эртага янги бошлиқ тайинланади.

Хонимнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У эрига нафрат билан тикилди. Кейин бурчакка қараб югурди. Бора солиб катта столда тахланиб ётган совға-саломни кучоқлади. Ипак тасма билан бойланган улкан қутига бошини қўйиб, хўнграб юборди.





---

## ЭГАСИЗ УЙ

Бўзсув деса, юнусободликларнинг чехрасига табассум югуради. Негаки, бу яшил анҳор баҳордан то кеч кузгача шаҳарликларга роҳат-фароғат ато этадиган гўзал маскан. Осмон лов-лов ёниб турган ёз чилласида-ку Бўзсув бўйлари чинакам жаннатга айланади. Ёшу қари бирдек серсоя дарахтлар тагида чўзилиб ҳордиқ чиқаради, анҳорнинг шишадай тиник суви баданларни эркалаб, умрингизга умр кўшади.

Бўзсув агрофидаги ерлар илгари колхозга қарашли эди, сабзи-пиёз дегандек, полиз экиларди. Кейинчалик бу мавзе шаҳарга кўшилиб кетди. Худди шуни кутиб тургандек, шаҳар катталари Бўзсув соҳилини томорқа қилиб сота бошлашди. Шаҳар биқинидаги бунақа оромижон гўшани ким олади, аввало чўнтагида ортиқча муллажиринги бор олади. Бўзсувнинг серҳосил, хушманзара майдонлари шаҳарлик пулдорлар кўлида хомталаш бўла бошлади.

Тошкентнинг олмос камари деб аталмиш ана шу Бўзсув бўйида эллик ёшларни қоралаган Эшқобил деган бир деҳқон ҳам яшарди. Унинг отасидан қолган ўн икки сотихча ери бор эди. Бунинг устига Эшқобилнинг хотини, асранди ўғли, тўрт кўйи, олти товуғи, битта эшак араваси ҳам бўлиб, шулар билан тирик эди. Илгари колхозда кетмончи эди, колхоз тугаб кетгач, эшак аравасини елдириб, рўзгорини тебратиб юраверди. Ёзда кўйларига чўп-хашак ғамлайди, анҳор лабидаги қамишларни ўради, кўча-куйда ётган шишаларни териб топширади. Ариқ бўйидаги қуриган довдарахтларни кесиб, қишлик ўтин қилади. Унда-бунда Юнусобод бозоридан бировларнинг юқини ташиб бериб, беш-ўн танга ишлайди. Ишқилиб, қора қозон бир маҳал қайнаб, хотин пошшонинг жағи очилмай турса бас.

Ана шундай дориломон замонда Эшқобилнинг маҳалласига кўз тегди. Беш-олти киши ҳовлисини сотиб, кўчадиган бўлиб қолибди. Қирқ йиллик кадрдонлари неға тўсатдан тарки ватан қилди экан, деб ўйланди Эшқобил ва кўшниларидадан гап олиб кўрди.

– Э, қайда юрибсан, дунёбеҳабар? – деди улар, – маҳалламизга тўрт бошли аждаҳо бостириб келяпти экан. Пулнинг сассиғига чидамай кекириб ётган корчалонлар биз томонларга кўз олайтириб қолибди. Беш-олти ҳовлини бараварига сотиб олармиш улар. Савдолашиб ўтирмай, оғзингдан чикқанини берармиш. Ана, Ашир чўтир бобосидан қолган чалдеворини эллик мингга сотибди!

– Эллик мингга-я? – ишонмади Эшқобил, – чалдеворни эллик мингга олиб нима қилар экан у бойвачча?

– Трактор солиб, уй-пуйи билан текислаб ташлар экан.

– Кейин турп экар эканми?

– Э, кўса тегирмончининг анқов ўғли! Беш-олти ҳовлини текислаб, ўрнига уч қаватли шоҳона қаср солар эмиш. Уқдингми, ўқимаган?

Эшқобил бошини қашлаб туриб қолди.

Эртасига тагин аравасини ҳайдаб жўнади. Буғдой ўрими авжида эди, қўйига беш-ўн қоп сомон топиш илинжида Қоплонбек тарафга қараб кетди. Оқшом қайтди. Қараса, унинг уйи атрофига ҳам ёғоч қозиклар қоқилибди. Бир тарафи юз қадамча келади, бир томони сувга туташ, ёнбоши шундоққина Эшқобилнинг молхонасига тақалган эди.

Уч-тўрт кундан кейин Эшқобилнинг ён-верини трамвай вагонидай узун машиналар, тракторлар босиб кетди. Бирови ер қовлайди, улкан-машиналар қум, шағал ташийди. Тумшуғи мирзатеракка етадиган қранлар лапанглатиб, қуйма томларни тахлайди. Бутун маҳалла кўчага кўчиб чиқди. Айниқса болаларга худо берди. Улар узунчоқ, тор хандақларда чопиб бекинмачоқ ўйнайди, машиналарнинг думига осилиб катта йўлгача бориб келишади. Эшқобил эса тирикчилиги билан овора. Аравасини ғилдиратиб саҳар кетади, кеч қайтади. Бир коса ёвғон ошини ичади-ю, тўшакка киради.

Бу орада ён-веридаги кўшниларида яна беш-олтитаси кўч-кўронини ортиб қайгадир кўчиб кетди. Эшқобилнинг атрофи тобора сийраклашиб борарди. «Миллионерлар бир куни менинг уйимга

хам чанг солса-я? – дея хавотирга тушади баъзан, – йўк, ўлсам ҳам бу ердан кетмайман. Отам насихат қилган, ер сотган эр бўлмайди, деганлар. Шу ҳовлида туғилдим, худо хоҳласа, тобутим ҳам шу ердан чиқади».

Эшқобил гоҳо шунақа хаёл суриб қўярди. Янги қўшнисининг ваҳимали иморати эса аста-секин пойдевордан кўтарилиб борарди. Бир куни Эшқобил эшагининг мўйинчасини ямаб ўтирган эди, салом бериб эшикдан бир йигит кирди. Эшқобил унга стул қўйди. Дуо қилди. Йигит қўл ковуштириб ҳол-аҳвол сўради. У ўттизларга борган, чиройли кийинган, сочлари ҳам бир текис, чувак юзликкина, истараси иссиқ йигит экан. У жилмайиб тилга кирди:

– Мен янги қўшнингиз бўламан, амаки, – деди тавозе билан, – исмим Аслиддин. Оғайнилар, ке, Бўзсув бўйига чиқайлик, деганди, кўнглим кетиб, шу жойдан озгина ер олдим. Худо хоҳласа сиз билан ён қўшни-жон қўшни бўламыз, деган умиддаман, амаки.

– Бахай, бахай, – дея бош силкиди Эшқобил. Аслиддин бир нафас сукут сақлаб, худди узр айтаётгандек деди:

– Кўнглингизга келмасину, амаки, мабодо ҳовлини сотмоқчи бўлсангиз, бегона қилманг. Ўзим оламан. Мен савдолашмайман. Айтган пулингизни бераман, майлими, амаки?

– Майли, – деб бош ирғади Эшқобил, – лекин уй-жойни сотиш ниятим йўк. Отам ўтган ер, ўзим ҳам шу ерда туғилиб ўсдим, бор-йўғи учгина жонмиз, шу ҳовлига сиғиб турибмиз, ука.

– Хафа бўлмайсиз, амаки, айтдим-қўйдим-да. Мабодо бир куни кўчадиган бўлсангиз, беҳабар қолмайлик, дедим-да, амакижон. Ахир гилам сотсанг, қўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан, деган гап бор.

Бу боланинг одоби, бурнини кўтармай мулойимлик билан гапиргани Эшқобилнинг кўнглига ўтиришди.

Аслиддин бир пиёлагина чой ичди, каттагина халта кўтариб кирган экан, қўярда-қўймай ташлаб чиқиб кетди.

Аслиддиннинг гапини ошхонага кириб-чиқиб юриб хотини Мадина ҳам эшитиб қолган экан, йўрғалаб эрининг ёнига келди.

– Хўп демалингизми, хўжайин? Ана, Жобир қасоб сотди ҳовлисини. Бир қоп пул берибди. Дендропаркда кўшқаватли уй солаётган эмиш. Шу отам замонидан қолган эски чопонни бошлингизга урасизми? Сотсангиз биз ҳам шаҳарлик бўлардик, ўғлингизни институтларда ўқитардингиз, эскироқ бўлсаям битта машина мингдингиз...

– Валдирама, товукмия, – деди Эшқобил, – бунақаларнинг тили бошқа, дили бошқа бўлади. Шоҳона уйлик бўламан деб бир куни мана шу ғариб ҳовлидан ҳам айрилиб қолишинг ҳеч гап эмас. Отамдан қолган уй, ҳеч ким мени бу уйдан ҳайдаб чиқаролмайди. Машина дейсан, ана – икки ғилдиракли машина, бензин емайди, матори бузилмайди, бир боғлам хашак билан Ҳиротга олиб бориб келади. Шу кунингга шукр қилиб, тинчгина ўтир.

Хотин афтини буриб жўнади. Эшқобил тагин ўз ташвишлари билан андармон бўлиб кетди. Бу орада Аслиддиннинг иморати тобора осмонга қараб ўрлаб борарди. Бир-икки ой ичида тўрт бурчаги тўрт куббали ҳайбатли иморатнинг маҳобатли сояси ёнидаги уйлари тўсиб қўйди. Наврўз байрамига бориб эса қасрнинг биринчи қавати ёпилди.

Иморатнинг биринчи қавати ёпилди-ю, қурувчи йигитларнинг жони кириб қолди. Энди улар овқатларини ҳам томда ейди, ётоқлари ҳам томбоши. Кечаси аллавақтгача варанглатиб радио қўйишади, чет элнинг ажи-бужи оҳанглари етти маҳаллага таратиб, бирровни ухлатмайди. Айниқса, Эшқобилга қийин бўлди. Аслиддиннинг уйи ҳозирча бир қават бўлгани билан баландлиги етти-саккиз метрча келар, Эшқобилнинг ота макони унинг қаршисида худди кичкинагина қазноқдек афтодаҳол эди. Аслиддиннинг тоmidан туф деган тупук ҳам тўғри келиб Эшқобилнинг ҳовлисига тушаверарди. Эшқобил ғалати аҳволга тушиб қолди. Ҳовлида ўтириб на чой ичиб бўлади, на овқатланиб. Ҳатто хотинга сал товушингни кўтариб гапирсанг ҳам, тепада турган йигитлар дашном беради: «Ҳай, ҳай, Қобил ака, янгамизни хафа қилманг!» Ҳожатга кириб чиқсангиз, қўлингизни ювмайсизми амаки, деб кулишади. Олди – ёз, дегандек, ҳовлида, чорпоя сўрида ётганга не етсин! Аммо, ҳалиги том бошидаги шумтакалар дастидан Эшқобил ўз ҳовлисида эмин-эркин ётолмай қолди. Хотини сўрига жой солиб берса, томдагилар «Ие, амаки,

бир ўзингиз ётгани кўрқмайсизми?» дея учирик қилади. Не қилсин, энди у касофатларни деб ёзнинг иссиғида уйда ухласинми?

Эшқобил бир куни аламини ичига ютиб, маҳалла оқсоқолининг олдига борди. Дардини тўкиб солди.

– Ҳовлига сиғмай қолдик, Турғунбой ака, – деди ёзғириб, – кечаю кундуз тепангдан биров қараб турса, худди... яланғоч юрган одамдай уялар экансан.

– Жазо керак сенга! – деди оқсоқол жеркиб, – ҳўв ўшанда сотиб кетганингда бу хўрликлар йўқ эди.

– Нега ўзингиз сотмай, менга сот, дейсиз?

– Аввало, менинг тепамга келиб, бир бойвачча уй солаётгани йўқ. Солдирмайман ҳам. Ҳозирча кўлим узун. Қолаверса, мен маҳалла оқсоқолиман, халқ сайлаб қўйибди.

– Унда мен нима қилай, маҳалла улуғсиз, бир йўл кўрсатинг, ака.

– Яқинда Аслиддинни кўрувдим. Шаҳарда. Ҳалиям бўлса, Эшқобил акадан ўтининг. Ерини менга берсин, дейди. Хоҳласа қишлоқдан, хоҳласа шаҳардан чиройли иморат солиб берай, тагига машина миндирай, деди. Қайсарлик қилмай, хўп де, Эш. Оқпошшо замонидан қолган бу уйни бошингга урасанми? Бир одам ма деб турганда, қўшқўллаб олмайсанми, нодон?

– Мен сиздан жўяли гап эшитгани чиқувдим, – деди ўксиниб келиб Эшқобил, – сиз ҳам мени ватандан жудо қилмоқчи бўлаяпсиз. Қуллуқ сизга.

– Ҳали пушаймон бўласан, бола! – деди оқсоқол, – унда кеч бўлади.

– Кўрамиз. Худо бизга ўхшаган бандаларини йиғлатиб қўймас.

Ёзнинг адоғига бориб иккинчи қават ҳам битди. Учинчи қават очик айвон шаклида бўлар эмиш. Бир сафар қурувчи йигитлар Эшқобилни судрагудек қилиб тепага олиб чиқишди. Учинчи қаватдан бутун қишлоқ, ҳатто Оқтепаяю Отчопар томонлар кафтдагидек кўринар экан. Узунасига қирк, кўндалангига йигирма қадам келадиган очик айвонда ҳаммом, иккита ҳовуз, теннисхона, арғимчоқ учадиган майдонча қурилар эмиш. Эшқобил тепадан туриб, ҳовлисига назар солди. Пастақкина ошхонаси, неча йил сувоқ кўрмаган кичкина уйчалари, товук каталаги, сомонхонаси,



– Хўв, Аслхўжа! – деди у, – анави кабристоннинг қоровулхонасига ўхшаган хароба нима?

– Уй, – деди Аслиддин, – Эшқобил ака деган кишиники.

– Қачонгача у қора сўгалдай мана бу шоҳқасрнинг тумшуғида туради? Кўчмадими?

– Кўнмади, – деди яна осуда Аслиддин, – ўзим илтимос қилдим, орага одам солиб кўрдим. Ота мулким, сотмайман, ўзим яшайман, дейди.

Меҳмон бола хохолаб кулди:

– Вой, бетамиз-ей! Нима, шу битта ялангоёқ аравакашни кўчиргани пулинг етмаяптими, кучингми? Бериб туришим мумкин оғайни.

– Пулим етади, куч ҳам бор. Лекин... бир бечорани чирқиратиб, туғилиб ўсган еридан жудо қилиш инсофдан бўлармикан, деб ўйлаб қолдим. Қалдирғочнинг уяси бузилса, неча кун чирқиллаб юради, бу ҳам сендек одам боласи.

– Оббо-о! Жа, дейман инсофли бўлиб кетибсанми кейинги пайтда? Қайси замонда яшаётганингни биласанми ўзи? Бозорга бир бориб кел-чи, сен айтган инсофнинг килоси неча пул экан, биласан...

– Ке, кўй, Ҳошимхон, бошимни қотирма. Ўзи рози бўлмаса, битта кесагига ҳам тегмайман, ҳар қалай мусулмон фарзандимиз...

Ҳошимхон кабоб чайнаб туриб, ишшайди:

– Хоҳласанг, бир кечада кўчириб беришим мумкин. Жазоси бир челақ бензин-да. А, лаббай?

– Оғзингдагини ел олсин! Хаёлингга ҳам келтирма! Агар бир гап бўлса, кечирмайман. Мени биласан-а?

– Ҳазил, оғайни, ҳазил! Сенинг бунчалик кўнгли бўш бўлиб кетганингдан беҳабар эканман.

– Бўпти, кўп алжирамай овқатга қаранглар. Кун оғди, туриш керак.

Аслиддиннинг гапидан кейин мусиқа ҳам пасайди, қий-чувлар босилай, деди. Бирор соатдан кейин базмхона бўшаб, қайрағоч ости хувиллади. «Ҳорманг, ака!» деб Аслиддин ҳам эшиқдан бош суқмади, Эшқобил ҳам меҳмонлар тарқамагунча ҳовлидан жилма-

ди. Қоронғи тушгачгина қайрағоч остини супуриб-сидирди, бир қопга яқин шиша йиғиб олди.

Кеч кузга бориб Аслиддиннинг қононаси тамом битди. У олисдан кўзга чалинар, рангпар тўрт минораси, кунгуралари, оппоқ мрамардан кийган либоси билан ўзга иморатлардан ажралиб турарди. Кечалари қасрнинг тўрт тарафини ўнлаб чироқлар ёритар, иморат гўё қанот чиқариб осмонга учиб кетаётган кема-ни эслатарди.

Қишнинг ўрталари эди. Эшқобил аравасини ҳайдаб, Сариоғоч қирларига қараб кетди. Буғдойзорларда бир-икки сиқим анғиз қолган бўлса, сидириб олмоқчи эди. Маърайвериб қўйларнинг оғзи ёпилмаяпти. Аравасининг чуқурчаси тўлар-тўлмас хазон тўплади. Ҳайт, деб уйига жўнади. Унгача кун кеч бўлди. Сариоғоч ҳам яқин ер эмас, уйига етгунча қоронғу тушди. Кўчасига бурилди. Қараса, осмонда аланга кўринди. Юраги шув этди. Аслиддиннинг томида ётиб юрадиган болалар шўхроқ эди, битта-яримтаси... Эшқобил эшагини ниқтади. Ҳовлисига етди. Не кўз билан кўрсинки, Аслиддиннинг уйи ёнарди! Атроф тўла одам, кий-чув... Ҳадемай, ваҳимали чинқириб, уч-тўртта кизил машина етиб келди. Ўт ўчирувчилар резинка ичакларини судраганча томга ёпишди. Тўрт томондан сув фаввора бўлиб отилди. Ҳадемай ўт ўчирилди. Эшқобил эшак аравасини ҳовлига киритишни ҳам унутиб, анграйиб тураверди.

Оловнинг қизил тили сўниб, атрофни аччиқ тутун қоплай бошлағач, ўт ўчирувчиларнинг бошлиғи – семиз капитан маҳалла оқсоқолини ёнига чақирди.

– Ана энди акт тузамиз. Маҳалла фаоли сифатида сиз ҳам қўл кўйишингиз керак.

Оқсоқол чўчиб, ортига тисарилди:

– Мен нима деб қўл кўяман? Қоровул бўлмасам. Биронта ғаламиснинг ишидир-да бу.

Шу пайт капитаннинг қўлидаги телефон жиринглади.

– Алло, бу мен, Аслиддинман. Ўтти ўчирдинларми?

Бошлиқ ялтоқланди:

– Ҳа, акажон ўчирдик. Уйга анча моддий зарар етибди. Акт ёза-япмиз, Аслиддинхўжа ака...

– Акт-пакт қилиб ўтирманглар. Олов ўчирилган бўлса, қайтиб кетаверинглар.

– Хўп бўлади, хўжайин, хўп, хўп...

Ўт ўчирувчилар жўнаб кетдилар.

Аслиддин ҳовлисига қайтиб қадам босмади. Ёнган уйнинг ёнига ҳам биров йўламади. Қирмизи мармар қопланган деворлар қорақурумга ботиб, чала ёнган йўғон тўсинлар тутаб, томнинг тешиклари офтобда ярқираб ётганича қолаверди. Эшқобил эса, ҳамон эски аравасини елдириб, рўзгорини тебратиб юрибди. Ҳар сафар Аслиддиннинг хароба кошонаси ёнидан ўтаётганида куйдирган калладай бўлиб турган баланд гумбазларга мунғайиб боқадию, секин уф тортиб кўяди.





## ЗОРИЙДАН ЎЧ ОЛГАНИМ

Тақдир экан, мен ҳам тошкентлик бўлиб қолдим. Даҳаларни обдан кезиб чиқдим. Кўнглимга Юнусобод ўтирди. Ҳавоси тоза, бир томони дала, одамлари курумсоқ эмас. Бозордаги паттачининг ҳам инсофи бор. Азонлаб юз сўм-юз сўмдан йиғиб берамиз, то эртасигача ғингшмайди. Бодомзор деган ерда бир кампирниқида ижарага тураман. Эрталаб икки пиёла чойни чала-чулпа ютаман-у бозорга йўрғалайман. Бозор шундоқ биқинимизда. Ўзим тенги қизлар, турли вилоятлардан келган опалар билан гурунги қилиб харидор пойлаймиз. Матлуба деган самарқандлик опамиз бор, шўх. Икки гапининг бири кулгили. Бу сафар ҳам учирик қилди:

– Нима бало, бугун эркак зотининг бари беланги бўлиб уйдан чиқолмай қолганми, икки соат бўлди, на ғилайи, на маймоғи кўринади.

Мағлуба опанинг гапини эшитгандек, ёнгинамизга ғийқ этиб новвотранг «Нексия» келиб тўхтади. Ундан ўрта ёшлардаги пўрим йигит тушди. Бейхтиёр ҳаммамиз бир-икки қадам илгари босдик.

Пўрим йигит бетимизга бир-бир боқиб чиқди, оёғимизга, бошимизга разм солди.

– Сиз мол оладиган қассобга ўхшайсиз, – дедим чидамай, – неча килолиги керак? Ишингизни айтинг, биз шунга қараб одам ажратайлик. Ҳовлидаги юмушларга Гулсафсар уста, домда уй йиғиштиришга, мана, Рая бор. Мен бўлсам, одам сўйишдан бошқа ҳамма нарсани уддалайман. Бир сафар оқ эчкимиз арқонга ўралиб қолибди. Қарасам, ҳаром ўладиган. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Шартта кетмондастани «от» қилиб миндим-у ошпичоқ билан эчкини бўғизлаб ташладим. Энди ишингизни айтаверинг.

Йигит чайналиб, миждовланди:

– Менга китобни шариллатиб ўқий оладиган одам керак...

Ёнимдагилар жим бўлиб қолишди. Уларнинг кўпчилиги мактабни амал-тақал битирган эди.

– Унда мен борарканман, – дедим, – ишқилиб, китобингиз ўлгур кизикроқми? Баъзи бир хил китоблар бўлади, ўн варақ ўкимасингдан одамни уйқу босади.

– Борганда кўрасиз. Ҳа, айтганча, иш ҳақини келишиб олайлик.

– Нархи от билан туя бўлармиди? Эрталабки чойимни уйда ичиб бораман. Тушликка бир оби ёвғон берарсизлар. Кўзимнинг нурини ўзингиз баҳолайверинг.

Новвотранг «Нексия»га чиқиб, йигитнинг ёнига ўтирдим. Шаҳарнинг кун ботарига қараб кетдик. Жинкўчалардан, катта кабрстондан ўтиб, кўримсизгина бир ҳовли олдида тўхтадик.

– Бу домламининг уйлари, – деди йигит, – у киши таниқли одам, профессор. Қулоқлари яхши эшитмайди, кўзлари ҳам хира тортган. Лекин хотиралари яхши. Биров ўқиб бериб турса, эшитганларини дарров эсда сақлаб қоладилар.

Ҳовлига кирдик. Йигитнинг «домламин» дегани камида саксон-саксон бешни урган, тақирбош, қошлари қув оппоқ, букчайиб қолган бир қария экан. У баланд креслода оёқларини ерга осилтириб ўтирарди. Йигит саломлашди, мени таништирди. Домла индамай бош силкиди. Йигит бир чойнак чой дамлаб кириб, хонтахтага кўйди. Кўлимга ёстикдай китоб тутқазди. У Зорий деган ёзувчининг «Тоғларга ҳавас қиламан» деган романи экан. Юрагим орқасига тортиб кетди. Бу савилни қачон ўқиб бўламан-у, қачон ҳақимни оламан?

Домла кўлига қалам-қоғоз олди. Шариллатиб ўқий бошладим.

– Ҳай-ҳай, секинрок, – деди шогирд йигит, – сиз диктор эмасиз, роман ўқияпсиз.

– Ие, хижжалаб ўқийми? – дедим энсам котиб, – бунақа ўқишда бу ерда бир-икки ой қолиб кетаман-ку?

– Романи ўқиб бўлгунингизча қоласиз, – деди йигит. Энди шошмайроқ ўқишга тушдим. Йигит бирпас кузатиб турди-ю, «Бўпти, домлажон, мен ҳали бир хабар оларман», деб чиқиб кетди. Домла ўқтин-ўқтин тўхтатади, қоғозига «коллизия», «ечим нотўғри», «типик характер» каби мен тушунмайдиган сўзларни

ёзиб кўяди-ю, «Ўқинг!» деб буюради. Хуллас, чой хўплаб-хўплаб, эснаб-эснаб, пешингача аранг йигирма бет ўқибмиз. Китоб жонивор ҳам ўлгудек зерикарли экан. Зорий бўлмаи зорманда қолгур бир эзма ёзувчи бошидан ўткан-кетканларини эринмай бир ипга тизаверибди, тизаверибди, нақ кўнглинг айнийди. Товба дейсан, ғалати замон бўлдими, пулинг бўлса бас, не деб ўтласанг, не деб алжирасанг, энг хароб босмахона ҳам китоб қилиб чиқариб бераверади. Бундок эзма-чурук китоб ёзиб одамларнинг вақтини ўғирлаганларнинг кўлига куйдирги чиқсин-е, дедим ичимда.

– Хўв, мулла қиз, ўқимайсизми?

Сесканиб кетдим. Чолим ола кўзларини тикиб бақрайиб турарди. Тагин бидиллаб ўқий бошладим:

– Бодроқ бўлманг. Кўғирмоч бодроқ эмассиз, – деди чол.

Яна секинлашдим. Деворсоатга қарасам, бир яримдан ўтибди.

– Чарчамадингизми, домла? – дедим, – тушлик қилиб олмайсизми?

– Биз сиздек студент пайтимизда кунига бир маҳал овқатланиб юраверардик. Яна бир-икки соат ўқисак, аср бўлади, бир йўла бемалол овқатланамиз.

Чолнинг зикналиги жаҳлимни чиқарди:

– Мен Сарносиё деган олис юртдан сизга ўхшаган прापесирга китоб ўқиб бериб, гастрит орттиргани келган эмасман. Аввал таом, кейин калом деган гап бор, домла!

Домла олдидаги тугмачани босди. Чолнинг ўзига ўхшаган букчайган қора кампир кирди.

– Мана бу қизга бир коса овқатинг бўлса, берақол, – деди чол, – қорни очибди.

Бирор соатдан кейин қоринни тўйғазиб чолнинг олдига кирдим. Қарасам, у калласини ортига ташлаб, оғзини ланг очганча қотиб қолибди. Бирор нарса бўлганми деб кўрқиб кетдим. Югуриб чиқиб, кампирни чақириб кирдим. Кампир:

– Мардонов! Туринг, мақола тайёр бўлдими деб анави зорманда икки марта телефон қилди, – деб чолини турткилади. Сўнгра менга ўгирилди, – Зорий деган бир ўлакса ёзувчи бор, ўгли банкада ишлайди. Менинг китобимни мақтаб бир мақола ёзиб берсангиз, фалон баннисага текин ордер тўғрилаб бераман деб ваъда қилганмиш.

Биласиз қизим, ҳозир ўн кунгина баннисада ётиб чиқишнинг ўзи фалон минг сўм бўлади. Бу киши прапесир, Зорийни икки оғиз мақтаб қўйса, сўзи ҳар ерда ўтади. Текин ордер беришса, касали билан олишарди. Диабети бор, қон босими бор...

Бирдан гаранг чолимга раҳмим келиб кетди. Майли, савоб учун яна бир-икки кун ўқиб берай, дедим. Қарасам, бўлмайдиган. Китобнинг эгаси келиб, жанжал қилди. Бу Зорий деганлари қовунбош, калласи қалтираб турадиган чиллашир бир киши экан. Қўлимдаги китобга бир қараб қўйди-ю:

– Энди олтмишинчи бетга келдингларми, баракалла! – деб шаниллади, – бунақада сиз уч ой ўқисангиз, сиз уч ой ёзсангиз... унгача камина Зорий замонавий романга аталган мукофотдан қуруқ қолар эканмиз-да.

Домла енгил эътироз билдирган бўлди:

– Биз романнинг мағзини чақиб, аста-аста мутолаа қиляпмиз-да, Зорий...

– Бунда мағзини чақадиган нарсаяўк! – деб чинқирди Зорий, – мен турмада бошимдан ўтганларни бирма-бир ёзиб чиққанман, холос. Сиздан лозими – тўрт оғиз таъриф бериб, Зорийнинг ушбу асари мукофотга лойиқ бўлибди, деб қўйсангиз бас эди. Хушингиз бўлмаса, бу ёққа беринг китобни!

Бу ёғига чидамадим. Қарасам, бу палакат Зорий отаси тенги одамни ўтдан олиб, сувга соладиган.

– Хўв, намунча қўриқчининг шақилдоғидек шақиллайсиз? – дедим унга, – бир кекса олимни ҳақорат қилишга ким ҳуқуқ берди сизга?

Зорий менга ажабсиниб боқди. Важоҳатимни кўриб, ҳатто бироз довдиради. Кейин ўшқириб берди:

– Сен кимсан ўзи? Ўртадан чиққан чақир тиканақдай бу ерда нима қилиб юрибсан?

– Мен мана бу дардисарингизни домлага ўқиб бериб ўтирган эдим, энди қутуладиган бўлдим. Мана, мана!

Шариллатиб китобни йиртиб ташлайвердим. Зорий лўкиллаб келиб қўлимга ёпишди. Унгача ўн-ўн беш варақни ғижимлаб остонага отиб юбордим. Жанжал устига шогирд йигит келиб қолди.

– Мен сизни судга бераман! – деб бақирди Зорий, – сиз бировнинг мулкига хиёнат қилдингиз, ярамас қиз!

– Сиз эса, адабиётга хиёнат қилдингиз! Беринг судга, тезроқ беринг! Ўша ерда айтаман, Зорий деган бир товламачи муттаҳамлик қилиб, ит ўқимайдиган китобини текин йўлланмага алмаштиряпти экан, дейман, маъқулми? Қачон берасиз судга?

Зорий индамай шогирд йигитга ўқрайиб қараб қўйди, ерда ётган китоб варақларини йиғиштириб олди-ю бир зумда ғойиб бўлди.

Кетмоқчи бўлдим. Шогирд чўнтак кавлади, хизмат ҳақимни бермоқчи шекилли-да.

– Йўлкира берсангиз бўлди, ўтган кунимга розиман, – дедим, – анавинақа гўрсўхтанинг китоби учун олган пул ҳам ҳаром.

– Унда сизни кузатиб қўяман, – деди йигит.

«Нексия»га ўтирдим-у кадрдон бозорим сари учиб кетдик.



---



## БЕПАРВО БЎЛМОҚЧИМАН

Кейинги пайтда сал инжиқроқ бўлиб қолдим. Тик этган товуш ёкмайди. Икки одамнинг қулишиб турганини кўрсам ғашим келади. Илгари унча-мунча ишни ҳазил-хузул билан битириб кетардим... Энди арзимаган нарсага жаҳлим чиқади, асабийлашаман.

Ҳар куни ишдан келаману, диванга таппа ташлайман. Бошим лўққиллаб оғрийди. Дорига хужум қиламан. Седалгин, равнатин, пенталгин.

Ахири бўлмади. Судралиб докторга бордим. У энди ўттиздан ошган паст бўйли хўппа семиз йигит экан. Гапирганда негадир одамнинг кўзига қарамасликка интилади.

- Қаерда хизмат қиладилар? – Четга боқиб сўради у.
- Мактабда ишлайман, – дедим, – муаллимман.
- Ў-ў, олийжаноб касб эгаси экансиз, – кулимсиради доктор.

«Сан бу касбнинг тузини тотиб кўрмагансан, гапираверасан-да», дедим ичимда.

Доктор мени тикка қилиб кўйиб, резинка болғачаси билан тиззамга бир урди. Сесканиб тушдим. Иккинча тиззамга урганда чўккалаб қолдим.

– Анетта ўтиринг, – деди у оппоқ кушеткани кўрсатиб. Ўтирдим. Доктор энгагимни кўтарди. Кейин кўрсаткич бармоғини ҳавога ўкталиб нари-бери сурди:

- Бу ёққа қаранг! Энди бу ёққа! Яна бу ёққа!

У дўмбоққина панжалари билан бошимни сиқиб кўрди. Соч ивитаётган сартарошдай қалламни обдан ғижимлади. Кейин полга бир оёқлаб турғазиб қўйди. Гоҳ чап оёқда, гоҳ ўнг оёқда туриб, аранг ўнггача санадим.

Ниҳоят, доктор болғачасини тап эткизиб столга ташлади-ю, бурчакка бориб кўл ювди. Жойига келиб ўтирди. Бошини чайқаб, ух тортди. Биринчи дафъа кўзимга қараб деди:

– Танобингиз сал бўшашибди, домла...

Индамадим. «Танобим бўшаганини ўзим ҳам биламан, сиз даводан келинг, укам!» дедим ичимда. Доктор мендан бир кунлик ишимни, уйқумни, иштаҳамни сўради. Шошилмай, битта-битта айтиб бердим. у киприк қоқмай тинглади. Сўнг туриб, қўлларини кўксига чалиштирди-ю, нари-бери юра бошлади:

– Гапингизга қараганда ишда кўп асабийлашар экансиз, – деди лекция ўқиётган профессордай салмоқлаб, – бу эса сизга мутлако мумкин эмас. Бир ўқувчингиз Ал-Хоразмийнинг кимлигини билмагани учун икки соат бўғилибсиз. Сизга аввало нима зарур? Ал-Хоразмийми, саломатликми?

– Гапингиз қизиқ бўлди-ю, дўхтир – дедим фиғоним чикиб, – бир киши жон керакми, жононми, деган экан...

– Ўша киши тўғри айтибди. Жон бўлмаса жононни бошингизга урасизми?

– Ўзининг кимлигини, ота-бобосининг кимлигини билмайдиган жонни нима қиламан? – деб бақирдим – пишириб ейманми?!

Энди докторнинг жаҳли кўзиди.

– Менга қаранг, бемор, – деди рўпарамга келиб, – бу ерга нимага келгансиз ўзи? Мен билан гап талашганими ё даволанганими?

– Кечирасиз, даволангани, – дедим сал паст тушиб. Докторнинг оқиш ранги тагин қизарди.

– Унда гапга кулок солинг, – у яна лўмбиллаб хона кеза кетди. – Сизга маслаҳатим шуки, бўлар-бўлмасга куйиб-пишаверманг. Юракни кенгроқ қилинг. Кенгга-кенг, торга-тор дунё деб кўйибдилар. Тушунаман, ҳозир бола ўқитиш қийин масала бўлиб кетган. Акселарция ва ҳоказо... Аммо сал бепарворок бўлишга урининг. Зиғирдек камчилик кўрсангиз лов этиб кетадиган одатингиз бор экан. Бу одатни ташланг. Бир ўзингиз кучанганингиз билан узокқа боролмайсиз. Ҳаётни мукамал қиламан деб сиздан олдин ҳам не-не олимлар бош қотирган...

Чидамай гап кўшдим:

– Демак, ўртамиёна одам бўлиб... кумурсқадай судралиб юраве-  
ришим керак экан-да?

Докторнинг қизил ранги бирдан оқарди. У гурс-гурс юриб те-  
памга келди-ю, «Бедаво экансиз-ку?» дегандек менга олайиб тикил-  
ди.

– Узр, – деб ерга боқдим. Доктор остонагача ваъз айтиб борди:

– Шоирлар айтгандай, хаёлингизни доим гулга буркаб юринг.  
Кўпроқ очик ҳавода ухланг. Миянгизни толиктирадиган даражада  
қаттиқ ишламанг. Тез-тез тоғларга бориб туринг. Хафа бўладиган  
ерларга борманг. Кулгили китоблардан ўқинг. Ётишдан олдин оғир  
овқат еманг. Сут-қатикни кўпроқ ичинг. Ибн Сино қаттиқ ичган одам  
юзга киради, дейди...

Эшикни зичлаб ёпдим. «Китобни роса ўқибсан, – дедим ичим-  
да, – менинг ёшимга ет, кейин сўзлашаман сен билан».

Эртадан бошлаб бепарвороқ бўлишга қасд қилдим. Саҳар  
турдим-у, кайфиятни созлаб, мактабга жўнадим. Йўлда таниш-би-  
лишлар учраса, хуш-хандон кўришаман, ярашса-ярашмаса ҳазил  
қиламан. Улар менинг тажанглигимга ўрганиб қолмаганми, ажаб-  
ланиб боқишади.

Енгил оёқ билан мактабга ҳам келдим. Зинадан кўтарилиб  
ўқитувчилар хонасига бурилдим. Қарасам, шундоққина эшик тагига  
биров ботмондай қилиб тупуриб кетибди. Такқа тўхтадим. Илгари-  
ги даврим бўлса, «Бу қайси нодоннинг иши?!» деб бақириб берар-  
дим. Бу сафар ўзимни қўлга олдим. Ҳовлига чиқиб фаррош хотинни  
чақириб келдим.

– Хуршида опа, мановини... опташанг, – дедим иложи бори-  
ча тиржайишга ҳаракат қилиб. Фаррош хотин афтимга чўчиброк  
қаради-ю, носкашни койиб-койиб, остонани супуриб олди.

Узун-қиска бўлиб ўқитувчилар келишди. Уларнинг саломи-  
га ўлганимнинг кунидан кулиб алик олаяпман. Бироқ ичимни ит  
кемиряпти. Ҳамон ўша бефаросат носкашни ўйлайман. Орамиз-  
да беш киши нос чекади, қоровул тоға билан олти киши. Қоровул  
атай хужрасидан келиб, бу ерга тупуриб кетмайди. Демак бу  
ўзимизникиларнинг қилиғи. Бирам тилим қичияптики... Қани энди  
кеча докторга бормаган бўлсам-у, оғзига ел тушқур носкашни топиб  
таъзирини берсам!

– Барака топкурлар, – дедим сиполик билан ўрнимдан туриб, – бу ер картошка омбори эмас, мактаб. Илтимос, йўлакка тупурилмасин. Нос чекадиганлар ҳовлига чиқиб чексин. Мабодо чўнтакка тупуришга ор қиладиганлар бўлса, мана, идиш.

Гулга сув куядиган банка ёнимда эди, носкашлар тарафга сурдим.

Ғала-ғовур бошланди:

– Биз культурниймиз, – деди бир носкашимиз, – уйда нос, мактабда папирос чекамиз.

– Агар шапалоқдай бўлса Йигиталининг маҳсулоти, – деди иккинчи носкаш, – у хар отганда кафтини тўлдириб отади.

– Носнинг маркасини аниқлаш керак, – деди учинчиси, – мабодо Холмат-98 бўлса Тиловбердиннинг оғзидан тушган.

Хаёл суриб ўтирибман. Бир вақт Билолов деган ёшгина тарих ўқитувчимиз кўнғироқдан кейин лўкиллаб кириб келди. Афти-ангорига қараб бўлмади. Соқол икки энлик, ёқа кир, шимининг тиззасига ямоқ тушган. Оёғида ипсиз, орқаси майишган ботинка. Индамасам ҳе йўқ бе йўқ синф журналини кўлтиклаб жўнамоқчи.

– Кечирасиз, тўхтанг, – дедим. Билолов остонада тўхтади. – Қаерда ишлашингизни бир оғиз айтиб кетсангиз, ўртоқ Билолов?

У аввалига «мудир масхара қилаяптими?» дегандай хайрон бўлди, сўнг ҳазил аралаш жавоб берди:

– Бемалол, домла. Янгиобод туманидаги 5-мактабда педагогман...

– Негадир педагоглингизга ишонмаяпман, – дедим мен ҳам кулимсираб, – рафторингизга қараб завқим келаяпти. Синфга муаллим бўлиб қираяпсизми ё ўрта асрлардан кўргазмали қурол бўлибми?

– Уришмайсиз, домла, – деди у бир қадам олға босиб, – сизгир подадан қолиб кетган экан, шуни кўшдим-у, югуравердим...

– Бўпти, сиз уйга бориб ўқитувчига ўхшаб келинг, дарсингизни мен ўтиб тураман, – деб унга жавоб бериб юбордим.

Билоловнинг дарсига кирдим. Йўқлама қилдим. Баъзи ўқувчилардан кечаги дарсни сўрадим. Доскага Туробов деган бола чиқди. У булбул бўлиб кетди:

– Чингизхоннинг икки юз мингга яқин яхши қуролланган аскарлари бор эди. Лекин Амир Темур қўрқмай Чингизхон билан урушмоқчи бўлди...

– Шошманг, Туробов, – дедим. – Темур қачон ўтган?

– Амир Темур ... Улуғбекдан олдин ўтган, муаллим.

– Чингизхон-чи?

– Чингизхон... Амир Темурни ёмон кўрган...

Жаҳлим чиқди. Туробовга шартта «икки» қўйиб бердим. У жойига бориб ўтирди-ю, кундалигини очиб кўриб, қўл кўтарди:

– Муаллим, менга «икки» қўйибсиз-ку?

– Ҳм, «бир» қўйиш керакмиди?

– Бу баҳойингизни катталар кўрса, сизга гап тегмайдими? Болаларни яхши ўқитмабсиз, деб?

Гуп этиб миямга қон урди. «Бу ақлни сенга қайси аҳмоқ ўргатди?» деб бақирмоқчи бўлдим-у, хали пенсияга узоклигини ўйлаб, тилимни тишладим.

Танаффусда бир иш билан ховлига чиқдим. Қарасам, кираве-ришда беш-олти бола чекиб туришибди. Ҳалиги Туробов ўртоқларини оғзига қаратиб нимадир дейди. У мени кўрди-ю, чўнтагидан тилла ранг сигарет олиб узатди:

– Марҳамат, муаллим. Адамлар Америкадан олиб келибдилар. Тортими яхши экан.

«Йўқол кўзимдан ярамас!» деб бақирдим. У ёғи нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, диванда ётибман. Биров юзимга сув сепаяпти, биров валидол тикиштиряпти.

Мактабдан тўғри касалхонага жўнадим. Осуда шароит билан дори-дармоннинг кучими, уч-тўрт кунда ўзимга келиб қолдим. Уйда дорисиз ухлай олмас эдим. Энди шундоқ ётаман-у, донг қотиб қоламан.

Бир куни ана шунақа ноз уйқуда ётган эканман. Қарасам, те-памда шприцини шипга ўқталиб ҳамшира қиз турибди. Дарров чап биқинимга ағдарилдим. Ҳамшира жазиллатиб укол қилди-ю, «ана энди уйқуни келган жойидан олаверинг» деб жўнади. Куймичимни сийпалаб бирпас ётдим. Қулоғимга таниш овоз чалинди. Ўнг ёғимга ағдарилдим. Тўрт қадам нарида ҳув поликлиникадаги доктор

йигит илжайиб турарди. Унга ҳам яқинда укол қилишган шекилли, билагини шимариб, тирсагини букиб олибди.

– Ие домла, нима бўлди? – деди кўришиш учун қўл чўзиб. Уколнинг захридан жоним оғриб турган эди, қийналиб бўксамни кўтардим.

– Сизнинг муолажангиздан кейин... шу ерга келиб қолдик, – дедим инқиллаб, ўзларидан сўрасак?

Докторнинг кайфияти ёмон шекилли «салом»имга яраша алик олдим:

– Биз ҳам... сиздақа касалларни даволай-даволай, етган еримиз шу бўлди, домлажон...

Бир вақт юрагим санча бошлади. Салдан кейин бошим ғир-ғир айланди. Пўп этиб каравотга ўтириб қолдим. Доктор югуриб ёнимга келди. Томиримни ушлади-ю лўкиллаб чиқиб кетди. Бир зумда ҳамшира кирди. У калин дафтарни очиб кўриб:

– Сиз Бакировмисиз? – деди менга.

– Бакиров мен, бу киши Кабилов! – жеркиб берди доктор. Ҳамшира «Вой, шўрим!» деб бошини чангаллади. Қўлтиғидаги дафтар шалоплаб ерга тушди. Икковимизнинг дориларимизни адаштириб, бир-биримизга «алмашлаб» эмлаб қўйганини дарров тушундим.

– Ана, дўхтирларингизни аҳволи, – дедим докторга, оғзимга таблетка ташлаётим – ҳавас қилинг.

Бакиров ҳам гапга чечан экан, дарров жавоб берди:

– Ўзингиз ўқитган болалар-да домлажон, ҳар қанча ҳавас қилса арзийди...

Мен энди оғиз жуфтлаган эдим, Бакиров «Иҳ!» деди-ю, қорнини чангаллаб қолди. Уни суяб каравотга ётқиздим. Кейин навбатчи ши-фокорни чақиргани зингиллаб кетдим.





## ДОКА РҰМОЛНИНГ ҚУРИШИ

Кунбеткай қилиб солинган уйнинг узунчоқ равонида бир-бирига орқа ўгириб чол билан кампир ўтирибди. Олдиларига дастурхон ўрнига қўл сочиқ ёзилган, биттадан чойнак-пиёла, нон қўйилган. Улар бир-икки кундан бери араз, гаплашмайдилар. Чойдан куйиб, бир хўплайди-ю, чол аста ух тортади, кампир қилт этиб тупугини ютади. Иккаласининг ичи пишиб кетган, иккаласининг ёрилгиси келади, бироқ ғурур йўл бермайди.

Шу пайт ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Чол-кампир умидвор бўлиб эшикка қарашди. «Назарали!» деб ён кўшниси Ҳайдар ота кирди.

– Ассалому алайкум, яхшилар!

Чол ҳам, кампир ҳам индамади. «Келинг» дегандай бош кимиралиб қўйишди.

– Қалай, ўйнаб-кулиб ўтирибсизларми? Уч кун бўлди, кўринмайсан, Назарали? Нима гап, тинчликми деб...

Чол ҳам, кампир ҳам қўл сочиқнинг попугини ўйнаб, ҳамон тек ўтиришибди. Ҳайдар ота тўхтаб қолди. Кейин илжайди:

– Ие, ҳа, нима бўлди? Яна ораларингдан ола мушук ўтдими? Оббо-о! Қариганда ёш боладай тумтайиб... Тавба! Шу тобда неварачевараларингдан биттаси келиб қолса, нима деган одам бўласанлар? Хўш, Ҳалимахон, нима бўлди?

Кампирнинг кўзига ёш келди. У чолига ияк қокди:

– Нима бўлганини анави қоқвошдан сўранг! – деди овози титраб. Чолдан ҳам дарров «алик» қайтди:

– Йўк, нима бўлганини шу тиши йўқдан сўра! Тарикча гуноҳим бўлса, айтсин!

– Айтаман ҳам!

Чол-кампир ўтирган бўйларича Ҳайдар отага ўтирилдилар. Ҳалимабону ирғиб туриб, кўшнисига кўрпача солди, бир пиёла чой куйиб узатди. Сўнг арзи ҳол айтди:

– Айланай уста, бу ўртоғингизга бир бало бўлди. Қариганда қони қуюлдими, қайдам? Бирам тажанг, бирам бесабр... Сал нарсага лов этиб ёнади-кетади.

– Ўтлаяпти-да, бунга ишонма, – деди Назарали ота. – Кейинги вақтларда сал... – у бармоғини чаккасига қадаб буради, – шунақарок бўлиб қолган.

– Шошманглар, жанжал нимадан чикди ўзи?

– Мирмишилдан. Икки кун бўлди. Пешинга нима қилай, дадаси десам, юмшоқроқ нарса бўлсин, деди. Унда мирмишил қовура қолай, селини мўлгина қилсам, аччиқ чой билан еб олар, дедим. Мирмишилни оби-тобнида қовуриб, ботар-ботмас қилиб сув солдим-да, бик этиб кайнаши билан устига товоқ бостирдим. Токнинг тагини теша чопиқ қилиб кўювдим. Икки йўлгина райҳон ўтқазсам, ёзда одам бўйи бўлиб, гуркираб ётса, боз шу чолнинг шўрвасига аскотадику, дедим. Райҳон кўчатни экиб бўлиб, ошхонага кирдим. Қарасам, мирмишил сал тагига олибди. Газ ўлгур лопиллаб кетганми, нима бало бўлган... Хуллас, бир лаган қилиб, мурч-пиёзлаб сузиб кирдим. Бу тўрам қошиқни шундоқ солиб, лаганни бир ағдарди-ю, овқатми бу, похолми, деб олди-урди, олди-урди...

Кампир рўмолининг учига кўзини артди. Ҳайдар ота ялғ этиб ўртоғига қаради:

– Ҳўв, менга қара! Сени нима жин урди? Муштдек кампирга қўл кўтариб ўтирибсанми ҳали?

– Эсинг жойидами ўзи? Ҳозир хотин урадиган замонми? – тўнгиллади Назарали ота. – Бурнига бир чертиб қўйсанг, қиёматга довур қувар буларинг... Хонтахта четида пиёла турган экан, шундай... тирсагим тегиб кетиб...

Ҳайдар ота «Сиз нима дейсиз?» дегандай Ҳалимабонуга юзланди. Кампир шошиб ёкасига туфлади:

– Тавба қилдим... Оғзида илми билан ёлғонни сувдай ичади-я...

У этакларини ҳилпиратиб, ичкарига кириб кетди. Салдан кейин латтага тугилган нарса кўтариб чикди. Жаранглатиб Ҳайдар отанинг олдига қўйди.

– Мана, кўринг, уста ака! Қулочкашлаб отди денг пиёлани, шкафнинг ойнаси кунпоякун бўлди. Уйга кириб қаранг, бир кўзига парда тутиб кўйибман. Қизим Московдан олиб келиб берган ликопчалар ҳам синди, ойим раҳматликдан қолган мана бу жонон пиёла ҳам бир сиким бўлди. Мана, мана! – у пиёла синикларини устанинг олдига суриб кўйди. Ҳайдар ота собик пиёланинг бир бўлагини олиб, томоша қилди. Нозик мўйқалам билан чизилган суратда бир-бирига дон бераётган икки қушнинг калласи тасвирланган эди. Уста уларга махлиё бўлиб қолди. Назарали ота, бу кампиримнинг ёнини олмасин, деб қочириқ қилди:

– Саккиз еридан чегаланган сополни пиёла деб юрибди...

Ҳалимабону мурасага келишни ўйлаб ўтирувди, чолининг кейинги гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Назарали ота гўё пиёла баҳона, мархум қайнонасини масхара қилгандай эди. Ҳалимабону ҳам «отнинг бошини» кўйди:

– Ўн саккиз еридан чегаланган бўлса ҳам, яхшидан қолган ёдгорлик эди. Ҳар сафар лабимга оборманимда онагинамнинг нафаслари келарди... Ўргилай уста, қирқига чидадим, қирқ бирига чидамадим. Ортиқ мажолим қолмади. Қилдан қийиқ ахтаради. Бир ёстик кўйсанг паст дейди, икки ёстик кўйсанг баланд дейди. Калишининг патаги йўқолса ҳам мендан кўради. Кучук ўлгур акилласса, овозини ўчир деб бақиради. Мен кучукка ангилла деб ўргатиб кўйибманми, жон уста, ит бўлгандан кейин хуради-да.

Ҳайдар ота бўшаган пиёлани Ҳалимабонуга узатди. Назарали ота шуни пойлаб турган эди, дарров ўз чойнагидан чой кўйиб чўзди. Уста илжайиб, иккинчи «рақиб»нинг чойини олди. Кампир пиёла синиғини латтага туга бошлади. Чоли устага имлади:

– Ўзининг айби йўқмикин, сўрачи? Нимага шўрвага сочидан кўшиб солиб бераркин? Идиш-товокдан нуқул сузма ҳиди келади.

Кампир силтаниб ўрнидан турди.

– Айтинг ўртоғингизга! Сузма ҳиди келса, энди келгандир. Қиз вақтимда қанақа сочим бор эди. Нақ тўпигимга тушарди. Сочингиздан атир иси келади деб бармоғига ўраб ўтирарди ўзи. Бу кишини кимсан – Назарали домла қиламан деб шу аҳволга тушдим. Ҳа, шундоғ деб айтинг, ўртоғингизга! Бўлди, жонимдан тўйдим!

Ҳайдар ота қараса бўлмайдиган, иш чаппасидан кетаяпти. У сакраб турди:

– Уй-рўзгор бўлганидан кейин ҳар хил гап ўтади-да. Гоҳ пиёла синади, гоҳ овқат тагига олади. Арзимаган нарсадан бунақа бўлиб ўтирсанглар... Маҳалла-кўй эшитса, кулмайдами? Ундан кўра мен ҳозир кулинг ўргилсин қилиб битта ош дамлай, яраш-яраш қилайлик, докарўмолни куритайлик. Нима дединг, Назар?

Чолнинг ярашгиси бор эди, негаки айб ўзидан ўтган, бунинг устига ҳадеб чой билан нон кавшайвериш жонига теккан эди. Шундай бўлса ҳам:

– Анави тиши йўқдан сўра, – деди ҳамон паст тушгиси келмай.

Ҳайдар ота кампирга қаради:

– Лаббай, Ҳалимахон?

Кампирнинг ҳам кўнгли эриб тушди. Сиртида койиса-да, ичида чолига раҳми келарди. Бироқ «рақиб»ига бирдан таслим бўлгиси келмади:

– Ошни еб, кучга минса, яна дўмбирасини чалади, биламан, – деди иккиланиб.

Булар мурасага келмайди шекилли деб Ҳайдар ота хўшлашди:

– Ҳай майли, ўзларинг биласанлар. Омон бўлинглар. Апоқ-чапоқ пайтларингда кирарман.

У кўчага чиқиб ўйланиб қолди: «Ишқилиб қариганда дардқашингдан айирмасин экан. Булар эллик йилдан бери бир-бирига суйкалиб, бир-бирини искаб ўрганиб қолишган. Бунақа хурпайиб ўтираверишса, эзилиб кетади-ку? Бир иложини қилмасам бўлмайди. Нима қилсам экан?.. Э, топдим.»

Назарали отанинг кенжа қизи Дилором қишлоқдан йигирма чақиримча нарида, кончилар шаҳарчасида турарди. Ҳайдар ота мактабга тушиб, Дилоромга телефон қилди. Даданг билан ойинг неварасини соғинибди, тез олиб келиб, кўрсатиб кетмасанг бўлмайди, деди. Кейин, мен тилпон қилганимни айтма, деб тайинлади.

Бу гап пешиндаги гап эди. Кечга яқин Дилоромхон ўғлини кўтарганча ҳовлиқиб кириб келди. Гарчи Ҳайдар ота, тинчлик деган бўлса ҳам, у ойимларга бир нарса бўлганмикин, деб хавотирда эди.

Чол тўрт қават кўрпача солиб, «Иброҳим Адҳам»ни ўқиб ётган эди, қизининг кирганини сезмади.

– Ассалом, ада... – Дилором боласини бир четга ётқизди-ю, югуриб бориб дadasини кучоқлади. – Яхши ўтирибсизларми? Жим бўлиб кетдинглар, бир хабар олай, дедим. Ойим кўринмайдилар?

– Юргандир-да, ивирсиб, – деди чол энсаси қотиб.

– Қарай-чи, ҳовлида бўлсалар керак.

Дилором чикди. Чол чўзилиб неварасига қаради. Пишиллаб ухлаб ётибди. Аста туриб кўлига олди, суйиб эркалади. Чақалок уйғониб кетиб, йиғлади. Йўрғалаб кампир кирди. У «Вой, неварагинам келибди-ку!» деб чоли тарафга бир қадам босди, лекин аразлиги эсига тушиб, тўхтаб қолди. Бола чириллаб йиғлай бошлади. Кампир югургилаб келиб, неварасига кўл чўзди:

– Бу ёққа беринг! Бола кўтаришни ҳам билмайсиз, – деди зарда билан.

– Сен билсанг бўлди, – деди чол кампирининг гап очганига суюниб.

Бувисининг кўлига ўтган заҳоти невара тинчиди. Ҳалимабону бола баҳона чолга гапира кетди:

– Неварагинамнинг кўлчасини қайириб кўйибсиз-да, бобоси... Нодир ўғлим, ботир ўғлим... Қани, бобонгга салом бер-чи. Ашшалом, бобожон дегин, бувимни хафа қилшангиз, шоқолингизни юламан, дегин...

Бу – кампирнинг сулҳ таклиф қилгани эди. Чол бажонидил уни қабул қилди:

– Ваалайкум ассалом, ўғлим. Бобом энди тажанглик қилмайди, де бувингга. Ёзда сизни Тошкентга обориб, тилла тиш қўйдириб беради, дегин...

Дилором кирди. У ойиси билан кўришиб бўлиб, сўради:

– Қоринларингиз ҳам очгандир, мен овқатга уннаб юборай, нима пиширай, ойи?

Ҳалимабону неварасининг юз-кўзидан ўпа туриб, деди:

– Аданг бечора кечадан бери норинни соғиндим, деб ўтирувди. Гўштни мўлроқ солиб, норин қил болам.

Назарали ота ҳам неварасига ёпишиб жавоб қилди:

– Йўқ, аччиққина шавла қилақол, кизим. Онанг шўрлик юмшоққина есин, қийналмасин... Айтганча, Ҳайдар отангниям чақир...

Муғомбирона илжайиб Ҳайдар ота кирди. У ҳеч нарса билмагандай Дилором билан ҳол-аҳвол сўрашди.

– Э, хорманглар энди! Дилоромхон кизим билан невара келиб, уйларингга офтоб чикқандай бўлибди-ку! Дуруст, дуруст...



## ҲУРМАТЛИ БОШЛИҚ... РАФИҚАМ

Ўттиз ёшимгача умрим қиз танлаш билан ўтди. Бирини ориқ деб унамадим, бирини семиз деб. Биттасининг қадди-қомати ёкса, қилиғи ёқмайди, қилиғи ёкса, қадди-қомати.

Бир куни онам уришиб берди:

– Ҳўв! Бирини ўпоқ дейсан, бирини сўпоқ. Кимни оласан ўзинг, осмондаги ойни оласанми?

– Бизга аталгани ҳам тургандир, – дедим эснаб.

Мени бўйдоқлар олаmidан Ҳабибахон кутқариб қолди. У ҳам институтдан кейин ишга шўнғиб кетибди-ю, эрга тегишга вақти бўлмабди. Қараса, дугоналари шўрпешона йигитларнинг бахтини битта-битта очиб кетаётганмиш. Ҳабибахон ҳам, ке, жамият олдидаги бурчимни бажарай, дебди-ю, менга тегиб олибди. Шундоқ қилиб, бизникида ҳам «келин» сўзи ишлатиладиган бўлиб қолди.

Бурунги замонда «келиннинг оёғидан» деган гап бўларди. Менимча бу гап эскирди. Энди уни «куёвнинг оёғидан» деб ўзгартириш керак. Нега дейсизми? Мана, қулоқ солинг. Менга тегмасдан олдин Ҳабибахон бир лойиҳа институтида шунчаки чизмачи-муҳандис экан. Ҳовлимиздаги тўйқозонлар совимасдан лип этиб бўлим бошлиғи бўлиб олди. Яна олти ойдан кейин директорнинг ёрдамчисиман, деб ўтирибди. Шу кетиши бўлса, бир-икки йилда директорнинг ўрнини ҳам эгаллашдан тоймасди-ю, билмай халақит бериб қўйдим. «Ассалому алайкум!» деб ўғлим Ҳикматилло туғилди.

Ўғлим деворга суянмай, алпанг-талпанг юра бошлаган кезлар эди. Бир куни хоним оқ балиқдай ўйноқлаб кириб келдилар. Пальтосини ечиб отиб юборди-ю, тўғри келиб бўйнимга осилди. Ҳикматилло туғилгандан бери онда-сонда бўлмаса, хотин мени

ўпмай қўйган эди. Нукул боласини ялаб-юлкайверади. Бу сафар соғ жойим қолмади. Юз-кўзим аралаш чўлпиллатиб ўпаверди...

– Ҳўв, бўлди хотин, саккизинчи мартга узок! – дедим гашим келиб.

Ҳабибахон икки қўлимдан маҳкам ушлади.

– Мени табрикланг, адаси! – деди энтикиб. Институтга бош муҳандис бўлдим!

Диванга шилқ этиб ўтириб қолдим.

– Мени қўяверинг, ҳеч бўлмаса анави норасидани ўйламайсизми? – бир бурчакда чўнқайиб ўтирган Ҳикматиллони кўрсатдим. – Алла айтишни энди ўрганувдим, иштон-қўйлагини қандок юваман?

– Ташвиш тортманг, – деди хоним, – ўзим телефонда маслаҳат бериб тураман.

Хотин пинжимга кириб, суйкалди.

– Нима қилай, адаси, вазиримиз қўймади. Тажрибангиз бор, беш-олти йил ишлаб берасиз, деб туриб олди. Ҳикматиллони яслига берамиз. Ҳа, айтганча, мен сизга ажойиб бир нарса олиб келдим.

Хоним ирғиб туриб, «Ажойиб нарса»ни кўрсатди. «Уй бекаларига маслаҳат» деган китоб экан. Энсам қотиб варақладим. Биринчи бетда менга ўхшаган рангпаргина йигит боласига шишадан сут эмизиб турибди. Тагига: «Аёлларни эҳтиёт қилинг!» деб ёзиб қўйилибди. Китобни отиб юбордим.

Шундай қилиб бир йилча бош муҳандиснинг эри бўлиб юрдим. Кейин... даҳшатли воқеа юз берди. Хотин лоп этди-ю, кўтарилиб кетди. Яна денг, жой қуригандай, келиб-келиб мен ишлайдиган институтга директор бўлди. Сочимни чангаллаб қолавердим.

Кечкурун Ҳикматиллони ухлатиб қўйиб, хотин билан дўстона, самимий суҳбат ўтказдик. Аризам тайёр эди, тап эткизиб олдига ташладим.

– Мана, ўртоқ директор, қўл қўйсинлар, мен ишдан бўшадим!

Хотин аризани ўқиб кулди.

– Нима бўлди, Роҳатилло ака?

– Мен сиз билан ишлашни хоҳламайман, тамом!

– Мен ҳам қўл қўёлмайман, – деди хотин керилиб. – Биринчидан, бунақа нарсаларни идорада гаплашамиз. Иккинчидан, ка-

саба уюшмаси билан маслаҳатлашим керак. Бошлигингиздан сўрашим керак. Сизни яхши ходим дейишади.

– Қўл қўймайсизми?

– Йўк.

– Унда эртадан бошлаб ишга чиқмайман.

– Ишга чиқмасангиз прогул ёздириб қўяман. Кейин ҳайфсан беришади.

Жон ҳолатда Ҳабибахоннинг қўлларига ёпишдим.

– Менга қара, Ҳабиб, – дея сенсирашга ўтдим. – Мен қандок қилиб ўз хотинимни директор опа, дейман. Сенга қуллуқ қилиб турсам ярашадими? Оғайниларим билиб қолса, нима дейди? Қалай, директорнинг этагидан ушлаб юрибсанми, деб аския қилишади-ку! Яхшиликча менга жавоб бер, онаси.

– Тилингиз маҳкам бўлса, ҳеч ким сезмайди. Менга хушомад қилманг. Ишингизни виждонан бажариб юрсангиз, ғиринг демайман. Опа дейишга тилингиз бормаса, Ҳабиба Шомуродовна денг.

Чидамай кулиб юбордим.

– Ҳа... Ҳабиба-хон Шо-муродов-на! Жуда ғалати эшитилар экан. Ўртоқ Шомуродовна, каминангизнинг оғиз бўшлиқлари куриб кетди, чой ичиш масаласини ижобий ҳал қилсак, деган таклифим бор эди...

Хотин ҳазилимни тўғри тушуниб, ўрnidан турди.

– Ҳозир чой дамлайман. Роҳатилла ака, бир нарсани келишиб олайлик. Идорада бир-биримизни танитаймиз. Сиз ходим, мен директорман. Уйга келганда майли, нима десангиз розиман. Бўптими?

Эрталаб эшикка оқ «Волга» келди. Ҳабибахон, чиқасизми, дегандай имо қилди. Мен бош чайқадим. Хотиннинг чўнтагини қоқиштириб майда пулларини олдим-у автобусга қараб кетдим.

Одатдагидек ишга ярим соат кечикиб келдим. Директорнинг хонасида мажлис экан. Секин кириб, пойгакка ўтирдим. Ҳабибахон мени кўрди-ю, ўзини кўрмаганга олди.

Нима қилар экан, деб яна уч-тўрт кун атай ишга кечикиб бордим. Ниҳоят, директор чақиртирди. Қийшайиб кириб бордим. Касаба уюшмаси раиси, бухгалтеримиз, яна икки киши ўтирибди.

– Келинг, ўртоқ Асқаров, – деди Ҳабибахон чимирилиб, – ўтиринг.

Қайсарлигим тутиб ўтирмадим, тикка туравердим. Касаба уюш-  
маси раиси собиқ улфатимиз эди, мени ёқлади. Бухгалтеримиз –  
бадбашара, бева хотин табелдан ўчириш керак деб туриб олди, хул-  
лас, оғзаки ҳайфсан билан қутулдим.

Ўрнимдан турувдим, директор танбех берди:

– Ўртоқ Асқаров, сал... у ёқ-бу ёғингизга қараб юринг. Кўйлак  
дазмолланмаган, костюмнинг бир тугмаси йўқ. Ҳар қалай олий маъ-  
лумотли кишисиз. Маъқулми?

«Номаъқул» деб чиқиб кетмоқчи бўлдим-у, тилим қичиди:

– Хотиндан ёлчиганмиз, – дедим масхараомуз кулиб, – совук  
мижозига йўлиққанман шекилли, ишдан келади-ю, таппа ташлаб  
ухлайди...

Билиб турибман, гапим Ҳабибахонга оғир ботди. Лекин сир бой  
бермади.

– Бўпти, сизга рухсат, – деди совуккина, – рафиқангизга ўзим  
тайинлаб қўяман.

Кечқурун костюмни икки буклаб қараб ўтирдим. Хотин келиши  
билан башарасига отиб юбордим.

– Манг, хурматли ўртоқ рафиқам! Костюмни сифатли тугма би-  
лан таъминлаб қўйсинлар!

Ҳабибахон индамади. Ёлғиз ўғлининг танतिकлигига кўникиб  
кетган онадай илжайиб қўйди-ю, ичкари кириб кетди. Салдан кейин  
янги костюм кўтариб чиқди.

– Мана, адаси, атай сизга олиб келдим, – деди яшнаб, – кийинг-  
чи, ярашармикин?

Бирпас ёлғондан араз қилиб турдим. Хотин ялинди:

– Жо-он Роҳатилло ака, кияқолинг...

Костюм чиройли эди, кўнглим суст кетди. Беихтиёр қўл чўздим.

– Ярашди, куллуқ бўлсин! – деди Ҳабибахон ёқамни тузатиб.  
Кейин гина қилди. – Ёлғончи! Қачон ишдан кела солиб ухладим?  
Доим сиздан кейин ётаман-ку!

– Нега бўлмаса ҳамманинг олдида шарманда қиласиз?

– Хафа бўлмайсиз, хизматчилик. Сизнинг чакмоқдай бўлиб  
юришингизни истайман. Ахир сиз менинг энг азиз кишимсиз,  
Роҳатилло ака!

Бизнинг хоним ана шунақа. Уйда «акажон» деб бўйнимга осилади-ю, идорага борса тамом, тўни... тфу, кўйлагини тескари кийиб олади.

Кейинги пайтда хамхоналарим кун бермай кўйишди. Ҳазил қилишгани-қилишган.

– Роҳатилла, опа сени ёқтирмай қолган шекилли, энди эзаверадди.

– Нима қилувдинг, Асқаров?

– Опа янги ишга келган кун Роҳатилла, хотиндан қози чикмас, деган экан, шуни эшитгандир-да.

– Менимча, гап бошқа ёқда. Роҳатилла опанинг домида турармиш. Амалдор хотинлар қўшниси билан бир ерда ишлашни ёмон кўради. Идорада нима гап бўлса, дарров домга тарқатади-да.

Хуллас, тагин уч-тўрт ой шерикларимга эрмак бўлиб юрдим. Ёз келди. Тасодифан хотин чет элга, бир ойлик ўқишга кетадиган бўлиб қолди. Хурсанд бўлдим. Ўн кунда ариза ёзиб бўшадим-у, ва зирликка ишга ўтиб кетдим.

Маза бўлиб қолди. Кадрлар бошлиғи – эрмак, раҳбарим – эрмак. Биров ғинг демайди. Ҳикматилло ойимникида. Гоҳо бориб кўриб келаману, кўча-кўйда пивохўрлик қилиб юравераман.

Хаш-паш дегунча бир ой хам ўтди. Бир кун тушликда буфетга кириб қаҳва ичиб ўтирсам, малла Матниёз гап топиб келди.

– Эшитдиларингми, бизга янги вазир ўринбосари келаётганмиш. Ўзи кийикнинг боласидай кичкина эмиш-у, юрса ерни беш бал кимирлатармиш.

... Унда Зилзилахон экан-да! – дедим лабимни ялаб.

– Зилзилахон эмас, Ҳабиба Шомуродовна, – деди Матниёз.

Мени хиқичоқ тутиб қолди.

– Ҳаб... Ҳаб... Шом...

– Ҳа, Роҳатилла нима қилди?

– Анақа... ўша хотиннинг эрига раҳмим келяпти.

– Сенинг хотининг эмас-ку, яна нима керак?

Пешиндан кейин вазирнинг ўзи келди. Ҳаммани йигиб янги ўринбосарини таништирди. Мен, бор-э, ўз хотиним билан танишманми деб кирмадим. Бирор соат ўтди. Тинчимни йўқотдим. Ахири чидамадим. Табрик баҳонасида умр йўлдошимни бир кўриб, дий-

дориға тўйй дедиму, шартта ичкари кирдим. Ҳабиба тилла кўзойнак такиб хат ўқиб ўтирган экан. Эски мақомчидай аста томоқ қирдим. Хотиним бошини кўтарди. «Хизмат?» дегандай менга ажабланиб боқди. Кейин... илжайди. Юрагим ҳаприкиб кетди. Пилдираб ёнига борганимни билмай қолдим.

– Янги лавозимлар муборак бўлсин, Ҳабибахон Шомуродовна! – деб қўл чўздим.

Ҳабибахон қўлимни маҳкам қисиб:

– Яхши юрибсизми, адаси? – деди.

Баданим жимираб, ғалати бўлиб кетдим. Ахир хотин ҳеч қачон идорада «адаси» демаган-да!

Ҳабибахоннинг иссиққина кафти кафтимда. Мен унинг хиёл жилмайиб турган меҳр тўла кўзларига боқиб, унсиз турибман. «Жоним! Бир ойдан бери сени соғиниб, жинни бўлаёздим!» деб бақириб юборгим келди. Шартта бағримга босай дедиму, уялдим. «Шошмай тур, ҳали уйга борарсан» деб қўйдим ичимда ва секин тисарилиб чикиб кетдим. Эшикка борганда ўгирилдим. Хотин ҳамон кулиб турибди. Ҳе, табассумингдан аканг!





## СОДИҚЖОННИНГ «ҚАЛЛИҒИ»

Янги йил арафасида Маъмуржон хотинини етаклаб Тошкентдаги дўсти Содикжонникига кириб келди.

Содикжон билан Маъмуржон институтда беш йил бирга ўқидилар. Ётоқхонада ҳам бир бўлмада туришди. Аудиторияда ялакат мағиздек бир-биридан ажралишмас, билмаганлар уларни эгиз ака-ука деб ўйлашарди.

Маъмуржон Қўқонлик эди, Содикжон Шаҳрисабзнинг Ҳазора кентидан. Улар уч йил бурун институтни тугатдилар. Маъмуржон Қўқонга кетди, Содикжон Тошкентда ишлаб қолди. Маъмуржон икки йил бурун уйланди. Содикжон тўйга борди, уч кун дўстининг ёнида куёвжўра бўлиб турди. Содикжон бу йил ёзда уйланганда Маъмуржонлар чет эл саёҳатига кетишган экан, келишолмади. Мана энди баланд уйнинг эшиги олдида қўнғироқ тугмачасини босиб туришибди.

– Бу уйда одам-подам борми ўзи? – деди Маъмуржон ҳазил аралаш, – Қўқондан келувдик, икки кунга жой топилармикан, деб...

Ичкаридан Содикжоннинг товуши эшитилди:

– Эшик очик, киравер, китмир. Сенга кўзим учиб турувди.

Эр-хогин сувхалталарини кўтариб ичкари ўтдилар. Содикжон кўринмади.

– Хўв қатгасан, куёв тўра?

– Ман баттаман, – деди Содикжон атайин қўқон шевасида, – ваннада.

Келин-куёв ваннахонага мўралашди. Содикжон белига сочик боғлаб олиб ҳафсала билан кир юварди. Маъмуржон кулди.

– Хотин олсанг ҳам эски ҳунарингни ташламабсан, дўстим, – у Сарвинозга ўгирилди, – бизнинг Содикжон моҳир

ювғувчилардан. Институтда ҳам болаларнинг кўйлагини ювиб бериб пул ишларди.

– Йигитнинг пошшоси мана шунақа бўлади! – деди Сарвиноз. – Ўрганинг, хўжайин!

– Биз хотиннинг пошшосига уйланганмиз, – деди Маъмуржон, – бир уйга битта пошшо бўлса етади.

– Бўпти, ҳей қитмир, ошхонага кириб, чой кўйиб туринглар. Иккитагина кириб қолди, чаяману чиқаман.

Биздан кейин Содикжон ювиниб, кийиниб келди. Дўсти билан кучоклашиб кўришди. Маъмуржон сўради:

– Сурайё кўринмайдими?

– Ҳа, дугонам қани? Яхшилаб танишмоқчийдим. Ё у кишини бозорга юбориб, ўзингиз кир ювишга тушдингизми?

Содикжон ух тортди.

– Пўм чиққанмиз. Уч кун бўлди, онасиникида.

– Оббо-о! Сизларни нима жин урди? Ҳали бир-бирингизнинг дийдорингизга тўядиган вақт бўлмади-ку?

– Рашкчи бўлиб қолди. Йўқ ердан ғалва чиқаради. Ишдан келсам елкамни искаб кўради. Телевизордаги ўйинчи қизларга қарасам ҳам жанжал қилади. «Намунча тикиласиз, эски танишингизми?» дейди. Икки бухгалтер қизимиз бор. Ҳалима, Салима. Хотиннинг кўнглига келмасин, деб уларни Ҳалим, Салим деб ёзиб кўйганман. Тунов куни идорадаги қизлар келинойимизга совға деб яхши атир беришувди. Портфелда қолиб кетибди. Буни қайси жазманингизга олгансиз, деб хархаша қилди. Буни сизга беришди десам сира ишонмайди-да. Охири мана сенга, деб кўчага отиб юбордим. Атир ҳам кетди, ўзлари ҳам. Ана шунақа гапларда, ҳе!

– Телефон қилмайдими?

– Кўпроқ кечаси телефон қилади. Лекин гапирмайди. Гўшакни биронта аёл кўтарармикан деб пойласа керак-да.

Сарвиноз тап эткизиб столни урди.

– Дугонамни ўзим обкеламан. Бир тавбасига таянтирайки, бундан кейин Ҳалимадан ҳам, Салимадан ҳам рашк қилмайдиган бўлсин. Фақат илтимос, Содикжон ака, телефон жирингласа гўшакни олманг, ўзим оламан. Майлими?

– Майли-ю, лекин қаттиқ гапирманг-да, Сарвиноз. Тагин онаси-никида бутунлай қолиб кетмасин.

– Қўркманг, қаттиқ гапирмайман. Ипақдай мулойим бўламан.

Меҳмонлар икки пиёладан чой ичиб гурунглашиб ўтирдилар. Бир замон телефон чўзиб жиринглади. Сарвиноз «жим» дегандек бармоғини лабига босди-ю гўшакни кўтарди. Икки нотаниш дугона ўртасида мана бундай айтишув бўлиб ўтди.

– Алло! Эшитаман. Қулогим сизда.

– Алё! Бу Содикжон аканинг уйларими?

– Ҳа.

– Сиз кимсиз? У ерда нима қилиб юрибсиз?

– Менми? Мен Содикжон аканинг бўлажак қаллиғиман. Ўзлари ким бўладилар?

– Қанақа қаллик?! Мен у кишининг қонуний хотиниман! Сурайдёман!

– Ёлғон гапирманг, эгачи. Содикжон акам яқинда хотиндан ажрашдим, келиб уй ишларига қарашиб туринг, девдилар.

– Менинг қўядиган эрим йўқ! Қани чакиринг-чи, ўша «қаллиғингиз»ни, бир гаплашиб қўяй!

– Узр, чакиролмаيمان, у киши ваннахонадалар, чўмилаяптилар.

– Унда ҳозир ўзим етиб бораман! Куппа-кундуз куни чўмилишни кўрсатиб қўяман унга!

– Келиб овора бўлманг. Барибир эшикни очмайман.

– Кўрамиз!

– Қовун туширдингиз, Сарвиноз, – деди Содикжон, – ҳозир келади. Кейин концертнинг каттаси уйда бўлади.

– Концерт бўлмайди, – деди Сарвиноз, – аксинча сиздан кечирим сўрайди. Сурайё келганда икковингиз нариги хонага чиқиб бекиниб турсанглар бўлди.

Ярим соатга қолмай Сурайё етиб келди. Унгача Сарвиноз Сурайёнинг уй кийимларини кийиб, даҳанаки жангга тайёр бўлиб турди.

Эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Сарвиноз остонага бориб товуш берди.

– Ким у?

– Мен Сурайдёман! Очинг эшикни!

Сарвиноз мулойим жавоб қилди.

– Очмайман дедим-ку ҳали. Энди сиз бу уйга бегонасиз.

Сурайё бақирди:

– Хўв, қанақа одамсиз?! Мен ўз уйимга кирмоқчиман! Очинг!

Ҳозир қўшниларни чақираман!

– Чақираверинг. Барибир очмайман. Гапингиз бўлса айтиб кетаверинг.

– Очмайсизми?

– Йўқ.

Сурайё қўш қўллаб эшикни ура бошлади.

– Войдо-од! Қанақа беҳаё хотин бу! Ўз уйимга киргани кўймапти!

Сарвиноз, ростдан ҳам қўни-қўшни эшитса ноқулай бўлмасин деб эшикни қия очди. Сурайё терлаб кетган, рангида ранг йўқ, лаблари асабий титрарди.

– Қочинг нари! – деди эшик дастасини тортиб. Бироқ Сарвиноз уни ичкарига қўймади. Сурайё Сарвинознинг эгнига разм солди. – Уялмай-нетмай менинг халатимни кийиб олибсиз. Ечинг дарров!

– Ҳо-о! – деди Сарвиноз лабини буриб, – ҳали мана бу шиппак ҳам меники дерсиз, хоним?

– Иккаласи меники! Ҳозироқ ечинг!

– Узр, буларни тунов куни Содикжон акам ипподромдан олиб берганлар. Чолни кўриб бобом дер экансиз.

Сурайё ортик чидамади. Эшикни юлқиб тортди-ю, «Содикжон ака-а!» деб йиғлаганча даҳлизга кириб олди. Содикжон хотинининг фарёдини эшитиб чидамади. Бир-бир босиб ичкари хонадан чиқди. Хотинига икки-уч қадам етмай тўхтади. Сурайё учиб бориб эрининг бўйнига осилди, хўнграб йиғлаб юборди...

Ярим соатдан кейин икки келин, икки куёв дастурхон атрофида чакчақлашиб ўтиришарди. Сурайё билан Сарвиноз бир-биридан узр сўраб, қайта-қайта ўпишарди...





## «АФРИКАЛИК МАСХАРАБОЗ»

Эсингизда бўлса, ўтган йили наманганлик бир огайним ҳақида хикоя қилувдим. У мени Наманганга чакириб кетганидан ҳам хабарингиз бор.

Янги йилни ўтказиб, поездга чиқдим. Купега кирсам, новча, ориқ киши ўтирибди. Тақасимон кичкина мўйлови, кулиб турган кўй кўзлари, туртиб чиққан ёнокларигача таниш.

– Тошкентга бир айланиб келибсиз-да, амаки, – дедим ундан гап олиш учун. – Болалар ўқийдими?

– Болалар ўқимайди, ҳали ёш. Тошкентга келиб, ўзим сабоқ олиб кстаяпман.

У муртини силаб, кулиб қўйди. Йўл юравериб, ҳар хил одамлар билан учрашавериб, ўрганиб кетганман. Бунақа кишилар ҳангоманинг кони бўлади. Ўзи ҳам хушчақчақ, ичида гап ётмайдиган одамга ўхшайди.

– Уйқунгиз келмаган бўлса, чой дамлаб келай, – деб ўрнимдан турдим.

Ҳамроҳимнинг исми Сувонқул экан. Ўзи Наманганнинг чеккасидаги тоғли бир қишлоқда тураркан. У гоҳо ўзининг қилиқларига кулиб, гоҳо афсусланиб, яқинда бошидан ўтган воқеани айта бошлади:

-- Ерни сув бузади, одамни гап, деб машойихлар билиб айтган экан. Сувонқул, қирқдан ўтдинг, нафсингни қирқ, деб сандалнинг четида тўшакка ўраниб ётмайманми? Мени баччағар қизилбош йўлдан урди.

– Қизилбошингиз ким?

– Ҳасан-да! Елтегирмоннинг ёнида турадиган-чи, – деди Сувонқул ака, гўё мен уни танийдигандай. – Бензин ташийдиган мо-

шина минади. Ўн беш кун ишлаб, ўн беш кун дам олади. Бир куни кўчада кўлимдан ушлаб, ялиниб қолди: «Сувонкул ака, юринг, бир Сибирга олиб бориб ўйнатиб келай». «Сибирда нима қиламан. пишириб қўйибдимми?» дедим. Қизилбош ёш бўлгани билан шайтоннинг илмини ўқиган. «Хоми бўлса, пиширасиз-да ака, – деб қулди. – Икки чамадон анор олсангиз бўлади. Ҳам гижорат, ҳам саёҳат дегандай, айланиб келамиз. Бахонада беш-ўн сўмлик бўлиб қоласиз».

Ажабтовур ерда анорзорим бор. Бир-икки тонна мева қилади. Бошимни қашиб туриб қолдим. Бир томони юрагим дов бермади. Умримда кишлокдан нарига чикмаганман. Сибирларни кўргим келади. Қанақа жойлар экан-а? Бозорини берса, Ҳасан айтмоқчи, беш-ўн танга орттириб, яхши кунга ташлаб қўярман. Ўғил-қиз етилиб қолди, ўқишга кирари бор, тўй-ҳашам бор.

Хуллас, Ҳасанга хўп дедим. Октябрнинг охирлари эди. Чорбоққа чиқиб, анорнинг сархилидан саксон килоча уздим. Катта икки чамадонга яхшилаб жойладим. Йўлда ебкетарга деб беш-ўн кило олма, узум олдим. Бир чамадонга иссиқ кийимларимни босдим. Қизилбош тўрт яшиқда лик-лик қилиб памилдори олибди. Жўнадик. Поезда тўрт кечаю тўрт кундуз йўл босдик. Учинчи кун атрофи тап-тақир, хувиллаган бир стансага бориб тўхтадик.

– Тушамиз, – деди Ҳасан.

– Ҳм, келдикми?

– Йўқ, яна пича бор. Энди пароходга чиқамиз.

Умримда пароходга минмаган эдим, сувда сузадиган уйни ҳам кўрадиган бўлибман, деб суюндим. Юкларни тушириб, вокзалга олиб кириб қўйдик. Мен қоровул бўлиб қолдим, Ҳасан пароход гаплашгани кетди.

Ҳасан икки соатларда қайтиб келди. Пароход кетиб қолганмиш. Олти кишилиқ бир «виллис»ни гаплашибди. Қоғоз кутию, чамадонларни дарров машинага ортдик. Ўнқир-чўнқир, ботқоқлик ерлардан ўтиб, қалин ўрмонга кирдик. Не азоблар билан етти хуфтонда Туман деган шаҳарга етдик.

– Тюмень бўлса керак, – дедим Сувон аканинг соддалигига қулиб.

– Ким биледи. Ишқилиб Туман дейишаркан. Бу ерда худонинг берган куни туман бўлар экан, шунгами... Ўша Туманда Ҳасаннинг Марпа деган бир ўрис холаси бор экан. Тўғри бориб ўшаникига тушдик. Бечора, бевақт келдинглар демай бирпасда жиз-биз қилиб картошка ковуриб кирди. Бир яйрадик.

Азонлаб туриб бозорга отландик. Изғирин, совуқ. Ке, олифта-гарчилик қилмай, иссиқроқ кийиниб олай, деб чамадонни очдим. Очдим-у, бақа бўлиб қолдим. Чамадонда биттаям менинг кийимим йўқ, ҳаммаси хотинники! Жаҳлим чиқиб чамадонни ағдартўнтар қилиб ташладим. Янгангизнинг жемпери, жун рўмоли, ич кўйлақлари, пайпоғи, хуллас упуаю сурмасигача тахланиб ётибди.

– Чамадон нега алмашиб кетибди, билмадингизми?

– Қайдам, – деди Сувонқул ака чой хўплаб, пиёласини узатаркан. – Йўлга чиқиш олдидан анави заҳри қотилдан озгина-озгина олувдик. Ҳасан, машина келди, кетдик, деганда шошиб қолдим. Ўғилга уйдаги чамадонни олиб чиқ, дедим. Қаллаварам, меники қолиб, онасиникини солибди-да машинага... Хуллас бир чамадон латта-путтага хайрон бўлиб қараб туравердим. «Хўв, Сувонқул ака, пардозингиз тугадими» деб Ҳасан кирди. Аҳволимни кўриб, у ҳам сизга ўхшаб кулди: «Анорни сотайлик, сизни ўзим куёвдай ясашиб қўяман» деди қизилбош. Юкларимизни аравага ортиб бозорга жўнадик.

Бозорга кириб, анграиб қолдим. Ё қудратингдан! Бу – тупканинг тагидаги бегона юртга эмас, ўзимизнинг Учкўрғон ё Шахрихон бозорларига ўхшаб кетади. Асов отни ўргатса бўладиган катта майдон. Усти ёпиқ узун пештахталарнинг ярмини ўзимизнинг одамлар эгаллаб ўтирибди. Ола дўппилик, қирғиз қалпоқлик, тулки тумоқлик, қора чопон, кўк чопон кийиб, белини бойлаган кишилар. Бировнинг олдида саримсоқ пиёз, бировида туршак, бирови қопининг оғзини қайириб, ёнғоқ сотаяпти. Анор кўп-у, памилдори камчилроқ экан.

Чамадонни очиб, анорларимни арча шаклида териб қўйдим. Хаёлимда менинг туятиш аноримни кўрганда харидорлар аридай гужғон ўйнаб кетиши керак эди. Йўқ, улар бепарво. Бир дона анорни чимчилаб оғзиларига ташлашади-ю, «пачўм?» дейишади. Оғзимни

тўлдириб: «Фалон сўм!» – дейман. Харидорлар калла чайқаб ўтиб кетишади.

Бирор икки соат ўтди. Совуқ забтига ола бошлади. Қўлларимни куҳ-куҳлаб, ер тепиниб турибман. Бозорим касод. Олган юз грамм, ярим кило олади, олмагани йўқ. Шу алпозда пешин бўлди. Мундок чамалаб карасам, беш кило ҳам сотмабман. Тишим такиллаб, ер депсиниб ёнимга қарайман. Ҳасан қизилбошнинг тили ҳам, қўли ҳам тинмайди. Бир кутини бўшатиб, иккинчисини очаяпти. Совуқни писанд қилмайди. Шу, иним, одамнинг қўлида пул ўйнаса, иссиқ-совуққа бефарқ бўлиб қоладими дейман-да? Лаббай?

Совуқ суяк-суягимдан ўта бошлади. Охири чидамадим. Марпа холанинг уйи яқин эди, исингани югурдим. Карам шўрва ичиб қайтиб келсам, Ҳасан анордан икки килоча сотибди. Ўзининг кутиси яримлай дебди. Қўзимни чирт юмиб, анорнинг нархини туширдим. Сал нарида ўтирган ҳамюртларим, ўйин бузиқилик қилма, сотишни билмасанг, ўзимизга арзонига ўтказ, деб тўнғиллашди. Индамадим...

Сувонкул ака ёнини пайпаслади. Чўнтагидан носковок олди, шошмай попуклик тикинини очди. Иягини кўтариб, тилининг тагига нос ташлади. Кейин сал чучук тилда ҳангомасини давом эттирди.

– Эртасига Ҳасан билан дўконма-дўкон юриб, пальто, этик ижладик. Топилмаша-я занғар? Йўқ эмас, бор, аммо менга шифмайди. Худо бўйдан берган-да. Этикни қирқ тўрти керак, пальтонинг ҳам эллик саккиз-олтмиши. Эй, худо, бу Сувонкулингга туядек бўй берганча туймадек ақл берганингда бунчалик ажоб йўкмиди, дейман...

Ҳамроҳим «шиж»лаб қийналиб кетдими, ташқарига чиқиб носини тупуриб кирди. Калла чайқаб, яна саргузаштига ўтди:

– Кейин таваккал қилдим. Ҳасанни бозорга жўнатиб, ўзим яхшилаб кийиндим. Марпа хола қарашиб турди. Хотиннинг пайпоқларини болдиримга ўрадим. Иккита ичкўйлагини устма-уст кийдим. Жун рўмолини белимга боғладим. Катта жун рўмолини икки учидан тугиб, елкамга ташлаб олдим. Бир кийимлик бахмали бор экан, йиртиб пайтава қилдим. Марпа хола инвалид кўшнисидан бир пойдан оқ-қора пийма топиб берди. Кийиб олдим. Бозор қайдасан, деб йўлга тушдим. Бошимда тивит рўмол, бир оёғимда оқ, бир оёғимда қора пийма. Ўтган-кетган қараб кулади. Болалар:

«Ана, масхарабоз!» «Ура, цирк келибди!» деб чувиллашади. «Ўзи қоп-қора экан. Африкадан бўлса керак» деб чапак чалишади. Мен парво қилмайман. Сенларга кулги, менга жон керак, деб болаларга кўз қисаман. Улар бозоргача ортимдан эргашиб борди.

Хуллас, баданим исиб, жоним кириб қолди. Лекин бозорим кизимади. Анорни доналаб сотишга ўтдим. Доналаб қачон бўламан-у, қачон уйга кетаман, деб хунобим чиқади. Бир хаёлим, бор-э, деб чамадонни ағдариб, халиги ҳамюртларимга арзон-гаровга пуллаворгим келди. Ҳар бири манави чойнақдай келадиган туятиш жониворларни кўзим қиймади. Не ҳасратда экиб кўкартирганман, қанча машаққат билан шундан-шунга олиб келдим. Унинг устига Ҳасан ҳам ҳали беш-ўн кун сотадиганга ўхшаб турибди.

Азонлаб почтахонага бордик. Этик, пальто сўраб уйга тилгром бердик. Кечқурун энди овқатланиб бўлиб, чой ичиб ўтирган эдик, икки мелиса кириб келди. Бири ёш, самбитдай. Иккинчиси кексарок, сочи оқарган.

– Назаров шу ерда турадимиз? – деб сўради ёши улуғи.

– Мен, Назаров, келинг, – деб ирғиб турдим. Дўппимни кийиб олай деб диван томонга ўтмоқчийдим, йигит мелиса ёнбошимни ушлаб, пўписи қилди:

– Қимирламанг! Қуролга яқинлашманг! Жойингизга ўтиринг!

Ҳасан анграйиб қолди. Мен беихтиёр қўлларимни кўтариб, стулга ўтирдим. Ҳасан ялинишга ўтди.

– Акалар, бу жиноятчи эмас. Асл деҳқон. Ана, паспорт, справкалари бор.

Катта мелиса Ҳасанни уришиб берди:

– Гражданин, сиз аралашманг, ўзимиз текшираемиз.

Мелисалар уйни енгилгина кўздан кечириб чиқишди. Кейин иккови мени ўртага олиб ўтирди. Ҳасан костюмимдан хужжатларимни олиб келиб, мелисаларнинг олдига қўйди.

– Хурматли акахонлар, Назаров икковимиз ҳам деҳқонмиз. Тошкентни биласизлар? Шу Тошкентнинг нариёғида Нанай деган чиройли ер бор. Ана шу Нанайданмиз. Озгина деҳқончилик қилган эдик, сотиб турибмиз. Сотма десангизлар, майли, юртимизга кета-верамиз.

Мелисалар Ҳасан икковимизнинг паспорту справкаларимизни роса текширишди. Нима бўпти, денг? Бир одам турмадан кочган экан. Унинг фамилияси Назаров экан. Бояги жинойтчининг бекиниб юрган шериклари бор экан. Бирининг лақаби Этик, бириники Пўстин экан. Бизнинг тилигром мелисанинг кўлига тушибди. «Ахвол танг. Этик билан пўстин юбор...» деган гапни улар ўзларича тушуниб, мени йўқлаб келишибди...

– Омад юрмаса қийин, – дедим Сувонкул аканинг кўнгли учун. – Ишқилиб омон-эсон қутулдингизми?

– Қутулишга қутилдим-у, лекин она сутим оғзимга келди. Кичик мелиса ҳужжатларимни қайта-қайта кўриб, ўрнидан турди.

– Бозорингизни қилаверинг. Аммо битта шартимиз бор. Паспортингиз ҳозирча бизда туради. Уйингизга телеграмма юбордик, Назаров. То жавоб келгунча, ё бозорда ё уйда бўлинг. Келишдикми?

«Э, ҳайрият-э!» деб суюндим. Ярим чамадон анорни кўтариб бозорга лўкилладим.

Ниҳоят, бир куни мелиса йигит эшикдан кулиб кирди.

– Ўртоқ Назаров, мана ҳужжатларингиз, – деди хижолатомуз. – Узр, безовта қилдик. Хизматчилик.

Қувонганимдан кўзимга ёш келди. Кўярда-қўймай, йигитнинг кўлига тўртта анор тутқаздим. «Бўлди энди, бир кун ҳам турмайман, – дедим Ҳасанга. – Уйга етадиган пулим бор. Пароходга билет олиб бер, кетаман». Қарасам, Ҳасан хафа бўладиган. Ке, номардлик бўлмасин, бирга келдик, бирга кетайлик, деб уни яна икки кун кутдим.

– Қолган анорни нима килдингиз, текинга улашдингизми! – деб сўрадим Сувонкул акадан.

– Текинга десаям бўлади, – ух тортди ҳамроҳим. – Ўн килочасини Марпа холага бердим. Қолганини ошхонага ўтказдим. Хуллас, сени энди елкамнинг чуқури кўрсин, Туман, деб уйга қараб равона бўлдик. Уйга келсак, йиғи-сиғи, қариндош-уруғлар йиғилиб ўтиришибди. Нима бўпти денг? Ҳалиги мелисалар уйга хабар берганда: «Бечора Сувонкул Сибирда қамалиб қолибди» деган гап тарқалибди. Янгангизнинг укаси билан тоғамнинг ўғли мени излаб Сибирга кетишибди. Биз Ҳасан билан уйга кирганимизда улар Марпа холаникига бориб тушибди. Ке, қўй-чи, бир ҳафтада улар

хам омон-эсон қайтишдию, уйда кун чикқандай бўлиб, қувониб қолдик.

– Тошкентга нима учун келганингизни айтмадингиз, ака...

– Хотиннинг бир уруғи шифохонада ётувди, шуни кўргани келдим. Майда-чуйда олай деб бозорга кирсам, ё қудратингдан, меникидан кичкина анорларни икки минг сўм деб ўтиришибди. Ана холос! Мен фойда кўраман, деб Туманга бориб ўтирибман. Бирам алам қилди. Бегона юртда шармисор бўлгунча, ўз еримда дўппимни кийшиқ кўйиб, жонимнинг хузурига сотмайманми? Водариғ-а! Хўш, иним, гап билан бўлиб, соатниям уч қилибмиз. Энди бир мизғиб олайлик-а! Ҳадемай Қўқонга келамиз. Кейин Наманган.

Чирокни ўчириб ётдик. Эрталаб мен Наманганда тушиб қолдим. Сувонкул ака қайта-қайта қўлимни сиқиб хайрлашаркан, тайинлади:

-- Биз томонларга албатта ўтинг-а, иним? Кутаман. Шундай мактабнинг ёнига бориб, Сувонкул аканинг уйи қайси десангиз, ёш бола ҳам айтиб беради. Жуда бўлмаса, «Африкалик масҳарабоз» деб сўранг. Ҳозир қишлоқда мендан машҳур одам йўқ.





## МЕҲМОНДАН ПУЛ ОЛМАЙМИЗ

Тушликдан келсам, эшик олдида бир йигит турибди. Ўрта бўйли, қорамағиз. Ёзнинг чилласида қора костюм-шим кийиб олибди. Кўлида бурунги солиқчилар кўтариб юрадиган портфель. У секин эшикни тақиллатди-ю бир қадам чекинди. Яна чертди.

– Эшикни очиб берайми, кирасизми? – деб киссамдан калит чиқардим. Йигит уялиб четлашди. Кўлини кўксига қўйиб саломлашди. Кейин менга эргашиб ичкари ўтди. Илжайиб бокди.

– Мени танимадингиз-а, домла?

Индамай унга тикилдим. Юз-кўзи таниш, қаердадир кўргандайман. Лекин эслолмадим.

– Мен Бўтақўзи бўламан, – деди у, – Далакўл, Сахоба. Сиз яйдоқ эшакни минаман, деб ағдарилиб тушгандингиз. Кейин тоққа чиқиб, каклик овладик, тандир қилдик. Энди эсладингизми?

Эсладим. Беш-олти йил бурун Бўтақўзининг юртига сафарга борган эдим. Идоранинг ишларини битирганимдан кейин Бўтақўзи мени икки кун ўйнатди. Кетишда уни Тошкентга таклиф қилдим. Вақт топиб энди келибди-да.

– Қалай Сахобалар тинчми? – дедим ҳол-аҳвол сўраган бўлиб.

– Тинч, тинч, – деди Бўтақўзи, – кишлоқдаги жўраларим салом айтиб қолишди. Қайтишингда домлани ола кел, дейишди.

– Раҳмат.

– Уф! Тошкент иссиқ экан, пишиб кетдим. Чойдан ичсам майлими?

Чойнакда совуган чой бор эди, йигит томонга суриб қўйдим. Бўтақўзи босиб-босиб икки пиёла чой ичди, енги билан лабини артди.

Хотин ош дамлабди. Бўтақўзи икковлон «олинг-олинг» қилиб, бир лаганни бўшатдик. Бўтақўзи йўлда очиқиб қолган эканми, лаганнинг тагини ҳам яримта нон билан ялаб, тозалаб қўйди.

Кўк чойни шопириб, алла-паллагача гурунглашиб ўтирдик.

Ётдик. Эрталаб болалар ўқишга кетди. Хотин иккаламиз ишга жўнадик. Бўтақўзи уйда қолди. У кеча йўлдан чарчаб келган экан, дам олмоқчи бўлди.

Ишдан вақтлироқ қайтдим. Олдимга кичик ўғлим Дурбек югуриб келди.

– Дада, меҳмонингиз... хўрозимизни сўйиб ташлади!

– Қачон? Нега сўяди?

– Билмадим. Ана, қаранг, қозонда пишяпти.

Ҳовлига кирдим. Бўтақўзи энгашиб темир ўчоқнинг ўтини пуфляяпти.

– Ҳорманг, Бўтақўзи, ҳорманг! – деб ёнига бордим.

– Раҳмат... Келинг, – деди у ўчоқдан бош кўтармай, – бугун бир қўлбола димлама қилай, дедим. Қарасам, хўрозингиз семиз экан, сўйиб қўя қолдим.

Унга қаттиқроқ гапирмоқчи бўлдим, ўзимни босдим. Ҳарқалай, меҳмоннинг юзи иссиқ.

– Товуқнисоларни тул қилибсиз-да, – дедим ҳазилга олиб, – энди улар тухум туғишдан бош тортади.

– Хафа бўлманг, ака, – деди Бўтақўзи, – эртага бозордан зўр дакан обчиқиб бераман. Барибир хўрозингиз қариб қолган экан.

Индамай уйга кириб кетдим. Бу орада хотин келиб қолди. У киши тўғри ўчоқ бошига борди-ю қозоннинг қопқоғини кўтариб кўрди.

– Вой, ман ўлай! – деди ёқасини чангаллаб, – бунча овқатни қачон еб бўламиз?! Ўн беш кишилик-ку?

Мен ҳам қозон тепасига бордим. Ростдан ҳам, бир қозон овқат тошиб, тўкилай деб қайнаб ётибди.

– Бизникида ҳар кун овқат қилинади, Бўтақўзи, – дедим мулойимлик билан, – сиз бир ҳафталигини бир йўла пиширибсиз.

– Кўркманг, ака, – деди у кулиб, – бир-икки кун шу ердан, ўзим еб қўяман.

Хотин, бу ёққа юринг, дегандек биқинимга туртди. Унга эргашиб ичкарига кирдим. Хотин жиғибийрон бўлди.

– Қайси гўрдан топдингиз у қассобни? – хўрозимни сўйибди, эртага товукларга қирон келтиради-ку?

– Мен чақирибманми, ўзи йўқлаб келди...

Эртасига хотин ишдан вақтлироқ қайтди. Товукларидан хавотир олган бўлса керак-да. Барибир кечикибди. Бўтақўзи икки товугимизни сотиб, ўрнига какликдай келадиган чоккина хўроз олиб чиқибди. Қарасам, у товукларга яқинлашолмай бир четда донлаб юрибди. Ечиниб улгурмасимдан хотин тўра дийдиёсини бошлади.

– Мен сизга нима деган эдим-а, нима деган эдим! Бугун икки товукнинг бошига етибди, эртага уйдаги нарсаларни сотади! Қачон даф бўлади у?

– Қизикмисан, онаси. Унга кет деёлмайман-ку? Келганига энди икки кун бўлди, яна озгина сабр қилайлик...

Сабр қилиб, кута бошладик. Беш кун ўтди, олти кун, етти кун... Бўтақўзи хайр-хўш қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. У кун бўйи уйда. Телевизор кўради, кечаги овқатдан қолганини иситиб ейди, ухлайди. Бу орада чинни лаган, икки пиёла, уч ликопча, катта гардин чойнагимиз синди. Чой қўядиган човгумнинг таги тешилди. Хотин синиқ буюмларни бўғчага тугиб, олдимга қўйди.

– Бу болангиз мени хонавайрон қилади. Ўзингиз йўлга соласизми ёки ўзим паттасини берайми?

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Станциядан экан.

– Ҳурматли абонент! Узоқ шаҳарлар билан сўзлашув учун қарзингиз бор. Илтимос, тўлаб қўйинг...

– Қанча экан? Эллик минг сўм? Хўп, хўп...

Ҳайрон бўлдим. «Узоқ шаҳарлар»да бизнинг ҳеч кимимиз йўқ, эди.

Ховлига чиқдим. Бўтақўзи аргимчоқ учиб ўтирибди. Чақирдим.

– Мабодо сиз бошқа шаҳарларга телефон қилмадингизми?

– Икки-уч марта Масковга телефон килдим, – деди у негадир суюниб, – Россияда оғайниларим ишлайди. Ҳол-аҳвол сўраб қўйдим.

Таъбим тирриқ бўлди. «Бунга туз ичиб тузликка тупуриш дейди».

– Хоним, хов хоним, қозон қайнат, меҳмон кетадиган бўлиб қолди.

– Хайрият, дадаси, хозе-ер! – деди хотин чиройини очиб.

– Мен бугун бир ҳийла ишлатаман. Сизлар жим ўтиринглар, кулманглар. Ҳарқалай, меҳмон-отойи худо, биздан рози бўлиб кетсин.

– Хўп, нима десангиз, шу.

Кечқурун овқатланиб бўлиб, дастурхонга фотиҳа ўқидик. Кейин калам-қоғоз олиб Бўтақўзига ўгирилдим.

– Бизнинг оилада бир тартиб бор. Ҳар ўн кунда рўзғорга кетган харажатларни ҳисоблаб борамиз, Отабек, ёз, ўғлим. Хўш, ўн кунда салкам тўрт кило гўшт кетибди. Бу энди, етмиш минг сўм бўлади. Икки марта ош қилдик. Гуруч, сабзи, ёғ, пиёз дегандек, буям камида ўттиз мингга боради. Ўн кун ичида лағмон қилдик, шўрва, манти. Сизнинг димламангиз ҳам ўлганда ўттиз мингга тушгандир. Қолган майда-чуйдаларни айтмасак ҳам маълум. Нон, чой, шакар, сариёғ ва хоказо. Хуллас, ҳаммаси қанча бўлди, Отабек, айтавер-чи!

– Бир юз саксон минг, – Отабек қоғозни менга чўзди, – мана, ўзингиз ҳам кўринг.

– Яхши-и, – дедим, – энди ҳар ким ўзига кетган сарф-харажатни тўлаши керак. Отабек билан Турбек ҳали ўқувчи, даромадлари йўқ. Улар озод. Меҳмондан ҳам пул олмаймиз, меҳмоннинг насибасини худо етказди. Қани, онаси, ўз улушингизни тўлаб кўйинг-чи!

Хотин илжайиб ёнидан пул чиқарди ва хонтахтага қўйди.

– Мана, дадаси, саксон минг.

Бўтақўзи нон кавшаётган эди, бирдан жағи тўхтади. Бир пулга, бир менга ҳайрон бўлиб қаради-ю ирғиб туриб, ичкарига кириб кетди. Бироздан кейин кийиниб чиқди.

– Мен... кетишим керак экан... Раҳмат...

– Кеч бўлганда қаёққа борасиз? – дедим, – эрталаб кетарсиз.

– Йўқ, ҳозир кетмасам... бўлмайди. Соат ўнда Деновнинг поезди бор...

У шошилиб чиқиб кетди. Биз бараварига кулиб юбордик. Лекин энди кўзимизнинг ёшини артиб тургандик, эшик очилиб, Бўтақўзининг боши кўринди.

– Узр ака, йўлкирага озгина қарз беролмайсизми? Ўлмасам, албатта қайтараман...

Хотиннинг пулидан бир сиқим олиб бердим. Бўтакўзи қайта-қайта раҳмат айтиб, ғойиб бўлди.

Хотин, илоё кетгани рост бўлсин, дея бир коса сувни кўча эшикнинг бўсағасига қуйиб келди.

Эрталаб кўча эшик тақиллаб қолди. Кимдир эшикни синдиргу-дек бўлиб урарди.

– Қаранг-чи, болам, – дедим ўғлимга, қайси бефаросат экан.

Отабек дарвозахонага борди-ю қайтиб келди.

– Бир аёл сизни сўраяпти дада.


Галстукни чала боғлаб, эшикка чикдим. Қишлоқча кийинган ориққина бир аёл, қора-кура тўрт болакай. Кенжатоёи онасининг кўлида қолганлари ер тепиниб туришибди.

– Кечирасиз, акамулло, – деди аёл иймаланиб, – биз Сахобадан келувдик. Бизнинг хўжайин шу ерда эмасми?

Дарров миямга урди. Бир куни Бўтакўзи, «Болаларни ҳам чақирдим. Беш олти кун Тошканни айланиб, музқаймоқ еб кетишсин» дегандай бўлувди. Отасининг изидан келишибди-да...

– Марҳамат қилсинлар, хуш кўрдик! – деб эшикни очдим. Болалар суваракдай ҳовлига отилди. Мен ҳам лабимда ханда, тилимда хиргойи билан ичкарига зинғилладим:

– Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига! Суюнчи беринг, хоним, меҳмонлар келди!..





## БИР ОЙ «МИСТЕР» БЎЛГАНМАН

Бултур Чарли Стеффорд деган чет эллик йигит билан танишдим. Ўзи Американинг Иллинойс деган штатидан экан. Ўзбекистоннинг бир қишлоғида яшаб, ўзбекларнинг урф-одати, расм-русумлари билан танишиш учун биз томонларга келибди. Бир куни уйда ўтирсам, туман ҳокимининг вакили бояги йигитни бошлаб кирди. Ёнида шотирлари ҳам бор.

– Ҳикматиллака, мана бу йигит меҳмонимиз, – деди Чарлини кўрсатиб, – ўзи олим, Марказий Осиё халқларининг тарихи, бугунги ҳаёти ҳақида китоб ёзмоқчи экан. Эркалик қилиб, сизникига бошлаб келавардим. Боғ-чорбоғингиз ҳам, кўнглингиз ҳам кенг, бир ойгина шу йигитга уйингиздан жой берарсиз. Сизга зиёни тегмайди. Ҳаражатларини ўзи кўтаради. Фақат яхши сўзингизни аямай, сўраганларига жавоб бериб турсангиз бўлди. Майлими, ака?

– Майли, – дедим. – Уй-жой кимлардан қолмайди. Бир коса овқатни кўшнига ҳам чиқарасиз. Уйимнинг тўри меҳмонники. Фақат шартим бор.

– Қанақа шарт? – деб сергакланди вакил.

– Шартим шуки, кўп ичмасин. Америкаликлар ҳалиги захри қотилни ҳаддан зиёда ичади, деб эшитганман. Ичафон кишини жиним суймайди.

Ҳокимликнинг вакили кулиб юборди.

– Бўпти, айтиб кўямиз, – деди ва тилмочга ўгирилди. Тилмоч чет элчалаб Чарлига нимадир деди. Чарли «ес! ес!» деб бош силкиди.

Шундай қилиб, Чарли бизникида ўрнашиб қолди. Мен уни Чарливой деб чақирадиган бўлдим. Аввалига, бирор ҳафтагача тилмоч келиб, икковимизнинг сўзимизни бир-биримизга ўгириб турди. Кейин, бора-бора тилмочга ҳожат қолмади. Мен оз-моз инглизча, Чарливой оз-моз ўзбекча тушунадиган бўлдик. Ҳеч бўлмаса,

бармоқларни ишга солиб, имо-ишора билан гаплашамиз. Мен кўлимни оғзимга кўйиб, томоғимни такиллатаман. Бу – чой ичасанми, деганим. Ёки қошиқ олиб, косага соламан, ўзимча овқат ичган бўламан. Чарли «ес!», дейди ёки «нў! нў!» деб бош чайқайди. Бу ха, ёки йўқ, дегани экан.

Чарли бизникига кўчиб келганда айни Наврўз эди. «Омадинг бор экан, бола, – дедим ичимда, – халқ сайилларини ҳам, сумалакни ҳам кўрадиган бўлдинг».

Айтганимдай, уч кун ўтиб, чап томонимиздаги кўшнимиз Мушарраф хола сумалак қайнатишга киришди. Чарли видеосини созлаб, оқшом тушмасданоқ қозон бошига бориб олган. Хотинларнинг ҳар бир ҳаракатини суратга олаяпти. Бир маҳал у, имо-ишора билан, бу қандай овқат дегандек сўраб қолди. Бу чулчитга нечук тушунтираман, э худо! Охири бир сиким бугдой олдим, унинг устига бир чимдим майса кўйдим. Кейин майсани қайчи билан кесдим, унга ун сепдим. Чарли анқайиб қараб турибди.

– Мана шундан сумалак чиқади, билдингми, оғайни? Сумала-ак!..

– Сум... Сум-малек, – деб Чарли дарров дафтарига ёзиб олди. Тонготаргача аёлларнинг ёнида ўтирди, ҳатто бир-икки марта уларга таклид килиб, қозонга қалақ ҳам уриб кўрди. Умуман, Чарлининг одати ўзи шунақа. Ҳамма нарсани ушлаб, тишлаб, хидлаб кўришни ёқтиради. Бир сафар келинингиз кели туйиб турган эди, видеосини кўтариб келиб қолди. Бирпас қараб турди. Сўнг келисопни сўради. Хотин кулиб чўзди. Чарли уни кўтариб бир урди, кели ағдарилди, ер билан бир бўлиб, гўжа тўкилди. Чарли қизарди, бош эгиб узр сўраган бўлди, кейин чўнқайиб олиб гўжани теришга тушди.

Бир куни қизиқ бўлди. Қирк кунча илгари набиралик бўлган эдик. Қуда тараф бешик олиб келадиган бўлибди. Биласиз, ўзбекнинг бешик бердиси ҳам кичкина тўй. Шуни ўйлаб, мактабдан инглиз тили муаллими Манзурахонни чақириб кўйдим. Чарли «Бу нима? Бу нима?» деб сўрайвериб, қон қилмасин, дедим-да.

Айтганим бўлди. Чарли маросимни бошдан-оёқ суратга олди. Ясатилган тойчоқ-ку, набирамга кўшилиб, қаҳрамонга айланиб кетди. Улар камида ўн марталаб суратга тушгандир-ов. Ахийри навбат бешикка келди. Манзура Чарлига бешикнинг вазифасини обдан тушунтирди. Бир вақт десангиз, Чарлининг кўзи сумакка тушиб қолди. У сумакни олиб, пуфлай бошлади.

– Бу сурнайми? Флейта? – деб сўрайди.

– Йўқ, бу сурнай эмас, болалар учун ишланган миниканализация, – деб тушунтирмоқчи бўлади Манзура муаллим. Чарли «бу асбобни ҳозироқ ишлатиб кўрсатинг», деб туриб олди. Меҳмоннинг сазаси синмасин, деб битта неварамни уйнинг орқасига қараб етакладим.

– Алижон, кани болам, бу сумак қандай ишлар экан, меҳмонга бир кўрсат-чи.

Алижон уялиброк турди-ю, барибир сумакдан сув оқизиб кўрсатди. Чарли «О, кей! Яхши, яхши!» деб хурсанд бўлди. Хуллас, Чарлига эски бешиқдан бир сумак олиб бериб, кутулдим. У икки марта «сенк-ю! сенк-ю» деб таъзим қилди. Бу «совға учун раҳмат», дегани эмиш.

Кейинги кунларда Чарли билан имо-ишора орқали гаплашавериб, жигарим хун бўлиб кетди. Шунинг учун Манзурани кунига чақиртирадиган бўлдим. Икковлашиб, Чарлига кўзmunчоқнинг нималигини, омочнинг хосиятини тушунтирдик. Кувини – сепаратор дедик, келини қўл тегирмон, урчикни ип йигирувчи ёғоч, дедик. Кўшнимиз Содик аканинг ўғли армияга кетаётгани, кузатишгани биз ҳам чикдик. Онаси ўғлига нон тишлатди. Кейин нонни тахмонга олиб қўйди. Буни кўриб, Чарли сўради:

– Нега нонни бериб юбормади? Йўлда еб кетарди ўғли...

– Ҳов анави копчиғи тўла егулик, – дедим. – Бу – ирим. Яна нон еган ерингга омон-эсон қайтиб кел, дегани бўлади.

Чарли дафтарига ҳамма айтганларимни ёзиб олди.

Гапнинг қисқаси, бир ойгача Чарли ўзига ғайритабиий кўринган нарсаларни суратга олиб, таърифини дафтарига ёзиб борди.

Мен ҳам бир ой мистер бўлиб юрдим. Ҳикматулла, дегани тили келмай, Чарли мени мистер Хек-матилда деб чақиради.

Ўттиз кун деганда тагин ҳокимнинг вакили келди. Чарлини машинасига ўтказиб олиб кетди. Чарли уй ичимиздагиларни қайта-қайта суратга туширди, ҳамма билан, ҳатто саксон икки яшар энам билан ҳам кучоқлашиб хайрлашди.

– Раҳ-мат! Раҳ-мат! Раҳ-мат! – деди уч марта.

Икки ойча Чарлидан дарак бўлмади. Ёзнинг чилласига яқин ундан хат олдим. У хагини туман ҳокимиятидаги компьютерга юборибди. Одатдаги саломдан ва ўзига кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккурдан сўнг, Чарли шундай деб ёзади:

«Мистер Хек-матилда! Бир ой уйингда турдим. Бир ой сизлар билан бирга нафас олдим, қандай яшашларингни, кундалик юмушларингни, одатларингни, тўйларинг, азаларинг, севинчу ташвишларингни кузатдим. Ўзимча уларни таҳлил қилдим, бировларга қийёсладим. Хулоса чиқармоқчи бўлдим. Аммо ўйимнинг охирига етолмадим. Ўзбекларнинг кимлигини, барибир тўла-тўқис тушунолмадим. Қанақа халқ у, ўзбеклар? Уларнинг ички руҳияти, қалб негизи қанақа? Ўзбекларни бошқа элатлардан ажратиб турадиган хислату хусусиятлар нима? Хуллас, сизлар кимсизлар, мистер Хек-матилда? Хатингни кутаман, ўзбекка ўзинг таъриф бермасанг, мен бу жумбоққа жавоб тополмадим. Дўстинг Чарли».

Мен ҳам бошимни қашлаб, ўтириб қолдим. Ростдан ҳам, биз киммиз ўзи? Шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» деган машхур шеъри бор. Эркин ака ўзбекнинг кимлигини таърифламоқчи бўлади, лекин ўзбекнинг буюклиги битта шеърга сиғармиди? Мен-чи, мен ўзбекнинг насл-насабини қандоқ қилиб бир мактубга жойлайман? Бунинг иложи йўклигини билсам-да, бир уриниб кўрай, деб, мана бундоқ хат битдим:

«Ваалайкум ассалом, Чарливой! Ўзбеклар қанақа элат деб, гапнинг очиғи, мени ҳам қийнаб қўйдинг, оғайни. Чарли, сен бизнинг Насриддин афандини биласан, унинг қизиқ-қизик хангомаларини ўқигансан, тўғрими? Хуллас, Насриддин афанди ўзбекнинг тимсоли. Насриддинга боқ – ўзбекка боқ! Бир қарасанг, доно, бир қарасанг, содда-гўл, бир қарасанг – айёр, бир қарасанг – довдир, бир ишини кўрсанг – бахилдан бахилга ўхшайди, бир қилмиши сахийдан сахий кишини эслатади.

Бўйи баравар қарз кўтариб, таниганни ҳам, танимаганни ҳам чақириб, тўй қиладиган меҳмоннавоз халқ – биз ўзбеклар бўламиз. Тўй ўтгач, қора қозонни сувга ташлаб, қотган нонни кавшаб, тўйнинг гаштини ўйлаб, ёнбошлаб ётадиган қавм ҳам ўзимиз бўламиз.

Ишимизни битириш учун ўғлимиз тенги одамни ака, унинг эҳкисини така дегувчи, сермулозамат, серилтифот элат ҳам биз, ўзбеклармиз.

Айтмоқчи, мулозаматни бизчалик ўрнига қўядиган биронта қавм топилмаса керак, Чарли. Мана, сенга бир мисол. Айтайлик, икки ўртоқ, икки қуда сафарга кетаяпти. Вокзал. Поезд келади. Энди вагонга чиқиш керак. Бир қуда иккинчисига йўл беради.

– Қани, қудажон, чиқсинлар...

Иккинчиси тисарилади:

– Йўғ-э, куда, мен сиздан олдин чикаманми? Ўзларидан бўлсин, кани...

– Сиздан аввал чиқсам, уят бўлар, кудажон. Хурматингиз бор. Ўзлари бошласинлар.

Хуллас, улар бир-бирларига йўл бериб «сиз чиқинг, сиз чиқинг», дегунча поезд юриб кетибди. Мана шулар ҳам – ўзбек!

Далада тонгдан то шомгача кетмон чопиб келиб, ўзингга шукур, деб кўк чой шопириб ётгуччи қаноат эгаси ҳам – ўзбек.

Кечагина қўшнимнинг қулоғини чўзсанг, кун кўринарди. Ичгани оби ёвғон эди. Энди чўнтагига беш-ўн танга тушиб, димоғи шишибди, қорин кўйибди. Илгари мени кўрса, ассалом, акажон, дерди, энди, «хм, оғайни, озиб-тўзиб юрибсизми?» деб кибрланади. Бу ҳам ўзбекнинг бир тоифаси. Хуллас, баъзида ўзимизникиларни ўзим ҳам танимай қоламан, Чарли. Гапни чўзиб ўтирмайин-да, сенга уч нарсани айтиб берай, шунга қараб ўзинг хулоса чиқариб оларсан.

Сен яшаётган ўша мамлакатни Колумбдан неча юз йил олдин Беруний деган бобом очган. Ҳатто харитасини ҳам чизиб берган. Бу – бир.

Медицина деган сўз яна бир бобом Ибн Синодан қолган. «Мадади Сино» бора-бора медицинага айланган. Биласан, Ибн Синонинг тиббиётга оид китоблари Европада 600 йил қўлланма, дарслик бўлиб келган. Бу – икки.

Мана, энди биз компьютерлар асрига ўтдик. Хатингни ҳам менга Интернет орқали юборибсан. Аммо ўша алгоритмларни биринчи бўлиб ким ихтиро қилган эди, ҳеч ўйлаб кўрдингми? Ҳа, баракалла! Алгебрани, демак алгоритмни ҳам менинг улуғ бобом Мусо ал-Хоразмий ўйлаб топган! Европаликлар ал-Хоразмий дейишга тили борма, алгоритм деб ўзгартириб олишган. Мана, сенга ола дўппи кийган соддадил, тўпори, муғомбир, топағон, гоҳо эринчоқ, гоҳо тиним билмас ўзбекнинг кимлиги-ю нималарга кодир эканлиги!

Дунёда тилакнинг хили кўп. Аммо «Ўлгунча яшанг!» деган тилакни биз ўзбеклар тўқиганмиз. Тўқсон ё юз йил эмас, ўлгунча яшанг! Чунки ким қанча яшашини ҳеч ким билмайди. Сенга ҳам холис тилагим шу. Чарли, ўлгунча яшайвер, биз мингдан-минг розимиз.

Сенга ўзбекона салом билан, Ҳикматулла».



## ЧОЛ БИЛАН КАМПИР

Нонуштадан кейин кампир «ашула»сини бошлади.

– Кун тиккага келди. Сиз ҳам бундоқ эркакка ўхшаб ховлига қайрилиб қарасангиз нима қилади! Узумнинг аҳволини кўринг. Ит бокса уялади. Ивирсик хогиннинг сочидай бўлиб кетибди.

Қулмат ота ёнбошлаб «Макоримул-ахлоқ»ни ўқиб ётган эди. Инқиллаб туриб ўтирди.

Букчайиб ховлига чиқди. Кўлини соябон килиб осмонга қаради. Офтоб дарвоза ёнидаги терак бошига келиб қолибди. У борликка алланечук сарғиш, юмшоқ нур тўкар, одамни бўшаштириб, уйқусини келтирадиган бир алпозда милтираб турар эди. Шу топда чолнинг бирам эринчоқлиги тутдики... «Тавба, – деди ичида, – қариганда одам кампирга ўйинчоқ бўлиб қолар экан. Ёт деса ётасан, тур деса турасан. Тавба!..»

Мункайиб бориб, шотутнинг айрисидан гулкайчини олди. Истар-истамас арик бўйига, токзорга тушиб кетди.

Бир туп токни уч-тўрт марта айланди. Эркак сўхтини суғуриб олиб, жаҳл билан кирқди. Яна уч-тўрт кўк пояни узган бўлди. Кейин белини ушлаб уватга ўтирди. Тепадан йўргалаб кампир туша бошлади. Буни кўриб, чол дарров ўрнидан турди. Кампир ёнига келганда уришмасин, деб белидан шикоят қилди.

– Худо сакласин, – деди кампир, – қаттиқ-қаттиқ ишлаб, бир терласангиз отдай бўлиб кетасиз. Кечкурун ўзим кепак қиздириб босаман. Тушга нима овқат қилай, дадаси?

– Ихтиёринг, бизга норин ҳам бўлаверади. Тешиб чиқмайди.

Норинни эшитиб кампир илжайди. Бонунинг кулиб турган кичкина кулча юзларига, мунчоқдай қоп-қора кўзларига қараб чол ҳам ўзини тиёлмади, кемшик тишларини яркиратди.

– Рост-да, – ёш жувондай эркаланди Бону, – келинингиз далада. Невараларингиз этагимга ёпишиб бир қадам бостирмайди. Норинга йўл бўлсин. Пиёва шўрва қайнатиб берсам ҳам жон-жон деб ичаверинг, – у эски калишини шапиллатиб жўнаб қолди. Чол оркасидан тайинлади.

– Гўштни мўлроқ солавурсинлар, пари, эшитдиларми?

Пари ўчоқ бошидан овоз берди:

– Эшитдик, дадаси, эшитдик...

Бирдан Қулмат отанинг кўнглига чироқ ёқилгандай бўлди. Лаблари ип қочирди. Гулқайчини қисиброқ ушлади-ю, қайна-тасиникида иш қилаётган ёш куёвдай, ғайрат билан узумга ёпишди.

Шу тахлитда гоҳ ариқ бўйига бориб, гоҳ узумзорга тушиб, аранг кунни кеч қилди. Эгни-бошини қоқди, ариққа бориб ювинди. Кейин бир-бир босиб, ҳовлисига чиқа бошлади. Истикболига невараси Ҳаётжон югуриб келди.

– Бобо, Жаҳон холамлардан хат келди, мана!..

Чол мийиғида кулди. Неварасининг бошини силаб, шотутнинг тагига қўйилган чорпояга қараб юрди. Хатни эшитиб кампир ҳам чорпояга келди. Чол тўрға чиқиб ўтиргач, деди:

– Қани, ўқи-чи, болам, нима дебди?

Ҳаёт хатни ўқиди:

– Ассалому алайкум, дада, ойи!..

– Ваалайкум ассалом, қизим, – алик олди ота, – ўқийвер, болам, ўқийвер...

– Дада, чарчамай юрибсизми, ойнмлар яхши юрибдиларми?

– Онанг милтиқнинг ўқидай, – яна гап қўшди чол. Кампир юзини терс ўгирди. Ҳаёт давом этди:

– Дада, сизларни жуда соғиндик, бир келиб кетинг. Невараларингиз: «Бобомлар қачон келадилар?» деб кун бермаяпти. Агар вақтлари бўлса, оймларни ҳам ола келинг...

Чол ўзининг алоҳида таклиф этилганини эшитиб, димоғи чоғ бўлди. Кулимсираб Бонунинг жиғига тегди:

– Қалай, вақтинг борми, борасанми?

– Бораверинг ўзингиз, суюкли қизингиз сизни чақирибди-ку. – Араз қилган бўлди кампир, – Тошкан деб кўзим учиб тургани йўқ. Ўзимнинг мана шу ёмон ҳовлимдан қўямасин.

Чол сизди: «Кампир ранжибди. Ойимниям ола келинг, дегани каттик ботибди. Ваклари бўлса, демай, албатта олиб келинг, демай-санми, нодон! Барибир уйни ёлғиз ташлаб кетолмайди. Кўнгил-да, кўнгил...»

– Хафа бўлма, – деди чол лабини йиғиштириб, – борай-чи. Агар яхши томошалар бошланган бўлса, сениям чакиртириб оламан.

Бону индамади. Намозни баҳона қилиб, уйга кириб кетди.

Чол эртасига азонлаб поездга чиқди. Окшом, бисмилло деб Тошкентга етиб келди. Қизи, куёви, неваралари уни кучок очиб кутиб олишди. Ўн етти яшар невараси Бахтиёр чолга шерик бўлиб Тошкентни кўрсатадиган бўлди. Кулмат ота беш-олти йилдан бери Тошкентга келмагани, шаҳарни айланиб лол қолди. Боши-кети кўринмайдиган кенг кўчалар, янги гулзору хиёбонлар, қордай оппоқ мрамрдан тикланган саройлар, бўйи юз кадамча келадиган ростакам шаршаралар чолнинг кўзини камаштирди.

Бир ҳафта ўтди. Кулмат ота Тошкентдаги жамики катта-кичик томошаларни кўриб бўлди. Кейин зерика бошлади.

– Узум чала хомтоқ бўлиб қолувди, нима қилишдийкин? – деди бир куни чол нонушта вақтида.

– Акам бор-ку, ташвиш тортманг, – овутган бўлди кизи, унинг «кетаман»га тушмокчи эканини пайкаб.

– Аканг чигит экаяпти. Саҳар кетиб, хуфтонда келади бечора. Кўли тегади дейсанми?

Яна бир-икки кун ўтди. Чол бетоқат бўлиб қолди. Кечкурун яна уйдан гап очди:

– Бир бузоқ олувдим. Онаси жуда серсут бўлган экан. Бош сигир қилиб ушламокчи эдим. Жуда бадфеъл чиқди ҳаром ўлгур. Қозикни суғуриб қочгани-қочган. Кампирга бўй бермайди. Қариганда онанг шўрлик қийналиб ётибдими, қайдам...

– Кўни-кўшни бор-ку, карашиб турар, – тасалли берди Жаҳон, – ё ойимни соғиндингизми? Унақа бўлса чакиртирайлик?

– Онангни бошимга ураманми? – ёлғонлади чол, лекин унинг кекса қалби: «Шунгаям ақлинг етмайдими? Чакиртирсанг, тезроқ чакиртирмайсанми?» деб турарди.

Бир куни чол кўк мовут яктагини ечиб қозикқа илаётган эди, тескари турганча тўнғиллади:

– Менинг нарсаларимни тайёрлаб қўй. Худо хоҳласа эртага йўлга чиқаман.

– Вой! – шошиб қолди Жаҳон, – оймларга телеграмма бериб қўювдик-ку? Эрта-индин келиб қоладилар.

Чол индамай ховлига чикиб кетди. Уни соғинч ўртарди. Фақат кексалардагина бўладиган қандайдир ённк бир соғинч билан кампинини кўмсар, кампирига талпинарди.

Эртасига Кулмат ота саҳар уйғонди. Қараса, қизи ховлини супуриб юрибди. «Кеча каттиқроқ гапириб юбордим, ранжиб қолмасин, ётиғи билан тушунтирай», – деди ўзича ва кечаси тўкиб қўйган баҳонасини яна бир кўнгилдан ўтказиб, айвонга чикиб ўтирди.

Жаҳон буғини буркиратиб самовар олиб кирди. Чол, худо ўзи кечирсин, деди-ю дарров ёлғон сўйлади:

– Бехосият туш кўрибман, болам. Тушимда катта уйнинг кўча ёқдаги девори кулаб тушганмиш. Икки йил бурун тош қалаб тузатиб қўювдим-ку, деб хайрон бўлиб турибман. Уйғониб кетсам, тушим экан...

Жаҳон бир хил бўлиб қолди. Кейин:

– Худо сақласин, – деди ўйчан, ташвишли товушда, – одамнинг тушига нималар кирмайди. Қани чойга қаранг, дада.

Чол гапининг нишонга текканини кўриб, ичида қувонди. Пиёлага қўл чўза туриб:

– Ҳеч бунақа туш кўрмас эдим. Онангга бир нарса бўлган, тезроқ борай – деди аста.

Мезбонлар ноилож қолишди. Тушга яқин бир машина бўлиб, вокзалга чиқишди-ю, Кулмат отани қишлоққа кузатиб қўйишди.

... Чолини Тошкентга, «суюкли қизи»никига жўнатди-ю, Бону сал тинчигандек бўлди: «Уззукун қақшайвериб жағимда жағ қолмайди. Беш-олти кунгина кўзимдан нари юрсин қоквош...» – кампир шундай ўйларди. Бироқ, бир пайшанба ўтмай, «қоквош»нинг кадри билинди. Бону худди бир нарсасини йўқотган одамдек у уйга киради, бу уйга киради – гир айланаверади. Кулмат ота ҳеч қачон бунчалик узоқлаб кетмаган эди. Олисроқ бир ерга меҳмонга борса ҳам икки кунга қолмай етиб келарди.

Тошкентга бўлса Бону иккаласи бирга бориб, бирга келишарди. Салкам қирқ йилдирки, бир-бирининг қорасига кўникиб

колишган. Бир-бирини ялаб-юлкаб, катта бир ёзувчи айтмоқчи «оғритмай тишлаб» хумордан чиқишарди. Мана, етти кундирки, дом-дараги йўқ. Тани-жони соғмикан? Ишқилиб соғ бўлсин-да...

Бону ўзи сезмаган ҳолда серзарда бўлиб қолди. Бўлар-бўлмасга невараларига бақиради, сигир-бузоқни қарғайди. «Дадамлар жим бўлиб кетдилар, бир бориб келмайсизми? Бир икки кун ишдан қолсам қоларман», деб келини авраб кўрди. Кампир ичида жон-жон деб турган бўлса-да, ғурури йўл қўймади. Қизининг уни алоҳида чақирмагани кўнглига оғир ботган эди. Шу орада Жаҳондан телеграмма келди-ю, Бону қанот чиқариб, Тошкентга қараб учди. Шундай қилиб Қулмат ота Туркистонга етиб келганида, Бону Тошкентга кириб борди.

Энди чол кулгили аҳволга тушиб қолди. Аввалига кампирини койиди: «Худо деб уйда ўтиравермайсанми, тиши йўқ! Мен қишлоққа етолмай доғламану, сенга Тошкентда нима бор, пишириб қўйдими?»

У бир кунгина уйда бўлди. Кейин гузардаги чойхонага кириб ўтириб олди. Олдига бир чойнак чойни қўйиб, майдалаб ичиб ўтиради. Ёнидаги қарияларнинг гап-сўзига ҳам чала кулоқ солади. Икки кўзи автобус бекатида. Бирор енгил машина келиб тўхтаса ҳам дик этиб ўрнидан туради, Бону эмасмикан, деб синчиклаб қарайди. Шаҳар автобуси келганида эса йўрғалаб бекатга борди, номигагина ушлаб юрадиган жимжимали ҳассасини ўйнатиб, эшикни пойлайди, гоҳо таниш-билишларидан кампирини суриштиради.

Шу кепатада уч кун ўтди. Тўртинчи кун пешинги автобус келиб тўхтаганда, чол негадир юраги ҳапқириб ўрнидан турди. Зинғиллаб бекатга борди. Автобусдан бир тўда хотин-халаж туша бошлади. Чол ҳансираб қараб турибди. Бир вақт оппоқ истамбул рўмолини кийшиқ ташлаган Бону кўринди. Кампирига кўзи тушди-ю, чол кемшиқ тишларини ялтиратиб қулди:

– Келдиларми, пари?

Кампир тиззасига суяниб настга тушаркан, ўша таниш, зардали овозда деди:

– Нимага анқайиб турибсиз, сўмкамни олиб тушмайсизми?

Чол ўн етти яшар ўспириндай лип этиб автобусга кириб кетди.



## ЁСТИҚ ҚУЧОҚЛАГАН МЕҲМОН

Шомансурнинг ёши элликдан ошди. Сочи оқарди, тишининг ярми тўкилди. Кун ботганда оқ ип билан қора ипни ажратолмайдиган бўлди. У қирк йил қишлоқда бош кўтармай меҳнат қилди: зовур қазиди, ўт ўрди, ғўза чопди, пода бокди. Охири сўна чаққан бир сигирни кайтараман деб бир қояга йиқилди. Бели лат еди. Энди қалдини подачининг қалтагидай тикка тутиб туролмайди, янги чиққан ойдек эгилиброк юради.

– Э, бўлди қилинг сабил ишингизни! – деди бир куни хотини, – боқолмайдиган етти болангиз бормиди? Худо бизни бўбакдан қисди. Ҳамма этаклаб туққанда ман ўлгир хандалакдай бир болани думалатиб ташлай олмадим. Дорига кетказган пулингизни уйда еб-ичиб ўтиринг. Мен қўшнилари кўрпа-гўшагини қависам ҳам икковимизни боқиб оламан.

Бу гапларим шунчаки даромад. Шомансурни чет қишлоқларга ҳам танитган, ҳатто бир замонгача одамларнинг дуосига, ундан кейин қулгисига сабаб бўлган хангома энди келади.

Шомансур йигирма йил подачилик қилиб, бир-икки белбоғ пул жамғарган эди. Буни маҳалла-қўй биларди. Замон ўзгариб тижорат авжига чиқдию ҳаммага пул керак бўлиб қолди. Бироқ қани ўша пул? Ҳозир ким сизга, ма, йиртиғингни ямаб ол деб бир сўм беради?

Не ажабки, ана шунақа бебилиска пул Шомансурда бор эди. Боя айтганимдек, бир-икки белбоғ эди. Бирдан ўзини тижоратга урганларнинг эсига Шомансур тушиб қолди-ю, улар чопа-чопа келиб ғариб подачининг уйини шудгор қилиб юборишди.

– Яхшиямки қўпчиликнинг бахтига сиз бор экансиз, Шомансур ака! Пича қарз бериб туринг!

– Э, шох Мансур! Барака топ! Дунёнинг ошиб-тошиб, илоё коратовдай бўлсин! Озгина қарз қилвор!

– Ў-ў Мансур оға! Дўлдан қочган чумчуқдай сиздан панох тилаб келдик. Бир сиқимгина ақчадан чўзиб турунг, жон ака, кузда икки сиқим қилиб қайтармаган номард!

Хуллас, биров ўртага отасини, биров мол-жонини, яна биров ўлган бобосининг арвоҳини кўйиб қасам ичди, ер ўпиб ялинди, ёлворди. Шомансур соддагина кўрингани билан ичидан пишган эди. У эшикма-эшик ошиҳалол йиғиб юриб ҳамқишлоқларининг феъл-атворини обдан чиғириқдан ўтказган, кимнинг олеси ичида, кимники сиртида – беш қўлда биларди. Шунинг учун беш-олти кишига оз-оздан қарз бературиб биттагина шарт қўйди:

– Мен судхўр эмасман. Менинг ақчам тугмайди. Фақат пулимни вақтида қайтарсанглар бўлди. Агар сўзларингдан тонсанглар уйлариингга бориб ўтириб оламан. Қарзимни узсанглар кетаман, бўлмаса жонларингга тегиб ётавераман.

– Э, майли, – деб кулди Дарвеш деган тили ҳам, қўли ҳам чақкон йигит, – уйимизнинг тўри сизники, менга деса бир йил турмай-сизми!

Унинг гапига фаришта омин деган эканми, Шомансурнинг «ит ётиш мирза туриши» айнан шу Дарвешнинг уйдан бошланди. Дарвеш элдан бурун қарз олганлардан эди. Шомансур бир борди уника, икки борди – Дарвеш турли баҳона кўрсатиб қарзини узмади. Кейин подачи айтганини қилди. Бир ёстикни кўрпачага ўради-ю, Дарвешникига қараб кетди. Энди ўрик гулини тўкиб чигитдай-чигитдай довуччалар ялтираб қолган кунлар эди. Шомансур ўрик тагига кўрпачасини ёздию, ёстиғи билан тўнини бошига қўйиб индамай ётиб олди. Дарвеш ҳазилкаш йигит эди, гап отди:

– Кўрпача юпкалик қилмаяптими оға, яна бирон нарса тўшаб берайми?

– Қўлингдан келса, беш-ўн минг сўм тўша, бўлмаса гапни сиркалатма, – деди Шомансур. Дарвеш кула-кула нари кетди.

Пешин бўлди, кун оғди. Шомансур чанқади. Аммо Дарвешнинг у билан иши йўқ, кириб-чиқиб юмушини қилиб юрибди. Охири Шомансур чидамади:

– Мусурмонмисан ўзи? Бир пиёла чой берсанг ўласанми? – деди аччиқланиб, – киши гадойга ҳам бир бурда нон беради-ку, ноинсоф?

Дарвеш қизариб кулди. Уйга кириб бир чойнак чой, суви қочган нон олиб чиқди. Дастурхон ёзди.

– Узр ака, мен сизни ҳазиллашибди, ҳозир кетади, деб ўйлаб...

– Гапим гап! – чўрт кесди подачи, – қарзимни олмагунча бу ердан кетиш йўқ. Хомтама бўлма.

Подачи айтганини қилди. Уззукун ўрик остида чўзилиб ётади, боғ айланади, бирров уйига бориб келади. Тушда чой-нонга каноат қилади, кечкурун бир коса оби-ёвғон ичади. Гоҳо Дарвеш узр сўрайди:

– Бугун эт сололмадик оға, айб қилмайсиз...

– Биз ошиҳалол еб ўрганиб кетганмиз, – дейди Шомансур, – қозонда қайнаган бўлса бўлди. Сен томоқни эмас, қарзингни ўйла.

Уч кун ўтди, тўрт кун. Дарвеш кундуз кулгисидан айрилди. Худди яланғоч баданга жун чопон кийиб олган одамдай, ўзини нокулай сеза бошлади. Илгари уй ичидагилари билан ҳовлида, тоза ҳавода ётишарди. Энди уялади. Болаларни олиб, эр-хотин уйга кириб кетишди. Уй ичи дим, ташқарида эса подачи қоровул бор. Ҳатто хотинини эркаласа шивирлаб гапирадиган бўлди. Нима қилишга ҳайрон. Охири кўзини чирт юмди. Подачининг пошшосидан қутулишнинг ёлғиз йўли қолган эди. Дарвеш болаларининг эрмагидан воз кечмоқчи бўлди. Бир куни уйдан телевизорни қучоқлаб чиқиб Шомансурнинг олдига кўйди.

– Мана оға, шуни олинг-у туёғингизни шиқиллатинг. Уйда димиқиб ўладиган бўлдик. Қолганини картошка кавлаганда бераман.

Подачи телевизорни кўтариб жўнади.

Навбат Сотим говники эди. Уни бекорга ҳўкиз дейишмасди. Бетимнинг қалини жонимнинг ҳузури деган гап атайин Сотим учун тўқилгандек эди. Ҳали қирққа ҳам бормаган бу олакўз хомсемиз йигит урсанг ҳам, сўксанг ҳам башарангга тикилиб тураверар, охири «Бўлдингми? Мана қарз!» деб икки бармоғи орасидан бош бармоғини кўрсатарди.

Шомансур уч-тўрт кун Сотим говнинг ҳовлисида, узумнинг остида ётиб юрди. Сотим унга қайрилиб ҳам қарамади. Ўзи келган

ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр, бир куни зерикканда даф бўларсан, деб қўйди ичида. Шомансур мундоқ дўпписини олиб ўйлаб қараса, Сотимдан садо чикмайдиган. «Сен ҳўкиз, шошмай тур, олдингга хашак солиб кетмасамми», деди ичида Шомансур ва уйига бориб, молпичоғини обдан қайраб келди. Сотим билан хотини бир ёкка кетишди, болалари мактабга жўнади. Шомансур оғил тарафга ўтди. Сотимнинг ўн чоғли қўйи бор эди. Семизроғини танлади. Олманинг тагига олиб келиб, уч оёғини боғлади-ю, бўғзига пичоқ тортиб юборди.

Бирор соатда қўйнинг терисини шилиб, ичак-чавоғини тозаллади. Бир оёғини терига ўраб ошхонага олиб кириб қўйди. Қолган гўштни орқалаб гузарга кирди. Қассобга ўтказиб пулини олди-ю, уйига равона бўлди.

Сотим гов оқшомлатиб меҳмондан кайтди. Қараса ошхонада бўрдокига боқаётган қўчкорининг териси ётибди. У дарров бу Шомансурнинг иши эканлигини сизди. Қўйнинг оёғини кўтариб подачиникига қараб лўкиллади.

– Ма, иймони йўқ, буниям ол! Илоё тикилиб ўл! – деб гўштни остонага отди.

– Иштони йўқ тиззаси йиртикқа кулибди, – деди Шомансур, – сенда иймон бўлса лабзингдан тонмас эдинг. Бир ҳафтада қарзингни узмасанг, эчкингни сўйиб сотаман. билиб қўй.

Сотим гов одати бўйича қўлини мушт килиб, учинчи бармоғини кўрсатди;

– Мана сўясан, еб тўймас!

Қарздорлар орасида Айниддин пиёзчи ҳам бор эди. У Шомансур билан тенгкур, кўнглида кири йўқ ориятли киши. Бир этак боласининг оғзидан орттириб қарзини тўлай олмас, кўчада Шомансурга дуч келиб қолса, йўлини тескари солиб кетарди. Буни билгани учун ҳам Шомансур пулини қисталанг қилавермас, ўзига инсоф берсин деб қўйган эди.

Ёзнинг ўрталарида Айниддин подачининг уйига кириб келди.

– Қани таксирим, садағасини кўтарсинлар, далага кетдик! – деди кулиб, – хотиннинг этагини искаб ётишдан фойда йўқ. Туринг, тоза ҳаво шимириб, пиёзхўрлик қилиб келасиз.

Айниддин ҳар йили кишлоқнинг кунботаридаги ёвшанзор қирларда пиёз экиб деҳқончилик қиларди. Шомансур қарздорлар-

нинг уйларидадан безиб, ҳовлисида оёғини осмондан қилиб ётгани, дарров ўрнидан турди-ю эшагини эгарлади. Икковлон далага қараб кетишди.

Дала яхши-да! Гувалақдан қилинган уйчанинг тешикларидадан ғир-ғир шамол кириб бетингни силайди, қовунполиздан атир ҳиди келади, бўйрага ёйилган қовун қоқиларга ёпишиб ғужғон ўйнаётган ариларнинг ғўнғиллаши ҳам қулоққа ёқимли эшитилади. Дала яхши!

Чанқовбосдига қовунхўрлик қилишди. Кейин Айниддин кўнглини ёрди:

– Хафа бўлмайсиз ошна, қарзингизни чўзиб юбордим. Лекин еб кетмайман, тўлайман. Саккиз болам бор, худодан қўрқаман. Икковимизнинг насибамиз, ана далада ётибди. Мана, пиёз туп боғлаб турибди. Ана писта, баркашдек бўлиб ерга салом бериб турибди. Ана мош, ана нўхат. Қозондай тўнкарилган палов қовоқларни кўрдингиз. Кафсан олинг.

Шомансур даладан бир-икки ҳовуч зира териш олди, бир қозонда ўзлари учун қовун қоқи қайнатди, лагандай писталарни тўқмоқлаб ғалвирда элади. Юмуш билан бўлиб, бир ҳафта қандай ўтганини ҳам билмади.

Бир куни кафсанларини хуржунга солди-ю эшагига минди.

– Қарзимдан кечдим, Айниддин, – деди у хурсанд бўлиб, – мен розиман, сен ҳам рози бўл. Топганларинг саккиз болангга буюрсин. Омон бўл!

Айниддин, ҳов девона, кузда бошпиёз сотганда тўлайман қарзингни деганча қолаверди.

Ёз ўтди, куз келди. Энди қиш ғамини ёйиш керак эди. Ҳар кимникида ётиб юравериш Шомансурнинг ёнбоши оғриди, одамлардан қарзини сўрайвериш жағи толди. Охири бир тўхтама келди. Бир куни азонлаб хотинини олдига чақириб кўнглидагини айтди:

– Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним деганлари рост экан, хотин. Энди биргина йўли қолди. Мени ўлди деб гап тарқатасан.

Хотиннинг кўзлари пешонасига чиқиб кетди:

– Вой шўрим! Нафасингизни иссиқроқ қилинг-э! Тавба! Тирик одамни ўлди дегани қандай тилим боради?

– Тилинг бормаса, шунча пулдан айрилсан. Танангга ўйлаб кўр.


Манзура кўп ўйланмади. Негаки, пул Шомансурдан кўра унга кўпроқ керак эди. Эртасига Манзура Одил жиянини чакиртирди. «Жанозага» айтгани уни атайин қарздорларнинг уйига юборди. Намози асрга яқин подачининг уйини одам босди. Бирин-сирин ваъдасидан тойганлар ҳам кўринди. Улар Манзурадан кўнгилик сўрар, мана бу раҳматликнинг омонати эди, дея қогозга ўроғлик акча чўзишар эди.

Ниҳоят биттаси сўради:

– Жаноза эртага қолибди-да, янга?

– Ҳа, – деди кўзларини яшириб Манзура. – Термиздаги синглисини кутаяпмиз.

Эртаси пешинда савобталаблар тагин келишди. Қарашса, дарвозада қулф осиглик. Ҳовли ўлик чиққан уйга ўхшамас эди. Чунки «марҳум» Шомансур бу пайт қоратов этагида, бир козоқ томирининг ўтовидида қимизхўрлик килиб ётарди.





---

## ЎЗИМ ЁМОНМАН

Каминангиз туман газетасининг пешқадам ходимларидан бўламиз. Жуфти ҳалолимиз эса ўша газетанинг анча пешқадам машинисткаларидан. Кўпроқ ҳажвий нарсалар машқ қиламиз. Фельетонларни Абдулла Қодирий билан Ғафур Ғулом даражасига олиб чиқолмасак ҳам, кучимиз етган ергача олиб борамиз.

Эрталаб ишга келдим, мусафҳиҳ йигит билан икки қўл шахмат сурдим. Кейин нима ёзсам экан, деб бошимни қашлаб ўтиргандим, хўжайин чақириб қолди. Кирдим.

– Шанба сонига битта ҳажвия ёзиб беринг, – деди бошлик, – мавзу эркаклар ҳақида бўлсин. Ёмонларни бир дўппосланг.

– Кечирасизу, Тоир ака, ҳадеб эркакларни ураверамизми? Бечораларнинг соғ жойи қолмади-ку?

– Ураверинг, – деди шеф, – хотинларни танқид қилсангиз гапга қоласиз. Муҳаррир эркак бўлгани учун аёлларга кун бермаяпти дейишади.

Хуллас, муштипар эркакларнинг бошида икки кун қалтак синдирдим. Қаҳрамоним Қодир Мирзаевич кўп ичади, ишини эплай олмайди, бировларнинг номини сотади, қарз олса бермайди.

Ниҳоят ҳажвия битди. Уни оққа кўчириб хотин пошшонинг олдига ташладим.

– Мана хоним, ўқинг-чи, сизга ёқармикан. Оддий машинистка бўлсангиз ҳам дидингиз чакки эмас.

Хоним биринчи варақни ўқиди-ю ялт этиб бетимга қаради.

– Ўзингдин чиққан балога қайга борай давога! – деди кеса-тиб. – Келиб-келиб менинг акамни ҳажвияга қўшдингизми? Сизга нима ёмонлик қилган эди?

– Қайси акангиз? – дедим тушунмай. Хотин тутоқиб кетди.

– Қодир акамлар-чи? Ишини эплай олмайди дебсиз. Эплай ол-маса каттакон идорага бошлик қилиб қўйишармиди? Мана, саккиз йилдан бери балодай ишлаб келаяпти.

– Ахир, хотинжон, сизнинг акангиз Қодир Мавлонович. Бу Қодир Мирзаевич. Катта идорада ишлайдиган одам адабиётни тушунар дейман.

– Акам адабиётни сув қилиб ичиб юборган. Лекин барибир хафа бўлади.

Хуллас, рафиқамнинг тазйиқи билан Қодирни Ботир деб ўзгартирдим.

– Бу бошқа гап, деди хоним жилмайиб. Кейин «вой!» деб чинкириб юборди.

– Ҳм, нима бўлди?

– Биласиз. Ботиржон кўздай қўшнимиз. Ўзи ичкилик ўлгурга бир қадам яқинроқ. Кўнглига келармикан дейман-да, адаси...

«Тўғри айтасиз, хоним» деб Ботирни Шоқир қилиб қўйдик.

Ётиб уйқум келмади. Шоқир деган исм таниш туюлаверди. Э, топдим. Ахир Шоқир институтда беш йил бирга ўқиган оғайним-ку! Унинг отаси йўқ эди. Қийналиб ўқиган эди. Донм қарздор бўлиб юрарди. Чирокни ёқиб Шоқирнинг отини Ҳусанга алмаштирдим.

Азонда эру хотин узун-қиска бўлиб идорага бордик. Ҳикояни хотиннинг олдига ташлаб хонага кирдим. Бир айланиб чиқсам хоним қоғозга қараб тумтайиб ўтирибди.

– Ҳм, хоним, кўчирмайсизми? Шу сонга тушиши керак.

Хотин кўзига ёш олди.

– Кўчирмайман! Ўлган одамни ҳақорат қилгунча мени ёзинг эди! Раҳматлик отамни гўрида ҳам тинч қўйманг!

Қарасам, Ҳусан қайнотамнинг исми экан.

– Майли, Ҳасан бўлақолсин, – дедим. Хотин бунга ҳам кўнмади.

– У амаким-ку? Умрида оғзига ароқ олган эмас.

– Ҳўп, ана Собир.

– Бўлмайди. Собир ўртанчи тоғамнинг ўғли. Яхши ерда ишларди. яқинда бўшади. Поччам пойлаб юрган экан, дейди.

– Унда Тўлқин бўлсин, майлими?

– Майлию, лекин... Тўлқин холамнинг куёви-да. Божангизни ёмонласангиз айб бўлади. Тўйингизда уч кун тикка туриб берган.

Жаҳлим кўзиди. «Боринг, билганингизни қилинг, фақат тезроқ ёзинг» деб чиқиб кетдим.

Икки соатларда ҳикоя тайёр бўлди. Хотин Хусан Мирзаевични Искандар Зоирович деб ўзгартирибди. Кўрқиб кетдим. Зоир шефизмининг акаси-ку! Хотиннинг калласи ишламаган-да. Дарров Зоировични Гоибовичга айланттирдим.

Бўлим мудури ҳикоямга қўл қўйиб берди. У Искандарни Самандар қилибди. Мухаррир ўринбосаридан кейин қаҳрамоним Тўйчи Муродович, мухаррирдан кейин Сафар Эралиев бўлиб босмахонага тушиб кетди.

Босмахонадагилар қаҳрамонимга Бўривой Қорабоев деб исм қўйиб берибди. Корректурга ўқилаётганда шеф чақиртирди.

-- Бу қандай ўзбошимчалик? – деди жеркиб, – нега мен қўйган исмни ўзгартирдингиз?

– Мен эмас, ҳарф терувчимиз...

– Ие, у қачондан бери таҳририятга хўжайин бўлиб қолди?

Мухаррир хонасига бугун жамоани тўплади. Кўплашиб менинг нотавон қаҳрамонимга исм излай бошладик.

– Ўрмон Азизович, – деди кимдир. Шеф унга еб қўйгудек бўлиб қаради.

– Эс борми ўзи? Катта хўжайиннинг оти Азиз-ку?

– Омон Бердиевич.

– Бўлмас-ов, – чайналди фотомухбир. – Омон ака телефонларнинг хўжайини. Керакли одам.

– Нурмат Одилович...

Бунга муовин қарши чиқди.

– Нурматов молиянинг бошлиғи. Гумонсираб юрмасин. Шундоқ ҳам янги босмахонамиз чала ётибди.

Мухаррир хуноб бўлди.

– Топинглар бўлмаса, нима деймиз? Одам Одамович деймизми?

-- Тоир ака, топдим! – деб бақирдим, – қаҳрамонининг исмини Саъдулла Саъдуллаевич қўямиз.

Ҳамма кулиб юборди.

– Жим, – деди мухаррир, – муаллифнинг гапига нима дейсизлар? Менимча, у келишмаган гапни гапирди. Юқоридагилар ҳам ўйлашмайдими, редакция анархия бўлиб кетибди деб.

Касбдошларим чувиллаб менинг тарафимни олишди.

– Хўп дейқолинг, Тоир ака!

– Боланинг ўз гуноҳи ўзига.

– Газетага шов-шув ҳам керак-ку?

Хуллас, кўпчилик устун келди. Тоир ака иккиланиб бўлса-да, саҳифага кўл қўйди.

Ҳикоям босилиб чиқди. Биров табриклади, биров кулди. Саъдулладан бошқа от куриб қолганмиди, деб хотин лабини бурди. Аммо гапнинг йўғони кейин чиқди. Душанба куни қабулхонада газета варақлаб ўтирсам телефон жиринглади. Телефон параллел эди, билмай гўшакни олиб қўйдим. Туманимиз каттаси экан. У Тоир акани сўроққа тутта бошлади.

– Менга қаранг, сизда Саъдулла Саъдуллаевич деган ходим ишлайдими?

– Ҳа, ҳа, ишлайди, Азиз ака...

– Ўша болани газетга уриб чиқишибди-ку?

– Ким урибди? Қаерда?

– Ўзларингда.

– Э, бу ҳазил, Азиз ака! Ўзи ёзган. Ўз-ўзини танқид маъносида.

– Ўз-ўзини танқид бўлса, бу болани жамоа орасида муҳокама қилиб, чора кўриш керак! Матбуотда бунақа пианиста, худбин ва ҳоказоларга ўрин йўқ. Сиз қандай чидаб келаяпсиз, ҳайронман.

– Тўғри-ю, Азиз ака, лекин... биласизми, бу пелстон эмас, ҳажвия, яъни адабиётда шунақароқ бир жанр...

– Адабиётни биз ҳам биламиз! Адабиёт ҳаётдаги бор нарсаларни ёзади. Гап тамом. Тезда ўша Саъдуллаев масаласини кўриб, қарорини бизга юборинг. Шахсан ўзимга!

– Хўп бўлади. Азиз ака... Алб... Албатта юборамиз...

Аввал у томонда, сўнг биз тарафда гўшак қўйилди. Мен эса гўшакни чангаллаганча қотиб қолдим.





## ЭРКАКЧА ЭРТАК

Хотин – аямажиз эмас. Биз хотиндан кўркмаймиз. Биз уни хурмат қиламиз. Шунинг учун дунёдаги жамики мағрур эркаклар сингари биз ҳам хотиннинг айтган гапидан, чизган чизигидан чикмаймиз.

Ҳаммаси эсимда. Янги йил арафаси эди. Уйга ой чикқанда қайтдик. Хурсандмиз, ўғил кўрган отадай, юрагимиз дук-дук уради. Хоним башарамизга қараб, истехзоли кулди:

– Хуш кўрдик, келсинлар...

– Келдик, раҳмат... Шу, янги йил баҳона... оғайнилар билан ул-фатчилик қилиб... узр энди...

Хотин, афтингизга қаранг, деб кафтдай кўзгу келтириб берди. Афтимизга қарадик. Ўнг бетимда қип-қизил бўлиб, гунчадек лабнинг ўрни турибди.

– Қизик, – дедим минғирлаб, – бу қаёқдан келиб қолдийкин?

– Ҳалиги ўртокларингизнинг биттасиникидир-да! – лабига учуқ тошгандай илжайди хоним. – Тавба, шу замоннинг эркакларига қойил эмасман! Лабига бўёк суртибди-ю, импортнийсини тополмабди.

Мен жонҳолатда ўнг бетимни ишқалай бошладим.

– Э, бўлди, топилди! – дедим суюниб. – Ҳали трамвайда бир кампирга жой берувдим. Шунда у, яша ўғлим, сен ҳам менинг ёшимга ет, деб чўлп этказиб ўпиб олса бўладими?

Хотин совуқ егандай дағ-дағ титради.

– Уялинг! Ҳатто ёлғонни ҳам эплаб гапиролмайсиз!

Бошқаларнинг ёлғон гапи чинга ўхшайди, сиз ростни ростга ўхшатолмайсиз. Ечининг!

Ечиндим. Шипиллаб ичкари уйга қуён бўлмоқчийдим, хотин ушлаб олиб диванга ўтказди.

– Сизнинг тарбиянгиз билан ўзим шуғулланмасам бўлмай- диганга ўхшайди. Бузилиб кетяпсиз. Эртагаёк заводдан пагтангиз- ни олиб келинг. Бизга ўтасиз. Бухгалтернинг ўрни бўш турибди. Директоримиз, ўрта яшар бир одам керак, иложи бўлса, эмизикли боласи йўғидан топинг, деб юрувди. Мана, сиз жуда лойиксиз.

Хотин модалар уйида ишлайди. Модалар уйи – аёллар уйи. Шуни ўйлаб, чўчиброк оғиз очдим:

– Майли-ку... Лекин мен ёлғиз бўлсам... хотинлар чўкиб таш- лашмасмикан?

– Кўркманг, мен борман! – деди хотин кўкрагига муштлаб. – Ўзининг яккаю ягона эрини чўкитиб кўйиб, караб ўтирадиган но- мард хотин эмасман?!

Шундай қилиб, инон-ихтиёримизни хотин келинчаклигида бер- ган рўмолчага тугдиг-у, ма, деб яна ўзининг кўлига топширдик. Энди хоним эрталаб бизни эргаштириб кетадилар, кечкурун эргаш- тириб келадилар.

Хотинлар билан салом-алик қилиш бошқа-ю, бир жойда ўти- риб ишлаш бошқа бўларкан. Ҳар куни вақтли келаман. Олдимга қоғозларимни ёйиб кўйиб, ҳисоб-китоб қилишга тушаман. Бирин- кетин ҳамкасабаларим пайдо бўлишади. Ана, какилдоқ Гулнора, писмиқ Сайёра, эркакшода Шахноза... Улар сумкачаларини так- тук эткизиб столга кўйишади-ю, лабларини қийшайтириб пардоз қилишади. Кейин кечаги воқеалардан бир-бирига ахборот бери- шади. Сайёра уч йил бурун бировнинг лозиматига икки метр бах- мал олиб борган экан, кеча ўзига қайтиб келибди. Бахмал четидаги яшил сиёҳдан таниб қолибди; Гулноранинг овсини бетига аччиқ тош эритиб суртар эмиш, шунда одамнинг юзига ажин тушмас экан; Шахнозанинг кайнонаси кеча юбилей қилибди. Кимдир баланд пошналар туфли совға қилган экан, кияман деб кампир йиқилиб ту- шибди ва тўпиғи чиқиб кетибди...

Ҳадемай аёлларнинг қолгани ҳам келади. Олти хотин ачом-ачом қилиб, роса ўпишишади. Хонани чулдираган чашманинг овози бо- сиб кетгандай бўлади. Қайта бошдан «сўнгги ахборот» бошлана- ди. Мен чидайман. Қоғоздан бош кўтармай, кўш бармоқлаб, чўт қоқаман. Бироқ ўн саккизни ўн саккизга кўшсам, қайта-қайта қирк олти чиқаверади.

Нихоят, ярим соатларда махалла-кўй мавзундаги шошилинч аҳборот тугайди. Ҳамма ишга ўтиради. Арифмометрларнинг ғижиллаши, ёзув машинкаларининг шақиллаши эшитилади.

Шу зайдда тахминан ярим соат ўтади. Бир вақт Дилдора пик этиб кулади. Мен хавотирланиб дастрўмол билан юз-кўзимни артаман. Сайёра маъноли товушда «Ҳм!» деб йўталади. Мен дарров тугмаларимни текшираман. Ҳаммаси жойида.

Яна ўн-ўн беш дақиқа ўтади. Энди какилдок Гулнора гап кўзгайди:

– Хосият, – дейди столдан бош кўтармай, – бир нарсага ҳайронман. Нега хотинларда сокол йўқ, а?

– Айтардим-ку, Роҳатиллака бор-да! – дейди Хосият.

Мен пинагимни бузмайман.

– Роҳатиллака, бирпас чекиб келмайсизми? – дейди Латифа.

Мен тихирлик қиламан:

– Вақтим йўқ. Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Аёллар ёлворишга тушади:

– Хўп дея қолинг, жо-он Роҳатиллака... Одамнинг юраги сиқилиб кетди. Бир кулишиб олайлик.

Ноилож кўзгаламан. Эшикни ёпар-ёпмас, ортимда гур кулги кўтарилади.

Шундай қилиб, кунлар ўтаверади. Хотинлар билан иноқ бўлиб кетдик. Кўпинча бирга тушлик қиламиз. Улар мени нукул ширинлик билан сийлашади. «Кекс»дан атирнинг ҳиди келади, тортга лаббўёк суртилганга ўхшайди, патир есам – упа ялагандай бўламан.

Бобом раҳматлик, одам ҳадеб гулга қарайверса ўзи мулойимлашиб, ранги ҳам бошқача бўлиб қолади, дегувчи эдилар. Мана, аёллар орасида салкам қирқ кун ишляяпман-у, уларнинг кўп хислатларини ўзлаштириб олганимни билмай қолибман. Чой ичсам, жимжилоғимни кўтариб тураман, кулсам, оғзимни юмиб куламан, бедана юриш қилиб йўрғалаб юраман. Ҳатто ўрнимдан турсам, орқамни бир силаб кўядиган қилиқ чиқардим. Эркак оғайниларимни учратсам, «кўришиб турайлик, ўргилай» деб юбораман. Уйда эса, хотин билан тез-тез тошойна ғалашиб қоламиз.

Илгари эмансипация, деса тушунмасдим. Бу хотин пошшо дегани экан. Бундоқ ўйлаб қарасам, ана шу эмансипация гирдобиди

ғарк бўлиб кетай деган эканман. Бу гирдобдан мени яна хотиннинг ўзлари кутқариб қолдилар. Бир куни уйда биқинларига ўтказдилару, кўзларимга тикилиб сўрадилар:

– Сиз аёл билан эркакнинг фарқини биласизми?

– Биламиз, – дедим тутилиброк, – хўш, аёл бу – аёл, эркак – эркак...

– Сизда мана шу фарқ йўқолиб кетаяпти, – дедилар хоним, – на бир гапни кесиб гапира оласиз, на мундоқ зардангиз бор! Ҳатто кўринишингиз ҳам эркакка ўхшамайди. Манг, афтингизга бир қаранг!

Хоним кўзгучаларини бердилар. Олиб афтимизга қарадик. Кўзгуда икки бети накш олмадек кип-қизил, иболиккина, чуваккина йигит кўз сузиб турарди.

– Нима қилай ўргилай, айтинг? – дедим ерга қараб.

Хоним жиғибийрон бўлди:

– Ана, мустақил фикрингиз ҳам йўк! Яна заводга борасиз. Эркак деган мундоқ ўзига ярашадиган ишни қилиши керак.

Хўп, деб дарров паттамингни олдик. Хотинлар кичкина зиёфатча уюштириб, мен билан хайрлашдилар.

– Роҳатиллака, зерикканда келиб туринг. ҳасратлашиб, кўнгил ёзиб кетасиз, – дейишди ҳамкасабахонларим.

– Вой, келмай ўлибманми, албатта келаман, қоқиндиклар! – дедим ва хотинларнинг султониға эргашиб уйга қараб йўрғаладим.

Қайтиб, кадрдон заводимга бордим. Ҳозирча эркакчасига катта-катта қадам ташлаб, залворли юришни машқ қилаяпман. Эски улфатларим омон бўлса, ҳадемай чойхонаға боришним ўрганиб оламан.



Багуарар





барининг қат-қатидан насоим ул-муҳаббат – муҳаббат шабадалари эсади. Инсонга муҳаббат, гуллар, чечакларга, бу гўзал хилкатни яратган халлоқи оламга бўлган чексиз ишқ уфуриб турибди.

Ҳамонки гапимиз ишқи илоҳийга бориб уланган экан, Навоий Ҳазратларининг бу мавзуда ҳам ўзига хос ўқтамлик ва эҳтирос ила қалам сурганига гувоҳ бўламиз. Ҳазрат аввало, буюк мутафаккир, қолаверса, нақшбандия тариқатининг муҳиби, етук мутасаввуф сифатида «Насоим ул-муҳаббат» номли шоҳ асарини яратди. Унда шарқда яшаб ўтган 770 та валийнинг мухтасар таржимаи ҳолини баён қилди. Шоир «Арбаин» отлик асар битиб, жаноби пайғамбаримизнинг қиркта ҳадисини туркона назм ила безади. «Назм ул-жавоҳир»да эса, Ҳазрат Алининг икки юз ҳикматига рубоий боғлади.

Таассуфки, кизил тил бор экан, маломат ўлмас, деганларидек, авлиё шоир таъна тошларидан кутулмади. Бир куни шоҳ мажлисларида қатнашиб юрадиган бир кимса Навоий хусусида сўз очиб ғийбат қилди: «Орий рост, Мир Алишер малик ул-шуаро, анинг назми кўнгилларни алғов-далғов қиладир. Бул жаноб бисёр хайрли ишлар қилди, работи олий бино этди, масжид, мадраса туздирди. Вале бул амаллар тонгла маҳшарда ҳисобга ўтармикан?» Навоий бу маломатга жавобан «ислом уйини маъмур» этадиган махсус рисола ёзишга қасд қилди. Шу тарика «Сирож ул-муслимийн» – «Муслимлар чироғи» асари вужудга келди. Гўзал шеъриё услубда ислом аркони баён этилган мазкур асар сўнгида буюк бобомиз орзуманд бўлиб дейди:

Умидим улки, ҳар ким ўкуғай,  
Мунинг нури била кўнгли ёруғай.

Ва ниҳоят, умр карвони манзилга етар чоғида шоир кодир оллога тавба-тазарру қилиб, машҳур ва манзур «Муножот» асарини битади. «Муножот»ни қайта-қайта ўқидим. Баъзи сатрлари хотирамга ўрнашиб қолди: «илоҳи, ғафлат уйқусида мен, бедор қил ва жаҳолат мастлиғидамен, хушёр қил «Бундоқ тазарру, бобомиз ибораси билан айтганда, кўнгил мулкида кўзғолон пайдо қилади.

Аёнки, умр ўткинчи. Инсон боласи тириклик дея аталмиш омонат манзилни босиб ўтиб, фано даштидан бақо гулшанига кўчар

экан, кечмишига бир қайрилиб назар солади. Дунёга қандок келди-ю қандок кетмақда? Савоб амаллар қилдими? Залолат ботқоғига ботмадими? Эл-улуснинг дуосига ноил бўлдими? Ажру мукофотдан умидворми? Ёхуд бу ёруғ оламни қаро юз ила тарк этмақдами?

«Муножот»ни қайта-қайта мутолаа қилиб, камина ана шундай хаёлларга бордим.

«Муножот» Навоийнинг шоҳ асарларидан бири. У ҳажман кичик, бироқ ундаги ҳар бир сўз гавҳардек порлаб турибди. Зеро гавҳарнинг катта-кичиги бўлмайди: ёнғоқдек бўлса ҳам, тирноқдек бўлса ҳам гавҳар – гавҳар.


Жон чиқар пайтида иймон гавҳарин кўксимга сол, айлагил жондин жудо, лек этма иймондин жудо, – дейди буюк шоир бир ғазалида. Назаримда бу сатрларни «Муножот»га хатбоши қилиб кўйиш мумкин.

«Муножот» ҳақ даргоҳига тадоригини кўриб қўйган кекса до-нишманднинг кўнгил рози, илтижоси.

Зикр – жон роҳати дейдилар. «Муножот» бир умр яратганга зо-кир бўлган, шокирликни икки дунё саодати деб билган валиуллоҳ зотнинг дил фиғони, тазарруси, истиғфори.

«Муножот» ўзгаларга меҳр кўргузиб меҳр топмаган, ўз таъбири билан айтганда, замондан иссиқ-совуқ ҳам, аччиқ-чучук ҳам тотган бир муруват пешвосининг ноласи, ўкинчи, надомати.

«Муножот» – авлодларга аталган ўтли бир васият, ғофиллар учун сўнмас ибрат, оқиллар учун дурри ҳикмат ва жоҳилларга отилган санги маломат.





## ХОРАЗМНИНГ СЎНГГИ МАЛИКАСИ

Ёшлигимдан Хоразм элининг шайдосиман. Дунёга Беруний, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Махмуд, Огахий, Комилжон Ота-ниёзов каби зоти шарифларни берган халқ тарихи соҳира сайёрадек хаёлимни тортаверарди. Хоразмга қайта-қайта қатнадим. Замондошларимиз ҳақида бадиалар, хикоялар, киссалар ёздим. Кўнглим тўлмади. Бу ажиб диёрнинг якин ўтмиши борасида каттароқ асар ёзгим келди. Ўйлаб-ўйлаб, Муҳаммад Раҳимхони соний – Феруз даврини танладим. Табибий, Аваз, Чокар, Мутриб каби шоирларни бош қаҳрамон қилиб олдим. Яна Хоразм сафари бошланди. Етмишинчи йилларда Хевага ҳар йили бир-икки марта борардим. Бахтимга ўша пайтлар хон саройида хизмат қилган хос мулозимларнинг баъзилари ҳаёт эди. Улар билан суҳбатлашиб, Мадрайимхон, унинг тантик ўғли шахзода Исфандиёрнинг шахсияти, хонлик мухити, саройдаги амалдорларнинг феъл-атвори хусусида ноёб маълумотлар тўплардим. Менинг бу ғаройиб сафарларимда жонга туташ оғам, болаларнинг севикли шоири, ўта камтарин инсон Дўстжон Матжон билан сабоқдош дўстим, Хоразмнинг эрка шоири Эркин Мадраҳимов (Ошиқ Эркин) йўлдош бўлдилар.

Бир куни Эркин янги гап топиб келди.

– Суюнчи беринг, дўстим! Кенжа малика тирик экан. Омадингиз чопди.

– Қайси? – дедим хаёлимни йиғиштиролмай, – Исфандиёрнинг жуфти ҳалолими?

– Ҳовва! Исломхўжанинг қизи, Мадрайимхоннинг келини, Исфандиёр тўранинг шаръий тўртинчи хотини.

Турган гапки, ичимда севиндим. Агар маликани тополсак, у билан гаплашолсак... ҳоҳ ҳарамни тўғрисида қимматли маълумотларга

эга бўлардик. Ахир сарой ичкарасидаги пинхоний олишувларни, ҳарамдаги фиски-фужурлару тахт учун курашларни маликачалик яхши биладиган кишини топниш амримаҳол эди.

Маликанинг дарагини излашга тушдик. Кимдир уни олис бир кишлокда яшайди, деди. Кимдир, малика Хевада, аммо унинг турган ерини ҳеч ким билмайди, буни сир тутадилар деди. Айтишларича, орадан шунча замон (қарийб эллик йил) ўтган бўлса-да, малика хон хотини эди, деган тавқи лаънатдан чўчиб, уйма-уй бекиниб юрармиш.

Одамларнинг миш-миши ростга ўхшарди. Биз Дешан қалъани, Ичон қалъани кезиб, маликанинг изини суриштирдик. Тайинли бир иш чикмади. Ўша кунлари тасодифан хон саройида хизмат қилган ошпаз билан учрашиб қолдик. Эркин ҳар хил кулгили гаплардан гапириб, ошпаз отанинг кўнглини олди. Гап орасида, «Сиз ахир ҳарамдаги хонзодаларга ҳам томоқ пишириб бергансиз, тўғрими, ёшулли?» деди. Отахон, «Ҳовва» деб керилди.

– Сиз айтқон хонзодаларнинг бириси ҳозирда тирик, – деди отахон. – Исфандиёрнинг заифаси-да. У Хеванинг бир кунжагинда туради.

Биз сувсиз саҳрода адашиб юриб, нақ булокнинг устидан чиқиб қолгандек хурсанд бўлдик.

Нихоят, маликанинг манзилини топдик. У Дешан (сиртки) қалъадаги торгина бир кўчада узоқ бир қариндошининг уйида яшар экан. Ёзнинг иссиғида терлаб-пишиб кириб бордик.

Чорбурчак, мўъжазгина ҳовли. Қираверишга анвойи гуллар экилган. Ўртада бир тупми, икки туп дарахт кўкариб турибди. Ҳовли тўрида энсиз, узунчоқ айвон. Уй эгаси, ўттиз ёшлардаги аёл бизни унча хушламай қарши олди. Ниятимизни эшитиб энсаси қотди, лекин бир сўз демай бизни айвонга бошлади. Айвонда ёғоч сопли елпиғич билан ўзини елпиб, ўша мутараққий бош вазир Исломхўжанинг сулув қизи, назм мулкининг султонларидан бири Ферузнинг оқила келини Азиз пошшо ўтирарди! Умримда тирик маликани-илк бора кўриб турганим учунми, бир лаҳза онахонга тикилиб қолдим. Малика оқ-сарикдан келган, қирра бурун, гавдалик, кўзлари жайронникидек, бармоқлари узун-узун эди. Эғнида оддий чит кўйлақ, бир кўлида тасбех. Чап кўлининг бармоқларида арзон

узуклар ялтирайди. «Ҳозир ҳам хусни-тароватини йўқотмабди, ёшлигида гўзалларнинг гўзали бўлган бўлиши керак», деб кўйдим ичимда.

Эркин мени онахонга таништирди.

– Анабийи, манови жўрам Тошканнан галди. Ўзи ёзувчи. Ижозат берсангиз сиз билан тўрт-беш оғиз сўллашмоқчи бўлаётир.

– Нени сўллашажак?—деди онахон юзини чала буриб, – ёзувчилар ўтрик ёзади. Ман ёзувчи халкидин ўпкаладим.

Пошшо ойимнинг нега ёзувчилардан кўнгли қолганини сал туриб билдик. Қайсиям бир қаламқаш Хоразмнинг яқин ўтмишидан китоб ёзибди. Унда маликанинг ҳам тимсоли бор экан. Муаллиф ҳарамхона муҳитини тасвирлаётиб, малика саройдаги бир амалдор билан дон олишарди, деб юборибди.

– Девона бўлганми бу одам? – деди аччиқланиб хоним ойим, – ман кимсан вазири акбарнинг кизи бўлсам, Исфандиёрдек қаҳри ёмон хоннинг жуфти ҳалоли бўлсам! Нечук айғоқчи Али Маҳрам билан дон олишаман? Бизлар ижозатсиз ҳарамдан бир қадам босиб кўчага чиқолмас эдик. Ота-энамни ҳам ойига бир мартагина кўрардим. Йўқ, ман ёзувчи зоти билан тиллашмайман, вассалом!

Хижолат бўлдик. Яхшиям Эркин жўрам бор экан. У ҳар қандай мушкул вазиятдан чиқиб кетиш йўлини биларди. Бу сафар ҳам санъатини ишга солди.

– Анабийи, бул жўрам ўтрик айтмайди, туврисини ёзажақ. Али маҳрамга менгзаган айғоқчи Азиз пошшонинг эшигина ҳам йўлай олмасди, деб ёзилса тухмагчининг бети қора бўлади. Ул киши ичинан тўкиб ёзибди, бизлар ўзингиздан эшитган гапни ёзамиз. Шунда одамлар сизнинг покиза эканлингиза ишонадилар. На дедингиз, анабийи?

– Маъкул, – деди кейин бош силкиб, – на гапларинг бор эди манда?

Маликанинг рози бўлганини эшитиб суюндик. Мен дарҳол сўрадим:

– Ҳарамдаги ҳаётдан сўзлаб беринг, хонойим.

Онахон чарчоқ кўзларини шифтдаги тоқиларга тикиб, бир софия жим бўлиб қолди. Кейин тилга кирди.

– Ҳарамдаги ҳаёт... У тилла қафаснинг ўзи эди. На десангиз мухайё, валекин тоза ҳаво йўқ. Ҳарам тўрт девор, кичкина чорбоғ, тиловати куръон, отиноининг ваъзи, халфа жувонларнинг ўйини, беш вақт номоз, емак, ичмак, кундош хотинларнинг жафоси. Кундошим менга заҳар берган экан, боламдан айрилдим.

– Собир так-так деганлари ким эди анабийи?

– У ўриснинг мошинини юргизар эди. Оқшом бўлса сандикдай мошин такиллаб юради. Менинг хонамда бармоқдай-бармоқдай беш-олти чирок ёнади. Хуфтонда ўчади. Чунки, мошин эгасина «Собир так-так» деб лақаб қўйганлар.

– Ўрис чирок ҳарамдаги бошқа хоналарда ҳам ёнармиди?

– Йўқ. Кундошларим шамчирок ёкиб ўтиришир эди. Шунга менга ҳасад килиб ёмонлик тилашарди-да. Исфандиёр отамдан кўрқарди. Отамнинг обрўси баланд эди. У окпошшо билан ўрисча сўллашарди. Ўрис тўралари Исфандиёрга эмас, Отамга кўпроқ кулок соларди. Шунгами, хон отамни ёмон кўрарди.

– Исломхўжани ўриспараст бўлган деб айтадилар.

– Ўриспараст эмас, миллатпараст эди отам. Деҳқон билан ко-сибнинг ёнини оларди. Солиқларни камайтираман, деб хон билан тортишарди. Саройдаги амалдорлар хазинани еб ётибдилар, уларга ойлик маош тайинлаш керак, деб хондан фармон сўраган. Хон кўнмаган. Отам ёшларга диний билим билан бирга дунёвий илм ҳам берайлик, деб талаб қилган. Хевада хабарнома очтирган. Уни ҳозир пошта дер эканлар. Эрондан тошбосма олиб келиб, китоб чоп эттирган. Отам қалъада икки ошёнли шифоҳона солдирди. У ерда бенаво, қашшоқ кимсалар ётиб текин даволанар эди. Беморларни бизнинг табиблар каторида ўрис, тотор духтурлари ҳам боқар эди. Отамнинг бу хайрли ишлари хонга ёқмади. Охири каллакессарларини ёллаб, отамнинг жонига қасд қилди.

Малика кўзига ёш олди. Чнт қўйлагининг узун енги билан қовоқларини артди. Эркин онахоннинг кўнглидаги ғашликни ҳайдаш учун мавзунни ўзгартирди.

– Анабийи, сиз умрингизда ювилган қўйлак кийганмисиз?

– Йўқ-а, – деди малика, – қиз вақтимда уйимда эрка эдим. Ҳарамга келиб ҳам сувга тушган қўйлак киймаганман. Ҳар куни азонда оқсоч аёл янги қўйлак кийдиради. Оқшом уни ечиб ташлай-

ман. Эртаси боз тоза либослар келтирадилар. Сарой удуми шундай эди-да.

Малика бир лахза жим бўлиб қолди. У харамда ўтган чигал ҳаётини қайта эслаётгандек оху кўзларини юмиб ўтирарди. Ниҳоят биз тарафга боқди.

– Сизлар ман шўрликни бошиннан гечган кунларни нетиб сўрамай турибсизлар? Бу ғариб боштин нелар ўтмади, ё оллоҳим!

Бундай сўроқ бериш кўнглимизда бор эди, бироқ маликанинг дил ярасини янгилашни ўйлаб истиҳола қилиб тургандик. Анабибининг ўзи гап очдию мушқулимизни осон қилди.

– Ўн олти ёшимда шаҳзода Исфандиёрнинг никоҳина кирдим. Саккиз йилдан сўнг қайнотам Мадрайимхон – илоё анинг жойин жаннатда бўлғай – оламдан ўтди. Ўрнига Исфандиёр хон бўлди. У саккиз йил давр сурди. Аммо авом халққа чандон жабр қилди. Охири ёмонлиги ўзининг бошига етди. Минг тўққиз юзу ўн саккизда Жунайдахон одамлари калласини олди. Бир тўп бева-бечора харамда чувиллаб қолабердик. Ёш хиваликлар деган бир гуруҳ пайдо бўлди. Улар инкилоб қилиб хонлиқ тахтини йиқар эмиш деб эшитдик. Рост бўлиб чиқди. Бир-икки йилдан кейин юрт бошига шўролар келди. Ана ундан кейин кирғин-барот бошланди. Хоннинг кучугина томоқ берган касни-да ҳибсга олабердилар. Шўролар харамни камокқа солди. Бизда на айб? Бор гуноҳимиз хон хотини бўлганимизми? Оллодин тилаганимиз ижобат бўлдими, бир муддат ушлаб туриб, озод этдилар. Энди Хевада яшамакка ҳаққимиз йўқ экан, туркман тарафлара бош олиб кетдим. Тошовузда отамнинг хешлари бўлгувчи эди, шулардан паноҳ топдим. Локин... Эрта кулмаган кеч кулмас экан. Тошовузда ҳам, бу хон хотини деб кун беришмади. Қорақумга чиқиб кетдим. Қўйчивонларнинг молини боқдим, кирини ювдим. Таппи босиб, чалма куйишни ўргандим. Елкам обкашдан яғир бўлди. Куви пишдим, тезак тердим, кели туйдим. Маликалим эсимдан чиқиб кетди. Қўлларимнинг қадоғи энди ёзилди.

Малика катта қафтларини ёйиб кўрсатди. Илк бора илжайди. Ясама садаф тишлари ярқираб кетди.

– Қорақумда анча йил қолиб кетдингизми?

– Уруш бўлмаганда ўлгунча қолиб кетармидим, худо билади.

Ёшулдиларнинг хаёли жанггоҳдами, бизга менгзаган хонзодаю

хонбикалар хотирдан чикқандай бўлди. Уруш оёқлаганда Хевамга қайтдим. Йигирма йил бўлди, мана шу кунжакда Гулжон қизим билан чойлашиб ўтирибмиз, ўзига беҳад шукрлар бўлсин...

Малика тасбеҳини олиб ўгирди. Кейин бизга узок умр, ишимизга барор тилаб узун дуо қилди.

– Сизлардан бир ўтинчим бор эди, ўгилларим.


– Айтинг, энажон. қўлимиздан келса, бажонидил...

– Қўлларингдан келади. Меннинг бу ерда турганимни бировга айтиб юрмасангиз, деган тилагим бор. Исфандиёрнинг завжасини кўрайлик, деб халойиқ эшигимни тўздирмасин-да. Неча кунлик умрим колди, худо билади, бир пиёла чойни бемалол ичсам дейман.

Маликанинг илгимосига йўқ дейиш мумкин эмас эди, қўлимизни кўксимизга қўйдик.



---



## ҚАНОАТИНГ – ҚАНОТИНГ

Қохиранинг кунботарида, азим Нил бўйида Луксор деган дўппидек шаҳарча бор. Луксор – осори атиқалар, минг йиллик обидалар ўлкаси. Дарёнинг чап соҳилидан Шоҳлар водийси бошланади. Албатта, энди бу водийнинг «шоҳ»лиги қолмаган. Паст-баланд, гиёҳсиз, тақир қирлар, археологлар чала қазиб кетган хандаклар, яккам-дуккам заранг дарахтлари кўнгилга маҳзунлик солади.

Йил – ўн икки ой Шоҳлар водийсидан одам оёғи узилмайди. Бу ерда минг-минг йил бурун мўмиёлаб кўмилган Миср фиръавнларининг дахмалари бор. Уларнинг энг машҳури – Тутанхамон жасади ҳам шу водийдаги кўримсиз бир тепалик бағрида сокин. Торгина ўзандан бориб қоронғи ўнгирга кирасиз. Пойгакда қабрхона. Унинг олдидаги икки харсанг тошга турли шакллар солинган. Бу қадимги Миср ёзуви экан. Йўлбошловчи тошлардаги битикни ўқиди. Битик мазмуни тахминан шундай эди: «Эй, омонат инсон! Сабру қаноатни одат қил. Қаноат – қанотдир, сени кўкларга олиб чиқажак. Ҳою ҳавас қули бўлма, ҳарислик мисли занжирдирки, оёғингдан тортиб, тупроқ қаърига элтгай».

Бу ёзувга роппа-роса 3100 йил бўлибди. Уч минг йиллик битик қаршисида ҳаёлга толдим. Инсон фарзандини сифатловчи атама-лар бир талай: табиат шоҳи, олий мавжудот, тафаккурда тенгсиз мўъжиза... Ана шу «тенгсиз мўъжиза»нинг моғораларни тарк этиб, ўзига бошпана ясашни, олов ёкишни ўрганганига, жилға хонишидан, қушлар сайроғидан завқланиб илк бор бош тебратганига неча миллион йил бўлди. Миллион йилдан бери инсон ўзгаришда, тинимсиз такомилда. У ўнлаб жамоаларни, жамиятларни, тарихий тузумларни босиб ўтди. Ниҳоят, биологлар тилида хомо сапиенс – идрокли инсон деган ном олди. Илгари унинг ҳаёли осмонда эди,

энди оёғи ойда, юлдузлар остонасида. Аммо инсон деган шарафга мукобил ўларок харислик, очкўзлик, худнамолик, бировнинг молига кўз олайтириш, айёрлик, риё, хуллас, хиёнат ҳисобига бойлик орттириш каби унсурлар ҳамон қонида мавж урмоқда.

Нега шунақа? Бу дилтанг сўроққа ўзимча жавоб излаган бўламан.

Одам Ато фарзандлари бугун хайрул-башар, яъни яхши инсон деган муқаррам номга сазовор бўлди. У минг йиллик дардларига даво топди, табиатда содир бўладиган турли балоларнинг олдини олишни ўрганди, илми ғайбнинг мўъжаз дарчасини очди – обхавони башорат қиладиган бўлди, олами кабир, олами сағир каби тушунчаларнинг мағзини чакди, хуллас, замонасининг ғолиб ва ўктам хожасига айланди. У оламни ўзига бўйсундирди, вале ўз вужудини қуртдай кемириб, емириб бораётган нафс деб аталмиш иллатни енголмади. Ҳазрат Навоий «Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд», деган эдилар. Не ажабки, дунё мушкулларини ечишга қудрати етган инсон зоти нафси аммора қаршисида ҳамон ожиз, ҳамон бечора, йўқса, у бир шилдироқ «кўк қоғоз» илинжида диёнатини сотмасди, кўли калта кўшниси билан икки метр ерни талашмасди, ота-онасини жиллакурса оинга бир марта зиёрат қиларди, таниган-танмаганни тўйга айтиб, минг кишилик ош бериб керилмасди. Ва ниҳоят, бировнинг ҳақидан ҳазар қиларди, айниқса, етим-есирларнинг ризқига кўз олайтирмасди...

Саккизинчи асрда ориф аёллар мартабасига етишган зоти шарифалардан бири Робиа ал-Адавия эди. Бу доно аёл ҳақида ажиб ривоятлар бор. Шулардан бири мана бундай.

Бир куни Робиадан сўрадилар:

– Муаллима хоним, нафси шайтон устидан ғолиб келиш мумкинми?

– Мумкин, – деди Робиа ва ҳикоятини бошлади, – неча кун танҳо ўтириб, ип йигирдим. Калава қилиб сотсам бирон егулик оларман, деб ўйладим. Сотдим. Икки кумуш танга бўлди. Бир тангани ўнг қўлимга, иккинчи тангани чап қўлимга олиб, сиқиб ўтирдим.

– Нега ундай қилдингиз, хоним?

– Негаки, икки танга бир қўлимда бирлашса, шайтонга айланмасин, мени йўлдан уриб, хор қилмасин, дедим.

Бу ривоятни эшитиб бир тумандаги аёл – бош табиб хонимнинг қилмиши ёдимга тушди. Бу аёл кўп йиллар эл кафтида юрди, мажлисларнинг тўрида ўтирди, тумандагилар «опа-опа»лаб соясига салом беради. Бош табиб хоним эса бир куни халқ хурматига жавобан... пора олиб қўлга тушди. Одамлар ёқа ушлаб қолишди. Ёши бир ерга борган, ўғил-қизнинг ташвишидан кутулган, неварачевараларининг ҳам ғамини еб қўйган пайтда бунчалик тубанликнинг маъноси не эди? Ўрганган кўнгил ғавғосими? Тийилмаган нафс қуткусими? Одам томирида қон билан бирга шайтон ҳам оқиб юрармиш. Бу раҳбар опа шифокор бўлатуриб, қонтомирдаги маккор душманни яхшилаб таниб олмаган экан-да? Водариғ!

Ёзув пайдо бўлибдики, аҳли дониш қаноат ва тама, тавозе ва кибр, диёнат ва риё тўғрисида ўлмас битиклар битиб келади. Юқорида Миср фиръавнларининг бундан уч минг йил бурунги хикматини келтирдик. Исломнинг муқаддас китоби Қуръони каримда мухтасар қилиб, «нафс... барча ёмонликларга буюргувчидир», дейилади. («Юсуф» сураси), ҳадиси шарифда эса Расулуллох (с.а.в) сизу бизга хитоб қилиб дейди: «Эй, инсон фарзанди! На озга қаноат киласан ва на кўпга тўясан! Тани-жонинг соғ-саломат ҳолда тонг оттираётган бўлсанг, ўзинг хотиржам эрсанг ва бир кунга етарли емишинг бор бўлса, бу ўткинчи дунёга парво қилиб нетасан?» Юсуф Хос Ҳежибдан Аҳмад Югнакийгача, Имом Ғаззолийдан Алишер Навоийгача, Ҳаким Термизийдан Абдулла Авлоний ва Фитрат домлагача – барча-барча алломаи давронлар нафс туфайли инсон бошига тушадиган кулфатлардан огоҳ этиб, халойиқни амри маъруфга ундаб келдилар.

«Қаноат деб ўзига керакли нарсага эришмакка айтилади». «Бошқаларда кўрган нарсани қаттиқ истамаслик ҳам қаноат саналади». Буни Ибн Сино айтган. Эътибор беринг: бошқаларда кўрган нарсани қаттиқ истамаслик... Биз нима қилаяпмиз? Яширишнинг хожати йўқ, биз гоҳи-гоҳида бировларнинг яшаш тарзини жуда-жуда «истаб» қоламиз. Аммо дўппини олиб қўйиб, бир лаҳза сарҳисоб қилмаймизки, ўша одам мансаб курсисиди ўз исғёдоди туфайли ўтирибдимми ёҳуд қўли узун тоғасининг шарофатими бу? Тутзордаги осмонўпар қаср ҳалол пул эвазига солинганми ёки пора ҳисоби-

гами? Тўплаган мол-мулки унга вафо қилармикан ёхуд ўтники – ўтга, сувники – сувга... дегандек бир кунни елга совурилиб кетармикан?

Тасаввуф пешволари нафсни сурат ва сийратига қараб нафси аммора (қайсар), нафси лавома (жазога лойик), нафси раддийа ҳамда сафийя, яъни покланган, олийжаноб нафс, дея тоифаларга ажраганлар. Биз кундалик истеъмомда бу тушунчаларни оддийгина қилиб ҳайвоний нафс, руҳоний нафс, дея қўллаймиз. Жонли махлуқотнинг жумладан, одамзоднинг моддий эҳтиёжини англаувчи нарсалар ҳайвоний нафсга кирса, ёлғиз инсон фарзандига хос бўлган жавҳар, инсоннинг руҳий дунёсидан мувозанатда ушлаб турадиган нарсаси – бу руҳоний нафсдир. Ана шу мезондан келиб чиқиб, ён-атрофимизга боқадиган бўлсак, шоир Завқий айтмоқчи «Қўл якоға боргудек турфа замон» манзараларига дуч келамиз.

Азим шаҳарнинг янги маҳалласи. Бир серфарзанд киши уй солмоқда. Бир қаватли, ихчам, камтаргина. Унинг девор кўшнисини ҳам тўрт кишилик оиласи учун иморат тикляпти. Аммо бу бино уч қаватли, хашамдор, йўқ деганда 10–12 хонали. Иккинчи қаватда ҳаммом, катта ҳовуз, учинчи қаватда билардхона. Ҳали бу бойваччанинг касри битгани йўқ. Битганда бечора камбағал нима қилади? Ҳовлисида эмин-эркин ўтиролмай, чўзилиб ётолмай, юраги қон бўладими? Ахир тепасидаги уйнинг учинчи қаватидан қимирлаган жоннинг бари кўриниб туради-ку? Тўрт кишилик оиласи шунча даб-дабали қошона қуриш шартмиди? Кўрдинларми, мен қимман, деб керилиш қайси мазҳабга тўғри келади? Майли ўша соҳиб давлат уйини ҳалол пулга қурган бўлақолсин. Аммо бировларни ранжитиб, мутгасил ўкситиб яшаган қимсаннинг умрида фароғат бўладими?

Биз кўпинча нафсни тор маънода тушунаемиз. Уни ёлғиз моддий неъмат ўрнида кўраемиз. Аслида нафснинг шакл-шамойили турли-туман. Масалан, амалини сунистеъмом қилиб, бир ғарибга зулм ўтказиш руҳоний нафс шиддати эмасми? Ёки обрў талашмоқ, муқофоту унвон учун қинғир йўллардан фойдаланмоқ, бировларни камситиб, бировларга етти букилиб таъзим қилмоқ сингари турланиб-товланишлар шайтоний нафснинг жилвалари, ўйинлари эмасми? Ана шунинг учун ҳам ўтмишда ҳаққа етишган авлиёи қабирлар «Дунёдаги буткул фожаларнинг ибтидоси нафси шайтон васвасаси

туфайлидир», деб кўйибдилар. Пири Туркистон дея шараф топган шайхулмашойих Аҳмад Яссавий деярли ҳар бир ҳикматида бизни нафс хуружидан огоҳ этади: «*қирққа кирдинг, нафсингни қирқ, нафсинг сени оғир дамда гадо қилгай*».


Оташнафас шоиримиз Сўфи Оллоёрнинг мана бу сатри бугун ҳам гўё хитобдек жаранглайди:

Кўмилган термулиб  
турғондан ортук!

Қаранг, бировнинг мол-дунёсига кўз тикиб, тама килиб тургандан кўра ер қаърига кирган афзал эмиш.

Мулоҳазаларимни Навоий бобонинг мана бу ҳикматли сўзлари ила якунлагим келди.

То хирсу ҳавас хирмони  
барбод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат  
обод ўлмас.





## СЎЗ МУЛКИНИНГ ЗАРГАРИ

Мирзакалон ака билан мени раҳматлик Рустам Раҳмонов таништирган эди. У пайтлар радиокомитетда ишлардим. 1963 йил 15 ноябрда «Ёшлик» радиостанцияси очилди. Бизга Рустам ака бош муҳаррир бўлиб келди. Ҳали киркка бориб-бормаган, этликкина бўлса-да, ҳаркатчан, ғайратли, ширинсўз киши эди. Хуснихат эди. Йирик-йирик ҳарфда дона-дона қилиб ёзар, сўзлари саҳифада маржондек тизилиб қоларди. Баъзан матнни машинкадан чиқаришга улгурмасак, дикторлар Рустам аканинг кўлёмасини ўқиб бера қоларди.

Рустам ака тафаккури кенг, қалами ўткир, дунёнинг ишларини аниқ-тиниқ ва ҳолисона баҳолайдиган етук инсон эди. У кишининг жонкуярлиги, ташаббускорлиги, ёшларни ўйлантрииб, ҳаяжонга солаётган муаммоларни дангал баён этиши туфайли «Ёшлик» радиостанцияси тез орада машҳур бўлиб кетди. «Ёшлик» ёшларнинг сирдошига, маслаҳатгўйига айланди. Бунда устоз Мирзакалон аканинг хизматлари айниқса улуғ бўлди.

Ойма-ой юзлаб хат олардик. Бир куни навбатдаги конвертни очдим. Хат эгасининг исми-фамилияси йўқ, фақат махфийроз, дея имзо чекибди. Бу ҳаётдан безган, руҳан тушкунликка тушиб, бошини қайси деворга уришни билмай танг аҳволда қолган бир йигитнинг арзи ҳоли эди. Рустам ака хатни ўқидию, «Буни Мирза акага берамиз, домладан жўяли гап чиқади», деди. Эскидан қадрдон бўлганлиги учунми, Рустам ака устозни Мирза ака дер экан.

Махфийрознинг хатини Мирзакалон акага етказдик. Нотавон йигитнинг дарди-дили домлага ҳам қаттиқ таъсир қилган шекилли, тўрт-беш кун ўтмасдан Мирза ака Махфийрозга жавоб ёзиб келдилар. Жавоб илҳом билан, жўшиб ёзилган эди. У гўё оқилу доно бир

зотнинг ўз дилбандига куюниб айтаётган гапини эслатарди. Домла-нинг жавоб хатида таъна ҳам, танбеҳ ҳам, ўғит ҳам, маслаҳат ҳам бор эди. «Эй навқирон йигит! Сенки ҳаётингда илк бор изғиринга дуч келибсан, унга дош беролмай, бош эгиб турибсан. Шу эр кишига ярашиқликми? Инсон умри синовлардан иборат. Одам бошига турли балолар, офатлар, хасталиклар, маломатлар ёғилиши бор. Сен уларга қарши туролмасанг, бир зарбадан мағлуб бўлиб, надомат кўчасига кириб, ётиб олсанг, уят эмасми, ор эмасми? Йигитлик ғуруринг, инсон деган муборак номинг қайда қолди?»

Махфийрозга жавоб тахминан ана шундай ҳассос руҳда битилган эди. Хат эфирга берилгач, тингловчилардан мактублар ёғилиб кела бошлади. Домла уларга ҳам зукколик ила жавоб қайтариб турдилар.

Шундай қилиб, Мирзакалон ака билан ота-боладек бўлиб кетдик. У кишининг кўнгли қандок очик, қандок тоза бўлса, дастурхонлари ҳам файзили эди. Хонадонларига худди ўз уйимизга киргандек тортинмай, эмин-эркин кириб бораверардик. Ўрта бўйлик норғул, миқти, кийик кўзлари кулиб турадиган устозимнинг нурли чехраси ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

Мирзакалон ака том маънодаги ўзбек эди. Фикрати ҳам, лафзи ҳам, муомаласию одоби, икромии ҳам ўзбекона эди. Эскича таъбир ила айтганда, сурати-ю сийраги уйғун ўзаро мутаносиб эди. Чархи кажрафторнинг иссиқ-совуғини, аччиқ-чучугини обдан тотиган бу мухтарам зотнинг суҳбатида бир бўлган киши тагин дилдорлашгани келиб қолар, айниқса биз сингари ёшларга устознинг кўрган-билганлари айнан маънавий бир хазина эди.

Талабалик йилларимизда Мирза аканинг китобларини талашиб-тортишиб, ютоқиб ўқирдик. Айниқса, «Фарғона тонг отгунча» романи босилиб чиқдию адабиёт осмонида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»ига, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ига бўйлашадиган яна бир кўркем асар пайдо бўлганини сездик. Роман эл оғзига тушиб, овоза бўлиб кетди. Ҳаётхон билан Ғуломжоннинг аянчли тақдири бизга Кумуш билан Отабекнинг чигал қисматини эслатарди. У пайтлар мен романнинг оҳанрабои нимада эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўрмаган эканман. Энди ўзимча, шунча йил ўтиб бу зебо китобнинг «сири»ни очгандек бўлдим: У ёзувчининг

қалбида экан. «Фарғона тонг отгунча» ўз эли, ўз юртининг жон томирига юрак кони билан уланган покдил, захматкаш, шоиртабиат бир инсоннинг шархи дили, завқи, мухаббати, изтироблари экан. Романдаги кутилмаган истиоралар, мажозлар, қиёслар шавкингишни уйғотади, она халқининг асл тилини, урфу одатларини қалбига жо қилиб олган адибнинг қувваи ҳафизасига лол қоласиз. Сўзим қурук бўлмаслиги учун романдан бир парча келтирай. Ёзувчи мингбошининг қизи Жўрахоннинг суратини шундай чизади: «Лолагун кўйлак кийиб, лолалар ичида ўзи ҳам лола каби очилиб кетган ёш жувон бир бош чаросни уздио ўз кўзлари каби коп-қора доналарини оғзига сола бошлади... Қулоқларида қанқари балдоқ, кўкрагида тилла баргак, хурмойи бўйнида марварид маржон, манглайн устида тиллақош билан, товусдек товлаиб, хиромон қилиб бораётган бу гўзалнинг ёноқлари эгнидаги лолагун кўйлак товиданми ё энди уйғониб, ўзининг илк зарларини дунё юзига соча бошлаган дилбар қуёш шафагиданми, қипқизил эди».

Бундай шоирона сатрларни сўз мулкининг заргаригина битиши мумкин.

Бир қаламкаш, бир ўқувчи сифатида ишончим комилки, «Фарғона тонг отгунча» асарининг умри узоқ бўлади. У ҳали неча замонлар китобхоннинг завқини тошриб, юрагини питирлатиб, тафаккурини чархлаб яшайверади. Романнинг шу пайтгача олти марта қайта нашр этилгани сўзимизнинг далилидир.

Мирза ака «ҳақ сўзининг гадоси», яъни шайдоси эди. Ўзлари ҳам тўғриси ўз эди. Ҳар қандай вазиятда, ҳатто улкан мансаб эгасининг юзига ҳам рост гапни тортинмай айта олар, дағаллик ё миннат билан эмас, ҳалимлик билан, гоҳ эҳтирос, гоҳо фарғонача лутф билан айтар эди.

Мирза ака умрларининг охиригача диёнатга хиёнат қилмади, ёлғон шириндан аччиқ ҳақиқатни афзал кўрди. Камина ёзувчилар уюшмасидаги бир асар муҳокамасида Мирза аканинг мулоҳазаларини эшитганман. У кишининг нуткидаги теран таҳлил, ўткир мантиқ, танқиддаги холислик ва муаллифга эҳтиром бизга ибрат сабоғидек бўлиб туюлганди.

Мирзакалон ака шахмат шайдоси эди. Уйларига борсам, бир пиёла чойдан кейин, «қани, икки қўл ташлаймизми?» деб дарҳол шахмат донасини тера бошлардилар. Мен ҳам бу ўйинга ёшлигимдан кизикардим, ёмон ўйнамасдим. Бирок «икки қўл» эмас, беш-олти карра суришсак-да, нари борса, дурангга эришардим холос.

Бир марта уялиб қолдим. Ўша куни омадим келдимни, ёки домланинг хаёли паришонмиди, кетма-кет икки марта ютдим. Кейин ўйинни йиғиштириб, узр сўрадим:

– Кечирасиз, домла, одобсизлик қилдим...

– Йўғ-е! – деб чиройли кулди Мирза ака, – бу шунчаки ўйин. Бугун сизнинг отингиз чопди, эртага бизнинг филларимиз ҳам йўрғалаб қолар. Шахмат ҳам хаёт ўйинига ўхшаб кетади. Ақлини ишлатиб, тер тўкканнинг омади келаверади. Қани, чойга қаранг, мулла Саъдулла!..

Етмишинчи йилларнинг бошида «Муштум» журналида ишлардим. Бир куни кўчада Мирза акани учратиб қолдим. Домланинг кайфияти чоғ эди. «Фарғона тонг отгунча» романининг иккала китоби қайта нашр этилаётган экан. Дил-дилдан суюндим, муборакбод этдим.

– Ёзганларингизни ўқиб турибман, – деди устоз. – Абдулла Қодирийнинг тилига, услубига тақлид қилаяпсиз. Бу яхши. Лекин майда қадам бўлманг. Энди каттароқ нарсалар ёзишни ўйланг. Тилингиз равон, тажрибангиз ҳам етарли. Кундалик тирикчилик деб умрингизни ўтказманг. Кейин менга ўхшаб афсус еб қолманг, дейман-да. Мен икки юзта асар таржима қилдим. Уйдагилар қийналмасин, рўзгор бут бўлақолсин, дедим. Ақалли юзта асарнинг ўрнига иккитагина роман ёзиб қўйсам бўлмасмиди? Ёшсиз, юракда ғайратингиз бор, вақтни бой берманг, дейман-да, укам. Гапимни кўнглингизга олиб юрманг-а?


Домла мулойим таббассум қилди. У кишини бекатгача кузатиб қўйдим-у ўйлашиб қолдим. Жаҳон адабиётидан сараланган икки юзта асарни ўзбек тилига ўгирмоқ! Бунинг учун қанча билим, қанча руҳий қувват, неча йиллик бетиним меҳнат ва зако керак! Ахир бутун бошли бир институт қиладиган ишни домланинг ёлғиз ўзи бажарибди-ку!

Мен бу ерда устоз ўгирган тўрттагина буюк асарни элатсам, кифоя бўлар деб ўйлайман. Бу романлар: «Анна Каренина», «Триллиш» (Л. Толстой), «Сўна» (Войнич), «Сирли орол» (Жюль Верн), «Чоликуши» (Р. Гунтекин).

Ўша учрашувдан кейин «Қадамни каттарок» ташлашга ўтдим.

«Манзил яқин», «Яхшиларга ёндошдим» деган қиссалар ёздим. Мирзо Бобур, «Ўўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмагай», деб билиб айтган экан.

Таассуфки, суюкли устозимизнинг умрлари биз кутганчалик узок бўлмади. Аммо ул зоти шарифнинг эл-юртига атаб ёзган ўлмас битиклари сохибнинг умрдан неча карра зиёда бўлгай.





## ПАЙВАСТА ДИЛЛАР МЕЪМОРИ

*Атоқли таржимон, сеҳрли тил соҳиби, Ўзбекистон санъат арбоби Қодир Мирмуҳамедов ҳаётидан лавҳалар*



### ЖАҲАННАМДАН ҚУТУЛИШ



Қодир ака билан у кишининг Қибрайдаги кенг, файзли ховлисида гурунглашиб ўтирибмиз. Баҳор авжида. Дов-дарахлар чаппар уриб гуллаган. Қодир ака оппоқ, митти маржондек чечакларга узок тикилиб қолди. Сўнг хўрсиниб деди:

– Ассоциация, деган ҳолат бор. Яъни, бир нарса иккинчи нарса-ни эсингга солади. Ҳар йили баҳор келиб, ўриқлар, олчалар гулласа, Германиянинг Малвхин деган шаҳарчаси кўз олдимга келаверади. 1945 йилнинг 30 апрели, Малвхинда худди шундай олчалар гул очган эди. Биз асирликдан озод бўлдик. Лекин «асирга тушган» деган тамгадан кўп йилгача халос бўлолмадим. Ўшанга ҳам роппа-роса 63 йил бўлибди-я. 63 йил, кекса бир кишининг умри...

...Шундай қилиб Қодир жангга кириб кетди. Ҳар икки тараф жон таллашиб урушарди. Икки ҳафталик қаттол олишувдан кейин Полтава яқинидаги жангда Қодирнинг дивизияси бутунлай таслим бўлди. Немислар жўхориюялар, зовурлар, эски уйлар ичига беркинган аскарларни ҳам тутиб келиб, бир майдонга жамладилар. Ниҳоят, асирларни тўп-тўп қилиб, ғарбга, Германияга қараб ҳайдадилар. Босқинчиларга текин мардикор, тўғрироғи қул керак эди.

1941 йил, сентябрнинг охирида пойи-пиёда оч-наҳор йўлга тушдилар. Бир ой ичида 900 километр йўл босиб, Украинанинг Житомир шаҳрига етиб келишди. Бу ерда асирларни ишга тақсимладилар. Биров тош қонига кетди, биров дала юмушларига жўнатилди. Қодирнинг чекига отбоқарлик тушди. У сайисхонадаги отларнинг тагини тозалар, уларга сув берар, орқа-бошини қашларди. Бу орада куз оёқлади, кунлар совиди, баъзи ерларга қор тушди. Қодир кунутун қочишни ўйларди. Бироқ бунинг иложи йўқ. Отхона уч томондан тиканли симлар билан ўралган, тўртинчи тарафи чуқур жарлик.

Ховлининг ўртасида, баланд минорада автомат ушлаб немис солдати турибди. Ховлидан сал четга чиқмоқчи бўлсанг, тириллатиб отиб ташлайди. Нима қилиш керак?

Ёмон кун ортида яхшиси ҳам бор деганларидек, бир кунни Қодирнинг қорни оғриб қолди. У жарлик томонга қараб югурди. Кўрқа-писа минора тарафга боқди. Бахтига кўриқчи немис тескари қараб турган экан. Қодир жар ёқасида чўнкайиб бир лаҳза ўтирди-ю, таваккал деб ўзини жарга отди. Қорга кўмилиб, пастга думалади. «Отса-отар лаънати фашист, – деди ичида, – ҳар кунни бир ўлгандан кўра бу азоблардан бир йўла қутулганим яхши!»

У жарликдан омон-эсон чиқиб олди. Рўнарадаги тепаликнинг ортига ўтди. Кейин ўзини ўрмонга урди. Қодир жаҳаннамдан қутулган эди.

У нафасини ростлаб, овоз бўлганига ишонгиси келмагандай, анча ўтирди. Бир замон ёнгинасида эркак кишининг йўталгани эшитилди. Қодир чўчиб, ирғиб турди. Йўк, бу немис эмас, шу ерлик киши экан. У тупроқ йўлда хўкиз аравасини ҳайдаб келарди. Қодир салом берди. Чол бош қимирлатиб алик олди. У Қодирга ўхшаган қочоқларни кўравериб, ўрганиб кетганми, дарров йўл кўрсатди.

– Темир йўлга яқинлашма, немисларга дуч келишинг мумкин. Ўрмон ичи билан тўғрига юрсанг, қишлоққа чиқасан. У ёғига худо пошшо. Бирор уйдан бошпана топарсан, болам.

Қодир тагин бирор чақиримча йўл юриб, чол айтган қишлоқ устидан чиқди. Бир уйнинг мўрқонидан кўкка тутун ўрмаларди. Қодир таваккал деб шу уйни кўзлаб бордию, ғарибона эшикни тақиллатди. Хонадон соҳиблари уни оғринмай қаршиладилар.

Кун совук. Қодир печка ёнида кафтларини ишкаб исинди. Уй эгалари унинг олдига топган-тутганларини қўйишди: қора нон, бўтқа, бир тишлам ёғ...

Бу хонадон хўжасини Пстой амаки дер эканлар.

– Энди нима қилмоқчисан, ўғлим? – деди Пстой амаки.

– Шарққа қараб кетавераман. Фронт чизигидан ўтиб, ўзимизникиларга қўшилмоқчиман.

– Бунинг иложи йўқдир-ов, – бошини қашиди уй эгаси, – аввало, фронт чизигига етгунча мингта немисга дуч келасан. Яна қўлга тушсанг, аяб ўтиришмайди. Хўш, нариги тарафга ўтиб ўзимизникиларга

қўшилдинг ҳам дейлик. Сталиннинг буйруғи бормиш, асирга тушганларни терговсиз отиб ташлашар эмиш.

– Унда нима қилай, амаки? – деди Қодир, – осмон узок, ер каттиқ бўлса.

– Шу ерда қол дердим-у, атрофимизда немислар изғиб юрибди. Фронт яқин-да. Сен бундай қил. Анави сойнинг нариги тарафига ўт, у ерлар Винница вилоятига қарайди. Фашистлар у ёқда камрок. Бир-икки кун юрсанг, Попивка деган кишлокка борасан. Колхоз раиси яхши одам. Мени айтди десанг, ишга олади.

Қодир кўнди. Нима қилиб бўлса-да, у жон саклаб қолиши, фашистлардан узокроқ юриши керак эди.

– Менинг кийим-бошимни алмаштириб беролмайсизларми? – деди у.

– Бунинг иложи бор, – деб Қодирга украинча калта пўстин, дўнгалак қалпоқ, камар ўрнига арғамчи беришди. Қодир Ҳарбий кийимини ечиб, қайта кийинди.

– Ана, бинойидек украин бола бўлиб қолдинг, – деб кулишди аёллар. Қодир янги шимининг ичига тунука найчага жойлаштирган махфий хатни бекитиб қўйди. Унга Қодирнинг исми-фамилияси, туғилган ери, хизмат қилган ҳарбий бўлинмаси ёзилган эди. «Агар ўлиб-нетиб кетсам жасадим кўчада қолмас, бирон кимса ўқиб, кимлигимни уйдагиларга хабар қилар», деб ўйлаган эди.

Попивкада Қодир Степаниха деган кампирнинг уйидан бошпана топди.

Қодирнинг хуш хулки, саранжом-саришталиги уй бекасига ёки қолди. Қодир дейишга тили келмай, уни Аркадий деб чакира бошлади. Бир томондан бу эҳтиёткорлик чораси эди. Мабодо фашистлар суриштириб қолишса кампир, бу менинг неварам, Аркадий Мирний дейди. Шундай қилиб Қодир Меленья холанинг дастёри бўлиб яшаб қолди. Лекин у уй ичида ётгани чўчийди, одатда ертўлада, саройда ё ўтинхонада тунайди.

Ҳадемай колхоз раиси ҳам келди. У Қодир – Аркадий билан узок гаплашди. Қодирнинг туғилган юртини, ота-онасини суриштирди. Қодир гоҳ завқ билан, гоҳо кўзига ёш олиб Ўзбекистон, бу диёрнинг одамлари, табиати, ноз-неъматлари, ҳақида сўзлаб берди. Раис жон қулоғи билан тинглади. У Ўзбекистон деган юрт борлигидан мутлақо беҳабар экан.

Раис Қодирга иш берди. «Ҳозирча отбоқарлик қилиб тур, кўкламда бошка ишга ўтасан», деди. Қодир рози бўлди. Колхознинг юмушини ҳам, уй ишларини ҳам жон-дили билан адо этди.

Ёз ўтди, куз келди. Немислар яна «одам ови»га хуруж қилдилар. «Облава» бўлишидан аввал колхоз раиси ёш-ялангга яширининглар деб хабар бериб кўярди. Қодир ертўланинг бурчагига, ўтин гарамининг ортига бекинди. Бир замон автомат кўтарган немис аскари кўринди. У ертўлани бир айландию «Партесон!» деб тепага отилди. Қодир ноилож ўрнидан турди. У ҳозир ташқарига чиқмаса немис солдати ертўлага граната ташлаши тайин. Унда «Алвидо, Тошкент!» деб қолаверасан.

Немислар қишлоқма-қишлоқ изғиб, Германияда ишлатиш учун ёш йигит-қизларни овлаётган экан. Қодир яна асир бўлди. Уни тенгдошларига қўшиб, тағин Ғарбга – Германия сари ҳайдаб кетдилар.

Қодир ҳарбий лагерда хизмат қила бошлади. Бандилар сахар уйғонар, енгил нон-чойдан кейин уларни шаҳарга, қора ишга жўнатишарди. Кўчалардаги чиқиндиларни супуриб, коплаб аравага ортар, солга цемент юклар, бирон бойникида омок билан ер хайдар ёки молини боқиб, уй-жойини таъмирларди.

1945 йилнинг баҳори. Малвхинда олчалар гуллади. Қодир, «Бизнинг ҳовлидаги оқ ўрик ҳам гуллагандир. Дадамлар, нега Қодирдан дарак йўқ, деб хавотирда бўлса керак», деб ғусса гирдобнда ўтирибди. Шу пайт ҳаммаёқни тўс-тўполон қўпди. Шаҳарни шодон қийқириқлар, ўқ товушлари тутиб кетди. Қодир хайрон бўлиб кўчага чиқди. Немислар бетартиб кочар, кўчаларда совет танклари пайдо бўлган эди.

Шундай қилиб банди аскар Қодир Мирмуҳамедов 1945 йилнинг 30 апрелида асирликдан озод бўлди. Ҳарбий трибунал вакили уни тергов қилиб, айбсиз деб топди. Қодир ака яна жангга шайланди. Ва ниҳоят, 1946 йилнинг июнь ойида Тошкентнинг Қизил товуш кўчасидаги кадрдон уйига кириб келди.



## МИРТЕМИР АКАНИНГ МУРУВВАТИ



Қодир салкам олти йил оқошларда тиззадан лой кечиб, сув кечиб, тинимсиз ўқ ёмғири остида ҳар куни юз бор ўлиб, ҳарбий лагер-

ларда асирлик жафосини тортиб юриб, ўқишни ниҳоятда соғиниб қолган эди. Армиядан келди-ю илм олиш пайида бўлди. У ёшлигидан адабиётчи бўлишни орзу қиларди. Ўйлаб ўтирмай Белинский номидаги кечки педагогика институтига кирди. Бу ерда Ҳамид Сулаймон, Айюб Ғуломов сингари замонасиниг билимдон, бағри кенг олимларидан таълим олди.

Эллигинчи йилларга келиб, Қодир қалам билан тиллашадиган бўлди. Кичик-кичик ҳикоялар, жаҳон халқларининг эртаклари, рус ёзувчилари битган ихчамроқ пьесаларни ўзбекчага ағдарарди. Уларни кўпроқ радиога элтарди. Чунки радиокомитетда болалик дўсти Убай Бурҳон хизмат қиларди.

Бир-икки йилда Ҳаким Назир сингари устозлар кўмагида қалами анча чархланиб, таржимашуносликда кўзи пишиб қолди. Энди қадамни каттароқ ташласам ҳам бўлар, деб хаёлланди Қодир ва бир рус ёзувчисининг «Снежок» деган пьесасини ўзбекчага «Қор бола» деб ағдарди. Радионинг етакчи режиссёри пьесани ўқиб маъқуллади, ўзи актёрларга ўйнатиб, эфирга берди. Қодир каттакон асарнинг мутаржими бўлди, фамилияси миллион-миллион кишиларга эшиттирилди. Устига-устак оз-моз моддий рағбат ҳам келадиганга ўхшайди. Шуларни ўйлаб, Қодир ғайрат билан ижодга киришди.

Бир куни режиссёр Қодирни суюнтирадиган гап айтди:

– Бу пьесани ТЮЗ (ёш томошабинлар театри)да қўйсақ нима дейсиз, Қодиржон? Ҳар қалай, сизга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бўларди?

Ёш таржимон жон-жон, деди.

– Аммо битта «лекин»и бор, – деди режиссёр, – бу асар ҳали хомроқ. Уни биронта қалами ўткир ёзувчи устидан бир кўриб чикса яхши бўларди.

– Мен... катта ёзувчиларни танимайман-да, – деди Қодир, – ўзингиз ёрдам қилинг, ака.

– Бўпти, – деди режиссёр ва Қодирни етаклаб Миртемир домланинг уйига олиб борди. Миртемир ака таржимани кўриб, таҳрир қилиб беришга рози бўлди.

Миртемир аканинг одати қизиқ экан. У киши оқшомлари иш бошлаб, тонготаргача меҳнат қилар, кундуз куни ётиб дам олар экан.

Забардаст шоирнинг ёнида Қодир етти кун қоғозга тикилиб, домланинг таҳририни кузатиб ўтирди. Миртемир ака «Қор бола» деган номга узун чизик тортиб ўчирди ва «Оппоғим» деб ёзди. Қодирнинг кўнгли чараклаб кетди. Пьесанинг янги номи унинг чиройини очиб юборгандек эди.

– Ахир бизда типратикан – юмшоғим, қора кўнғиз – оппоғим, дермиш деган гап бор-ку, тўғрими, иним? – деб кулади Миртемир ака. Қодир «Чумчук сўйса ҳам кассоб сўйсин», деганлари рост экан, деб ичида Миртемир аканинг санъатига тасанно айтди.

Етти кун ўтиб, саккизинчи кун, деганда таржима битди.

– Ана энди бунни кўчиртириб келинг, бўтам, – деди домла. Қодир оёғини кўлга олиб югурди. Бир неча кунда асарни қайта кўчиртириб олиб келди. Миртемир ака пьесанинг биринчи бетига қаради. У ерда «Миртемир ва Қодир Мирмухамедов таржимаси» деб ёзилган эди. Домла кўлига ручка олди ва Миртемир деган сўзни ўчириб ташлади. Қодир ташвишланиб сўради:

– Домла, нега ундай қилдингиз, ахир таржиманинг ярмидан кўпини сиз қайта ёзиб чиқдингиз-ку?

– Мени шундоқ ҳам кўпчилик танийди, – деди устоз, – сиз ҳали ёшсиз, сиз ўсишингиз керак. Менинг фамилиям сизга тўсқинлик қилиши мумкин. Сизга омад тилайман, иним!

Миртемир аканинг бағрикенглиги, олийжаноблиги Қодирни лол қолдирди. У бир иймонли-инсофли инсонга дуч келган эди. Анча йиллар ўтиб Қодир ака Ҳомернинг шоҳ асари – «Илиада»ни таржима қилганида уни илк устози Миртемир домлага бағишлади.

... Пьесанинг бир нусхасини Маданият бошқармасига олиб бориб топширишди. Қодир хурсанд, кўнгли осмонда. Ахир унинг хом нарсасини Миртемир акадек зукко шоир «одам қилиб» берди, асар энди чамандек ярқираб турибди, хурсанд бўлмасинми?

Қодир қувончини баҳам кўргани радиокомитетга, кадрдони Убай Бурҳоннинг олдига чопди. Убай ака Қодирни табриклади ва дархол «Ленин учқуни» газетасининг муҳаррири Рамз Бобожонга кўнғироқ қилди.

– Қодиржон яхши бир асарни таржима қилибди. Чиройли нарса экан, харидор бўлмайсизми? – деб сўради. Рамз Бобожон, «Айтинг, обкелсин», деди.

Шундай қилиб, «Оппоғим» газетада сонма-сон Қодир аканинг таржимаси сифатида босилиб чиқа бошлади. Қодир севинчдан танашига сиғмас, газетанинг ҳар бир сонини ҳижжалаб ўқиб чиқарди...

Лекин... Афсуски, шодлик билан ҳам эгизак, деганлари рост экан. Қодирнинг бошига тагин кулфат тушди.



## ҚОРА ДОҒЛАР ЮВИЛДИ



1950 йилнинг охири. Киш. Қодир мактабда ишларди. Бир куни у шогирдларини театрга томошага олиб тушди. Спектакль яримлаганда мазаси қочди. Бирдан бурнидан қон келди. Театр буфетида унинг пешонашига муз босиб, оғзи-бурнини чайиб, кўмаклашдилар. Қон тўхтамади. Уни бир холис киши уйига кузатиб қўйди.

Эртасига ТОШМИГа бориб, текширтирди. Рентгенда кўриб, сизда сил касали пайдо бўлибди, дедилар. Қодирнинг кўнгли чўкиб кетди. Ё рабб, энди оғзи ошга етай деганда у яна қандай кўргулик?! У даволангани диспансерга ётди. Қодирга 3-палатадан жой ҳозирлабдилар. Кейин билса, 3-палатани беморлар ўзларича ажал палатаси деб аташар экан. Чунки бу ерга тушганлар қайтиб одам бўлмас, марҳумлар қаторидан жой олишарди. «Йўқ, мен бу палатада ётмайман! – деди ўзича Қодир, – худо хоҳласа мен бу ердан ўз оёғим билан юриб чиқиб кетаман! Ўзинг мадад бер, парвардигор! Шунча йил қон кечиб, қирғин-баротлардан, асирлик азоб-укубатларидан қутулиб келдим, ўз уйимда, жигарбандларим ёнида умргузаронлик қилай.

– Сизнинг касалингиз энди бошланган. Ҳали илдиз отмаган, – деди бир куни навбатчи ҳамшира, – сизга стрептомицин деган дори керак. Фақат у дори бизда йўқ. Уни учувчилар чет элдан олиб келиб сотишяпти. Профессордан сўраб кўринг-чи, нима деркин, агар лозим деса, мен сизга топиб бераман.

Қодир профессор Айзенбергдан сўради.

– О, қани энди уни тополсангиз, – деди профессор, – айнан шу дори сизга қор қиларди. Саккиз грамм бўлса етади. Афсуски, бизда йўқ-да, болам.

Қодир энди ҳамширага йўлиқди.

– Опа, менга саккиз грамм стрептомицин керак экан. Грами қанча туради унинг?

– 125 сўм, – деди ҳамшира.

Қодир мунғайиб қолди. Демак, минг сўм керак. Қани ўша минг сўм пул? Уйда отаси ҳам ишсиз ўтирибди, рўзгорни бир амаллаб тебратиб турган Қодирнинг ўзи. Ҳа-а, асли пешонаси шўр экан-да...

Яна мўъжиза рўй берди. Ўша дилгир кунларнинг бирида уйдан хушхабар эшитди. Қодирнинг номига 1800 сўм пул келибди. Бу «Оппоғим» учун газетадан келган қалам ҳақи эди. Қодирнинг умидсизлик чўккан дили қувнади. Минг сўмга дори олди, саккиз юзини рўзгорга ишлагди. Уни беш кун эмладилар. Олтинчи куни бурнидан келаётган қон тўхтади.

Касалхонада анча даволаниб, Қодир уйига чиқди. Уни кўргани мактаб директори Исмоилзода келди. Ҳол-аҳвол сўради. Қодир унга профессор Айзенбергнинг гапини айтди. Профессор ана, бироз тузук бўлдингиз ўғлим, энди Қримга ўхшаган ерларга бориб, даволаниб турсангиз, касалдан бутунлай фориғ бўлиб кетасиз, деган эди. Аммо, Қримга бориб келгани Қодирда имконият, тўғрироғи сармоя йўқ эди.

Исмоилзода иккинчи бор келишида Қодирга текин йўлланма кўтариб келди. Қодир, ўзинг қўлла худойим, деб поездга ўтирдию, Қримга отланди.

Икки ой деганда семириб, рангига қон югуриб, жонажон шаҳрига кириб келди. Тошкентни соғиниб қолган эди, ютокиб шаҳар кеза бошлади. Лекин... Келинг, бу ёғини Қодир аканинг ўз оғзидан эшитайлик.

-- Айни шу кунларда кўнглимни хира қилувчи яна бир воқеа содир бўлди. ТЮЗ театри «Оппоғим» спектаклини кўя бошлабди. Бунини мен кўчалардаги афишалардан билдим. Мен суюниб кетдим ва яқинроқ бориб ўқидим. Лекин минг афсуски, пьеса таржимони мен эмас, Миртемир деб ёзилган эди.

Ўқиб жиғибийроним чиқди. Миртемир ака ўз исмини ўз қўли билан ўчириб ташлаган эди-ку?

Мен афиша қаршисида узоқ ўйланиб туриб қолдим. Ниҳоят, Миртемир акани кўриш баҳонасида ҳамма гапни ўзларидан эшитишга қарор қилдим.

Устоз мени анча маъюс чеҳра билан қарши олди. Ҳовли ўртасидаги каравотга таклиф этди. Янгам нон-чой келтирди. Домла

менинг оғир касал бўлиб қолганимни эшитибди, ҳол-аҳвол сўради. Мен Қримга бориб даволаниб келганимни, ҳозир анча яхши эканлигимни айтдим. Аммо нима мақсадда келганимни айтишга юрагим дов бермади – устознинг салобати босиб турарди.

Ўртада юзага келган совук жимликни Миртемир аканинг ўзи бузди.

– Ҳа, анча хунук иш бўлди, иним, – деди у, – айтишларича сиз асирликда бўлган экансиз. Шунга кўра сизнинг номингизни ўчириб, мени таржимон деб эълон қилишибди. Кечиринг, мен бундан беҳабар эканман.

– Менинг асирда бўлганимни сизга ким айтди?

– Маданият бошқармаси ходимлари.

– Улар қаёқдан билишади?

– Билмадим, иним, – деди Миртемир ака хижолат бўлиб.

Сир кейин очилди. Менинг асирда бўлганимни хўв ўша, радиодаги эскидан таниш режиссёрим ҳаммага айтиб чиққан экан. Ёкамни ушладим. Ахир мен унга бирон ёмонлик қилмаган бўлсам. Доим этагини тутиб, устоз деб юрдим, назаримда у қалби пок, самимий инсон бўлиб кўринган эди. Одамнинг оласи ичида деб шунга айтишар экан-да, во ажаб.

Энг ажабланарли ери шуки, «Оппоғим» пьесаси нашриётда босилиб чиқди. Лекин китобда Миртемир аканинг ҳам, менинг ҳам фамилиям йўқ эди. У ерда хўв ўша, радиодаги биринчи режиссёримнинг исми-фамилияси турарди. Мен ҳайратдан гаранг бўлиб қолдим. Ахир инсон боласи ҳам шунчалик пасткашликка боради-ми? Бировга бир нима демадим, худо ҳар кимга инсоф-у тавфиқ берсин экан, деб кўя қолдим.

Бир куни Миртемир оға менга анча-мунча пул бериб юборибди. Бу – менинг фамилиямсиз намойиш этилган спектакллардан тушган қалам ҳақи экан. Пулни чангаллаб туриб, ўйланиб қолдим. Қаранг, бировлар бор, инсон деган номни ерга уриб, кўнгилни хира қилади, бировлар бор, инсон деб аталмиш шарафли номни кўкка кўтаради.

Миртемир ака ана шундай беназир инсон эди. У кишини ҳалоллик, поклик тимсоли десам, сира янглишмайман.



## ХОТИМА ЁКИ ҚОДИР АКА БИЛАН ҒОЙИБОНА СЎЗЛАШУВ



Ассалому алайкум, Қодир ака! Сиз билан икки кун гурунг қилдик. Бошингиздан ўтган савдоларни бир ипга тизиб чиқилса, юракларни ларзага солувчи расаматли қисса бўлишига ишончим комил. Эҳтимол шундай кун ҳам келиб қолар. Камина ҳозирча ҳаётингиздаги айрим эътиборли лавҳаларни келтириш билан чекландим, холос. Ана шу жонли, жонсарак лавҳаларнинг ўзиёқ ўқувчини бефарқ қолдирмас, деб умид қиламан. Мен сизнинг киностудиядаги ўттиз йиллик самарали фаолиятингизни айтиб ўтирмадим, мактаблардаги муаллимлик меҳнатингиз, радиокомитет ва нашриётлардаги йигирма йиллик муҳаррирлик санъатингиз хусусида тўхталмадим. Сиз жаҳон классикларининг етмишдан ортиқ асарини ўзбек тилига ўгирдингиз. Улар орасида «Хонадон ва жаҳон», «Клим Самгин», «Уста ва Маргарита», «Мартин Иден» сингари машҳур романлар бор. 450 га яқин кинофильм сизнинг таржимангизда томошабинларга етиб борди. Сизнинг фидойилигингиз туфайли адабиёт муҳлислари «Илиада», «Одиссея» каби шоҳ асарларни ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Шу айтганларимизнинг ўзиёқ таҳсинга сазовор.

Қодир ака! Сиз хўшлашаётган ярим ҳазил, ярим чин қабилда бир гап айтдингиз. Бу гап қулоғимга қўрғошиндай қуйилиб қолди:

– Ит йилида туғилган бўлсам-да, ҳеч кимга итлик қилмадим, дедингиз, – нонимни ҳалол еб, болаларимни пешона терим билан боқдим. Шунинг учун виждоним тоза, бировдан тилим қисик эмас. Узок умрим давомида кўп асл инсонларни учратдим, уларнинг самимий ёрдамларидан баҳраманд бўлдим. Ўтганларни Оллоҳ раҳматига олсин, тирик устозларимнинг умрини зиёда айлаб, барчаларига саодатли ҳаёт ато этсин.

Қодир ака! Мен сизнинг ҳузурингиздан бир олам таассурот билан бирга ҳаётий сабоқ ҳам олиб қайтдим. Ҳар инсоннинг кўксига одамларга меҳр ва яхшилик қилишга рағбат, ҳалоллик ва иймон нури чарақлаб туриши керак экан. Сизнинг салкам тўқсон йиллик умр дафтارينгизни варақлаб, ана шундай хулосага келдим.

---



## ФАРҶОНАНИНГ АФАНДИСИ

Адҳам Ҳамдам деганда одамларнинг юзига беихтиёр табассум югуради. Шунинг учун келинг, гапни латифадан бошлай қолай.

Адҳам ака бир куни Қўқонга борибди. Унинг қизи яқинда педагогика институтини битириб чиққан экан. Адҳам ака йўл-йўлакай институтга ҳам мўралаб, домлаларга раҳматини айтиб олмоқчи бўлибди.

У институт ҳовлисига кириб борибди.

Қараса, ректорат олдида беш-олти муаллим қўқонча мутойиба қилиб, қулишиб турган экан. Ўртада ректор, унинг ёнида проректор, деканлар, кафедра мудирлари... Адҳам ака уларга қиё ҳам боқмабди, тикка бориб, энг ёш, энг чиройли домланинг қўлини олибди-ю сил-талай бошлабди:

– Раҳмат, укажон! – дермиш Адҳам ака, – сизга мингдан-минг раҳмат. Қизим омон-эсон ўқишни битириб олди. Бир амаллаб уни узатиб ҳам олдим, укажон. Умрингиздан барака топинг...

Ректор бошлиқ казо-казолар, нега Адҳам ака кечагина ишга келган гўр болага қуллуқ қиляпти, деб хайрон эмиш. Адҳам ака эса муаллим йигитчани ялагудек бўлиб гапини тугатибди ва шундан кейингина ёшуллиларга қўл узатибди.

Сир кейинроқ очилибди. Бояги «кечагина ишга келган» йигитча студентлардан бир нима тама қилиб, гўзалларга тузоқ қўйишда ном чиқарган экан. Адҳам ака, «раҳмат» баҳонасида институт катталарига «қўлларингда ким ишлаётганини ҳам билиб қўйинглар», деб шама қилибди.

Адҳам ана шундай бир ўқ билан икки куённи урадиган зукколардан эди. У киши тириклигидаёқ «Фарғона афандиси» деган халқона унвонга сазовор бўлган инсон эди.

Унинг дунёга келиб орттиргани дўст бўлди, ошнаю кадрдон бўлди. Махтумқулнинг «Нон дўстинг бошқаю, жон дўстинг бошқа» деган ҳикмати гўё Адҳам Ҳамдам шаънига қарата айтилган эди. Адҳам аканинг нон дўсти йўқ эди. Лекин икки ёнида, олди-ортида жон дўстлари бисёр эди. У киши дўстини рози қилиш пайида ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ура олар эди.

Ҳунари одамийлик эди. Бировларга яхшилик қилишни ўзига фарз деб биларди. Айтишларича, у баъзан «Бугун ёмон бўлдида, жуда ёмон бўлди», деб бошини чангаллаб ўтирармиш. «Нима бўлди, Адҳам ака», деб сўрашса, «Бугун биронта одамнинг хожатини чиқаролмадим, хуллас, бугун ёмон кун бўлди», деб калла чайқармиш... Яқинларигами, етти ёт кишигами яхшилик қилса, бировга сездирмас эди. «Ўнг қўлинг қилган ишни чап қўлинг билмасин, ошнам! Яхшилик қил, дарёга ташла. балиқ билмаса холик билади», дейишни хуш кўрарди. У киши азиз авлиё-анбиёларнинг азалий нақлини сийнасига нақшлаб олган эди. Яъни:

Дунёда яхши ном қолдирмоқчи бўлсанг, ном чиқаришга уринма; Фақирликни фахрим, деб бил; Тилайдурменки, бировдан тиламагайдурсен; Кийганингдан кийдирганинг яхширок...

Адҳам аканинг тили ҳам, қалами ҳам ўткир эди, жилд-жилд китоб ёзиши мумкин эди. Бунинг учун иқтидори ҳам етарли, халққа айтадиган вазмин гапи ҳам бор эди. Ёзмади. «Нега ёзмайсиз, Адҳам ака?» деб сўрасак, «Насриддин афанди ҳам ёзмаган-ку, лекин унинг қанча-қапча китоблари бор, тўғрими?» деб кўярди.

Машрабнинг куйидаги байтини Адҳам аканинг ҳаётига хатбоши қилиб кўйиш мумкин эди:

Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,  
«Борғин нари!» деб кстига шатгалаб ўтдим.

Ҳа, Адҳам аканинг дилдаги дунёси ҳам, дунёдаги дуоси ҳам халқ эди.

Халқининг оғирини енгил қилиш учун у фоний оламнинг роҳат-фароғатларидан, молу манот сеҳри, симу зар жилосию жилвасидан ўзини тия олди. Бундай тоза нафс ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Қайсиям бир йили яхши шоир ва дилкаш суҳбатдош Раззок Абдурашид икковимиз Фарғона сафарига жўнадик. Марғилонда поезддан тушдик. Адҳам акага хабар бериб қўйишган экан, бизни вокзалда кутиб олди. Одатдагича ҳазил-ҳузил билан шундок вокзал биқинидаги чойхонага бошлади.

– Чойхоначи эски кадрдоним бўлади. Анчадан бери ялиниб юрувди. Тошкентдан шоирлар келишса, бизнинг кулбага ҳам олиб кириб, бир пиёла чой ичиб кетишсин. Шоирларнинг баҳри байтидан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, деганди. Сизларнинг келишингизга атайлаб учрашув ташкил қилиб қўйдик.

Чойхонага кирдик. Одам гавжум. Кеч кузак. Патнисларда сархил мевалар. Марғилоннинг атокли луччак шафтолисидан қора анжиру ангишвона хусайн узумигача териб қўйилган. Бизни кўриб, мезбонлар дув кўзғалишди. Самовор тарафдан Адҳам аканинг «Эски кадрдони» ҳам елиб келди. Қарасак, чойхоначи андак безовтароқ. Жовдираб бизга боқади, сўнг Адҳам акага қандайдир имо-ишоралар қилади. Адҳам ака, «Сизга айтган кишиларим мана шулар», деди-ю четроққа чикди. Чойхоначи бизга аллақандай қоғозларни кўрсатиб ҳисоб бера бошлади:

– Мана, катта акалар, ҳаммаси тўланган. Иликтирга ҳам, газга, сувга... барига ўз вақтида тўлаб турибмиз. Киптансаси бор, мана, мана...

Биз ҳайрон бўлиб Адҳам акага қарадик. Ҳадемай сир очилди. Адҳам ака азонлаб «Тошкентдан комиссия келаяпти, қоғозларингизни тўғрилаб қўйинг» деб чойхоначини кўрқитиб кетган экан.

– Ҳе, ўлинг, Адҳам ака, – деб кулди чойхоначи, – одамнинг юрагини ёрай дедингиз, а? Туппа-тузук одамлар экану буларингиз...

– Ҳаммаёғингиз тўғри бўлса, нега юрагингиз ёрилади, тақсирим, – деди Адҳам ака, – қани шоирларга атаган чойингизни дамланг!

Уч кун Фарғона атрофидаги туманларда бўлиб, учрашувлар ўтказдик. Тўртинчи кун:

– Энди Қўқонга борамиз, – деди Адҳам ака, – мен янги уй олганман, кўриб қўйинглар. Кейинги сафар келганларингда адашиб юрмайсанлар.

Кўконга етиб келдик. Адҳам ака бозор томонга юрди. Ундан ўтиб тор кўчага бурилдик. Қарасак, Адҳам ака бизни... Қўқоннинг Шайхон деб аталадиган, катта қабристонига бошлаб бораяпти! Адҳам акадан ҳар нарса кутиш мумкин, не бўлса-бўлди деб эргашиб кетавердик. У киши дарвозахонадан ўтиб, қабристоннинг тўрига қараб юрди. Ҳашамдор мрамар тошлар қўйилган сағаналар ёнига бориб тўхтади. Бу ерга Муқимий, Завкий, кейинроқ Чархий домла кўмилган экан.

– Шу ердан икки метр жой олиб қўйдим, – деди Адҳам ака, – бир томонимда Чархий домла, – бир томонимда мавлоно Муқимий билан Завкий. Зериксак, улфати чор бўлиб аскиялашиб ётамиз-да нима дединглар?

Бу гапга нима дейсиз? «Ниятингизга етинг!» деёлмайсиз, албатта.

Мухтарам шоирларимизнинг ҳаққига дуо қилиб, изимизга қайтдик. Адҳам ака ортига қайрилиб қараб қўйди-ю, оёғини силтаб босиб, тезлашди. Назаримда у «одамларга яхшилик қилишга кечикиб қолмай», деб шошилиб кетаётган оққўнгил донишмандни эслатарди.





## ГУМРОХ

Бу киши билан касалхона ховлисида танишдим. У элликларни қоралаган, ўрта бўйли, этликкина эди. Калласи катга, кўнғиртоб жингала сочларига кумуш оралаган. Қовоклари салки, кўзлари ҳозиргина йиғлаган ёки бир неча кун уйқудан қолган кишининг кўзларини эслатади.

Биласиз, шифохонада бекорчи вақт кўп. Дори-дармондан кейин одамлар ёпирилиб ховлига чиқишади. Ҳар ерга тўп-тўп бўлиб ўтириб, кунни кеч қилиш пайига тушади. Биров шахмат ўйнайди, биров шашка, маҳмадонороқ бир кимса бошидан ўтган саргузаштларини айтиб, ўзининг ва бошқаларнинг вақтини чоғ қилади. Ишдан, оиладан, об-ҳаводан гап кетади. Аммо менинг танишим бунақа гурунглاردан холи эди. У одамларга қўшилмас, кўпинча бир чеккага бориб, ёлғиз ўзи курсида сўппайиб ўтирарди. Ёки қўлларини орқасига чалиштирганча наридан-бери кезади. У танҳоликни ёқтирар, бу эса бизга ёқмас, одамлар билан мулоқотга киришмас, бу ҳам ғашимизни келтирарди. Аввалига уни такаббурга чиқардик. «Намунча энди, Афлотун бўлганда ҳам! Касалхонада шоҳу гадо баробар! Ана, генерал ҳам юрибди-ку, қўлини кўксига қўйиб. Бирам камсукум, соддагина...»

Кимдир уни оқлаган бўлди: «Касал-да бечора. Асаби чатокка ўхшайди. Кўзларига қарадинглари, бир ғалати, нури йўқ, қачон кўрсанг – ҳасрат ёғилиб тургандай. Шунча кундан бери қулганини кўрмадим. Касал одамдан гина қилиш керак эмас».

Хуллас, номаълум кишининг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши биз учун жумбоқ эди. Ногоҳ бир тасодиф бўлмаганда бу одамнинг бошидан кечган даҳшатли воқеадан беҳабар қолар эканмиз.

Бир кунни уч-тўртта бўлиб қари арча тагидаги узунчоқ курсида ҳангомалашиб ўтирардик. Ичкаридан ҳалиги киши чиқди. У

эшик олдидаги темир оёкли креслони кўтарди-ю биздан йигирма қадамча нарига бориб ўтирди. Шу пайт унинг олдига соқоли кўксига тушган барваста чол келди-да, жим таъзим қилиб нимадир деди. Номаълум киши ирғиб турди. У гўё оғир жиноят қилиб қочиб юрган ва ҳозир гувоҳига йўлиққан кимсадек довираб қолди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмади. Танишим чўрт бурилдию чолни анграйтирганча қўллари тез-тез силтаб, боғ ичига шўнғиди. Таажжубим ортди. Беихтиёр ўрнимдан туриб, унга эргашдим.

Касалхонанинг ички, ташқи ҳовлиси бор. Ташқи ҳовлини чуқур анҳор кесиб ўгади. Анҳор бўйига ёш дарахтлар, аксар жийда ўтказилган. Бу ер жуда баҳаво, тинч. Тўпикдан майса. Сувлар шилдираши, қушлар чуғури, энди қийгос гуллаётган жийда атри баҳри дилингни очади. Биз ўзимизча бу ерга «кислород йўлакча» деб ном қўйиб олганмиз.

Қарасам, танишим ўша «йўлакча»даги скамейкада якка-ёлғиз ўтирибди. Боши эгик, бошини чангаллаб олган. Секин ёнига бориб ўтирдим. У парво қилмади. Анчадан кейин калласини кўтарди. Мени энди пайқадн чоғи, ёқтирмай афтимга боқди-ю, юзини бурди. Саломимга алик ҳам олмади. Тек ўтиравердим. Рўпарамиздаги баланд оқ теракнинг айри шохига бир қуш уя қўйибди. Дўппидек кулранг хор-хас ичида полапонларнинг чирқиллагани эшитилади. Бир замон ота қуш (кўкрагидаги тарикдек доғларига қараб шу хаёлга бордим) учиб келди-ю, аввал уя атрофини айланиб учди. Қушандалар йўқлигига ишонди шекилли, инига энгашди. Болаларига битта-битта насиба улашди. Чирқиллаган товушлар пасайди. Ота қуш ўзича шунчаки «сайр» қилиб юрган бўлиб шохдан-шохга сакради. Хавф-хатар йўқлигини кўриб, тагин дилбандлари илинжида жони ҳалак, қайларгадир учиб кетди...

Ҳамроҳимга назар солдим. У ҳам уяга тикилиб турган экан. Юзларида ҳайрат, завққа ўхшаган самимий бир ифода.

– Қаранг, табиат ажойиб-да, – дедим беихтиёр, – ана шу мушздай қушга ҳам буюк бир меҳр ато қилган.

– Афсуски шу меҳрдан биз гоҳо бебаҳрамиз...

– Тўғри айтасиз ака, – дедим суҳбат очилганига суюниб, – бераҳм, бағритош одамлар кўп. Ҳатто ота-онасини хор қилиб қўйган

кимсаларни эшитиб ёқа ушлайсиз. Энг ажабланадиган ери шундаки, бунақа ёвуз қилиқ кўпинча ўқиган, бировларга ақл ўргатадиган, туппа-тузук жойда ишлайдиган кишилардан чиқаяпти.

Ҳамроҳим сапчиб тушди. Менга еб кўйгудек бўлиб қаради. Йирик кўзлари ғазабнок чакнади. Оғир пишиллади. Узун ух тортди.

– Сиз... мендан ҳам бешафқат экансиз, – деди ғижиниб, – кейин гап беришни ҳам, гап тинглашни ҳам хуш кўрмайдиганга ўхшайсиз. Ярамга туз сепдингиз. Энди ёрилмасам бўлмайди. Юрагим зардобга тўлиб кетди. Дардимни тўкмасам, бу зардоб бутун вужудимга ёйилиб, мени бир ёқлик қилиши мумкин.

Ҳамроҳимнинг нафаси чикмай қолди. Мен шошиб узр сўраган бўлдим.

– Кечирасиз ака, мен шунчаки... – умуман гапирдим. Сизга тегиб кетган бўлса...

– Бўпти. Кўнгил бўшлиқни бас қилайлик, – деди у жеркиган товушда, – парда кўтарилди. Энди мен сизга фожеамни шарҳлай. Фақат битта илтимос. «Нега? Иннайкейин?» – деб мижғов саволлар бермайсиз. Келишдикми?

Бош силкидим.

– Ҳали сиз айтган «ёвуз қилиқ» эгаларидан бири менман. Башорат қилдингиз. Мен ҳам ўқиганман. Йигирма беш йил игна билан кудук қовладим. Учта дипломим бор. Бир неча юз кишилик катта жамоага бошман. Одамлар оғзимга қараб туради. Адолатдан, нафосатдан, бурч ва садоқатдан гапираман. Бировларни инсоф ва диёнатга, қаноат ва мурувватга, одамийлик ва софдилликка ундайман. Ёшларга насихат қиламан. Аждодларнинг руҳини муқаддас сақлаш, тириklarнинг кадрига етиш, оилада фароғат, муҳаббатда вафо, дўстликда садоқат ҳақида гапириб чарчамайман. Телевизорга чиқиб тураман. Газеталарга мақола ҳам ёзаман. Бир қарашда кам-кўстим йўқдай: обрў ҳам, мол-дунё ҳам, дўст-ёру мухлис ҳам, шогирд ҳам – барчаси етарлидай. Кўчада дўппимни дол кўйиб юрсам ҳаққим бордай. Аммо, юролмайман. Кўксимда аччиқ қалампирдай бир дард бор, алам бор, азоб бор. Шу азоб туфайли одамларнинг кўзига тик қарай олмайман, қаддимни ғоз тутиб юролмайман, одамлар билан бурунгидай эмин-эркин, очилиб-сочилиб гаплашолмайман. Абай айтмоқчи, тунда уйқум бузилади,

кундуз кулгим. Яхшиямки, бошимдаги савдолардан атрофимдагилар беҳабар. Агар хабардор бўлишса, эҳтимол мендан юз ўгириб кетишар, мен билан салом-аликни бас қилишар, раҳбар сифатида ҳам кадрим бир пул бўлармиди...

У жимиб қолди. Мен «намунча ўртанасиз? Нима қилган эдингиз?» демокчи бўлдим-у, ботина олмадим. Шеригим яна тилга кирди:

– Мен тузатиб бўлмайдиган хато қилдим. Отамни уйдан қувиб чиқардим. Менга ёруғ дунёни ато қилган, мени муштдайлигимдан тарбиялаб шу ёшга, шу мартабага етказган отажонимга уйимдан бир парча жой топилмади. Уни бегона кишиларнинг кўзига термултириб, саргардон қилиб қўйдим.

Чидамадим.

– Ҳақиқатан ёвуз одам экансиз! – дедим юрагим така-пука бўлиб.

У калласини осилтирди.

– Ўзбек тили бой, – деди истехзо аралаш, – беҳаё, кўр, нонтепки, имонсиз, мунофиқ, устига минг жилд китоб ортилган эшак... дейишингиз ҳам мумкин. Ихтиёрингиз. Аммо, яна бир соат қулоғингизни қарзга бериб турасиз. Қопнинг оғзи энди очилди. Дардимни тўқиб олишим керак. Сизнинг ҳукмингиз мени қизиқтирмайди. Мен аллақачон ўзимга-ўзим ҳукм ўқиб қўйганман.

Шундай қилиб, отамни уйдан бадарға қилдим. Савол бергани оғиз жуфтлаб турибсиз. «Отангиз бедаво дардга чалинганмиди, феъли ёмонмиди, уйдагиларга тинчлик бермасмиди, маҳалла ундан безормиди ва ҳоказо», демокчисиз. Тўғрими? Йўқ, отам соппа-соғ эди, саксон ёшни қоралаб қолган бўлса-да, ўз ҳожатига ўзи яради. Юмшоқ кўнгил, содда, бировга зиёни тегмайдиган беозор эди. Қўрадаги мол-жонга қарар, невараларини етаклаб ўйнатиб юрар, зерикса маҳаллага чиқиб, қариялар билан чойхўрлик қиларди.

Мен отадан ёлғиз ўғилман. Икки опам бор. Улар узоқда, уй-жойлик бўлиб кетишган. Уч ёшимда онам ўлди. «Ёлғиз боламга ўғай онанинг турткисини едирмайман», деб отам бошқа уйланмади. У киши колхозда сувчилик қиларди. Қайга борса, тўнининг орқа этагини ҳимариб, мени опичлаб юрарди. Далага чиқса ҳам ёнидан жилдирмасди. Отқулоқми, тут баргиними юлиб тагимга «кўрпача»

килиб берарди. Опаларимга ҳам ишонмасди. Овозим дўриллаб, расида бўлгунимча отамнинг ёнида ётдим.

Мактабимиз олисроқ эди. Қиш кунлари отам мени ўраб-чирмаб оларди-ю, опичлаб мактабга жўнарди. Дарс оз бўлса, қоровулхонада кутиб ўтирар, ё мактабдан бўшашимга етиб келарди. Тагин опичлаб кетарди. Болалар мени: «Дадасининг канаси, ёпишиб юргани юрган» деб калака килишарди.

Ўқишни битирган йилим ёлғиз сигиримизни сотди-ю, мени Тошкентга, институтга олиб келди. Бир ой институт ҳовлисида қолиб, чопонини тагига қўйиб ўтирди. Конкурсадан ўтолмадим. Отам чаласавод бўлса-да, суриштириб, турли идораларга қатнади, колхозга бориб раисни бошлаб келди, елди-югурди, бировларга ёлворди – хуллас, бир илож килиб мени олий мактабга жойлаштирди.

Сағирлик жонимдан ўтганми ё отамнинг мени катта қилгунча чеккан азоблари ёдимда эдими, ишқилиб, яхши ўқидим. Отам ўзи емай едирди, киймай кийдирди. У киши ҳар икки гапнинг бирида: «Болам, сенга қолдирадиган меросим йўқ. Кўзим очиғида ўқиб, илмли бўлиб олсанг бўлгани. Етимчиликда биз ўқий олмадик, сен ўқи. Эл-юртнинг назарида юрганингни кўриб, ўлсам бас, армонсиз ўтаман», дерди.

Институтни аъло битирдим. Диплом олиб, кишлоғимга учдим. «Энди ўзимни аямай ишлайман, отамга қўл-қанот бўламан, – дердим ичимда, – уйимизни тузатаман, отамнинг машаққатларини унут қилдираман, тўрга ўтқазиб қўйиб, хурматини қиламан. Ахир, дунёга келиб нима кўрди?»

Бир йилча тиним билмай ишладим. Кейин институтда ўқитган домлам чақиртирди. Бордим. «Сизни олимлар қаторига қўшмоқчиман ўғлим, деди домла, – илгаридан илмга укувингиз бор эди. Ўзим аспирантурага киритиб қўяман. Ўзим илмий раҳбарингиз бўламан. Нима дейсиз?» Иккиландим. Домла таникли профессор. Унга шогирд бўлишни орзу қилиб юрганлар озмунча эмас. Қўнглим суст кетди. Бироқ кишлоқда қариб бораётган отамни ўйладим, рўйхуш бермадим. Отам эса бу фикрни эшитиб дарров рози бўлди. «Домланг оталик қилмоқчи бўлибди, аллома экан. Улуғларнинг эгагидан тутсанг кам бўлмайсан, болам. Мени ўйлама, худога шукр, тўрт мучам соғ, куним ўтиб турибди. Опаларинг бор, хабар олиб

туришар. Сен ўки. Фалончи сувчининг ўғли Тошкентда катта олим бўлиб ишлар экан. деган гап менга ётсам тўшак, суюнсам хасса, болам».

Уч йил қандай ўтганини сезмадим. Домланинг уйидан бери келмай кўйдим. Кугубхонадан чиқмайман. Қишлокка ҳам камдан-кам бораман. Тобора дала ишига ярамай қолаётган отамни кўриб эзилман, битқазган илмий ишимни ўйлаб суюнаман. ўзимга таскин бераман.

Домла менга чинакам оталик килди. Уч йилу уч ой деганда номзод бўлдим. Диссертацияни ювгани кичкина залга тўпландик. Ўша куни тўйимиз ҳам бўлди. Йўк, мен домланинг кенжа кизига уйланмадим. Анча обрўли бир амалдорга куёв бўлдим. Тўйга отам, опаларим келишди. Отам тортиниб тўрга ўтмади, ўқиган ўғил отадан улуғ деб пойгакка сурилаверди. Домлам уни қўлтиклаб ёнига олиб ўтирди.

Эрта кулмаган кеч кулар, кеч кулмаган ҳеч кулмас дейдилар. Машҳур профессорнинг шогирдлиги эканлигим асқотдими, «фалончиевга куёв»лигимми, ё ўзимнинг меҳнатларимми, ишқилиб омадим келди. Илмий доираларда номим чиқиб қолди. Домла деган мақом олдим. Қайнотам ёрдамида данғиллама уй солдим, мартаба пиллапоясидан аста-секин юқориладим. Ниҳоят, мана сиз кўриб турган даражага етдим. Фан докториман. Унвонларим етарли. Турли хил комиссиялар аъзосиман. Улкан бир жамоага бошман. Уч боланинг отасиман ва... отасини кўчага хайдаб солган оқпадарман!

Домла ух тортиб, калласини ортга ташлади. Кўзларини юмди. «Бечора, ўз ёғида ковурилиб адои тамом бўлаёзибди-ку!» – деб тасалли беришга уриндим.

– Улуғларнинг хатоси ҳам улуғ бўлар экан-да. Начора...

У бошини аста кўтарди. Ҳақорат эшитгандай кўзларини дарров очиб, безовта тамшанди.

– Одам табиати ғалати, ўзидан фазилат ахтариш ўрнига бировдан нуқсон қидиришни яхши кўради. Эҳтимол бу кусурдан камина ҳам ҳоли эмасдирман. Акс ҳолда: «Мени оқпадар қилган сен!» – деб ҳамма айбни хотинга тўнкаб ўтирмасдим. Ҳа, қарс икки қўлдан чиқади – гуноҳ эр-хотин иккаламиздан баравар ўтди.

Боя айтдим, келин бир амалдорнинг кизи эди. Албатта, у эрка ўсган, муҳтожлик кўрмаган. Бировга хизмат қилиб эмас, бировларга хизмат қилдириб ўрганган. Тўйдан кейин отамни кўчириб келдим. Хотинга шарт қўйдим: «Мени десангиз, чолни ранжитмайсиз. Дунёда суянадиган иккитагина одамим бор: бири отам, бири сиз. Мабодо у кишининг кўнглини синдирсангиз ўзингиздан кўринг. Кечирмайман!» Хотин ўйноқлаб бўйнимга осилди. «Вой, ўлибманми, кўнгилларини синдириб. Ахир, у киши бизга азиз меҳмон-ку!» Хотин «меҳмон» деганда нимани назарда тутганлигини ўша пайтлар англамабман.

Биринчи йиллари қайнотам билан келиннинг муносабатини кўриб ҳавасим келиб юрди. Отам келинини сизсирайди, келин «дадажон» деса, тилидан бол томади. Ҳафтага қолдирмай уст-бошини ювиб, чиннидай қилиб қўйди. Оғзига ёқадиган таомлардан пишириб беради. Иложи бўлса тўрт қават кўрпачадан туширмаса. Ҳатто, таҳорат сувигача иситиб, ипак жойнамозни пешкаш қилиб туради. Отам севинчдан кўзларига ёш олиб, эртаю кеч келинини дуо қилади, унга умр тилайди...

Шу алфозда уч йил ўтди. Бу орада икки фарзандлик бўлди. Ҳовли олиб, кўчиб ўтдик. Мени ишхонамга машина ташийдиган бўлди. Не ажабки, хотиннинг феъли ҳам ўзгара бошлади, димоғи кўтарилиб, серзарда бўлиб қолди, уй-рўзғорга ҳам унчалик кўнгли йўқ, ҳатто мени жеркиб ташлайдиган қилиқ чиқарди. «Бўлди, эримнинг бўйнига миниб олдим, энди икки боласини ташлаб ҳеч ерга кетмайди», деб ўйладими, отасининг ҳовли-жой сотиб олишимизда қарашганига ишорами, бошқа сабабми, ишқилиб ширин турмушимизга заҳар аралашди. Отамнинг аҳволини-ку айтмай қўя қолай. У киши худди бизникида ижарага турган одамга ўхшарди: ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ. Биронта қилиғи хотинимга ёқмайди. Кейинги вақтларда бир нарсани сезиб қолдим. Келин билан қайнота деярли гаплашмас экан. Бир куни тасодифан тушликка келдим. Қарасам, отам ҳовлида тик турганча кўйлагини юваяпти. Иссиғим чиқиб кетди. Секин бориб кўлидан кир тоғорани олдим. Отамни кўчага олиб чиқиб, машинага ўтқаздим. Тўғри дўконга бордик. Икки сидра кийим-бош олиб бердим. Кечқурун хотинни отасиникига олиб жўнадим. Жамоат жам экан. «Дада, – дедим қайнотамга, – турмуш

курганнингизга неча йил бўлди?» «Ўттиз йил, ўғлим, нима эди?» «Айтнинг-чи, шу ўттиз йил ичида бирон марта кийим-бошингизни ўзингиз ювганмисиз?» «Йўқ, ювмаганман» «Отам етмиш бешга чикди. Ҳар сафар ўз кийимини ўзи ювади, ишонмасангиз ана, қизингиздан сўранг!» дедиму, чиқиб кетдим.

Хотин уч кундан кейин йиғлаб-сиқтаб кириб борди. Тавбасига таянгандир деб умид қилдим. Йўқ, аксинча у тўнини тескари кийиб олди. Чолга баттар зуғум ўтказа бошлади. Жанжалнинг каттасини бошлади дедиму. кўрқоқлик қилдим. Бир ёқда докторлик диссертациям яқинлашиб турибди, бир томонда бош раҳбарнинг ўрни бўшаяпти, янги лавозимга менинг номзодимни кўрсатишибди. Тилимни тишладим. Бир ёмон хотиннинг касрига икки имкониятни бой бермай дедим. Яширмайман, ўша пайтлар отамнинг қисматини ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Мени Унвон билан Мансаб кўпроқ қизиқтирарди.

Отам, опаларингни кўриб келай, соғиндим, деб қишлоққа кетди. Икки ой келмади. Мен ҳам йўқлай олмадим. Икки ой Унвон ва Мансаб учун курашдим. Эҳтимол отам мени кутган, боравермаганимдан кейин, ҳа, керагим йўқ экан-да, деб умидини узган.

Ниҳоят, кўзлаган мақсадларимга етдим. Ҳимоя тантанали ўтди. Бош раҳбарнинг ўрнига ўтирдим. Эшикка оқ «Волга» келадиган бўлди. Телефон тўртта, котиба иккита, югурдақларнинг сон-саноғи йўқ. Шухратга, мақтовга кўника бошладим. Ана шунда отам қайта ёдимга тушди. «Мени мана шу айланма курсига ўтқазган отам-ку, ахир!» дедиму, «Волга»нинг ортида шойи пардага суяниб қишлоққа етиб бордим. Уйга кетайлик деб ялиндим, ёлвордим – отам кўнмади. «Сенлар тинч яшасанглр бўлди, шу менга давлат. Биз кетаётган одаммиз, сенлар келаяпсизлар, илоё омон бўлинглар», деб менга оқ йўл тилади. Ўн кундан кейин яна бордим. «Агар мен билан кетмасангиз, келинингиздан ажрайман», дедим. Оёқларига бош уриб, кечирим сўрадим. Отам ноилож ҳассасини кўлига олиб, машинага чикди.

Энди мен ёзувчилар айтмоқчи, икки оғиз лирик чекиниш қилмоқчиман. Биласизми, кейинги пайтларда кўлгина раҳбар ўртоқларимизнинг турмушини кузатиб, ғалати бир хулосага келгандай бўлдим. Одамнинг амали, мартабаси нечоғлик юқорилашган

сари, у хотинига шунчалик тоберок бўлиб қолади шескилли, деб ажабланаман. Мана, ўзимдан киёс. Отамни бир амаллаб уйга қайтардим. Аммо унинг илгариги фароғатли турмушини қайтара олмадим. Хотин бурунгидек уни силтаб, хўрламас эди-ю, лекин бирон марта «дада» деб очилиб гапирмасди ҳам. Мен бунака муомалани кўриб туриб, ўзимни кўрмаганга олардим. Гоҳо бир нарсани ўйлаб изтироб чекаман: мен тобора хотиннинг гапига кўпроқ кирадиган, унга қаттиқ гапира олмайдиган бўлиб қолаяпман. Доим қош-қовоғига қараб тураман. У ҳатто хизматимга араллашиб, менинг номимдан бировларга кўрсатма берганини эшитсам-да, яхши эмас, деб гуноҳқорона илжайишдан нарига ўтолмайман.

Мен лўли хотинининг чилдирмасига алданган телбага ўхшаб кетаётгандим. Ўйнаб-ўйнаб, охири куюк ўрмонга кирганимни билмай қолдим. Кўзим очилганда кеч бўлган эди.

Бир куни овкатдан кейин хотин шарт қўйди:

– Бу уйда ё мен тураман, ё отангиз! Хохлаганингизни танланг! Менга барибир.

«Чол нима ёмонлик қилди сенга? Унга супрадай жой билан бир қошиқ ёвгон етади-ку? У – менинг отам. Ҳеч қасқа кетмайди. Уятинг борми ўзи, хотин?» деёлмадим. Чунки хотин илгари ҳам бир марта жанжал қилиб кетиб қолган, ярим буюми онасиникида эди. Ичим ёнди. Кўз олдимга ҳашаматли кабинетим, илмий давралардаги «Хуш кўрдик»лар, ишхонадагиларнинг кўл ковуштириб туришлари, яқинда бўладиган сайловлар келди. Журъатсизлик, тобслик устун чиқди. Беандишалик, бефаросатлик қилдим.

– Отам ... қайга боради? – дедим кизариб. Хотин сал юмшади.

– Мен қариялар уйдан жой гаплашиб қўйдим. Қўрқманг, фамилиянгни сотмадим, бировларнинг номидан ҳужжат тўғирладик.

Отам мени ўн ёшимгача опичлаб катта қилган эди. Энди мен салкам саксон яшар падари бузрукворимни ўз қўлим билан олиб бориб, кўмиб келдим. Эски буюмдек кўчага чиқариб ташладим. Отам мен билан очилиброқ хайрлашмоқчи бўлди-ю, эплай олмади. «Хотининг билан уришма, болам, – деди овози қалтираб, – ўлигим кўчада қолмасин. Қишлоққа олиб бориб кўм». Ўшанда ҳам эсимни йиғмабман. «Гумроҳ ўғлингизни кечиринг, отажон!» деб оёқларига

йиқилсам, қайта изига қайтарсам бўлмасмиди? Ўзига алоҳида уй олиб бериб, олдига хизматкор солиб қўйсам, кучим етмасмиди?

Уч кун ишга чиқмадим. Уч кун ётиб йиғладим, ўн минг, балки юз мингдан бир одам боласи йўл қўядиган хато қилганимни энди тушунган эдим. Тўртинчи куни ўрнимдан туриб, хотинни чақирдим.

– Кўнглингиз тўлдими, хоним? – дедим. У важоҳатимдан кўрқди шекилли, ортига тисарилаб бидиллади:

– Вой, мана бу кишини! Менга нима дейсиз? Ўзингиз-ку, бир оғиз йўқ демай обориб ташлаган...

Миямга гурзи тушгандек бўлди. «Бу кунингдан ўлганинг яхши», деб бошимга мушгладим.

– Энди сизга ҳам жавоб, истаган ерингизга бориб арз қилаверинг. Отам сиғмаган ер менга ҳам ҳаром.

Хотин тахта бўлиб қолди. Мен ҳужжатларимни портфелга солиб чиқиб кетдим.

– Чакки қилибсиз, домла, – дедим биринчи марта сўзини бўлиб, бир йўла ҳам отадан, ҳам оиладан жудо бўлиш ... ақлли одамнинг иши эмас.

– Қайси ишим ақлли одамники? – сўради у жаҳл билан. – Шухрату амални ўйлаб отамни оёғости қилганимми? Тасалли истагандек сизга ҳасратимни айтиб ўтирганимми? Ё қилғиликни қилиб, айбни хотинга ағдарганимми? Қай бири ақлли одамнинг иши, айтинг!

Индамадим.

– Бу воқеага уч ой бўлди. Ич-этимни еб бўлдим. Сочимнинг ярми оқарди. Уч ойнинг икки ойи касалхонада ўтди. Бошим ғувиллайди. Нима қиларимни билмайман. «Домла, сизга нима бўлди?» деб ишхонадагилар ҳам ҳайрон. Инсонга табиат юборган дард борки, ҳаммасини бировга айтиш мумкин. Менинг дардимни айтиб бўлмайди. Шунинг учун одамларга қўшилмайман. Ҳали ёнимга бир чол келди. Юрагим чиқиб кетай деди. Туриш-турмуши, бўй-басти, хатто юзидаги чандиғигача отамни эслатади. Кўрқиб, шу ёкка ўтдим.

– Ўзингиз бу аҳволда бўлсангиз, дадангизни ҳам бориб кўролмагандирсиз?

– Афандимисиз, сог бўлганимда-чи? Нима деб бораману, қайси бетим билан бораман? Ота, илгари меҳрим йўқ эди, бировлардан ақл ўрганиб, меҳрли бўлиб келдим, дейманми? Меҳрнинг бозори йўқ...

У соатига қараб ўрнидан турди. Ғамгин кулди.

– Ана биродар, «қиссаи оқпадар» тамом. Нима деб ўйласангиз, қандай ҳукм чиқарсангиз – ихтиёрингиз. Менга барибир. Мени бир масала қийнайди. Отам «Болам, ўлигим кўчада қолмасин, қишлоққа олиб бориб кўм», деб васият қилди. У киши бир кунни оламдан ўтса, қандай хабар топаман? Ахир отамнинг манзили нотайин, ёлғон-ку? Мен уни қариялар уйига топшираётганимда қариндошиман, дегандим. У ердагилар хокисоргина чол фалон-чи профессорнинг отаси эканлигини хаёлларига келтирармикан? Ҳа, дарвоқе, яқинда отам ишхонамга икки энлик хат бериб юборибди. Мазмуни шуки, «Болам, бу ердагилар ўғлингиз бор экан, қаерда ишлайди, деб суриштирди. Сенинг кимлигингни айтмадим. Обрўйингга путур етмасин, дедим. Ташвиш тортмай ишлайвер, бошинг тошдан бўлсин», дебди. Бечора отагинам! Ўзи не аҳволда-ю, ҳамон фарзандини ўйлайди... Узр, муолажам бор эди, борай. Врачларга ҳам қойилман. «Ғам еманг, домла, отдай бўлиб кетасиз», дейишади. Оптимистлар! Билишмайдики, юзта невропатолог, мингта психиатр бош кўшганда ҳам менинг дардимга дармон топишлари гумон. Чунки менинг дардим – бедаво!





---

## МУНДАРИЖА

### ҚИССАЛАР

Бир чора замон истаб.....	5
Саратонда ёққан қор .....	97
Ўзликка қайтиш.....	177

### ҲИКОЯЛАР

Зухра холанинг келини .....	209
Ёлғиз одам.....	230
Қаламқошимга қаламдошман .....	243
Камина – қуёв.....	247
Қозон бошидаги хотин.....	253
Эгасиз уй.....	258
Зорийдан ўч олганим .....	267
Бепарво бўлмоқчиман.....	272
Дока рўмолнинг куриши .....	278
Ҳурматли бошлик... рафиқам.....	283
Содиқжоннинг «қаллиғи» .....	289
«Африкалик масхарабоз» .....	293
Меҳмондан пул олмаймиз .....	300
Бир ой «мистер» бўлганман .....	305
Чол билан кампир .....	310
Ёстик кучоклаган меҳмон .....	315
Ўзим ёмонман.....	321
Эркакча эртак .....	325

### БАДИАЛАР

Даҳо шоирнинг муножоти.....	331
Хоразмнинг сўнги маликаси.....	334
Қаноатинг – қанотинг .....	340
Сўз мулкининг заргари.....	345
Пайваста диллар меъмори.....	350
Фарғонанинг афандиси.....	360
Гумроҳ.....	364

24.000 Қарамта  
ишлат.н

С 33 Сиёев, Саъдулла  
Хоразмнинг сўнги маликаси: қиссалар, ҳикоялар, бадналар /  
С. Сиёев. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2014. – 376 б.  
ISBN 978-9943-28-059-5

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(5Ў)6

*Адабий-бадний наир*

Саъдулла СИЁЕВ

## ХОРАЗМНИНГ СЎНГИ МАЛИКАСИ

ҚИССАЛАР  
ҲИКОЯЛАР  
БАДИАЛАР

Мухаррир *Алишер Саъдулла*  
Рассом-дизайнер *Б. Зуфиров*  
Техник муҳаррир *Т. Ҳаритоновна*  
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*  
Мусаххих *Ш. Орипова*  
Компьютерда саҳифаловчи *К. Голдобина*

Наширёт лицензияси А1 № 158. 14.08.2009.

Босишга 2014 йил 12 сентябрда руҳсат этилди.

Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Газетная пухлая» коғози. «Times New Roman» гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 21.86.

Нашр табоғи 21,36. Адади 3000 нусха. Буюртма № 14-139.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



Хоразмнинг  
сўнги маликаси



“O‘ZBEKISTON”

